ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

”ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

# ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

ф а н и д а н ў қ у в – услубий м а ж м у а

Билим сохаси: 200000- Ижтимоий соха, иқтисод ва хуқуқ

Таълим сохаси: 230000- Иқтисод

Таълим йўналиши: 5230100- Иқтисодиёт (тармоқлар ва сохалар бўйича)

**ГУЛИСТОН 2017**

"Иқтисодиёт назарияси" фанидан ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 7 январда № БД 5230100 билан рўйхатга олинган ва 2015 йил 2 февралдаги №32 сонли буйруғи билан тасдиқланган "Иқтисодиёт назарияси" фанининг ўқув дастурига мувофиқ тайёрланган.

**Тузувчилар:**
М.Нурмухамидова, О.Юсуфалиев ГулДУ "Иқтисодиёт" кафедраси ўқитувчилари
**Тақризчилар:**
А.А. Маматов ТМИ, Менежмент ва маркетинг кафедраси профессори, и.ф.д.
А.Бурхонов ГулДУ, Иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н.

"Иқтисодий таълимотлар тарихи"фани бўйича ўқув-услубий мажмуа Гулистон давлат университети Ўқув-услубий кенгашинининг 2017 йил 27 августдаги № 1 сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига тадбиқ этиш учун тавсия этилган.

**МУНДАРИЖА**


| | | |
|---|---|---|
| I. | Ўқув материаллари | |
| 1.1. | Маъруза материаллари | |
| 1.2. | Амалий машғулот мавзулари | |
| | а) Асосий матн | |
| | б) Топшириқлар ( мисоллар, кейслар, тестлар) | |
| | в) Назорат савоолари | |
| | г) Адабиётлар рўйхати | |
| II. | Мустақил таълим машғулотлари | |
| III. | Глоссарий | |
| IV. | Иловалар | |
| 4.1. | Фан дастури | |
| 4.2. | Ишчи ўқув дастури | |
| 4.3. | Тарқатма материаллар | |
| 4.4. | Рейтинг тизими асосида баҳолаш мезонлари | |

# 1-Модул. Иқтисодиёт назарияси фанининг ривожланиш босқичлари

## 1.1-Мавзу: Иқтисодиёт назарияси фанининг шаклланиши

**Режа:**

**1.1.1. Иқтисодиёт ва иқтисодий фаолият**
**1.1.2.Иқтисодий билимларнинг вужудга келиши ва иқтисодий фанларнинг шаклланиши**
**1.1.3.Иқтисодий фанларнинг шаклланишида асосий ғоявий оқимлар**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Иқтисодиёт, эҳтиёж, иқтисодий ресурслар, иқтисодиёт назарияси фанининг предмети, иқтисодий қонунлар,иқтисодий категориялар,услубият,диалектик усул.

### 1.1.1. Иқтисодиёт ва иқтисодий фаолият

**Iqtisodiyot –** bu iqtisodiy ne'matlar va vositalarni takror ishlab chiqarish jarayonida vujudga keladigan iqtisodiy munosabatlar hamda ularni tartibga soluvchi mexanizmlar va infratuzulmaviy muassasalarning ma'lum darajada tartibga solingan tizimidir.

Инсонларнинг талаб-еҳтиёжлари кўп ва турличадир. Биологик нуқтаи-назардан олиб қаралганда, инсонларга фақатгина ҳаво, сув, озиқ-овқат, кийим- кечак ва оддий бошпана бўлса кифоя қилади. Аммо биз яшаётган замонавий жамиятда инсонлар ўз турмуш-тарзини ва яшаш–шароитларини яхшилаш учун кўпроқ хизматлар ва маҳсулотларга талаб сезадилар. Энди инсонлар дарёдан оқиб турган оддий сувга э мас, балки сув идишлардаги чиройли қадоқланган сув, салқинлантирувчи ичимликлар ва шарбатларга эҳтиёж сезадилар. Инсонлар ўрмонлардан маймунжон ва ёнғоқларни териб емай, балки хушхўр салатлар, мазали таомлар ва анвоий егуликларни хоҳлайдилар. Кийиниш борасида ҳам аввалги ибтидоий жамиятдаги каби э нг содда кийим- кечакларни э мас, балки қимматбаҳо кийим-кечаклар, бежирим костюмлар ва палтоларни кийишни хоҳлаймиз, албатта.

Аввалгидек инсонлар чайлаларда эмас, балки кўп қаватли биноларда, ҳашамдор иморатларда кун кечиришни истайдилар. Инсон э ҳтиёжини чек-чегараси йўқ. Шунингдек, биз ўзимизда кундалик ҳаётимизни яхшилашга ва енгиллаштиришга ёрдам берадиган уй жиҳозларига, таълим олишга, ҳавфсизликка, уяли телефонларга, соғликни сақлаш хизматига ва ҳоказоларга эҳтиёж сезамиз.

Инсонни бахтига ер, фойдали қазилма бойликлар, иш қуроллари, техника, меҳнат қилиш ва бошқарувчилик салоҳияти каби ишлаб-чиқриш ресурслари мавжуддир. Ҳудди мана шу ресурслар иқтисодиётда қўлланилиб, бизга маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва кўпгина иқтисодий талабларимизни қондиришда ёрдам беради. Лекин оддий ҳақиқат шундан иборатки, бизнинг иқтисодий талабларимизни қондириш учун биздаги мавжуд ресурслар чегараланган. Энди биз танлашга мажбурмиз. Шу аччиқ ҳақиқат иқтисодиёт иборасини тушунишга ёрдам беради ва ўз ўрнида, иқтисодиёт термини ҳом-

ашё ва ресурслар инсонларни бутун эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмаганлигидан[1]

Иқтисодиёт фани – истеъмолчилар, ишлаб- чиқарувчилар ва жамият ушбу чекланган ресурсларни қандай мусодара қилишини ўргатадиган ижтимоий фан ҳисоб-ланади.




**E'TIBOR BERING ...**

HAMMA UCHUN BEPULmi? Hayotimizda ba'zan biror bir turdagi mahsulotni bepul qo'lga kiritish mumkin bo'lib ko'rinadi. Sotuvchilar mahsulotlariga qo'shib bepul telefonlar, tish cho'tkalari, ba'zi bir xizmat ko'rsatish markazlaridan tekin jurnallar yoki xaritalarni olishingiz mumkin. Mana shu bepul tarqatilayotgan mahsulotlar iqtisodiyotcxilarni "sichqon tutgichda hech qachon tekin pishloq bo'lmaydi" degan mulohazalarini aksi bo'lib ko'rinmaydimi? Yo'q, albatta! Har bir bepul berilgan narsalar uchun ham qandaydir hom-ashyodan foydalanilgan, agar o'sha resurslardan boshqa maqsadda foydalanilganda, jamiyatga kerakli boshda biror foydali narsani ham ishlab chiqarish mumkin edi. Modomiki, resurslardan biror mahsulot yoki xizmat turini ishlab chirarish uchun foydalanilsa, hech qanday bepul yoki qiymatsiz narsa bo'lishi mumkin emas ekanligini tushunish mumkin.

Shunday ekan nima uchun ba'zan ba'zi mahsulotlar xaridorlarga bepul tarzda tarqatiladi? Bir so'z bilan aytganda, bu holatni *marketing* deyish mumkin! Firmalar xaridorlarga bepul mahsulotlarni ulashish orqali ularni keyinchalik shu kabi mahsulotlardan ko'proq xarid qilishga undaydilar. Aytaylik, biror firma tomonidan berilgan bepul tish cho'tkasini olgandan keyin vaqt o'tib, o'sha xaridor o'sha firmani qimmatroq tish cho'tkasini sotib olishi mumkin. Boshqacha qilib aytganda, bepul ulasxilgan biror-bir mahsulot keyinchalik kattaroq xarid qilish uchun undov bo'lishi mumkin. Bir shisha bepul ichimlik olish uchun siz kattagina pizza sotib olishingiz kerakdir. Bir dona bepul qo'l telefoni evaziga siz bir yil muddat o'sha kompaniyaning telefonlariga xizmat ko'rsatish uchun nashrga chiqarilgan jurnalga a'zo bo'lishingiz talab qilinar!

Shunday qilib, bepul tarqatilgan harsa –buyumlar kishilarga hech qachon aslida tekin berilmagan bo'lib chiqadi. Jamiyatimizdagi hech qaysi mahsulot hech qachon shunchaki bepul berilmaydi.

Бошқача айтганда иқтисодиёт - бу зарурий ҳаётий неъмат ва воситаларни яратиш йўли билан жамият эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи хўжалик тизимлари мажмуасидир. Ҳар қандай иқтисодиёт бир қатор зарурий бўғинлар ва умумий таркибий тузилмалардан иборат бўлади.

Булар ичидан ишлаб чиқариш-нинг технологик усули, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-иқтисодий муносабатлар, ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ихтисослашиш, жамиятнинг иқтисодий ресурс салоҳияти ва устқурмавий тузил-маларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қадимда иқтисодий фаолият-нинг асосий шакли уй хўжалиги доирасида рўй берган. Шунинг учун иқтисодиёт деганда уй хўжалиги ва уни юритиш қонун-қоидалари тушинилган. Лекин, ҳозирги даврда иқтисодиёт фақат уй хўжалиги доираси билан чекланиб қолмайди, балки йирик хусусий ва жамоа хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари, давлат хўжаликлари, молия ва банк тизимлари, хўжаликлараро, давлат-лараро бирлашмалар, қўшма корхоналар, ҳамда улар ўрта-сидаги иқтисодий муносабатлардан иборат бўлган, жуда мураккаб тузилма ҳисобланади.

---

[1] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar,muammolar va siyosat. O'n ettinchi Nashr. 8-9 b.

**Иқтисодий фаолият.** Инсоннинг турли фаолиятлари ичида энг асосийси, уларнинг яшаши ва камол топишини таъминлайдиган моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш  ҳамда хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган иқтисодий фаолиятдир.

Кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётий неъматлар ва воситаларни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли-туман фаолиятлар яхлит қилиб, иқтисодий фаолият деб аталади.

Такрор ишлаб чиқариш. Иқтисодиёт доирасида иқтисодий бойликларни,  яъни жамият учун зарур бўлган неъмат ва воситаларни такрор ишлаб чиқариш жараёни рўй беради.

Иқтисодий фанда такрор ишлаб чиқариш қисқариб борувчи, оддий ва кенгайтирилган турларга ажратилади.

Қисқариб борувчи такрор ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш ҳажми камайиб бориш тартибида такрорланса, унинг оддий турида бир меъёрда, ўзгармасдан ва кенгайтирилган турида эса бу жараён кўпайиб бориш тартибида такрорланади.

Товарлар, хизматлар ва ресурсларнинг ҳаракати бўйича такрор ишлаб чиқариш - ишлаб чиқариш,  айирбошлаш,  тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларининг бирлиги-дан иборатдир. Буларнинг ичида энг асосийси ва бошланғич бўғини ишлаб чиқариш жараёнидир. Чунки ҳамма товар ва хизматлар худди шу босқичда яратилади. Агар ишлаб чиқарилмаса, тақсимланадиган, айирбошланадиган ва ниҳоят, истеъмол қилина-диган нарсалар бўлмайди.

Тақсимот жараёнида ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, товар ва хизматлар ҳамда пул даромадлари, тармоқлар, соҳалар, ҳудудлар, корхоналар ва жамиятнинг алоҳида аъзолари ўртасида тақсимланади ҳамда қайта тақсимланади.

Айирбошлаш яратилган неъматлар ва бойликларнинг ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларини боғловчи бўғин ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида иқтисодий алоқа, яъни – айирбошлаш жараёни пул ва унга тенглаштирилган воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Такрор ишлаб чиқаришнинг охирги босқичи истеъмол жараёнидир. Бу жараёнда товарлар ва хизматлар ўзларининг пировард истеъмолчиларини топади ҳамда турли хил эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади.  Истеъмол икки турга бўлинади:  унумли ва шахсий истеъмол. Ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилиб, унумли истеъмол қилинади. Истеъмол буюмлари шахсий истеъмол жараёнида  фойдаланилади  ва шу орқали уларнинг ўрнига янгисини ишлаб чиқариш  зарурияти пайдо бўлади.



**1.1-расм. Товарлар, хизматлар ва ресурсларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларидаги ҳаракати**

Шундай қилиб, товарлар, хизматлар ва ресурсларнинг ҳаракати доимо тўхтовсиз такрорланиб, узлуксиз янгиланиб турадиган жараёндир. Бу жараённинг амалга ошишида жамият инфратузилмаси муҳим рол ўйнайди.

### Инфратузилма ва унинг турлари

Инфратузилма – бу ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг бир меъёрда рўй бериши ҳамда кишилар турмуш кечиришининг умумий шарт-шароитини ташкил қилувчи соҳалар.

**Infratuzilma –** bu ishlab chiqarish va ayirboshlashning bir me'yorda ro'y berishi hamda kishilar turmush kechirishining umumiy shart-sharoitini tashkil qiluvchi sohalar.

Инфратузилма қуйидаги турлардан иборат бўлади:

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси-бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатади. Булар сақлаш ва узатиш воситалари (моддий техника таъминоти, транспорт, алоқа, йўллар, хисоблаш марказлари ва бошқалар)дир.

Ижтимоий инфратузилма-кишилар яшаш ва ҳаёт кечиришининг ижтимоий-маданий ва маиший шароитларини ташкил қилади (таълим, соғлиқни сақлаш, маиший, уй-жой ва коммунал хўжалик).

Бозор инфратузилмаси-товарлар ва иқтисодий ресурслар айрибошлаш жараёнига хизмат қилади (биржалар, савдо уйлари, аукционлар ва бошқалар).

Иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи жамият эҳтиёжларининг чексизлиги ҳамда иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир.

Иқтисодиётнинг асосий муаммоси – иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қандай қилиб тўлароқ қондириб бориш мумкинлиги тўғрисидаги масаладир.

Иқтисодиётнинг асосий муаммосини ҳал қилиш йўллари:

иқтисодий ресурслар миқдорини кўпайтириш;

ресурслар унумдорлигини ошириш;

ресурслардан фойдаланишнинг турли хил муқобил вариантларидан энг самаралисини танлаш; жамият эҳтиёжларини чеклаш.

### Ишлаб Чиқариш Имкониятлари жадвали

Ресурслардан тўлиқ фойдаланиш орқали ишлар чиқарилиши мумкин бўлган икки маҳсулотнинг турлича комбинатсиясини кўриб чиқсак. 1.1 жадвалда питса ва саноат роботлари ишлаб чиқарувчи оддий эҳтимолий иқтисодиётни акс эттиради. Албатта, унга киритилган маълумотлар ҳам эҳтимолийидир. Айтайлик бирор А устунда, иқтисодиёт ҳамма ўзининг етарли ресурсларидан саноат роботларидан ишлаб чиқариш учун жалб этади (капитал товарлари): э устунда эса, у ҳамма ресурслардан питса тайёрлашда фойдаланади (истеъмол товарлари). Барча алтернативлар ҳаққоний бўлмаган кўрсаткичларни кўрсатади; Б,С ва Д устунларда берилганидек иқтисодиёт ҳам капитал маҳсулотларини ҳам истеъмол товарларини ишлаб чиқаради. Агар А ва э устунларга эътибор берадиган бўлсак, саноат роботларини ишлаб чиқариш эвазига питса ишлаб чиқариш суръатини тезлаштирамиз.

Истеъмол товарлари инсон эҳтиёжини тўғридан-тўғри қондирса, э устунга қараб силжиш қизиқарли бўлиб туюлади. Копроқ питса ишлаб чиқариш орқали жамият ўз эҳтиёжларини вақтинча қондирилишини тезлаштиради. Аммо бу ерда нарх муаммоси ҳам бор: кўпроқ питса дегани

камроқ саноат роботлари демакдир. Ресурсларни бу таҳлит истеъмол товарларига йўналтирилиши вақтлар оша амият билан ҳамоҳанг давом этиб кетаверади чунки капитал маҳсулотларининг заҳираси ҳозирги ҳолатида кенгая олмайди, натижада келажакда кўп миқдорда ишлаб чиқариш потенсиали йўқолади. Агар э устунга силжиса, жамият кейинчалик янада кўпроқ ишлаб чиқаришни ўрнига ҳозирчалик кўп ишлаб чиқаршди танлайди.

**TABLE 1.1 Production Possibilities of Pizzas and Industrial Robots**

| | Production Alternatives | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Type of Product | A | B | C | D | E |
| Pizzas (in hundred thousands) | 0 | 1 | 2 | 3 | 4 |
| Robots (in thousands) | 10 | 9 | 7 | 4 | 0 |

**1.1-жадвал. Ишлаб Чиқариш Имкониятлари жадвали**

А устунга силжиб борилса, жамият ҳозирги истеъмолидан воз кечишди танлайди, бу таҳлит, капитал маҳсулотларини ишлаб чиқарувини тезлатувчи ресурсларни енгиллаштиради. Шу йўл билан капитал заҳирасини тузиб олгач, жамият кейинроқ кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради, шунинг учун, бунинг натижасида келасида кўпроқ истеъмол кўрсаткичига эришилади. А устунга силжиб бориш орқали, жамият кейинчалик камроқ ишлаб чиқариш эвазига ҳозир кўпроқ ишлаб чиқаришни танлайди.

Умумийлаштириш: Хоҳлаган вақт оралиғида, ўз ресурсларидан тўлиқ фойда-ланаётган иқисодиёт бир махсулот ишлаб чиқариш эвазига бошқа бирини қурбон қилади. Чунки ресурсларнинг танқислиги ҳар иккала маҳсулотни ишлаб чиқариш имкониятларини чеклайди. Жамият алтернативлардан бирини танлашга мажбур бўлади. Сабаби, ҳеч қаерда бепул питса ёки бепул саноат роботлари бўлмайди.[2]

[2] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar,muammolar va siyosat. O'n ettinchi Nashr. 19 –20 b

## 1.1.2. Иқтисодий билимларнинг вужудга келиши ва иқтисодий фанларнинг шаклланиши

Иқтисодий жараён сирларини билишга қизиқиш жуда қадим замонларда ҳам мавжуд бўлган.



Abu Ali Ibn Sino (980-1037) 280 dan ortiq asarlar yozgan. “Uy – joy tutish tadbiri” asarida Iqtisodiyotning rivojlanishini obyektiv qonun-qoidalarini ochib bergan.

Иқтисодиётга оид билимлар антик дунёнинг кўзга кўринган олимлари Ксенофонт, Платон, Аристотел шунингдек, қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё муттафаккирлари асарларида ҳам учрайди.Масалан, минг йиллар оша бизга етиб келган Қуръони Каримни, Ҳадисларни, Қобусномани, бобокалонларимиз Абу Али Ибн Сино, Абу Носир Форобий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек асарларида инсоннинг яшаши учун табиат эҳсонлари етарли эмаслиги, шунинг учун уларни яратиш мақсадида меҳнат қилиш лозимлиги боз-боз уқтирилган.



Abu Nasr Muhammad ibn Muhammad ibn Tarxan ibn Uzlag al – Farobiy. 160 dan ortiq asarlar yaratgan.

Улар томонидан инсон ўзи учун зарур бўлган истеъмол буюмларнинг барчасини шахсан ўзи яратолмаслигини, шунинг учун бир-бири билан иқтисодий алоқада, муносабатда бўлишлари объектив зарурият эканлигини қайд қилинган.



Айни вақтда мазкур манбаларда доимо хўжаликларнинг барча турларида (уй, шаҳар, давлат) даромади билан харажатлари мувозанатига катта эътибор бериш лозимлиги, пулнинг мазмуни ва унинг келиб чиқиш сабаблари ёритилган.

Аристотел биринчи бўлиб бир қатор иқтисодий категорияларни асослаб, уларнинг ўзаро боғликлигини кўрсатади. У товарнинг икки томонини (хусусиятини) кўрсатиб, айрибошлаш нисбатини асослайди, пулнинг келиб чиқиши ва вазифаларига ўзининг қарашларини баён қилади.



Қадимги дунё олимлари иқтисодиётни изчил ўрганиш асосида унинг кўпгина қонун-қоидаларини, тушунчаларини ёритиб берган бўлса ҳам, у даврда иқтисодий фан илмий билимнинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланмаган.

Иқтисодий ҳаёт сирларини билиш ва шу йўлдаги фаолиятнинг асосий йўналишларини аниқлашга интилиш жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб, бу интилиш иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, уни кишиларга керак бўлган томонга йўналтиришга ижобий таъсир этиш заруриятидан келиб чиққан.

Иқтисодиётга оид билимларга дастлаб, антик дунёнинг кўзга кўринган олимлари Ксенофонт, Платон, Аристотел асарларида, шунингдек, қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё олимларининг асарларида эътибор қаратилган

эди.

Биз минг йиллар оша бизгача этиб келган муқаддас Қуръони Карим, ҳадислар, Қобуснома, Ибн Холдун асарлари, боболаримиз Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек асарларини ўқир эканмиз, уларда инсоннинг яшаши учун табиат эҳсонлари этарли эмаслиги, ижодий меҳнат қилиш кераклиги қайта-қайта уқтирилганлигига яна бир карра амин бўламиз. Жумладан, араб мутафаккири Ибн Холдун Абдураҳмон Абу Зайд (1332-1406)нинг иқтисодиёт билимларини ривожлантиришдаги ҳиссаси жуда каттадир. У ўзининг 1370 йилда ёзилган «Китоб-ул-ибар» («Ибратли мисоллар китоби») асарида дунёда биринчи бўлиб товарнинг икки хил хусусиятини - истеъмол қиймати ва қиймат тушунчаларини, оддий ва мураккаб меҳнатни, зарурий ва қўшимча меҳнат ҳамда зарурий ва қўшимча маҳсулот тушунчаларини ажрата билди.

Шунингдек, Ибн Холдун томонидан товарларни айирбошлаш жараёнида улар бир-бирига таққосланганда меҳнатни тенглаштириш шаклида юзага чиқиши, яъни товарда гавдаланган меҳнатнинг миқдори ва унинг нафлилигининг ҳисобга олиниши ҳам таъкидланган[3].

«Капитал» категориясига ёндашувларнинг дастлабки манбаларини Абу Али Ибн Сино (980-1037)нинг асарларида кўриш мумкин. У ҳаётнинг тўққизта омили: эр, ҳаво, олов, инсоннинг асаб тизими, «ҳаёт шарбати», тана қисмлари, қалб, куч, ақлий фаолиятни ажратиб кўрсатган. Бу ўринда ҳам иқтисодий ҳам жисмонийҳам руҳий ҳам аҳлоқий тавсифлар ажойиб тарзда бирлаштирилган .

Алишер Навоийнинг иқтисодий масалаларга оид ғоялари «Вақфия» (1482) ва «Маҳбуб-ул-қулуб» (1500) асарларида баён этилган. У маҳсулотни уч қисмга бўлиб, биринчи қисмини кетган харажатга, иккинчи қисмини ўзининг ва оиласининг эҳтиёж ларига, учинчи қисмини эса аҳолининг ижтимоий қатламларини ўрганди.

Иқтисодиёт назарияси мустақил фан сифатида кўпгина мамлакатларда миллий бозор шаклланган ва жаҳон бозори вужудга келаётган даврларда «сиёсий иқтисод» номи билан шакллана бошлади.

Сиёсий иқтисод грекча сўздан олинган бўлиб «политикос» - ижтимоий, «ойкос» - уй, уй хўжалиги, «номос» - қонун дегани. Яъни уй ёки ижтимоий хўжалик қонунлари маъносини беради. 1575-1621 йилларда яшаб, ижод қилган француз иқтисодчиси Антуан Монкретен биринчи марта 1615 йилда «Сиёсий иқтисод трактати» номли кичик илмий асар ёзиб, бу фанни мамлакат миқёсида иқтисодиётни бошқариш фани сифатида асослади. Кейинчалик классик иқтисодчилар бу фикрни тасдиқлаб, сиёсий иқтисод кенг маънода моддий ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқарувчи қонунлар тўғрисидаги фандир, деб ёзган эдилар.

---

[3]А.Раззок;ов., Ш.Тошматов., Н.Урмонов. Ик;тисодийтаълимотлартарихи. Т.: «Молия». 2002, 42-бет.

### 1.1.3. Иқтисодий фанларнинг шаклланишида асосий ғоявий оқимлар

Иқтисодёт назарияси фани кўпгина мамлакатларда миллий бозор шаклланган ва жаҳон бозори вужудга келаётган даврларда дастлаб «сиёсий иқтисод» номи билан шакллана бошлади.

Сиёсий иқтисод грекча сўздан олинган бўлиб «политико» – ижтимоий, «ойкос» - уй, уй хўжалиги, «номос» – қонун, яъни уй ёки ижтимоий хўжалик қонунлари деган маънони билдиради. 1575-1621 йилларда яшаб ўтган француз иқтисодчиси Антуан де Монкретен биринчи марта «Сиёсий иқтисод трактати» (1615 й.) номли асарида, бу фанни мамлакат миқёсида иқтисодиётни бошқариш фани сифатида асослади.

Иқтисодий фан шаклланиши жараёнида бир қанча ғоявий оқимлар, мактаблар вужудга келган. Улар жамият бойлигининг манбаи нима, у қаерда ва қандай қилиб кўпаяди, деган саволларга жавоб топишга уринишган. Бундай иқтисодий оқимлардан дастлабкиси «меркантилизм», деб аталган. Бу оқим тарафдорлари одам-ларнинг, жамиятнинг бойлиги (пулдан, олтиндан иборат бойлик) савдода, асосан ташқи савдода–муомала жараёнида пайдо бўлади, кўпаяди, савдода банд бўлган меҳнат унумли меҳнат, бошқа меҳнатлар эса унумсиздир, деб тушунтиради.

Бошланғич меркантализм (ХИВ аср охири-ХВИ аср ўрталари) монетар тизим деб номланиб, унинг асосий шарти-пул (олтин, кумуш) ни мамлакатда ушлаб қолиш ҳисобланган. Вақт ўтиши билан меркантaлистлар бу тадбир ўз-ўзича мамлакатнинг бойлигини оширмаслигини тушунишган. Кейинги меркантализм (ХВИИ аср-ХВИИИ аср бошлари) ташқи савдо ривожланиши ва фаол савдо балансига эга бўлишда пулни ташқарига чиқаришни тақиқлаш иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўлишини англашган. Бу ҳолда асосий талаб ташқи савдода пулнинг ижобий қолдиғи бўлиши ҳисобланган, пул оқимини тартибга солиш эса иқтисодий усуллар ёрдамида эришилиши лозим (ташқи савдони юқори бож тарифлари билан чеклаш, товарлар экспорт учун имтиёзли шартларни белгилаш).

Кейинги меркантлизмнинг Англиядаги асосий назариячиси Томас Мен (1571-1641) ҳисобланиб, шу оқим нуқтаи наздида давлатнинг ички ва ташқи сиёсати асосланади. Меркантализм консепсияси асосан протексионизм сиёсатига таянади, яъни давлатнинг иқтисодиётни бошқаришда қатнашиши, экспортнинг импортдан юқори бўлиши ва бойликни кўпайтиришни таъминлаши зарурлигига эътибор қаратади.

Бу объектив вужудга келган назария ва сиёсат капиталнинг дастлабки жамғарилиши ва шу орқали иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатган.

«Физиократлар» меркантилистлардан фарқли ўлароқ, бойлик қишлоқ хўжалигида яратилади ва кўпаяди, деган ғояни олға сурди. Физиократия грекча сўздан олинган бўлиб таржимаси “табиат ҳукмронлиги” деган маъноно англатади. Бу мактаб дастлаб ХВИИИ аср ўрталарида вужудга келиб, кейин Италия, Англия ва Германияда кенг ёйилган. Франсияда физиократлар ғоясининг асосчиси Франсуа Кене (1694-1774) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ягона тармоғи ҳисобланади, унда табиий йўл билан қўшимча “соф маҳсулот” вужудга келиб, халқнинг бойлигини кўпайтириб боради деган қарашни илгари суради.

Қишлоқ хўжалигида доимий такрор ҳосил қилинадиган бойлик барча соҳалар ўсиши учун асос бўлиб хизмат қилади, савдонинг гуллаб яшнаши ва аҳоли фаровонлигига олиб келади, саноатни ривожлантиради ҳамда миллатнинг камолатини таъминлайди. Физиократлар иқтисодий қонунлар ҳам табиат

қонунлари каби табиий, улар ўйлаб топилмайди балки уларни билиш ва талабига бўйсуниш зарур деб ҳисоблайди.

Ф.Кене биринчи бўлиб ижтимоий такрор ишлаб чиқариш модели – машҳур "иқтисодий жадвални" яратади. Кене деҳқончиликда барча синфлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат учун хом-ашё, келгуси йил ҳосили учун уруғлик ишлаб чиқарилиши натижасида миллий иқтисодиётда синфлар ўртасида товар ва пул оқими ҳаракатда бўлади деб кўрсатади. Олинган соф даромадни улар ер мулкдорига рента шаклида беради.

Физиократлар бутун соф даромад мулкдорлар синфига тегишлии бўлиши сабабли, мазкур даромадга солиқ киритиб, уни ер мулкдорларидан ундириб олиш зарур деб ҳисоблайди.



Adam Smit (1723-1790) iqtisodiy fanning predmeti jamiyatning iqtisodiy rivojlanishi va turmush favovonligini o'stirishni o'rganish deb hisoblaydi. U «Xalqlar boyligining tabiati va sabablari to'g'risida tadqiqot» (1776 y.) asarini yozgan

Физиократлардан бошлаб классик мактаб иқтисодиётда такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари моддий бойлик ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол жараёнларини ўрганади. ХВИИ-ХВИИИ асрда Англияда иқтисод фанининг классик мактаби намоёндалари бўлмиш А.Смит, В. Петти, Д. Рикардолар томонидан бойлик фақатгина қишлоқ хўжалигидагина эмас, балки бутун моддий ишлаб чиқариш тармоқларида яратилишини исботлаб берди ҳамда улар бойликнинг умумий шакли товар ва пулда мужассамлашган қиймат деб ҳисоблайди. Қийматнинг ўзини товар ишлаб чиқарувчи ходимлар меҳнати вужудга келтиради. Шундан келиб чиқиб, улар бойликнинг онаси ер, отаси меҳнат, деган қатъий илмий хулосага келди. А.Смит (1723-1790) иқтисодий фаннинг предмети жамиятнинг иқтисодий ривожланиши ва турмуш фавовонлигини ўстиришни ўрганиш деб ҳисоблайди. У ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» (1776 й.) номли асарида классик мактаб ривожланишининг юз йиллик даврини умумлаштириб товар ишлаб чиқариш ва айрибошлашга алоҳида соҳа сифатида қарашларини асослади, улар объектив қонунлар асосида ривожланиши ва давлат томонидан тартибга солишга муҳтож эмаслигини кўрсатади. А. Смит моддий ишлаб чиқаришда нима ишлаб чиқарилса жамиятнинг бойлиги деб ҳисоблайди. Бойликнинг ўсиш шарт-шароитлари – меҳнат тақсимоти ва унинг унумдорлиги ортишидир.

А. Смит қийматнинг манбаи меҳнат деб ҳисоблайди жамият ривожланиши билан меҳнат билан бирга капитал ва ер ҳам қиймат манбаи бўлиб боради, шу сабабли товар нархи иш ҳақи, фойда ва рентадан қарор топади. У ижтимоий бойлик ортиб бориши билан жамиятнинг барча синфлари даромади ўсиб боради, пул қиймат ўлчови вазифасини бажаради деган хулосага келади.

А. Смит тушунишича қачонки шахсий манфаат ижтимоий манфаатда устун турса бозор қонунлари иқтисодиётга самарали таъсир кўрсатади. Инсон ўз манфаатини шахсий иқтисодий фаоллиги натижаларини фақат бошқалар билан ўзаро айрибошлаш йўли билан рўёбга чиқаради. Шундай қилиб, кишилар ўз манфаатини кўзлаб, бир-бирлари учун маҳсулот ишлаб чиқаради, бозор эса бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олишга мажбур қилади, яъни бунда кишилар беихтиёр жамият учун ишлайди.

А. Смитнинг "кўринма қўл" қоидасида бозор кучлари (еркин нархлар, талаб ва таклиф, рақобат) ва объектив иқтисодий қонунлар стихияли таъсири назарда тутилади. У давлатнинг жамиятдаги янги синфи – капиталист – тадбиркорлар

хўжалик ишларига аралашмаслигини ёқлаб чиқади ва табиий эркинлик ғоясини илгари суради. Табиий эркинлик сиёсати унинг назариясида илмий асосланган ва қуйидагиларни кўзда тутади: ишчи кучининг эркин ҳаракати, ер билан эркин савдо, саноат ва савдо фаолият қилишини давлат томонидан регламентлаштиришни бекор қилиш.

А. Смитнинг алоҳида назарий қарашлари издоши Д. Рикардо ҳисобланади. Унинг назарий қарашларининг характерли белгиси – қиймат қонуни яхлит иқтисодий назарий фани шаклланадиган асос деб тан олинишидир. Д.Рикардо мазкур фаннинг асосий вазифаси даромадлар тақсимланишини бошқарадиган қонунларни очишда деб билади. У ишлаб чиқариш соҳасини қиймат ва даромадлар манбаи деб ҳисоблайди ҳамда ўзнинг тақсимлаш консепсиясида иқтисодий ҳаёт жўшқинлигини кўрсатади.

Д.Рикардо капитализмга ишлаб чиқаришнинг мутлоқ ратсионал тизими, фойда нормаси эса – капитализм жўшқинлигининг рағбатлантувчиси сифатида қарайди.

Иқтисодёт назарияси фанининг ривожланишида Сисмондининг ҳам муҳим ҳиссаси бордир. У капиталзмни танқид қилиб, сиёсий иқтисод инсон бахти йўлида ижтимоий механизмни такомиллаштиришга қаратилаган фан бўлмоғи лозим деб кўрсатади. Капитализмнинг иқтисодий тузумини танқид қилиш билан бир қаторда ундан кўра прогрессив бўлган жамият қуриш ғояси Сен-Симон, Шарл, Фуре, Роберт Оуен каби сотсиал утопистлар томонидан илгари сурилган эди. Улар хусусий мулкни қаттиқ танқид қилиб, уни тугатиш тарафдори эдилар. Улардан кейин марксизм деб номланган назарий йўналиш жамият тараққиётига табиий-тарихий жараён деб қараб, ижтимоий-иқтисодий форматсиялар, уларнинг иқтисодий тизими, таркибий қисмлари, вужудга келиши, ривожланиши ва бошқаси билан ўрин алмашиш сабаблари тўғрисидаги таълимотни ҳамда қўшимча қиймат назариясини яратдилар. Мазкур таълимот асосчилари немис иқтисодчиси ва ситсиологи К. Маркс (1818-1883) ҳамда унинг издоши Ф. Энгелс



Karl Marks (1818-1883) yiilarda yashab ijod qilgan Marks ta’limotida asosiy o‘rinni bazis va ustkurma konsepsiyasi egallaydi – unga ko‘ra ijtimoiy borliq (hayot) kishilar ongini belgilaydi.

(1820-1895) ўзларининг назарий консепсиясини услубий жиҳатдан бир вақтда учта илмий манбаага таяниб яратади: А. Смит – Д. Рикардонинг Англия классик сиёсий иқтисодиёти, Гегел – Фейрбахнинг немис классик фалсафаси ва француз утопик сотсиализми.

К. Маркс таълимотида асосий ўринни базис ва усткурма консепсияси эгаллайди – унга кўра ижтимоий борлиқ (ҳаёт) кишилар онгини белгилайди.

Унинг назариясида капитализм тизим сифатида даромадлар тақсимотини бозор принсиплари бузилишига олиб келиши тўлиқ бандликни таъминлай олмаслиги, колониал эксплуататсия ва урушларга тортиши қайд қилинади. К. Маркс А. Смит ва Д. Рикардо асос солган қийматнинг меҳнат назариясини янгидан қайта ишлайди. Қўшимча қиймат ишлаб чиқаришга пролетариатни эксплуататсия қилиш орқали эришилишини ва унинг капиталистлар томонидан ўзлаштирилиши улар бойлигининг кўпайтиришнинг доимий манбаини ташкил қилишини қайд қилади. К. Маркс фикрича капиталнинг жамғарилиш жараёни синфий курашнинг кескинлашиши ва капитализмнинг барбод бўлиши билан тугайди.

К. Маркс капитал тўғрисидаги таълимоти бир хил бахо олмади. Собиқ сотсиалистик мамлакатларда Бизнинг мамлакат-да марксистик ғояни рўёбга чиқаришга қаратилган ҳаракат муваффақиятсизликка маҳкум бўлди. Бу унинг чуқур инқирозига олиб келди. Ҳозирги кунда Маркс танқидчилари капитализм барбод бўлганлиги ва унинг башоратлари тасдиқланмаганлигини қайд қилишади. Маркс ғоясининг тарафдорлари у тадқиқ қилган капитализм 1930 йиллардаги буюк депрессия даврида барбод бўлганлигини кўрсатади.

Ҳозирда мавжуд бўлиб турган бозор иқтисодиёти жамият турмуш фаровонлиги юксалишини таъминлашга лаёқатли иқтисодий тизим модели эканлигини тасдиқлайди.

ХИХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб “сиёсий иқтисод” атамаси “иқтисод” тушунчасига алмаштирила бошланди. Мазмунан иқтисодиёт назариясида янги йўналиш “економикс” (инглизча эсономисс – иқтисод, хўжалик ҳаёти, иқтисодий фан) шаклланди. У мазмунан фан сифатида хўжаликни ривожлантириш қонунларини ўргатишни англатади.

Шу сабабли бу даврдан қатор ғарб мамлакатларида янги иқтисодий консепсиялар пайдо бўлди ва мустаҳкамланди. Уларда қийматнинг меҳнат назариясини инкор қилиш асосида назарий фанни унинг ижтимоий муаммоларидан озод қилишга урунишлар кузатилди. Фан тадқиқот марказига ижтимоий ва тарихий мазмундан маҳрум қилинган бир қатор умумий принсиплар қўйилди. Булар: истеъмол жараёнида иқтисодий неъматлар субъектив нафлигига пасайиб бориш принсипи; иқтисодий мувозанатлик қоидалари ва бошқалар.

Иқтисодиёт назариясининг бош муаммоси ишлаб чиқаришнинг мавжуд омиллари (меҳнат, капитал, ер)дан фойдаланишнинг муқобил имкониятларидан танлашда муаммонинг ижтимоий мазмунидан озод қилинган “технология” бўлиб қолди. Диққат марказга иқтисодиётнинг бозор мезонларига биноан самарали фаолият қилиш масаласи чиқади. Ҳар бир иқтисодиёт субъекти имкониятлар чекланганлик муаммосига тўқнаш келади. Шундан келиб чиқиб, фан жамият чекланган ресурслардан нима, қандай ва ким учун ишлаб чиқариш муаммосини қандай ҳал қилиш муаммосини тадқиқ қилади. Айни вақтда иқтисодиёт назарияси фан сифатида қолиш учун ижтимоий ва сиёсий муаммолар мавжудлигини ҳам инкор қилмаслиги зарур.

ХИХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб «маржинализм» деб аталган оқим вужудга келиб, шакллана бошлади. У инглизча сўздан олинган бўлиб, “кейинги”, “қўшилган” деган маънони беради. Унинг асосчилари Австрия иқтисодий мактабининг намоёндалари (Карл Менгер, Фридрих фон Визер, Бем Баврек ва бошқалар) бўлиб, улар томонидан кейинги қўшилган товар нафлилигининг, меҳнат ёки ресурс унумдорлигининг пасайиб бориш қонуни деган назариялар ишлаб чиқилди. Бу оқим иқтисодий фанда янги йўналиш неоклассик, яъни янги классик деб ном олди. Мазкур назариянинг йирик намоёндаларидан бири А.Маршалл бўлиб, у иқтисодий жараёнларнинг узвий боғланиши ва унинг нисбатларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди, бозор мувозанати ва нархни аниқловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат деб қарайди. Бу назарий йўналишнинг намоёндаларидан бири Швейсария иқтисодчиси Леон Валрас бўлиб, у умумий иқтисодий мувозанат моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди.

Неоклассиклар ўзларини А.Смит ва бошқа либерал иқтисодчиларнинг издошлари деб ҳисоблаб иқтисодий эркинлик ва давлатнинг бозор механизмига аралашмаслик принсипларини қўллаб чиқади. Уларнинг бош ғояси шундан иборатки, бозор иқтисодиёти мувозанатликни ўз-ўзича тартибга солиш ва қўллаб-кувватлашга лаёқатли, давлат фақат бозорнинг фаолият қилиши учун шарт-шароит яратиш



Djon Meynard Keyns (1883-1946) o‘zining «Bandlik, foiz va pulning umumiy nazariyasi» (1936 yil) degan kitobida makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar: milliy daromad, kapital xarajatlar, iste’mol va jamg‘arishning o‘zaro bog‘liqligini tahlil qilib, investitsiya va iste’mol nisbatlarining eng maqsadga muvofiq degan qarorga kelgan

зарур. Неоклассик оқим тарафдорлари ўзларининг тадқиқот предмети сифатида ижтимоий ташкил қилиниш шаклидан қатъий назар “соф иқтисодиёт” ва шахсий манфаатга асосланган бозор иқтисодиёти алоҳида субъетлари ҳатти-ҳаракатини назарда тутади.

Австрия иқтисодий мактабининг намоёндаси Й.Шумпетер «Иқтисодий тараққиёт назарияси» (1912 йил) деб номланган китобида иқтисодий тизимлар ўзгаришининг ички кучларини, уларнинг ички мазмунини кўрсатишга ҳаракат қилди ва у иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч тадбиркорлик деган хулосага келади.

Инглиз иқтисодчиси Джон Мейнард Кейнс (1883-1946) ўзининг «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936 йил) деган китобида макроиқтисодий кўрсаткичлар: миллий даромад, капитал харажатлар, истеъмол ва жамғаришнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиб, инвестит-сия ва истеъмол нисбатларининг энг мақсадга мувофиқ тарзда қарор топиши иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили деб кўрсатади. Кейнс таълимоти таъсирида иқтисодиётда макроиқтисодий таҳлил йўлга қўйилди. У давлатнинг иқтисодиётни бошқаришда фаол қатнашиши зарурлигини асослади.

Кейнснинг бош ғояси шундан иборатки, бозор иқтисодий муносабатлари тизими такомиллашган ва ўз – ўзини тартибга солишга лаёқатли эмас, мумкин бўлган юқори бандлик ва иқтисодий ўсиш фақат иқтисодиётга давлатнинг фаол аралашуви орқали таъминланиши мумкин.

Ўтган асрни 50 – йиллари бошларида неокейнсчилар (Р. Хоррод, Е. Домар, э. Хансан ва бошқ.) бандлик ва инфлятсия ўртасида оптимал нисбатни топишга ҳаракат қилиб, иқтисодий ўсиш муаммосининг ечимини ишлаб чиқади. “Неоклассик синтез” консепсияси ҳам шунга йўналтирилган. Жумладан, П. Самуелсон неоклассик ва кейнсча назарияни ишлаб чиқаришнинг оптимал даражасини таъминловчи ҳамда талабни фаоллаштирувчи омилларни боғлашга ҳаракат қилади. П. Самуелсоннинг асосий ғояси шундан иборатки, қачонки тўлиқ бандликка эришилганда бозорнинг ўзини – ўзи тартиблаш тизими таъсир кўрсата бошлайди.

XX асрнинг 60 – 70 йилларида янги кейнсчилар (Ж. Робинсон, П. Сраффа, Н. Калдор ва бошқалар) даромадларни анча тенг тақсимлаш, бозор рақобатини чеклаш, инфлятсияга қарши тадбирлар ўтказишни ёқлаб кейнсчиликни Д. Рикардо ғоялари билан тўлдиришга ҳаракат қилади.

Кейнс назарияси ғарб мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг, анча юқори суръатларини таъминлаш, бандликни ошириш ва умумий фаровонликни ўстириш имконини берди. Бироқ кучли жаҳон иқтисодий инқирози иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш жамиятни ишсизлик, инфлятсия ва иқтисодий бўҳронларни бартараф қилишга лаёқатсиз эканлигини кўрсатди. Шу сабабли, иқтисодиёт назариясидаги янги йўналиш – монетаризм, янги классик мактаб ва неоинститутсионализм кейнсчиликни сиқиб чиқара бошлади.

Монетаризм эркин рақобат ва нархнинг эркин шаклланишини бозор иқтисодиётининг асоси ва унинг муозанатликка эришиш шароити деб ҳисоблайди. Улар фикрича бозор ўз – ўзини тартибга солувчи тизим бўлиб қолаверади, давлатнинг аралашувини эса фақат пул соҳаси билан чеклаш лозим.

Унинг асосчиларидан бири америкалик иқтисодчи М.Фридмен ўзининг тадқиқоти негизида иқтисодиётни барқарор қилишда пул омили асосий рол ўйнайди, деган ғояни илгари суради. М. Фридменнинг фикрича пул иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг тартибсиз дастаги бўлиши мумкин.

XX асрнинг 50–60-йилларида неоклассик йўналишида бир қатор янги оқимлар вужудга келди. Уларнинг асосийлари қўйдагилар:

**Неолиберализм** (Ф.Хаек, Шумпетер, Л.Ерхард) – асосий эътиборни давлатнинг иқтисодиётга аралашувни энг кам даражага келтиришга, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиш лозимлигини уқтиради.

**Институтсионализм** тарафдорлари (Т.Веблен, Ж.Гелбрейт) фикрига кўра хўжалик юритувчилар ўртасидаги муносабатлар нафақат иқтисодий, балки ноиқтисодий омиллар таъсирида вужудга келади. Шу сабабли иқтисодиётга муассасавий ўзгаришлар орқали ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳозирги пайтда маржинализм, монетаризм, кейнсчилик ва бошқа қатор йўналишдаги иқтисодий қарашлар «Економикс» номли китобда мужассамлашган бўлиб, бу АҚШ, Англия, ва бошқа қатор мамлакатларда дарслик сифатида ўтилади.

Ҳозирги пайтда бу йўналишдаги фан мамлакатимиз ва бошқа қатор МДҲ давлатларида «Иқтисодиёт назарияси» деб атала бошлади.

«Иқтисодиёт назарияси» фан сифатида шакллангунча босиб ўтган йўл ва унда вужудга келган ғоялар, оқимлар жуда мураккаб, кўпинча бир-бирига зид ва қарама-қаршидир. Шундай бўлсада улар бир-бирини тўлдиради, иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг ички зиддиятларини, қонунларини маълум даражада умумлаштириб ифодалайди.

Иқтисодий фанда турли хил мактабларнинг мавжуд бўлиши ва иқтисодий жараёнларни билишга турлича ёндошувлар иқтисодий ҳаётнинг мураккаблиги, ўзгарувчанлиги ва зиддиятли бўлишини тасдиқлайди. Шу сабабли ҳеч бир назария доимий ва мутлоқ ҳақиқат бўлиб қолмайди. Айни вақтда бу назариялар ўз ривожланишининг у ёки бу босқичида турган жамият иқтисодий муаммоларини мушоҳада этиш ва ҳал қилишга маълум ҳисса қўшади. Шундан келиб чиқиб ва вужудга келган зиддиятларни бартараф қилиш мақсадида турли хил, ҳатто иқтисодиёт назариясидаги қарама – қарши оқимлар ютуқларини умумлаштириш зарур бўлади.

## 1.2-Мавзу: Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва билиш усуллари

**Режа:**

**1.2.1. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети**
**1.2.2. Иқтисодий қонунлар ва категориялар. Иқтисодий қонунлар ва унинг турлари.**
**1.2.3. Иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг услуб ва усуллари**
**1.2.4. Эҳтиёжларнинг чексизлиги. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориш қонуни**
**1.2.5. Иқтисодий ресурслар, уларнинг турлари, таркиби ва чекланганлиги.**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** иқтисодиёт назарияси фанининг предмети, иқтисодий қонунлар,иқтисодий категориялар,услубият,диалектик усул. Регрессив. таҳлил ва синтез, индуксия ва дедуксия, позитив ва норматив, макроиқтисодий таҳлил, эҳтиёж, ресурслар, ресурс категориялари, ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобиляти

### 1.2.1. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети

Иқтисодиёт назарияси фани масалага бир томонлама ёндошувга йўл қўймасдан ҳар иккала йўналишдаги иқтисодий фанлар предмет доирасини қамраб олиши ва уларни яхлитликда ўрганиш лозим.



Масалан, Аристотел бу фанни уй хўжалигини бошқариш қонунлари тўғрисидаги фан деб қараган бўлса, меркантилистлар, физиократлар ва инглиз классик иқтисодий мактабининг вакиллари уни бойлик тўғрисидаги фан деб ҳисоблайди. Фаннинг предмети бойликнинг манбалари, уни кўпайтириш йўллари ҳамда жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнини ўрганишдан иборат деб қарайди.

Кейинги пайтда мазкур фанни халқ хўжалиги, ижтимоий хўжалик тўғрисидаги фан деб ҳам ҳисобламоқдалар. Айримлар иқтисодиёт асослари фанини моддий ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқариш қонунлари тўғрисидаги фан деб кўрсатадилар. А. Маршалл эса иқтисодиёт назарияси фанининг предмети инсоният, жамиятнинг меъёридаги ҳаётий фаолиятини тадқиқ қилишдан иборат деб ёзади.

Иқтисодиёт назарияси фани сиёсий иқтисод номи билан юритилган даврда қатор дарсликларда унинг предмети моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатларни ўрганишдан иборат деб кўрсатилган эди.

АҚШ ва Ғарб мамлакатларидаги «Экономикс» дарсликларида фаннинг предмети кишиларнинг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоларини таҳлил қилиш, кишиларнинг иқтисодий хулқ-атворини ўрганишдан иборат деб таъкидланади.

Ҳамдўстлик давлатлари ва хусусан Россия Федератсиясида чиқарилаётган турли дарсликларда мазкур фаннинг предмети бўйича бир-бирига яқин бўлган таърифлар берилмоқда.

Уларнинг бирида фаннинг предмети «Рационал хўжалик юритиш тизимининг таркибий эволюсиясини, ҳақиқий бойликни ва жамиятнинг айрим аъзолари ва гуруҳларининг фаровонлиги, иқтисодий ўсишнинг омиллари ва қонуниятларини ўрганади», деб кўрсатилса[4] бошқасида чекланган ресурслар шароитида эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида кишилар ва гуруҳларнинг хулқ-атворини ўрганади», дейилади.[2]

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети тўғрисида билдирилган бу барча фикрлардан кўриниб турибдики, сиёсий иқтисодга доир дарсликларда ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатларни ўрганишга алоҳида устуворлик берилса, «Экономикс» йўналишидаги китобларда асосан кишиларнинг ресурсларга, моддий ашёвий буюмларга бўлган муносабатини, иқтисодий хатти-ҳаракатини ўрганишга, чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

**Iqtisodiyot nazariyasi fanining predmeti** – iqtisodiy resurslar cheklangan sharoitda jamiyatning cheksiz ehtiyojlarini qondirish maqsadida iqtisodiy vosita va ne’matlarni (xizmatlarni) ishlab chiqarish, taqsimlash, ayirboshlash va iste’mol qilish jarayonida vujudga keladigan iqtisodiy munosabatlarni, ijtimoiy xo‘jalikni samarali yuritish qonun–qoidalarini yoki kishilarning iqtisodiy xatti-harakatini o‘rganishdan iborat.

**Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети** – иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида иқтисодий восита ва неъматларни (хизматларни) ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қонун–қоидаларини ёки кишиларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатини ўрганишдан иборат.

**Иқтисодий муносабатлар** – бу иқтисодий неъматларни такрор ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида вужудга келадиган турли хил алоқа ва муносабатлардир.

Иқтисодий муносабатларнинг аниқ намоён бўлиш шакллари қуйдагилар:

- Иқтисодий ҳодисалар: ишсизлик, инқироз, инфлясия, бандлик ва ҳ.к.
- Иқтисодий жараёнлари: ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тақсимлаш, айрибошлаш, истеъмол ва ҳ.к.

Иқтисодиёт назариясини шартли равишда микро ва макроиқтисодий назариялага ажратиш мумкин. Агар иқтисодиётга микродаражада қаралса фаннинг предмети алоҳида иқтисодий бирликлар (алоҳида истеъмолчи, алоҳида ишлаб чиқарувчи)нинг ҳатти – ҳаракатини ўрганиш, алоҳида товарларга нарх шаклланиши, корхоналар харажатлари ва даромадлар қарор топиши ва шу кабиларни таҳлил қилишга қаратилади. Иқтисодиётга унинг йирик таркибий қисмлари (уй хўжаликлари, хусусий ва давлат сектори) ўзаро таъсиридаги яхлит тизим сифатида қаралса ва давлат иқтисодий сиёсатининг қонуниятлари аниқланса, бу макроиқтисодий таҳлил ҳисобланади. Макроиқтисодиёт шунингдек даромадлар, бандлик, нархлар даражаси, маҳсулотнинг ялпи ҳажми, миллий даромад, жами сарфлар каби жамланма

**Iqtisodiy munosabatlar –** bu iqtisodiy ne’matlarni takror ishlab chiqarish jarayonida kishilar o‘rtasida vujudga keladigan turli xil aloqa va munosabatlardir

4 Экономическая теория. (Учебник для ВУЗов). Санкт – Петербург, 1997, с.18.

2 Общая экономическая теория (Политэкономия). Учебник. «Промо-Медиа». М.: 1995, с.28.

кўрсаткичларни ҳам қараб чиқади. Иқтисодиётнинг мазкур икки даражаси фарқи фақат иқтисодий таҳлил нуқтаи – назаридан келиб чиқадики, шу сабабли иқтисодиёт назариясини бундай қисмларга ажратишни мутлоқлаштириш кўпам тўғри эмас. Чунки микро ва макроиқтисодиёт ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир – бири билан қўшилиб кетади.

**Иқтисодиёт назарияси фанининг мақсади** чекланган иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг турли муқобил вариантларидан энг самаралисини топиш орқали жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини тўлароқ қондириб боришнинг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ қилишдан иборат.

Фаннинг предмети, унинг вазифаларида янада ойдинроқ кўринади.

Иқтисодиёт назарияси фанининг вазифасини икки томондан, яъни ҳам амалий ва ҳам назарий томондан тушунтириш мумкин.

Фаннинг амалий вазифаси чекланган ресурслардан самарали фойдаланиб, уларнинг ҳар бирлиги эвазига кўпроқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни таъминлаш, ҳар бир фаолият турлари бўйича харажатлар миқдори билан эришилган самара, яъни товар ва хизматлар миқдорини таққослаш, ресурслардан унумлироқ фойдаланиш йўлларини топишга қаратилади. Бу вазифа яратилган назариялар ва илмий қарашларни реал амалий ҳаётга жорий қилиб боришни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Иқтисодиёт назарияси фанининг вазифаси, энг аввало, илмий билишдан иборатдир. Шундан келиб чиқадики бу фан иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини, иқтисодий қонунлар ва иқтисодий тушунчаларнинг мазмунини ёритиб илмий билиш вазифасини бажаради.

**Iqtisodiyot nazariyasi fanining maqsadi** cheklangan iqtisodiy resurslardan foydalanishning turli muqobil variantlaridan eng samaralisini topish orqali jamiyatning cheksiz ehtiyojlarini to‘laroq qondirib borishning nazariy va amaliy muammolarini tadqiq qilishdan iborat.

Иқтисодиёт назарияси фанининг қайд қилинган амалий ва назарий вазифалари бир - бири билан чамбарчас боғлиқдир. Амалий иқтисодиёт назарий билимга эга бўлишни, у билан қуролланиш заруриятини тақозо этади. Назарий билим эса олдиндан кўра билиш ва амалий ҳаракат йўлини тўғри белгилаш имконини беради.

Иқтисодиёт назарияси аниқ вазиятларда аниқ таклифларни бериб, услубий вазифани ҳам бажаради. Иқтисодий билим назария-ларга эга бўлиш, ўзгариб турувчи иқтисодий вазиятларда ратсионал қарор қабул қилишни мустақил амалга ошириш имконини беради.

Умуман олганда, бу фан иқтисодий жараёнлар, воқеа ва ҳодисалар сирини билишда илмий қўлланмадир.



**O’zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti**

Иқтисодиёт назарияси башорат қилиш вазифаси орқали жамият ва ижтимоий иқтисодий ривожланишининг истиқболларини илмий асослаб беради.

**«Пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч қувват манбаи, илмий асос – бу миллий ғоя, миллий мафкурадир»**[4].Шу ақидадан келиб чиқиб, иқтисодиёт назарияси фани «Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг

[4] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 463-бет.

дунёқарашини ўзгартириш»[5] вазифасини ҳам бажаради.

### 1.2.2. Иқтисодий қонунлар ва категориялар. Иқтисодий қонунлар ва унинг турлари.



Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий муносабатларда амал қиладиган иқтисодий қонунларни ҳам ўрганади.

Бошқача қилиб айтганда бу фанининг асосий вазифаларидан бири иқтисодий қонунларни билиш ва унинг мазмунини, амал қилиш механизимини очиб бериш ҳисобланади.

Иқтисодий қонунлар иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги доимий, такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг ички ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Иқтисодий қонунлар обектив амал қилаётган иқтисодий воқеаликнинг умумлашган назарий ифодаси бўлиб, у обектв реалликни илмий билиш натижасидир, яъни унинг инсон онгидаги инъикосидир. Иқтисодий қонунлар обектв характерга эга бўлиб, уларнинг келиб чиқиши, амал қилиши, ривожланиши ва барҳам топиши кишиларнинг онгига, уларнинг ҳохиш иродасига боғлиқ эмас. Маълум тарихий даврларда, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига, мавжуд иқтисодий тизимнинг характери ва шарт-шароитига мос келадиган иқтисодий қонунлар вужудга келади ва амал қила бошлайди. Лекин иқтисодий қонунлар кишиларнинг иқтисодий фаолиятидан ташқарида, улардан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, балки айнан уларнинг фаолияти, ҳатти -ҳаракатлари, иқтисодий хулқ-атвори туфайли таркиб топади ва улар орқали намоён бўлади. Шунинг учун инсонлар иқтисодий қонунларнинг мазмунини билиб, уларнинг, талабларини ҳисобга олиб, ўзларининг амалий фаолиятларида фойдаланишлари лозим бўлади. Бу иқтисодий қонунлар талабларига зид ҳар қандай қарор ва ҳатти-ҳаракатлар кишиларнинг хоҳиш иродасидан қатъий назар муқаррар равишда хўжалик фаолиятида қийинчиликларга, ресурслар исрофгарчилигига олиб келади.

Иқтисодий қонунлар табиат қонунларидан фарқ қилади. Уларнинг фарқи шундаки, табиат қонунлари доимийдир, иқтисодий қонунлар эса ижтимоий ҳаёт қонунлари бўлиб, тарихийдир ва ўзгарувчандир, чунки у кишиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб кишилик жамияти мавжуд бўлганда пайдо бўлади ва амал қилади.

Амал қилиш даврининг давомийлигига қараб иқтисодий қонунлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1.Умумиқтисодий қонунлар-кишилик жамияти ривожланишининг барча босқич-ларида амал қилади. Масалан, вақтни тежаш қонуни, эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонуни, такрор ишлаб чиқариш қонуни, унумдорликнинг ўсиб бориши қонуни ва бошқалар;

[5] Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: «Ўзбекистон», 1999. 187-бет.

2. Хусусий ёки даврий иқтисодий қонунлар-инсоният жамияти тараққиётининг маълум босқичларида амал қилади. Масалан, талаб қонуни ва таклиф қонуни, товар-пул муносабатлари мавжуд бўлган даврларда мавжуд бўлади.

3. Махсус ўзига хос иқтисодий қонунлар – алоҳида олинган иқтисодий тизим шароитида амал қилади. Масалан, соф капитализм шароитидаги қўшимча қиймат қонуни.



**Иқтисодий категориялар.** Иқтисодиёт назарияси фани иқтисодий қонунлар билан бир қаторда иқтисодий жараёнларнинг алоҳида томонларини тавсифлайдиган категорияларнинг мазмунини ҳам очиб беради.

Иқтисодий категориялар - доимо такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунчадир.

Иқтисодий категориялар реал иқтисодий ҳодисаларнинг моҳиятини ифода этадиган илмий тушунча бўлиб, илмий тафаккур маҳсулидир. Улар ниҳоятда кўп ва хилма-хилдир. Бозор, пул, товар, капитал, ишчи кучи, иқтисодий мувозанат, молия, кредит, банк ва бошқа шу каби тушунчалар иқтисодий категорияларга мисол бўла олади. Иқтисодий қонунлардан фарқ қилиб, илмий категориялар, иқтисодий ҳодисаларнинг мазмунини ифода этади. Иқтисодий принтсиплар ва моделлар омиллардан фақатгина Пепси ичимлигин нархигина иқтисодий баҳолашни таҳлил қилишда ва иқтисодиётни қандай ишлашини тушунишда жуда қўл келади. Бу тушунчалар иқтисодий тизим ичида содир бўладиган сабаб ва оқибатни англаш воситаларидир. Яхши назариялар ўз навбатида кенгроқ тушунишга ва тўғри баҳолашга ёрдам беради. Улар харидор ва ишлаб чиқарувчи орасидаги муносабатларга боғлиқ фактларга таянади.

### 1.2.3. Иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг услуб ва усуллари

Услубият — бу илмий билишнинг тамойиллари тизими, йўллари, қонун – қоидалари, усуллари ва аниқ тартибларидир. Бу обектв воқейликни билиш диалектикаси, мантиқи ва назариясини ўз ичига олувчи бир бутун таълимотдир. Услубият умумий тавсифга эга, лекин ҳар бир фан ўзининг предметидан келиб чиқиб, илмий билиш усулларига эга бўлади.

“Усул” грекчадан сўзма – сўз таржима қилинганда “тадқиқот” тушунчасини англатиб, илмий билишнинг аниқ ҳодисаларини билдиради.

**Диалектика** илмий билишнинг умумий усули бўлиб хизмат қилади. Унинг иқтисодиёт назарияси фанида қўлланиладиган асосий қоидалари қуйидагилар:

− иқтисодиёт бир-бири билан алоқада, чамбарчас боғлиқликда, зиддиятда бўлган ўзаро таъсир қилиб турадиган турли бўғинлардан, бўлаклардан иборат яхлит бир организм деб ҳисобланади;

− иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг келиб чиқиши, амал қилиши ва ...инг сабаблари ва оқибатлари ички алоқадорлик ва боғлиқлик ва маконда рўй бериши тан олинади;

... жараёнларни оддийдан мураккабликка, қуйидан юқорига ...б қаралади. Бу эрда сон жиҳатидан ўзгаришлар тўплана бориб, ...гаришга олиб келиши ҳисобга олинади.

**Ilmiy abstraksiya usuli** - voqea hodisalarning tahlil paytida xalal berishi mumkin bo‘lgan ikkinchi darajali belgilari e’tibordan chetlashtirilib, o‘rganilayotgan jarayonning asl mohiyatiga tegishli belgilarga e’tiborni qaratishdir.

Иқтисодиёт назарияси фанининг ўзига хос тадқиқот усуллари ҳам мавжуд. Улардан энг асосийлари қуйидагилар:

**Илмий абстракция усули** - воқеа ҳодисаларнинг таҳлил пайтида халал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали белгилари эътибордан четлаштирилиб, ўрганилаётган

жараённинг асл моҳиятига тегишли белгиларга эътиборни қаратишдир.

**Таҳлил ва синтез усули**. Таҳлил — бу ўрганилаётган бир бутунни алоҳида қисмларга ажратиб уларнинг хусусиятини очиб беришдир. У икки даражада амалга оширилади. Микроиқтисодий таҳлилда иқтисодиётнинг бошланғич бўғини бўлмиш корхона ва бошқа иқтисодий субъектларнинг юқори пировард натижага эришишга қаратилган хатти-ҳаракати, хулқи тадқиқ қилинади.

**Макроиқтисодий таҳлилда** миллий иқтисодиётнинг ҳолати, фаолият қилиши ва натижалари тадқиқот қилинади. Иқтисодий ресурсларни тўлиқ банд қилиш, инфлясияни жиловлаш ва иқтисодий мувозанатликни таъминлаш орқали иқтисодий ўсишга эришиш  муаммолари бу таҳлил обектдир. Қисқача айтганда, макро-иқтисодий таҳлилда миллий хўжалик, унинг алоҳида секторлари (давлат, кооператив, хусусий) ва жаҳон хўжалиги ўрганилади.



Синтез – бу ҳодиса ва жараёнларнинг умумий таъсири асосида умумий хулосалар чиқа-ришдир.

**Мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлиги усули.** Тарихийлик далили иқтисодий фанларда ҳам тарихий ривожланиш нуқтаи назаридан тадқиқот олиб боришни зарур қилиб қўяди. Чунки иқтисодий жараёнлар жамиятнинг тарихий ривожланиш босқичларида рўй беради. Мантиқийлик усулида жараёнлар фақатгина тарихий нуқтаи назардан эмас, шу билан бирга ички зарурий ва қонуний боғланишлар бўйича ҳам таҳлил қилинади.

Фойдаланиладиган усуллар ичида э**ксперимент** алоҳида ўринга эга. Иқтисодий ўсишнинг кескин ўзгариши, хусусан иқтисодиётнинг инқироз ва беқарорлик босқичларида экспериментдан кенг фойдаланилади.

**Индуксия ва дедуксия усули.** Индуксия назариядан амалиёт томон боришни, яратилган назарияларни кишиларнинг амалий ҳаётида синаб кўришни англатаса дедуксия амалиётдан назария томон боришни, реал ҳаётдаги рўй берадиган ҳодиса ва жараёнлардан назариялар яратишни билдиради.

**Позитив ва норматив усуллар.** Позитив усул иқтисодий ҳодисаларнинг реал ҳаётдаги ҳолатини қандай бўлса шу ҳолича акс эттиради. Масалан, Ўзбекистонда ишсизлик 2012 йилда 0,6 фоизни ташкил қилди. Республикада нархларнинг ўсиши ўтган 2011 йилда 7,0 фоиздан ошмади ва ҳ. к. Норматив усул ҳодиса ва жараёнларнинг қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалардир. Масалан, ишсизликнинг табиий даражаси 2,5 фоиздан ошмаслиги керак. Реал иш ҳақининг ўсиши нархларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлиши зарур ва ҳ. к.

**Иқтисодий жараёнларни микдорий таҳлил қилишда** математик, статистик усуллар ва графиклардан кенг фойдаланилади. Математик усул иқтисодий ҳодиса ва жараённинг миқдорий ўлчамларини аниқлаш имконини берса, график усул ўзгарувчи миқдорлар ўртасидаги боғлиқликни кўргазмали қилиб тасвирлайди.

Иқтисодий таҳлилда “Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда” деган фараздан ҳам фойдаланилади. Чунки реал иқтисодий ҳаётда ҳодиса ва жараёнларга кўплаб омиллар бир вақтда, шу билан бирга турли хил йўналишларда таъсир кўрсатади.

Бу барча омилларнинг биргаликда таъсирида ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини очиб бериш қийин кечади ёки мутлақо мумкин бўлмайди. Шу сабабли уларнинг алоҳида олинган омил таъсирида моҳияти очилиб, бошқа омиллар таъсири эътибордан четда қолади ёки улар ўзгармас деб ҳисобланади. Таҳлилнинг кейинги

босқичида ўрганилаётган ҳодиса ёки жараёнга бошқа омилларнинг таъсири ҳам алоҳида-алоҳида қараб чиқилади.

**Иқтисодий таҳлилда иқтисодий моделлардан ҳам фойдаланилади.** Иқтисодий моделлар – бу реал воқелик, иқтисодиёт ва ундаги рўй берадиган ҳодиса ҳамда жараёнларнинг соддалаштирилган манзарасидир. Бошқача айтганда, иқтисодий модел – фақат асосий омиллардан озод қилинган соддалаштирилган назарий қурилма (схема). Бунда иқтисодий моделларнинг иккита тури ўз ўрнига эга бўлади: мувозанатлашган ва оптималлашган моделлар.

Мувозанатлашган моделлар иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ёки уларнинг натижалари миқдорий ўлчамлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни акс эттиради. Масалан, ялпи талаб ва ялпи таклиф модели, товарлар миқдори ва пул массаси модели, даромадлар ва харажатлар модели ва ҳ.к.

Оптималлашган моделлар – алоҳида олинган иқтисодий ҳодиса ёки унинг натижасидаги миқдорий ўзгаришларни ва ҳар бир даврдаги оптимал меъёрларини характерлайди. Масалан, нарх модели, харажатлар модели, даромадлар модели ва ҳ.к.

Модел қисқа ва узоқ муддатли  бўлиши мумкин. Қисқа муддатлиси нисбатан қисқа даврни, узоқ муддатлиси одатда узоқроқ вақт даврини олади.

Иқтисодиётнинг барча масалаларига жавоб беришга лаёқатли ягона модел мавжуд бўлмайди. Шу сабабли иқтисодий таҳлилда кўплаб ҳар хил моделлардан фойдаланилади, улардан ҳар бири муайян вазифаларни ҳал қилади.

Айни вақтда, ҳар қандай модел реал ҳаётий воқеалар (банкротлик, табиий офатлар, сиёсий ларзалар ва бошқа) ни акс эттирмайди. У реал ҳаётдан абстрактлашган, иқтисодий этукликнинг юқори андазасидир. Бу қайд қилинганлар иқтисодий моделлар  унинг иқтисодий таҳлилдаги аҳамиятини пасайтирмайди. Жумладан ялпи талаб ва ялпи таклиф модели умумий иқтисодий мувозанатликни ифодалаб, реал жараёнлар унинг идеалидан фарқланишини аниқлаш ва ундаги аниқ омиллар таъсирини миқдорий баҳолаш имконини беради.

Иқтисодий принтсипларни янада яхшироқ тушунишга ёрдам берадиган бошқа омиллар ҳам мавжуд. **Умумийлаштириш** иқтисодий принтсиплар иқтисодиёт фани ёки иқтисодий муносабатларга оид умумлашган тушунчалардир. Иқтисодий принтсипларни муайян истеъмолчилар ёки ишлаб чиқарувчилар тўғрисидаги ёндашув деб қабул қилиш мумкин.




Pepsi ichimligini narxi bilan uni sotib olingan miqdori oʻrtasidagi munosabatni olaylik. Faraz qilaylik, sotib olingan Pepsi ichimligini miqdoriga taʼsir koʻrsatishi mumkin bo’lgan[1]

*Misol qilib aytadigan bo’lsak, iqtisodchilarning fikricha, haridorlar ma’lum turdagi mahsulotni uning narxi pasaygach ko’proq sotib olishini aytadilar. Iqtisodchilarning tushunishlaricha haridorlar ma’lum turdagi mahsulotni ba’zan ko’p miqdorda, ba’zi hollarda kam miqdorda, ba’zan esa umumna sotib olmasliklari mumkin ekan. Harid qilishdagi bunday “narzga bog’liqlik tamoili” alohida haridorga ham butun haridorlar guruhiga ham tegishlidir. Iqtisodiyotdagi boshqa teng- tannarxli narsalar tamoyili farazlarini ilgari surib, iqtisodchilar boshqa-teng-tannarxli narsalar tamoyili iborasini qo’llaydilar. Ularning taxminlaricha, nazarda tutilgan boshqa barcha o’zgaruvchi mahsulotlar muayyan analiz uchun*

### 1.2.4. Эҳтиёжларнинг чексизлиги. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориш қонуни

Ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади истеъмол яъни эҳтиёжни қондириш ҳисобланади.

**Инсоннинг яшаши ва камол топиши, жамиятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётий воситалар ва иқтисодий ресурсларга бўлган зарурият «еҳтиёж» деб аталади.**

Жамият эҳтиёжлари кишилар яъни жамият аъзолари, корхоналар ва давлат эҳтиёжларининг бирлигидан иборат. Эҳтиёжларнинг бу барча турлари учун умумий бўлган хусусият - улар чексиз ва чегарасиздир. Жамият эҳтиёжларида кишиларнинг эҳтиёжлари асосий ва белгиловчи рол ўйнайди. Кишиларнинг барча ҳаётий эҳтиёжлари (иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий, сиёсий эҳтиёжлар) орасида ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар алоҳида ўрин тутади. **Бу эҳтиёжлар кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва ҳаёт** кечириши учун зарур бўлган моддий неъматлардан ҳамда хизматлардан иборат бўлади. Шу жиҳатдан олганда ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларни ўз ичига олади. Моддий эҳтиёжлар, бу аввало, кишиларнинг ўзларига фойдали бўлган неъматларни истеъмол қилишга бўлган хоҳишларидир. Булар истеъмол учун зарур бўлган кўплаб ҳаётий предметларни (озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой) ва зеб-зийнат буюмларини (тақинчоқ, атир-упа, энгил автомобил ва ҳ. к.) ўз ичига олади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, бир неча йил олдин зеб-зийнат дабдаба ҳисобланган буюм бугунги кунда энг оддий ҳаётий зарур предметга айланиши мумкин. Хизматлар ҳам моддий неъматлар каби маълум эҳтиёжларни қондиради. Масалан, шахсий автомашинани ремонт қилдириш, соч олдириш, ҳуқуқшунос маслаҳатидан фойдаланиш каби хизматлар моддий товарлар билан бир қаторда кишиларнинг уларга бўлган эҳтиёжларини қондиради. Маънавий эҳтиёжлар моддий кўринишга эга бўлмаган кишиларнинг билим ва дам олиш, маданий савиясини ошириш, малака-маҳоратга эга бўлиш, ҳар хил хизматлардан баҳраманд бўлиш каби кўплаб эҳтиёжларни ўз ичига олади. Эҳтиёжлар якка тарзда ва биргаликда қондирилиши мумкин. Бу эса эҳтиёжнинг табиатига ва уни қондирувчи объектлар хусусиятига боғлиқ. Ижтимоий эхтиёжлар умумлашган фаолиятнинг турли шаклларида қатнашиш орқали қондирилади ҳамда уни кишиларнинг биргаликда, ҳамкорликда мавжуд бўлиши зарурлиги тақоза қилади. Шундай буюм ва хизмат турлари борки, улардан фақат биргаликда фойдаланиш мумкин. Масалан, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, дам олиш жойларидан баҳраманд бўлиш, спорт ўйинлари ва кўнгил очар томошаларни биргаликда кўриш кабилар шулар жумласидандир.

Жамият эҳтиёжларида корхона ва давлат эҳтиёжлари ҳам ўз ўрнига эга. Корхоналарга ишлаб чиқариш мақсадларини амалга ошириш, яъни товарлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи керак бўлади. Давлат, бутун мамлакат аҳолисининг умумий эҳтиёжларини акс эттириб, автомобил ва темир йўллар, мактаблар, касалхоналар қурилишига ижтимоий неъматлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун давлатга ҳам зарурий неъматлар ва иқтисодий ресурслар керак бўлади.

Жамият эҳтиёжларига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Булар қуйидагилар:

– жамиятнинг иқтисодий тараққиёт даражаси. Иқтисодиёти ривожланишдан орқада қолган мамлакатларда эҳтиёжлар доираси тор бўлса, аксинча, иқтисодиёти гуркираб ривожланган мамлакатларда кенг ва хилма-хил бўлади;

– жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизим. Агар жамиятдаги тизим бозор иқтисодиёти тартиблари асосида қурилган бўлса, ундаги ижтимоий гуруҳлар бойлар ва камбағаллар, мулкдор ва мулксизларга бўлиниб, уларга мансуб кишилар эҳтиёжлари ўртасида катта фарқ мавжуд бўлади. Юқори даромад олувчилар жуда сифатли, ноёб маҳсулотлар ва хизматларга эҳтиёж билдирса, камбағалларнинг эҳтиёжлари ўз ҳаётини сақлаш учун жуда зарур маҳсулотлар ва хизматлар билангина чекланади;

– табиий-географик шароитлар. Бу омил ҳам эҳтиёжларнинг миқдори ва таркибига таъсир қилади. Масалан, нисбатан совуқ иқлим шароитида, иссиқ иқлим шароитига қараганда ҳаёт кечириш учун оқсил ва ёғга бой озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак, уй ва транспорт воситаларига кўпроқ эҳтиёж бўлади;

– тарихий-миллий анъаналар ва урф-одатлар, тарихан шаклланган миллий ва диний маросимлар, урф-одатлар. Жумладан, Наврўз байрами, рўза ва ҳайитлар ўзига хос эҳтиёжларни юзага келтиради;

– аҳоли сонининг ўсиши, унинг таркибидаги ўзгаришлар;

– халқаро, давлатлар, миллатлар ва минтақалар ўртасидаги алоқалар, айниқса, улар ўртасидаги маҳсулот ва ахборот айирбошлашнинг ривожланиши.

Алоҳида кишиларнинг эҳтиёжлари уларнинг ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, меҳнатнинг табиати каби омилларга боғлиқ. Масалан, кекса кишилар ёшлардан фарқ қилиб, энгил ҳазм бўладиган овқатга, дори-дармонга, шовқин-суронсиз яшаш муҳитига кўпроқ эҳтиёж сезади. Кўп болали оилаларда болалар кийими, ўйинчоқларга эҳтиёж юқори бўлса, фарзандсиз оилаларда бундай эҳтиёжлар бўлмайди. Мураккаб, оғир ва энгил меҳнат турлари билан шуғулланувчи кишилар эҳтиёжлари ҳам бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, моддий эҳтиёжларни тўлиқ қондириш мумкин эмас. Жамиятда ҳар бир маълум даврда кўплаб қондирилмаган эҳтиёжлар бўлади. Вақт ўтиши билан янги буюмларнинг пайдо бўлиши, рекламанинг таъсири ва бозорларнинг ривожланиши натижасида эҳтиёжлар таркибан ўзгаради ва миқдоран ўсиб боради.

**Еҳтиёжлар турлари.** Эҳтиёжлар ниҳоятда турли туман бўлиб, уларни туркум-лашга турли жиҳатдан ёндашиш мумкин. Кўпгина иқтисодчилар у ёки бу хусусиятларига кўра эҳтиёжларни турли гуруҳларга ажратиб тушунтиришга ҳаракат қилишган. Улар, эҳтиёжларни абсолют ва нисбий, минимал ва максимал даражадаги қондирилиши зарур ва қондирилиши кечиктирса бўладиган, бевосита ва билвосита қондириладиган жорий ва келажакда қондириладиган эҳтиёжларга ажратади. Айрим адабиётларда бирламчи – энг зарур эҳтиёжлар, иккиламчи – қондирилиши кечиктирса бўладиган иккинчи даражадаги эҳтиёжлар мавжудлиги қайд қилинади. Бирламчи эҳтиёжларга инсоннинг энг зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа кабиларга бўлган эҳтиёжларини, иккиламчи эҳтиёжларга улар маънавий, интеллектуал фаолияти билан боғлиқ бўлган билим олиш, санъат, турли кўнгил очар тадбирларга қатнашишга бўлган эҳтиёжларини киритиш мумкин. Лекин бундай ажратиш шартли. Улар ҳар-бир инсон учун индивидуал бўлиб, бир инсон учун кийим-кечак, турар жой бирламчи бўлса, бошқаси учун ҳаётий яшаш воситалари аҳамиятли. Биров учун кийим-кечакдан кўра билим олиш заруррoқ, бошқаси учун аксинча, ёки бир киши учун маънавий эҳтиёжга хохиш бўлса, бошқаси учун кундалик эҳтиёж бирламчи бўлиш, ёки маълум вақт ўтгач улар оддий эҳтиёжларга айланиши ҳам мумкин.

Инсон эҳтиёжларига турли жиҳатдан ёндошиб, уни ҳар хил гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Эҳтиёжлар субъектларига кўра: индивидуал, жамоа ва умумжамият эҳтиёжларига бўлинади.

а) Индивидуал эҳтиёж ҳар бир инсоннинг эҳтиёжини ифодалайди. У физиологик эҳтиёжлар, ўзининг ҳар томонлама камол топишига бўлган эҳтиёжлар ва бошқа шу кабиларни ўз ичига олади.

б) Гуруҳий эҳтиёж – бу оилавий ёки кишиларнинг бирон мақсадда бирлашган гуруҳлари (меҳнат жамоаси, турли уюшмалар) эҳтиёжлари бўлиб, биргаликда яшаш, фаолият юритиш жараёнида вужудга келадиган умумий эҳтиёжлардир.

в) Умумжамият эҳтиёжи – бу мамлакат миқёсида, инсонларнинг бир бутун бўлиб таркиб топган эҳтиёжларидир. У ўз ичига биринчидан, барча турдаги индивидуал ва гуруҳий эҳтиёжларини олса, иккинчидан жамиятни яхлит организм сифатида яшаб туриши учун зарурий эҳтиёждир. Буларга табиий ресурсларни асраш, мудофаа, жамиятни бошқариш кабиларни киритиш мумкин. Жамиятнинг эҳтиёжи турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларга мансуб кишилар эҳтиёжининг яхлитлиги сифатида намоён бўлади. Табақаланиш даражасига қараб эҳтиёжлар ҳам фарқланади.

2. Эҳтиёжлар обектга кўра моддий, ижтимоий-маънавий эҳтиёжларга бўлинади.

Моддий эҳтиёжлар азалий, улар инсон пайдо бўлиши билан вужудга келган. Улар табиий эҳтиёждир. Моддий эҳтиёжлар энг зарур ва ҳаётий эҳтиёжлардир. Озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жойларга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши яшашнинг бирламчи шартидир. Моддий эҳтиёжлар албатта моддий кўринишга эга, масалан озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж аниқ ун, гуруч, ёғ, гўшт, шакар ва бошқалар айнан шундай кўринишга эга. Ижтимоий-маънавий азалий бўлмай жамият тараққиётининг маълум босқичида, сивилизатсион ривожланиш натижасида юзага келади. Жамият ривожланиши билан ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар табиий заруратга айланиб боради. Ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар асосан турли хизматлардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжлар тарзида юзага чиқади. Кишилар ижтимоий-манавий хизматлардан фойдаланиб, ахлоқий, маънавий, эстетик, жисмоний жиҳатдан тарбияланади, билим олади, касб эгаллайди, ҳар томонлама камол топади.

3. Эҳтиёжлар тизимида меҳнат қилиш, дам олиш, иш қобилиятини тиклашга бўлган эҳтиёжлар ажратилади.

Меҳнат эҳтиёжи инсонинг ўзида мужассамлашган. Меҳнатсиз инсон яшай олмайди, чунки меҳнатсиз нозу-неъматларни яратиб бўлмайди ва инсон шахси камол топа олмайди. Меҳнат эҳтиёжи инсонда жисмоний меҳнат қилиш ва ақлий қобилияти борлигидан келиб чиқади. Инсон меҳнатда ўз ўрнини топиб ва қобилятини ишга солиб, обрў-еътибор қозонишга ҳаракат қилади. Инсон меҳнат қилар экан, албатта иш қобилятини тиклаш учун дам олиши ва турли кўнгил очар тадбирларда қатнашиши зарур.

4. Эҳтиёжлар қондирилиши жиҳатидан якка тартибда ва биргаликда қондириладиган эҳтиёжларга бўлинади. Ҳар бир инсон ўзининг эҳтиёжларининг бир қисмини якка тартибда, иккинчи қисмини эса бошқалар билан биргаликда қондиради. Якка тартибда қондириладиган эҳтиёжга ягона ўлчов билан ёндошиб бўлмайди. Моддий эҳтиёжларнинг кўпчилиги одатда якка тартибда қондириладиган эҳтиёжларни ташкил этса, ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар кўпроқ биргаликда қондириладиган эҳтиёжлардан иборат. Масалан, кийим кийишга

бўлган эҳтиёж якка тартибда, билим олишга бўлган эҳтиёж биргаликда қондирилади.

5. Кўзланган мақсадига қараб эҳтиёжларни шахсий истеъмол ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари фарқланади. Истеъмол товарлари ва иқтисодий ресурсларга бўлган эҳтиёж шулар жумласидандир. Биринчиси инсоннинг бевосита эҳтиёжлари бўлиб, унинг ҳаёт кечириши, ҳар томонлама камол топишига қаратилади. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари эса кишилар учун билвосита эҳтиёжлар ҳисобланиб, унинг ёрдамида инсон яшаши, камол топиши учун зарур бўлган турли неъматлар ишлаб чиқариш учун зарур ишлаб чиқариш воситалари унумли истеъмол қилинади.

Қайд қилинган эҳтиёжларнинг барчаси бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тақозо қилади ҳамда ягона умумжамият эҳтиёжлари тарзида шаклланади.

**Ehtiyojlar doimo o'zgarish va o'sib boorish xususiyatiga ega. Iqtisodiy resurslar esa doimo kamayib borish xususiyatini ega.** '''

Жамиятнинг, яъни уни ташкил қилувчи кишилар ва давлат эҳтиёжларининг чексизлиги, уларнинг тўхтовсиз янгиланиб ва ортиб бориши эҳтиёжларнинг ўсиб бориши иқтисодий қонунда ўз ифодасини топади. Мазкур қонун нафақат эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб боришини, балки уларнинг таркибан янгиланиб туришини, эскиларининг ўрнига янгиларининг келишини билдиради. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни ишлаб чиқариш билан эҳтиёжлар ўртасидаги узвий, тўғридан-тўғри боғлиқликни акс эттиради. Ишлаб чиқариш эҳтиёжларни қондиришга қаратилади ва унинг ривожланиши янги эҳтиёжларни юзага келтиради. Ишлаб чиқариш байналминал тус олиши билан ишлаб чиқариш ва эҳтиёж ўртасидаги боғлиқлик халқаро миқёсда акс этади. Маълум бир мамлакатда пайдо бўлган эҳтиёж бошқаларига тарқалиб, халқаро мазмунга эга бўлади. Халқаро алоқалар ривожланиб боргани сари эҳтиёжларнинг миллий хусусиятлари билан бир қаторда унинг миллатлараро, байналминал белгилари ривож топиб боради.

Еҳтиёжлар ўзаро бир-бирини тақозо қилиши сабабли бир эҳтиёж ўз орқасидан бошқа бир эҳтиёжни келтириб чиқаради. Масалан, компютер техникасига эҳтиёжнинг пайдо бўлиши, ўз навбатида уни ишлатиш, ўрганиш, хизмат кўрсатиш ва дастур тузишга эҳтиёжларни келтириб чиқаради.

Еҳтиёжларнинг ўсиб бориши бир текис, узлуксиз бўлмайди. Унинг ўсишига қарши таъсир қилувчи омиллар ҳам мавжуд бўлади. Ишлаб чиқариш ҳолати, жамиятдаги ҳукмрон муносабатлар, фавқулодда юз берадиган ҳодисалар (урушлар, иқтисодий тизим алмашиши) ва табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, ёнғин кабилар) эҳтиёжларнинг ўсиб боришига қарши таъсир кўрсатувчи омиллардир. Шундай қилиб, эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни мавжуд эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб боришида, мутлақо янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлишида, муайян эҳтиёжлар доирасида турли эҳтиёжлар нисбатининг ўзгаришида ва бир эҳтиёжнинг бошқаси билан алмашинишида намоён бўлади. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши, уни қондириш воситалари даражаси билан чегараланади. Чунки эҳтиёжлар чексиз ўсиб борган тақдирда ҳам уни таъминлаш учун зарур бўладиган иқтисодий ресурслар чеклангандир.

Кишилик жамияти тараққиёти тарихига назар ташланса эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб, таркибан такомиллашиб бориши аниқ номоён бўлади. юксалиб боришини кўрамиз. Эҳтиёжларнинг узлуксиз ўзгариб туриши ҳар қандай жамиятга хосдир. Қондирилган эҳтиёж янги эҳтиёжларни келтириб чиқариши халқда «Инсоннинг кўзи тупроққа тўлганда тўяди» деган нақл келиб чиқишига сабаб бўлган. Ҳозирги замон фанида эҳтиёжлар чексиз, улар ўсишининг тўхташи, жамият

ҳаётини тўхташини билдиради деб эътироф этишади. Эҳтиёж ўсиб бормаганда ишлаб чиқаришнинг тараққий этишига ҳам зарурат бўлмас эди.

Еҳтиёжларнинг юксалиши икки йўналишда амалга ошади.

1. Кишиларнинг эҳтиёжи миқдоран ўсиб боради. Бу бир томондан аҳоли сонининг кўпайиб бориши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, истеъмолнинг ортиши билан боғлиқ.

2. Эҳтиёжлар таркиби ўзгариб, янгиланиб ва кўпайиб боради. Айрим эҳтиёжлар йўқолиб, ўрнига янгиси келади. Ишлаб чиқаришнинг ўзи эҳтиёжларнинг ўсишига ва таркибининг ўзгаришига катта таъсир кўрсатади.

Шунинг учун эҳтиёжлар борган сари таркибан янгиланиб, кўпайиб сифат жиҳатдан ўзгариб боради. Ишлаб чиқариш таъсирида мутлоқо янги эҳтиёжлар вужудга келади ва айни вақтда эскилари йўқолиб боради.

Чунки, ишлаб чиқариш орқалигина турли неъматлар яратилади ва муайян эҳтиёжларни қондиришга имконят ҳам вужудга келади. Мавжуд эҳтиёжнинг қондирилиши ўз навбатида янги эҳтиёжларни вужудга келтиради. Масалан, автомобил сотиб олиб эҳтиёжнинг қондирилиши ўз навбатида қатор янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради: машина турадиган жойга, ёнилғи, эҳтиёт қисм, суғурта қилдириш, солиқлар тўлаш ва ҳоказоларга эҳтиёжлар шулар жумласидандир.

Фан-техника тараққиётининг тезлашуви, аҳоли турмуш тарзи ўзгариши ҳам эҳтиёжларни тубдан ўзгартиради. Янги ихтироларни оммавий ишлаб чиқариш ўз навбатида уларга хос эҳтиёжларни вужудга келтиради. Масалан, кир ювиш машинаси, видеомагнитафон ва бошқаларга эҳтиёж.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши кишилар ҳаётининг ижтимоий-маиший маданий шароитларига ҳам эҳтиёжларни шакллантиради. Бунга оддийгина мисол, дастлабки ибтидоий одамларнинг овқатланиши билан ҳозирги замон овқат

**Ehtiyojlarni qondirilish darajasi (EQD) har bir davrda haqiqiy iste'mol**

ияси тубдан фарқ қилади.

)иш эҳтиёжларни шакллантирар экан, ўз навбатида эҳтиёжлар ришга таъсир этади. Биринчидан, эҳтиёжлар яратувчанлик қ йўналишига асос бўлади, иккинчидан инсон эҳтиёжларининг киҳатдан тез ўзгариши ишлаб чиқаришнинг унга мослашишини

Бу қонун ишлаб чиқариш билан эҳтиёжлар ўртасида ўзаро узвий боғлиқлик ва эҳтиёжларнинг юксалиши мураккаб тарзда кечишини кўрсатади.

...нг чексизлиги нисбатан кўпроқ ижтимоий-маънавий эҳтиёжларга тааллуқли. Шу сабабли А.Смит «овқатга интилиш ҳар бир одамда киши ошқозонини кичик сиғими билан чекланади, лекин қулайликларга ҳамда уй-жой, кийим-кечак, уй шароити ва анжомларни безашга интилиш афтидан чексиз ёки муайян чегараларга эга бўлмаса керак» деб таъкидлаган.

эҳтиёжларни қондирилиш даражаси (ЕҚД) ҳар бир даврда ҳақиқий истеъмол (ҲИ)ни эҳтиёжларнинг умумий даражаси (ЕУД)га нисбати орқали аниқланади, яъни

**ЕҚД=ХИ/ЕУД•100**

Еҳтиёжлар қондирилиш даражаси одатда истеъмол билан таққосланади. У йил давомида аҳоли жон бошига истеъмол қилинган товар ва хизматлар тури миқдори ҳисобида баҳоланади. Масалан, аҳоли жон бошига истеъмол қилинган нон ва нон маҳсулотлари, сут, гўшт, сабзавот, мева ҳар юз оилага тўғри келадиган узоқ муддат фойдаланадиган товарлар: автомобил, телевизор, кир ювиш машинаси, музлатгич, уй-жой майдони ва бошқалар.

Жамият тараққий этган сари истеъмол даражаси ортиб, эҳтиёжлар тўлароқ қондирила боради. Эҳтиёжни қондириш усуллари ҳам ўзгаради. Истеъмол неъматлари тури кўпаяди. Эҳтиёжларни қондирилиши умумий тарзда аҳоли турмуш даражасини кўрсатади. Турмуш даражаси - аҳоли эҳтиёжларини қондирилишига қараб баҳоланади. Аҳолининг эҳтиёжларини қондирилиши уларнинг фаровон яшаши, узоқ умр кўришининг гаровидир. Бунинг учун эса ана шу эҳтиёжларни қондирадиган даражада ишлаб чиқариш зарур бўлади.

Еҳтиёжлар билан ишлаб чиқариш нисбати ўзгаришининг уч муқобил варианти мавжуд бўлади:

1. **Регрессив**. Бу муқобил ҳолат узоқ муддат ишлаб чиқаришнинг тушкунликда бўлиши натижасидан келиб чиқади. Иқтисодиётни бундай ўзгаришини **гирдоб** тарзида кўриш мумкин. Аҳоли истеъмоли миқдор ва сифат жиҳатдан ҳам камайиб боради. Борган сари кишиларнинг энг зарур эхтиёжларини қондириш ҳам қийинлашиб боради. Ҳозир шундай вазиятни Осиё, Африка, Лотин Америкасининг қатор мамлакатларида кўриш мумкин.

2. **Турғун**. Бу вариантда нисбатан чекланган турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади ва эҳтиёжлар ҳам ниҳоятда секинлик билан ўсиб боради. Яратувчанлик фаолияти суст, ишлаб чиқариш (– тақсимот – айрибошлаш – истеъмол) ва эҳтиёжлар **доира** шаклини эслатади. Иқтисодиётда умумий турғунлик юз бериб, кўпинча у халқларнинг анъана ва урф-одатлари билан боғланиб кетади. Бу ҳол ҳозирги пайтда айрим Осиё ва Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида кузатилади.

3. **Прогрессив.** Бунда ишлаб чиқариш миқдори кўпаяди, сифати яхшиланади, истеъмол ва эҳтиёжлар ўсади. Уни тобора кенгайиб борувчи **спиралсимон** ҳаракат тарзида ифодалаш мумкин. Бир қатор беқарорликларга қарамасдан, ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳам, эҳтиёжлар ҳам ўсиб боради.

### 1.2.5. Иқтисодий ресурслар, уларнинг турлари, таркиби ва чекланганлиги.

#### Ресурсларнинг чекланганлиги ва танлов имконияти

Юқорида келтирилган иқтисодиёт борасидаги мушоҳадалардан келиб чиқиб, нима сабабдан иқтисодчилар дунёга танқислик нуқтаи-назардан боқишларини кўриш мумкин.

Танқислик тушунчаси иқтисодий ресурслар чекланган маҳсулотлар ва хизмаларт турларини ифодалайди. Танқислик инсондаги истаганча танлаб олиш имкониятини чеклаб, бизга мавжуд нарсаларнигина танлай олишни талаб қилади. Энди биз ҳамма нарсалардан хоҳлаганча фойдалана олмасдан, мавжуд нарсалар билангина кифояланишимиз керак эканлигини англатади. “Ҳеч қачон сичқон тутгичда текин пишлоқ бўлмайди” деган оддийгина нақл иқтисодиётни ўзагини ташкил э тади. Айтайлик, сиз бирор-бир маҳсулотдан бепул фойдаландингиз дейлик, аммо ҳудди шу маҳсулотни ишлаб чиқарган бошқа бир ишлаб чиқарувчи унга қанчадир маблағ сафрлаган-ку! Бирор–бир оддий бўлиб кўринган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ҳам қанчадир ўлчамдаги ер майдони, иш қуроли, қўл меҳнати, бунёдкорлик салоҳояти кабилар талаб қилинади. Юқоридаги “текин пишлоқ” ни ўрнига ишлаб шиқариш учун кетган маҳсулот ва қўл меҳнати сарфлаб, бошқа бир маҳсулотни ишлаб чиқариш мумкин эди- каттароқ харид қилиш учун ундов бўлиши мумкин. Бир шиша бепул ичимлик олиш учун сиз каттагина пизза сотиб олишингиз керакдир. Бир дона бепул қўл телефони эвазига сиз бир йил

муддат ўша компанияни телефон-ларга хизмат кўрсатиш учун нашрга чиқарилган журналга аъзо бўлишингиз талаб қилинар!

Шундай қилиб,бепул тарқатилган ҳарса –буюмлар инсонларга ҳеч қачон аслида текин берилмаган бўлиб чиқади. Жамиятимиздаги ҳеч қайси маҳсулот ҳеч қачон шунчаки бепул берилмайди. ку! Ёки сарфланган қўл меҳнатини бошқа фойдали меҳнатга сарф қилиш мумкин эди-ку! Иқтисодиётчилар худди шу сарф- ҳаражатларни яширин ҳаражатлар деб атайдилар. Бир турдаги маҳсулотни қўлга киритиш учун бошқа турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришдан чекланишга мажбурмиз. Айни шу кетказилган сарф–ҳаражат танловнинг яширин ҳаражати дейилади.[5]

## Жамиятни ҳаражатларни камайтириш муаммоси

Ресурсларни танқислиги ҳолатида жамият ҳам ўз қарорини қабул қилишга мажбур бўлади. У ҳам ҳаражатларни камайтириш муаммосига дуч келади. У чекланган ресурсларини жиноий ишларга карши курашиш соҳасигами ёки таълим соҳасига йўналтирсинми? Агар у ҳар иккисига йўналтирадиган бўлса, қандай хизмат ва товарлардан воз кечиш эвазига бўлиши мумкин? Соғлиқни сақлашми ёки энергия таъминотими?

### *Танқис ресурслар*

Жамиятда бирор бир хизмат тури ва маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган ресурсларнинг ҳаммаси иқтисодий танқис ресурслар деб аталади. Ўз навбатида бу ўз ичига завод- фабрикаларнинг бутун бир тармоғини, фермалар қурилиши ва уни қуриш учун кетадиган жиҳозлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун мўлжалланган бутун бир техникани қамраб олади. Ҳамма транспорт ва коммуникатсия жиҳозлари, меҳнатнинг барча тури, ер ва минерал ресурслар ҳам шуни ичига киради.

### Ресурс категориялари

Иқтисодчилар иқтисодий ресурсларни тўртта умумий категорияга бўладилар.

### Ер

Иқтисодчиллар учун ер кўп инсонларга қараганда кўпроқ маъно касб этади. Иқтисодчилар учун ишлаб чиқарич жароёнида иштирок этадиган барча табиий ресурслар тушунилади, жумладан, экин майдонлари, ўрмонлар, минерал ва нефт заҳиралари ҳамда суз ресурсларини ташкил этади.

### Меҳнат

Инсонларнинг кўрсатадиган ҳамма турдаги меҳнатларини умумлаштириб, “меҳнат” деб аташ мумкин бўлади.

### Капитал

Иқтисодчилар учун капитал ёки сапитал маҳсулотларига истеъмол товарлари ва хизматларини ишлаб чиқаришда керак бўладиган барча воситаларни киритиш мумкин. Булар сирасига завод фабрикалар, омборхоналар, транспорт воситалари, етказиб бериш хизмати, техника ва

---

[5] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 35

асбоб-ускуналар киради. Иртисодчилар капитал товарлари ҳаридига инвеститсия деб қарайдилар.6

Капитал маҳсулотлари истеъмол маҳсулотларидан фарқ қилади чунки истеъмол маҳсулотлари инсон эҳтиёжини тўғридан-тўғри қондиради, ваҳоланки капитал маҳсулотлари истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришга жалб этилади. Эътибор бериш керакки, иқтисодчилар “капитал” терминига пул сифатида эмас, балки жиҳозлар, техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари сифадида қарашади. Сабаби пулнинг ўзи ҳеч нарсани пайдо қилмайди, шу сабабли истисодчилар унга иқтисодий ресурс сифатида қарамайди. Улар фиркича, пул истеъмол товарлари сотиб олиш учунгина керак бўладиган бир восита ҳолос.

### *Тадбиркорлик қобилияти*

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсон меҳнатидан фарқли ўлароқ **бошқарувчилик қобилияти** маҳсус инсон ресурсларига киради. Бошқарувчи қуйидагиларни амалга оширади:

Бошқарувчи хизмат тури ва товар ишлаб чиқаришда ер ресурслари, меҳнат ва капитални унумли фойдаланади. Бошқарувчида бошқарувчилик ва етакчилик қобилияти бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқаришда ва бошқа ресурс манбаалардан муваффақиятли тақбиркорлик пайдо қиладиган омилкор киши ҳисобланади.

[6] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 39

## Son'ggi So'z O'rnida

### Sog'lom Iqtisodiy Fikr Yuritishga To'siqlar

**Istisodiy muammolar borasida xolis va haqqoniy fikrlash doim qiyincxilik tug'diradi, chunki bu masalalar bizning o'zimizga ta'sir ko'rsatadi.**

Quyida istisodiy istiqbolni muvaffaqiyat bilan amalgam oshirishga to'sqinlik qiladigan bir necha qiyincxiliklar berilgan.

**Noto'g'ri fikr yuritish.** Iqtisodiyot sohasida ko'pcxilik kishilar ikkilanish va tushunmovcxilik girdobida qoladi. Masalan, ba'zilar umumiy foyda hadda tashqaridir yoki qara berishda ko'ra qarz olish doim afzal bo'lib kelgan deb o'ylashlari mumkin. Boshqalar esa hukumat ishlab chiqarishga qaraqanda samarali emas yoki hukumat tomonidan qo'yiladigan talablar qancha kam bo'lsa, shuncha yaxshi bo'ladi deb o'ylashlari mumkin. Ishtiyoqlarga berilish xolis tahlil yuritishga va to'g'ri fikrlashga to'sqinlik qilishi mumkin. Shu sababli kishilar faktlarga asoslanmagan fikrlarga va ma'lumotlarga tayanmasliklari kerak.




**Terminlardan noto'g'ri foydalanish.** Ba'zan gazeta va televideniyada ishlatiladigan iqtisodiy terminlar juda ko'p qo'llaniladi va ular chalg'ituvchi xarakterga ega. Bunday maqolalarni yozayotgan yozuvchi ishda lavozimini ko'tarilishini maqsad qilgan yoki boshqa maqsadlari bo'lishi mumkin, amma uning iqtisodiyot sohasidagi maqolalarida bu qadar terminlardan foydalanishi berilajak ma'lumotlarni va holarlarni o'zgarishiga olib kelishi mumkin. Yuqori ko'rilgan foydani "namunosib", kam to'lanadigan oylik maoshlarini "eksplutatsiyaga yo'naltirilgan" yoki insonni o'z manfaatlarini ko'zlab qilgan hatti-harakatlarini "ochko'zlik" deb yozishlari to'g'ri emas. Hukumat ishcxilarini "ahmoq byurokratlar" va hukumat qarorlarini qo'llab-quvvatlovcxilarni sotciolistlar deb atashlari mumkin. Albatta, iqtisodiy masalaga xolis yondashadigan kishilar bunday terminlarga e'tibor bermaganlari ma'qul.

**Noto'g'ri taxmin.** Iqtisodiyot borasida to'g'ri fikr yuritishga to'sqinlik qiladigan yana bir holat alohida bir inson uchun mos kelgan narsani butun bir jamiyatga mos keladi degan noto'g'ri mulohazadir. Bu holat mantiqiy yanglish fikr yuritish bo'lib, xulosa chiqarishdagi yanglishish deb ataladi. Xulosa o'rnida aytadigan bo'lsak, alohida bir inson yoki qism uchun yaroqli bo'lgan mulohaza butun bir yaxlit guruh uchun mos kelmasligi mumkin. Agar bu masalaga futboldagi turning eng ahamiyatli o'yin sifatida qarasak, tushunishga osonroq bo'ladi. Lekin stadionning old qatoridagi ishqiboz o'yincxilarni qo'llab-quvvatlash uchun o'rnidan tursa, orqa o'rindiqda o'tirganlar o'yinni ko'ra olishmaydi.

Sizga iqtisodiyotga oid yana bir misolni keltiramiz: alohida tartibdagi fermer muayyan ko'p miqdordagi hosilni yig'ib olishdan katta foyda olishi mumkin. Lekin bu mulohazani barcha fermerlarga nisbatan aytib bo'lmaydi. Alohida tartibdagi fermerni katta miqdorda yig'ib olgan hosili mamlakatdagi hosil narxini pasaytirmaydi, chunki har bir fermer umumiy fermadan keladigan mahsulotga o'zlarining kamma

miqdordagi ulushlarini qo'shadi. Ammo, hamma fermerlarni butun bir jamoa deb qabul qilsak, umumiy yig'ib olingan mahsulot yig'ib olinsagina, shu mahsulotning narxi pasayadi. Shunday qilib, agar mahsulot narxining pasayishi nisbatan katta bo'lsa, fermadan umumiy yig'ib olingan daromad chindan ham pasayishi mumkin.

**"Post Hoc" ("shundan so'ng, shu sababli") mantiqiy xato**

Xulosa chiqarishdan avval masalani sinchiklab o'rganish kerak chunki qandaydir A hodisa boshqa B hodisadan vaqt nuqtai nazaridan keyin turadi, A hodisa B hodisani sodir bo'lishiga sabab bo'ladi. Bu turdagi yanglish fikr yuritish shundan so'ng, shuningdek, shu sababli deyiladi. Iqtisodiyotga tegishli bo'lmagan yana bir misol: professional futbol jamoasi o'zlariga yangi trener yolladi deylik va bu bilan jamoaning o'yindagi ko'rsatgan natijasi yaxshilanadi. Bunga yangi yollangan trener sababchimi? Ehtimol. Balki jamoada tajribaliroq o'yinchilarning bo'lishi yoki to'g'ri tartibdan olib borilgan mashg'ulotlar sababchidir. To'g'ri, xo'roz quyosh chiqishidan avval qichqiradi, lekin uning qichqirishi quyosh chiqishiga sababchi bo'lolmaydi.

Yana boshqa iqtisodiyotga oid misol: Ko'pchilik 1930 yillardagi Buyuk turg'unlikka 1929 yildagi fond birjasining tanazzulga yuz tutishi sababchi bo'lgan deb o'ylashadi. Lekin, ushbu tanazzul Buyuk turg'unlikka sababchi bo'lmagan. Aslida o'sha tanazzulga olib kelgan qattiq kamchiliklar Buyuk turg'unlikka sababchi bo'lgan. Nazarda tutilgan moliyaviy inqiroz undan avvalgi fond birjasidagi tanazzul bo'lmaganda ham sodir bo'lishi mumkin edi.

**Sababiyat emas balki o'zaro bog'liqlik**

O'zaro bog'liqlikni sababiyat bilan chalkashtirmaslik kerak. Ikki hodisa yoki ikki xil ma'lumot orasidagi o'zaro bo'gliqlik ularni bir-biriga bog'liq holda va tizimlilik jihatidangina bog'lab turadi. Masalan, X ko'rsatkichi oshsa, bunga mos ravishda Y ko'rsatkichi ham ko'tariladi. Lekin bu bog'liqlik o'rtasida qandaydir sabablar mavjud bo'lib, bunda X ko'rsatkichini oshishiga Y ko'rsatkichini ko'tarilishi sabab bo'ladi. Bu ko'rsatkichlar orasidagi bog'liqlik aslida boshqa bir nazarda tutilmagan qandaydir Z omil hisobiga yuzaga kelishi mumkin.

Yana bir misolga e'tibor qaratamiz: Iqtisodchilar ta'lim hamda daromad o'rtasidagi ijobiy o'zaro bog'liqlikni kashf etishgan. Umuman olganda, oliy ta'lim muassasalarida ta'lim olgan kishilar ta'lim olmaganlarga qaraganda ko'proq daromad ko'radilar. Aql bilan fikr yuritiladigan bo'lsa, insonni ta'lim olganligini sabab va yuqori daromadni esa oqibat deb olish mumkin; yuqori ta'lim olganlik darajasiga ega bo'lish tajribali,unumdorligi yuqori bo'lgan va bilimli ishchilarni ishlashi deyish mumkin va o'z navbatida bunday ishchilar, albatta, ko'proq maosh oladilar.

Boshqa holatda o'zaro bog'liqlikni qanday tushuntirish mumkin?

Ta'lim va daromad o'rtasida bog'liqlik bor deb hisoblasak, ta'lim sohasidagi muvaffaqiyat garovi hisoblangan salohiyat va motivatsiya talab qilinganidek, tajriba va ko'p haq to'lanadigan ishchilardan ham xuddi shunday salohiyat va motivatsiya talab qilinadi degan mulohasa to'g'rimikan?

Basharti shunday bo'lsa, ehtimol, xuddi shu fazilatlarga ega bo'lgan kishilar ko'proq ta'lim olishga va ko'proq haq to'lanishga sazovor bo'ladilar. Hayotiy tajribadan shunisi ma'lumki, salohiyatli odamlar har doim ham yuqori daromadni qo'lga kirita olmaydilar-ku!

Ваҳоланки, ер, меҳнат, капитал ва бошқарувчилик қобилияти маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматларни маълум туринини ташкиллаштириш учун бир жойга жам бўлар экан, уларни умумий қилиб, товар ишлаб омиллари ёки сода қилиб айтганда харажатлар дейиш мумкин.[7]

Ҳар бир ресурс ундан ишлаб чиқаришда фойдаланганда маълум самара беради. Ресурс келтирадиган натижа ўз чегараларига эга. Ҳар қандай ресурсдан энг яхши, оқилона фойдаланилган тақдирда ҳам маълум чегарадан ортиқ маҳсулот яратиб бўлмайди.



Masalan, har qanday yaxshi natijaga erishish uchun harakat qilingan taqdirda ham 1 tonna rudadan - 1 tonna metall olib bo‘lmaydi. Insonlarning ham, resurlarning ham unumdorligi o‘z chegarasiga ega. Bu mavjud resurslardan ma’lum miqdor va turdagina mahsulotlarni ishlab chikarish mumkinligi anlatadi.

***Иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги ишлаб чиқариш имкониятларини ҳам чекланишига олиб келади.***

Ҳар бир хўжалик, оила, корхона, фирма, тармоқ, мамлакат ўзининг ана шундай имконият чегарасига эга. Ресурслардан фойдаланиш даражаси турлича бўлгани учун барча товарлар бўйича ишлаб чиқариш имконияти чегарасини кўрсатиш қийин.

[7] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 41

## 1.3-Мавзу: Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари

**Режа:**

**1.3.1. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни**
**Доиравий айланиш ва унинг моделлари**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар**: Ишлаб чиқариш жараёни, жўғрофий Ихтисослашув, ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш, моддий хизматлар кўрсатиш, ишчи кучи, ер, капитал, иқтисодий ресурслар.

### 1.3.1. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни

Жамиятнинг иқтисодий асосини, инсон ҳаётий фаолиятининг манбаини тушуниш учун ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини кўриб чиқиш зарур.
Ишлаб чиқариш жараёни – бу кишилик жамиятининг амал қилиши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Моддий ва маънавий неъматлар яратиш, турли хизматлар кўрсатиш жараёни кишилар иқтисодий фаолиятининг асосий томонидир.

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш, биринчи навбатда, меҳнат жараёнидир ёки бошқача қилиб айтганда, табиатдаги бор нарсаларнинг кўринишини ўзининг истеъмоли учун мувофиқ ҳолга келтириш учун қилинган меҳнатфаолиятидан иборатдир. Масалан, кишилар табиатда мавжуд бўлган ердан фойдаланиб турли хил деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотларини етиштирадилар. Ўрмонлардаги дарахтлардан фойдаланиб, уларнинг шаклини ўзгартириб, турли хил ёғоч буюмлар ясайдилар, уйлар қурадилар. Ер бағрида (конларда) мавжуд бўлган турли рудалар (темир, мис, руҳ, қўрғошин ва ҳ.к.), минерал хомашёлардан фойдаланиб, ўзлари учун зарур истеъмол буюмлари, ишлаб чиқариш воситалари яратадилар. Ана шу меҳнат жараёнида кишилар, энг аввало, табиат билан, унинг кучлари ва ашёлари билан ҳамда бир-бирлари билан ўзаро маълум муносабатда бўладилар.

Инсонлардаги меҳнат тақсимоти жамиятга қуйидагича ёрдам бериши мумкин:

Ихтисослашиш инсон қобилиятининг турли ҳиллигидан фойдаланади. Агар Маъмур кучли бўлса ва яхши футбол ўйнай олса, Феруза чиройли, чаққон ва куйлай олади. Бундан Маъмур футбол ўйнаса ва Феруза ажойиб ашулани куйлаб берса, уларнинг қобилиятларини тақсимланиши юзага келади.

Ихтисослашиш инсон бир турдаги фаолият тури билан шуғулланиш орқали ўша фаолият турини яхши ўзлаштириб олиши мумкин бўлади. Агар икки инсоннинг қобилиятлари бир хил бўлса ҳам, Ихтисослашиш фойдали тус олади. Инсон кўп турли ишлар билан шуғулланиб кеткизган вақти эвазига бир турдаги юмуш билан банд бўлиб, уни мукаммал эгаллаб олиши мумкин. Ҳуқуқшунос бўлиш учун бу соҳани кўп йиллар ўқиб, ўрганиш талаб этилади.

Ихтисослашиш вақтни тежайди. Инсон бир ишни амалга ошириш учун сарфлаган вақти орқали бошқа турдаги бир неча ишларга сарфлаган вақтидан тежаб қолади. Шунингдек, инсон ўзи қодир бўлмаган ишга вақт сарфламслик орқали ҳам вақтдан ютиши мумкин.

Юқоридагиларни барчасини ҳисобга олсак, Ихтисослашиш жамиятни чекланган ресурслардан кўпроқ натижага эришишларини белгилаб беради.

**Жўғрофий Ихтисослашув** Ихтисослашиш, шунингдек, ҳам ҳудудий ҳам халқаро миқёсда амал қилади. Небраска штатида апелсинлар ўстирилади, аммо у ернинг табиати, иқлими яхши бўламгани туфайли апелсинларни

нархи жуда қиммат бўлиш мумкинлигини тушунса бўлади. Флоридада буғдойни ўстириш мумкин, лекин географик сабабларга кўра унинг нархи баланд бўлиши мумкин. Шунинг учун, ҳар бир штат ўз иқлимига мос келадиган маҳсулотларни етиштирса, маҳсулотларнинг нархлари бунчалик баланд бўлмайди. Бу ҳолатни бутун дунё мисолида ҳам талқин этиш мумкин. Бу билан чекланган табиий ресурслардан фойдаланиб, кўпроқ самарадорликка эришса бўлади[8].

Кишилар ўзларининг онгли, мақсадга мувофиқ унумли меҳнати билан табиат моддаларининг шаклларини ўзгартирадилар ва истеъмол учун зарур бўлган маҳсулотни вужудга келтирадилар. Меҳнат жараёнида кишилар ҳамда табиат ўртасидаги моддалар алмашинуви билан бирга инсоннинг ўзи ҳам ҳар томонлама камол топиб боради, яъни кишилар ўзининг меҳнатга бўлган қобилиятини, билимини оширади ва уларни амалда қўллашни кенгайтириб боради. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришжараёни истеъмол қийматларни вужудга келтириш учун мақсадга мувофиқ қилинадиган ҳаракатдир, табиат яратган нарсаларни инсон истеъмоли учун ўзлаштириб олишдир, инсон билан табиат ўртасидаги модда алмашувининг умумий шартидир, инсон ҳаётининг абадий табиий шароитидир.

Ишлаб чиқаришнинг **таркибий тузилиши** муҳим аҳамият касб этиб, у турли соҳалар, бўлинмалар, яратилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар турларини ифодалайди. Энг аввало, ишлаб чиқаришни **моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига** ажратиш лозим.

Ўз навбатида моддий ишлаб чиқариш соҳаси **моддий неъматларни ишлаб чиқариш** (масалан, автомобил, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар ва ҳ.к.) ва **моддий хизматлар кўрсатиш** (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар)дан иборат бўлади.




**-расм. Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши**

Номоддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳам **номоддий неъматларни ишлаб чиқариш** (масалан, мусиқа асарлари, бадиий ва илмий асарлар, ихтиро ва кашфиётлар) ва **номоддий хизматлар кўрсатиш** (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)га ажралади. Бу соҳалар бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланади ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаси ўз навбатида икки бўлинмадан иборат бўлиб, биринчи бўлинмада **ишлаб чиқариш воситалари** (станок, машина, асбоб-ускуна,

---

[8] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar, muammolar va siyosat. O'n ettinchi Nashr. 43-44 b.

хомашё ва турли материаллар) яратилса, иккинчи бўлинмада эса **истеъмол буюмлари** ишлаб чиқарилади.

Биринчи бўлинмада ишлаб чиқаришдан чиққан товарлар шу йилнинг ўзида иккинчи бўлинмада ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқариш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин, иккинчи бўлинмада яратилган товарлар ва номоддий соҳа хизматлари ўз навбатида биринчи бўлинма учун зарурдир. Шунинг учун улар ўртасида доимо иқтисодий алоқалар ва муносабатлар содир бўлиб туради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш, бир томондан истеъмол қийматини (нафлиликни) яратишдир, иккинчи томондан, моддий воситалар ва меҳнатнинг сарфланиши, янги қийматнинг яратилиши, бошқача қилиб айтганда, қийматнинг ўсиш жараёнидир.

Ҳар қандай маҳсулот, шу жумладан, бозор шароитидаги ёки унга ўтиш давридаги меҳнат маҳсули ҳам икки хил хусусиятга эга: истеъмол қийматига, яъни маълум бир нафлиликка ва қийматга эга бўлиб, жонли ва буюмлашган меҳнат сарфининг маълум миқдорини ўзида мужассамлаштиради. Бу товарнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамиша бир-бирини тақозо қиладиган икки томонидир (бу ҳақда кейинги бобда батафсилроқ тўхталамиз). Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнига ҳамиша унинг пировард мақсади билан биргаликда қаралади. Ишлаб чиқаришнинг мақсади чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб, кишилар эҳтиёжини қондириш экан, унинг самараси товар ва хизматларнинг натурал ва қиймат жиҳатдан ўсишида кўринади. Шу нуқтаи назардан олганда ишлаб чиқариш жараёни ҳамиша нафлиликни, яъни истеъмол қийматини яратиш, кўпайтириш ва қийматларнинг ўсиш жараёни ҳисобланади, унинг асосий мақсади эса, истеъмол қийматини, яъни нафли товарни яратишдан иборат бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда кишилар эҳтиёжини қондиришга қаратилиши ва шунга зарур бўлган сифат ва миқдорда истеъмол қиймати яратишни бош мақсад қилиб қўйиши унинг ижтимоий йўналишини ифода этади. Лекин бу умумий ижтимоий йўналиш аниқ кишиларнинг, тадбиркорларнинг манфаати билан боғлангандагина амалга ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида ёки унга ўтиш даврида ҳар бир мулк эгаси ёки тадбиркор маълум миқдорда фойда олишни, сарфланган воситаларига, пул маблағларига нисбатан кўпроқ қийматга эга бўлишни мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни бир томондан, истеъмол қийматларини яратиш жараёни бўлса, иккинчи томондан, қийматнинг ўсиш жараёни бўлиб ҳисобланади. Масалан, тадбиркор ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 10 млн. сўмлик пахта толаси сотиб олди дейлик. Толадан ип йигириш учун қўлланилган асосий воситалар амортизатсияси, энергия ва бошқа харажатлар 2 млн. сўмни, иш ҳақи 3 млн. сўмни ташкил этиб, 3 млн. сўмлик фойда оладиган бўлса, яратилган маҳсулотнинг қиймати 18 млн. сўмни, қўшилган қиймат 8 млн. сўмни ташкил этади.

Агар биз 8 млн. сўмлик қўшилган қийматдан 2 млн. сўмини амортизатсия, энергия ва бошқалардан иборат моддий харажатлар, яъни олдиндан яратилган қийматлар деб қарасак, 6 млн. сўмлик қиймат, яъни 3 млн. сўмлик иш ҳақи ва 3 млн. сўмлик фойда шу ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил қилинган янги қиймат ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонини қуйидагича ифода этишимиз мумкин

Ишлаб чиқариш жараёнини икки томонлама таҳлил қилиб ўрганиш унинг мазмунини тўғри тушуниш имконини беради ва турли хил чалкашликлар, мунозарали тортишувларга чек қўяди. Жумладан, шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб

чиқариш жараёнида иштирок этаётган ишлаб чиқариш воситалари қиймати кўпаймаган ҳолда, аниқ меҳнат билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматига ўтказилади.




**1.3.2-расм. Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томони**

Ишлаб чиқариш воситалари нафлиликни яратишда тўлиқ қатнашади, қийматнинг ташкил топишида эса қисман, яъни унинг эскирган қисми қатнашади. Бу ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган айрим табиий кучлар (масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда қуёш энергияси) қийматга эга эмас, шунинг учун улар товарнинг истеъмол қийматини ҳосил қилишда омил сифатида қатнашсада, лекин қийматнинг ташкил топишида, унинг кўпайишида қатнашмайди. Демак, ишлаб чиқарилган товарларнинг нафлилигини яратишда ҳар учала омил: ер, капитал, ишчи кучи қатнашади, қийматнинг ташкил топишида эса меҳнатнинг ўзи қатнашади.




**.3-расм. Товар ва хизматлар нафлилиги ва қийматининг яратилишида ишлаб чиқариш омилларининг роли**

Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиати унинг натижаларининг ҳам икки томони борлигини кўрсатади.

**Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини чуқур англаш учун энг аввало, ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг таркибий қисмлари билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**

Бозор иқтисодиёти қанча даражада ихтисослашувга боғлиқ бўлишини тасаввур этиш ғайриоддий ҳолатдир. Ихтисослашиш инсонларни, фирмаларни, маълум ҳудуд ва мамлакатни ўз ресурсларидан фойдаланиб,

яхлит хизмат ва товар турларидан кўра уларни бир ёки бир неча турларини ишлаб чиқариш деганидир. Ўша товар ва хизматлар кейинчалик тўлиқ кўламдаги товар ва хизматларга алмаштирилади. Кўп истеъмолчилар ўзлари истеъмол қилаётган маҳсулотларни ҳеч бирини ишлаб чиқаришмайди ҳамда ишлаб чиқарган тақдирда уларни кам қисмини истеъмол қилади ёки умуман истеъмол қилишмайди. Автомобил саноатида ишлаётган ишчиларнинг ўртача 5/9 фоизигина ўз шахсий автоуловларига эга. Кўп фермерлар маҳаллий савдо дўконларига сут етказиб берадилар, аммо бошқа дўконлардан сарёғ сотиб оладилар. Ўз- ўзини таъминлаганлик ҳолати самарасизликка олиб боришини одамлар анча йиллар аввал тушуниб етишган. Ҳамма ишнинг устаси бўлган инсон жуда серғайрат бўлиши мумкин, лекин самарадор ишлаб чиқарувчи айлана олмайди[9].

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилувчи барча ресурслар ишлаб чиқариш омиллари дейилади. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъий назар учта омил: ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари бўлиши шарт. Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш омиллари, иқтисодий ресурслардан фарқли ўлароқ, ўз ичига фақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита иштирок этувчи унсур-ларни олади. Мисол учун, иқтисодий ресурснинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисоблан-ган пул ресурслари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилмаганлиги сабабли, ишлаб чиқариш омили бўла олмайди. Ишлаб чиқариш омилларининг моҳиятини янада кенгроқ тушуниш учун уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Ишчи кучи деб инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобили-ятларининг йиғиндисига айтилади. Ишчи кучи меҳнат қобилиятига эга бўлган кишилар учун хосдир. Лекин ишчи кучи инсоннинг ўзи эмас ёки унинг меҳнати ҳам эмас, унинг қобилиятидан иборатдир.

Меҳнат қуроллари деб, инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситаларга айтилади. Буларга машиналар, станоклар, тракторлар, қурилмалар, ускуналар ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Меҳнат предметлари эса бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалардир. Ер, сув, хомашё ва бошқа турли материаллар меҳнат предметининг асосий турларини ташкил этади. Меҳнат предметлари табиатда тайёр ҳолда учраши мумкин ёки олдинги даврдаги меҳнат маҳсули, яъни хомашё бўлиши мумкин.

Меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари биргаликда ишлаб чиқариш воситалари деб юритилади. Бу эса меҳнат жараёнининг табиатидан келиб чиқади; шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш воситалари барча ижтимоий-иқтисодий тизимлар, инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун хосдир.

Ишлаб чиқариш омиллари инсоният тараққиётининг ҳамма босқичлари учун умумий бўлсада, бу омилларга турли адабиётларда турлича таъриф берилади. Жумладан, «Сиёсий иқтисод» дарсликларида ишлаб чиқаришнинг икки омили: моддий ва шахсий омиллари мавжудлиги тан олинади. Бунда меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларидан иборат ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришнинг моддий омилини ташкил этади, ишчи кучи эса унинг шахсий омили деб юритилади. Ҳозирги бозор иқтисодиётига доир кўпчилик адабиётларда эса ишлаб чиқаришнинг тўрт омили: меҳнат, капитал, ер, тадбиркорлик қобилияти тан олинади.

Бу ерда ишчи кучи билан меҳнат ўртасидаги фарқни англаб олиш жуда муҳимдир. Чунки, меҳнат инсоннинг, тўғрироғи ишчи кучининг маълум мақсадга

---

[9] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar, muammolar va siyosat. O'n ettinchi Nashr. 42 b.

қаратилган фаолияти жараёни бўлиб, ишчи кучи тушунчасидан тамо-мила фарқланади. Кўпгина адабиётларда эса уларга синоним (бир хил тушунча) сифатида қаралиб, бундай ҳолат кўплаб чалкашликларни келтириб чиқаради. Бизга маълумки, ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилияти, унинг билим, малака даражаси билан биргаликда ишлаб чиқаришда қатнашишига тайёр турган омиллардан бири ҳисобланади. Меҳнат эса барча омилларнинг, шу жумладан, ишчи кучининг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши натижасида содир бўладиган ва маълум самара олишга қаратилган фаолиятдир.

Шунинг учун биз меҳнат деган тушунчани эмас, балки ишчи кучи деган тушунчани ишлаб чиқаришнинг омили деб биламиз ва ишлаб чиқариш омиллари ишчи кучи, капитал, ер ва тадбиркорлик қобилиятидан иборат деб таъкидлаймиз.




**.4-расм. шлаб чиқариш омилларининг туркумланиши**

Ишчи кучи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлганлиги учун бозор иқтисодиёти даврида инсон эмас, меҳнат жараёни ҳам эмас, балки ишчи кучи товар сифатида сотилади ва сотиб олинади. Ишчи кучининг бошқа товарлар каби қиймати ва нафлилиги мавжуддир ва бинобарин, унинг бозори ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган меҳнат бозори тушунчаси ўрнига ишчи кучи бозори, меҳнат ресурслари ўрнига ишчи кучи ресурслари дейилса тўғри ва тушунарли бўлар эди.

Капитал тушунчаси ҳам турли адабиётларда турлича талқин қилинади. Кўпчилик капитал тушунчасини тарихий тушунча деб қараб, унинг капитализмга хослигини исботлайди ва капитални ўз эгасига қўшимча қиймат келтирувчи қиймат, ўз-ўзидан кўпаювчи, ўсувчи қиймат деб ҳисоблайди. Айрим ғарб иқтисодчилари ҳам, масалан, Ж.Кларк, Л.Валрас, И.Фишерлар капиталга даромад келтирувчи, фойда келтирувчи, фоиз келтирувчи қиймат деб қарайдилар.

Қатор ғарб иқтисодчиларининг жумладан, Д.Хайман, П.Хейне, э.Долон, Ж.Робинсон, Р.Дорнбуш ва бошқаларнинг фикрини келтириб ва уларни умумлаштириб, проф. В.Д.Камаев ўзининг раҳбарлигида ёзилган дарслигида «ҳақиқатдан ҳам — капитал ўзидан ўзи кўпаювчи қиймат»[10] деб ёзади. Бундай фикр Д.Д.Москвин, В.Я.Иохин, А.Г.Грязнова, Е.Ф.Борисов ва бошқаларнинг раҳбарлигида нашр этилган қатор иқтисодиёт назарияси китобларида ҳам айтилади.Лекин, Америка ва Европа мамлакатларидан кириб келган «Економикс» дарсликлари ва бошқа айрим адабиётларда капитални барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қўлланиладиган моддий воситалардан, яъни ҳамма турдаги машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, завод-фабрикалар, омборлар, транспорт воситалари ва бошқа шу кабилардан иборат деб кўрсатади, унга пул ва товарни киритмайди. Бундан кўриниб турибдики, айрим иқтисодчилар капиталистик иқтисодий тузумнинг сотсиал моҳиятини очиш учун масалага бир

[10]Қаранг: Экономическая теория: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004, 217-бет.

томонлама қараб, ишлаб чиқариш омилларининг қийматига эътиборни кучайтирган. Ғарб иқтисодчиларининг айримлари ҳам капитални бир томонлама, яъни унинг қиймат тарафини эътиборга олган бўлса, бошқалари эса иқтисодий тушунчаларнинг тарихийлигини эътибордан четда қолдириб, унинг моддий объектини, нарса ва ҳодисаларнинг ашёвий томонини кўрсатадилар. Шунинг учун улар капитални доимий, ўзгармас тушунча деб, ишлаб чиқариш воситаларини капитал деб атайдилар. Биз бу икки хил тушунчани бир танганинг икки томони, бир тушунчанинг, яъни капитал тушунчасининг икки томони: унинг бир томони моддий ва ашёвий кўриниши, иккинчи томони эса унинг қиймат кўриниши эканлигини эътиборга оламиз ва уни бозор иқтисодиёти шароитида капитал деб ишлатамиз. Биз капитал деганда ўз эгаларига даромад келтирадиган, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳаларида қўлланадиган ишлаб чиқариш воситаларини, сотишга тайёр турган товарларни, янги воситалар ва ишчи кучини сотиб олишга мўлжалланган пул маблағларини, уларнинг ашёвий томони ва қийматининг бирлигини тушунамиз. Бошқача қилиб айтганда, «капитал» ҳам қийматга, ҳам нафлиликка эга бўлган, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган, ёлланма меҳнат (ишчи кучи) томонидан ҳаракатга келтириладиганвоситалардир.

Fransua Kene

(1694-1774y.)



Ҳамма адабиётларда ерга деярли бир хил тушунча берилади, яъни ер деганда тупроқнинг унумли қатлами, ўтлоқлар, яйловлар, сув, ҳаво, ўрмон, қазилма бойликлар, умуман табиий ресурслар тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида катта эътибор бериладиган омиллардан бири тадбиркорлик қобилиятидир. Тадбиркор деб иқтисодий ресурслар, яъни ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи ресурсларининг, табиий ресурсларнинг бир-бирига қўшилишини таъминлайдиган, ташкилотчи, янгиликка интилувчи, ташаббускор, иқтисодий ва бошқа хавфдан, жавобгарликдан қўрқмайдиган кишиларга айтилади; бу хислатлар мажмуи эса тадбиркорлик қобилияти деб юритилади. Ҳозирги даврда айрим адабиётларда ахборот ва унинг воситаларини, экологияни ҳам алоҳида омил деб кўрсатадилар. Бизнинг фикримизча, улар ер ва капиталда ўз ифодасини топади. Шунинг учун уларни алоҳида омил деб қарашга ҳожат йўқ.

## Доиравий айланиш ва унинг моделлари

Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати бир доиравий айланиш билан тўхтаб қолмайди, балки у узлуксиз давом этиб, такрорланиб туради. *Доиравий айланишлар-нинг бундай узлуксиз такрорланиб, янгиланиб туриши тадбиркорлик капиталининг айланиши дейилади.* Макроиқтисодий доиравий айланишларнинг биринчи анча машҳур тарихий модели «Кене жадвали» ҳисобланади. Унда Ф.Кене миллий иқтисодиётнинг фаолият қилишини учта синф (ер эгалари, деҳқонлар ва ҳунармандлар) ўртасида маҳсулот ва пулнинг айирбошланиш жараёни орқали кўрсатиб беради. Бунда миллий маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш жараёни пул оқимлари доиравий айланиши сифатида акс эттирилади. XX асрнинг 60-йилларигача макроиқтисодий доиравий айланишлар моделини такомиллаштириш ва бойитишга бир қатор иқтисодчилар салмоқли ҳисса қўшиб, ўз ёндашувларини ишлаб чиқди. Жумладан У. Митчелл конъюктурали циклларни тадқиқ қилган бўлса, Р.Стоун ва Дж. Мид С.Кузнетс МҲТ асосларини такомиллаштириб, уни уй

хўжаликлари, тижорат корхоналар, давлат ва чет элликлардан иборат тўрт секторларга ажратади.

Илмий прогнозлар ва халқ хўжалигини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш мақсадида Н.Д.Кондратев раҳбарлигида машҳур иқтисодчилар (А.Л.Вайнштейин, А.А.Конюс, М.В.Игнатев, э.Е.Слутский) томонидан собиқ Совет Россияси ва этакчи капиталистик мамлакатлар иқтисодий ривожланишини ҳар томонлама тадқиқ қилиш асосида олинган илмий натижалари ўз вақтида халқаро даражада тан олинди.

Ўзига хос макроиқтисодий муаммолар доирасини аниқ ажратиш, уларни таҳлил қилиш услубияти ва усулларига асос солиш ҳамда бозор хўжалигининг фаолият қилиш тавсифи тўғрисидаги тасаввурда инқилоб яратиш Дж.М.Кейнсга тегишли бўлди.

Неоклассик йўналишдаги иқтисодчилар (А.Менгер, У.Джевонс, Л.Валрас, В.Порето, А.Маршалл) маржинал таҳлил ва иқтисодий субъектлар хўжалик фаолиятини оптималлаштириш қоидалари ёрдамида бозор иқтисодиётига ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланганда табиий барқарор умумий мувозанат-лик хос бўлишини тасдиқлади.

Айрим иқтисодчилар таъкидлаганидек иқтисодий тараққиётдаги институтсионализм оқимлари (конвергенсия консепсияси, постиндустриал жамият, жаҳоншумул муаммолар иқтисоди) маржинал ва мувозанатли усулларни инкор қилиб эволюсион-сотсиологик усулларга устуворлик беради.

Ҳозирги замон ғарб иқтисодий адабиётларида доиравий айланишлар моделига уй хўжаликлари ва корхона (фирма)лар ўртасида бозор воситаларида амалга ошириладиган иқтисодий битимлар (ресурслар, маҳсулотлар ва пул даромадлари оқими) сифатида қаралади . Бунда доиравий айланишлар модели ёпиқ ва очиқ иқтисодиёт учун алоҳида таҳлил қилинади. Уларнинг ёпиқ иқтисодиёт учун содда ва нисбат мураккаб (давлат иштирокидаги) турлари ажратилади.

Дастлаб макроиқтисодий доиравий айланишларнинг ёпиқ иқтисодиёт учун нисбатан мураккаб ва бирмунча такомиллаштирилган моделини қараб чиқамиз. У ташқи иқтисодий фаолият ва молия – кредит тизими орқали рўй берадиган пул маблағлари ҳаракатини акс эттирмайди. Бироқ шу ҳолида ҳам мазкур модел такрор ишлаб чиқаришнинг классиклар (К.Маркс) томонидан илгари сурилган шартлари ва тармоқлараро баланс модели билан бир қатор умумий жиҳатларга эга. Доиравий айланишларнинг график ва жадвал тасвиридан мантиқан ўзаро узвий боғланган иккита блокни яъни, ишлаб чиқариш (И-ИИ-ИИИ) ва истеъмол (ИИИ-ИВ-И) блокини ҳамда тўртта бўғин (кичик блок)ни ажратиш мумкин. Бунда «А» бўғин ресурс салоҳиятини, «Б» бўғин ишлаб чиқариш имкониятини, «В» бўғин сотишга чиқарилган товарлар миқдорини ва «Г» бўғин истеъмол ҳажмини акс эттиради. Шу асосда улардан турли субъектлар тасарруфидаги ресурслар, маҳсулотлар ҳамда пул маблағлари ўртасидаги нисбат (хусусий мувозанатлик)лар ва умумий макроиқтисодий мувозанатликнинг асосий шартларини келтириб чиқариш мумкин.

И. Бу босқичда иқтисодий ресурслар (Ри)нинг уй хўжаликларидан ресурслар бозори томон ҳаракати рўй беради ва натижада ресурс эгаларининг омилли даромад (Д0) лари (иш ҳақи, фоиз, рента, меъёридаги фойда) шаклланади.

Уй хўжаликларининг ресурслар салоҳияти (капитал, эр, ишчи кучи, тадбиркорлик лаёқати) таклифи ресурслар бозоридаги жами талабидан ортиқча бўлиши керак, яъни И >ИИ. Бу қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

а) иқтисодиётнинг самарали ва меъёрида амал қилиши ресурслар бозорида «табиий даражада»ги бўш иқтисодий ресурслар, шу жумладан, ишчи кучи мавжуд бўлишини тақозо қилади;

б) ишлаб чиқаришни кенгайтириб бориш талаби ҳам ресурсларнинг бозор талабидан иқтисодий ресурслар таклифи нисбатан ортиқча бўлишини зарур қилиб қўяди.

Доиравий айланишларнинг мазкур босқичида уй хўжаликлари тегишли ресурс бозорларидан ўзлари тақдим қилган иқтисодий ресурслар учун омилли даромадларни (фоиз (р), рента (Р), иш ҳақи (ИҲ), меъёрларидаги фойда (Пм))ни ўзлаштиради. Бу даромадлар ресурслар бозорида талаб ва таклиф таъсирида шаклланиб, алоҳида олинган ресурслар нархи сифатида чиқади.

ИИ. Ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий ресурсларга талаби (ИИИ) ўз миқдори ва таркиби бўйича ресурслар бозоридаги уларнинг таклифи (ИИ) га мос келиши керак. Доиравий айланишлар моделининг бу босқичида корхона (фирма)лар талаб билдирган ресурслари эвазига тегишли сарф-харажат (W)ларни амалга оширади. Иқтисодий ресурслар айнан шу босқичда ишлаб чиқариш омилларига ёки унумли капиталга (Ку) айланади.




**1.3.5-расм. Макроиқтисодий ресурсларнинг доиравий айланишлар модели**

***Доиравий айланишлар модели*** *динамик бозор иқтисодиёти пул, ресурс ва товарлардан доимий ва таркорий фойдаланишни тақозо этади. Графа 3.5 да тасвирланганидек, айланма ҳаракатли графа ҳудди шундай кўрсаткичларни ифодалайди. Эътибор беринг, диаграмма ишлаб чиқарувчилар, алоҳида хўжаликлар, ресурслар бозори ва товарлар бозорига бўлинган*[11].

Доиравий айланишлар моделининг иқтисодий ўлчамлари ва асосий кўрсаткич-лари доиравий айланишлар моделининг ўлчамлари ва асосий кўрсаткичлари унда мужассамлашган макроиқтисодий мувозанатликларда ифодаланади.

Доиравий айланишлар моделида мужассамлашган асосий макроиқтисодий мувозанатликлар қуйидагилар:

- ялпи талаб (И+ИИИ+В) ва ялпи таклиф (И+ИИИ+В) ўртасидаги;
- товарлар таклифи (ИИИ) ва пул массаси (И+ИИИ+В) ўртасидаги;
- ишлаб чиқариш (ИИИ) ва истеъмол (И) ҳажми ўртасидаги;

[11] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar,muammolar va siyosat. O’n ettinchi Nashr. 44 b.

- аҳоли даромадлари (И) ва харажатлари (ИВ) ўртасидаги;
- алоҳида бозорларда талаб (ИИ) ва таклиф (ИВ) ўртасидаги;
- ишлаб чиқаришчилар сарф харажатлари (ИИИ) ва пул даромадлари (ИВ) ўртасидаги;
- давлат бюджети даромадалари ва харажатлари ўртасидаги ва ҳ.к.

Доиравий айланишлар моделидан мантиқий мушоҳада қилиш йўли билан макродаражадаги бир қатор қиймат мутаносибликларни ҳам келтириб чиқариш мумкин. Булар қуйидагилар:

- ишлаб чиқариш натижалари – СММ («5») ва иқтисодий ресурс сарфлари («4») ўртасидаги;
- ишлаб чиқарувчилар пул даромадлари («6») ва сарф харажатлари («4») ўртасидаги;
- аҳоли даромадлари («2») ва харажатлари («8») ўртасидаги;
- алоҳида товарларга талаб («8») ва улар таклифи («5») ўртасидаги;
- ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт ўртасидаги (доиравий айланишларнинг очиқ иқтисодиёт учун модели маълумотлари орқали аниқланади) ва ҳакозо.

Доиравий айланишлар моделининг таҳлили қуйидаги умумлаштирувчи хулосаларни чиқариш имконини беради.

- иқтисодий ресурслар, маҳсулотлар ва пул маблағларининг биргаликдаги ҳамда миллий иқтисодиётнинг турли даражасида кетма-кетликда ва яхлитликдаги бир-бирини тақозо қиладиган ҳаракати унга доиравий айланишлар шаклини беради. Айни вақтда иқтисодиётдаги оқимлар алоҳида турлари (ресурслар, маҳсулотлар, пул маблағлари)нинг макродаражадаги ҳаракати доиравий айланишлар моделида алоҳидалашган бўғинни ташкил қилиб, иқтисодиёт сектор (субъект)ларини боғловчи восита сифатида чиқади. Уларнинг яхлитликдаги ҳаракати корхона ва тармоқлардан миллий иқтисодиёт даражасигача бўлан индивидуал доиравий айланишлар жамламасини ташкил қилади;
- доиравий айланишлар жараёнида иқтисодий оқимлар (ресурслар, маҳсулотлар, пул маблағлари)нинг барча турлари бир-бирини тақозо қилади, уларнинг алоҳидалашган ва айни вақтда биргаликдаги ҳаракати такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди ҳамда миллий иқтисодиёт фаолият қилишининг асосий шарт-шароити ҳисобланади.

## 1.4-Мавзу: Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари

**Режа:**

**1.4.1. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг турли моделлари**
**1.4.2. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва турлари**
**1.4.3. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мақсади, йўллари ва усуллари**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар**: Иқтисодий тизимлар, бозор иқтисодиёти, мулкчилик муносабатлари , мулкчилик шакллари хусусийлаштириш, корпоратсия.

### 1.4.1. Иқтисодий тизимлар ва уларнинг турли моделлари

Ҳар бир даврда ва маконда амал қилаётган иқтисодий муносабатлар мажмуаси иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар билан биргаликда иқтисодий тизимни ташкил қилади.

Ҳар бир жамият ўз ҳаражатларини пасайтиришга ёрдам берувчи мос келувчи механизм ва маълум турдаги ишланмаларига эга бўлган иқтисодий тизимини ишлаб чиқиши керак бўлади. Иқтисодий тизим қайси товарларни ишлаб чиқилишини, қандай ишлаб чиқилишини, кимлар уларни ҳарид қилишини, товар айрибошловни қандай амалга оширишни ва технологик муваффақиятга қандай эришиш мумкинлигини белгилаб олиши керак.

Иқтисодий тизимлар маҳсулот ишлар чиқариш учун керак бўладиган омилларга кимлар эгалик қилади ва иқтисодий фаолиятни бошқариш, тартибга солиш ва рағбатлантиришда қўлланиладиган методларга ажралади[12].

Иқтисодий назарияда кўпинча иқтисодий тизим тушунчасини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан боғлаб туркумлашга ҳаракат қилинади.

Иқтисодий тизимларнинг икки асосий қутблари мавжуд: Маъмурий буйруқбозлик тизими ва бозор тизими.

Бозор иқтисодиётига қарама-қарши тизим маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти ҳисобланади. Бу тизим амалда барча моддий ресурсларга ижтимоий, аникроғи, давлат мулкчилигининг ҳукмронлиги ва маъмурий органлар томонидан иқтисодий қарорларнинг марказлашган тартибда қабул қилиниши билан тавсифланади. Фойдаланадиган ресурсларнинг ҳажми, маҳсулотнинг таркиби ва тақсимланиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш кабиларга тегишли барча муҳим қарорлар марказий бошқариш органлари томонидан қабул қилинади.

Маъмурий буйруқбозлик тизими коммунизм ёки сотсиализм тизими номи билан ҳам аталади. Ундай тизимда, ҳукумак кўпгина мулк ресурсларига эгалик қилади ва қарор қабул қилиш марказий иқтисодий бошқарув асосида кечади. Ҳукумат томонидан белгилаб қўйилган марказий бошқарув комитети ресурслардан фойдаланиш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришни амалга оширади. Ҳукумат ўз кўрсатмаларига биноан ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кўпгина корхоналарига ҳам эгалик қилади. Марказий бошқарув комитети ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган

[12] CampbellR.McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar,muammolar va siyosat. O’nettinchi Nashr. 40 b.

маҳсулотларни белгилаб, ҳудди шу маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун қанча ресурслар кетишини аниқлаб беради. Капитал ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши тенг тақсимланади ва истеъмол товарлари марказий бошқарув комитетининг узоқ муддатли ишланмалари асосида молиялаштирилади.

Соф режали иқтисодиёт ҳукумат эгалигидаги мулк ресурслари билан таъминлаш учун марказий режага таянади. Аммо, реал ҳаётда, Совет Иттифоқи 1992 йилда таназзулга учрашидан аввал хусусий мулкдорликка йўл очиб бериб, базъи бозорларни бирлаштириб юборган эди. Россия ва Европанинг кўп мамлакатларида олиб борилаётган ҳозирги ислоҳотлар ўзларининг режали иқтисодиётларини капиталистик ва бозорга йўналтирилган тизимларга ўзгартириб юборди. Хитой ислоҳотлари ҳали у даражага етмаган, лекин улар марказий бошқарув тизимига боғлиқлигини қисқартирмоқда. Гарчи Хитой ҳукумати капитал ва ресурсларга кенг миқёсда эгалик қилсада, мамлакатнинг ўз иқтисодиётини ташкилаштириш ва тартибга солишда эркин бозорларга боғлиқлик талаби ошиб бораверди. Шимолий Кореа ва Куба марказий режали иқтисодиёт тамойилларига амал қилаётган мамлакатларга мисол бўла олади. Маъмурий буйруқбозлик тизимидан фойдаланаётган бошқа мамлакатлар сирасига Туркманистон, Лаос, Беларуссия, Мянма ва эрон киради.13

Бозор иқтисодиёти тизими асосан икки босқичга эгадир. Биринчиси эркин рақобатга асосланган классик бозор иқтисодиёти бўлиб, баъзи адабиётларда уни соф капитализм деб ҳам юритилади. Иккинчиси эса ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти бўлиб, уни аралаш иқтисодиёт тизими деб ҳам юритилади.

Маъмурий буйруқбозлик тизимига қарама-қарши турган қутб бозор тизими ёки капитализм деб номланади. Ушбу тизим иқтисодий фаолиятни ташкилаштиришда ва бошқаришда нарх ва бозорлардан фойдаланиш ҳамда ресурсларга шаҳсий эгалик қилиш билан характерланади. Бунда иштирок этганлар ўз қизиқишларига кўра ҳаракат қилади. Инсонлар ва ишлаб чиқарувчилар иқтисодий мақсадларига товар, истеъмол ва меҳнатга боғлиқ қарорлари орқали эришадилар. Бундай тизим капиталга шаҳсий эгаликка йўл очади, нархлар воситасида муомалага киришади, сотувчи ва харидорлар тўқнаш келадиган бозорлар орқали иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштиради. Товарлар ва хизмат турлари ишлаб чиқарилади ва ресурслар истаган одамларга тақсимлаб берилади. Бу ерда ресурс ва товарларни сотувчилар ва сотиб олувчиларорасида рақобат юзага келади. Шундай қилиб, иқтисодий қарор қилиш кенг тус олади. Шунингдек, юқори даражадаги иқтисодий фойда ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни янгидан янги товарларни ишлаб чиқиш туртки бўлади. Соф капитализм ёки француз тилидаги термин билан айтганда “лаиссез-фаире” капитализм шароитида бозор тизимини бошқариш учун муҳит яратишда ва хусусий мулкдорликни бошқарившда ҳукуматнинг ўрни чекланган бўлади. Чунки бундай аралашув бозор тизимини кўнгилдагидек ишлашига тўсқинлик қилади. Лекин АҚШ ва дунёнинг кўп мамлакатлари бошидан ўтказган капитализм шароитида хукумат иқтисодиётда муҳим рол ўйнайди. Бу ҳолатда у нафақат иқтисодий фаолият учун қоидалар ичлаб чиқади балки, иқтисдоий турғунлик ва юксалишга замин яратади ва ишлаб чиқарилмай қолиши мумким бўлган товар ва хизмат турларини йўлга қўйилишига ёрдам беради ҳамда даромат тақсимланишини бошқариб боради. Шунга қарамай, ҳукумат Товар ва хизмат турларини қандай ишлаб чиқариш,

[13] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar,muammolar va siyosat. O’n ettinchi Nashr. 40b.

нима ишлаб чиқариш ва қандай сотиш борасида етакчи иқтисодий куч эмас. Ўша етакчи куч энди бозордир.[14]

**Еркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти** ресурсларга хусусий мулкчилик, иқтисодий фаолиятда ва тадбиркорликда эркинлик, иқтисодий жараёнларни тартиблашда ва уйғунлаштиришда бозор механизмидан фойдаланиш билан тавсифланади. Бундай тизимда ҳар бир иқтисодий субъектнинг хатти-ҳаркати унинг хусусий манфаатига асосланади. Улар ўзлари қабул қилган хўжалик ечимлари ва қарорлари асосида даромадларини энг юқори даражада етказишга интиладилар. Бу алоҳида қабул қилинган қарорлар бозор тизими ёрдамида уйғунлаштирилади. Рақобат шароитида товарларнинг ишлаб чиқарилиши, ресурсларнинг таклиф қилиниши шуни билдирадики, ҳар бир маҳсулот ва ресурсларнинг кўплаб мустақил ҳаракат қилувчи харидор ва сотувчилари мавжуд бўлади. Бу ерда иқтисодий жараёнларга давлатнинг аралашуви чекланган тавсифга эга бўлади. Шу сабабли давлатнинг роли хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва эркин бозорнинг амал қилишига қулай шароит яратувчи ҳуқуқий тартиблар ўрнатишдан иборатдир.

**Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти**. Ҳозирги даврда реал ҳаётда бозор иқтисодиёти соф бозор механизми ва режали иқтисодиёт унсурларини мужассамлаштиради. Мулкчиликнинг ҳар хил шакллари, тадбиркорликнинг турли йўналишлари мавжуд бўлади, унда режалаштириш, прогнозлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кучаяди. Масалан, АҚШ иқтисодиёти ҳозирги даврда олдинги эркин бозор иқтисодиётидан сезиларли фарқ қилади. Бу фарқлар қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, мулкнинг бир қисми давлат қўлида бўлиб, у иқтисодиётда фаол рол ўйнайди. Бу иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ўсиши учун шароит яратишда, бозор тизими етарли даражада ишлаб чиқармайдиган ёки умуман етказиб бермайдиган айрим товарлар ва хизматлар билан таъминлашда, даромадлар тақсимланишини ўзгартиришда ва шу кабиларда намоён бўлади;

иккинчидан, соф капитализмдан фарқли ўлароқ, АҚШ иқтисодиётида йирик корпоратсиялар ва кучли касаба уюшмалари шаклидаги қудратли иқтисодий ташкилотлар мавжуд.

Бу ерда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хусусий мулкчилик ва бозор тизимига суяниш, ижтимоий мулкчилик ва марказдан режалаштириш ҳар доим ҳам бир вақтда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, собиқ миллатчи Германия иқтисодиёти авторитар капитализм деб аталган, чунки мулкчилик хусусий бўлиб қолсада, мамлакат иқтисодиёти қаттиқ назорат остига олинган ва марказдан бошқарилган. Бунинг тескариси, бозор сотсиализми деб аталган собиқ сотсиалистик Югославия иқтисодиётида ресурсларга ижтимоий мулкчилик хос бўлган ва бир вақтда иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш ва бошқаришда эркин бозор асосида олиб борилган. Шветсия иқтисодиётида ҳам 90% дан ортиқ хўжалик фаолияти хусусий фирмаларда тўпланган бўлсада, давлат иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва даромадларни қайта тақсимлашда фаол қатнашади. Ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикасида давлатнинг марказлашган ҳолда иқтисодиётга аралашуви ва режалаштириш тизими сақланиб қолган ҳолда бозор механизмлари муваффақият билан қўлланилиб, барқарор ва тез суръатлар билан иқтисодий ўсишга эришмоқда.

[14] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar, muammolar va siyosat. O'n ettinchi Nashr. 40-41b.

### 1.4.2. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва турлари

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий тизимининг асосий муносабатларидан бирини ташкил қилиб, инсоният тараққиётининг маҳсули ҳисобланади. Мулкчилик муносабатлари моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда жамият бойликларини ўзлаштириш жараёнларида вужудга келади. Шундай экан, **мулкчилик муносабатлари - бу мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ва ўзлаштириш жараёнларида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.**

Мулкка э**галик қилиш** мулкнинг эгаси қўлида сақланиб туришини билдиради ваяратилган моддий бойликлами ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклини ифодалайди. Айрим ҳолларда мулкка эгалик қилиш унинг эгаси ихтиёрида сақланган ҳолда, ундан амалда фойдаланиш эса бошқалар қўлида бўлади. Бунга ижарага берилган мол-мулкни мисол қилиб келтириш мумкин. Мулкдан **фойдаланиш** - бу мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилишидир. Мол-мулкни **ўзлаштириш** юз берганда у даромад олиш учун ёки шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилишини билдиради. Мулкни **тасарруф этиш** - бу мол-мулк тақдирининг мустақил ҳал қилинишидир. У мол-мулкни сотиш, мерос қолдириш, ҳадя қилиш, ижарага бериш каби ҳолатларни эркин танлаш имконияти орқали намоён бўлади[1].

Мулкчилик муносабатлари унинг объектлари ва субъектлари бўлишини шарт қилиб қўяди. Мулкка айланган барча бойлик турларимулкчилик объектларидир. Мулк объекти бўлиб, инсон яратган моддий ва маънавий бойликлар, табиий бойликлар, ақлий меҳнат маҳсули, инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти - ишчи кучи ва бошқалар ҳисобланади. Мулк объектида асосий бўғин - бу ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш воситалари кимники бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам унга тегишли бўлади.[15]




Реал ҳаётда ишлаб чиқариш воситаларининг умумлашиш даражаси турли хил, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши турли даражада ва турли шаклларда амалга оширилади. Шунга мос равишда мулк субъектлари вужудга келади. **Мулк субъекти жамиятда маълум ижтимоий-иқтисодий мавқега эга бўлган, мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатлар иштирокчилари бўлиб, улар жамоа, синф, табақа ёки бошқа ижтимоий гуруҳларга бирлашган бўлади.** Айрим кишилар, оилалар ва давлат ҳам мулкчилик субъекти сифатида майдонга чиқиши мумкин.

**Давлат мулки - эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш давлат ихтиёрида бўлган мулк объектларидан иборат. Давлат мулки асосан икки йўл билан ҳосил бўлади:**

---

[15] 'McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page65

1) хусусий мол-мулкнинг миллийлаштирилиб, давлат ихтиёрига ўтказилиши;

2) давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар қуриш, давлатга қарашли корхона ва ташкилотларда инвеститсияларни амалга ошириш.

**Мулкчилик шакллари**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Jamoa mulki** – muayyan maqsad yo`lida turli ko`rinishdagi jamoalarga birlashgan kishilar tomonidan birgalikda o`zlashtiriluvchi vosita va ne'matlar | **Davlat mulki** – O`z vazifalarini bajarish maqsadida davlat tomonidan o`zlashtiriluvchi turli vosita va ne'matlar | **Xususiy mulk** – ayrim kishilar va guruhlarga tegishli bo`lib, yollanma mehnatdan foydalanib daromad topishga qaratilgan mulk | **Shaxsiy mulk-** fuqarolarning shaxsiy yoki oilaviy ehtiyojlarini qondirishga |

**Мулкчилик шаклларининг таснифланиши**

| | | |
|---|---|---|
| Аралаш мулк - турли мулк шакллари синтезидан ташкил топиб, шунга мувофиқ тарзда ўзлаштирилувчи восита ва неъматлар | Якка тартибдаги хусусий мулк - алоҳида олинган мулкдор томонидан ўзлаштирилувчи восита ва неъматлар | Корпоратив хусусий мулк - маълум мақсад йўлида ўзаро бирлашган мулкдорлар маблағига асосланган корхоналар ташкил этиш орқали |

**Жамоа мулки -** муайян мақсад йўлида ўзларида бўлган ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириб жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни ҳамжиҳатлик билан ўзлаштиришни билдиради. Жамоа мулки давлат мулкини корхона жамоаси сотиб олиши, бадал тўлаб корхона қуриши, аксия чиқариб, уларни сотиш каби йўллар орқали пайдо бўлди. Жамоа мулкининг муҳим хусусияти шундаки, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулига айрим шахслар эмас, балки маълум гуруҳ, кишилар эгалик қилади. Жамоа мулкига кооперативламинг, ижара ва жамоа корхоналарининг, аксиядорлар жамиятлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, жамоа ташкилотлари ва диний ташкилотлар-нинг мулки киради.

**Шахсий мулк -** бу фуқаролар мулки бўлиб, уларнинг оилавий фаолият юритишида шахсий ёки оилавий эхтиёжини қондиришига хизмат қилади. Бу мулк шакли асосан шахснинг ёки унинг оила аъзоларининг меҳнати ва ундан келган даромадлари асосида кўпаяди ва ривож топади.

Фуқаронинг шахсий мулки асосан, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирокидан, ўз хўжалигини юритишдан тушган меҳнат даромадлари ҳисобига вужудга келади ва кўпаяди. Бозор иқтисодиёти шароитида шахсий мулк аксиядан олинадиган дивиденд, банк фоизлари, хусусий соҳибкорлик даромади каби янги манбаларга ҳам асосланади. Шахсий мулк объектлари - бу турар жойлар, боғ-ҳовли ва уйлар, транспорт воситалари, пул жамғармалари, уй-рўзғор ва шахсий истеъмол буюмлари, якка тартибда ва бошқа хўжалик фаолияти учун керакли ишлаб чиқариш воситалари, уларда ҳосил қилинган маҳсулот ва бошқалар бўлиши мумкин. «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонунда кўрсатилганидек, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳасидаги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги кичик корхоналар фуқаро ва унинг оила аъзоларининг мулки бўлиши мумкин. Шахсий мулк объектлари эхтиёжларини қондириш доирасидан чиқиб, даромад топиш йўлида ишлатилиши мумкин.

**Хусусий мулк - айрим тадбиркорларга қарашли бўлиб, ёлланма меҳнатга асосланган ҳолда даромад олишга қаратилган мулкдир.**

Бозор тизимида алоҳида тартибдаги инсонлар ва ишлаб чиқарувчилар мулк ресурсларини кўпига эгалик қилади. Капиталга бу тарзда кенг миқёсда эгалик қилишдан капитализм термини келиб чиққан.




Хусисий мулкдорлик инсонлар ва ишлаб чиқарувчиларга ресурслардан ўзлари истаганидек фойдаланиш имкониятини беради. Хусусий мулкдорларнинг мерос белгилаш айни пайтда хусусий мулкдорлик институтларини сақлаб қолишга ёрдам беради. Мулк ҳуқуқлари инвеститсия, инноватсия, айрибошлаш, мулкни ўзида сақлаб қолиш ва иқтисодий юксалишларга туртки бўлади.

Ҳукумат ёрдамисиз алоҳида тартибдаги тадбиркорлар ер ва ресурслардан ҳеч қандай фойда кўролмас эди. Мулк ҳуқуқлари кўламини товар маркалари, муаллифлик ҳуқуқлари ва патентлар олиш каби масалалар ҳам ташкил этади. Якка тартибдаги инсонларни ҳуқуқларини ҳукумат томонидан бундай ҳимояланиши жуда кўп турли фаолият турлари билан ҳадикмай ҳаракатланишини таъминлайди. Бунинг устига, мулдорлик ҳуқуқлари айрибошлашни енгиллаштиради. Айтайлик, автомобилнинг ҳужжатлари ёки бирор фирма билан тузиладиган расмий шартнома унинг ҳуқуқ доирада ҳаракатланаётганини кўрсатади. Шунигдек, мулкка алоқадор ҳуқуқлар ўз мулкини қийматини ошириш ёки сақлаб қолиш учун уни такомиллаштиришга ёки сақлаб қолишга рағбатлантиради. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мулкдорлик ҳуқуқлари инсонларга товар ишлаб чиқариш ва хизматларни ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш учун кетказган вақт ва ресурслардан уларни ишлаб чиқаришда фойдаланишга ёрдам беради.

Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг учта асосий қонуний шакллари мавжуд:[16]

**Ягона бошқарувга асосланган** мулкдорлик-ка бир инсон эгалик қилувчи ва бошқарувчи корхона киради. Одатда, мулкдор бутун ишлаб чиқариш жараёнини бошқариб боради.

**Ишлаб чиқариш муассасасининг ўзаро ҳамкорликка асосланган** шериклик шакли ягона бошқарувга асосланган мулкдорликни табиий катталаш-тирилган тури ҳисобланади. Бунда корҳонада, ишлаб чиқаришни амалгам ошириш учун бир неча ишчи хизматчилар ҳамкорликда иш олиб борадилар. Одатда, улар ўзларининг молиявий ресурслари ва бизнес маҳоратларини баҳам кўрадилар. Натижада, улар йўқотиш ва фойдага эришишда таваккалчиликка асосланади.

**Корпоратсия** ресурслар ва активларга эга бўлади, товарларни ишлаб чиқаради ва сотади, қарзлар олади, кредитларни чўздиради, қонуний даъволар очади ёки унга нисбатан қонуний даъволар қўзғатилиши мумкин ва ишлаб чиқаришни бошқа турлари бажарадиган вазифаларни бажаради. Корпоратсия якка тартибдаги аксионерлардан фарқ қилади. кўп корпоратсиялар ёлланма бошқарувчилар томонидан бошқарилади.[17]

Бизнес корхоналарининг корпоратив бошқарилув шакли кўпгина афзал-ликларга эга бўлиб, уларни АҚШдаги энг катта фойда кўрувчи ва савдо

---

[16]McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2007. Page 96

[17]McConnell, Brue.Economics: principles, problems and policies.17th edition.America, New York: McGraw-Hill, 2007. page 97

фаолиятларини амалга оширувчи қилиб шакллантирган. Корпоратсия ўз имкониятлари ва ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтиришни молиялаштириш учун пул-маблағларини йиғадиган бизнес ташкилоти турнинг энг самарали тури ҳисобланади. Корпоратсия аксия ва облигатсияларни сотиш орқали ягона молиялаштириш методларига эга бўлиб, бу уни кўп кишиларнинг молиявий ресурсларини бир мақсадга йўналтиришга имконият беради.

Оддий аксия корпоратсия эгалилигида баҳам кўришни ифода этади. Акия сотиб олган инсон корпоратсиянинг мутасадди лавиозимли ишчисини сайлаш ва дивидендлар бўлишиб олишга ҳуқуқли инсондир. Агар сиз Оут Телл корпоратсиясини 100000 та аксиядан 1000 тасини сотиб олсангиз, компания даромадларининг 1 фоизига эга бўласиз,бу эса сизга директорлар комитети томонидан белгиланган дивидендларни 1 фоизини олишга ва компанияни юқори лавозимли кишиларини сайлаш овозларини 1 фоизига эга бўласиз.

Федерал, давлат ва маҳаллий ҳукумат каби давлат секторининг иқтисодий фаолиятлари жуда кенг кўламлидир. Биз ҳукуматларнинг иқтисодий вазифаларини муҳокама қилишдан бошлаймиз. Иқтисодиётда ҳукуматнинг роли қандай?

### 1.4.3. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мақсади, йўллари ва усуллари

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобат муҳитини шакллантириш учун шарт-шароитини вужудга келтиришдан иборат. Бунда асосийси мулкчилик масаласини ҳал қилишдир. Шу сабабли республикамизнинг биринчи Президенти И.А. Каримов мулкчилик масаласини ҳал қилишни «...бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади»[18] деб алоҳида таъкидлаб кўрсатди.

Ўзбекистонда ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга муҳим аҳамият касб этувчи жараён сифатида қаралиб, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунида (1991 йил 19 ноябр) қуйидагича таъриф берилади:

**Давлат тасарруфидан чиқариш -** давлат корхоналари ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, аксиядор жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

**Хусусийлаштириш -** фуқароларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат аксиядорлик жамиятларининг аксияларини давлатдан сотиб олишидир . Бундан кўринадики, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришга қараганда анча кенг тушунча. **Хусусийлаштириш** - давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтишидир. **Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш** хусусийлаштиришдан ташқари, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларини вужудга келтиришни ҳам кўзда тутади.

У бир қатор йўллар билан амалга оширилади: давлат корхоналарини аксиядорлик жамиятига айлантириш, давлат корхонасини сотиб, уни жамоа мулкига айлантириш; мулкни қийматга қараб чиқарилган чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш; мулкни айрим тадбиркор ва иш бошқарувчиларга сотиш; айрим давлат корхоналарини чет эл фирма ва фуқароларига сотиш ёки қарз ҳисобига бериш; давлат мол-мулкини аукционларда ким ошди савдоси орқали сотиш ва ҳ.к.

[18]Каримов И.А. Ватан саждагох каби мувдддасдир. Т.3., - Т.: Узбекистан, 1996, 202-б.

Хусусийлаштиришнинг усуллари ҳам турли-туман бўлиб, уларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) давлат мулкини бепул бўлиб бериш орқали хусусийлаштириш; 2) давлат мулкини сотиш орқали хусусийлаштириш; 3) давлат мулкини бепул бўлиб бериш ҳамда сотишни уйғунлаштириш орқали хусусийлаштириш.




1.4.1-расм. Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг усуллари

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндашувнинг муҳим хусусияти - уни махсус дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширишдан иборат (3- расм).

Мамлакатимизда ҳозирда ҳам хусусийлаштириш жараёнлари босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Маълумотлардан маълум бўлишича, 2004-2014 йиллар давомида 4683 та давлат объекти хусусийлаштирилиб, бунинг натижасида тушган маблағларнинг жами ҳажми 733,3 млрд. сўмни ташкил этган (1- расм).




**1.4.2-расм. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш босқичлари**

Республикада хусусийлаштиришнинг манзилли йўналтирилганлиги унинг навбатдаги хусусиятидир. Бу аҳолининг барча қатламларига мазкур жараёнда аниқроқ ва натижалироқ қатнашиши имконини беради. Хусусийлаштиришнинг манзилли йўналтирилганлиги уй-жойларнинг ўз эгаларига имтиёзли ёки бепул берилишида, аҳолининг кўпроқ муҳтож ва заиф қатламларини қўллаб-қувватлашнинг турли хил дастурлари бюджет маблағлари ҳисобига қопланишида, қишлоқ аҳолиси ўз ёрдамчи хўжалиги учун чек ерлар олиши кабиларда ифодаланади.

**1.4.1-жадвал**

**Ўзбекистонда 2006-2014 йилларда давлат объектларининг хусусийлаштирилиши**

| Йиллар | Хусусийлаштирилган объектлар сони | Хусусийлаштиришдан тушган пул маблағлари, |
|---|---|---|
| 2006 | 673 | 70,5 |
| 2007 | 631 | 111,1 |
| 2008 | 392 | 130,6 |
| 2009 | 135 | 35,7 |
| 2010 | 96 | 23,0 |
| 2011 | 95 | 39,2 |
| 2012 | 83 | 32,1 |
| 2013 | 82 | 44,1 |
| 2014 | 288 | 88,0 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг тўловлилиги унинг навбатдаги муҳим хусусиятидир. Пулни тўлаш орқали давлат тасарруфидаги корхона ва объектларни хусусийлаштиришда мулкни бепул тақсимлаш билан боғлиқ салбий ҳолатлар

бартараф этилиши билан бирга қатор муаммоларни ҳал қилиш имконияти яратилади. Булардан асосийси аввало тадбиркорликни, хусусийлаштирилган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий манбалари пайдо бўлади, бозор инфратузилмасини барпо этиш учун ресурслар вужудга келади ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш дастурини рўёбга чиқариш учун маблағлар жамланади.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида хусусий мулк ва унинг асосида ривожланаётган хусусий тадбиркорликка кенг эътибор берилмоқда. Президентимиз таъкидланидек, “Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвеститсия киритиш шарти билан «нол» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвеститсия киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганини қайд этиш лозим”[19] .

[19] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning mamlakatimizni 2015 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2016 yilga mo’ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo’nalishlariga bag’ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruzasi. Bosh maqsadimiz - mavjud qiyinchiliklarga qaramasdan, olib borayotgan islohotlarni, iqtisodiyotimizda tarkibiy o’zgarishlarni izchil davom ettirish, xususiy mulkchilik, kichik biznes va tadbirkorlikka yanada keng yo’l ochib berish hisobidan oldinga yurishdir // Xalq so’zi, 2016 yil 16 yanvar

## 1.5-Мавзу: Товар-пул муносабатларининг ривожланиши

**Режа:**

**1.5.1. Натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш ва унинг ривожланиши**
**1.5.2.Товар ва унинг хусусиятлари**
**1.5.3. Қийматнинг меҳнат назарияси ва кейинги қўшилган микдор нафлилиги назариялари**
**1.5.4.Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва вазифалари**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** натурал ишлаб чиқариш, товар ишлаб чиқариш, нафлилик, аниқ меҳнат, абстракт меҳнат, муомала воситаси, қиймат қонуни, пул.

### 1.5.1. Натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш ва унинг ривожланиши

Кишилик жамиятининг ривожланишида ижтимоий хўжаликни ташкил этишнинг иккита умумий иқтисодий шакли ажралиб туради. Умумий иқтисодий шаклларнинг тарихан биринчиси натурал ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ижтимоий хўжаликнинг бу шаклида яратилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчининг ўз эҳтиёжларини қондириш учун, хўжалик ички эҳтиёжлари учун мўлжалланган. Демак, **ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқариш – натурал ишлаб чиқариш, бундай ишлаб чиқаришга асосланган хўжалик эса – натурал хўжалик деб аталади.** Истеъмол ҳажми ва таркиби кўпинча ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибига мос келган, уларнинг бир-бири билан боғланиши бир хўжалик доирасида амалга ошганлиги сабабли жуда осон кечган. Бундай муносабатлар энг аввало ибтидоий жамоада, кейинчалик патриархал деҳқон хўжалиги, феодал поместяларида ҳукм сурган. Натурал ишлаб чиқариш шакли барча иқтисодий жараёнларни бир хўжалик доирасида қатъий чеклаб қўяди, ташқи алоқалар учун йўл очилмайди. Ишчи кучи муайян хўжаликка жуда қаттиқ бириктириб қўйилади ва кўчиб юриш имкониятидан маҳрум бўлади. Натурал хўжалик шаклларининг худди шу хусусиятлари қишлоқ хўжалик жамоаларини минг йиллар давомида барқарор сақланиб қолишининг «сири»ни очиб беради. Натурал хўжалик ишлаб чиқариш мақсадларини ниҳоятда чеклаб, ҳажми ва тури жиҳатидан кам бўлган эҳтиёжларни қондиришга бўйсунган. Шунинг учун ҳам жамият ривожланиш йўлида аста-секинлик билан натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтади.

Ҳозирда ижтимоий хўжалик юритиш шакли сифатида натурал хўжалик деярли барҳам топган. Шунга қарамай, ҳали у қадар ривожланмаган ҳамда жаҳон ҳамжамияти иқтисодий алоқаларидан ажралиб қолган қолоқ мамлакатларда натурал хўжалик кўринишлари ҳамон сақланиб қолган. Шунингдек, товар ишлаб чиқариш оммавий тус олишига қарамай, ижтимоий ҳаётнинг баъзи бир жабҳаларида натурал ишлаб чиқариш элементларини учратиш мумкин. Масалан, оиладаги шахсий эҳтиёжларни қондириш учун уй бекалари томонидан овқатлар, турли хил консерва маҳсулотларининг тайёрланиши, кир ювиш, дазмоллаш, уйларни тозалаш каби хизматларнинг бажарилиши, шахсий томорқада турли хил сабзавот ва резавор меваларнинг этиштирилиши кабилар шулар жумласидандир. Бироқ, шунга қарамай, кишилик жамияти тараққиётининг юксалиб бориши билан, натурал ишлаб чиқариш миқёслари қисқариб, ўз ўрнини товар ишлаб чиқаришга бўшатиб беради.

**Маҳсулот ва хизматларни ўз эҳтиёжини қондириш учун эмас, балки бозорда айирбошлаш учун ишлаб чиқариш – товар ишлаб чиқариш, бундай ишлаб чиқаришга асосланган хўжалик эса – товар хўжалиги дейилади.** Товар хўжалигида кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар буюм орқали, улар меҳнати маҳсулини олди-сотди қилиш орқали намоён бўлади. Товар ишлаб чиқариш натурал хўжаликнинг ривожланиши, маҳсулотлар тури ва миқдорининг ўсиши натижасида пайдо бўлади. Натурал ва товар хўжаликларининг бир-биридан фарқини 5.1-жадвал орқали кўриш мумкин.

**1.5.1-жадвал**

**Натурал ва товар хўжалигининг асосий фарқлари**

| Асосий жиҳатлар | Натурал хўжалик | Товар хўжалиги |
|---|---|---|
| **1. Неъматлар ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади** | Шахсий эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиш | **Бошқа товарларга айирбошлаш, бозорда олди-сотди қилиш** |
| **2. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибининг аниқланиши** | Еҳтиёжлар ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда олдиндан аниқланади | **Бозордаги муайян талаб ва ишлаб чиқарувчининг хусусий манфаати асосида аниқланади** |
| **3. Истеъмолчини ўзига жалб этиш учун кураш** | Бундай кураш мавжуд эмас | **Бундай кураш мавжуд ва товар хўжалигининг ривожланиши билан кучайиб боради** |
| **4. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг истеъмол қилиниш даражаси** | Барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўлиқ истеъмол қилинади | **Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг айрим турлари ва қисмлари сотилмай қолиши, яъни истеъмол қилинмаслиги мумкин** |
| **5. Ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучининг иштирок этиш тамойиллари** | **Ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўзининг ва оила аъзоларининг ишчи кучидан фойдаланилади** | **Ишлаб чиқариш жараёнида устун равишда ёлланма ишчи кучидан фойдаланиш мумкин** |

Товар ишлаб чиқариш ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларнинг, меҳнатни ўлчаш ва уни жамиятнинг жами меҳнати таркибига киритишнинг ўзига хос усулидир. Натурал хўжаликни сиқиб чиқариш ва товар айирбошлашнинг ривожланиш жараёни меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, хусусий мулкнинг вужудга келиши ва ривожланиши асосида индивидуал хўжаликларнинг товар айирбошлашга, олди-сотдига ўтиш йўли билан боради. Айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашув уларни турли хил ишлаб чиқарувчилар ўртасида айирбошлашни зарур қилиб қўяди. Айни пайтда ихтисослашув меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади, демак, товар айирбошлаш фақат зарургина эмас, балки фойдали бўлиб ҳам боради. Вақтни ва моддий ресурсларни тежаш товар хўжалигини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб чиқади. Айирбошлаш жараёнига тортиладиган ишлаб чиқарувчилар тобора бир-бирларига кўпроқ

боғланиб борадилар. Дастлабки даврларда товар хўжаликлари жамоалар, қулдорлик латифундиялари, феодал ва деҳқон хўжаликлари ўртасида алоқалар ўрнатилишига ёрдам бериб, ишлаб чиқаришнинг ва умуман жамиятнинг ривожланиши учун қўшимча имкониятлар очган.

Маълум тарихий даврларга келиб товар муносабатлари жамият иқтисодиётининг барча томонларини кенг ва чуқур қамраб олади.

Товар хўжалигининг вужудга келиши ва амал қилинишининг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳамда шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат:

1) ижтимоий меҳнат тақсимотининг рўй бериши. Бунда ишлаб чиқарувчилар у ёки бу аниқ маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Ихтисослашув, ўз навбатида, қиёсий устунлик тамойили бўйича, яъни маҳсулотни нисбатан кам муқобил қийматда ишлаб чиқариш лаёқати билан аниқланади;

2) шахсий ва хусусий мулкчиликнинг шаклланиши, ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашуви. Бунда улар ўз мулклари ҳамда меҳнат натижаларини ўзлари тасарруф қиладилар. Иқтисодий алоҳидалик хўжалик фаолиятига оид барча қарорларни ишлаб чиқарувчининг ўзи ҳал қилишини билдиради. Худди шу икки ҳолат товар ишлаб чиқаришни зарур қилиб қўяди ва бозор иқтисодиёти вужудга келишининг шарт-шароити ҳисобланади. Меҳнат маҳсули товарга, яъни бозорда айирбошлаш учун, сотиш учун тайёрланадиган нарсага, ишлаб чиқарувчилар эса товар ишлаб чиқарувчиларга айланади. Товар ишлаб чиқаришнинг моҳиятини янада кенгроқ тушуниш учун унинг асосий унсури бўлган товарнинг хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### 1.5.2.Товар ва унинг хусусиятлари

Товар-пул муносабатларини тушунишда товарнинг мазмунини, унинг хусусиятларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Товарга таъриф беришда ҳам иқтисодчилар томонидан турлича ёндашувлар мавжуд. Жумладан, э.Ф.Борисов таърифига кўра «Товар – бу бозорда бошқа товарга эквивалент асосида айирбошлашга мўлжалланган, меҳнат орқали яратилган ижтимоий нафлиликдир»[20]. Бундан кўринадики, у товарга инсон меҳнати маҳсули сифатида қарайди.

В.И.Видяпин ва бошқалар таҳрири асосида тайёрланган дарсликда «неъмат» ва «товар» тушунчаларига кенг изоҳ берилган. Унда товар иқтисодий неъматнинг махсус шакли бўлиб ҳисобланиши кўрсатиб берилган: «Товар – бу айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган махсус иқтисодий неъмат»[21]. Бу ва бошқа қатор олимларнинг фикрлари асосида таъкидлаш мумкинки, **товар – бу бирон-бир нафлиликка ва қийматга эга бўлган, айирбошлаш учун яратилган меҳнат маҳсули.**

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган миллионлаб турдаги маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар товар шаклини олган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида товар ишлаб чиқаришни ривожлантириш иқтисодиётни модернизатсиялаш ва диверсификатсиялаш жараёнларини кучайтиришни тақозо этиб, бу мамлакатимиздаги 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам ўз ифодасини топган[22]. Ишлаб чиқаришни замонавий

---

[20] Borisov Ye.F. Ekonomicheskaya teoriya: ucheb. – 2-e izd., pererab. i dop. - M.: TK Velbi, Izd-vo Prospekt, 2005, s.144.

[21] Ekonomicheskaya teoriya: Uchebnik. - Izd., ispr. i dop. / Pod obщ. red. akad. V.I.Vidyapina, A.I.Dobrыnina, G.P.Juravlevoy, L.S.Tarasevicha. – M.: INFRA-M, 2005, s.143.

[22] Qaralsin: Karimov I.A. Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O'zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo'llari va choralari. – T.: O'zbekiston, 2009, 39-b.

технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи ишлаб чиқаришни модернизатсиялаш жараёни пировардида товарлар миқдорининг ошиши, сифатининг такомиллашуви ва турларининг кўпайишига имкон яратади. Айниқса, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш, уларнинг сифатини такомиллаштиришдан иборат диверсификатсия жараёни товар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

**Товар икки хусусиятга эга: бир томондан, у кишиларнинг қандайдир эҳтиёжини қондира оладиган, иккинчи томондан эса, бошқа буюмларга айирбошлана оладиган буюмдир. Бошқача айтганда, товар нафлиликка (истеъмол қийматига) ва қийматга эгадир.**

Буюмнинг истеъмол қиймати унинг кишилар учун нафли эканлиги, муайян наф келтириши орқали намоён бўлади. У шахсий истеъмол буюми ёки ишлаб чиқариш воситалари сифатида кишиларнинг бирон-бир нарсага бўлган эҳтиёжини қондиради.

Нафлиликни аниқлашда ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, маржинализм мактаби асосчилари ҳам, уларнинг кейинги давомчилари ҳам товарлар нафлилигини аниқлашда алоҳида олинган индивиднинг хаёлидаги психологик ёндашув билан, яъни ҳеч ким билан алоқаси бўлмаган ўрмондаги чолнинг ёки кимсасиз оролда бир ўзи қолиб кетган Робинзоннинг хаёли билан аниқлаш усулини қўллайдилар. Ҳолбуки, товар айирбошлаш жамият аъзолари ўртасида, гавжум бозор қатнашчилари ўртасида реал қайноқ ҳаёт жараёнида содир бўлади. Улар нафлиликнинг негизида объектив иқтисодий жараён борлигини, нафлилик табиат ашёси билан жонли меҳнатнинг бирикиши натижасида, тўғрироғи нафлилик аниқ меҳнат билан табиат ашёсининг хусусиятлари ўзгартирилиши натижасида вужудга келишини ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Албатта, табиатда мавжуд бўлган ёки инсон меҳнати билан яратилган ҳар қандай нарса ҳам нафлиликка эга бўлавермайди. Шунинг учун иқтисодиёт назариясида ижтимоий зарурий нафлилик деган тушунча ишлатилади ва реал бозор ҳар қандай нафлиликни эмас, балки ижтимоий зарурий нафлиликни тан олади.

**Ижтимоий зарурий нафлилик деб талаб миқдорига мос келадиган миқдордаги нафлиликка айтилади.**

Неъматлар товар бўлиши учун, улар айирбошлашга мўлжалланган, маълум меҳнат сарфланган, бозорга сотишга чиқарилган бўлиши зарур. Шунга кўра, товар маҳсулотдан фарқланади. Товар, энг аввало, ўз истеъмоли учун эмас, балки бошқа-ларнинг истеъмоли учун бозорга сотиш мақсадида тайёрланадиган маҳсулот-дир. Товарнинг натурал-буюм ва ижтимоий-иқтисодий томонлари, хусусиятлари ана шундан келиб чиқади.

Товарнинг алмашув қиймати – бу бирор турдаги нафлиликнинг бошқа турдаги нафлиликка айирбош қилинадиган миқдорий нисбатидир. Масалан, битта болта 20 кг донга айирбош қилинади. Айирбош қилинадиган товарларнинг бу миқдорий нисбатида уларнинг алмашув қиймати ифодаланади.

Қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорлари[23] фикрига кўра, товарлар қийматининг умумий асоси бўлиб меҳнат ҳисобланади, шу сабабли улар маълум

[23] Tovar qiymatini mehnat bilan aniqlashga yondashuvlarida ma’lum farqlar mavjud bo‘lsada, ularga A.Smit, D.Rikardo, U.Petti, J.S.Mill va boshqa ayrim iqtisodchilarni, ularning izdoshlarini kiritish mumkin.

миқдорларда бир-бирига тенглаштирилади. Товарларнинг оғирлиги, ҳажми, шакли ва шу каби табиий хусусиятларидан бирортаси қийматнинг умумий асоси бўла олмайди. Айирбошлаш-нинг зарур шарти бўлиб товарларнинг турлича нафлилиги ҳисобланади. Бироқ, турли Товар-ларнинг нафлилиги сифат жиҳатидан фарқ қилиш билан бирга миқдорий ўлчамга эга эмас. Миқдор жиҳатдан таққослаш учун товарларда мавжуд бўлган умумий нарса – уларни яратиш учун сарфланган меҳнатдир.

Товарлар ўлчовдош бўлишининг боиси шуки, буларнинг ҳаммаси умуман инсон меҳнати маҳсулидир, яъни инсон кучи, мияси, мушаклари, асаблари ва ҳоказолари сарфининг маҳсулидир. Товарда мужассамлашган ижтимоий меҳнат унинг қийматини ташкил қилади. Бу қиймат товар айирбошлаганда кўринади, шунинг учун алмашув қиймати (яъни истеъмол қийматларини айирбошлаш нисбати) қиймат шакли бўлиб, унинг ички мазмунини ташкил этади. Бу ҳолат Л.М.Куликов томонидан қиймат ва алмашув қийматини товарнинг алоҳида асосий хусусиятлари сифатида ажратилиб кўрсатилишида намоён бўлади. «Қиймат – бу товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш (кўпинча қисқача қилиб «ишлаб чиқариш харажатлари» деб атайдилар) қанчага тушганлиги ифодасидир. Товарни айирбошлаганда (сотилганда) ишлаб чиқарувчи (сотувчи), табиийки, ўз харажатларини қоплашни истайди, бироқ бозорда бошқача нисбатлар таркиб топиши мумкин. Энди уларни бошқа кўрсаткич – алмашув қиймати ифодалайди. Бу бир товар бошқасига айирбошланадиган миқдорий нисбатдир».[24] Товарнинг ўзи эса икки томон – нафлилик ва қийматнинг узвий бирлигидан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Л.Куликов томонидан қийматга берилган юқоридаги таъриф баъзи ҳолларда иқтисодчилар томонидан йўл қўйиладиган янглиш фикрлардан ҳам холи эмас.Яъни, қийматнинг ишлаб чиқариш харажатлари билан айнийлаштирилишини у томонидан йўл қўйилган хатолик деб ҳисоблаймиз. Аслида, ишлаб чиқариш харажатлари қийматнинг бир қисми бўлиб, аксарият ҳолларда миқдор жиҳатидан қийматдан кам бўлади.

Товар қийматининг миқдори **ижтимоий-зарурий иш вақти** орқали ҳисобланади. **Ижтимоий зарурий иш вақти муайян ижтимоий нормал ишлаб чиқариш шароитида ва муайян жамиятдаги меҳнат малакаси ва жадаллиги даражаси ўртача бўлган шароитда бирон бир товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш вақтидир.**

Товар қийматининг миқдорини ҳисоблашда меҳнатнинг оддий ва мураккаб, малакали ва малакасиз, ақлий ёки жисмоний турлари ҳисобга олинади. Қийматни ҳисоблашда нисбатан мураккаб меҳнат кўпайтирилган ёки даражага кўтарилган оддий меҳнат сифатида ҳисобга олинади, шу сабабли оз миқдордаги мураккаб меҳнат кўп миқдордаги оддий меҳнатга тенглаштирилади.

Товарнинг икки хил хусусиятга эга бўлишига сабаб товар ишлаб чиқарувчи меҳнати табиатининг икки томонламалигидадир. Бир томондан, бу – муайян турдаги аниқ меҳнатдир. Шунинг учун, нафлиликни яратган меҳнат **аниқ меҳнат** деб ном олган (5.2 -чизма).

Иккинчи томондан, меҳнат – аниқ шаклидан қатъий назар, умуман сарфланган инсон ишчи кучидир, жами ижтимоий меҳнатнинг бир қисмидир. У ўзининг шу сифатида **абстракт меҳнат** деб аталади. Бу меҳнат эса товар қийматини яратади. Қиймат товарнинг эмас, балки фақат меҳнатнинг ижтимоий хоссаси бўлиб, унда табиат ашёларининг бирорта ҳам молекуласи, заррачаси

---

[24] Kulikov L.M. Ekonomicheskaya teoriya: ucheb. – M.: TK Vebli, Izd-vo Prospekt, 2005, s.129.

йўқдир. Қийматнинг асосида одамлар бир-бирлари учун меҳнат қилишларини билдирувчи ижтимоий меҳнат ётади. Бироқ, алоҳидалашган товар ишлаб чиқарувчилар меҳнати ўзининг ижтимоий хусусиятини фақат меҳнат маҳсулларини айирбошлаш орқали кўрсатади.




**1.5.1-расм.Меҳнатнинг икки ёқлама тавсифидан келиб чиқувчи товарнинг икки хил хусусияти**

Товарлар қийматининг миқдори меҳнат унумдорлигига қараб ўзгаради. **Меҳнат унумдорлиги маълум иш вақти бирлиги мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот-нинг миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти билан ўлчанади.** Мисол учун, дурадгор бир иш куни давомида 4 та стол ясади. Агар иш кунини 8 соатдан иборат, деб олсак, у ҳолда 1 та стол ясаш учун 2 соат вақт сарфланган. Яъни, дурадгорнинг 1 соатлик меҳнат унумдорлиги 0,5 та столга тенг. Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши товар бирлиги қийматининг ўзгаришига сабаб бўлади. Меҳнат унумдорлиги ўсса, товар бирлигининг қиймати камаяди ёки аксинча, меҳнат унумдорлиги пасайса, товар бирлигининг қиймати ошади. Мисолимиздаги дурадгор ясаган битта столнинг қиймати 2 соатлик меҳнат сарфига тенг эди. Дейлик, унинг меҳнат унумдорлиги икки баравар ортиб, бир иш кунида 8 та стол ясаш даражасига этди. У ҳолда, битта столнинг қиймати ҳам икки барвар пасайиб, 1 соатлик меҳнат сарфига тенг бўлади.

Меҳнат интенсивлиги иш вақти бирлиги мобайнида сарфланган меҳнат миқдори орқали тавсифланувчи кўрсаткич ҳисобланади. **Меҳнат интенсивлиги деганда иш вақти бирлиги давомида меҳнат сарфининг ошиб бориши, яъни меҳнатнинг жадаллашиши тушунилади.** Меҳнат интенсивлигининг ошиши муайян вақт давомида кўпроқ қиймат яратилишига имкон беради.

### 1.5.3. Қийматнинг меҳнат назарияси ва кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариялари



**(1772-1823)**

**David Rikardo ingliz iqtisodchisi**

Товар қийматининг негизини аниқлаш доимий равишда торти-шувлар ва мунозараларга сабаб бўлиб, бу борада қуйидаги икки асосий йўналиш мавжуд:

1) қийматнинг меҳнат назарияси;

2) қийматнинг нафлилик ёки кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси.

**Қийматнинг меҳнат назарияси** асосчилари Уилям Петти, Адам Смит, Давид Рикардолар ҳисобланади. У.Петти – қийматнинг меҳнат назариясининг дастлабки асосчиси бўлиб, у

қийматнинг манбаи меҳнат ҳисобланишини, айнан меҳнат сарфи товар қиймати миқдорини белгилаб беришини кўрсатиб ўтган. Бироқ, У.Петти товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги фарқни кўра олмаган. У товарнинг қиймати фақат қимматбаҳо металларни ишлаб чиқаришга сарфланувчи меҳнат орқали яратилади, деб ҳисоблаган.

А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар» (1776) номли асарида товарнинг истеъмол ва алмашув қийматини фарқлаб берган. У товар қийматининг ягона манбаи бўлиб моддий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай соҳасида сарфланган меҳнат ҳисобланади, деган хулосага келган. Шу билан бирга, товар қийматининг миқдорини ҳар қандай меҳнат эмас, балки жамият учун зарур бўлган ўртача меҳнат белгилаб беришини кўрсатиб ўтган.

Д.Рикардо қийматнинг ягона мезони бўлиб товар ишлаб чиқаришга сарфланган ҳамда иш вақти сарфлари орқали аниқланувчи меҳнат ҳисобланишини исботлаб берган. У товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатиб, ҳар қандай ишлаб чиқаришда товарнинг қиймати сарфланган меҳнат орқали аниқланишини таъкидлаган. Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорларининг фикрича, товарларни айирбошлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Қийматнинг миқдори эса, ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан, яъни ижтимоий зарурий иш вақти билан ўлчанади. Қийматнинг меҳнат назарияси тарафдорлари товар ишлаб чиқариш шароитда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни, ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантиришни тартибга солувчи объектив қиймат қонунининг мавжудлигини эътироф этадилар. **Қиймат қонуни товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш унинг қиймати асосида амалга ошишини, қийматнинг ўзи эса ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари орқали ўлчанишини ифодалайди.**

Қиймат қонуни индивидуал меҳнат сарфи ижтимоий зарур меҳнат сарфидан озроқ бўлган ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиради. Бу билан ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга ундайди. Акс ҳолда улар бозордан сиқиб чиқарилишлари ёки хонавайрон бўлишлари мумкин.

Қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларни табақалаштиради, меҳнат ва моддий сарфларни камайтиришни рағбатлантиради ва меҳнатнинг ишлаб чиқариш соҳалари бўйича тақсимланишини тартибга солиб туради.Масалан, энг юксак меҳнат унумдор-лигига эришган ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини ижтимоий зарур сарфларидан камроқ, лекин айрим индивидуал сарфларидан юқори нархларга сотишлари ва юқори фойда олишлари мумкин. Лекин улар иш фаолиятининг муваффақияти кафолатланган деб бўлмайди. Чунки улар ишлаб чиқаришга фан-техника янгиликларини, самарали ишлаб чиқариш усулларини ўз вақтида қўллаб турмасалар, маълум вақтдан сўнг ўз устунликларидан ажралиб қолишлари мумкин.

Қиймат қонунининг тартибга солиб турувчи механизми рақобат кураши натижасида бозор нархларининг стихияли равишда тебраниб туришидан, уларнинг ижтимоий қийматдан фарқ қилиб туришидан иборат. Товар нархининг ижтимоий қийматидан четга чиқиш шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат деб ҳисобланади:

Талаб = таклиф бўлган ҳолда нарх = қиймат.

Талаб > таклиф бўлган ҳолда нарх > қиймат.

Талаб < таклиф бўлган ҳолда нарх < қиймат.

Шундай қилиб, товарлар нархининг улар қийматидан фарқ қилиши товар ишлаб чиқарувчиларнинг хоҳиши билан содир бўлмай, балки объектив қиймат қонунининг кучи таъсири остида бўлади.

Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг асосчилари австрия мактаби вакиллари К.Менгер(1840-1921), Ф.Визер(1851-1926), э.Бем-Баверк(1851-1914) ва бошқалар ҳисобланади. Мазкур назарияга кўра, кишилар томонидан жуда хилма-хил моддий ва маънавий неъматлар (ҳамда хизматлар) уларни ишлаб чиқаришга ижтимоий зарурий меҳнат сарфланганлиги учун эмас, балки ушбу неъматлар нафлиликка эга бўлганлиги учун қадрланади. Инсонлар томонидан маълум нафлиликларга эҳтиёж сезилганлиги сабабли у ёки бу товарни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари амалга оширилади. Мазкур назария тарафдорлари фикрларига кўра, фақат товарнинг нафлилиги унинг қийматига ва бинобарин, нархига асос бўлиши мумкин. Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси билан қийматнинг меҳнат назариясининг бир-бирига тўғри келмаслиги турли хил истеъмол қийматларини ёки нафлиликни ҳисобга олиш муаммоси билан боғлиқ. Чунки, турли кўринишдаги иккита товарнинг нафлилигини шунчаки умумий тарзда ўзаро таққослаш мумкин эмас. Бу назария тарафдорлари нафлиликнинг икки турини ажратиб кўрсатиш зарур деб ҳисоблайдилар: а) абстракт ёки умумий нафлилик, яъни неъматларнинг кишилар бирон-бир эҳтиёжларини қондириш лаёқати; б) аниқ нафлилик, бу неъмат мазкур нусхаси фойдалилигининг субъектив нархини билдиради. Бу субъектив нарх икки омилга боғлиқ: мазкур неъматнинг мавжуд заҳираси ва унга бўлган эҳтиёжнинг тўйинганлик даражаси. Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги муаммосини ўрмонда яшовчи чол эга бўлган беш қоп дон мисолида, унинг онгида содир бўлган психологик хаёл орқали тасвирлаб кўрсатадилар. Бу қоплардаги доннинг нафлилиги камайиб борувчи тартибда жойлашади: биринчи қопдаги дон энг зарур, яъни чолнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш учун истеъмол қилинади, иккинчиси – овқатланишни яхшилаш учун, учинчиси – уй паррандаларини боқиш, тўртинчиси – пиво тайёрлаш, бешинчиси – чолнинг ўз уйи атрофида сайраб юрган қушларни боқиб, кўнгилхушлик қилиши учун. Бундан кўринадики, бешинчи қопнинг нафлилиги чол учун у қадар аҳамиятли эмас, чунки агар бу қопдаги дондан маҳрум бўлса у фақатгина кўнгилхушлик қилиш имкониятидан воз кечади холос. Бироқ, тўртинчи қопдаги доннинг йўқ бўлиши чолни пивосиз, учинчиси эса паррандаларсиз қолдириши мумкин. Фақат битта қопдаги дон қолган тақдирда чол учун унинг нафлилиги энг юқори даражага этади, яъни у овқатланиш эҳтиёжи билан тенглашади. Шу ўринда турли қоплардаги донларнинг нафлилиги турлича экан, уларнинг қайси бири донларнинг умумий нафлилик даражасини аниқлаб беради, деган савол туғилади. Ҳолбуки, қоплардаги донларнинг бир-биридан фарқи йўқ экан, чол учун уларнинг нафлилиги бешинчи, сўнгги қопдаги доннинг нафлилиги орқали аниқланади. Демак, ҳар бир неъматнинг сўнгги қўшилган бирлиги, яъни унча муҳим бўлмаган эҳтиёжни қондирувчи бирлигининг нафлилиги камайиб бориш хусусиятига эгадир.

Агар узоқ даврлар мобайнида тортишувлар ва бўлинишларга олиб келган бу икки йўналишдаги назарияларга эътибор билан қаралса, уларнинг ҳаммаси товарда гавдаланган меҳнатнинг икки томонлама тавсифини, ундан келиб чиқувчи товарнинг икки хил хусусияти (нафлилиги ва қиймати)ни тушунмасликдан, уни билишга бир томонлама ёндашувдан келиб чиққанлиги маълум бўлади (4.5-чизма).

Қиймат ва нарх назариясида янги йўналишни бошлаб берган инсон машҳур инглиз иқтисодчиси А.Маршалл ҳисобланади. Товарларнинг қийматини аниқлашда меҳнат назарияси ҳам, қўшилган нафлилик назарияси ҳам этарли асосга эга эмас,

деб ҳисоблаган А.Маршалл бир нечта назарияларни синтез қилиш йўли билан аниқлик киритишга ҳаракат қилди. Қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг бир томонламалигини у қийматни фақат нафлилик билан тушунтиришда кўрди. А.Маршалл кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясини талаб ва таклиф назарияси ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари назарияси билан боғлашга ҳаракат қилди.

А.Маршаллнинг товар қиймати нима билан аниқланишини билишда қўшилган миқдор нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатларини синтез қилиш (умумлаштириш) зарурлиги ҳақидаги фикри жуда машҳур. Неоклассикларнинг қиймат ва нархнинг бир негизли (монистик) назариясини яратишга уринишдан чекинишлари хусусан А.Маршалл ишлари билан боғлиқ. Неоклассикларнинг қоидалари қийматнинг ягона манбаи, нархнинг ягона асоси ва бозор хўжалигида жамият даромадларининг ягона манбаи топилиши зарурлигини билдиради. Бундай ягона манба, масалан, инглиз классик иқтисодий мактаби ва марксча назарияларда меҳнат, маржиналистларда қўшилган миқдор нафлилиги категорияси ҳисобланади. А.Маршалл назариясида эса қиймат ва нарх ҳам талаб (қўшилган миқдор нафлилиги) ва ҳам таклиф (товар ишлаб чиқариш харажатлари) томонида ётувчи бозор кучлари ўзаро таъсири орқали аниқланади. А.Маршалл фикрича, товар қиймати тенг даражада кейинги қўшилган миқдор нафлилиги ва ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади. Шундай қилиб, А.Маршаллдан бошлаб иқтисодиёт назариясида турли назарияларни синтез қилишга ўтилди. Лекин А.Маршалл ушбу синтезни охиригача этказа олмади. У ижтимоий зарурий нафлилик ва ижтимоий зарурий меҳнат товарнинг икки томони эканлигини аниқ кўра олмади. Шунинг учун, у ижтимоий зарурий нафлилик ўрнига қўшилган нафлиликни, ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари ўрнига ишлаб чиқариш харажатларини қўйди. Натижада товарнинг қиймати ҳам, нафлилиги ҳам тўлиқ ҳисобга олинмади.

Умуман айтганда, узоқ тарихий даврдан бошлаб тортишувга сабаб бўлган нарса – товарда гавдаланган ижтимоий меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи ва шу асосда ҳосил бўладиган товарнинг икки хил хусусиятига эга бўлишини инобатга олмасликдир. Меҳнат назариячилари товарга сарфланган меҳнат миқдорига асосий эътиборни қаратган бўлса, маржиналистлар унинг нафлилигига эътибор бериб келадилар. Уларнинг бири кўпроқ товарни ишлаб чиқарувчилар манфаати нуқтаи назаридан таҳлил қилган бўлса, иккинчиси истеъмолчи (харидорлар) манфаати нуқтаи-назаридан қарайдилар. Ҳолбуки товарнинг қийматини ва бинобарин нархини аниқлашда унинг икки томонига ва сотувчилар билан харидорлар манфаати тўқнашган тугунга эътибор қаратиш зарур.

### 1.5.4.Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва вазифалари

Пул бу иқтисоднинг қизиқарли жиҳати: Пул одамларни сехрлаб қўяди. Улар пул учун хавотирланишида ва тер тўкишади. Улар пулни топиш учун энг ностандарт йўллардан ва улардан қутилиш учун энг ўзгача йўллардан фойдаланишади. Пул бу ишлатишдан ташқари ҳеч нарсага арзимайдиган ягона махсулот.Уни инвеститсия қилмагунингизга қадар ёки ишлатмагунингизга қадар пул ўзидан ўзи сизни тўйдирмайди, кийинтирмайди, бош пана бермайди ва кўнглингизни олмайди. У фақат кеткизишда аҳамият касб этади. Одамлар пул учун деярли ҳамма нарсага тайёр ва пул одамларга деярли барча нарсани бериши мумкин. Пул бу ўзига тортувчи, айланувчи, ниқобли жумбоқ.Бу ва кейинги икки бўлимда биз пулнинг ва пул кредит тизимининг иқтисодиётдаги ўрнини очиб бермоқчимиз. Пул кредит тизими тўғри ишлаганда у кирим ва чиқимларсиркулатсион оқимлари ҳаёт

манбаси билан таъминлайди. Тўғри юритилган пул кредит тизими иқтисодиётга тўлиқ бандлик ва манбаларнинг самарали фойдаланилишига ёрдам беради. Нотўғри юритила-ётган пул кредит тизими натижалар, иқтисодий даражалари, иш билан таъминланганлик, ва нархларда жиддий тебранишлар хосил этади ва манбалар таъминотини нотўгри акс эттиради.

**Ратсионалистик консепсия пулнинг келиб чиқишини кишилар ўртасидаги битим, келишув натижаси сифатида изоҳлайди.** Бу ҳолат уларнинг товарларни айирбошлаш чоғида қийматларнинг ҳаракатланиши учун махсус воситалар зарурлигига амин бўлишига асосланади. Пулнинг ўзаро келишув сифатида амал қилиши тўғрисидаги мазкур ғоя ХВИИИ асрнинг охирларигача ҳукм сурди. Пулнинг келиб чиқишига субъектив психологик ёндашув кўплаб ҳозирги замон хорижий иқтисодчиларнинг қарашларида ҳам учраб туради. Уларнинг фикрича, пул категорияси объектив иқтисодий категория бўлмай, кишилар келишувига ёки давлатнинг хоҳишига боғлиқ бўлган юзаки, субъектив категориядир.

**Пул келиб чиқишининг эволюсион консепсиясига кўра улар ижтимоий меҳнат тақсимоти, товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг ривожланиши натижасида вужудга келган.** Қиймат шакллари ва айирбошлаш ривожланишининг тарихий жараёнини тадқиқ қилиш орқали товарлар умумий олами ичидан пул ролини бажарувчи алоҳида товарнинг ажралиб чиқишини тушуниш мумкин. Бир товарнинг қиймати уни бошқа бир товарга айирбошлаш орқали аниқланади (Т-Т). Бир қарашда айирбошлаш битимида ҳар иккала товар ҳам бир хил рол ўйнайдигандек кўринади. Аслида эса уларнинг роли турличадир. Бир товар ўз қийматини бошқа товарга нисбатан ифодалайди. Иккинчи товар эса биринчи товарнинг қийматини ўзида ифодалаб, эквивалент ролини бажаради, яъни қийматнинг эквивалент шаклини ташкил этади. Худди мана шу эрда пулнинг дастлабки куртаги пайдо бўлади. Пулнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида қиймат шаклларининг ривожланиш босқичларини билиш муҳим ўрин тутади. Умуман олганда қийматнинг **оддий ёки тасодифий, кенгайтирилган, умумий ва пул шакллари** мавжуд.

Айирбошлаш жараёнининг тарихан узоқ давом этган даври мобайнида турли товарлар умумий эквивалент ролини ўйнаган. Масалан, айрим жойларда чорва моллари, айрим жойларда туз, айрим жойларда мўйна, нодир металлар (кумуш, мис, олтин) ва бошқалар. Эквивалент ролини ўйновчи турли товарлар ичидан баъзи бирлари ўзининг барча томонидан тан олиниши туфайли ажралиб чиқа бошлади (масалан, нодир металлар). Чунки, эквивалент ролини ўйновчи товарларнинг барчаси ҳам айирбошлаш жараёнида воситачилик вазифасини бир хилда муваффақиятли бажара олмас эди. Натижада, барча товарларнинг қийматини бир хил товар қиймати орқали таққослаш мумкин бўлган қийматнинг умумий шакли вужудга келди.

ХИХ асрнинг охирида мамлакатлар бирин-кетин олтин валютага, яъни монометалл тизимига ўта бошладилар. Бу ҳол Австрияда 1892, Японияда 1897, Россияда 1898, АҚШда эса 1900 йилда содир бўлди. Англияда олтин пул тизими ХВИИ асрнинг охирида, Германияда 1871 йилда, Голландияда 1877 йилдаёқ жорий этилган эди. Ўзбекистон ҳудудида тарихан бундан ҳам олдинроқ кумуш ва мис тангалар муомалада бўлган. Шайбонийхон Самарқандни забт этгандан кейин, 1507 йилда пулислоҳотини ўтказган. Шайбонийхон (1501-1610) ва Абдуллахон (1583-1598) зарб этган тангалар бизгача этиб келган. Абдуллахон даврида танга (олтин ва кумуш) зарб қилиш давлат пойтахти – Бухорода марказлаштирилган. 1695-1709

йилларда олтин танга зарб қилиш мунтазам тус олди. Танга оғирлиги 4,8 грамм, сифат софлиги жуда юқори – 958 бўлган[1].

Умумий эквивалент ролининг нодир металларга, жумладан олтинга юклатилиш сабаблари қуйидагилар орқали изоҳланади:

- сифат жиҳатдан бир хил ўлчамга келтириш мумкинлиги;
- зангламаслиги ва узоқ муддат сақлаш мумкинлиги;
- бўлинувчанлиги ва бўлгандан кейин яна яхлит ҳолга келтириш мумкинлиги;
- бўлинганда ҳам ўз қийматини сақлаб қола олиши;
- табиатда нисбатан камёблиги;
- озгина миқдордаги ва оғирликдаги нодир металлнинг қиймати анча юқорилиги.

Шу хусусиятларга кўра умумий эквивалент ролини ўйновчи кўплаб товарлар ичидан махсус товар – олтин пул ажралиб чиқди. Шундай қилиб, **пул – бу ҳамма товарларни сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган, умумий эквивалент ролини ўйновчи махсус товардир.**

Енди товарлар дунёси иккига – бир томондан, нафлиликнинг ифодаси бўлган товарларга ва иккинчи томондан, қийматнинг моддийлашган ифодаси бўлган пулга ажралади:




Пулнинг иқтисодий мазмунини билишда унинг асосий назарияларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, пулнинг металлистик, номиналиситик ва миқдорий назарияларини фарқлаш мумкин. Пулнинг келиб чиқиши ва муомалада бўлиши металл пуллар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли дастлаб пулнинг металлистик назарияси вужудга келган. Унинг асосий моҳияти пулни нодир металлар (олтин ва кумуш) билан айнийлаштириш орқали намоён бўлган.

Пулнинг **металлистик** назариясининг ривожланишида меркантилистик мактаб намояндаларининг қарашлари муҳим ўрин тутади. Улар пулнинг қадр-қимматини олтин ва кумушнинг табиий хоссаларида деб билиб, унинг товар мазмунини тан олганлар. Бироқ, пулни нодир металлар билан айнийлаштириш уларнинг моҳияти ва иқтисодиётдаги ролига нотўғри баҳо бериш ҳамда пул фетишизмининг ривожланишига олиб келди.

Пулнинг **номиналистик** назарияси тарафдорлари металлистик назарияга қарши чиқиб, пулларнинг товар табиати ҳамда улар ички қийматини зарурлигининг ўзини инкор этадилар. Номиналистлар пулга шартли белги сифатида қараб, уларнинг нодир металлар билан алоқадорлигини рад қиладилар. Номиналистик назария тарафдорларининг қарашлари ўрта асрларда тўла қийматга эга бўлмаган металл тангаларнинг муомалага чиқарилиши билан пайдо бўлди. Баъзи бир намояндалар пуллар – давлат ҳокимиятининг маҳсули, шунга кўра фақат давлатгина пулларнинг қийматини белгилаши мумкин, деган фикрларни илгари сурдилар. XX асрнинг бошларида, олтин стандартнинг тан олинмаслиги, унинг бекор қилиниши билан, номиналистик назария янада ривожланди.

Пулнинг **миқдорий** назарияси – бу муомаладаги пул миқдори, товар нархлари даражаси ҳамда пулларнинг қиймати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни изоҳлашга асосланган иқтисодий таълимотдир. Унинг моҳияти муомаладаги пул миқдори

[1] Chjen V.A Pul va moliya bozorlari. T.: 1996. 25-26-betlar.

нархлар ва пул қиймати даражасининг мутаносиб равишда ўзгаришининг дастлабки сабабидир, деган қоидадан иборат.

**Пулнинг Вазифаси**

Пул нима ўзи? Қадимий мақолда айтилишича пул бу пул бажарадиган ишдир. Умуман олганда пул вазифасини бажарувчи хар бир нарса пулдир. Пул қандай вазифаларни бажаради?

Пулнинг моҳиятини тўлароқ тушуниш учун унинг қуйидаги асосий вазифаларини кўриб чиқамиз: 1) қиймат ўлчови; 2) муомала воситаси; 3) бойлик тўплаш воситаси; 4) тўлов воситаси.[25]

Пулнинг қиймат ўлчови вазифасини идеал пул бажаради. Товар эгаси ёки сотиб олувчи фикран идеал равишда шу товарнинг алмашув қийматини пул билан ифодалайди. Товарнинг нархи талаб ва таклиф миқдори тенг бўлган тақдирдагина унинг қийматига мувофиқ келади. Акс ҳолда, нарх қийматдан фарқ қилади.Товар алмашув қийматининг пул билан ифодаланиши унинг нархини англатади. Товарнинг алмашув қийматини ўлчаш учун муайян миқдордаги пул материалини бирлик қилиб олиш зарур. Бундай бирлик нархлар ўлчови (масштаби) деб аталади. Бир томондан нархлар ўлчови ҳар қандай ўлчов бирлиги каби шартлидир. Иккинчи томондан эса, у муайян мамлакатда ҳамма томонидан эътироф этилган бўлиши керак.

Шунинг учун давлат пул бирлиги ҳуқуқини қонун билан мустаҳкамлайди, бу бирлик шу тариқа расмий тан олинади.




Товар муомаласи жараёнида нақд пул бўлиши керак, чунки товарларни олди-сотди пайтида уларнинг рамзий нархлари реал пулга айланмоғи лозим. Бу жараёнда пул муомала воситаси вазифасини бажаради.

Пул муомаладан чиқарилганда бойлик тўплаш вазифасини бажара бошлайди. Натурал хўжалик шароитида бойлик тўплаш, жамғариш маҳсулот жамғариш шаклида амалга оширилган. Товар хўжалигининг ривожланиши бойлик тўплашнинг пул жамғариш шаклини келтириб чиқаради.[26]

Товарлар насияга тўлов муддати кечиктириб сотилганда, пул тўлов воситаси вазифасини бажаради. Харидорлар товарнинг пулини тўлов муддати келгандан кейингина тўлайди. Пулнинг бу вазифаси товар муомаласи доираси билан чекланмай, пул қарз берилганда, рента ва солиқларни тўлашда ҳам тўлов воситаси вазифасини бажаради. Қоғоз пуллар, вексел ва банкнотлар - пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазифасидан келиб чиққан.




Лекин экономикс асарида пулнинг қуйидаги вазифалари (учта) кўрсатиб ўтилган.[27]

**Муомала воситаси**. Биринчи ва энг асосий ўринда пул товар ва хизматларни сотиш ва сотиб олишда фойдаланиш имкониятини берувчи айрибошлаш воситаси. Новвой хафтасига 200 дона тешик кулча кўринишидаги ойликни олишни хохламайди. Шунга ўхшаб новвойхона бошлиғи ҳам тешик

---

[25] Shodmonov Sh. G'afurov U. "Iqtisodiyot nazariyasi" Darslik. Toshkent: "Iqtisod-moliya" nashriyoti, 2010.
[26] Shodmonov Sh. G'afurov U. "Iqtisodiyot nazariyasi" Darslik. Toshkent: "Iqtisod-moliya" nashriyoti, 2010.
[27] McConnell, Brae. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2007. page

кулчалар ўрнига балиқ олишни хохламайди. Пул эса тўлов учун осонгина олинадиган восита. 2-бўлимда кўрганимиздек пул бу ижтимоий ихтиро бўлиб таъминотчи ва ишлаб чиқарувчиларга тўланиши ва улар томонидан бозордаги кўпгина турдаги нарсаларни олиш имкониятини берувчидир. Айрибошлаш воситаси сифатида пул жамиятга бартер қийинчиликларидан қочишга имконият яратади. Пул товар айрибошлашнинг қулай йўли бўлгани учун жамиятга географик ва инсон иҳтисослашувларининг афзалликларидан фойдаланиш имкониятини беради.

**Қиймат ўлчови бирлиги**. Пул шунингдек қиймат ўлчови бирлиги сифатида ҳам ҳизмат қилади. Жамият пул бирликларидан кенг кўламдаги товарлар, хизматлар ва ресурсларни қийматини хисоблаш воситаси сифатида ишлаилади. АҚШда пул бирлиги сифатида долларлардан фойдаланади. Биз узоқликни милялар ёки километрлар билан ўлчаганимиздек, товарлар ва ҳизматларнинг қийматини пулда ўлчаймиз. Пул хисобнинг қабул қилинган бирлиги сифатида бўлганда хар бир элементнинг нархи фақатгина пул бирлиги кўринишида белгиланиши етарлик. Биз сигирларнинг нархини, жўҳори, қаламлар ёки маймунжон жиҳатидан белгилашимиз керак эмас. Пул харидорлар ва сотувчиларга осонгина турли хил товар ва хизмат нархларини қиёслаш орқали тоғри қарор қабул қилишда ёрдам беради. Бундан ташқари пул қарз мажбуриятларини аниқлаш, солиқ қарзларини аниқлаш ва давлатнинг ЙИМини аниқлаш имкониятини беради.

**Жамғариш воситаси**. Ниҳоят пул одамларга харид қуватини хозирдан келажакка ўтказиш учун бойликни жамғариш воситаси сифатида ҳам хизмат қилади. Одамлар одатда топган фойдаларини шу куннинг ўзида ишлатиб юбормайдилар. Кейинчалик нарсалар олиш учун улар бойликлларининг бази қисмини пулда сақлайдилар. Сиз сейфга ёки омонат хисобига қўйган пулларингиз сизга бир неча хафта ёки ойлардан кейин ҳам фойдаланиш имкониятини беради. Пуллар одатда қисқа муддатли бойлик сақлашнинг энг Афзал кўрилувчи воситасидир, чунки улар барча активлар ичида энг ликвидларидир . Одамлар пулларини бир зумда олишлари ва шу захоти товар олиш учун ишлатишлари ёки молиявий инвеститсия имкониятларининг афзалликларидан фойдаланишлари мумкин. Инфлятсия йўқ ёки пас вақтда бойлигингизни кейинги ишлатиш учун ушлаб туришингиз нисбатан хавдан холи.

Пул таклифининг таркибий қисмлари

Пул - бу қандайдир маҳсулот ёки маҳсулотлар гуруҳининг “заҳира”сидир. (дароматдан фарқли ўларок ўзининг табиатига кўра «оқим» ҳисобланади). Кишилик жамияти тариҳида муомала воситаси сифатида турли хил нарсалардан, яни кит тишлари, думалоқ тошлар, филларнинг дум ва юнгларидан, тилла тангалардан, мўйна қоғоз бўлакларидан ва бошқа турдаги нарсалардан фойдаланишган. Бошқача қилиб айтганда айрибошлаш воситаси сифатида қабул қилинган хар бир нарса пул сифатида ишлатилиши мумкин бўлган. АҚШ иқтисодиётида давлат, тижорат банклари ва бошқа молия институтларининг қарз мажбуриялари пул сифатида ишлатилишини кўришимиз мумкин. [7]

АҚШда тор маънода пул массаси бу М1ни билдиради. У қуйидагилардан иборат:

•Нақт пул маблағлари, жумладан, аҳоли қўлидаги мавжуд бўлган танга ва қоғоз пуллар.

•Барча чек деноситлари, жумладан, тижорат банклардаги омонатлар ва барча турдаги чекларни берувчи пул сақлаш институтлари.

Танга ва қоғоз пуллар Ҳукумат ва ҳукумат тузилмалари томонидан муомалага чиқарилади. Тижорий банклар ва жамғариш муассалари чек депозитларини таклиф

этади. 12.1 а расм M1 пул массасининг хар бир категориядаги пул миқдорларини кўрсатади.

Нақт пул маблағлари: Танга ва қоғоз пуллар

Мис чақалардан тилла суви юритилган долларларгача тангалар хозиргача кам ўзгарган. АҚШда фойдаланилувчи барча тангалар рамзийдир. Бу дегани уларнинг қийматига нисбатан танганинг метал қиймати камроқ. Бу одамларни тангаларни эритиб махсулот сифатида сотишларини олдини олиш учун. Агар 50 сентлик танга ичидаги метали 75 сент нархга эга бўлса унда уни эритиб метал сифатида сотиш Афзал бўлади. Бунда 50 сентлик тангалар муомиладан чиқиб кетади.

Чек депозитлари

Чекларнинг хавсизлиги ва қулайлиги масаласи M1 пул таклифининг катта қисмини сақловчи чек депозитларни келтириб чиқарди. Қарз тўлашда сиз 4896 $ пулни конвертга солиб хат қутисига қандай солишни ўйламайсиз. Катта миқдордаги пулга чекни тўлдириб уни хат орқали юбориш бу одатий хол. Чекни қабул қилувчи одам уни қўллаб қуватлаши лозим (орқа томонига қўл қўяди); чек муаллифи натижада чекнинг нахдланганлиги хақида тўлов қоғози кўринишидаги маълумотни олади. Шу қабул қилиш имзосининг талаб қилиниши ўғирланган ёки йўқотилган чек китобчаси холати шу миқдордаги пул миқдорини йўқотишдай аянчли эмас. Ва нихоят бу банкга бориб пул миқдорини ечишдан кўра чекни ёзиб юбориш қулайроқ. Шу барча сабабларга кўра чек депозит лар (чек китоб пуллари) АҚШ пул таклифининг каттагина қисмини билдиради. Мл пул миқдорларининг 46 фоизига яқин миқдори чек депозит ларда ва улар орқали чек ёзиш мумкин.[28]

Чек хисобларининг пул таъминотининг бир қисми бўлиб хисобланиши ғалати бўлиши мумкин. Лекин сабаб аниқ: чеклар фақатгина банкда ёки бошқа молиявий институтдаги молияларни ўтказиш йўли ва умумий жиҳатдан айрибошлаш воситаси сифатида қабул қилинади. Май да айрибошлашлар учун чеклар пулга нисбатан кам ишлатилсада катта савдода сотувчилар кўпроқ чекли тўловга қизиқишади. Бундан ташқари фойдаланувчилар хохлаган вақтларида чекларини қоғоз пул ёки тангага алма.шт.ириш1а.ри мумкин. Қийматга ёзилган чеклар пул бирлигининг эквивалентидир.

Хулоса: пул Мл = Нақт пулллар+ чек депозитлари

Чекли омонатларини қабул қилувчи молия муассасалар

АҚШда турли хил ташкилотлар мижозларга сақланаётган пул миқдорларига хохлаган миқдордаги чекларни ёзиш имконини беради. Тижорат банклари асосий депоситташкилотлар хисобланади. Улар хўжаликларнинг ва тадбиркорларнинг депоситларини пулни чеклар ёрдамида талаб этилгунича сақлашади ва шу вақтнинг ўзида уларни кўпгина турдаги кредитларга беришади. Тижорат банклари тадбиркорликга қиқа муддатли молиявий капитал кредитлари ва мижозларга мошина ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган нарсаларни олишга молиялаштириб туради.[29]

Омонат сақлаш ва кредит бериш бирлашмалари, ўзаро сақлаш банклари, ва кредит бирлаҳмалари тижорат банкларини тўлдириб сақловчилар ёки сақлаш ташкилотлари сифатида танилган. Омонат ва кредит бирлашмалари ва ўзаро сақлаш банклари хўжалик ва тадбиркорлик депозитларини олишади ва бу фондларни ипотека кредитлари ва бошқа кредитларни бериш учун ишлатишади. Кредит уюшмалари одатда шу корхоналарнинг ўзида ишлайдиган одамлардан

---

[28] McConnell, Brae. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2007. page

[29] McConnell, Brae. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2007. page

омонат олишади ва уларга кредит беришади. Банкларнинг чек депозитлари ва омонатлари турли турда талаб депозитлари келишилган тартибда ечилишлар, автоматик ўтказиш хизматлари, ва хисобдаги хиссалар. Уларнинг умумийлик томони омонатчи хохлаган вақтида ва хохлаган миқдорида чеклар ёза олади.[30]

Йўналтириш бериш

Биз ўз сухбатимизга тўғри йўналиш беришимиз керак. Ҳукумат, федерал заҳира банклари, тижорат банклари ёки бошқа молиявий ташкилотларнинг пул ва омонат депозитлари M1 ва бошқа пул таъминоти хисобларидан ташқари. Масалан эмма Бакнинг қўлидаги бир доллар пул таъминотнинг фақатгина бир долларини ташкил қилади. Лекин биз банкда сақланаётган долларларни пул таъминоти сифатида хисобласак, шу бир доллар банк омонати бўлганида 2 долларга тенг. У Бакнинг чек депозитидаги бир доллар ва банкда сақланувчи 1 доллар пул бирлиги хисобланади. Умумий пул таъминотини хисоблашда банкда қолувчи долларни чиқариб ташлаб биз икки хисоб муаммосидан қутиламиз.

Ҳукумат ва молиявий омонатларни пул таъминотидан ташқарида ушлаш фирма ва хўжаликлар ишлатиши мумкин потенсиал молиялар миқдори билан ишлашни қулайлаштиради. Бу пул миқдори ва потенсиал ишлатилиши мумкин молиялар федерал заҳира учун ўзининг пул кредит сиёсатини олиб боришда қизиқарли (биз бу мавзуни 14 бўлимда батафсил муҳокама қиламиз).

M2 пулнинг моҳияти Иккинчи ва кенгроқ пул таърифи бу M1 ва бир қанча пулга яқин воситалар. Бу воситалар катта ликвидликга эга молиявий қийматлардир, улар тўғридан тўғри ёки тўлиқ айрибошлаш воситаси сифатида хизмат қилмайди лекин осонлик билан пул бирликлари
ёки чек депозитларига айлантирилиши мумкин. M2 пул тушунчасига кирувчи пулга яқин воситаларнинг уч категорияси мавжуд:

•Омонат жамғармалари, шунингдек, пул бозоридаги депозитлар ҳисоби. Пул бозори депосит хисоблари ҳам депосит эгаси осонгина молияларини олиши, сақлаб қўйиши ёки ёки оддийгина чек хисобига ўтказилишини сўраши мумкин. Одамлар молияларини пул бозори депозитларидан хисобидан ҳам олиши мумкин бўлиб улар фоиз йиғувчи хисоблар ва турли хил қисқа муддатли омонатлардан иборат. Пул бозори депозитлари минимал талаб ва фойдланувчининг молиянинг олишига чекланишларга эга.

•Кичик (100 000$ дан кам) муддатли омонатлар. Муддатли омонатлар номидан маълумки, муддати этиб келганда эчилади. Масалан, фойдаланувчи олти ойлик вақт депозитини олти ойлик вақт тўлмагани устамаларисиз ёки вақти ўтганидан кейин ҳам олиши мумкин. пул миқдорлари қисмини олишда молиявий ташкилотлар пул бозори берадиган фоизга нисбатан каттароқ фоизлар чиқариб беради. Бундан ташқари фойдаланувчи чек депозитларини нахд қилиши мумкин лекин бунда устама тўловини амалга оширади.

•Пул бозоридаги ўзаро фондлар. Пул деポситларини сақловчи телефон қўнғироғи, интернет ёки 500$ ёки ундан кўпроқ миқдорга чек ёзиш орқали ўзаро молиялаштириш ташкилотлари таклиф этаётган пул бозори ўзаро молъяларидаги хиссаларини қоплаши мумкин. Бундай корхоналар шахсларнинг қўшма молияларидан фойдаланиб фоиз кўпайтирувчи қисқа муддатли депосит сертификатлари ва АҚШ ҳукумат қимматли қоғозларини олишади. Кейин улар ўзаро молиялаштирилган пул бозори аксиадорларига фоизлар таклиф этиши мумкин. M2 даги ўзаро молиялаштирилган пул бозорлари ўз ичига фақат шахслар хисобларини олади тадбиркорлик ва бошқа ташкилотларни олмайди. пулга яқин

[30] McConnell, Brae. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2007. page

воситаларнинг уч категорияларининг бари мустахкам ликвидликка эга. Бунинг тенглама кўриниши.

Пуллар, М2 = М1 + омонат ҳисоблари + пул бозоридаги депосит ҳисоблари + кичик (100 000$ дан кам) муддатли омонатлар + пул бозоридаги ўзаро фондлар ҳисоби.

Хулоса ўрнида М2 ўз ичига М1ни ташкил этувчи тўғридан тўғри айрибошлаш воситалари (пул бирликлари, чек депозитлари) ва бунга осонгина пул бирликлари ёки чек депозитларига айлантирилиши мумкин бўлган пулга яқин воситаларни олади. 12.1б расмида бу барча элементлар йиғими қошимча кичикроқ М1 пул таъминотидан беш баробар каттароқ М2 пул таъминотини кўришимиз мумкин.

Нол муддатдаги пул терминининг моҳияти

Пулга яқин воситалар категорияларини ўзига олувчи ва олмайдиган молияларнинг турли хил таърифлари мавжуд. Ўсиб бораётган муҳимликка эгаларидан бири бу сент Луис федерал банки томонидан хисоботланган 0 вақт ва устамали молиялар. 0- вақт ва устамали молиялар тоғридан тўғри фойдаланилувчи хўжаликлар ва тадбиркорликлар учун 0 тўловли пул кредит молияларига эътибор қаратади. 0 вақт ва устамали молияларга эга бўлиш учун иқтисодчилар М2 учун икки хил тартибга солишларни амалга оширишади.

Улар,

•Кичик муддатли депозитларни чиқариб ташлашади чунки уларнинг омонат муддатлари 6 ой, 1 йил ёки зарурий 0 сақлаш муддатидан сал кўпроқ. Омонат муддатларига боғлиқ пул ечишлар қўшимча молиявий жарима пулини таўлашни талаб этади.

•Тадбиркорлик эгалигидаги ўзаро молиялаштириш пул бозорларини қўшади. Тадбиркорлик ташкилотлари бу ўзаро молиялаштириш пул бозорларига чеклар ёзиб молияларини чек депозитлари орқали қўшимча хақларсиз кўчиришлари мумкин. шахслар ўзаро молиялаштириш пул бозорлари каби тадбиркорлик ўзаро молиялаштириш бозорлари тўғридан тўғри тўловлар амалга ошириш учун тайёр. Тенглама кўринишида,

Пуллар, МЗМ = М2 - кичик (100 000$ дан кам) муддатли омонатлар + бизнесга тегишли бўган пул бозоридаги ўзаро фондлар ҳисоби.

0 вақт ва устамали молиялар афзаллиги уларда кундалик асосда махсулот хизмат ва манбалар олиш учун фойдаланилувчи пул бирликлари, чек депозитлари, пул бозори депозитлари ва ўзаро молиялаштириш пул бозорларини ўзининг ичига олишидир. Бу одатда тоғридан тўғри ишлатиш учун эмас сақлаш учун ишлатилувчи вақт омонатларини истесно қилади. 2006 йилда 0 вақт ва устамали молиялар 6934 миллиард $ бўлиб М2 6758 миллиард $ дан салгина кўпроқ бўлган. Пулнинг учали таърифи ҳам фойдалидир. М1 энг тор маъноли таъриф бўлиб тушуниш учун энг осон ва тез тез келтирилиб туради. Лекин иқтисодчилар давлат пул таъминотини хисоблашда кўпроқ кенгроқ тушунчалар М2 ва 0 вақт ва устамали молиялардан фойдаланишади. Биз кейинги таҳлилларимизда агар бошқача белгиланган бўлмаса албатта М1, М2, ва 0 вақт ва устамали молиялар тушунчаларини тушуриб қолдирамиз ва пул таъминоти маъносида М ни ишлатамиз. М1 пул таъминоти элементлари пул бирлиги ва чек депоситлари кенгроқ М2 ва 0 вақт ва устамали молияларда асосий элементлар эканлигини эдан чиқармаймиз. Пул кредит фаолиятлари пул бирликлари ва чек депозитларини ўстиради ҳамда М2 ва 0 вақт ва устамали молияларни ёки оддий М ларни ўстиради.[31]

---

[31] McConnell, Brae. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York:

Қисқача шарх:

•Пул айрибошлаш воситаси, хисоб бирлиги ва сақлаш қийматидир.

•Тор М1 пул тушунчаси халқдаги пул бирликлари, тижорат банкларидаги чек депозитлари ва омонат ташкилотларни ўз ичига олади.

•Омонат ташкилотлари ҳам тижорат банклари каби чек ёзиш мумкин бўлган хисобларни таклиф этади.



•М2 пул тушунчаси ўз ичига М1 қўшув омонат депозитлари, пул бозори депосит хисоблари кичик (100 000$ дан кам) вақт депозитлари ва шахсларга тегишли ўзаро молиялаштирилган пул бозорлари олади.

•0 вақт ва устама молияси пул таъминоти (0 лик тўлов) М2 ни кичик (100 000 $ дан кам) вақт депозитларини олиб ташлаб ўрнига тадбиркорлик киритган ўзаро молиялаштириш пул бозорларини қўшади.

Бунга этибор беринг...

Кредит карталари пулми?

Сиз биз нега пул таъминотини таърифлаш муҳокамасида виса ёки мастерсард кредит карталарига этибор бермаганлигимизга хайрон бўлишингиз мумкин. нихоят, кредит карталари нарса олиш учун қулай йўл бўлиб АҚШ даги барча доллар қиймат пул ўтказмаларининг 25% ни ташкил этади. Жавоб шуки кредит карталар пул мас. Бу кўпроқ кредит картани чиқарган молиявий ташкилотдан қисқа муддатли қарз олиш йўлидир. Сиз нарсани кредит карта билан олганингизда нима бўлади? Картаберган банк магазинга ўтказилган тўловни қоплайди кейин эса сиз банк чиқимини қоплайсиз. Хар нарса олишда нахд ёки чек исобингизни камайтирмай сиз барча тўловларингизни бир ойда бир марта бир варакайига тўлаб қўясиз. Сиз кўрсатилаётган хизматлар учун йиллик ҳақ тўлашингизга тўғри келиши мумкин ва агр сиз банкга майдалаб тўлайдиган бўлсангиз унда кредит учун каттагина фоиз тўлашингиз ҳам мумкин. Кредит карталари тўловларни қасқа вақтга кечиктириш йўли. Сиз кредит карта чиқимларингизни қоплаш учун ишлатадиган чек чек хисобингиз пул; кред карта эса пул мас*. Кредит карталар пул бўлмасада улар шахслар ва тадбиркорларга пулдан фойдаланишда тежаш имконини беради. Кредит карталар одамларга ҳамёнларида камроқ пул олиб юриш ва банк хисобларида камроқ чек депозитларини сақлаш имконини беради. Бундан ташқари кредит карталар одамларга чиқимлари вақтларини хисоботлар ёрдамида назорат қилишларига имконият беради. * Банк дебит карталари шу билан бирга чек китобингиздаги чекга ўхшаган нарса. Кредит карта орқали сотиб олишдан фарқли дебит карта билан олиш сизнинг чек хисобингиздан тўғридан тўғри “дебит” (чиқим) ни амалга оширади. Бу чек хисоби пул ва у М1 қисми.[15]

Пул таклифи асосида нима ётади?

АҚШда пул таклифи кафолатланиши аслида ҳукуматнинг пул қийматларини нисбатан барқарор қилиб ушлаб туришидир. Ва бошқа ҳеч нарса!

Пул қарз мажбурияти сифатида

Пул таъминотининг асосий қисмлари қоғоз пуллар ва чек депозитлари бўлиб улар тўлашни вада қилиш ёки қарз. АҚШда пул бу федерал заҳира банкларининг айланиб юрган қарзи. Чек депозитлари эса тижорат банклари ва омонат ташкилотларининг қарзлари.

---

McGraw-Hill, 2007. page

Қоғоз пул бирликлари ва чек депозитлари ўзлари қийматга эга эмас. 5 $ долларлик пул бу оддий расмли қоғоз бўлаги. Чек депозити эса оддийгина хисоб китоб юритиш қоғози. Ва тангалар билганингиздек ёзилган қийматидан камроқ қийматга эга. Ҳукумат қўлингиздаги қоғоз пулларни олтин каби бошқа моддий нарсалар билан қопламайди. Аслида ҳукумат давлат пул таъминотини бошқаришни танлаган. Унинг пул кредит бошқарувчилари тўлиқ бандлик, нархлар даражаси ва иқтисодий ўсишга ёрдам берувчи тадбиркорлик фаолиятларига керакли аниқ қийматлар билан таъминлашни амалга оширишади.[32]

Деярли барча бугунги кун иқтисодчилари пул таъминотини бошқариш уни олтин ёки бошқа бошқа махсулотга боғлашга нисбатан тўғрилиги билан рози чунки унинг таъминоти бехосдан ёки атайин ўзгартирилиши мумкин. янги олтин конларининг топилиши билан боғлиқ давлат олтин заҳираларининг ошиши пул таъминотининг жуда тез ўсишига ва тез инфлятсияни келтириб чиқариши мумкин. ёки тилла саноатидаги пасайиш пул таъминотининг пасайиш ва ишсизлик вақтидаги даражаларига олиб келиши мумкин. Қисқа қилиб айтганда одамлар қоғоз пулларни олтин ёки бошқа қимматбаҳо махсулотга айлантира олмайдилар. Пул фақат қоғоз пул билан алмаштирилади. Агар сиз ҳукуматдан сизнинг беш долларингизни қоплашни сўрасангиз унда ҳукумат сизга ўрнига бошқа рақамли бошқа беш долларликни беради. Сиз олишингиз мумкин бўлган нарса шу. Шундай қилиб чек депосит олтин билан эмас фақат қоғоз пул билан қопланиши мумкин ва у кўрганингиздек ҳукумат томонидан бошқа қийматга нарсалар билан таъминланмаган.

Пул қиймати

Нега пул бирликлари ва чек депоситлари пил шу билан бирга Монополиа (ўйин) пули пул мас? 20 долларлик пул ёки 100 долларлик чек хисобига нима қиймат беради? Бу саволнинг жавоби уч қисмдан иборат.

Мақбуллиги

Пул бирликлари ва чек депозитлари одамлар томонидан пул деб қабул қилингани учун пул. Узоқ муддатли тадбиркорлик тажрибасига асосан пул ва чек депозитлари пулнинг асосий вазифасини бажаришади: улар айрибошлаш воситаси сифатида қабул қилинади. Биз қоғоз пулларни ишлатиш орқали реал махсулотлар, хизматлар ва манбаларга эга бўлишимизни билганимиз учун уларни айрибошлаш воситаси сифатида қабул қиламиз.[33]

Қонуний тўлов воситаси

Бизнинг қоғоз пулнинг муқобиллигига бўлган ишончимиз ҳукумат уни қонуний тўлов воситаси қилгани учун ошган. Хусусан хар бир қоғоз пулда буб у банкнота барча давлат ва хусусий қарзлар учун қонуний тўлов воситаси деб белгиланган. Бу дегани пул қарз тўловларида мос қонуний тўлов воситаси хисобланади. (лекин хусусий фирмалар ва ҳукумат нахд пул қабул қилиш жавобгарлигига эга эмас.

Уларнинг чек, банк чеклари, пул ўтказишлар, ёки кредит карталар орқали тўловлар қабул қилишлари ноқонуний эмас.)

Лекин қоғоз пулларининг умумий қабул қилиниши ҳукуматнинг пул қонуний тўлов воситаси эканлиги тўғрисидаги қароридан муҳимроқ. Ҳукумат чекларни ҳеч қачон қонуний тўлов воситаси деб қарор қабул қилмаган лекин улар кўпгина махсулотлар, хизматлар ва манбалар иқтисодий айрибошланишида шундай

---

[32] McConnell, Brae. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2007. page

[33] McConnell, Brae. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2007. page

маънода қўлланилиб келаяпди. Лекин ҳукумат тузилмалари, федерал депосит суғурта корхоналари ва миллий кредит бирлашмалари бошқарувлари 100 000$ гача тижорат ва омонат депозитларини суғурталайди. Бу хақиқат бизнинг чек депозитларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланишга бўлган хохишимизни оширади.

Нисбий чекланганлик

Пулнинг қиймати бошқа хар қандай нарсанинг қиймати каби унинг таъминоти ва унга бўлган талабга боғлиқ. Пул ўзининг қийматини фойдаликлигига нисбатан чекланишдан олади (ехтиёжни қоплаш кучи). Пулнинг фойдаликлиги унинг махсулотлар, ва хизматларга хозир ёки кейин айрибош имкониятидадир. Иқтисоднинг пулга бўлган талаби турли даврлардаги айрибошлашлардаги умумий доллар қиймати қўшув тадбиркорлик ташкилотлари ва шахслар томонидан келаси айрибошлашлар учун сақланиши хохланаётган пул миқдорларига боғлиқ. Пулга бўлган давомий талаб орқали пул таъминоти тўлов бирлигининг ички қиймати ёки сотиб олиш имконияти аниқлайди (доллар, ен, песо ёки бошқалар)[34].

Пул ва нархлар

Пулнинг сотиб олиш имконияти пул бирлигига келувчи товар ва хизматлар миқдори билан белгиланади. Пул ўзининг сотиб олиш имкониятини тез йўқотганда у ўзининг пул сифатидаги ўрнини ҳам йўқотади.

Долларнинг сотиб олиш имконияти

Долларга бериладиган нарсалар миқдори нарх даражасига қарама қарши пропортсионал; яъни умумий нарх даражаси ва долларнинг сотиб олиш имконияти орасида боғлиқлик бор. Истемол нархи кўрсатгичи ёки яшаш даражаси кўрсатгичи тепага кўтарилганда доллар қиймати пастга тушади ва қарама қаршисига. Каттароқ нарх доллар қийматини тушуради чунки аниқ махсулот, хизмат ёки манбаларни олиш учун кўпроқ долларлар талаб этилади. Масалан нарх даражаси икки баробар ошса доллар қиймати яримига камаяди ёки 50 сентга. Бошқа томондан пасроқ нархлар долларнинг сотиб олиш имкониятини кўтаради чунки аниқ махсулот ва хизматларни олишда камроқ доллар талаб этилади. Агар нарх даражаси айтайлик ярмига ёки 50 фоизга камайса унда долларнинг сотиб олиш имконияти икки баробар кўпаяди.

Тенглама кўринишида бу муносабатлар қуйидагича кўринишга эга:

$ В =1/ П

$В нинг қийматини топиш учун 1 ни кўрсатгич рақами сифатида берилган нарх даражаси П га бўлинг (юзликларда). Агар нарх даражаси 1 га тенг бўлса унда доллар қиймати ҳам 1 га тенг бўлади. Агар нарх даражаси 1.20 га кўтарилса, $В 833 га тушади; нарх даражасидаги 20 фоиз ўсиш доллар қийматини 16.67 фоизга камайтиради. Бу ўзаро боғлиқлини тушунганлигингизни текшириш учун $В ва унинг фоизини ўсишини П 20 фоизга 1$ дан 80 сентга тушгандаги холатни хисобланг.[35]

Пулнинг металлистик назариясининг ривожланишида меркантилистик мактаб намояндаларининг қарашлари муҳим ўрин тутади. Улар пулнинг қадр-қимматини олтин ва кумушнинг табиий хоссаларида деб билиб, унинг товар мазмунини тан олганлар.

Бироқ, пулни нодир металлар билан айнийлаштириш уларнинг моҳияти ва иқтисодиётдаги ролига нотўғри баҳо бериш ҳамда пул фетишизмининг

---

[34] McConnell, Brae. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2007. page

[35] McConnell, Brae. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2007. page

ривожланишига олиб келди.

Пулнинг номиналистик назарияси тарафдорлари металлистик назарияга қарши чиқиб, пулларнинг товар табиати ҳамда улар ички қийматини зарурлигининг ўзини инкор этадилар. Номиналистлар пулга шартли белги сифатида қараб, уларнинг нодир металлар билан алоқадорлигини рад қиладилар.

Пулнинг миқдорий назарияси - бу муомаладаги пул миқдори, товар нархлари даражаси ҳамда пулларнинг қиймати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни изоҳлашга асосланган иқтисодий таълимотдир. Унинг моҳияти муомаладаги пул миқдори нархлар ва пул қиймати даражасининг мутаносиб равишда ўзгаришининг дастлабки сабабидир, деган қоидадан иборат.

## 1.6-Мавзу: Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши

Режа:

**1.6.1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг асосий белгилари**
**1.6.2. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари**
**1.6.3. Бозор тушунчаси, унинг вазифалари ва турлари**
**1.6.4. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Давлат, банк, уй хўжаликлари, тадбиркорлик сектори, бозор, эркинлик, ҳаракатчанлик.

### 1.6.1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг асосий белгилари

Бозор иқтисодиётининг амал қилиш механизми кўплаб асрлар давомида таркиб топиб, шаклланиб, ҳозирги даврда маданийлашган шаклни касб этди ва кўпгина мамлакатларда ҳукмрон иқтисодий тизимга айланди. Мазкур иқтисодиётнинг барқарорлиги шу билан изоҳланадики, узоқ даврли иқтисодий эволюсия давомида унинг амал қилишининг асосий классик қоидалари сақланиб қолди.

Олдинги мавзуда айтганимиздек, хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг рўй бериши бозор иқтисодиётининг келиб чиқиши ва мавжуд бўлишинг умумий шароити ҳисобланади. Хусусий мулкчилик ва меҳнат тақсимоти ижтимоий хўжаликнинг товар шаклини тақозо қилади, товар ишлаб чиқаришнинг мавжуд бўлиши ўз-ўзидан пул муомаласи, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмолнинг бозорга оид хусусиятини кўзда тутади. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши бозор иқтисодиёти тараққиётининг асосини ташкил этади.

Бозор иқтисодиётининг самарали амал қилиши учун муҳим шартлардан бири, ишлаб чиқаришнинг мустақиллиги, тадбиркорликнинг эркинлиги, ресурсларнинг эркин алмашинувидан иборат.

Бозор иқтисодиёти – бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир. Бундай иқтисодиёт эркин товар-пул муносабатларига асосланади, унинг негизида товар ва пулнинг турли шакллардаги ҳаракати ётади, иқтисодий монополизмни инкор этади. Ҳозирги замон иқтисодий назарияларида бозор иқтисодиёти деганда бозор хўжалиги субъектлари иқтисодий ҳатти-ҳаракатларининг эркин, мустақил равишда юз бериши ва уларнинг товар-пул механизми орқали бир-бирига боғланиб мувофиқлашуви деб баҳо берадилар. Бозор иқтисодиётида бозор алоқалари бутун тизимни, унинг ҳамма босқичларини ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини ҳамда иқтисодий муносабатларнинг барча субъектларини қамраб олади.

Бозор иқтисодиёти субъектлари таркибига тадбиркорлар ҳам, ёлланма ишчилар ҳам, пировард истеъмолчилар, ссуда капитали эгалари ва қимматли қоғозлар эгалари ҳам киради. Одатда, бозор хўжалигининг барча **асосий субъектлари** учта гуруҳга бўлинади: уй хўжаликлари, корхоналар (тадбиркорлик сектори) ва давлат.

**Уй хўжаликлари – иқтисодиётнинг истеъмол соҳасида фаолият қилувчи асосий таркибий бирлик.** Уй хўжаликлари доирасида моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган товар ва хизматлар истеъмол қилинади. Бозор иқтисодиётида уй хўжаликлари мулк эгаси ҳамда ишлаб чиқариш омилларини этказиб берувчилар ҳисобланади. Иқтисодий ресурсларни сотишдан олинган пул даромадлари шахсий эҳтиёжни қондириш учун сарфланади.

**Тадбиркорлик сектори – бу даромад (фойда) олиш мақсадида амал қилувчи иқтисодиётнинг бирламчи бўғинларидир.** У иш юритиш учун ўз капиталини ёки қарз олинган капиталнi ишга солишни тақозо этади, бу капиталдан олинган даромад ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун сарфланади. Тадбиркорлар товар хўжалигида товар ва хизматларни етказиб беради.

Давлат – фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, асосан иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган, ҳар хил бюджет ташкилотлари ва муассасалари сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, баъзи дарслик ва ўқув қўлланмаларда бозор иқтисодиётининг яна бир алоҳида, мустақил субъекти сифатида банклар ажратиб кўрсатилади.[36]

Банк – иқтисодиётнинг меъёрда амал қилиши учун зарур бўлган пул массаси ҳаракатини тартибга солувчи молия-кредит муассасаси.

Шундай қилиб, юқорида келтириб ўтилган бозор иқтисодиёти субъектларининг ўзаро таъсири ва алоқасини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин.

Ҳар қандай бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизми асосан тўртта таркибий қисмдан иборат бўлади: нарх, талаб ва таклиф ҳамда рақобат.




**1.6.1-расм. Бозор хўжалиги субъектлари ўзаро алоқасининг умумий модели.**

Бозор иқтисодиётининг муҳим ва умумий белгилари қуйидагилардан иборат:

- турли шакллардаги мулкчиликнинг мавжуд бўлиши ва унда хусусий мулкчиликнинг устун туриши;

тадбиркорлик ва танлов эркинлиги;

- рақобат курашнинг мавжудлиги;
- давлатнинг иқтисодиётга чекланган ҳолда аралашуви;
- корхона ва фирмаларнинг ички ва ташқи шарт-шароитлар ўзгаришларига мослашувчанлиги.

Бозор иқтисодиётининг тарихан таркиб топган икки турини ажратиш зарур. Биринчиси **классик ёки соф бозор иқтисодиёти** деб аталиб, узоқ вақт давомида шаклланиб, ғарбдаги ривожланган мамлакатларда ХIХ асрнинг охирларигача давом этиб келди. Бозор иқтисодиётининг иккинчи кўриниши **ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти** деб аталиб, ХIХ асрнинг охири ва ХХ аср бошларидан буён амал қилади. Унинг асосий белгилари:

а) мулкчиликнинг турли шаклларига яъни, хусусий, давлат, жамоа, аралаш ва бошқа мулк шаклларига асосланиб иқтисодий ва тадбиркорлик фаолияти юритилиши;

[36] Экономическая теория (политэкономия): Учебник/ Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, акад. Г.П.Журавлевой. – 4-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2004, с.78-79.; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма./Акад. М.Шарифхўжаевнинг илмий таҳрири остида. – Т.: «Ўқитувчи», 2002, 74-б.

б) капитал ва ишлаб чиқаришнинг юқори даражада умумлашганлиги, мулкнинг бир қисми йирик монополиялар ва давлат қўлида тўпланиб, миллий ва халқаро миқёсда умумлашганлиги;

в) иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг фаол иштироки. Бунда давлат фан-техника тараққиёти ва бошқа омилларни ҳисобга олиб, турли иқтисодий тадбирларни, ривожланиш истиқболини аниқлаш, турли соҳалар ва тармоқлар ўртасидаги нисбатларни тартибга солиш чора-тадбирларини белгилаш вазифаларини бажаради;

г) хўжаликларни юритишда режа усулидан фойдаланишнинг кучайиши (бизнес режаси, маркетинг тизими орқали бошқариш);

д) ижтимоий ҳимоянинг кучайиши. Бунда давлатга, жамоалар ва хусусий кишиларга тегишли турли хил ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта фондларининг вужудга келиши.

Ҳозирги замон бозор хўжалиги иқтисодиёт хусусий ва давлат секторларининг ўзаро алоқасига асосланади. Иқтисодиётга таъсирнинг интенсивлиги даражаси ҳамда давлат томонидан ҳал этилувчи устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, замонавий бозор иқтисодиётининг қуйидаги моделлари фарқланади (2-чизма).

Бозор иқтисодиётида юқорида тилга олинган белги ва тартиблар билан бирга, барча ҳозирги замон иқтисодий тизимларига хос бўлган бир қатор шарт-шароитлар бўлиши тақозо қилинади. Булар қуйидагилар: илғор технология ва янги техник воситалардан кенг миқёсда фойдаланиш; ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиши.

**Zamonaviy bozor xo'jaligi modellari**

| Mezonlar | Ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyoti | Aralash iqtisodiyot | Korporativ iqtisodiyot |
|---|---|---|---|
| Davlat dasturlarini maqsadga yo'naltirilgani | Fuqarolar manfaatlarini himoya qilish | Tadbirkorlikni rivojlantirish uchun shart – sharoitlar yaratish | Yirik ishlab chiqarish manfaatlarini himoya qilish |
| Iqtisodiyotni tartibga solish tamoillari | Uzoq muddatli dasturlarni ishlab chiqish | Taktik usullardan ustun ravishda foydalanish | Asosiy ustuvorliklarni belgilab olish |
| Davlat sektorining iqtisodiyotdagi ulushi | 30% | 10% atrofida | Ahamiyatsiz darajada |
| Ko'rsatilgan mezonlarga muvofiq keluvchi davlatlar | Germaniya | AQSh | Yaponiya, Shvetsiya |

**1.6.2-расм. Замонавий бозор хўжалиги моделлари.**

Ҳар қандай иқтисодий тизим сингари бозор иқтисодиёти ҳам иқтисодиётнинг умумий муаммоларини ифода этувчи қуйидаги саволларга жавоб топиши зарур: нима ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш зарур? қандай техника ва технология билан ишлаб чиқариш зарур? ким учун ишлаб чиқариш зарур?

Агар бу саволларни умумий равишда қўйиб, унга тараққиётнинг барча босқичларига хос бўлган умумий жавобни берадиган бўлсак, уларни лўнда қилиб: аҳоли эҳтиёжи учун зарур миқдор ва турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш; мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиб, янги техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқариш; аҳоли истеъмоли учун зарур неъматларни ишлаб чиқариш, деб жавоб бериш мумкин.

Лекин бозор иқтисодиёти даврида бу саволларга мазкур тизимнинг ўзига хос тарихий хусусиятидан, унинг талаблари ва қонун-қоидаларидан келиб чиқиб жавоб берилади. Қисқача қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида:

а) кўпроқ фойда берадиган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилади;

б) пули бор, товарларни юқори фойда олиш имконини берадиган нархларда сотиб олиш лаёқатига эга харидорлар учун ишлаб чиқарилади;

в) юқори фойда олишни таъминлайдиган, тежаш имконини берадиган техника ва технология ёрдамида ишлаб чиқарилади.

### 1.6.2. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари

Бозор иқтисодиётининг самарали, халқчил ва барқарор иқтисодий тизим сифатида амал қилиши ва ривожланиши унинг афзалликлари билан боғлиқдир. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари қуйидаги жиҳатлар орқали ифодалаш мумкин:

**ресурсларни тақсимлашнинг самарадорлиги.** Бозор тизими ресурсларни самарали тақсимлашга ёрдам беради. Бунинг мазмуни шуки, рақобатли бозор тизими ресурсларни жамиятга энг зарур бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтиради. У ишлаб чиқариш учун ресурсларни уйғунлаштиришнинг анча самарали усулларини ва ишлаб чиқаришга янги, анча самарали технологияни қўллашни тақозо этади. Қисқаси, бозор тизими шахсий манфаатни шундай тартибда бошқарадики, у жамият учун мавжуд ресурслардан зарур товарларни талаб даражасидаги миқдорда ишлаб чиқаришни таъминлайди;

2) э**ркинлик.** Бозор иқтисодиёти тизимининг муҳим афзалликларидан бири шунда-ки, у шахсий эркинлик ролига устиворлик беради. Кўплаб айрим шахслар ва корхона-лар иқтисодий фаолиятини уйғунлаштириш ташкил қилишнинг асосий муаммоларидан биридир. Бундай уйғунлаштиришни амалга оширишнинг икки усули мавжуд. Бири – марказдан бошқариш ва мажбур қилиш тадбирларини қўллаш; иккинчиси – бозор тизими воситаси орқали ихтиёрий ҳамкорлик. Фақат бозор тизимигина иқтисодий фаолиятни мажбур қилмасдан уйғунлаштиришга лаёқатлидир. Бозор иқтисодиёти тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини намойиш қилади, хусусан шу асосда у муваф-фақиятга эришади.

**ҳаракатчанлик.** Бозор иқтисодиётининг яна бир афзаллиги шундаки, бунда ҳар бир шахс, корхона, фирма ва корпоратсиялар тинимсиз ҳаракатда ва изланишда бўлишади. Чунки хўжасизлик, сусткашлик, беғамлик ҳар қандай хўжалик тизимини хонавайрон қилишга олиб келади. Жисмоний ва юридик шахслар рақобатга бардош бериш, доимий равишда фойда олишни таъминлаш учун курашади. Натижада бозор иқтисодиёти миллион-миллион кишиларни ҳаракатга солади, уларни боқимандалик кайфиятидан қутқаради.

Бозор иқтисодиётнинг юқорида кўриб чиқилган аосий афзалликлари билан бир қаторда бошқа кўплаб **ижобий жиҳатларини** ҳам санаб ўтиш мумкин. Жумладан:

- унинг ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан шароитларига мослашуви ва кўникишининг юқори даражаси;
- фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг жадал суръати;
- турли-туман эҳтиёжларни қондириш, маҳсулот сифатини ошириш қобилияти;
- бузилган мувозанатни нисбатан тезлик билан қайта тиклаш;
- чекланган ахборот – турли ресусрларнинг нарх даражаси ва уларнинг сарфланиш даражасига йўналган ҳолда бозор иқтисодиётининг муваффақиятли амал қила олиш имконияти.

Бозор иқтисодиётининг асосий зиддияти – **рақобатнинг кучсизланишига йўл қўйиш ва уни рағбатлантириш**. Рақобат кучсизланишининг иккита асосий манбаи мавжуд:

1) бозор иқтисодиётидаги эркин муҳитда тадбиркорлар фойда кетидан қувиб ва ўз иқтисодий мавқеини яхшилашга интилиб, рақобатнинг чекланган йўлидан озод бўлишга ҳаракат қиладилар. Фирмаларнинг қўшилиб кетиши, компанияларнинг хуфёна келишуви, шафқатсиз рақобат – буларнинг ҳаммаси рақобатнинг кучсизланиши ва унинг тартибга солувчилик таъсирининг пасайиб боришига олиб келади;

2) бозор тизими рағбатлантирадиган техника тараққиёти ҳам рақобатнинг заифлашишига олиб келади. Энг янги технология, одатда: а) жуда катта миқдордаги реал капиталдан фойдаланишни; б) йирик бозорлар бўлишини; в) комплексли, марказлашган ва қатъиян бир бутун бўлиб бирлашган бозорнинг таркиб топиши; г) бой ва ишончли хом-ашё манбаларини талаб қилади. Бундай технология бозорнинг ҳажмига нисбатан кенг миқёсдаги ҳисобланувчи ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлиши зарурлигини билдиради. Бошқача айтганда, энг янги технологияни қўллаш асосида ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлигига эришиш, аксарият ҳолларда кўп миқдордаги майда фирмалар эмас, унча кўп бўлмаган йирик ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлишини тақозо қилади.

Бозор тизими жамиятни эҳтиёжи юқори бўлган товарлар билан таъминлашига ҳам кафолат бермайди. Рақобатнинг кучсизланиб бориши истеъмолчининг эркинлигига ҳам путур этказади. Бозор тизими ўзининг истеъмолчининг хоҳишига анча мос келувчи ресурсларни тақсимлаш лаёқатини ҳам йўқотиб бориши мумкин.

Бозор иқтисодиётнинг навбатдаги зиддияти – **жамият аъзолари даромадларидаги тенгсизликнинг кучайиб бориши ва аҳолининг табақаланишидир.** Бундай иқтисодиёт ҳар қандай юксак даражада ривожланмасин даромадлар тенгсизлигини бартараф қила олмайди, фақат уни маълум даражада юмшатиш мумкин.

Бозор иқтисодиётининг умумий эътироф қилинган зиддиятларидан бири – **ижтимоий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариб, бозорга таклиф қилишга қодир эмасликдир.** Шу сабабли жамият аъзоларини бундай неъматлар ва хизматлар билан таъминлаш давлат зиммасида бўлади.

Бозор иқтисодиётининг зиддиятли томонларидан яна бири – **товарлар ҳажми билан пул массаси ўртасидаги рўй бериб турадиган номувофиқликни бартараф эта олмаслигидир.**

Шунингдек, 2008 йилда АҚШ ипотека кредитлаш тизимида вужудга келган ҳамда кўплаб ривожланган мамлакатларга тарқалиб, аввал иқтисодиётнинг

молиявий секторида, кейинчалик эса реал сектор ҳамда ижтимоий соҳасида жиддий талофатларга олиб келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам кўп томондан бозор иқтисодиётининг зиддиятли жиҳатлари таъсири билан боғлиқ. Аксарият ривожланган мамлакатларда бозорнинг ўзини-ўзи тартиблаш механизмини мутлақлаштириш ва бунда давлатнинг назорат қилиш, тартибга солиш вазифаларига умуман эътибор қаратмаслик пировардида инқироз ҳолатларининг рўй беришига олиб келди. Ўзбекистонда давлат томонидан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни тартибга солиш жараёнларига доимий эътибор қаратилиб, зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади[37].

### 1.6.3. Бозор тушунчаси, унинг вазифалари ва турлари

Бозор тушунчаси бозор иқтисодиётининг марказий категорияси бўлиб, иқтисодиёт назариясида ҳам, хўжалик юритиш амалиётида ҳам, барча мамлакатлар тажрибасида ҳам қўлланиладиган илмий-амалий тушунчадир.

Енг аввало «бозор» ва «бозор иқтисодиёти» тушунчаларининг бир-биридан фарқланишини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Чунки, кўпинча бу икки тушунчани бир хил маънода тушуниш, баъзи адабиётларда синоним сўзлар сифатида қўллаш ёки уларни чалкаштириш ҳоллари учрайди. Бозор жамиятда бозор иқтисодиёти шакллангунга қадар меҳнат тақсимотининг рўй бериши натижасида вужудга келиб, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг айирбошлаш жараёнини ўз ичига олади. Бозор иқтисодиёти эса бозор ва бозор муносабатларининг тарихан узоқ давр мобайнида ривожланишининг натижаси сифатида пайдо бўлади ва бозор қонунлари асосида ташкил этилувчи ва фаолият кўрсатувчи иқтисодий тизимни англатади.

Бозор такрор ишлаб чиқаришнинг битта фазасини, яъни айирбошлаш фазасини ўз ичига олади. Бозор иқтисодиёти эса барча фазаларини – ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва ниҳоят истеъмол жараёнларини ҳам ўз ичига олади.

Ҳозирги даврда бозор ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг кўп қиррали мураккаб алоқаларини, уларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган таъсирини боғлайдиган бўғин, жамият тараққиётида модда алмашувини таъминлайдиган жараён сифатида шаклланди.

Бозорнинг асосий белгилари сотувчи ва харидорларнинг ўзаро келишуви, эквивалентлилик тамойили асосидаги айирбошлаш, сотувчиларнинг харажатлари қопланиб, фойда олиши ва пул тўловига қодир бўлган харидорларнинг талабини қондириш ва рақобатчиликдан иборатдир.

Бозор товарларни ишлаб чиқариш ва айирбошлаш, пулнинг вужудга келиши, уларнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан тарихий тушунча бўлиб, ҳозирги даврда кенг тарқалган объектив иқтисодий жараёндир.

Бозор ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, сотувчилар ва харидорлар ўртасида пул орқали айирбошлаш (олди-сотди) жараёнида бўладиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир. Бунда бозорнинг моддий асосини жой эмас, балки товар ва пулнинг ҳаракати ташкил этади. Бозор тушунчаси фақат айирбошлаш жараёнидаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади. Унда олди-сотди жараёнидаги зарур бўлган хизматлар бажарилади.

Бозорга сотишга чиқарилган товар ва хизматлар талабга нисбатан кам бўлса нархлар ошиб кетади, айирбошлашнинг эквивалентлик мувозанати бузилади,

---

[37] Қаралсин: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 8-б.

натижада товарни сотувчи меъёридан ортиқча даромад олиб, тез бойийди ёки аксинча, бозорда товарлар миқдори талаб миқдоридан ошиб кетса, нархлар пасайиб кетиб, сотувчилар зарар кўрадилар. Бунинг устига ишлаб чиқариш жараёнида сусткашлик, нўноқлик ва хўжасизлик юз бериб, ортиқча харажатларга йўл қўйилган бўлса, зарар янада ошиб кетади, чунки бозор бундай ортиқча беҳуда сарфларни ҳисобга олмайди.

Бозор субъектлари икки гуруҳга – сотувчи ва харидорларга бўлиниб, улар бозор муносабатларининг турли вазифаларини бажаради. Сотувчилар бозорга товар ва хизматларни таклиф этади, харидорлар эса уларга талаб билдиради. Бозор ўз субъектлари манфаатини бир-бирига боғлаб, уларни мувофиқлаштиради.

Бозорнинг асосий вазифаси ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган товар ва хизматларни, иқтисодий ресурсларни истеъмолчиларга етказиб беришдан иборатдир. Бу эрда бозор ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлайди, ишлаб чиқарилган товар ёки хизмат ўз истеъмолчисини топади.

Бозор айирбошлаш категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз такрорланиб туришига ёрдам беради. Ишлаб чиқариш, янгидан бошланиши учун яратилган товарлар сотилиши ва уларнинг пулга айланиши, пулдан эса керакли иқтисодий ресурслар харид қилиниши зарур. Бозор воситасида товарни сотишдан тушган маблағлар ҳисобига, ишлаб чиқарувчилар ресурслар сотиб олиш йўли билан сарфланган ишлаб чиқариш воситалари ўрнини қоплайдиган ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун керакли моддий ва меҳнат ресурсларига эга бўладилар. Бозор орқали ресурсларнинг эркин ҳаракати таъминланади ва уларнинг тармоқлар ўртасида тақсимланиши рўй беради.

Бозор иқтисодиётни тартибга солиб туриш вазифасини талаб, таклиф, рақобат ва нархлар ёрдамида бажаради. У ўзида талаб ва таклифни жамлаб, бу билан нимани, қанча миқдорда ва қайси вақтда ишлаб чиқариш кераклигини аниқлаб беради. Бозор нарх воситасида иқтисодий ресурсларни товарларга талаб камайган тармоқлардан талаб ортган тармоқларга оқиб келишини таъминлайди.

Шунингдек, адабиётларда бозорнинг бошқа кўплаб қўшимча вазифалари ҳам келтирилади. Бу вазифаларни яққолроқ тасаввур этиш учун уларни махсус чизма кўринишида ифодалаш мумкин.

Бозор турли хил вазифаларни бажарсада, улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Бозорнинг мазмунини тўлароқ тушунмоқ учун унинг турларини ва ички тузилишини билиш зарур.



**1.6.3-расм. Бозорнинг вазифалари.**

***Ресурс бозори***

Ресурс бозорида, уй хўжаликлари ресурсларни сотади ва корхоналар уларни сотиб оладилар. Уй хўжаликлари яъни одамлар ишчилар сифатида билвосита ёки корхоналарга эгалик ҳуқуқлари орқали эса бевосита ҳамма иқтисодий ресурсларга эгалик қиладилар. Улар ресурсларни корхоналарга сотадилар ва улар, ўз навбатида, уларни сотиб оладилар чунки бу нарсалар уларга товар ва хизмат турларини ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Корхоналарни ресурслар учун тўлайдиган фондлари корхоналар учун ҳаражатлардир, аммо даромат, ижара, ставкалар, ва фойдали дароматлар уй хўжаликлари ҳисобигадир. Маҳсулдор ресурслар, шунинг учун, уй хўжаликаларидан корхоналарга оқиб боради, корхонадан эса уй хўжаликларига келиб тушади.

Маҳсулот бозори корхона ва ишлаб чиқарувчилар таклиф этаёрган товар ва хизматлар сотиб олинадиган ёки сотиб юбориладиган жойдир. Маҳсулот бозорида, ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматларни сотиш уҳсун ресурсларни йўналтиради. Уй- хўжаликлари товар ва хизматларни сотиш уҳсун ресурлар савдосидан олаётган дароматлатларидан фойдаланишади.Истеъмолчиларнинг товар ва хизматларга сарфининг пул айланмаси корхоналарнинг фойдали савдосига имконият яратади. Корхоналар ушбу фойдаларни фойдалиликни аниқлашда қиёслаб кўради ва маълум товар ва хизматларни ишлаб чиқари-лишини давом эттириш ёки тўхтатиш кераклини белгилайди. Айланма ҳаракатли диаграмма уй-ҳўжаълиги ва корхоналарнинг ўзаро иқтисодий фаолиятларини қарор қабул қилишнинг бир-бирига боғланган, мураккаб суратини тасвирлаб беради. Иқтисодиёт учун, бу ҳаёт –мамот қонуниятидир. Уй-хўжаликлари ва корхо-налар сотувчи ва сотиб олувчиларидир. Корхоналар ресурсларни сотиб олади ва маҳсултларни сотади. Уй-хўжаликлари эса маҳсулотларни сотиб олади ва ресурсларни сотади. Иқтисодий ресурсларни ва фойдаланиб бўлинган хизмат ва товарларни саот йўналишига қарама-қарши ҳақиқий айланма ҳаракати ва даромат ҳамда истеъмол ҳаржларини саот йўналишига томон ҳаракатини кўриш мумкин.[38]

Бозорнинг ички тузилиши мураккаб бўлганлиги сабабли уни туркумлашда қуйидаги асосий мезонларга асосланилади:

- бозорнинг этуклик даражаси;
- сотиладиган ва сотиб олинадиган маҳсулот тури;
- бозор субъектлари хусусиятлари;
- бозор миқёси,
- иқтисодий алоқалар тавсифи ва бошқалар.

Бозорнинг э**туклик даражасига қараб** ривожланмаган бозор, классик (еркин) бозор, ҳозирги замон ривожланган бозорларга бўлинади. **Ривожланмаган, шаклла-наётган бозор** кўпроқ, тасодифий тавсифга эга бўлиб, унда товарни товарга айирбошлаш усули (бартер) кўпроқ қўлланилади. Бозорнинг бу тури тарихан ҳали ҳақиқий пул келиб чиқмаган даврга тўғри келади. Лекин ҳозирги даврда ҳам айрим мамлакатларда пул инқирозга учраб, ижтимоий ишончни йўқотган, бозор иқтисодиётига ўтаётган даврларда ҳам бу бозор амал қилиши мумкин. **Эркин (классик) бозор** – товар ва хизматларнинг ҳар бир тури бўйича жуда кўп ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, яъни сотувчилар ва сотиб

[38] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar,muammolar va siyosat. O’n ettinchi Nashr. 53-55 b.

олувчилардан иборат бўлиб, пул орқали айирбошлаш жараёнида улар ўртасида эркин рақобат келиб чиқади, нархлар талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга қараб эркин шаклланади, рақобатнинг турли усуллари қўлланилади, аҳоли ва ишлаб чиқарувчилар кескин табақаланади. **Ҳозирги замон ривожланган бозори** – бунда давлат ҳам бозор иштирокчиси бўлиб, бозор анча тартиблаштирилади ва бошқарилади, турли хил биржалар ва бошқа олди-сотди жараёнига хизмат қилувчи соҳалар ривожланган бўлади, рақобат курашлари аҳолининг табақалашуви юмшатилиб, уларнинг даромадлари даражаси ўртасидаги фарқлар камаяди.

Бозор **ҳудудий жиҳатдан** қуйидаги турларга бўлинади: **маҳаллий бозорлар** (Тошкент бозори, Самарқанд бозори, Ургут бозори, Лондон бозори, Нью-Ёрк бозори, Пекин бозори ва бошқалар); **миллий бозорлар** (Ўзбекистон бозори, Россия бозори, Украина бозори, Англия бозори, Америка бозори, Хитой бозори ва бошқалар); **минтақавий бозорлар** (Марказий Осиё ёки Осиё бозори, Ғарбий эвропа бозори) ва **жаҳон бозори**.

**Сотиладиган ва сотиб олинадиган товар, хизмат турига кўра** бозорлар қуйидаги турларга бўлинади: истеъмол товарлари ва хизматлари бозори, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи (ресурслар) бозори, валюта бозори ва фонд биржалари, илмий техника кашфиёти ва ишланмалар бозори.

**Муомалага чиқадиган субъектларнинг хусусиятига** кўра улгуржи ва чакана савдо тўғрисида гап юритилади. Чакана савдода асосан сотиб олувчилар фуқаролар ҳисобланади. Турли шаклдаги корхоналар, фирмалар, хусусий дўконлар ва бошқалар эса сотувчи ҳисобланади. Улгуржи савдода давлат томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш алоҳида ўрин тутади. Бунда асосий харидор давлат, сотувчилар эса деҳқон ва фермерлар хўжаликларидир.

## 4. Бозорнинг Бешта Асосий Саволи

Бозор тизимининг асосий хусусиятлари бозор иқтисодиётининг қуйидаги бешта муҳим саволга жавоб бўла олишини тушунишга ёрдам беради:

- Қандай маҳсулот ва хизмат турлари ишлаб чиқарилади?
- Улар қай йўсинда ишлаб чиқарилади?
- Улардан асосан кимлар фойдаланиши мумкин?
- Бу тизим ўзгаришларга қандай бардош беради?
- Тизимнинг муваффақият гарови нималардан иборат?

Мазкур бешта савол биринчи бўлимдан муҳокама қилинган маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғини белгиловчи иқтисодий танловларни ёритиб беради. Улар инсон эҳтиёжлари чексиз бўлган бу дунёда танқис ресурсларни акс эттиради. Иқтисодиётнинг барча кўринишлари шу бешта саволга мурожаат этади.

### Қандай товарлар ва ҳизматлар ишлаб чиқарилади?

Бозор тизими муайян турдаги ва миқдордаги хизмат ва товарларни ишлаб чиқаришни қандай ҳал этади? Бу саволга жўяли жавоб мана бундай: Доимий фойда келтираётган хизмат ва товарлар ишлаб чиқарилаверади ва фойда келтирмаётганлари ишлаб чиқарилмайди. Дароматлар ва камоматлар маҳсулот сотувидан тушадиган умумий тушумлар (УТ) ва ўша маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришнинг умумий муқобил нархи (МН) ўртасидаги фарқларидир. (Иқтисод-чилар учун эса, иқтисодий нархларга меҳнатга тўланадиган тўловларгина эмас, балки товар ишлаб чиқаришда ишлатилган бошқа ресурсларни жамлаш ва ташкилластириш учун сарфланган ҳаражатлар ҳам киради.)

Саноатдаги давомий иқтисодий фойда (УТ>МН) маҳсулот кўламини кенгайтиришга ва ресурсларни ўш саноатга йўналтиришни тақозо қилади. Амалдаги кархоналар ўсиб боради ва янгилари қўшилади. Шундай қилиб, саноат кўлами кенгаяди. Саноатдаги давомий иқтисодий камомат (УТ<МН) товар кўламини камайтиради ва ўша кархонага ресурслар йўналувини тўхтатиб қўяди. Баъзи амалдаги ишлаб чиқариш кархоналарининг ҳажми торояди; ҳатто баъзилари ўз фаолиятларини тамомлашга мажбур бўлади. Саноатнинг ишлаш суръати қисқаради. Бозор тизимида ҳаридорларни қўли устундир. Чунки ишлаб чиқарилган товарларнинг миқдори ва турларини белгилашда истеъмолчи устунлиги асосий аҳамиятни касб этади. Истеъмолчилар ўз таъблари ва ҳамёнига мос келадиган товарлар учун дароматларини товар сотиб олишда сарфлайдилар. Ҳудди шу йўсинда, улар бозордаги ўзларининг эҳтиёжларини белгилайдилар. Агар маълум турдаги товарга кўпроқ талаб бўлса, корхоналар ўша маҳсулотни ишлаб чиқариб, савдога чиқаради. Ёки аксинча, товар ўзига сарфланган ҳаржни қоплай олмаса, у маҳсулот савдога қўйилмайди. Улар асосан истеъмолчиларнинг талабларига тўлиқ мос келадиган маҳсулотларнигина сотувга чиқарадилар. Истеъмолнинг талаблари нафақат қайси ишлаб чиқариш корхоналари ишлай олишини, балки қайси турдаги товарлар бозор талабларига бардош бера олишини белгилувчи муҳим кўрсаткичдир. Фақатгина фойда келтираётган саноатлар, корхоналар ва рақобатбардош маҳсулотларгина сақланиб қолади. Шунинг учун, корхоналар ўзлари хоҳлаган товар–маҳсулотларни ишлаб чиқараверишии мумкин эмас. Истеъмолчиларни бозордаги талаблари қай бир турдаги товарлар фой келтириши ёки қайсилари камомат келтиришларини кўрсатиб беради. Шундай экан, бу қандай турдаги истеъмол товарларини сотувга чиқариш мумкин эмаслигини аниқлаб беради. Ишлаб чиқарувчилар истеъмолчи диди ва хоҳишига мос келувчи товарларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади, акс ҳолда улар банкротликка юз тутиши мумкин. Ҳудди шу қонуният ресурс таъминотларига ҳам таълуқлидир. Ресурслардан фойдалана олишлик ўша товар- маҳсулот ва хизматларни сотувидан келиш чиқиб амалга оширилади. Автомобил саноари ишчилар хизматидан фойдаланишга муҳтожлик сезади сабаби автомобиллар сотилмоқда. Лотин тилини ўрганувшилар ва шу тилга талаб борлиги туфайли доим Лотин тили ўқитувчиларига талаб бўлаверади. Дароматга йўналтирилган ресурс таъминотчилари истеъмолчилар дидига ва вақт синовида бардош бермаган товарлар учун реусрслардан фойдаланишга имконият бермайди. Бозорнинг самарали ишлашига ёрдам берувчи асосий омил истеъмолчилардир; мос равишда ишлаб чиқарувчилар ва таъминотчилар уларнинг талабларини қондириш учунгина хизмат қилади. (Муҳим савол 8)

## Маҳсулот ва хизматлар қандай ишлаб чиқарилади?

Маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришда қандай технология ва ресурс манбаалардан фойдаланилади Маҳсулот ишлаб чиқариш қандай ташкиллаштирилади? Бунга жавоб: товар ишлаб чиқаришда энг кам ҳарж талаб қилинадиган усул техникалардир. Рақобат бозордан юқори нарх билан ишлайдиган ишлаб чиқарувчиларни сиқиб чиқариши туфайли, фойдалилик дажаси ўша ишлаб чиқарувчидан товарларни енг кам ҳарж сарфлаб ишлаб чиқаришни талаб қилади. Бундай камҳаржли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш учун корхоналар меҳнат ва капиталнинг енг муқобил ўрталамасидан фойдаланиб, ўша ресурсларнинг маҳсулдорлиги ва нархларни шунга йўналтиради. Бу яна ишлаб чиқариш техникалари етказиб бериш ҳаражатлари ва маҳсулот ишлаб чиқаришга макси-мал даражада мос келадиган қилиб

жойлаштиришни тақозо қилади. Энг камҳарж маҳсулот ишлаб чиқариш товар ишлаб чқаришда иқтисодий жиҳатдан энг самарали техникалардан фойдаланишни тақозо қилади. Энг самарали ишлаб чиқариш техникалари қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- Мавжуд технология, яъни назарда тутилган товарни ишлаб чиқарувчи турли ресурс манбааларидир.
- Керакли ресурсларнинг нархлари

Агар техникаларнинг бозордаги нархлари баланд бўлса, маълум турдаги товарларни ишлаб чиқаришда бир неча камҳаржли ресурсларни талаб қиладиган туридан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиши мумкин. Даромат ва ресурс ҳаражатлари доллар ва сентлар билан ўлчанадиган бўлса, иқтисодий самарадорликка танқис ресурслардан иложи борича камроқ сарфлаб маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш орқали эришиш мумкин. Айтайлик, 15 долларлик ювиниш совуни ишлаб чиқариш учун энг кам маблағ сарфлаш энг самарали натижа бўлиши мумкин.

## Маҳсулотни кимлар сотиб олади?

Бозор тизими умумий маҳсулотнинг тақсимлаш орқали икки ҳил кўрнишни олади. Умуман олганда, хоҳлаган маҳсулот истеъмолчиларга тақсимланиши мумкин, унинг амалдаги бозор нархини истеъмолчилар тўлашга хоҳиш ва қурби этган тақдирдагина Баъзи маҳсулот, айтайлик, кичик яхта 3000 доллар турса, унда қурби етган ҳаридорлар уларни сотиб олишлари мумкин. Қурби етмаганлари уни сотиб ололмайди. Яхталар ва шу турдаги бошқа товарларни сотиб олиш имконияти ҳаридорларнинг даромат миқдорлари ва товарларни рақобатбардошлик ҳамда нархлари каби бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Агар ҳаридорлар етарлича даромат ва пул маблағларига эга бўлган тақдирда, улар буларни сотиб олишлари мумкин бўлади.Уларнинг дароматларининг миқдори (1) улар таъминлаб бера олиши мумкин бўлган ресурслар ҳамда мулк миқдорларига ҳамда (2) ресурслар бозорида ўша ресурсларнинг нархла-рига боғлиқ бўлади. Ресурс нархлар (ойликлар, ставкалар, ижара, фойда кабилар) ҳар бир инсоннинг даромат миқдорларини белгилайди ва, шунинг учун, ҳар бир инсоннинг сотиб олиш имкониятига боғлиқ бўлади. Агар соатига 200 доллар пул ишлаб топадиган ҳуқуқшунос ва соатига 10 доллар ишлаб топадиган ишчи йилига ишлаб топиш учун бир ҳил вақт сарфласа, ҳуқуқшунос ишчига қараганда ўша берилган муддат ичида истеъмол маҳсулотларидан 20 баробар кўқроқ сотиб олиши мумкин бўлади.

## Тизим ўзгаришларига қандай мослашади?

Бозор системалари динамик кўринишдадир: истеъмолчилар талаби, техноло-гия, ва ресурс таъминотлар, буларнинг барчаси ўзгарувчандир. Бу дегани, истеъмолчининг талабининг муайян кўриниши, технологик алтернативларнинг турличалиги ҳозирдаги энг самарали ресурсларнинг тақсимланиши демакдир. Вақт ўтган сари истеъмолчининг талабининг ўзгариши, ишлаб чиқаришнинг янги усулларининг кашф этилиши ва ресурс таъминотининг ўзгариши натижасида мавжуд ресурсларнинг миқдори эскириб, самарасиз бўлиб қолади. Масалан, истеъмолчилар бозор етказиб бериши мумкин бўлган даражадан камроқ сут ва кўпроқ шарбат хоҳлайди деб тасаввур қилайлик. Истеъмолчиларнинг талаби-нинг ўзгариши сут ва

шарбатни маълум бир миқдорда ишлаб чиқаришга туртки бўлади. Бошқа омилларни ҳисобга олганда, шарбат саноатидаги нарх ва фойдалар ошади ва сут саноатидаги нарх эса пасаяди. Инсоннинг шахсий эхтиёжи мавжуд рақобатчиларни маҳсулот кўламини оширишга ва янги рақобатчиларни кўпроқ шарбат ишлаб чиқаришга чорлайди ва шу билан мос равишда сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноатини ёпилиб кетишига олиб келади. Шарбат саноатидаги баланд нархлар ва юқори даражадаги иқтисодий фойда нафақат ўша саноатни кенгайишига, балки, шунингдек, ўша саноатга ўз товар ишлаб чиқариш кўламини таъминловчи муҳим ресурсларни қўлга киритишига керак бўлган маблағни бериб юборади. Баландроқ нархлар ва фойдалар шарбат ишлаб чиқарувчи саноатни ишлатилинмаётган бошқа таъминот воситаларидан кўқрок ресурсларни жалб этишга ундайди. Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида буни акси кузатилиб, у ерга камроқ ишчилар ва ресурслар жалб этилади. Иқтисодиётдаги бундай шароитга мослашув, истеъмолчи талабларидаги ўзгаришларга мувофиқ жавоб бўлади. Бу эса истеъмолчини амалдагиустунлигиникўрсатади.

Бозор тизими улкан тизимли системадир. Нарх ва фойдаларни ўзгариши орқали у истеъмолчини талаб истакларини қондириш пайида бўлади ва ишлаб чиқариш корхоналари ва ресурс таъминотлари ўзига керакли хулоса чиқаради. Нарх ва фойда таъсирида истеъмолчи талабидаги ўзгаришлар баъзи саноатларни кенгайи-шига ва бошқаларини қаиқаришига олиб келади. Бундай мослашув ресурслар бозорига йўналтирилади. Кенгайиб бораётган саноатлар кўпроқ ресурсларни жалб этиши ва қисқариб бораётган саноатлар ўз фаолият кўрсатиш кўлам-ларини қисқартириши билан ресурс нархларидаги юзага келган ўзгаришлар (мисол учун, ойлик маошлари) ва дароматга йўналтирилган ресурслар қисқариб бораётган саноатдан кенгайиб бораётганига йўналтирилади. Нархлар ва фойдаларнинг йўналтирилган вазифаси бозор тизимини энг муҳим асосидир. Бундай тизимиз, баъзи бошқарув идоралари ишлаб чиқариш ва ресурсларни мавжуд саноатларга йўналтирган бўлар эди. Ҳудди шундай юзага келган таҳлил бу тизимни бошқа фундаментал ўзгаришларга, мисол учун, турли ресурслар ва технологиялардаги ўзгаришларга мослашувигаимконият беришини кўрсатади.

## Бу тизим муваффақиятга қандайэришади?

Жамият, албатта, иқтисодий юксалишни (кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш) ва инсонларни турмуш даражаларини ошишини истайди (киши бошига кўпроқ дароматга эришилиши). Бозор тизими жамиятдаги инсонларни турмуш даражала-рини ошишини белгиловчи омилларидан ҳисобланган ҳам технологияларни такомиллашуви ҳам давлат бюджетини тўпланишига қандай эришади?

**Технологиянинг такомиллашуви.** Бозор тизими технологиянинг такомил-лашуви учун кучли туртки бўлади ва сифатсиз товарларни ўрнига яхшироқларини алмаштиришга имконият яратади. Ишлаб чиқарувчи ёки корхона рақобат-чиларни ҳисобига даромат ва иқтисодий фойдага эришадилар. Биринчи йили самарадорлик билан ишлаётган корхона кейинги бир неча йил мобайнида молиявий муаммоларга юз тутиши мумкин.

Технологиянинг такомиллашуви, шунингдек, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан бўғлиқ ҳаражатларни қисқартириш кўмаклашувчи янги усуллардан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади. Истеъмолгҳига ўзининг нарх

қисқаришини пастроқ маҳсулот нархи орқали сингдириб юбориб, корхона савдо кўламини оширади ва рақобатчи фирмалар ҳисобига иқтисодий фойдага эришади.

Бундан ташқари, бозор тизими саноат бўйлаб технологиянинг такомиллашувининг тез суръатда кенгайишини таъминлайди. Рақобатчи фирмалар тез суръат билан ривожланаётган фирмаларга тақлид қилади ёки тез орада банкротга учрашлари мумкин. Баъзи ҳолларда, натижа ижодкор таназзул бўлиб чидади: янги турдаги маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш усуллари аввалгиларини тамомила барбод қилади. Масалан: компакт дискларини савдога чиқарилиши грампластинкаларни муомаладан чиқариб юборди ёки МП3 ва бошқа турдаги рақамли техникалар СД дискларини сиқиб чиқарди.

**Капиталнинг жамғарилиши.** Кўп технологик такомилласув қўшимча капитал товарларини талаб қилади. Бозор тизими капитал товарларга талабни ошиши ҳисобига маҳсулотларни ўшандай товарларни ишлаб чиқариш учун керакли ресурслар билан таъминлайди. Яъни, бозор тизими ҳам истеъмол ҳам капитал товарларга талаб бор эканини билади. Аммо капитал товарларга бўлган талабни ким белгилайди?

Жавоб: корхона эгалари ва тадбиркорлар. Фойдали дароматга эга бўлганлигидан, улар ўша дароматни бир қисмини капитал товарлари ишлаб чиқаришга сарфлайди. Агар технологик инноватсиялар муваффақиятли бўлса, бундай йўл тутиш келажакда фойдали дароматни янада кўпайтиради. Шунингдек, ставкаларни тўлаш ёки аксияларни сотиб олиш орқали фирма ёки корхона дароматни баъзи қисмини кўпроқ капитал товарларга талабни оширишга асраб қўяди.

**“Кўринмас Қўл” назарияси. Адам Смитҳ** 1776 йилда ёзган Миллатлар Бойлиги китобида илк маротаба бозор тизимини бошқаруви шаҳсий ва ижтимоий манфаатлар орасидаги ажойиб боғлиқлик яратисгини айтиб ўтган эди. Фирмалар ва ресурс таъминотчилари ўзларининг шаҳсий эҳтиёжларини ошириб ва юқори суръатдаги рақобатдош бозор тизими доирасида ҳаракатланиб, айни пайтда, гўё “кўринмас қўл” томонидан бошқарилаётгандек, умумий ва ижтимоий манфаатларини юзага чиқарадилар. Масалан, кўриб чиқдикки, рақобат шароитида, корхоналар фойдани ошириш мақсадида янги ва талабгор маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар. Ўша ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жамият фаровонлигини оширади. Яна улар муайян турдаги товарларни ишлаб чиқаришда энг камҳарж ресурслардан фойдаланадилар чунки бунда қилиш, уларнинг шаҳсий эҳтиёжларидан келиб чиқади. Акс ҳолда, корхона банккротга юз тутиши мумкин. Аммо, айни пайтда, танқис ресурслардан энг камҳарж фойдаланиш ижтимоий манфаатлар юзасидан ҳам юзага келади. У ресурслардан жамият учун керакли бўлган маҳсулотни ишлаб чиқиш орқали уларни сарфлайдилар. Рақобатбардош бозор тизими орқали бошқариладиган ва юзага келган шаҳсий эҳтиёж жамият эҳтийжидаги ўзгаришларга тўлиқ мос келишни таъминлаб беради. Йўқотишларга чап бериб, фойдани кўзлаган корхоналар ва катта пул дароматини кўзлаётган ресурс таъминотчилар ресурсларни тақсимланишидаги ўзгаришларни келишиб оладилар ва жамиятни эҳтоёжларини қондиришга ҳаракат қиладилар. Рақобат худди шундай шаҳсий эҳтиёжни автоматик ҳолда бошқа-ради ва ўзлари хоҳламаган тарзда жамиятнинг энг мақбул манфаатларини жадаллаштирадилар. Кўринмас қўл фирмалар фойдаларини оширганда ва ресурс таъминотчилари дароматларини кўпайтирганда, бу гуруҳлар, шунигдек, жамиятни фойда ва дароматларини ҳам

оширадилар. Қуйида бозор тизимининг ушта асосий афзалликларини кўриб чиқамиз:

- **Самарадорлик.** Жамият томонидан кўп эҳтиёж сезилган товар ва хизматлар ишлаб чиқарилишда ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш керак.Бунда ўз навбатида усуллардан ҳам тартибли фойдаланишни кўзда тутади ва бу маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги ва маҳсулдор йўли ҳисобланади.
- **Рағбатлантириш.**Бозор тизими маҳорат, қаттиқ меҳнат ва ташаббускорликни рағбатлантиради. Ишдаги катта тажриба ва сай-ҳаракат кўпроқ товар ишлаб чиқаришга ва кўпроқ даромат олишга ёрдам беради. Пировард натижада, бу инсонларни турмуш даражасини тубдан яхшилашга ёрдам беради. Шунга ўхшаш тарзда, тадбиркорларни таваккаллардан қўрқмаслиги юқори даражадаги фойдали дароматни қўлга киритишга ёрдам беради. Мувоффақиятли инноватсиялар иқдисодий рағбатни жадаллаштиради.
- **Еркинлик.** Бозор тизимининг энг катта ноиқтисодий мулоҳазаси шаҳсий эркинликка кўп эътибор беришдир. Марказий режалаштиришдан фарқли ўларок, бозор тизими иқтисодий фаолиятни ҳеч қандай зўрлашларсиз мувофиқлаштиради. Бозор тизими, дарҳақиқат, буни танлов ва корхонанинг эркинлигини кучайишини таъминлайди. Корхоналар ва ишчилар бозор тизими тақдим этаётган мукофот ва жазоларга тайёр туради.[39]

### 1.6.4. Бозор инфратузилмаси ва унинг унсурлари

Бозор инфратузилмаси – бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишга хизмат кўрсатувчи муассасалар тизимидир. Унга омбор хўжалиги, транспорт, алоқа хизматлари кўрсатувчи корхоналар, товар ва хизматлар муомаласига хизмат қилувчи муассасалар (биржалар, аукционлар, савдо уйлари, савдо-сотиқ идоралари ва агентликлари кабилар), молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар (банк туридаги муассасалар, кредитлаш идоралари, суғурта ва молия компаниялари, солиқ идоралари) ва ижтимоий соҳага хизмат кўрсатувчи муассасалар (уй-жой ва коммунал хизмат идоралари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари) киради. Ахборот хизмати идоралари ҳам бозор инфратузилмасининг алоҳида бўғинини ташкил қилиб, уларга маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи компания ва фирмалар киради.

Бозор инфратузилмасининг бу барча унсурлари ишлаб чиқарувчиларнинг савдо-сотиқ, молия-кредит ишларига, шерик топишига, иш кучини ёллашига кўмак-лашади, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчи тадбирларини амалга оширади, ишлаб чиқарувчилар ўртасида алоқа ўрнатишга ёрдам беради. Уларнинг бир қисми давлат мулкчилигида фаолият кўрсатса, бошқалари мустақил муассаса ва уюшмалардан иборат бўлиб, кўрсатган хизматлари учун ҳақ олади.

Бозор инфратузилмасида товар (хизмат)лар муомаласига хизмат кўрсатувчи муассасалар муҳим ўрин тутиши сабабли уларнинг асосийларининг қисқача тавсифини берамиз.

Биржа – намуна (ёки стандарт)лар асосида оммавий товарларнинг мунтазам савдо-сотиқ ишларини ўтказувчи тижорат муассасаларидир**.** Товар биржаларидан фарқ қилиб, фонд биржасида қимматли қоғозлар ва чет эл валюталарининг олди-

---

[39] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar,muammolar va siyosat. O'n ettinchi Nashr. 46 - 48 b.

сотдиси амалга ошса, меҳнат биржаси ишчи кучи эгаси билан уни ёлловчи корхона ўртасида туриб, унга бўлган талаб ва таклифни бир-бирига боғлайди.

Биржанинг барча шаклларида келишувнинг ўзига хос белгиси товар, аксия ва валюта курсларига, нархнинг тебраниб туришига чайқов йўли билан таъсир қилишдир.

Биржада унинг қатнашчилари айирбошлаш тўғрисида битим тузади, лекин товарни этказиб бериш ва унинг ҳақини тўлаш биржадан ташқарида юз беради. Бунда товар эгаси ва харидорлар қатнашиши шарт эмас. Улар номидан ишни брокер (даллол)лар юритади. Брокер (маклер)лар – бу товар, фонд ва валюта биржаларида олди-сотди битимларини тузишда воситачилик қиладиган шахс ёки махсус фирма. Улар одатда мижозлар топшириғига кўра ва унинг ҳисобига иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши ҳам мумкин.

Биржалар ихтисослашган ёки универсал бўлиши мумкин. Ихтисослашган биржаларда айрим турдаги ёки бир гуруҳ товарлар, универсал биржаларда ҳар хил товарлар сотилади.

Аукционлар – алоҳида хусусиятларга эга бўлган товарларни сотиш учун муайян жойларда ташкил қилинган махсус ким ошди савдо муассасаси. Аукционда савдо товарларнинг нисбатан чекланган рўйхати бўйича, оммавий сотувга қўйиш йўли билан ўтказилади. Аукцион эълон қилинган вақтда ва маълум даврда ўтказилади. Бунда товарларнинг бозорга келиб тушиш мавсуми ва ҳажми ҳисобга олинади. Аукцион савдосида намуна товарлар рўйхатда кўрсатилган тартибда савдога қўйилади, харидорлар орасида энг юқори нархни таклиф қилган киши товарни сотиб олади.

Аукционларда санъат асарлари, ноёб буюмлар, коллексиялар ҳам сотилиши мумкин. Савдо ярмаркалари маълум вақтда ўтказилиб, бу эрда товарлар улгуржи равишда олди-сотди қилинади. Товар савдоси унинг эгаси билан савдо фирмаси ўртасида юз бериб, унда бевосита истеъмолчи қатнашмайди.

Савдо уйлари – савдо муассасасининг махсус тури. У ихтисослашган ёки универсал бўлиши мумкин. Ихтисослашган савдо уйи айрим товарлар билан (кийим-кечак, оёқ кийим, газлама ва ҳ.к.), универсал савдо уйи ҳар хил товарлар билан савдо қилади.

Кўп тармоқли ташқи савдо фирмалари ҳам савдо уйи деб аталади. Улар ўз номидан ва кўпинча ўзлари ҳисобидан экспорт-импорт ҳамда бошқа савдо алоқаларини олиб боради. Ташқи савдо уйлари савдо корхоналарини сотиб олиш, жиҳоз ва ускуналарни ижарага топшириш, кредитлар бериш, суғурта хизмати кўрсатиш билан молия ва ишлаб чиқариш хизматида ҳам қатнашади.

Савдо уйлари таркибида савдо фирмалари муҳим ўрин тутади. Улар тижорат ишини юритувчи ва ихтисослашган савдо-сотиқ корхоналаридир. Фирмалар мустақил ёки йирик саноат корпоратсиялари таркибида иш юритиб, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланадиган турларга бўлинади. Айрим фирмалар ҳар иккала савдо тури билан ҳам шуғулланади.

Улгуржи савдо фирмалари – улгуржи ҳолда (катта партияларда) товарларни ўз мулкига сотиб олиб, истеъмолчиларга сотувчи савдо ташкилотлари.

Чакана савдо фирмалари – товарларни сўнгги истеъмолчиларга сотувчи савдо муассасалари. Улар мустақил дўконлар, махсус дўконлар ва супермаркетлардан иборат бўлади.

Супермаркет – бу харидорнинг ўзига-ўзи хизмат кўрсатишига асосланган кенг тармоқли савдо корхонаси. У товарларнинг деярли ҳамма турлари билан савдо

қилади. Супермаркет харидорларга бепул маслаҳатлар беради, товарларни буюртма бўйича харидор уйига этказади, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатади.

Инфратузилма тизимида молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи муассасалар алоҳида ўринга эга. Улар молия бозори, унинг асоси бўлган капитал бозорини шакллантиради ва амал қилиш тартиб-қоидаларини ўрнатади. Молиявий муассасалардан кўпчилиги ўзига хос белгиларга эга бўлсада, уларнинг барчаси битта умумий белгига эга. Улар ўзларининг мажбуриятларини билдиради, яъни маблағлари ортиқча бўлган субъектлардан пул қарз олади ва ўз номидан маблағлари этишмаган субъектларга пул қарз беради.

Бозор инфратузилмасининг банклар, суғурта компаниялари, солиқ ва божхона идоралари каби муассасалари молия-кредит муносабатларида алоҳида ўзига хос ўринга эга.

Бозор иқтисодиёти субъектларини молиявий ахборотлар билан таъминлаш бозор инфратузилмасининг ахборот хизмати идоралари, шу жумладан аудиторлик фирмалари зиммасига тушади. Аудитор фирмалар – корхона, фирма, компаниялар молиявий хўжалик фаолиятини текшириб борувчи, улар ҳисоботини экспертизадан ўтказувчи идора. Улар одатда аксионер жамият ёки кооператив шаклда фаолият кўрсатади ва тўлиқ мустақилликга эга бўлади. Аудитор фирмалар ўз ишини ҳар бир мамлакатда ёки халқаро миқёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш қоидаларига биноан олиб боради. Аудитор фирма ишида қатнашувчи тафтишчилар аудиторлар деб аталади.

Шундай қилиб, бозор инфратузилмаси ва унинг қараб чиқилган унсурлари барча бозор турларининг фаолият кўрсатиши, ҳамда давлатлараро иқтисодий муносабатларни тартибга солишни таъминлайди.

## 6-Мавзу: Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши

### Амалий машғулот

### 1. Юқорида келтирилган асосий тушунчаларга қуйидаги жавоблардан тўғрисини танланг:

а) Мамлакатнинг иқтисодий секторида ишлаб чиқариш омилларига мулкчиликнинг бирон-бир шакли, тартибга солиш механизмига мувофиқ вужудга келган иқтисодий муносабатлар, хўжалик юритиш шакли.

б) Фаолият учун асос қилиб олинадиган қонун – қоида, нуқтаи назар, қарашлар.

д) Кишининг ҳаёт кечириши, хўжалик юритиш принсипида ўрнатилган ёки жорий қилинадиган тартиб.

е) Турли мулк шакллари ва ҳар хил хўжалик турлари яхлит-лигидан ташкил топган иқтисодиёт.

ф) Иқтисодиётда ўтказилган, амалга оширилган туб ўзгар-тиришлар.

г) Қарашлар, фикр юритиш, дунёни англаш усули.

ҳ) Марказий режалаштириладиган маъмурий-буйруқбозликкаасосланган тоталитар иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонун - қоидалари ва унинг Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятларига оид илмий қарашлар мажмуи.

и) Маъмурий буйруқбозлик тизими ўрнига бозор иқтисодиётига хос механизмни шакллантириш учун зарур вақт ёки постсотсиализм, посткоммунизмнинг бозор иқтисодиётига трансформатсияси даври.

### 2. Масала ва машқлар

Қуйидагиларни ўқинг, диққат қилинг: бу ўзгаришлар иқтисодий ислоҳотларнинг қайси соҳаларига хос.

1) Маҳалладаги сартарошхона, дўконча, поябзал тузатиш устахонаси хусусийлаштирилди.

2) Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг тизими ва вазифалари ўзгартирилди.

3) Кийим - кечакларга қатъий нарх белгилаш бекор қилинди.

4) Йилни зарар билан якунлаган «Беш булоқ» ширкати асосида фермер хўжаликлари ташкил этилди.

5) Республикамизда 1995 йилга келиб, шахсий томорқа учун ажратилган эр 700 минг гектарга этди.

6) Республика товар-хомашё биржаси ташкил этилди.

7) Хомашё нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди.

8) Тошкент тўқимачилик комбинати аксионерлик жамиятига айлантирилди.

9) Республика фонд биржаси ташкил этилди.

10) Уй-жой фонди хусусийлаштирилди.

11) Божхона тизими ишга туширилди.

12) Рухсатнома асосида четга чиқариладиган маҳсулот турлари 1994-йилнинг ўзидаёқ 74 тадан 11 тагакамайтирилди.

13) Иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча марта оширилди.

14) 2000-йили Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди.

15) Республикамизда нон ва нон маҳсулотларига дотатсиялар сақлаб қолинди.

16) Валюта биржаси ташкил этилди.

17) Ўзбекистон 1994-йили Тарифлар ва савдо Бош Битими (ГАТТ)да[40] кузатув-чи мақомини олди.

18) Аёлларга 54 ёшдан пенсияга чиқиш жорий қилинди.

19) Республика кўчмас мулк биржаси ташкил этилди.

### 3. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Тушунчалар ичида гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқланг ва уни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

Тушунчалар: Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат— бош ислоҳотчи, қонунларнинг устуворлиги, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, хўжалик юритувчи субъектларни зарур ахборот билан таъминлаш, бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш.

### 4.Қуйидагибилдирилганфикрлартўғри (Т) ёкинотўғри (Н)лигинианиқланг (Т/Н)[41]

1. Бозориқтисодиётигаўтишнингклассикмоделинингўзи 3 гуруҳгабўлиниб, унингмезонлариқилиб:

а) давлат дастурларининг мақсади;

б) иқтисодиётни тартибга солиш усуллари;

д) иқтисодиётда давлат секторининг улуши;

е) иш ҳақидаги фарқлар олинган.

---

[40] Ҳозирда Халқаро савдо ташкилоти

[41]Кейинги машқлардаТ/Н.

2. Сотсиал бозор иқтисодиёти модели гуруҳига кирувчи мамлакатларнинг мулкда давлат улуши нисбатан пастлиги, жамият табақаланишининг кучайиши билан фарқланади.

3. Аралаш ёки эркин бозор иқтисодиёти модели давлат тадбиркорликни ривожлан-тиришга алоҳида аҳамият бериши; иқтисо-диётда давлат мулки ҳиссасининг камлиги; иш ҳақидаги фарқ катталиги ва аҳоли табақаланиши кучлилиги билан ажралиб туради.

4. Корпоратив иқтисодиёт модели давлатнинг йирик бизнес манфаатини ҳимоя қилиши, асосий устувор тармоқларни аниқлаб, уларнинг ривожланишига ёрдам бериши, давлат мулки ҳиссаси пастлиги, иш ҳақидаги фарқ катта эмаслиги билан характерланади.

5. Иқтисодчилар бозор иқтисодиётига ўтишни тарихий нуқтаи назардан икки гуруҳга бўладилар:

1) Ғарбий эвропа ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўли;

2) Собиқ сотсиалистик мамлакатлар йўли;

6. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Жанубий Корея модели бошқа моделлардан давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчи таъсири ниҳоятда кучлилиги билан ажралиб туради.

7. Хитой модели иқтисодий ислоҳотларни қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан бошла-ниши билан характерланади.

8. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели ҳам бир томондан, бозор иқтисодиёти моделларининг умумий жиҳатларига асосланади, шу билан бирга бошқа мамлакатлардан фарққилувчи ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

9. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда бошқа мамлакатлар йўлидан борилди.

10. Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичидаги амалга оширилиши лозим бўлган биринчи ва эҳтимолки, асосий вазифа давлат мулкини хусусийлаштириш йўлида бошланган ишни охирига етказишдир.

**1.7-Мавзу: Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари**
**Режа:**

**1.7.1. Ўтиш даврининг мазмуни. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари**
**1.7.2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари**
**1.7.3. Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва унинг асосий йўналишлари**
**1.7.4. Ўзбекистонда миллий тараққиёт босқичларининг мазмуни, вазифалари ва аҳамияти**
**1.7.5. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизатсиялашнинг моҳияти, тамойиллари ва асосий йўналишлари**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар**: Бозор иқтисодиётига ўтиш, революсион йўл, эволюсион йўл, институтсионал ўзгаришлар, таркибий ўзгаришлар, макроиқтисодий, қонунчилик, маълум турдаги солиқлар,Турғунликни таъминлаш, ишсизлик, инфлятсия.

**1.7.1.Ўтиш даврининг мазмуни. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг умумий мазмуни иқтисодий муносабатларнинг алоҳида унсурларини ислоҳ қилиш ёки иқтисодий сиёсатга тузатишлар киритиш эмас, балки бутун иқтисодий муносабатлар тизимини ўзгартиришдан иборатдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври-маъмурий-буйруқбозлик тизимини бартараф этиш ёки тубдан ўзгартириш ҳамда бозор тизимининг асосларини шакллантириш жараёнлари амалга оширилувчи тарихий даврдир.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиётига **революсион йўл** билан, яъни жадал усулда ёки э**волюсион йўл** билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Биринчи ҳолда, туб ислоҳотларни ўтказиш, аввалги тизимни ва таркиб топган иқтисодий муносабатларни бирданига ва батамом синдириш талаб этилиб, «карахт қилиб даволаш» усули («шоковая терапия») деб аталади. Эски иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич янги бозор муносабатларига айлантира бориб, самарали бозор иқтисодиётини шикастсиз вужудга келтириш мумкин. Ислоҳотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, эволюсион йўл камроқ ижтимоий ларзаларга олиб келади, анча изчил ва муқаррардир.

Ўтиш даврида бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1.Иқтисодиётни эркинлаштириш. Эркинлаштириш - бу хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимидан иборат. **У бутун иқтисодиётга татбиқ этилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- хўжалик фаолиятини амалга оширишда давлат монополиясини бекор қилиш;
- ресурсларнинг марказлашган ҳолдаги тақсимотини тугатиш;

- нархларнинг асосан, талаб ва таклиф нисбати асосида шакллантирилишига ўтиш;

- ички ва ташқи бозорларда трансаксион битимлар устидан давлат назоратини пасайтириш.

2.Иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини яратиш.

Бу йўналиш қуйидаги жараёнларнинг амалга оширилишини тақозо этади:

- барча иқтисодий агентларнинг иш фаоллиги учун тенг имконият ва шароитлар яратилиши;

- бозорга хорижий рақобатчиларнинг ҳам кириши учун имкон берилиши;

- кичик бизнеснинг ривожланишига ҳалақит берувчи маъмурий тўсиқларни олиб
ташлаш, имтиёзли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш ва тармоққа киришидаги тўсиқларни пасайтириш;

- табиий монополияларнинг нарх ва маҳсулот сотиш сиёсатини тартибга солиш ва бошқалар.

**3. Институтсионал ўзгаришлар.** Мазкур ўзгаришлар қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

- мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, жумладан, хусусий секторни яратиш;

- бозор инфратузилмасини (тижорат банклари, товар ва фонд биржалари, инвеститсия фондлари ва ҳ.к.) шакллантириш;

- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг янги тизимини яратиш;

- бозор шароитларига мос тушувчи хўжалик қонунчилигини қабул қилиш ва бошқалар.

**4. Таркибий ўзгаришлар.** Таркибий ўзгаришлар биринчи навбатда иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари таркибида олдинги тизимдан қолган номутаносибликларни юмшатиш ёки бартараф этишга йўналтирилган. Иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуришдан асосий мақсад - ички ва ташқи бозорларда тўловга қодир талабга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ривожлантиришдан иборат.

**5. Макроиқтисодий, асосан, молиявий барқарорлаштириш.** Аслини олганда бу жараён тизимий ислоҳотлар қаторига кирмайди, чунки у бозор иқтисодиёти барқарор амал қилаётган мамлакатларда ҳам тез-тез ўтказилиб туради. Бу йўналишнинг муҳим аҳамияти шундан келиб чиқадики, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг инқирози энг аввало ва кучли равишда молиявий соҳада, айниқса юқори инфлясия шаклида намоён бўлади. Инфлясиянинг узоқ вақт мавжуд бўлиши бозор муносабатларининг меъёрда қарор топишига тўсқинлик қилади, шунинг учун уни бартараф этиш ўтиш даври иқтисодиёти учун ўта муҳим ҳисобланади. Макроиқтисодий барқарорлаштириш чора-тадбирлари тизимига пул эмиссиясини чеклаш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш, ижобий фоиз ставкасини таъминлаш ва бошқалар киради.

**6. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бозор хўжалигига мос бўлган тизимини шакллантириш.** Бу тизим аҳолининг нисбатан муҳтож қатламини аниқ ижтимоий қўллаб- қувватлашга ўтишга йўналтирилган.

Бозор тизимининг кўрсатиб ўтилган асосий унсурлари шаклланишининг якунига етиши ўтиш даври тугаганлигидан дарак беради.

Давлат Сестори: Ҳукуматнинг Роли

Федерал, давлат ва маҳаллий ҳукумат каби ***давлат секторининг*** иқтисодий фаолиятлари жуда кенг кўламлидир. Биз ҳукуматларнинг иқтисодий вазифаларини муҳокама қилишдан бошлаймиз. Иқтисодиётда ҳукуматнинг роли қандай?

Қонуний таркибнинг таъминланиши

Ҳукумат бозор иқтисодиётинг самарали бошқарилувидаги керакли бўлган хизматларни ва қонуний тизимни таъминлаб беради. Қонуний тизим бизнес корхоналарига ҳуқуқий мақом беради, хусусий мулкдорлик ҳуқуқларни таъмуинлайди ва шартномалар тузади ҳамда уларнинг амал қилишини назорат қилади. Ҳукумат, шунингдек, бизнеслар,
ресурс таклиф этувчилари ва истеъмолчилар орасидаги муносабатларни назорат қилиб борувчи ҳуқуқий "тизим қонунлар"ини ўрнатади. Ҳукуматнинг ноқонуний бирликлари иқтисодий муносабатларини тугатади ва жаримага тортилади.

Ҳукумат ишларига аралашув ресурсларни тақсимланишига имконият беради. Айирбошлаш воситасини таънимлаш, маҳсулотсифатиниошириш,егаликҳуқуқларини белгилаш ва шартномаларни кучга киритиш орқали ҳукумат айирбошлаш хавфсизлиги ва кўламини оширади. Бу эса бозорни кенгайтиради ва мулк ҳамда инсон ресурсларида фойдаланишдаги кўпроқ мувофиқлашувига имконият беради. Бундай мувофиқлашув ўз навбатида, ресурслардан самаралироқ фойдаланишга ёрдам беради.

Ҳар қандай "маҳсулот"нинг оптимал миқдорига ўхшаб, бошқаривнинг ҳам оптимал миқдори маржинал даромад ва маржинал харажат тенглашадиган даражага келтирилади. Шундай қилиб, бошқарув ҳаддан ошиб кетади ёки аксинча, жуда сусайиб кеади. Бундан кўзланадиган вазифа тўғри миқдорни топишдир.

**Рақобатни қўллаб-қувватлаш** Рақобат бозот тизимини йўлга қўювчи асосий механизм ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарувчилар ва ресурс таклиф этувчиларни истеъмолчи эркинлигини таъминлаш йўлидаги катта кучдир. Рақобат шароитида, харидорлан катта устунликларга эга, бозор уларнинг фойдасига ишлайди ва ишлаб чиқарувчилар уларнинг йўриғича юришга мажбур.

Агар саноатни **монополия** бошқарадиган бўлса, воқеа бошқача тус олади. Таклифни назорат қилиб билан, монополиячи юқоридан кўра баландроқ нархларни жорий этиши мумкин. ишлаб чиқарувчи эркинлиги истеъмолчи эркинлигидан устунлик қилади. АҚШда ҳукумати монополияга қарши курашиш ва идора қилиш орқали монополияни назорат қилиб боради. Бир неча тармоқлар табиий монополиячи- тармоқлар ҳисобланиб, унда технологиядан шундай фойдаланиладики якка тартибдаги сотувчигина энг кам харажатларга эришиши мумкин.

Баъзи ҳолларда, ҳукумат бундай монополияларга йўл қўйиб беради, аммо сунинг билан биргаликда уларнинг нархларини ва хизмат кўрсатиш меъёрларини назорат қилиб турувчи давлат коммисияларини ташкил этади. Тартибга солинган монополияга мисол қилиб, маҳаллий электр тармоғи корхоналари, телеграф ва транспорт тизими хизматларини олиш мумкин.

Деярли барча бозорларда, шунга қарамай, маҳсулдор ишлаб чиқаришга юқори даражадаги рақобат орқали эришиш мумкин. Федерал ҳукумат, шуниг учун, монополияга қарши курашувчи қонунлар ишлаб чиққанлар. Ўшандай қонунлардан бири 1890 йилда қабул қилинган Шерман Астидир, унга кўра маълум турдаги монополиявий суистеъмол қилишни таъқиқлайди ва монополиячиларни рақобатдош майдай гуруҳларга бўлиб ташлайди. Шундай қонунларга кўра, мисол учун, 2000 йилда Мисрософт фирмаси шахсий компютерлар учун тизимларни бошқарувчи бозорни монополиялаштиргани учун айбдор деб топилган эди. Лекин,

Мисрософт компаниясини тарқатиб юборишдан кўра уни рақобатчиликдан холи фаолият юритишини таъминловчи чекловлар ва қарорлаб ишлаб чиқишни маъқул деб топди.

**Даромаднинг қайта тақсимланиши** Бозор тизими ўзига хос хусусиятга эга эмас ва даромадни жамиятни хоҳиш- истагидан кўра кўпроқ тақсимлаб юбориши мумкин. У кишининг меҳнати кўпроқ фойда келтираётган бўлса, ўшаларга ён босиши мумкин. Худди шундай тарзда, оғир меҳнат ёки мерослари орқали ер ва капитал даромадга эга болганлар кўп микдордаги мулкдан даромадларини олишлари мумкин.

Лекин, жамиятнинг бошқа аъзолари самарадорлик қобилиятларига эга эмасликлари боис кам таълим олади ва ҳеч қандай мулк ресурсларини тўплаб ёки мерос қилиб ололмайди. Бунинг устига, кўп қариялар, жисмоний ва ақлий заифлар ҳамда олий ўқув юртларини тугатлмаганлар ишсизлар ёки умуман таълим олмаганлар каби камроқ даромад ишлаб топадилар. Шундай қилиб, жамиятнинг ўзи умумий даромаднинг бир қисмини турли хилдаги ҳукумат сиёсатлари ва дастурлари орқали қайта тақсимлашни танлайдилар.

Уларга:

- ***Ижтимоий тўловлар ва озиқ-овқат талонлари*** шаклидаги бериладиган тўловлар жамиятнинг кам таъминланган, ишга яроқсиз ва қарияларга нафақалар беришда ёрдам бўлади.
- ***Бозор интервенсияси*** ҳукумат шунигдек бозор аралашуви орқали даромад тақсимланишини ўзгартириб турган, яъни бозор кучлари томонидан ўрнатилган ёки ўрнатилиши мумкин бўлган нархларни ўзгартириб туради. Фермерларга маҳсулот ишлаб чиқариш учун бозор нархидан юқори нархларни белгилаб қўйиш ва фирмалар ишчиларга энг кам ойликлар тўласа, бу ҳукумат аралашувининг маълум гуруҳларнинг даромадларини кўтариш учун мўлжалланган ҳаракатлардир.

***Солиққа тортиш*** 1930 йиллардан бери, ҳукумат шахсий даромад солиқларини жамиятнинг кам таъминланган қатламидан кўра бой қатламидан кўпроқ ола бошлаган, бу ҳол юқори даромадли ҳамда паст даромадли кишилар ўртасидаги солиқдан кейинги даромад фарқини қисқартиришга ёрдам берган.

Ҳукуматни қандай қилиб даромадини қайтадан тақсимлаш қизғин муҳокамага сабаб бўладиган саволдир. Даромадларни қайтадан тақсимлаш ўз ичига ҳам даромадларни, ҳам харажатларни олади. Таклиф этилаётган фойдаларни “адолатлилик” ёки “иқтисодий адолат мезони” деб аташ мумкин; таклиф этилган харажатлар ишчи бажараётган ишга, маблағларни тўлашга, инвеститсия қилишса ва ишлаб чиқаришга бериладиган рағбатнинг камайишига олиб келади ва даромад ҳамда умумий маҳсулот ишлаб чиқаришига тўсқинлик қилади.

**Ресурсларни Қайта Тақсимлаш** Рақобатдош бозор тизими (1) маълум бир товарларни нотўғри миқдорларда ишлаб чиқарса ёку (2) иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган баъзи турдаги хизматлат ва товарларларнинг ишлаб чиқарилишида фойдаланиладиган ресурсларни тақсимлай оломай қолса, ***бозор амал қилишида қийинчиликлар*** юзага келади. Бундай юзага келган қийинчиликларнинг биринчи тури ***ташқи таъсирлар-омиллар*** туфайли содир бўлади ва иккинчи тури давлат ёки ижтимоий неъматлар юзасидан келиб чиқади. Бундай бозордаги ҳар иккала қийинчиликлар ҳукумат сайи-ҳаракати билан тўғриланиши мумкин.

**Ехтерналлар (Ташқи самаралар).** Рақобатдош бозорлар автоматик тарзда ресурслардан самарали фойдаланишга олиб келади десак, ҳар бир маҳсулотнинг нархи ва фойдалари бозор талаби ва таклифининг эгри чизиғида акс этади.

Лекин вазият бундай бўлавермайди. Баъзи бозорларда маълум фойдалар ёки нархлар сотувчи ёки ҳардорни четлаб ўтиши мумкин. Қачонки маҳсулот фойда ёки

нархлари бевосита сотувчи ёки ҳардорга берилмай бошқа бор юридик шахса берилса, ташқи самаралар юзага келади. Бундай ҳолатларга ташқи самаралар дейилади, чунки улар бозор олди-сотди жараёнида иштирок этмайдиган учинчи том он ҳисобланади.

***Салбий Ташқи Омилларнинг Олдини Олиш.*** Ҳукумат ресурсларни кўп миқдорда тақсимланишини тўғри назорат қилиш учун икки усуллдан фойдаланади. Ҳар икки ечимлар ҳам ташқи харжатларни қоплашга қаратилган яъни зарар кўрган фирмаларни бошқа турдаги фирмаларга ўтиб кетишидан кўра уларни қарзларини тўлашга мажбур этади:

***Қонунчилик.*** Ҳаво ва сувни ифлосланиши борасида, энг мақбул ҳаракат ифлосланишни қонунийлаштириш ва таъқиқлаб қўйишдир. Бундай қонунийлаштириш потенсиал булғалантирувчиларни саноат чиқиндиларнини чиқаришлари учун заҳарли тутун миқдорини камайтириш ёки сувни тозалайдиган ускуналар ўрнатиш маълум миқдорда пул тўлашга мажбур этишдир. Бундан муддао атроф-муҳитни зарарловчиларни баъзи турдаги солиқларга тутиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни кўпайтиришдир.

***Маълум турдаги солиқлар.*** Кейинги ҳаракат эса солиқлар маълум турдаги харажат ҳисоблангани боис фирмани таклиф чизиғини белгилаб берувчи асосий белгиловчи восита ҳисобланган фактга асосланган.Ҳукуматфирмагамаълум турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ***муайян солиқларни*** жорий этади. Бу турдаги муайян солиқ маҳсулотни ҳар бир турини ишлаб чиқаришдан келиб чиқадиган салбий ташқи самараларни ҳисоблаб чиқилган миқдорига тенг келиб қолган бўлар эди. Шу солиг орқали, ҳукумат фирмани ўзида соқит қилаётган қўшимча харажатларга тенг бўлган миқдорни қайтариб тўлашга мажбур қилган бўлар эди. Бу фирмадан ўртача маҳсулот миқдорини ишлаб чиқариб, ресурсларни кўп миқдорда тақсимлашдан воз кечиб, унинг таклиф чизиғини чап томонга силжишига мажбур этади.

***Ижобий Ташқи Самаралар.*** Баъзан ташқи самаралар бошқа истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар даромади кўринишида намоён бўлади. Учинчи томонда тўпланиб қоладиган бу компенсатсия қилинмайдиган харажатлар ижобий ташқи омиллар дейилади. Қизамиқ ёки фалаж касаллигига қарши эмланган одамлар бу вакциналарни натижаларидан бевосита наф оладилар. Лекин бу билан улар жамиятга ҳам кенг даражадаги наф келтиради.

Таълим эса ижобий ташқи самараларни бирига мисол бўла олади. Таълим якка турдаги истеъмолчиларга фойда келтиради: яхши таълим олган одамлар таълим олмаганлардан кўра кўпроқ даромадларга эга бўлади. Лекин таълим, шунингдек, бир томондан кўп томонлама самаралироқ ишчи кучи сифатида фойда келтирса, бошқа томондан, жиноятни олдини олиш, қонунларни қабул

**Турғунликни таъминлаш.** Иқтисодиётни ишлаб чиқариш салоҳияти унинг умумий сарфи миқдорини ишлаб чиқариш имкониятига нисбатига боғлиқдир. Қачонки, умумий харажат миқдори иқтисодиётни ишлаб чиқариш имкониятига мос келса, меҳнат ва мулк ресурсларидан тўлиқ фойдаланилаётган бўлади ва нархлар, умуман олганда, турғун бўлади. Лекин баъзан, умумий сарф ёки етарли бўлмайди, ёки ортиб кетади ва натижа ишсизлик ёки инфлятсияга олиб келади. Ҳукумат бу икки турғунлик муаммосига қуйидагича ёндашади:

**Ишсизлик.** Давлат секторининг сарфи жуда кам бўлса, умумий сарф, ҳам давлат ҳам ҳусусий шаклада, тўлиқ иш билан таъминлаш даражасига эришгунга қадар ҳукумат уни катталашишини хоҳлайди. У бу ишни давлат сарфини кўтариш ёки хусусий сарфни рағбатлантириш учун солиқларни пасайтиради. Шунингдек, давлат марказий банки фоизли ставкаларни пасайтириш учун ҳаракат қилади ва бу

билан хусусий сарф ва қарзларни пасайтиради.

**Инфлятсия.** Инфлятсия нархлар даражасидаги умумий кўтарилишдир. Товар ва хизмат нархлари истеъмолчилар иқтисодиётни ишлаб чиқариш имкониятидан кўра товарларни сотиб олишга уринганда кўтарилиб кетади. Қачонки умумий сарф ошиб кетса, ҳукумат ўз харажатларини қисқартириш ёки солиқлардан хусусий сарфни чеклаш учун кўрсатиш орқали умумий сарфни камайтиришга ҳаракат қилади. мамлакатнинг марказий банки ҳам хусусий сарф ва қарзларни қисқартириш мақсадида фоизли ставкаларни оширишга ҳаракат қилиши мумкин.

Ҳукуматнинг Роли: Малака

Ҳукуматга юқорида назарда тутилган иқтисодий вазифаларни бажариши осон иш эмас. Демократия шароитида ҳукумат ўз иқтисодий ролини сиёсат доирасида белгилайди. Одамларга хизмат кўрсатиш учун сиёсатчилар сайланиши керак бўлади. Ўз хизмат фаолиятларида доимий қолиш мадсадида мутассади кишилар, бошқарув тизимидаги раҳбарлар ва ҳокимлар ўзларининг муайян вазифаларини бажаришларига тўғри келади. Энг яхши ҳолатда сиёсий вазиятлар иқтисодиётда ҳукуматни ролини мураккаблаштиради; энг ёмон ҳолатда, улар нокерак иқтисодий маҳсулотлар ишлаб чиқарадилар.

Сиёсий жиҳатдан қараганда, ресурсларни кам тақсимланиши баъзи ҳолатларда рўй бериши мумкин; баъзан эса нотўғри тартибга солиниш ҳолатлари рўй беради. Даромад ишлаш учун рағбатлантирилиш, пулни тежаб қолиш ва бошқа мақсадларда қайта тақсимланиши мумкин. Баъзи давлат ва квазиижтимоий товарлар уларнинг фойдалари харажатларидан ошиб кетганидан эмас, балки уларнинг фойдалари кудратли сайланган мутассадилари хизмат қиладиган штатларда жойлашган фирмаларга тўпланади. Самарасизлик ҳукумат фаолиятларига ҳам кириб бориши мумкин чунки харажатларни паст даражада ушлаб туриш учун фойдага ундовчи рағбат етарли бўлмай қолади. Салбий ташқи омиллар сиёсати камоматларни юзага келтираётган айни ўша партиялар томонидан сиёсий жиҳатдан тўсиб қўйилиши мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ҳукуматнинг иқтисодий роли чарги иқтисодиётнинг яхши ишлаши учун муҳим бўлсада, у одатда амалгам оширилмайди.

**Ҳукумат Пул Маблағлари** АҚШнинг давлат сектори қандай даражада катта? Федерал, давлат ва маҳаллий ҳукуматнинг асосий сарф котегориялари нималардан иборат? Бу сарф-харажатлар қандай молиялаштирилади?

Ҳукумат Харидлари Ва Ўтказмалари

Биз ҳукуматнинг иқтисодий роли ҳақида тасаввурга ҳукуматнинг товар ва хизматлардан фойдаланиши ва ҳукумат ўтказмалари тўловлари орқали эга бўламиз. Бу икки турдаги харажатлар орасида фарқ бор:

- **Ҳукумат харидлари** тўла-тўкисдир; бевосита харид этилган товарлар ресурслар ва мамлакат ичидаги озиқ-овқат ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланишни тақозо этади. Масалан, ҳарбий ракеталарни харид қилиниши муҳандислар ва физикларни ва пўлат, портловчимоддаларвашукабилардан фойдаланишни талаб қилади.
- **Ўтказма тўловлар** тўла-тўкис эмасдир; улар рерурсларни тўғридан тўғри талаб этмайди. Ижтимоий Ҳимоя фойдалари, ижтимоий таклиф тўловлари, уруш ветеранлар таклифлари ва ишсизликка тўланадиган тўловлар ўтказма тўловларга мисол бўла олади. Уларнинг асосий характеристикаси шундан иборатки, улар уларни қабул қилувчилар бу турдаги таклифлардан фойдаланишлари эвазига ҳеч қандай бадал тўламайди.
- **Давлат ва Маҳаллий Маблағлар** Давлат ва маҳаллий маблағлар Федерал

ҳукуматга қараганда турли миқдордаги фойда ва сарф-харажатларга эгадир.

Давлат Маблағлари

Давлат ҳукуматлари учун солиқ фойдаларининг бирламчи манбаи савдолар ва аксизлар ҳисобланиб, уларнинг солиққа тортишдан келадиган фойдаларининг тахминан 48 фоизини ташкил этади. Давлат шахсий даромад солиқлари Федерал даромад солиғига қараганда анча пастроқ ставкаларга эга бўлган давлат солиқ фойдаларини иккинчи асосий манбаи ҳисобланади. Улар умумий солиқ даромадларининг тахминан 34 фоизини олиб киради. Корпоратсия даромад солиқлари ва литсензия тўловлари давлат солиқ даромадларини қолганини катта қисмига тўғри келади.

Барча давлат сарфининг тахминан 35 фоизи таълим соҳасига тўланадиган солиқлар ҳисобига тўғри келади. Ижтимоий фаровонликка сарфланадиган давлат сарфи- харажатлари умумий давлат солиқларини 28 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари давлат соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам 7 фоиз, йўл қурилиши ва таъмирлашига 7 фоиз фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш учун 4 фоиз харажатларни сарф этади. Бундан қолган 19 фоиз солиқ даромади бошқа мақсадларга тўналтирилади.

Бу солиқлар ва харажатлар фоизлари ҳамма штатларда олинган маълумотларни умумийлаштиради, шунинг учун, улар алоҳида олинган штатни маблағлари ҳақида кўп маълумот бера олмайди. Штатлар солиқларга тортиш юзасидан сезиларли даражада фарқланади. Шундай қилиб, гарчи шахсий даромад солиқлари барча жамлаган штатлар учун фойданинг асосий манбаи бўлсада, еттита штатлар шахсий даромад солиғига тортилмайди. Шунингдек, штатлар орасида солинадиган солиқ даражаларида ҳам катта фарқ бордир.

39 та штатлар давлат томонидан бошқариладиган лотереялардан келадиган фойдаларини солиқ олувчи ва сарфловчилар орасидаги бўшлиқни тўлдириш учун кўтариб юборади. Алоҳида штатлар ҳам федерал ҳукуматдан катта миқдордаги ҳукуматлараро грантларни қабул қиладилар. Дарҳақиқат, уларнинг умумий даромадларининг тахминан 28 фоизи ўша шаклдадир. Шунингдек, штатлар соммунал ишлаб чиқариш муассасалари ва ичкиликлар дўконлари каби манбаалардан ҳам турли даражадаги даромадларни олиб туради.

Маҳаллий Маблағлар

Ҳукуматнинг маҳаллий даражаларига округлар, мунитсипалитетлар, туманлар, мактаблар жойлашган округлар, шунигдек, шаҳарлар ва шаҳарчалар киради. Маҳаллий ҳукумат органлари мулк солиқларидан келадиган солиқларнинг 73 фоизини қабул қилади. Савдолар ва аксизлар барча маҳаллий ҳукумат солиқ даромадларини 17 фоизини ташкил этади.

Маҳаллий ҳукумат харажатларнининг тахминан 44 фоизи таълим соҳасига йўналтирилади. Фаровонлик, соғлиқни сақлаш ва шифохоналар (12%); жамоат ҳавфсизлиги (11%); уй-иморатлари, парклар ва канализатсиялар (8%); ва кўча ва йўларни қуриш ва таъмирлаш учун (5%) сарфлар ҳам асосий сарф-харажатларнинг таркибий қисмидандир.

Маҳаллий ҳукуматнинг солиқлари улар сарф-харажатларининг яримидан кўра камроғини қоплайди. Бошқа даромадлар Федерал ва давлат ҳукуматлари қўл остидаги ҳукуматлараро грантлардан келиб тушади. Шунингдек, маҳаллий ҳукумат сув, электр, табиий газ ва транспорт тизими каби қўл остидаги тушумлардан ҳам даромадларни қўлга киритади.

1.7.2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари

«Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар. Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда»[42].

«Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизатсия модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, энг аввало, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик» , деб ёзадилар мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш йўли ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Бу йўлни амалга оширишга, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги бешта муҳим тамойил асос қилиб олинган:

- иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг устунлигини таъминлаш;
- ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши;
- бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланиши, қонунлар устуворлигининг таъминланиши;
- бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш.

Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида **бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида** қуйидаги иккита вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилганлиги таъкидланади:

- тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини энгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
- Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда
бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш .

Шу вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда ислоҳ қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари аниқлаб олинди ва амалга оширилди:

- ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний- ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш;
- маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш;
- ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

**Иккинчи босқичда** инвеститсия фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш мақсад қилиб қўйилади. Шу мақсаддан келиб чиқиб И.А.Каримов мазкур босқичда амалга оширилиши лозим бўлган

---

[42] И.Каримов. Амалга ошираётган исло^отларимизни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамияти куриш - ёруг келажагимизнинг асосий омилидир. Узбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруза. Т.: “Узбекистон”, 2013. 4-бет.

қуйидаги бир қатор вазифаларни кўрсатиб берди:

- давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига этказиш;
- ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- миллий валюта - сўмни янада мустаҳкамлаш;
- иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё этказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш[43].

1.7.3. Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва унинг асосий йўналишлари

Иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бир туридан бутунлай бошқа янги турига ўтиш, иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг асосий йўналишларини аниқлаб олишни тақозо қилади. **Иқтисодий ислоҳотлар - иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чора- тадбирлар мажмуи.**

Иқтисодий ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият кўрсатишнинг энг яхши шароитларини яратиш, уларнинг маънавий- ахлоқий этуклигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг **асосий йўналишлари** қуйидагилардан иборат:

- мулкий муносабатларни ислоҳ қилиш;
- аграр ислоҳотлар;
- молия-кредит ва нарх-наво ислоҳоти;
- бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфратузилмасини яратиш;
- ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;
- ижтимоий ислоҳотлар.

## 1.7.4. Ўзбекистонда миллий тараққиёт босқичларининг мазмуни, вазифалари ва аҳамияти

Дастлабки босқич - 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эгалиги эътироф этилди. **Бу босқичда ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ қуйидаги долзарб ва муҳим вазифалар белгиланиб, амалга оширилди:**

- эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш;

---

[43] Каримов И.А. Узбекистан буюк келажак сари. Т.: Узбекистан, 1998. 332-333-бетлар.

- сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал- хомашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзига муносиб жой эгаллаш мақсадига эришиш;

- Асосий қомус - Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимига барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этиш;

- туб маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан: марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимининг таянчлари бўлган Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот, Давлат нарх, Давлат агросаноат ва кўплаб тармоқ вазирликларини тугатиш, маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил қилиш - вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институтини жорий этиш. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи тизими - маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

- судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш;

- қисқа муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, конститут-сиявий тузумни ишончли ҳимоя қиладиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқаро террорчилик, экстремизм ва наркоагрессия каби кучайиб бораётган хавф- хатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизимини шакллантириш;

- мамлакатимизда ёқилғи-енергетика ва ғалла мустақиллигига эришишдан иборат стратегик вазифани ҳал этиш;

- бозор иқтисодиёти асосларини яратиш, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатлари механизмини ишга тушириш;

- бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш, миллий валютани муомалага киритиш;

- кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга ошириш;

- мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қуролли Кучларни шакллантириш;

- ташқи сиёсат ва дипломатик хизматни шакллантириш ва ҳ.к.

Иккинчи босқич 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олиб, у Президентимиз томонидан фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизатсия қилиш даври деб номланди. **Ушбу даврда қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор қаратилди ҳамда муҳим вазифалар амалга оширилди:**

- ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш;

- мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг икки палатали парламентга айлантирилиши;

- давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма- босқич ўтказилиши;

- суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги консепсиянинг ҳаётга татбиқ қилиниши ва ҳ.к.

### 1.7.5. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизатсиялашнинг моҳияти, тамойиллари ва асосий йўналишлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизатсиялаш жараёнининг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Шунга кўра, ҳозирда модернизатсия жараёнининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Энг аввало, модернизатсия атамасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади. Жумладан, иқтисодиётга оид аксарият луғатларда унга қуйидаги мазмундаги таъриф берилади: «Модернизатсия - объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизатсияланади»[44]. Фикримизча, бу модернизатсияга тор маънодаги ёндашув бўлиб, бугунги кунда унинг кенг маънодаги мазмуни тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. **Модернизатсия** - анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён.

Модернизатсия жараёни доирасида одатда қуйидаги ўзгаришлар рўй беради:

1) ижтимоий муносабатлар бутун тизимининг такомиллашуви ва турмуш тарзининг ўзгариши - ихтилофларни тартибга солувчи ҳамда ижтимоий муа.ммо1а.рни ҳал этувчи янги тартиб ва механизмларнинг пайдо бўлиши;

2) алоҳида индивидларнинг онглилиги ва мустақиллигининг ошиши;

3) иқтисодиёт соҳасида - товар-пул муносабатларининг энг юқори даражада ёйилиши, янги илғор технологияларнинг пайдо бўлиши, бошқарувчилар ва ёлланма ходимларнинг касбий ихтисослашувининг юқори даражасига этиши;

4) ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши - иммобил табақалашган жамиятдан динамик, юқори ижтимоий ҳаракатчанлик ва ижтимоий рақобатга асосланган жамиятга ўтилиши.

Модернизатсия жараёнининг тавсифлари қаторида, шунингдек, унинг қуйидаги тамойилларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) унинг мажмуавийлиги, яъни жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиши;

---

[44]http:// ekonomic .doco.ru.

2) унинг тизимийлиги, яъни жамият ҳаёти ҳар қандай таркибий қисми ёки яхлит соҳасининг ўзгариши бошқаларининг ўзгаришига олиб келиши. Масалан, маданий ва сиёсий ўзгаришлар иқтисодиётдаги ўзгаришларга олиб келади ва аксинча;

3) унинг глобал тавсифи - у дастлаб бир неча илғор мамлакатларда бошланиб, кейинчалик бутун дунёга ёйилмоқда;

4) унинг давомийлик тавсифи - модернизатсия қисқа даврда рўй бермайди, балки у босқичларга бўлинади (ислоҳотларни амалга оширувчи этакчи гуруҳнинг пайдо бўлиши, ўзгаришларни илгари суриш, улар натижаларининг тарқалиши ва мустаҳкамланиши);

5) табақалашганлик тавсифи - модернизатсия турли мамлакатларда турлича рўй бериб, у ёки бу ҳолда миллий маданият ва ахлоқ анъаналарига таянади (масалан, «япон иқтисодий мўъжизаси»), Ғарб ва эвропа қадриятлари фойдасига улардан тўлиқ воз кечишни тақозо этмайди. [45] Баъзи манбаларда модернизатсиянинг алоҳида жиҳатларига эътибор қаратилади.

Умуман олганда, модернизатсия жуда кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда унижамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

[45] Конкурентоспособность и модернизация российской экономики. - http://www. moderniz. org. ru.

## 1.8-Мавзу: Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати

**Режа:**

**8.1. Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Талаб қонуни.**

**8.2. Таклиф тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар Таклиф қонуни.**

**8.3. Талаб ва таклиф нисбати ҳамда унинг ўзгариши.**

Якка талаб ва бозор талаби, Нарх бозор мувозанати

### 8.1. Талаб тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Талаб қонуни.

Еҳтиёж тушунчаси кишиларнинг ҳаётий воситаларига бўлган заруриятини ифодаловчи илмий категория сифатида тараққиётнинг ҳамма босқичлари учун умумий ва доимийдир. Унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги тарихий кўриниши талаб тушунчасидир.

Еҳтиёжнинг фақат пул билан таъминланган қисми талабга айланиши мумкин. Эҳтиёж зарур миқдордаги пул билан таъминланмаса, у «хоҳиш», «истак» бўлиб қолаверади. Талабнинг бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади, чунки нарх ўзгариши билан товарнинг сотиб олинадиган миқдори ҳам ўзгаради. Шу боғлиқликдан келиб чиқиб, талабга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

**Талаб-истеъмолчи товар ва хизматларнинг аниқ турини маълум вақт оралиғида нархларнинг хар ҳил даражасида сотиб олишга қодир бўлган миқдоридир.** Бу таъриф талабнинг миқдор тавсифини ҳам ифодалайди. Талабнинг сифат тавсифи шундаки, у истеъмолчининг товарларга бўлган пул билан таъминланган эҳтиёжини ифодалайди.

Товар ёки хизматларга бўлган талабнинг икки тури фарқ қилади: **якка талаб ва бозор талаби**. Ҳар бир истеъмолчи (алоҳида шахс, оила, корхона) нинг товарнинг шу турига бўлган талаби **якка талаб** дейилади. Бир қанча (кўпчилик) истеъмолчиларнинг бир турдаги товар ёки хизматга бўлган талаблари йиғиндиси **бозор талаби** дейилади.

**1.8.1-жадвал**

**Бозор талаби**[46]

| Price per Bushel | Quantity Demanded Joe | | Jen | | Jay | | Total Quantity Demanded per Week |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| $5 | 10 | + | 12 | + | 8 | = | 30 |
| 4 | 20 | + | 23 | + | 17 | = | 60 |
| 3 | 35 | + | 39 | + | 26 | = | 100 |
| 2 | 55 | + | 60 | + | 39 | = | 154 |
| 1 | 80 | + | 87 | + | 54 | = | 221 |

Индивидуал ва бозор талаби ҳам миқдор жиҳатдан аниқланади. Лекин бу миқдор ҳар доим ҳам бир хил бўлиб турмайди, балки ўзгарувчан бўлади. Талаб миқдорининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг ичида энг кўп таъсир қиладиган омил нархдир.

Нарх ва сотиб олинадиган товарлар миқдори ўртасидаги мавжуд боғлиқликни қуйидагича тасвирлаш мумкин.

[46] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page 47

**1.8.2-жадвал**

**Нарх ва сотиб олинадиган товар миқдори ўртасидаги боғлиқлик**

| Бир кг ун нархи (сўм) | Талаб қилинадиган ун миқдори (кг) |
|---|---|
| | |

Жадвал маълумотлари товарга нархнинг пасайиши сотиб олинадиган товар миқдорининг ўсишига ва аксинча, нархнинг ўсиши унинг миқдорининг камайишига олиб келишини кўрсатади. **Маҳсулот нархи ва сотиб олинадиган товар миқдори ўртасидаги тескари ёки қарама-қарши боғлиқлик талаб қонуни дейилади.**




**1.8.1-расм. Талаб эгри чизиғи.Товар миқдори**

Графикда бешта нарх-миқдор кўркаткичлари акс этган ва Д эгри чизиқ билан акс этган таблитсани кўришимиз мумкин. Бундай эгри чизиқ талабнинг эгри чизиғи дейилади. Тобора пасайиб борувчи эгри чизиқ талабнинг эгри чизиғини акс эттиради ва одамларни нархни паст бўлганда товар, хизмат ёки ресурсларни кўпроқ сотиб олишини кўрсатади[47]

Истеъмолчилар маълум бир товарни унинг нархи паст бўлса, кўпроқ сотиб ола бошлайди. Истеъмолчи учун нарх тўсиқ сифатида намоён бўлади. Бошқача айтганда, юқори нарх истеъмолчининг харид қилиш истагини сўндиради, паст нарх эса бу истакни кучайтиради.

Реал иқтисодий ҳаётда баъзан нархлар ўссада айрим товарларга талабнинг ортишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам учрайди. Бу вазият Гиффен

[47] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page 45

самараси деб аталади (инглиз иқтисодчиси Р.Гиффен номи билан). Гиффен камбағал ишчи оилалари картошка қимматлашишига қарамасдан уни истеъмол қилиш кенгайишини кузатиб, бу самарани тасвирлаб кўрсатган. Тушунтириш шунга асосланадики, картошка камбағал оила овқатида маҳсулотларнинг асосий қисмини эгаллайди. Агар картошка нархининг ўсиши рўй берса, бунда камбағал оила гўшт сотиб олишдан умуман воз кечишга мажбур бўлади, ўзининг кўп бўлмаган даромадининг барчасини картошка сотиб олишга сарфлайди.

Демак, бундай вазиятда нархларнинг ошиши айрим товарларга талабнинг камаймасдан, аксинча унинг ошишига олиб келиши мумкин.

Товар нархи ва унинг харид қилинадиган миқдори (талабнинг) ўртасидаги тескари боғлиқликни оддий икки ўлчамли графикда тасвирлаш мумкин: ётиқ чизиқ талаб миқдорини, тик чизиқ нархни кўрсатади.

Графикдаги ДД чизиқ нарх ва талаб ҳажми ўртасидаги тескари боғлиқликни тасвирий акс эттиради.

Бунда ҳар бир нуқта товарнинг аниқ нархи ва истеъмолчи шу нархда сотиб олиши мумкин бўлган товар миқдорини кўрсатади.

Нарх ва талабнинг ҳажми ўртасидаги тескари боғлиқликни кўрсатувчи бу чизиқ *талаб эгри чизиғи* дейилади.

Агар талаб эгри чизиғи ўзининг олдинги ҳолатида қолса ва бунда у ёки бу

товарни сотиб олишдаги ҳар қандай миқдорий ўзгариш талаб миқдорининг

ўзгарувчанлигини билдиради.




**1.8.2-расм.Талабнинг нархдан ташқари омиллар таъсирида ўзгарувчанлиги[48]**

**Талаб миқдорига нархдан ташқари таъсир қилувчи омиллар.** Талаб ҳажмининг ўзгариши фақат товар нархига эмас, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу омиллар талабнинг нархдан ташқари омиллари дейилади.

Талабга нархдан ташқари қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1) Истеъмолчининг диди; 2) Бозордаги истеъмолчилар сони; 3) Истеъмолчининг даромадлари; 4) Бир – бирига боғлиқ товарларнинг нархи; 5) Келажакда нарх ва даромадларнинг ўзгариши кутилиши.

Бу омилларнинг ўзгариши талаб ҳажмининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатишини қараб чиқамиз.

[48] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page

1. Бирор маҳсулотга нисбатан истеъмолчи дидида ижобий ўзгариш рўй берса, нархнинг тегишли даражасида унга бўлган талаб ортади. Истеъмолчи дидига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар талабнинг қисқаришига олиб келади.

2. Ўз-ўзидан аниқки, бозорда истеъмол-чилар сони кўпайса, талаб ортади, истеъмол-чиларнинг сони камайса, талаб қисқаради. Масалан, алоқа воситаларининг такомил-лашуви халқаро молиявий бозор доирасини мислсиз кенгайтиради ҳамда аксия ва облигатсия каби молиявий активларга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади. Туғилиш даражасининг пасайиши болалар боғчаси ва мактабга бўлган талабни камайтиради.

3. Пул даромади ўзгаришининг талаб ҳажмига таъсири бошқа омилларга қараганда анча мураккаб. Пул даромадининг ортиши жуда кўп товарларга талабни нисбатан оширади, даромаднинг камайиши эса бундай товарларга талабни камайтиради. Даромад ошса, унинг ўсишига қараб истеъмолчилар нархи юқори бўлсада, кўпроқ сифатли товарларни харид қилади, бунда улар камроқ нон, картошка, карам сотиб олиши мумкин ортиқча даромад унга анча юқори оқсил таркибига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари масалан, гўшт ва сут маҳсулотлари харид қилиш имконини беради. Даромаднинг ўзгариши билан талаб тўғри мутаносибликда ўзгарадиган товарлар *олий тоифали товарлар* дейилади.

Даромадлар камайганда талаб ошадиган товарлар *паст тоифали товарлар* дейилади (масалан, картошка).

4. Ўзаро боғлиқ товарларга талабнинг ортиши ёки камайиши, уларнинг бир-бирининг ўрнини босиш даражаси билан белгиланади. Шу сабабли сариёғ нархи ошса, бу маргаринга бўлган талабнинг ортишига олиб келади. Агар сариёғ нархи тушса бу маргаринга бўлган талабни камайтиради. Демак, агар икки товар ўрнини босувчи товарлар ҳисобланса, улардан бирининг нархи билан бошқасига бўлган талаб ҳажми ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлади. Иккита товар бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланса, уларга бир вақтда талаб пайдо бўлади. Масалан, агар бензин нархи пасайса, бу мотор ёғига бўлган талабни қисқартиради. Шундай қилиб, бензин ва мотор ёғига талаб ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бир-бирининг нархи ва бошқасига бўлган талаб ҳажми ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд бўлади.

5. Келгусида истеъмолчи даромадлари ва товар нархи ўзгаришининг кутилиши ва товарларнинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги каби омиллар талаб ҳажмини ўзгартириши мумкин. Келгусида нархнинг нисбатан ошишининг кутилиши, истеъмолчи жорий талабнинг ошишига олиб келади. Аксинча, нархнинг пасайиши ва даромаднинг кўпайишининг кутилиши товарларга бўлган жорий талаб ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади.

6. **Истеъмолчи хоҳиш-истаклари**. Истеъмолчи хоҳиш-истакларидаги ўзгаришлар талабни ўзгартириши мумкин. Келажакда нархларни кўтарилишини эҳтимоллиги истеъмолчиларга ҳозирни ўзида сотиб олишга ундайди, бу ҳолат ҳозирги талаб даражасини кўтариб юборади. Айни шу ҳолат тез суръатда фаолият кўрсатадиган кўчмас мулк бозорларида бўлиб ўтади. Ҳаридорлар янги уй-жойларни нархлари ошиб кетиши мумкинлигидан шошиб қолишади. Баъзи ҳаридорлар агар ўзлари хоҳлаган уйларни сотиб олмасалар, "модадан орқада қолиш"дан қўрқишади. Бошқа ҳаридорлар бу уйларни кейинроқ сотиб юборишни режалаштирадилар[49].

## 8.2. Таклиф тушунчаси ва унинг миқдорига таъсир қилувчи омиллар Таклиф қонуни.

[49] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page

**Таклиф деб, ишлаб чиқарувчилар маълум вақт оралиғида нархнинг ҳар бир даражасида товар ёки хизматларнинг бозорга сотишга чиқарадиган миқдори.**

Таклиф ҳар хил нархларда сотишга қанча миқдорда маҳсулот чиқарилишини кўрсатади.

Нархнинг ошиши билан шунга мос равишда сотишга чиқариладиган товар (таклиф) миқдори ҳам ортади, нархнинг тушиши билан таклиф ҳажми қисқаради.

**Алоҳида ишлаб чиқарувчининг маҳсулот таклифи**

**8.3-жадвал**

| 1 кг ун нархи (сўм) | Таклиф қилинадиган ун миқдори (кг) |
|---|---|
| | |

Ишлаб чиқарувчи учун нархнинг ошиши рағбатлантирувчи вазифани бажаради.[50]

Нарх даражаси ва таклиф миқдори ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқ-ликни кўрсатувчи 8.3-жадвалдаги маълумотларни графикда ифодалаб, таклиф эгри чизиғини тасвирлаш мумкин.

Нарх ўзгариши билан сотишга чиқариладиган маҳсулот миқдори ҳам ўзгариши сабабли талаб каби таклифнинг ҳам бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади.




**1.8.4-расм. Таклиф эгри чизиғи[52]**

Бозорда таклиф қилинадиган товар ҳажмига нархдан ташқари бир қатор омиллар таъсир қилади. Бу омилларнинг асосийлари қуйидагилар:

1) Ресурсларнинг нархи; 2) Ишлаб чиқариш технологияси;
3) Солиқ ва дотатсиялар; 4) Бошқа товарларнинг нархи;
5) Нарх ўзгаришининг кутилиши; 6) Бозордаги сотувчилар сони.

Таклифнинг шу омиллардан бир ёки бир нечтасининг ўзгариши таклиф ҳажмининг ўзгаришини тақозо қилади.




---

[50] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page

[51] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page

[52] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page

**1.8.5-расм. Таклифнинг нархдан ташқари омиллар таъсирида ўзгариши**[53]

Таклифга таъсир қилувчи омилларни алоҳида қараб чиқамиз.

1. Ресурсларнинг нархи. Ишлаб чиқариш харажатлари ва таклиф ўртасида мустаҳкам ўзаро боғлиқлик мавжуд. Ресурс нархларининг пасайиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва таклифни оширади. Аксинча, ресурсларга нархнинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва таклифни қисқартиради. Масалан, минерал ўғитлар нархининг пасайиши буғдой таклифини оширади, ёмғирлатиб суғориш харажатларининг ошиши маккажўхори дони таклифини қисқартиради.

2. Ишлаб чиқариш технологияси. Технологияларнинг такомиллашуви маҳсулот бирлигини анча самарали ишлаб чиқаришга имкон беради. Ресурсларнинг мавжуд нархида ишлаб чиқариш харажатлари камаяди ва таклиф кўпаяди. Масалан, пахта зараркунандаларига қарши курашишнинг анча самарали биологик усулларнинг яратилиши пахта толасининг миқдорини ва сифатини, бинобарин таклифини оширади.

3. Солиқлар ва дотатсияар даражаси. Кўпчилик солиқлар ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киради. Шу сабабли солиқларнинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва таклифни қисқартиради. Масалан, импорт товарларга бож тўловларининг ошиши унинг таклифини қисқартиради. Аксинча, давлат қандайдир товар ишлаб чиқариш ёки бирор соҳага субсидия берса, бу амалда харажатларни камайтиради ва унинг таклифини оширади.

4. Бошқа товар нархи. Бошқа товарлар нархининг ўзгариши ҳам мазкур товар таклифини ўзгартиради. Масалан, қўй гўшти нархининг пасайиши мол гўшти таклифини оширади. Аксинча, мол гўшти нархининг тушиши қўй гўшти таклифини оширади.

5. Нарх ўзгаришини кутилиши. Келгусида маҳсулот нархининг ўзгаришининг кутилиши ҳам ишлаб чиқарувчининг бугунги кундаги бозорга маҳсулот этказиб бериш хоҳишига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, келажакда нефт нархининг кескин пасайишининг кутилиши нефтнинг таклифини камайтиради.

6. Ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) сони. Товар ишлаб чиқарувчилар қанчалик кўп бўлса, таклиф қилинадиган маҳсулот миқдори шунчалик кўп бўлади. Тармоқдаги ишлаб чиқарувчилар сони ортиб бориши таклифни кўпайтиради, чунки товар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Таклиф ҳажмининг ўзгаришига товарнинг сақланиш хусусияти, сақлаш ва транспорт ташиш харажатлари ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, узоқ вақт сақлаб

[53] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page 52

бўлмайдиган қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун таклиф камдан-кам ўзгарувчан бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти, табиий ресурсларнинг мавжуд даражаси ҳам таклифга таъсир кўрсатади. Масалан, нархнинг ўзгаришига жавобан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки бошқа хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш имконияти мавжуд бўлса таклиф ўзгаради. Қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган эрлар чекланган бўлса, унинг нархи (рента) қанчалик ошмасин, эр таклифини ошириб бўлмайди.

Ижодий соҳа ходимларининг (масалан, олимлар, шоирлар, ёзув-чилар, мусаввирлар ва бошқалар) меҳнат маҳсули ва ноёб санъат асарларининг таклифи ҳам ноўзгарувчан бўлади.

### 8.3. Талаб ва таклиф нисбати ҳамда унинг ўзгариши. Бозор мувозанати

Нарх ва бошқа омиллар таъсирида талаб ва таклиф миқдори ўзгариб улар бир-бири билан доимо маълум нисбатда бўлади, ҳамда бу нисбатлар ҳам муқаррар ўзгариб туради. Ўз навбатида талаб ва таклиф бозор нархини белгилаб берадиган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлади. Баъзан талаб таклиф миқдоридан ошиб кетиб, нарх кўтарилса, айрим ҳолларда таклиф талаб миқдоридан ошиб кетиб, нарх пасаяди. Талаб билан таклиф миқдори ўртасидаги нисбат **бир-бирига тенг бўлган ҳолат бозор мувозанати дейилади**[54]. Бозор мувозанати вужудга келган ҳолда шаклланган нарх бозор нархи дейилади. Баъзан мувозанатлашган нарх ҳам деб юритилади. Бозор мувозанати ва мувозанатли нарх ҳар доим мавжуд бўлиб турмайди, уларга таъсир қилувчи кўплаб омиллар мувозанатликнинг бузилишига сабаб бўлади. Аммо иқтисодиётда ушбу мувозанатга доимо интилиш мавжуд бўлади.




**1.8.6-расм. Бозор мувозанати**[55]

[54] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page

[55] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page




**1.8.7-расм.Талаб ва таклифнинг нархга нисбатан ўзгариши**[56]

«Талаб ва таклиф» тушунчалари таҳлили, бизга сотувчи ва харидорлар манфаатлари мос келишини қараб чиқишга ўтиш имконини беради. *Мос келишлик ўз ифодасини мувозанатли нархда топади.*

Талаб ва таклиф эгри чизиқлраини битта графикка жойлаштириб бозор мувозанатли нуқтасини ҳосил қиламиз:

$Т_б = Т_ф = С_м = Қ_м$, бу эрда: $Т_б$- талаб, $Т_ф$- таклиф, $С_м$ = мувозанатли баҳо, $Қ_м$ – товарнинг мувозанатли миқдори.

Графикда К нуқатга мувозанатли баҳо ($С_м$) ва маҳсулотнинг муозанатли миқдори ($Қ_м$) мос келади. Мувозанатли нуқта (К) ёки мувозанатли нарх ($С_м$)га 12-чизмада тасвирланганидек сотувчи ва харидорлар манфаатларининг спирал бўйича ҳаракати натижасида бир-бирига яқинлашиш йўл билан эришилади. Хусусан, бизнинг мисолда, нарх 50 сўм бўлганда, харидор мазкур товар (ун) дан 10 кг сотиб олишга, сотувчи эса 60 кг бозорга чиқаришига тайёр бўлади. 10 сўмлик нархда сотувчи ва харидорлар аҳволи бутунлай қарама-қарши томонга ўзгаради: сотувчи фақат 5 кг ун чиқаришга, харидор эса 80 кг сотиб олишга тайёр бўлади ва ҳакозо.




3-расм. Мувозанатли нарх.

[56] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page

Талаб ва таклифнинг ўзгариши спирал бўйича ҳар бир ҳаракатида уларнинг манфаати мувозанатли нуқтага эришилгунча бир-бирига яқинлашиб боришини ва мувозанатли нуқта улар талаб ва таклифи тенглигини кўрсатади.

Графикда 1 ва 2 нуқталар ўртасидаги фарқ товарлар ортиқча ишлаб чиқарилишини кўрсатади ва *тўйинган бозорни характерлайди.* Аксинча, 3 ва 4 нуқталар ўртасидаги фаркда товар камёблиги (дефитсит) вужудга келади ва бу *тақчил товар бозорини тавсифлайди.*

Мувозанатли нархни тушуниб олиш учун вақт омили катта аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли бозордаги *бир зумлик, қисқа даврли ва узоқ даврли мувозанатлик* ҳолатни фарқлаш зарур.

Бир зумлик мувозанат учун тақдим қилинадиган товарларнинг ўзгармас ёки доимий миқдори хос. Бу ишлаб чиқаришнинг бозор вазиятига тез, бирданига мослаша олмаслиги билан боғлиқ.

*Қисқа даврли мувозанатлик, ишлаб чиқариш ва таклифни вақтинчалик амал қилувчи омиллардан фойдаланиш асосида кўпайтириш имкониятини тақозо қилади.*

Бундай вақтинчалик омилларга иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунлари ишлаш, иш сменасини кўпайтиришлар киради.

*Узоқ даврли мувозанатлик ўзгариши узоқ муддатли даврдаги омиллардан фойдаланишни тақозо қилади.* Бунда ишлаб чиқаришни қайта куроллантириш, янгилаш ва қўшимча қувватларни вужудга келтириш билан боғлиқ инвеститсиялар ҳақида гап боради. Бу даврда янги корхоналарни қуриш ҳамда мазкур бозорда янги сотувчиларнинг пайдо бўлиши ҳам мумкин бўлади.

Истеъмолчининг товар нархларининг ўзгаришига сезгирлик даражасини аниқлашда нархли эгилувчанлик тушунчасидан фойдаланилади. Айрим маҳсулотлар нархидаги унча сезиларли бўлмаган ўзгаришлар сотиб олинадиган маҳсулот миқдорида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай маҳсулотларга талаб нисбатан эгилувчан дейилади. Бошқа хил маҳсулотлар нархидаги сезиларли ўзгариш харид миқдорида фақат катта бўлмаган ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

*Талаб ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолганда, нарх 1% ўзгарганда талаб неча фоизга ўзгаришини кўрсатувчи кўрсаткич талабнинг нархли эгилувчанлиги кўрсаткичи дейилади*[57]*. Бу кўрсаткич кўпинча оддий қилиб талабнинг эгилувчанлиги* деб аталади.

Талабнинг нархли эгилувчанлик ($Е_т$) даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$эт = \frac{\Delta Қ}{\Delta С}$$

Бу эрда: ΔҚ – талаб миқдорининг фоизли ўзгариши;

Δ С – нархларнинг фоизли ўзгариши.

Талабнинг нархли эгилувчанлигини белгилаб берувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Маҳсулотларнинг ўрнини босувчанлиги.

Истеъмолчига бирор маҳсулотнинг ўрнини босувчи бошқа маҳсулотлар кўпроқ тавсия қилинса, унга талаб шунча эгилувчан бўлади. Масалан, соф рақобатли бозорда таклиф қилинадиган маҳсулотларнинг жуда кўп ўрнини

---

[57] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page

босувчилари мавжуд бўлади, шу сабабли ҳар бир алоҳида сотувчи маҳсулотларига талаб бутунлай эгилувчан бўлади.

2. Маҳсулот қиймати (нархи) нинг истеъмолчи даромадидаги салмоғи.

Истеъмолчи даромадида маҳсулотлар нархи қанчалик катта ўринни эгалласа, унга талаб шунча юқори эгилувчан бўлади. Масалан, дафтар ёки қалам нархининг 10 фоизига ўсиши, бир неча сўмни ташкил қилади ва бу талаб билдирган маҳсулот миқдорида жуда кам ўзгариш бўлишига олиб келади. Шу билан бирга, автомобил ёки уй нархининг 10 фоизли ўсиши, мос равишда 5 ёки 15 млн. сўмни ташкил қилади. Нархларнинг бундай ошиши жуда кўп оилалар даромадининг катта қисмини ташкил қилади ва айтиш мумкинки бу сотиб олинадиган маҳсулот миқдорини сезиларли камайтиради.

3. Маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятлари.

Зебу-зийнат буюмларига талаб одатда эгилувчан, ҳаётий зарур буюмларга эса талаб ноегилувчан ҳисобланади. Масалан, нон ва электр энергия зарурий истеъмол буюмлари ҳисобланади, шу сабабли уларга нархнинг ошиши нон ёки электр энергияни истеъмол қилишнинг кескин камайишига олиб келмайди. Бошқа томондан зебу –зийнат буюмларига нархлар ошганда уларни қийинчиликсиз истеъмолдан чиқариб ташлаш мумкин.

4. Вақт омили. Қарор қабул қилиш учун вақт оралиғи қанча узоқ бўлса, маҳсулотга талаб шунча эгилувчан бўлади. Масалан, агар мол гўштининг нархи 10% га кўтарилса, истеъмолчи уни харид қилишни бирданига қисқартир-маслиги мумкин. Лекин бир қанча вақт ўтиши билан у ўзининг мойиллигини товуқ ёки балиқ гўштига ўтказиши мумкин.

Талабга нафақат товарлар нархи, балки бошқа омиллар, жумладан истеъмолчи даромадлари ва бошқа товарлар нархи ҳам таъсир кўрсатади.

Шу сабабли талаб эгилувчанлиги бу барча бошқа омиллар бўйича ҳам юқорида қараб чиқилган тартибда аниқланади.

Муайян товарга талаб бошқа товарлар нархи ўзгаришига сезгирлик даражаси талабнинг кесишмали (перекрестная) эгилувчанлиги (ЕК) дейилади. Мазкур кўрсаткич А товарга бўлган талаб В товар нархи 1%га ўзгарганда неча фоизга ўзгаришини кўрсатади.

$$ЕК = \frac{\text{А товарга талаб ҳажмининг нисбий ўзгариши}}{\text{В товар нархининг нисбий ўзгариши}}$$

Кесишмали эгилувчанлик нисбий (ЕК<О), ижобий (ЕК>О) ва нолга яқин ёки тенг(ЕК=О) бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда В товарга нархнинг ўсиши А товарга талабнинг қисқаришига олиб келади. Бунда А ва В товарлар бир-бирини тўлдирувчи (автомашина ва бензин, фотоаппарат ва фотоплёнка) ҳисобланади. Иккинчи ҳолда, А ва В товарлар бир-бирининг ўрнини босувчи (конфет ва торт, совун ва шампун, чой ёки кофе) ҳисобланади. Учунчи ҳолда, эса А ва В товарлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ёки дахлсиз ҳисобланади.

Шу сабабли В товарга нархнинг ўзгариши А товарга талабга ҳеч қандай таъсир курсатмайди ёки бу таъсир сезиларсиз бўлади.

Умумий ҳолда нарх тизимида ўзаро боғлиқликнинг учта асосий тури мавжуд бўлади:

**Тўлдирувчанлик самараси** – бир-бирини тўлдирувчи товарлар нархлари ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Бир-бирини тўлдирувчи товарлар нархи қарама-қарши йўналишда ўзгаради.

**Ўрнини босиш самараси** – ўзларининг истеъмолчилик хусусиятлари бўйича бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар нархи ўртасидаги боғлиқликни ифода

этади, яъни бунда бирор товар мавжуд бўлмаганда унинг ўрнини босадиган товардан фойдаланиш мумкин. Мазкур ҳолда нархлар бир хил йўналишда ўзгаради.

**Даромад самараси** – бу истеъмолчилар сарфлари орқали истеъмол хусусиятлари бўйича боғлиқ бўлмаган товарлар нархлари ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. Истеъмолчи даромади чекланганлиги туфайли товарлар нархи ортганда талаб ноегилувчанлиги сабабли бошқа товарларга пул кам қолади, уларга талаб камаяди ва демак нарх пасаяди. Товарлар нархи пасайганда талаб ноегилувчан товарга истеъмолчилик сарфлари камаяди, бошқа товарларни сотиб олиш учун кўпроқ пул қолади, уларга талаб ортади ва демак нархлар ўсади.

Юқорида қараб чиқилган формулалардан таклифнинг эгилувчанлик даражасини аниқлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Фақат формуладаги «Талаб миқдорининг фоизли ўзгариши» жумласини «Таклиф қилинган маҳсулот миқдорининг фоизли ўзгариши» жумласига алмаштириш зарур.

Таклиф эгилувчанлиги талабнинг шундай кўрсаткичидан фарқ қилиб, ҳар доим ижобий аҳамият касб этади, чунки нарх ва таклиф ҳажми бир хил йўналишда ўзгаради, яъни нарх ўсганда товар таклифи ҳам ортади. Агар нархнинг ўзгариши таклифнинг ўзгаришига олиб келмаса таклиф ноегилувчан ҳисобланади. Нархдаги сезиларсиз ўзгариш (пасайиш ёки ортиши) таклиф камайиши ёки кўпайишига сабаб бўлса, таклиф мутлоқ эгилувчан ҳисобланади.

Таклифнинг эгилувчанлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омил, маҳсулотга нархнинг мавжуд ўзгаришини ҳисобга олиш учун зарур бўлган вақт оралиғи ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи нархнинг мавжуд ўзгаришига мослашиш учун қанчалик узоқроқ вақтга эга бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми шунчалик катта ўзгаради ва шунга мос равишда таклифнинг эгилувчанлиги ҳам юқори бўлади. Биз юқорида вақт омилининг жуда қисқа, қисқароқ ва узоқ муддатли даврларидаги таклифнинг ўзгаришига таъсирини таҳлил қилиб берган эдик. Бу таъсир таклифнинг эгилувчанлигида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Таклиф эгилувчанлиги товарнинг сақланиш муддати ва сақлашга қилинадиган харажатлар даражасига ҳам боғлиқ. Узоқ сақланмайдиган товарларга таклифнинг эгилувчанлиги нисбатан паст бўлади.

**Талаб функсияси** – талаб ҳажмининг унинг миқдорини белгиловчи омилларига боғлиқлигидир.

**Талаб функсияси қуйидагича аниқланади:**

$$Қ^{Т}_{И} = П \ldots П_{К};\ И;\ Т;\ \ldots$$

Бу эрда,

**$Қ^{Т}_{И}$** - И чи товарларга талаб ҳажми;

**$П \ldots П_{К}$** – барча товарлар нархи;

**И** – пул даромадлари;

**Т** – истеъмолчи диди ва афзал кўриши.

Ресурслар бозорида талаб ва таклифнинг қарор топишини ўрганиш шунинг учун муҳимки, айнан шу бозорда, аҳоли пул даромадлари шаклланади. Ўз тасарруфидаги мавжуд ресурсларни тақдим қилиб, уй хўжаликлари, иш ҳақи, фойда, фоиз ва рента шаклидаги даромадни олади.

Иқтисодий ресурслар бозори – бу энг аввало мазкур омиллар хизмати бозоридир. Уларнинг сотиб олиниши кўрсатиши мумкин бўлган хизматларининг

харид қилиниши англатади. Ўз-ўзидан аниққи, иқтисодий ресурсларнинг бир қисми (ер, капитал) ҳақиқий маънода сотиб олиниб, ўз активларига айлантирилиши мумкин, бошқалари (ишчи кучи, тадбиркорлик лаёқати) уларнинг хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун харид қилинади.

Иқтисодий ресурслар бозорида талаб ва таклифнинг шаклланиши товарлар бозорига таққосланганда ўз хусусиятларига эга бўлади.

Биринчидан, ресурсларга талаб ҳосила талаб ҳисобланади, яъни уларга бўлган талабни мазкур ресурс ёрдамида ишлаб чиқариладиган товар ёки хизматга бўлган талаб белгилаб беради. Эхтиёжни қондириш учун қайси товар, хизмат кўп миқдорда талаб қилинса, уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурс турига ҳам талаб шунчалик катта бўлади.

Иккинчидан, иқтисодий ресурсларга талаб уларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлади. Ресурслар унумдорлиги ўсиб бориши билан уларга бўлган талаб ҳам ортиб боради ва аксинча.

Учинчидан, ресурсларга талаб улар ёрдамида ишлаб чиқариладиган товарлар нархига боғлиқ бўлади. Агар товар нархи ўсса, ресурсларга талаб ҳам ортади ва аксинча.

Тўртинчидан, ресурсларга бўлган талаб биргаликда фойдаланиладиган бошқа ресурслар нархи ва унумдорлигига боғлиқ бўлади. Биргаликда фойдаланиладиган ресурс нархи эса, унинг ўрнини босиш даражаси ва маҳсулот чиқариш ҳажми таъсирига боғлиқликда ўзгариб туради.

Иқтисодий ресурслар таклифи уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб шаклланади.

Биринчидан, барча иқтисодий ресурсларга хос бўлган умумий хусусият, уларнинг эхтиёжларга нисбатан чекланганлиги ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодий ресурслар таклифини уларга талаб ўсишига мос равишда кўпайтириб бориш мумкин бўлмайди.

Иккинчидан, ҳар хил иқтисодий ресурслар бир хил бўлмаган ҳаракатчанликга, унинг оқибатида таклифи турлича эгилувчанликга эга бўлади. Агар иқтисодий ресурслар ҳаракатчан бўлса, нисбатан кучсиз рағбатлар таъсирида бир соҳадан бошқасига осонлик билан алмашади, бундай ресурснинг таклифи ҳам эгилувчан, яъни унга нархнинг сезиларсиз ошиши натижасида фаолиятнинг мазкур соҳасига бошқа соҳалардан этарлича миқдордаги ресурслар жалб қилинади.

Учинчидан, ресурсларнинг ҳаракатчанлиги вақт бўйича ортиб боради. Вақт ўтиши билан ресурсларнинг умумий миқдори ҳам нисбатан ортади.

## 1.9-Мавзу:Нарх ва унинг шаклланиши

**Режа:**

**1.9.1. Нархнинг мазмуни ва вазифалари**
**1.9.2. Рақобатнинг турли кўринишлари шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари**
1.9.3. **Нархнинг турлари. Ўзбекистонда давлатнинг нарх сиёсати**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** меъёрли фойдалилик, ишлаб чиқариш харажатлари, талаб ва таклиф, рақобат воситаси, ижтимоий ҳимоя вазифаси, тақсимлаш вазифаси.

**1.9.1.Нархнинг мазмуни ва вазифалари.** Товарлар қиймати ва уларнинг нафлилиги ўзларининг намоён бўлишини нархда топади. Амалий ҳаётда қиймат товар ишлаб чиқарувчиларни, нафлилик эса истеъмолчиларни рағбатлантирувчи, уларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида амал қилади.

Товарнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган, лекин доимо бир-бирини тақозо этадиган, бирисиз иккинчиси бўлмайдиган икки хусусиятга, яъни маълум бир нафлиликка (истеъмол қийматига) ва қийматга эга эканлиги, товар ёки хизмат шу икки хусусият бирлигидан иборат эканлиги ўқувчига олдинги боблардан маълум. Олдинги ўринларда биз товарнинг қиймати ҳар қандай сарфларни эмас, балки мавжуд шароитда шу товарни ижтимоий зарурий миқдорда ва сифатда ишлаб чиқариш, яъни ижтимоий-зарурий нафлиликни яратиш учун зарур бўлган ижтимоий зарурий сарфларни ифода этишини айтиб ўтган эдик. Нархлар мазмунини аниқлашда товардаги мана шу икки хил хусусиятнинг, яъни ижтимоий қиймат ва ижтимоий нафлилик бирлигини, бунда истеъмол қиймати (нафлилик) қийматни ўзида олиб юрувчи моддий асос эканлигини тўғри ҳисобга олмаслик натижасида нарх мазмуни турли олимлар ва оқимлар томонидан турлича аниқланмоқда ва унга турлича таъриф берилмоқда. Бунинг устига нархнинг даражасига (юқори ёки паст бўлишига), унинг ўзгаришига турли хил омиллар таъсир қиладики, бу ҳам масалани тўғри тушунишни бироз чигаллаштиради. Масалан, инглиз классик сиёсий иқтисод мактаби вакиллари ғояларида ҳамда олдинги сиёсий иқтисод дарсликларида нархнинг асосини қиймат ташкил қилади дейилган бўлса, маржинализм йўналишидаги ва ҳозирги даврдаги П.Самуелсон, К.Макконнелл ва С.Брюларнинг «Економикс» дарсликларида, шунингдек, яқинда чоп этилган айрим иқтисодиёт назарияси дарсликлари ва ўқув қўлланмаларида товар нархининг асосини унинг нафлилиги, аниқроқ айтганда, қўшилган миқдор нафлилиги ташкил қилади дейилади. Бунда сўнгги қўшилган миқдор нафлилигига алоҳида эътибор берилади. Учинчи гуруҳ олимлар эса нарх талаб ва таклиф асосида ташкил топади дейишади. Уларнинг ҳар бири ўзларича турли далиллар

т
о

Бозор иқтисодиётида нарх бутун тизимни ҳаракатга келтирувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади. Товарлар нархи бозор механизмининг асосий иқтисодий дастаги ҳисобланади.

қ
м
б

Айни вақтда сотувчи ва харидорнинг, алоҳида ходимлар, тадбиркорлар, бутун жамият ва давлатнинг иқтисодий манфаатлари нарх орқали руёбга чиқарилади.

,
ў
з

58 McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page . 436-437

ғ
о
я
л
а
р

Нархнинг мазмунига турли қарашлардан уч ҳил ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин. Классик ёндашув (А.Смит, Д.Рикардо, Ж.С.Милл)да нарх – товар қийматининг пулдаги ифодаси эканлигини қайд қилади.

Неоклассик ёндашувда нарх – товар нафлилигини бахолаш воситаси деб ҳисобланади.

Ҳозирги замон неоклассик ёндашув (А.Маршалл) нархга кейинги нафлилик, ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда талаб ва таклиф нисбатининг пулда мужассамлашиши сифатида қарайди.

Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясида бу соҳадаги энг кенг тарқалган назария – бу А.Маршаллнинг нарх консепсияси ҳисобланади.

А. Маршалл ўзининг нарх консепсиясида А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Б.Сей, Бем-Баврик ва бошқаларнинг назарияларига таянади хамда уларни умум-лаштиради.

У ўз қарашларида **меъёрли фойдалилик, ишлаб чиқариш харажатлари, талаб ва таклиф** назариясини нарх назариясига уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. У қийматнинг амал қилишини инкор этади. Фақат алмашув қиймат амал қилишини тан олади. Унинг фикри бўйича шу алмашув қиймат – нархдир.

А. Маршалл нарх деганда товарнинг алмашув қийматини, яъни унинг сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олади. Нарх – бу товар ва хизматларнинг фойдалилигини, яъни кишиларга наф келтиришини баҳолаш воситаси бўлиб, товар бирлиги учун тўланадиган пул миқдори билан ўлчанади.

Бунда икки хил нархни ажратиб кўрсатишади.

а) талаб нархи. Бу – нарх ҳар бир товар бирлигининг харидорларни ўзига жалб қила олиш қобилиятидир, истаклар кўпайса у пасаяди.

б) таклиф нархи – бу товарнинг сотувга келиб тушган нархдир.

Нарх – талаб ва таклифнинг муайян нисбатида, товар (хизмати)ни ишлаб чиқаришга кетган иқтисодий ресурс харажатлари ҳамда унинг нафлилигининг пул кўринишида мужассамлатиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх бир қатор вазифаларни бажаради:

1. **Бозор мувозанатини таъминлаш**. Бунда нарх бозордаги талаб ва таклифга таъсир кўрсатиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради. Бозор нархи-бу мувозанатли нарх бўлиб, у бозорда талаб ва таклифларнинг мос тушганлигини билдиради.

2. **Иқтисодиётни тартибга солиш**. Нарх бозор иқтисодиётининг асосий тартибга солиш механизмидир. Айни вақтда, ҳам унинг қуйи ва юқори чегарасини белгилаб иқтисодий фаолликка таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқарувчилар нарх ўзгаришига қараб иш юритадилар. У бозор ҳолатини кўрсатиб туради. Масалан: «А» товарга бўлган талаб ошса нарх ҳам ошади, бу эса тадбиркорларни шу товарни ишлаб чиқаришга йўналтиради ва аксинча.

3. **Рақобат воситаси**. Маълумки рақобат ҳам бозор иқтисодиётининг ривожланишида асосий рол ўйнайди. Рақобат усулларидан бири бу нарх воситасидаги курашдир. Нархни пасайтириш орқали бу курашда ютиб чиқиш мумкин.

4. **Ҳисоб – китоб вазифаси.** Нарх – бу алмашув қиймат, бошқача қилиб айтганда, товар учун тўланадиган пул миқдоридир. Шу асосида у ҳисоб-китоб вазифасини бажаради.

5. **Ижтимоий ҳимоя вазифаси.** Бозор иқтисодиётининг ўтиш босқи-чида ижтимоий ҳимоя вазифасини ўтовчи нархлар, аҳолининг кенг қатламларини ҳаётий зарур истъемолчилик товарлари билан энг кам даражада таъминлаш мақсадида ҳам қўлланилади. Масалан, бизнинг мамлакатимизада 1991 йилдан 1995 йилгача ун ва ун маҳсулотлари, қанд-шакар, гўшт, ўсимлик мойи, чой, совун каби маҳсулотлар

дотатсиялашган нархларда чекланган миқдорда сотилди. Уларнинг дотатсион ва ҳақиқий нархлари ўртасидаги фарқ бюджет маблағлари ҳисобига қоплаб борилди.

**6. Қиймат ва нафлиликни ўлчаш вазифаси** Нарх қиймат ва нафлиликнинг пулдаги ифодаси деб айтамиз, чунки қилинган сарф-харажатлар ва олинган натижалар (фойда ёки зарар) нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади. Ишлаб чиқариш ва унинг натижаларининг натурал кўрсаткичлари ҳам мавжуд (тонна, кг, $м^2$, $м^3$, квт-соат ва ҳоказо). Бу кўрсаткичларни шу ҳолича таққослаб, умумий кўрсаткичга келтириб бўлмайди. Барча натурал кўрсаткичларнинг умумий ўлчови уларнинг пулда ифодаланган нархидир. Ҳисоб-китоб учун жорий ва қиёсий нархлар қўлланилади. **Жорий нархлар амалдаги нархлар бўлиб, улар ёрдамида йил давомидаги ишлаб чиқариш натижалари ҳисобланади. Қиёсий нархларда маълум йил (базис йил) асос қилиб олиниб, ишлаб чиқаришнинг натижалари шу нархда ҳисобланади ва бошқа йиллар билан таққосланади.** Ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад, реал иш ҳақи ва шу каби кўрсаткичлар динамикаси қиёсий нархларда ҳисобланади. Чунки жорий нархлар инфлясия туфайли ўзгариши ва реал иқтисодий натижани кўрсатмаслиги мумкин.[59]

**7. Тақсимлаш вазифаси.** Нарх воситасида даромадлар, маҳсулотлар ва иқтисодий ресурслар мулкдорлар, тармоқлар, соҳалар ҳамда ҳудудлар ўртасида тақсимланади ва қайта тақсимланади.

## 8.2.Рақобатнинг турли кўринишлари шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари

Нархнинг шаклланишига бозорнинг ҳолати бевосита таъсир кўрсатади, чунки нархнинг шаклланишида бозордаги талаб ва таклиф нисбати асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунга кўра, талаб ва таклиф миқдорига таъсир кўрсата олиш имкониятига кўра бозордаги рақобатнинг турли кўринишлари фарқланади. **Мукаммал рақобат шароитида** ишлаб чиқарувчи (ёки сотувчи) ҳамда истеъмолчи (ёки харидор)ларнинг сони жуда кўп бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш орқали нарх шаклланишига таъсири умуман сезилмайди. **Номукаммал рақобат шароитида** эса ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) ёки истеъмолчилар (харидорлар)дан бирининг сони чекланган бўлиши уларнинг бозордаги ишлаб чиқариш ҳажмига ва, пировардида, бозордаги нархнинг шаклланишига сунъий таъсир кўрсатиш имконини беради. Бундай рақобат турли даражаларидаги нархларнинг шаклланиш хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади.

Шу сабабли, биз қуйида мукаммал рақобат, соф монополия, олигополия ва монопсония шароитида нархларнинг шаклланиш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

**Мукаммал рақобат шароитида нархнинг шаклланиши.** Эркин рақобат кураши шароитида нархнинг ташкил топиш хусусиятларини тадқиқ этган дастлабки иқтисодчилардан бири А.Маршалл ҳисобланади. Унинг фикрича, товарнинг олди-сотди жараёнига қадар икки хил, яъни **сотувчи ва харидор нархлари** мавжуд бўлади. Назарий жиҳатдан ҳар икки нархнинг юқори ва қуйи даражалари мавжуд. Сотувчи ўз товари нархининг имкон қадар юқори бўлишидан манфаатдор, чунки бундай нарх унинг фойдаси ҳажмини оширади. Бироқ, эркин рақобат шароитида нархни бошқалардан юқори даражада белгилашга интилиш мазкур сотувчининг бозордан сиқиб чиқарилишига олиб келиши мумкин. Сотувчи нархининг энг паст даражаси шу товарни ишлаб чиқариш учун кетган харажатларни қоплаши керак. Харидор товарни энг паст нархда сотиб олишдан манфаатдор, бироқ эркин

[59]McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 20th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2014. page 436-437

рақобатли бозор шароитида унинг ҳам товар сотиб ололмай қолиш хавфи мавжуд бўлади. Харидор нархининг юқори даражаси эса, Маршалл таъбирича, сўнгги қўшилган миқдор нафлилигига тенг бўлиши керак.

Сотувчи ва харидор ўртасидаги қулай нархга эришиш борасидаги кураш ҳар икки нархнинг мослиги таъминлангунга, яъни бозор нархи пайдо бўлгунга қадар давом этади. Шундай қилиб, сотувчининг нархи томонидан ишлаб чиқариш харажатлари, харидор нархи томонидан эса сўнгги қўшилган миқдор нафлилиги майдонга тушиб, уларнинг нисбати асосида бозор нархи пайдо бўлади. Бу ҳолатни Маршалл шундай ифодалайди: «…«ишлаб чиқариш харажатлари» принсипи ҳамда «сўнгги қўшилган нафлилик» принсипи, шубҳасиз, ягона талаб ва таклиф умумий қонунининг таркибий қисми ҳисобланиб, улардан ҳар бирини қайчининг битта кесувчи томонига қиёслаш мумкин[60]

Шу ўринда, 4-бобда билдирилган фикр-мулоҳазаларни яна бир бор эсга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. яъни, мукаммал рақобатли бозор шароитида нархнинг шаклланишида талаб ва таклифнинг таъсирида, А.Маршалл таъкидлаганидек, сўнгги қўшилган нафлилик ва ишлаб чиқариш харажатлари эмас, балки ижтимоий зарурий нафлилик ва ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари ётади.

Талаб ва таклифнинг мувозанати мукаммал рақобат бозоридаги нархнинг шаклланишига мувофиқ келади (9.1-расм).




**-расм. Мукаммал рақобатли бозор шароитида нархнинг шаклланиши**

Чизмадан кўринадики, фақат нархнинг $P_E$ даражасидаги талаб миқдорига ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф миқдори мувофиқ келади. Нархнинг бу даражадан ҳар қандай пасайиши талабнинг таклифдан ошиб кетишини, нархнинг бу даражадан ҳар қандай юқори бўлиши эса, таклифнинг талабдан ошиб кетишини келтириб чиқаради.

Нархнинг $P_A$ даражасидаги ҳолат узоқ вақт мавжуд бўла олмайди. Чунки, товарларнинг сотилмай, тўпланиб қолиши билан сотувчилар ўртасидаги рақобат кучайиб, улар ўз товарларини тезроқ сотиш мақсадида нархни тушира бошлайдилар.

Нархнинг $P_B$ даражасидаги ҳолат ҳам барқарор турмайди. Чунки, бу ҳолатда талаб таклифдан ошиб кетиб, товарлар тақчиллиги бошланади. Тақчил товарга эга

[60] Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3 т. М., 1993. Т.III. С.282.

бўлиш учун бир-бири билан рақобатга киришган харидорлар унинг нархини ошира бошлайдилар.

Бозордаги ягона мувозанатлашган, нисбатан узоқ вақт барқарор амал қилувчи нарх сифатида талаб ҳажми таклиф ҳажмига мувофиқ келган ҳолдаги нарх $P_E$ майдонга тушади. Рақобатлашув асосида пайдо бўлган мувозанат доимо талаб ва таклиф эгри чизиқларининг кесишув нуқтасида жойлашади. Мувозанат нархи ҳар доим ҳам дарҳол, бир зумда таркиб топмайди. Унга эришишда токи талаб ва таклиф мувозанатга келгунга қадар нарх атрофидаги тебранишларни ўз ичига олувчи маълум даврлар тақозо этилиши мумкин.

**Монополия шароитида нархнинг шаклланиши.** Монополия шароитида нарх шаклланишининг ўзига хос жиҳати шундаки, агар майда товар ишлаб чиқарувчилар фақат ўзларининг индивидуал нархларини ўзгартира олсалар, улардан фарқли ўлароқ бозор иштирокчилари сифатидаги монополиялар бозор нархларини ўзлари белгилай оладилар. Бунда монополиялар оммавий талабнинг ошиши билан нархнинг ошиши ҳамда оммавий таклифнинг ошиши билан нархнинг пасайиб боришидан ўзига хос тарзда фойдаланадилар.

Оммавий тартибда товарларни сотувчи монополиялар ўз манфаатлари йўлида таклиф кам бўлганда нархнинг ошиши тенденсиясидан фойдаланадилар.

**Оммавий таклиф бўйича нарх ўзгариши** қуйидаги миқдорий боғлиқликни акс эттиради: талабга нисбатан товарлар таклифи қанчалик юқори бўлса, бозор нархи даражаси шунчалик паст бўлади ва аксинча, таклиф камайиши билан нарх ошиб боради. Бу боғлиқлик 9.4-чизмада яққолроқ намоён бўлади.

Чизмадан кўринадики, тик ўқда муайян товарлар таклифи ҳажмининг кўпайиб бориши, ётиқ ўқда эса маҳсулот бирлигига бўлган нарх даражасининг ошиб бориши акс эттирилган. Таклиф бўйича нарх эгри чизиғи ($P_1P_2$) бозор нархининг товарлар оммавий таклифига боғлиқлигини ифодалайди.




**1-расм. Таклиф бўйича нарх эгри чизиғи**

Монополистлар маҳсулотларнинг сунъий тақчиллигини вужудга келтириш мақсадида ўз товарлари сотиш ҳажмини атайлаб қисқартирадилар. Бозорда товарларнинг этишмаслиги монопол юқори нархларнинг ўсишига олиб келади.

Монополиялар нархни оширишнинг ҳар бир янги жараёнида товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини қисқартиришдан кўрилган зарарни ҳисобга олади. Даромаддан бундай йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида улар янги нархларни янада юқори даражада белгилайдилар. Шу билан бир вақтда монополиялар маҳсулотларнинг қисқарган ҳажмини сотишдан олинган тушум йўл қўйилган йўқотишни қоплаши ҳамда даромад миқдорининг ўсишини таъминлашини назорат қилиб турадилар.

**Монопсония шароитида нархнинг шаклланиши.** Монопсония майда товар ишлаб чиқарувчилардан товарларнинг катта ҳажмини сотиб олиб, талаб бўйича нарх қонунидан ўзига хос тарзда фойдаланади.

**Оммавий талаб бўйича нархнинг ўзгариши** қуйидаги миқдорий боғлиқликни акс эттиради: таклифга нисбатан харидорларнинг оммавий талаби қанчалик катта бўлса, бозор нархи даражаси шунчалик юқори бўлади ва аксинча, талабнинг камайиши билан бозор нархи пасайиб боради. Бу боғлиқлик 9.5-чизмада яққолроқ акс эттирилган.

Чизмадан кўринадики, тик ўқда муайян товарларга талаб ҳажмининг кўпайиб бориши, ётиқ ўқда эса маҳсулот бирлигига бўлган нарх даражасининг ошиб бориши акс эттирилган. Талаб бўйича нарх эгри чизиғи ($P_1P_2$) бозор нархининг харидорларнинг оммавий талабига боғлиқлигини ифодалайди.

Монопсонист ўзи учун зарур бўлган товарни, масалан қишлоқ хўжалиги хомашёсини олдиндан паст нархларда сотиб олиб, унинг катта миқдордаги захирасини тайёрлаб қўяди. Бу эса унга янги ҳосилнинг йиғим-терими даврида ўзи сотиб олаётган хомашёга монопол паст нархларни ўрнатиш имконини беради. Бундай паст нархларда монопсонист жуда катта фойда олади. Сунъий равишда сотилаётган маҳсулот ортиқчалиги ҳудудининг вужудга келтирилиши харид нархларининг навбатдаги пасайишига олиб келиб, натижада монопсонистнинг фойдаси ошиб боради. Бунга ғарб мамлакатлари монопсониялари томонидан анча вақтдан буён Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари тадбиркорлари ва майда товар ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинаётган арзон хомашёни мисол тариқасида келтириш мумкин. Африкадан анъанавий тарзда экспорт қилинувчи бир қатор товарлар (чой, кофе, какао ва ҳ.к.)га ҳам азалдан ўта паст нархлар ўрнатиб келинади.




**…м. Талаб бўйича нарх эгри чизиғи**

Бир вақтнинг ўзида монополия ва монопсония ҳисобланувчи фирма ўзининг даромадини «нархлар қайчиси» усули орқали аҳамиятли даражада оширади. Бунда

монопол юқори ва монопол паст нархлардан фойдаланилиб, улар ўртасидаги фарқ худди қайчининг иккита кесувчи томони бир-биридан узоқлашгандаги сингари катталашиб боради. Нархларнинг бундай ҳаракати товарлар ортиқчалиги ва тақчиллиги ҳудудларининг кенгайишига асосланади. У саноатнинг кўплаб қайта ишловчи корхоналари учун хосдир. Бу корхоналар ўзларининг тайёр маҳсулотларига ундирма саноат тармоқларида ўрнатилган нархларга нисбатан бир неча марта юқори нарх ўрнатадилар.

XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ, Франсия, Буюк Британия ва бошқа ғарб мамлакатларида агробизнес соҳасининг кенгайиши билан нархлар қайчиси асосий усуллардан бирига айланиб, унинг ёрдамида йирик фирмалар ўрта ва майда фермерларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан сиқиб чиқардилар.

**Олигополия шароитида нархнинг шаклланиши.** Олигополия шароитида нархнинг шаклланиши тармоқдаги товар ишлаб чиқарувчилар томонидан қўлланилувчи «ергашиш» ҳамда «инкор этиш» хатти-ҳаракатлари орқали изоҳланади.

**«Ергашиш»** ҳолатида бир олигополист томонидан нарх бўйича қилинган ўзгариш (нархнинг пасайиши ёки оширилиши)га қолган олигополистлар томонидан ҳам эргашиш, яъни шундай ўзгаришлар қилиш кузатилади. Одатда, бозорда ўз товарларига нархни пасайтириш орқали истеъмолчилари сони ҳамда сотиш ҳажмини оширишга қарор қилган олигополист хатти-ҳаркатига жавобан қолган олигополистлар ҳам нархларни пасайтирадилар. Натижада нархнинг умумий пасайиши рўй бериб, бозордаги улуш олдинги ҳолда қолади, яъни олигополистнинг хатти-ҳаракати самара бермайди.

**«Инкор этиш»** ҳолатида бир олигополист томонидан нарх бўйича қилинган ўзгариш (нархнинг пасайиши ёки оширилиши)га қолган олигополистлар томонидан инкор этиш, яъни ҳеч қандай жавоб ўзгаришлари қилмаслик кузатилади. Кўпинча бундай ҳолат олигополист томонидан ўз товарига нархни оширган чоғида рўй беради, яъни қолган олигополистлар товарлари нархларини оширмайдилар. Натижада, нархни оширган олигополист ўз истеъмолчиларини йўқотиб, бозордан сиқиб чиқарилади.

Юқорида баён этилган ҳолатлар натижасида олигополист-фирманинг талаб эгри чизиғи «синиқ эгри чизиқ» кўринишини олади (9.6-чизма). Бундай ҳолатни биринчи бўлиб XX асрнинг 40-йилларида америкалик иқтисодчи П.Суизи тавсифлаб берган.



**1.9.4-расм. Олигополистик бозордаги нархнинг шаклланишида талаб эгри чизиғининг «синиши»**

Чизмадан кўринадики, дастлаб олигополист фирманинг маҳсулотига талаб эгри чизиғи $Д_1Д_1$ кўринишида бўлиб, $P_0$ нарх даражасида $Қ_0$ сотиш ҳажмини таъминлар эди. Олигополист-фирма ўз товари нархини $P_1$ даражага пасайтириши талабни ўстириб, маҳсулот ҳажмини $Қ_1$ га қадар ошириши кўзда тутилар эди. Бироқ, бошқа олигополистларнинг «ергашиш» хатти-ҳаракатини тутиши, яъни уларнинг ҳам ўз товарлари нархини пасайтириши натижасида талаб эгри чизиғининг «синиши» рўй бериб, у энди $Д_1ЕД_2$ кўринишини олади. Оқибатда сотиш ҳажми олдинги $Қ_0$ даражасида қолгани ҳолда товарнинг нархи пасайиб, олигополистлар ўз фойдаларининг маълум бир қисмини йўқотадилар.

Олигополист-фирма ўз товари нархини $P_0$ дан $P_2$ га оширган тақдирда қолган олигополистлар «инкор этиш» ҳатти-ҳаракатини қўллашлари натижасида талаб эгри чизиғи яна «синади». Олдинги $Д_1Д_1$ кўринишдаги талаб эгри чизиғи энди $Д_3ЕД_1$ кўринишини олади. Агар бошқа олигополистлар ҳам ўз товарлари нархини оширганларида, мазкур олигополист-фирманинг товарига бўлган талаб ҳажми $Қ_2$ га қадар қисқариши лозим бўлса, бундай хатти-ҳаракатнинг амалга оширилмаслиги натижасида бу қисқариш $Қ_3$ га қадар давом этади, яъни бозордаги сотиш ҳажмини йўқотиш даражаси ошиб кетади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, олигополия шароитида ишлаб чиқарувчилар нархни кўпроқ ўзаро келишиш орқали белгилашга ҳаракат қиладилар.

Ўз маҳсулотларига бозор нархини ўрнатишда олигополистлар томонидан **«нарх бўйича этакчилик»** хатти-ҳаракати кенг қўлланилади. Бу хатти-ҳаракат нарх воситасида рақобатлашувни инкор этиб, мазкур тармоққа кирувчи барча олигополист-фирмаларнинг нархни шакллантириш ва уни ўзгартиришда этакчи олигополист-фирмага эргашишларини тақозо этади. Одатда тармоқдаги энг йирик фирма этакчи сифатида майдонга тушади. Нарх бўйича этакчи фирма бошқаларга қараганда иқтисодий жиҳатдан анча устун бўлсада, у ўзининг хатти-ҳаракатини фақат нарх жиҳатдан тазйиқ ўтказиш асосида амалга ошира олмайди. Нархни шакллантиришда этакчи-фирма бошқа эргашувчи-фирмаларнинг ҳам манфаатларини эътиборга олмоғи лозим. Бу манфаатлар уларнинг харажатларини қоплаш, меъёрдаги фойдани таъминлаш, маҳсулотларини сотишга шароит яратиш каби ҳолатлар орқали намоён бўлади. Агар талаб ёки ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши натижасида бозор нархи олигополистик келишув доирасидаги фирмаларнинг манфаатларига мувофиқ келмай қолса, этакчи фирма дарҳол нархларни ўзгартириши лозим бўлади.

### 1.9.4. **Нархнинг турлари. Ўзбекистонда давлатнинг нарх сиёсати**

**Нархларни туркумлашга бир қатор мезонлар асос қилиб олинади. Булар нархларнинг иқтисодий мазмуни, тартибга солиниш даражаси ва амал қилиш доирасидир.**

**Иқтисодий мазмунига кўра нархлар қуйдаги турларга ажратилади.**

- Улгуржи нархлар. Бу нархларда товарлар катта партияларда, кўтарасига сотилади. У таркибан ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда улгуржи-савдо ташкилотлари харажатлари ва фойдасини ўз ичига олади.
- Чакана нархлар. Бу товарлар бевосита истеъмолчиларга сотиладиган нархлар. Чакана нарх ўз таркибига товарнинг улгуржи нархи ҳамда чакана савдо ташкилотлари харажатлари ва фойдасини олади.

– Харид нархлари. Бу нархлар давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқарилган товарларга белгиланади. Айрим ҳолларда бундай нархларга муайян устама ва имтиёзлар бўлиши кўзда тутилади.

– Дотатсион нархлар. Давлат бюджети ҳисобидан арзонлаштирилган нархлардир.

– Демпинг нархлар. Бундай нархларда ишлаб чиқарувчилар бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқаришда фойдаланади. У бозорга «суқилиб кириш» нархи деб ҳам аталади.

– Нуфузли нархлар. Алохининг юқори даромад олувчи қатлами ҳарид қиладиган нуфузли (обрў-талаб) товарларга белгланади.

– Таърифлар. Турли хил хизматлар (телефон, транспорт, коммунал ва ҳ.к) нархи сифатида чиқади.

**Тартибга солиниши даражасига кўра нархининг қуйидаги турлари мавжуд бўлиши кўзда тутилади.**

– Қатъий белгиланган нархлар. Маъмурий тарзда белгиланиб, бозор кучлари таъсир кўрсатмайди ва муайян давр давомида доимий бўлиб қолади.

– Еркин нарҳлар. Талаб ва таклиф таъсири остида вужудга келадиган бозор нархларидир.

– Тартибга солинадиган нархлар. Айрим товарларга давлат нархларнинг юқори (истеъмолчи манфаатини кўзлаб) ва қуйи (ишлаб чиқарувчи манфаатини кўзлаб) чегарасини белгилаганда, ҳамда молиявий ва кредитли дастаклардан фойдаланиб, нархга таъсир кўрсатганда ўз ўрнига эга бўлади.

– Шартнома нархлари. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи томонидан шартномада қайд қилинган нархлардир.

**Амал қилиш доираси (бозор кўлами)га кўра ҳудудий, миллий ва жаҳон нархлари ажратилади.**

– Ҳудудий (минтақавий) нархлар муайян худудий бозорларда унинг доирасида амал қилувчи омиллар таъсирида шаклланади.

– Миллий нархлар алоҳида мамлакатлар доирасида ўртача ижтимоий сарф-харажатлар, миллий бозордаги талаб ва таклиф таъсирида шаклланади.

– Жаҳон нархлари муайян товарларни ишлаб чиқаришга кетган байналминал харажатларни, товарларнинг жаҳон андозаси талабларига мос келиши даражасини ҳамда халқаро бозордаги талаб ва таклиф нисбатини ўзида акс эттиради.

Бозор шароитига қараб ўзгармайдиган нархлар **стандарт нархлар** дейилади. Бунда нарх ўзгармасада, фойда кўпайиши мумкин, яъни бу нарх харидорга қулайлик туғдирувчи харажатларни қисқартириш йўли билан амалга оширилади.

Масалан: Автобусда йўл ҳақи ўзгармайди, лекин автобуслар сони қисқаради ёки бекатлар қисқартирилади, музқаймоқ таркибида сариёғ ёки қаймоқ улуши камайтирилади.

**Ўзгарувчан нархлар** – бозор шароитига қараб ошиб ёки пасайиб туради. Бунда харажатларнинг энг муҳими талабнинг ўзгариши ҳисобга олинади. Масалан: янги товар русумга кираётганда, унга талаб юқори, шунга кўра нархи баланд бўлади. У кундалик зарур товарга айлангач нархи ҳам арзонлашади. Ўзгарувчан нархлар яна шунда кўринадики, қиш мавсуми бошланганида қишки кийимлар қиммат бўлиб, баҳорга бориб улар арзонлашади. Нархларнинг ўзгариши маълум чегарада юз беради. Нархлар ўртасидаги фарқнинг миқдорий ўлчами нарх диапазони дейилади.

**Монопол нархлар** монопол мавқеига эга бўлган товарларга белгиланиб, у ишлаб чиқариш нархидан юқори ёки паст бўлиши мумкин.

**Тартибга солинадиган нархлар** – бу юқори ва қуйи чегараси белгиланган нархлардир.

**Ирратсионал нархлар** эр, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби тибиий ресурсларга белгиланадиган нархларни билдиради.

**Яширин нархлар** хуфиёна бозорларда шаклланадиган нархларни англатади.

**Нарх диапазони -**турли нархлар оралиғининг пулдаги ифодасидир.

Давлатнинг нарх сиёсати лимитланган ва дотатсияланган нархларни келтириб чиқаради.

Лимитланган нархларда давлат уларнинг юқори ва қуйи чегарасини белгилайдики, мазкур нарх шу доирада ўзгариши мумкин. Бундай нархлар ёрдамида давлат инфлясияни жиловлайди, унинг ўсишини назорат қилади.

Дотатсиялашган нархларни бозори касод бўлганида фирмалар арзонлаштирадиган нархлар билан ўхшатмаслик керак. Дотатсияли нархлар даромади паст оилалар, бева – бечоралар, ишсиз ва ногирон кабиларни минимал даражада таъминлаб туриш учун ишлатилади. Махсус арзонлаш-тирилган, аммо дотатсияси бўлмаган нархлар ҳам борки, уларни белгилашда фирмалар, хайри – эҳсон ташкилотлари қатнашади. Мазкур ҳомийлар одатдаги нарх билан арзонлаштирилган нарх ўртасидаги фарқни ўз маблағлари ҳисобидан қоплайдилар.

Бозорда нархлар даражаси ва нисбати бозор ҳолатини белгилайди. Нархлар даражаси уларнинг ўлчамидир. Нарх даражаси икки турга бўлинади: 1) Мутлоқ даража – бу нархнинг умумий миқдори бўлиб, маълум товарнинг қанча туришини кўрсатади. 2) Нисбий даража – бу нархнинг харид қобилиятига нисбати, аниқроғи нархнинг харид қобилиятидаги улушини кўрсатади. У товар нархи пул доромадининг неча фоизини ташкил этишини кўрсатади. Масалан: деҳқоннинг бир ойлик маоши 200 минг сўм деб фараз қилайлик, 1 кг гўшт нархи 6 минг сўм. Демак, гўшт нархининг деҳқон бир ойлик даромадидаги нисбати 3% (6x100:200)га тенг. Шунингдек нархнинг қуйи ва юқори чегараси деган тушунчалар мавжуд бўлади. Нархнинг қуйи чегараси ҳеч бўлмаганда ишлаб чиқариш харажатларини қоплаши керак. Нархнинг юқори чегараси эса ишлаб чиқариш харажатларини қоплаб, максимал фойдага эга бўлишни ҳам кўзда тутади. Айни вақтда бозор иқтисодиётида истеъмолчи пули, унинг харид қобилиятини белгилайди, яъни сотувчилар нархни шу чегарагача оширишлари мумкин.

**Давлатнинг нарх сиёсати** – бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нархларни эркинлаштириш ва миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштиришга қаратилади.

**Нархларни эркинлаштиришдан қуйдаги мақсадлар кўзланади:**

- хом ашё билан маҳсулот айрим турлари нархлари ўртасидаги номутаносибликни юмшатиш;
- нарх билан аҳоли даромадлари ва корхоналар фойдаси ўртасидаги мутаносибликка эришиш;
- инвеститсион товарлар, истеъмол товарлари ва хизматлар нархларининг оқилона нисбатини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш воситалари, халқ истеъмол товарлари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ҳамда тарифларига ўтиш;
- миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш.

Нархларни эркинлаштириш-иқтисодий ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари кўп жиҳатдан шу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ бўлади. Нархларни эркинлаштириш хом ашё билан маҳсулот айрим турларининг нархлари, нарх билан аҳоли ва корхоналар даромадлари ўртасида мутаносибликка эришишга қандай

ёндашилиши билан фарқланади. Шу ёндашувларга асосланиб, нархлар қуйидаги йўллар билан эркинлаштирилади:
а) нархларни бирданига ёки «есанкиратадиган» тарзда қўйиб юбориш; б) нархлар ўсишини сунъий равишда тўхтатиб қўйиш; в) нархни давлат томонидан бошқариш ва назорат қилишни маълум даражада сақлаб қолиш.

Бозор муносабатларига ўтаётган ҳар бир мамлакат, шу йўллардан бирини танлашда улардан ҳар бирининг мавжуд реал шарт-шароитларга қанчалик мос келиши, аҳоли асосий қисмининг моддий аҳволига қандай даражада таъсир кўрсатиши, ислоҳ қилишнинг танлаб олинган йўлига қанчалик даражада жавоб бериши ва кутиладиган салбий оқибатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Собиқ Совет Иттифоқи негизида вужудга келган бир қанча мустақил давлатлар нархларни эркинлаштиришнинг «тезкор» йўлини танлаб олди. Барча турдаги хом ашё ресурслари, истеъмол моллари ҳамда хизматлар нархини бир йўла эркин қўйиб юборди. Натижада нархлар кескин ошди. Бу-аҳоли кенг қатламининг бирданига қашшоқлашувига, ижтимоий аҳволнинг кескинлашувига олиб келди, ишлаб чиқаришнинг пасайишига, миллий саноат ва қишлоқ хўжалигининг издан чиқишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги вазият ва аҳолининг турмуш даржаси ҳисобга олиниб, нархларни аста-секинлик билан ва босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинди. Шу йўл билан нархларни эркинлаштиришнинг дастлабки босқичида (1992 йилнинг бошида) кенг доирадаги ишлаб чиқариш, техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ва тарифларига ўтилди. Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди, айрим турдаги хизматларнинг энг юқори тарифлари жорий қилинди.

Нархларни эркинлаштиришнинг кейинги босқичида (1993 йил) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди. Қатъий белгиланган ва давлат томонидан тартибга солиб туриладиган нархларда сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг сони анча қисқарди.

Нархларни эркинлаштиришнинг навбатдаги босқичида (1994 йил, октябр, ноябр) халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди. Шундай қилиб, республикада иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни босқичма-босқич (уч босқичда) тўлиқ эркинлаштириш билан тугади. Нархларни эркинлаштириш аҳолини ишончли иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари билан бирга олиб борилди. Давлат томонидан турли конпенсатсиялар мақсадидаги жамғармалар тузилди, иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг энг кам миқдори мунтазам суръатда ошириб борилди, болалар учун нафақалар жорий этилди. Аҳолининг муҳтож қисмига ёрдам кўрсатилди, имтиёзли солиқ ставкалари жорий этилди.

## 1.10-Мавзу:Рақобат ва монополия

### Режа:

**1.10.1. Рақобатнинг иқтисодий мазмуни.**
**1.10.2. Рақобат шакллари ва усуллари**
**1.10.3. Монополия, унинг вужудга келиши ва турлари**
**1.10.4.Монополияларнинг афзалликлари ва ижтимоий –иқтисодий оқибатлари**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Рақобат ,ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, инноватсион, эркин рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополия.

**1.10.1.Рақобатнинг иқтисодий мазмуни.**Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман товар хўжалигининг энг муҳим белгиси, ривожлантириш усули ва тартибга солиш меҳанизм ҳисобланади.

Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш унга турли томондан ёндошиб тахлил қилишни талаб қилади.

Мустақил товар **ишлаб чиқарувчилар** (корхоналар) ўртасидаги рақобат товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат охир-оқибатда истеъмолчилар учун курашдир.

**Ресурсларни етказиб берувчилар** ўзларининг иқтисодий ресурсларини (капитал, эр-сув, ишчи кучи) юқори нархларда сотиш учун рақобат қиладилар. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат бозор муносабатлари ривожланган, иқтисодиёт тўлиқ эркинлашган шароитда ёрқин намоён бўлади.

Рақобат **истеъмолчилар** ўртасида ҳам юз беради; улар товарларни қулай ва арзон нархларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидор ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлишга ҳаракат қилади. Арзон ва сифатли товарни тезроқ сотиб олиш учун курашади.

Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали тушунча бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

**Рақобат (лотинча, “сонсуррере” – қочиш, тўқнашиш) – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади.**




**10.1.1 -расм. Рақобат иштирокчиларининг асосий мақсадлари**

Бунда ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларининг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шу фойда орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар учун, арзон хом ашё, энергия ва арзон ишчи кучи манбалари учун улар орасида кураш боради.

Ўз навбатида харидорлар, яъни истеъмолчилар сарфлаган ҳар бир сўми эвазига кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашадилар, уларнинг ҳар бири арзон ва сифатли товар ва хизматларга эга бўлишга ҳаракат қилади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг фаолият кўрсатувчи тадбиркор ва мулк эгаси сифатида эркин ва мустақил бўлиши рақобатнинг иқтисодий асосини ташкил этади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бўлиб, улар шу манфаатга эришиш учун интилади. Мулк эгасининг товар ишлаб чиқариш ва барча бошқа соҳалардаги фаолияти шу манфаатга бўйсундирилган бўлади. Бу жиҳатдан қараганда рақобат эркин иқтисодий фаолият қилувчи субъектлар манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиши аниқ тавсифланади. Рақобат мавжуд бўлишининг бошқа шарти товар-пул муносабатларининг маълум даражада ривожланган бозор тизимида амал қилишидир.

Рақобатнинг мазмуни унинг вазифаларини кўриб чиқиш орқали янада кенгроқ намоён бўлади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётида рақобатнинг қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:




**1.10.1-расм. Рақобатнинг асосий вазифалари**

Рақобатнинг **тартибга солиш вазифаси** ишлаб чиқаришни талаб (истеъмол)га мувофиқлаштириш мақсадида таклифга таъсир ўтказишдан иборат. Айнан шу вазифа ёрдамида иқтисодиётда таклифнинг талаб орқали, ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмининг якка тартибдаги ва ижтимоий эҳтиёжлар орқали белгиланишига эришилади, яъни иқтисодиёт бозор қонунлари асосида тартибга солинади.

Рақобатнинг **ресурсларни жойлаштириш вазифаси** ишлаб чиқариш омилларини улар энг кўп самара берадиган корхона, ҳудуд ва минтақаларга оқилона жойлаштириш имконини беради.

Рақобатнинг **инноватсион вазифаси** фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланувчи ҳамда бозор иқтисодиёти субъектларининг ривожланишини тақозо этувчи турли кўринишдаги янгиликларнинг жорий этилишини англатади.

Рақобатнинг **мослаштириш вазифаси** корхона (фирма)ларнинг ички ва ташқи муҳит шароитларига ратсионал тарзда мослашишига йўналтирилган бўлиб, уларнинг шунчаки ўзини-ўзи сақлаб, иқтисодий жиҳатдан яшаб қолишидан хўжалик фаолияти соҳаларининг экспансияси (кенгайиши)га ўтишини билдиради.

Рақобатнинг **тақсимлаш вазифаси** ишлаб чиқарилган неъматлар ялпи ҳажми (ялпи ички маҳсулот)нинг истеъмолчилар ўртасида тақсимланишига бевосита ва билвосита таъсир ўтказади.

Ниҳоят, рақобатнинг **назорат қилиш вазифаси** бозордаги баъзи иштирокчиларнинг бошқа бир иштирокчилар устидан монополистик ҳукмронлик ўрнатишига йўл қўймасликка йўналтирилади.

Рақобатнинг асосий соҳаси бозор, чунки унда эркин иқтисодий субъектларнинг алоҳидалашган манфаатлари тўқнашади.

Рақобатнинг иқтисодий асоси – бу ишлаб чиқарувчилар, ресурс эгалари ва истеъмолчиларнинг тадбиркор, мулк ва даромад эгаси сифатида эркин ҳамда мустақил бўлишидир.

Рақобатнинг ривожланиш босқичлари:

И. Оддий товар хўжалигига хос бўлган рақобатчилик боскичи.

ИИ. Соф ёки эркин рақобатга асосланган босқич.
ИИИ. Монополистик рақобат босқич.
ИВ. Ҳозирги замон маданий жахатдан ривожланган рақобатчилик босқичи.

### 1.10.2.Рақобат шакллари ва усуллари



Рақобат курашининг мазмуни тўғрисида тўларок тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини кўриб чиқиш зарур. Ўз миқёсига кўра рақобат энг аввало икки турга-тармоқ ичидаги рақобатга ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг **тўртта шакли** алоҳида ажратилиб кўрсатилади. Булар э**ркин рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополиядир.**

Еркин рақобат икки даражада намоён бўлади: тармоқ ичида, яъни бир хил товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги рақобат ва тармоқларо, яъни турли тармоқлардаги корхоналар ўртасидаги рақобат. Тармоқлар ичидаги рақобат ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, қўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқда техника билан таъминланиш даражаси ва меҳнат унумдорлиги даражаси турлича бўлган корхоналар борлиги сабабли шу корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал (алоҳида) қиймати бир хил бўлмайди.

Тармоқ ичидаги рақобат товарларнинг бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бу қиймат, одатда, ўртача шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларининг анчагина қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади.

Тармоқлар ичидаги рақобат натижасида техникавий даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар қўшимча фойда оладилар ва акс ҳолда, ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарар кўрадилар.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан унинг нормаси юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Шу асосда, нархлар пасая бошлайди. Шунингдек, фойда нормаси ҳам пасаяди. Кам фойда келтирувчи тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу эрда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга бўлган талаб улар таклиф қилишидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда нормаси ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъий назар, тенг капитал учун тенг фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобат капитал қайси тармоққа солинмасин, худди шу тармоқ фойда нормаларини ўртача фойда нормасига «бараварлаштиради».

Еркин рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади. Юқори даражада ташкил қилинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг маҳсулотларини таклиф қиладилар.

Еркин рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан сезиларсиз назоратни амалга оширади. Чунки ҳар бир корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажми унча катта бўлмайди. Шу сабабли алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий таклифга, демак маҳсулот нархига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Еркин рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлган корхоналар эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

**Монополистик рақобат** ўз ичига ҳам монополия, ҳам рақобат унсурларини олади. Бунда тармоқдаги бир турдаги маҳсулотнинг ўнлаб ишлаб чиқарувчилари бир-бирлари билан қулай нарх ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш борасида рақобатлашадилар. Бироқ, айни пайтда, ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини табақалаштириш, яъни шу турдаги бошқа маҳсулотлардан қайси бир жиҳати (сифат даражаси, шакли, қадоқланиши, сотиш шароитлари ва ҳ.к.) бўйича фарқлантириш орқали унинг монопол ишлаб чиқарувчисига айланади.

**Соф монополияда** тармоқ битта фирмадан иборат бўлганлиги сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва яккаҳукмронлик шаклланади.

Монополия шароитида фирма нарх устидан сезиларли назоратни амалга оширади. Бунинг сабаби оддий бўлиб, у маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва демак, таклифнинг умумий ҳажми устидан назорат қилади.

**Олигополия** – тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва ҳукмронлик қилишидир. Бу олигополиянинг энг муҳим белгисидир. Қайси товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

Олигополистик тармоқ бир хил ёки табақалашган маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Кўпчилик саноат маҳсулотлари – пўлат, мис, алюминий, қўрғошин, темир ва шу кабилар физик маънода бир турдаги маҳсулотлар ҳисобланади ва олигополия шароитида ишлаб чиқарилади. Истеъмол товарлари – автомобиллар, кир ювиш воситалари, сигаретлар, маиший электр буюмлари ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар табақалашаган олигополия ҳисобланади.

Олигополия шароитида корхоналар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг нарх сиёсатини мустақил ўзгартиришга ботина олмайди.

Биз қараб чиққан рақобатнинг тўртта шаклининг ҳар бири миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соф ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади.

Ҳозирда турли даражадаги монополистик тузилмалар ривожланиб бориши билан улар ўртасидаги рақобатнинг шакллари ҳам турли кўринишларда намоён бўлиб бормоқда. Жумладан, **турли монополлашув даражасидаги тузилмалар ўртасида мавжуд бўлишига кўра** қуйидаги рақобат турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) монополлашмаган корхоналар ўртасидаги рақобат;
2) монополиялар ҳамда монополистик бирлашмаларга кирмаган ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат;
3) турли монополиялар ўртасидаги рақобат;
4) монополистик бирлашмалар ичидаги рақобат.

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда **ғирром ва ҳалол рақобатлашув** усуллари ҳам ажратиб кўрсатилади. **Рақобатлашувнинг ноанъанавий, жамият томонидан эътироф этилмаган, ижтимоий аҳлоқ қоидалари доирасидан четга чиқувчи, ноиқтисодий (яъни, жисмоний куч ишлатиш, мажбурлаш, рақибларнинг обрўсига путур этказиш ва ҳ.к.) усулларидан фойдаланиш ғирром рақобат деб юритилади.** Ғирром рақобат орқали фирмалар ўз рақибларининг тармоққа кириб келишини тажовузкорона ва шафқатсиз бартараф қилиши мумкин. Банкларни, моддий ресурс таъминотчиларини кредит ва материаллар этказиб беришдан воз кечишга мажбурлаш, этакчи мутахассисларни

**Ҳалол рақобат – рақобат курашида жамият томонидан тан олинган иқтисодий усулларни қўллаш, ўзининг мақсад ва манфаатларига эришишда умумжамият манфаатларига зид келувчи ҳолатларни қўлламаслик каби қоидаларга асосланади.** Шу ўринда ҳалол рақобатнинг қуйидаги белгиларини ҳам кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- қалбаки беллашув, мажбурий сафарбарликни тан олмайди;
- боқимандалик, бефарқлик, юзакичилик, кўзбўямачилик каби салбий ҳолатларга барҳам беради;
- қариндош-уруғчиликни, ошна-оғайнигарчиликни, таниш-билишликни, маъмурий-буйруқбозликни тан олмайди[61].

Рақобат курашининг икки усули фарқланади: нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат.

[61] Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: «Меҳнат», 1997, 58-59-б.

Нарх воситасида рақобатлашувда курашнинг асосий усули ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархларини бошқа ишлаб чиқарувчиларининг шундай маҳсулотлариникига нисбатан пасайтириши ҳисобланади.

Унинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган кўриниши - «нархлар жанги» деб аталадики, бунда йирик ишлаб чиқарувчилар рақибларини тармоқдан сиқиб чиқариш учун нархни вақти-вақти билан ёки узоқ муддат пасайтириб туради. Бу усулни қўллаш учун ишлаб чиқарувчи бошқа рақибларига қараганда унумлироқ технологияни киритиши, малакалироқ ишчиларни ёллаши ва ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиши керақ бўлади. Фақат шундагина унинг товарининг индивидуал қиймати бозор қийматидан паст бўлиб, мазкур товар нархини тушириш имкониятини беради.

Нарх воситасида рақобатлашиш усулларидан бири – демпинг нархларни қўллашдир. Бунда миллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг товарларини бошқа мамлакатларга ички бозордаги нархлардан, айрим ҳолларда таннархидан ҳам паст бўлган нархлар бўйича чиқаради.

Шу орқали улар ички бозорда нархларнинг барқарорлигига эришиш мамлакатдаги ортиқча маҳсулотни йўқотиш, янги бозорларга кириб олиш ва унда ўзларининг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга харақат қилади.

Айрим ҳолларда нарх ёрдамида рақобатлашишнинг белгиланган нархлардан чегирма қилиш, асосий харид қилинган товарларга бошқа товарларини қўшиб бериш, муайян ҳолларда имтиёзли нархларни белгилаш каби усулларидан ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда нарх ёрдамида рақобат қилиш ўз ўрнига эга эмас, чунки ишлаб чиқарувчилардан бирининг ўз маҳсулотига нархни пасайтириши унинг рақобатчиларининг ҳам шундай ҳаракат қилишини тақозо қилади. Бу бозорда фирмаларнинг мавқеини ўзгартирмайди, фақат тармоқ бўйича фойдани камайтиради.

Нархсиз рақобат шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмати кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-еътибори ҳисобланади.

Нархсиз рақобат билан бир вақтда яширин нарх ёрдамидаги рақобат ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун янги товарларнинг сифати ошиши ва истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши улар нархларининг ошишига қараганда тез рўй бериши керак. Ҳозирги даврда бир турдаги маҳсулотларнинг кўпайиши уларнинг сотишни рағбатлантирувчи реклама, товар белгилари ва фабрика муҳрларидан фойдаланишни келтириб чиқармоқда. Истеъмолчилик бозорида қўшимча хизмат кўрсатиш орқали харидорларни ўзига жалб қилиш кенг тарқалмоқда.

Нархсиз рақобатнинг товар сифатини табақалаштириш каби усули ҳам мавжудки, бунда товарлар бир хилдаги эҳтиёжни қондириши ва бир турга мансуб бўлиши, лекин турли-туман истеъмол хоссаларига эга бўлиши мумкин.

Таклиф талабга нисбатан ортиқча бўлган шароитда ишлаб чиқарувчилар товарларини кредитга сотиш усулидан фойдаланиб рақибларидан устун келишлари мумкин. Бунда дастлаб товар нархининг фақат бир қисми тўланади, унинг қолган қисми эса шартномада келишилган аниқ муддатларда қопланади.

Фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги шароитда, техника ва технологиянинг энг янги ютуқлари устидан назорат қилиш учун кураш рақобатнинг асосий усулларидан бирига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар харидорларни жалб қилиш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмолчилик товарларига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишни амалга оширмоқдалар. Масалан, компютер ишлаб чиқарувчи фирма, ўз

маҳсулотини сотибгина қолмасдан, балки уни ўрнатади, корхона ходимларини улардан фойдаланишга ўргатади, кафолатланган муддатда ва ундан кейинги даврда таъмир ишларини бажаради, техникавий хизматни амалга оширади; маҳсулотлари ўлчамларини буюртмачи эҳтиёжларига яқинлаштиради.

Нархсиз рақобат усуллари ичида маркетинг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини талабга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида талабни яхши ўрганган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондира оладиган корхоналар ҳар доим рақобат курашида ютиб чиқади.

Йирик ишлаб чиқарувчилар бозордаги вазиятни ўзгартириш учун ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни камайтириб товар таклифини қисқартирадилар. Шу сабабли иқтисодий беқарорлик даврларида ҳам нарх барқарорлигича қолаверади.

Шундай қилиб, монополиялар ҳукмрон бўлган шароитда нархсиз рақобат муҳим ўрин тутади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, монополиялар товар сифатини ошириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш йўли билан сотиладиган товар ҳажмини кўпайтириши мумкин. Иккинчидан, улар молиявий жиҳатдан кучли бўлганлиги сабабли маҳсулотини янгилаш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва рекламага зарур бўлган маблағни сарфлай оладилар.

## Монополия, унинг вужудга келиши ва турлари

Иқтисодиётда бозор механизмининг самарали амал қилиши ва рақобат муҳитининг таъминланиши монополиялар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва амал қилиш хусусиятларини кўриб чиқишни тақозо этади.

«Монополия» атамасининг келиб чиқиши бозорга оид тушунчалардан (яъни, грекча «монос» - ягона, битта ва «полео» - сотаман) таркиб топсада, бироқ унинг иқтисодий асослари аслида ишлаб чиқаришга бориб тақалади.

**Монополия** – иқтисодий фаолиятининг бирор соҳасида (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тижорат ва ҳ.к.) корхона ёки давлатнинг танҳо ҳукмронлигини ифодалайди.

Монополиялар бир қатор йўллар орқали келиб чиқади. Булар:

- Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши
- Капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви.
- Фан техника тараққиёти.
- Давлатнинг айрим фаолият соҳаларини қўллаб-қувватлаши.
- Ўзаро келишиш.

**Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йирик корхоналарда тўпланишини намоён этади.**

Ишлаб чиқариш тўпланишининг асосий сабаби бўлиб олинаётган фойда ҳажмининг кўпайиши ҳисобланади. Фойдани мунтазам равишда кўпайтириб бориш мақсадида тадбиркор олинган қўшимча маҳсулот (фойда)нинг бир қисмини капиталлаштиради, яъни унга қўшимча ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи сотиб олади. Бу эса баъзи бир корхоналарнинг ўсиши ҳамда ишлаб чиқариш миқёсларининг кенгайишига олиб келади. Шу билан бирга рақобат амалдаги капиталларнинг ихтиёрий ёки мажбурий бирлаштириш, марказлаштириш тенденсиясини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш тўпланишининг моддий асоси бўлиб капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви ҳисобланади.

**Капиталнинг тўпланиши – бу қўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш (капиталлаштириш) натижасида капитал ҳажмининг ошишидир.**

Бу жараён қуйидаги кўрсаткичлар орқали тавсифланади: корхонадаги ишловчилар сони, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, қайта ишланаётган хомашё миқдори, товар айланмаси ҳажми, фойда ҳажми.

Капиталнинг тўпланиши капиталнинг марказлашуви жараёни билан янада тўлдирилади. **Капиталнинг марказлашуви – бу бир капитал томонидан бошқа бирининг қўшиб олиниши ёки бир қанча мустақил капиталларнинг аксиядорлик жамияти шаклида ихтиёрий бирлашиши орқали капитал ҳажмининг ўсишидир.**

Ишлаб чиқаришнинг горизонтал ва вертикал тўпланиши фарқланади.

**Ишлаб чиқаришнинг горизонтал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётнинг маълум тармоғи доирасидаги корхона ва фирмаларнинг йириклашувидир.** У эркин рақобат даври, шунингдек, XX асрнинг бошларида ишлаб чиқариш тўпланишининг асосий шакли сифатида майдонга тушган эди.

**Ишлаб чиқаришнинг вертикал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётдаги бир неча ўзаро боғлиқ тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўпланишидир.** У илмий-техника инқилоби шароитларида кенг ривожланди.

Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ўз ривожининг маълум даражасида монополияларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ҳамда монополияларнинг пайдо бўлиши ўртасидаги ички алоқалар қуйидагиларда намоён бўлади:

1) тармоқларда бир неча йирик корхоналарнинг ҳукмрон мавқега эга бўлиши уларнинг бир-бири билан келишувига ҳамда монополистик бирлашмалар тузишига имкон яратади;

2) йирик корхоналар ўртасидаги рақобат жуда қалтис бўлиб, улар учун катта миқёсдаги йўқотишларга олиб келиши мумкин. Шунга кўра, рақобатни чеклаш, товарларга юқори нархлар белгилаш ва юқори фойда олиш учун йирик ишлаб чиқарувчиларнинг монополистик иттифоқларга бирлашиши лозим бўлади.

Монополия бир қатор турларда мавжуд бўлади.

Уларнинг келиб чиқиши ва шаклланиш йўлларига боғлиқлиги бўйича асосий турларини қараб чиқамиз:

**Табиий монополиялар** – иқтисодий фаолиятнинг техникавий ва технологик хусусиятлари тақозо қилиб, улар рақобатни қуллаш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган соҳаларни ўз ичига олади. Булар: Сув, энергия, газ таъминоти корхоналари; Темир юл транспорти; Ҳарбий-мудофаа мажмуаси корхоналари.

Табиий монополиялар объектив шарт-шароитларга кўра айрим соҳаларда ҳам қонуний тартибда вужудга келади ва амал қилади. Масалан, камёб эр ости бойликларни қазиб олишда, чой, узумнинг алоҳида навларини этиштиришда такрор ишлаб чиқарилмайдиган табиий ресурслар, жумладан алоҳида унумдор эр участкаларга эгалик ишлаб чиқарувчига монопол мавқеини таъминлайди.

Иқтисодий (сунъий) монополиялар – ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўпланиши ҳамда корхоналарнинг турли йўллар билан бирлашиши натижасида вужудга келади.

Иқтисодий монополияларга картел, синдикат, трест ва консернларни киритиш мумкин.

Картел – саноатнинг бир тармоғидаги бир нечта корхоналар уюшмаси бўлиб, қатнашчилар ишлаб чиқариш ва тижорат соҳасида тўлиқ хўжалик мустақиллигини сақлаб қолади. Улар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги улуши, сотиш нархлари, бозорларнинг тақсимланиши ва бошқа шу кабилар бўйича келишиб олади.

Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар (ОПЕК) ташкилоти – халқаро кўламдаги картелга мисол бўла олади. У 1960 йилда ташкил қилинган бўлиб, аъзо мамлакатлар (XX аср охирида 11 мамлакат) нефтни қазиб олиш ва экспорт қилиш соҳасида ягона сиёсат юритишга ҳаракат қилади.

Синдикат – бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар бирлашмаси бўлиб, қатнашчилар хўжалик юритишнинг моддий шарт-шароитларига мулкдорлик ҳуқуқини сақлаб қолади, улар провард маҳсулоти эса умумий мулк сифатида алоҳида ташкил қилинган муассаса томонидан сотилади.

Трест – тадбиркорларнинг бирликдаги мулки асосида ташкил қилиниб, унга кирувчи корхоналар ўзларининг ишлаб чиқариш ва тижорат соҳасидаги мустақиллигини йўқотади ҳамда ягона бошқарув тизимига бирлашади. Бунга “Ўзбекистон ҳаво йўллари” ДАК, умумий овқатланиши ва маиший хизмат корхоналарнинг шаҳар бирлашмалари, тармоқ вазирлик ва қўмиталари мисол бўла олади.

Консерн – формал мустақкил корхоналар иттифоқи бўлиб, унинг доирасида бош фирма барча қатнашчилар устидан молиявий назоратни ташкил қилади. Ҳозирги замон консерни – бу йирик кўп тармоқли мажмуа бўлиб, унга турли мамлакатларда жойлашган саноат, савдо, банк ва бошқа корхоналар киради. Консерн қатнашчиларни аксияларига эгалик қилувчи компания улар фаолиятига таъсир кўрсатиши сабабли “холдинг” (инглз. ҳолд – ушлаш,егаллаш) деб номланади.

Консориум – ҳамкорликда йирик тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун саноат, банк ва бошқа компанияларнинг вақтинчалик бирлашмасидир.

Монополия шароитида фирма нарх устидан сезиларли назоратни амалга оширади. У маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва демак, таклифнинг умумий ҳажми устидан назорат қилади ҳамда ўзига фойдали бозор нархини ўрнатишга ҳаракат қилади. Бунинг учун монополистда бир қатор имкониятлар мавжуд бўлади:

1) Монополист корхона ўз товарининг сотиш ҳажмини камайтириб, маҳсулотнинг сунъий тақчиллигини вужудга келтиради ва бу таклиф нархининг ўсишига олиб келади.

2) Мутлоқ монополия кичик ишлаб чиқарувчилардан товарларнинг катта партиясини масалан, қишлоқ хўжалик хом ашёсини олдиндан паст нархларда сотиб олиб уларнинг ортиқча захирасини вужудга келтиради. Монопол паст харид нархлари янада камайиши билан монопсония фойдаси шунга мос равишда ўсиб боради.

3) Бир вақтда монополист ва монопсонист ҳисбланган корхона “нархлар қайчиси” ёрдамида ўз даромадини кўпайтриб боради. Бунда гап монопол юқори ва монопол паст нархлар тўғрисида кетади. Жумладан, қайта ишлаш саноатидаги кўплаб корхоналар ўзларининг тайёр маҳсулотларига саноатнинг қайта ишлаш тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларидан бир неча баробар юқори нархни ўрнатади.

Монополист бирлашмалар бозордаги ҳукмрон мавқеини ушлаб туриш учун рақобатнинг мумкин бўлган барча усулларидан фойдаланади. Булар:

А) хўжалик – аутсайдер (монополистик бирлашмага кирмаган корхоналар) лар билан иқтисодий алоқаларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш;

Б) демпинг – рақибини синдириш мақсадида товарларини олдиндан “пасайтирилган” (харажатлар даражасида) нархларда сотиш;

В) монополияга кирмаган корхоналарга товарлар сотишни чеклаш (масалан, нефтни қайта ишлаш заводларига нефт етказиб беришни камайтириш);

Г) нархни тартибга солиш – монополист маҳсулотларининг кичик мулкдорларга сотиладиган нархини ошириб ва бир вақтда йирик корхоналар учун уни пасайтиради.

Д) Қонунчиликда тан олинмаган воситалар ёрдамида (ютиб юбориш ва қўшиб олиш мақсадида буюртма асосида жисмоний йўқотишгача бўлган) рақибини синдириш ва саноат жосуслиги.

Монополиянинг яна бир кенг тарқалган тури қонуний (легал) монополия ҳисобланади. Улар рақобат йўлида қонуний чеклашлар пайдо бўлиши натижасида қарор топади. Масалан, экспортни литсензиялаш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш, товар белгиларидан фойдаланиш ва патент тизимларининг мутлоқ ҳуқуқини таъминлашда давлат уларга тегишли имтиёзлар беради. Бундай монополиялар ҳуқуқий тақиқлашлардан ҳимояланади ва ёпиқ ҳисобланади.

Монополиянинг мавжуд бўлиш тармоққа кириш учун тўсиқларнинг мавжуд бўлишига сабаб бўлади. Иқтисодий, техник, ҳуқуқий ёки бошқа тўсиқлар янги рақобатчиларнинг тармоққа киришига йўл қўймайди. Тармоққа кириш учун тўсиқлар ҳар хил кўринишларни олади. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

а) Ишлаб чиқариш миқёси келтириб чиқарадиган тўсиқлар. Жумладан, молиявий тўсиқлар кўп ҳолатларда шунчалик катта бўладики бу тармоққа киришни тақиқлаш билан баробар. Масалан, йирик ишлаб чиқарувчи ҳисобланган автомобил саноатига кириш, янги технологияга асосланган зарур ускуналарни сотиб олиш жуда катта пул-капиталини талаб қилади.

б) Табиий монополиялар вужудга келтирадиган тўсиқлар. Бунинг мазмуни шундан иборатки, бир қанча тармоқларда рақобат мавжуд бўлмайди, уни амалга ошириш мумкин эмас. Ижтимоий фойдаланишдаги бундай тармоқ корхоналари табиий монополиялар дейилади. Табиий монополияларга электр, газ, сув таъминоти ва алоқа корхоналари мисол бўла олади. Давлат бундай монополиялар фаолиятини тартибга солишда ўз ҳуқуқини сақлаб қолади. Агар тармоқлар давлат мулкчилигига асосланган бўлса, бундай ижтимоий фойдаланишдаги корхоналар тартибга солинадиган ёки давлат томонидан тузилган монополиялар дейилади.

в) Патент ва литсензиялар каби қонуний тўсиқлар. Давлат патент ва литсензиялар бериб тармоққа кириш учун қонуний тўсиқлар ҳам яратади. Патентлар унинг эгасига маҳсулотини тўлиқ назорат қилиш ҳуқуқини беради. Тармоққа кириш ёки фаолият тури билан шуғулланиш давлат томонидан литсензия бериш йўли билан чекланиши мумкин. Масалан, давлат миқёсида радио ва телевизион эшиттиришларга тегишли вазирлик (маҳкама) литсензия беради.

г) Хом ашёнинг муҳим турларига хусусий мулкчилик монополиялар томонидан потенсиал рақобатчилар учун самарали тўсиқ яратиш воситаси сифатида фойдаланиши мумкин.

д) Ғирром рақобат. Фирмалар ўз рақибларининг тармоққа кириб келишини тажовузкорона ва шафқатсиз бартараф қилиши мумкин. Банк ва ресурсларни этказиб берувчиларни материал ва кредит беришдан воз кечириш, этакчи мутахассисларни оғдириб олиш, нархни кескин тушириш ғирром рақобатнинг оддий усулларидир.

**Олигополия** – тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва ҳукмронлик қилишидир. Бу олигополиянинг энг муҳим белгисидир. Қайси товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

Олигополистик тармоқ бир хил ёки табақалашган маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Кўпчилик саноат маҳсулотлари: пўлат, мис, алюминий, қўрғошин, темир ва шу кабилар – физик маънода бир турдаги маҳсулотлар ҳисобланади ва

олигополия шароитида ишлаб чиқарилади. Истеъмолчилик товарлари: автомобиллар, ювувчи воситалар, сигаретлар, маиший электр буюмлари ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар табақалашган олигополия ҳисобланади.

Олигополия шароитида корхоналар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг нарх сиёсатини мустақил ўзгартиришга ботина олмайди.

Унча кўп бўлмаган фирмаларнинг умумий ўзаро боғлиқликда жойла-шиши яширинча келишишга қулайлик туғдиради. Яширинча келишиш нархларни қайд қилиш, бозорни бўлиш ёки тақсимлаш ва бошқача йўллар билан ўзлари ўртасидаги рақобатни чеклашдан иборат. Яширинча келишиш бир қатор шаклларда бўлиши мумкин. Унинг энг оддий шакли картел битими ҳисобланади. Картел битимига кирган фирмалар нархлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини келишиб олади. Келишилган нархни ушлаб туриш мумкин бўлиши учун ишлаб чиқариш ҳажми тартибга солиниши, яъни бозорлар бўлинган бўлиши зарур.

Нархларни белгилашдаги раҳнамолик яширинча келишишда ҳам ўз ўрнини тутадиган норасмий восита ҳисобланади. Бунда тармоқдаги катта ёки анча самарали фирма нархни ўзгартириши, бошқа фирмалар эса унинг орқасидан эргашиши мумкин.

Олигополистлар нархсиз рақобатга асосий ўрин беради, чунки биринчидан, рақобатчиларга реклама ва маҳсулотни ўзгартириш анча мураккаб, иккинчидан, олигополистлар камдан-кам ҳолда нархсиз рақобатни молиялаштириш учун этарли молиявий ресурсларга эга бўлади.

Биз қараб чиққан рақобатнинг тўртта шаклининг ҳар бири миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соф ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади.

Шу сабабли эркин рақобатли бозорнинг характерли белгилари билан, соф монополия, монополистик рақобат ва олигополиянинг хусусиятлари ўртасидаги фарқларни кўрсатиб бериш фойдали. Бундай таққослашни энгиллаштириш учун бозорнинг кейинги учта моделини билдириш учун «такомиллашмаган» ёки «номукаммал» рақобат деган умумий номдан фойдаланилади.

Рақобатнинг қараб чиқилган тўртта шаклидан ташқари, кўплаб бозор тузилмалари ҳам мавжуд бўлади. Жумладан, булар монопсония, дуополия, икки томонлама монополия.

**Монопсония** бозорда фақат битта истеъмолчи мавжуд бўлганда вужудга келади. Масалан, қурол-аслаҳа ишлаб чиқарувчи уни ягона истеъмолчи – давлатдир. Дуополия – бозорда фақат иккита монополия фаолият қилган шароитда кузатилади. Икки томонлама монополия бозорда монополист ишлаб чиқарувчи ва монополист истеъмолчи тўқнаш келганда ўз ўрнига эга бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш бизга нисбатан анча олдин бошланган мамлакатларда рақобат муносабатларини ривожлантириш анча мураккаб ва узоқ даврни оладиган жараён эканлигини кўрсатади.

Агар ғарб мамлакатлари иқтисодиётида рақобат бозор хўжалигининг ажралмас қисми (хусусияти) сифатида табиий пайдо бўлса, ўнлаб йиллар давомида маъмурий буйруқбозлик тартиби ҳукмрон бўлган, рақобатни ва бозорнинг бошқа белгиларини тан олмаган мамлакатларда кўп нарсани «жорий қилиш» ва ҳатто мажбуран қабул қилишга тўғри келади. Шу муносабат билан иқтисодиётимизнинг ҳозирги ҳолатида рақобат муносабатларини ривожлантиришнинг мавжуд реал имкониятларини ҳисобга олиш муҳим рол ўйнайди.

## 1.11. Монополияларнинг афзалликлари ва ижтимоий –иқтисодий оқибатлари

Монополиялар тўғрисида қайд қилинганларни ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, унда тузилманинг ижобий ва салбий жиҳатлари мужассамлашган. Монополиянинг ижобий томонлари сифатида қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:
Маҳсулоти одатда, юқори сифат билан ажралиб туради;

- Йирик кўлами ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва ресурсларни тежаш имконини беради;
- Ишлаб чиқаришни фан-техника тараққиёти ютуқлари асосида ривожлантириш учун катта молиявий маблағларга ва иқтисодий имкониятларга эга бўлади.

Монополиянинг **салбий томони** сифатида қуйидаги жихатларни кўрсатиш мумкин:

**1) ресурсларнинг оқилона тақсимланмаслиги.** Бу ҳолат монополияларнинг юқори фойда кетидан қувиб, сунъий равишда ишлаб чиқаришни чеклаш воситасида нархларни кўтариши, маҳсулотларнинг у қадар яхши бўлмаган турларини, паст техникавий даражасини, паст сифати ҳамда сотишнинг ёмон шароитларини вужудга келтириши орқали намоён бўлади. Натижада, рақобат шароитида амал қилувчи иқтисодиёт самарадорлигини бозор воситасида тартибга солиш механизми ишдан чиқади.

Монополиялар билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолиятлар эркин ҳамда оқилона танлов имкониятидан маҳрум бўлади, монополияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланмаган шарт-шароит ва нархлари тазйиқига чидай олмайди, иш фаоллигини пасайтириб, баъзи ҳолларда хонавайрон бўладилар. Оқибатда ишлаб чиқариш қисқариб, ишсизлик ва инфлясия ўсади, хўжаликнинг издан чиқиши кучаяди. Жамият бойлиги ресурсларнинг оқилона рақобатли-бозор тақсимоти шароитида қўлга киритилиши мумкин бўлган миқдорига қараганда камайиб кетади;

**2) даромадлардаги тенгсизликнинг кучайиши.** Бу ҳолат ҳам нархлар-нинг монопол тарзда оширилиши (пасайтирилиши) ҳамда юқори фойда олиниши билан боғлиқ бўлиб, бу аҳоли қолган қисми даромадларининг нисбатан камайишига олиб келади;

**3) иқтисодий турғунлик ва фан-техника тараққиётининг секинлашуви.** Бундай ҳолатнинг вужудга келиши монополистларнинг рақобатчилар босимини сезмасликлари ҳамда аксарият ҳолларда юқори фойдани қўшимча уринишларсиз ўзларининг бозордаги хукмронликлари ҳисобига олишлари мумкин. Бу эса уларни ишлаб чиқаришни ратсионаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш имкониятларини қидириш, маҳсулот сифатини ошириш, унинг ассортиментини кенгайтириш, ФТТни ривожлантириш ва харидорлар манфаатлари тўғрисида қайғуриш каби хатти-ҳаракатлардан қайтаради;

**4) иқтисодиётда демократик ҳаракатларнинг тўсиб қўйилиши.** Монополистлар иқтисодиётдаги эркин ва ҳалол рақобатга тўсқинлик қилиб, нисбатан кучсиз бўлган корхоналарни ўзларига бўйсундиришлари, жамиятга ўз ишчиларининг меҳнатига пасайтирилган миқдорда ҳақ тўлаш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқариш, ўта даражада ошириб юборилган сотиш нархлари (ёки пасайтирилган харид нархлари), ўз маҳсулотини истеъмол қилишга билвосита усул орқали мажбурлаш каби ўзларининг камситувчи шартларини кўндаланг қўйишлари мумкин.

Бундан кўринадики, монополистик фаолият иқтисодий ривожланишига анча жиддий таъсир кўрсатиши, тараққиёт йўлига ғов бўлиши ҳам мумкин.

## 2.4-Мавзу: Антимонопол қонунчилик ва табиий монополияларни тартибга солиш

**Режа:**

**2.4.1. Антимонопол қонунчиликнинг зарурияти ва келиб чиқиши.**
**2.4.2. Ўзбекистонда антимонопол қонунчилик**
**2.4.3. Табиий монополияларни тартибга солиш йўллари.**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: .** Антимонопол, антимонопол қонунчилик, табиий монополия

### 2.4.1. Антимонопол қонунчиликнинг зарурияти ва келиб чиқиши.

Монополистлар иқтисодиётдаги эркин ва ҳалол рақобатга тўсқинлик қилиб, нисбатан кучсиз бўлган корхоналарни ўзларига бўйсундиришлари, жамиятга ўз ишчиларининг меҳнатига пасайтирилган миқдорда ҳақ тўлаш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқариш, ўта даражада ошириб юборилган сотиш нархлари (ёки пасайтирилган харид нархлари), ўз маҳсулотини истеъмол қилишга билвосита усул орқали мажбурлаш каби ўзларининг камситувчи шартларини кўндаланг қўйишлари мумкин. Бундан кўринадики, монополистик фаолият иқтисодий ривожланишига анча жиддий таъсир кўрсатиши, тараққиёт йўлига ғов бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра, бугунги кунда деярли барча мамлакатлар иқтисодиётида монополияларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари қўлланилиб, бу монополияга қарши сиёсатни ташкил этади.

Давлатнинг антимонопол сиёсати – монополиялар фаолиятини чеклаш, тартибга солиш ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришга қаратилади.

Давлатнинг монополияга қарши сиёсати асосини монополияга қарши қонунчилик ташкил этиб, у турли мамлакатларда турли даражада ривожланган бўлади.

Иқтисодиётда монополлашув принсиплари кучайиб бориши билан рақобат чекланади, шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Бу эса давлатнинг монополияларга қарши сиёсатида ўз аксини топади. Ҳар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси унинг миқёси ва характерига қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усулларини қарор топтириш кабиларга қаратилади. Булар асосан антимонопол қонунчилик ёрдамида ҳал қилинади. Жаҳон тажрибасида бундай қонунчилик 120 йилдан ортиқ давр давомида ривожланиб келади. Жумладан, у биринчи бўлиб, АҚШда монополиялар гуркираб ташкил топа бошлаган даврда пайдо бўлган. Мазкур қонунчиликнинг АҚШдаги асосий битимлари қуйидагилар:

Картел битимлари ноқонунийлиги тўғрисидаги Шерман қонуни (1890й.)

- Компаниялар қўшилиши устидан назорат қилиш ҳақидаги олий суд қарори (1904 й.)
- Савдо амалиётида камситишни тақиқлаш тўғрисидаги Клейтон қонуни (1914 й.)
- Нархдаги камситишни тақиқловчи Робинсон Петмен қонуни (1936 й.)
- Компаниялар қўшилиши устидан назорат қилиш тўғрисидаги Селлер – Кефовер қонуни (1950 й.)

Ҳозирги даврда, эркин рақобатни ҳимоя қилувчи қонунчилик битимлари Ғарбий эвропанинг барча мамлакатларида мавжуд. Уларда мазкур қонунчилик икки йўналишга эга: нархлар ва компаниялар қўшилиши устидан назорат қилиш.

Антимонопол тартибга солиш такомиллашмаган ва муайян харажатлар билан бирга борсада, улар бозор иқтисодиётида монополистик тамойилларни чеклашга олиб келади.

Монополияларга қарши қонунчилик ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбирлар бошқа мамлакатларда ҳам шароит тақозо этган шаклларда амал қилади.

Одатда АҚШдаги монополияга қарши қонунчилик нисбатан илгарироқ ва мукаммалроқ ишлаб чиқилган, деб ҳисобланади. У қуйидаги учта қонунчилик ҳужжатларига асосланади:

1. Шерман қонуни (1890 йилда қабул қилинган). Бу қонун савдони яширин монополлаштириш, у ёки бу тармоқдаги якка назоратни қўлга олиш, нархлар бўйича келишувларни таъқиқлайди.

2. Клейтон қонуни (1914 йилда қабул қилинган). Бу қонун маҳсулот сотиш соҳасидаги чекловчи фаолиятларни, нарх бўйича камситиш, маълум кўринишдаги бирлашиб кетишлар, ўзаро боғланиб кетувчи директоратлар ва бошқаларни тақиқлайди.

3. Робинсон-Петмен қонуни (1936 йилда қабул қилинган). Бу қонун савдо соҳасидаги чекловчи фаолиятлар, «нархлар қайчиси», нарх бўйича камситишлар ва бошқаларни тақиқлайди.

4. Унлер-Ли қонуни (1938 йил) Савдо бўйича федерал комиссияга “савдода чалғитишга олиб келадиган ҳаракатларни” назорат қилиш бўйича қўшимча мажбурият қўйди. Натижада комиссия халқни реклама ва ёлғин маълумот натижасида жабр кўришдан ҳимоя қилиш вазифасини олди.

5. 1950 йилда Клейтон қонунига Селлер-Кефовер тузатиши киритилди. Унда ноқонуний бирлашиб кетишлар тушунчасига аниқлик киритилиб, активларни сотиб олиш орқали бирлашиб кетиш тақиқланди. Агар Клейтон қонуни йирик фирмаларнинг горизонтал равишдаги бирлашиб кетишларига тўсиқ қўйган бўлса, Селлер-Кефовер тузатиши вертикал равишдаги бирлашиб кетишларга чеклов киритди.

### 2.4.2. Ўзбекистонда антимонопол қонунчилик

Рақобатнинг амал қилиши маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишини тақозо қилади. Бу шарт-шароитлар фақат бозор муносабатлари қарор топган муҳитда бўлиши мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айни вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини билдиради.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда рақобатчилик муҳити узоқ давр давомида, ўз-ўзидан, эволюсион йўл билан вужудга келган. Бу аста-секин эркин рақобат муҳитини келтириб чиқарган.

Буйруқли иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда, шу жумладан, бизнинг республикада соғлом рақобатга шарт-шароит ҳозирлаш, иқтисодий субъектлар мустақиллигини кенгайтириш орқали уларни рақобатчиликка жалб қилиш иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Иқтисодиётни эркинлаштирилиши ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди».

Рақобат бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир.

Ўзбекистонда давлатнинг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчи-ликнинг бошқа шаклларини вужудга келтириш асосий ўрин тутади. Хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига топширилса, иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради. Шундай қилиб, Ўзбекистонда соғлом рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, бу рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат, турли хўжалик шаклларининг мавжудлигига асосланган ва иложи борича эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу эрда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало, мустақил эркин товар ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишини тақозо қилади. Чунки рақобатнинг асосий шарти алоҳидалашган, мулкий масъулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорлик таҳликасини зиммасига олувчи эркин хўжалик субъектларининг мавжудлиги, уларнинг бозор орқали алоқа қилишидир.

Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидланганидек, иқтисодиётни эркинлаштириш – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлан-тириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни англатади.

Ўзбекистонда «Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун (1992 йил, август) га кўра, бозорда атайлаб тақчиллик ҳосил қилиш, нархларни монополлаштириш, рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш, рақобатнинг ғирром усулларини қўллаш ман этилади. Қонунни бузувчилар рақибига этказган зарарни қоплашлари, жарима тўлашлари, ғирромлик билан олган фойдадан маҳрум этилишлари шарт.

Монополияга қарши фаол чораларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги тизимида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бош бошқармаси тузилди. Бошқармага рўйхатга киритилган монополия мавқеидаги корхоналар маҳсулоти бўйича нархларни ва рентабилликни тартибга солиб туриш ҳуқуқи берилди.

Республикада монопол мавқеига эга бўлган корхоналарни Давлат Реестрига киритиш учун мезонлар белгилашда жаҳон тажрибаси ҳамда ўтиш даврининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинади.

Иқтисодиёт ва монополияга қарши амалиёт соҳасидаги аҳамиятли ўзгаришлар тегишли қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 27 декабрда «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун монополистик фаолият ва ғирром рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб бериб, республиканинг товар бозорларида рақобат муносабатларини шакллантириш ва самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, қонунда асосан иккита муҳим йўналиш, яъни биринчидан, монополияга қарши тарибга солишнинг принсипиал янги кўриниши бўлиб, у мавжуд ва сақланиб қолган монополистлар томонидан бозорда ҳукмронлик мавқеини суиистеъмол қилишнинг олдини олиш ва унга барҳам беришни кўзда тутса, иккинчидан, энг асосий муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланган монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш эканлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун монополияларнинг амал қилишини тақиқламай, балки бозорда уларнинг хукмронлиги оқибатида келиб чиқувчи салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган. Қонунда кўзда тутилган тақиқлар ҳам ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун, ҳам Ўзбекистон ва бошқа ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари учун хос бўлган монополистлар хатти-ҳаракатига қарши ўрнатилган.

*2015 yil 9 oy yakunlari bo'yicha O'zbekistonda Monopol korxonalar Davlat Reestrida 127 ta korxona va 122 turdagi mahsulot va xizmatlar kiritilgan*

*Agar korxona ishlab chiqargan muayyan mahsulotlar bozordagi shu turdagi mahsulotning 35 foizidan ortiq bo'lsa, bu korxona monopolistik korxona sifatida Davlat Reestriga kiritiladi.*

Қуйидаги ҳатти-ҳаракатлар монополияга қарши қонунчиликка зид ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъект томонидан бозордаги устунлик ҳолатининг суиистеъмол қилиниши (5-модда);
- хўжалик субъектларининг рақобатни чеклашга қаратилган битимлари (ўзаро келишилган хатти-ҳаракатлари) (6-модда);
- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг рақобатни чеклашга йўналтирилган хатти-ҳаракатлари (7-модда);
- инсофсиз рақобат (8-модда).

Жумладан, Республикада агар корхона ишлаб чиқарган муайян маҳсулотлар бозордаги шу турдаги маҳсулотнинг 35 фоизидан ортиқ бўлса, бу корхона монополистик корхона сифатида Давлат Реестрига киритилади. Озиқ-овқат товарлари гуруҳи учун бундай мезон даражаси 20 фоиз деб белгиланган.

Республикада монополиялар рўйхатига кирган корхона (тармоқ) ларнинг бозордаги мавқеини тартибга солишда давлат бир қатор усуллардан фойдаланади. Бу усуллардан иккитасини ажратиб кўрсатиш лозим:

1. Монопол мавқеидаги корхоналар маҳсулотларига нархларнинг энг юқори даражасини ёки рентабилликнинг чегарасини белгилаб қўйиш.

2. Ўз монопол мавқеини суиистеъмол қилган монопо-листик бирлашмаларни бўлиб ташлаш ёки майдалаштириш. Бу усул Вазирлар Маҳкамасининг (1994 йил 18 июлдаги 366 сонли) қарори билан тасдиқланган «Объектларнинг хўжалик юритувчи жамиятлар ва ширкатлар таркибидан чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида амалга оширилади. Республикада фақат 1994-1996 йиллар давомида монопол мавқеидаги аксиядорлар жамиятлари, ижара ва бошқа жамоа корхоналар таркибидан 14972 объект чиқарилиб, мустақил корхоналарга айлантирилган бўлса, 2000 йилда хусусийлаштирилган объектлар базасида 154 очиқ турдаги аксионерлик жамиятлари ташкил қилинган. 2002 йилда 1912 та корхона ва объект хусусийлаштирилиб уларнинг,65, 5 фоизи хусусий мулк улушига тўғри келган. 2010 йилда хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони 387 тани ташкил қилган бўлиб, улардан олинган маблағлар 129862,7 млн сўмга этган. 2012 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 83та корхона ва объектдан ҳамда 32052,8 млн. сўмдан иборат бўлган. 2015 йил 9 ой якунлари бўйича Ўзбекистонда Монопол корхоналар Давлат Реестрида 127 та монопол корхона рўйхатга олинган бўлиб, улар 122 турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги»

*O'zbekistonda monopol korxonalar Davlar Reestri yuritiladi.*

(1996 йил, апрел) қонуни асосида ғирром рақобатга, шу жумладан республика бозорларига белгиланган талабларга жавоб бермайдиган товарларни чиқаришга йўл қўймайдиган механизмни яратишга ҳам алоҳида эътибор берилади.

**2.4.1-жадвал**

**Ўзбекистонда монопол корхоналар фаолияти**

| № | Tarmoqlar | Umumiy soni | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Monopol-korxonalar | | | Monopo… t |
| | | 2013 | 2014 | 2015/ I-III | 2013 |
| I | Don | 1 | 1 | 1 | 2 |
| II | Oziq-ovqat mahsulotlari | 6 | 6 | 6 | 3 |
| III | Ko'mir | 3 | 3 | 3 | 2 |
| IV | Neft-gaz sanoati | 11 | 11 | 11 | 5 |
| V | Kimyo sanoati | 8 | 9 | 9 | 20 |
| VI | Mashinasozlik va metallurgiya | 13 | 12 | 11 | 12 |
| VII | Elektrotexnika sanoati | 4 | 2 | 2 | 4 |
| VIII | Qurilish materiallari sanoati | 11 | 11 | 11 | 9 |
| IX | Xizmatlar | 65 | 65 | 61 | 63 |
| X | Boshqa tarmoqlar | 8 | 8 | 12 | 12 |
| | **Jami** | **130** | **128** | **127** | **132** |

*O'zbekistonda barcha monopoliyalar faoliyati ustidan nazorat qiluvchi organ bu – O'zbekiston Respublikasi Monopoliyadan chiqarish, raqobat va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat qo'mitasi hisoblanadi.*

Рақобатчилик муҳитини шакллантириш мақсадида ва давлатга қарашли бўлмаган секторни қўллаб-қувватлаш учун тадбиркорликни ривожлантириш фонди, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фонди ташкил этилди. Рақобатчилик муҳитини шакллантиришга кўплаб халқаро ташкилотлар ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан ЮНИДО ёрдамида бир нечта бизнес инкубаторлар ташкил этилди. Эвропа жамияти Комиссияси Амалий алоқалар марказини,

Германия техникавий кўмаклашув жамияти кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш марказини ташкил этди.Республикада рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда амалга оширилаётган барча ишлар бозор иқтисодиётини таркиб топтиришга хизмат қилади.

### 2.4.3. Табиий монополияларни тартибга солиш йўллари.

Табиий монополиялар – иқтисодий фаолиятнинг техникавий ва технологик хусусиятлари тақозо қилиб, улар рақобатни қуллаш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган соҳаларни ўз ичига олади. Булар: Сув, энергия, газ таъминоти корхоналари; Темир юл транспорти; Ҳарбий-мудофаа мажмуаси корхоналари.

Табиий монополиялар объектив шарт-шароитларга кўра айрим соҳаларда ҳам қонуний тартибда вужудга келади ва амал қилади. Масалан, камёб эр ости бойликларни қазиб олишда, чой, узумнинг алоҳида навларини этиштиришда такрор ишлаб чиқарилмайдиган табиий ресурслар, жумладан алоҳида унумдор эр участкаларга эгалик ишлаб чиқарувчига монопол мавқеини таъминлайди.

Давлат табиий монополияларни тартибга солиш мақсадида уларнинг маҳсулот (хизмат) ларига нархлар ва тарифлар даражасини, шунингдек таклиф этиладиган товарлар ва хизматлар турига доир асосий кўрсаткичларни назорат қилади.

Давлатнинг табиий монополияларни тартибга солиш усулларини қўллашидан мақсад қуйидагилардан иборат:

- табиий монополияларнинг содир этиши мумкин бўлган монопол ҳолатини суиистеъмол қилишини олдини олиш;
- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- жамият манфаатлари йўлида монопол тармоқ ишлаб чиқаришининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш.

Ушбу мақсадларга эришиш иқтисодиётда жорий этилган тартибга солиш усулларининг қанчалик самарали ишлашини ҳамда ҳар қандай давлатда қабул қилинган назорат қилиш механизмларининг оптимал ташкил этилганлигига боғлиқ.

Ўзбекистон иқтисодиётида табиий монополия субъектлари фаолияти устидан назорат қилишнинг бир қатор усулларини қўлланилади. Уларнинг ҳуқуқий асоси ва тартиби Ўзбекистон Республикаси «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида белгиланган бўлиб, «табиий монополия субъектлари фаолияти устидан давлат назорати монополияга қарши давлат органи томонидан амалга оширилади».

Ўзбекистонда барча монополиялар фаолияти устидан назорат қилувчи орган бу – Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳисобланади.

Монополияга қарши давлат органлари табиий монополияларнинг қуйидаги фаолиятлари устидан назорат қилади:

1) табиий монополия субъекти асосий воситаларга нисбатан мулк ҳуқуқини ёки фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритадиган битимлар устидан (агар бундай асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти ўз капитали қийматининг 10 фоиздан ортиқ бўлса);

2) табиий монополия субъекти асосий воситаларнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқини ёхуд уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини хўжалик

юритувчи бошқа субъектга ўтказадиган битимлар устидан (агар бундай асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти ўз капитали қийматининг 10 фоиздан ортиқ бўлса);

3) истеъмолчиларга реализатсия қилинадиган товарлар ҳажми бўйича шартномаларга риоя этилиши устидан;

4) товарлар нархини чиқариш ҳамда нархлар (тарифлар)ни қўллаш тартибига риоя этиш устидан;

5) табиий монополия субъектларининг ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши устидан.

Назоратнинг бошқа бир хил усули – бу табиий монополия субъектларининг ҳар бир қиладиган айрим хатти-ҳаракатлари учун тегишли рухсат олиш йўли билан амалга оширилиб турилади. Яъни, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, агар табиий монополия субъектлари ўзининг ўн фоиздан ортиқ баланс қийматига эга бўлган асосий воситаларини тасарруф этиш юзасидан тузиладиган битимлари, ёхуд уларни эгалик қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари учун олдиндан монополияга қарши давлат органига тегишли ахборот ҳамда бундай ҳаракатларни амалга оширишга розилик сўраб илтимоснома тақдим этиши шарт, деб белгилаб қўйилган.

Агар бундай ҳаракатлар монополияга қарши давлат органи томонидан мувофиқ эмас деб топилса, рад этилиши ҳам қонунда ўз аксини топган.Бундай назоратнинг ўрнатилишидан мақсад, товар бозорларидаги компаниялар монопол мавқеининг янада ошиб кетиши, мутлақ ҳукмронлигига олиб келиши, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларига зиён келтириши хавфини кучайишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётида табиий монополия субъектларига нисбатан ўрнатилган бундай назорат усуллари жаҳон амалиётига мос келади ва улар табиий монополия субъектларининг ўз устун мавқеини суиистеъмол қилишларини олдини олишга, белгиланган нархларни асоссиз оширишларини олдини олишга, истеъмолчи манфаатларига мос равишда сифатли хизмат қилишга, товар бозорларидаги уларнинг устун мавқени қаттиқ бошқариб туришга қаратилган.

## 2.5-Мавзу: Иш ҳақининг шаклланиши ва амал қилиши

**Режа:**

**2.5.1. Яратилган маҳсулот ва даромадларнинг тақсимланиш тамойиллари**
**2.5.2. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни**
**2.5.3. Иш ҳақини ташкил этиш шакллари ва тизимлари**
**2.5.4. Меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва касаба уюшмаларининг роли**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Такомиллашган технология, иш ҳақи, меҳнат муносабатлари, меҳнат сифати, касаба уюшмаси.

**2.5.1. Яратилган маҳсулот ва даромадларнинг тақсимланиш тамойиллари.** Ҳар куни қарийб 143 миллионга яқин Американиклар ишга борадилар. Биз минглаб турли ҳил корхоналарда турлича касбларда фаолият кўрсатамиз ва турли миқдордаги иш- ҳақи оламиз. Бизнинг соатбай ёки ойлик маошларимизни қандай белгиланади? Нима сабабдан этакчи олий лигадаги бейсбол ўйинчиси йилига $15

миллион ёки ундан кўпроқ пул топади-ю, ваҳоланки, оддий мактаб ўқитувчисининг йиллик даромати атиги $50000 ни ташкил этади. Нима учун муҳандислик ва бухгалтерия ҳисоб йўналишини тамомлаган талабаларнинг бошланғич ойлик маошлари журналистика ва жамиятшунослик йўналишини тамомларникидан юқорироқ?

Ишчи кучига бўлган талабни белгиловчи асосий омиллар намоён бўлгач, энди бу саволларга жавоб бериш мақсадида ишчи кучига бўлган таклифни муҳокама қиламиз. Умуман олганда, ҳар бир касбда йиллик ёки ойлик маошларни белгилашда ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўзаро таъсирга эга ҳисобланади. Биргаликда, ўша ишчи ва хизматчиларга тўланадиган иш-ҳақилар Америка ресурс таъминотчиларига тўланадиган барча даромaтларнинг 71 фоизини ташкил этади.

Белгиланган тартибдаги иш ҳақлар корхона ёки бирор муассаса бошлиқларига ишчи кучи учун белгилаган нархлар ҳисобланади. Иш ҳақлар нафақат бевосита накд пул тўловлари, ойлик маошлар, мукофотлар, воситачилик ҳақи ва муаллифлик гонорарини ўз ичига олади, балки пуллик таътиллар, соғлиқни сақлаш суғурталари ва нафақалар каби қўшимча имтиёзларни ҳам қамраб олади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, иш ҳақи ибораси соатбай асосда ҳисобланиши мумкин бўлган барча тўлов ва фойдаларни англатади.

Бу бизга тариф ставкаси меҳнат хизматларининг ҳар бир соати учун тўланадиган нарх ҳисобланишини ёдга солади. Шунингдек, келинг энди тариф ставкаси билан меҳнат даромади орасидаги фарқни аниқлаб олайлик. Меҳнат даромади ишланган соат миқдорини соатбай тариф ставкасига кўпайтириш орқали топилади. Яна, бундан ташқари, номинал иш ҳақи билан реал иш ҳақи орасидаги тафавутнини аниқлаб олиш зарур. Номинал иш ҳақи бир йил, бир соат ёки бир кунда олинадиган пул маглағи миқдори ҳисобланади. Реал иш ҳақи эса ишчи номинал иш ҳақига сотиб олиниши мумкин бўлган товар ва хизмат турларининг миқдори ҳисобланади; реал иш ҳақи номинал иш ҳақининг “сотиб олиш имконият”ини кўрсатади.

Сизнинг реал иш ҳақингиз номинал иш ҳақи ва сиз ҳарид қиладиган товар ва хизматларнинг нархларига боғлиқдир. Айтайлик, маълум йил мобайнида номинал иш ҳақингиз 5 фоизга кўтарилди, аммо айни шу йили нархлар даражаси 3 фоизга ошди. Унда сизнинг реал иш ҳақингиз 2 (=5%-3%) фоизга кўтарилган ҳисобланади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, нархларнинг умумий даражаси ўзгармай қолаверади. Яъни, биз фақат реал иш ҳақиларни муҳокама қиламиз[62].

Иш ҳақининг мазмунини тўғри тушуниб олиш учун энг аввало яратилган миллий маҳсулотнинг тақсимланиш тартиби тўғрисида тасаввурга эга бўлиш лозим. Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (товар ва хизматларнинг) тақсимланиш тамойиллари бўйича турлича назариялар мавжуд. Бозор иқтисодиётига доир адабиётларнинг кўпчилигида «уч омил» деб номланувчи назария кенг тарқалган. Бу назариянинг асосчиларидан бири француз олими Ж.Б.Сей **«ишлаб чиқаришнинг уч омили»** деган ғояни илгари суриб, унда товарларни ишлаб чиқаришда меҳнат, эр ва капитал баб-баравар қатнашади, улар ҳамма даромадлар манбаидир ва бинобарин даромадлар ҳам шу омиллар ўртасида тақсимланади, деб кўрсатади. Унинг бу ғояси америкалик иқтисодчи олим Ж.Б.Кларкнинг **қўшилган омил (сўнгги қўшилган капитал ёки ишчи кучи)**

[62] Economics : principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. 245 b

**унумдорлиги** деган ғоясига асос бўлиб хизмат қилади. Кларк ўзининг «Бойликларнинг тақсимланиши» номли асарида яратилган бойлик учала омил ўртасида уларнинг ҳар бири яратган маҳсулот миқдорига (яъни унумдорлигига) қараб тақсимланади, деб кўрсатди.

Сей ва Кларк ғояларининг ижобий томони қуйидагилардан иборат:

а) капитал, ер ва ишчи кучи (жонли меҳнат)нинг ҳар учаласи товар ёки хизматнинг нафлилигини яратишда қатнашиши кўрсатилади;

б) яратилган нафлилик миқдори билан бу учала омилнинг миқдори ва унумдорлиги ўртасида боғлиқлик мавжудлиги, агар бу учала омил бир-бирига мос равишда миқдор ва сифат жиҳатидан ошса, товарлар ва хизматлар ҳажми ҳам кўпайиши асосланади.

Аммо бу ғояларнинг камчилиги ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитига тўғри келмайди.

1. Сей ва Кларк иқтисодиёт назарияси ҳали этарли даражада ривожланмаган даврда яшаб, ижод этганликлари учун, товар ва хизматларда гавдаланган меҳнатнинг икки ёқлама тавсифини ва ундан келиб чиқувчи товарнинг икки хил хусусиятини тушунмаганликлари туфайли, капитал ва эр товар нафлилигини яратишда пассив равишда қатнашсада, қиймат яратмасликларини, улар фақат эскиришига тенг, яъни амортизатсия ажратмаларига тенг қийматни янги товарга жонли меҳнат таъсирида ўтказишини, янги қиймат эса фақат жонли меҳнат томонидан яратилишини кўрсатиб беролмаганлар.

2. Кларк томонидан яратилган қўшилган меҳнат унумдорлигининг камайиб бориш қонуни турли омилларнинг бир-бирига мослиги таъминланмаган, кўр-кўрона харажатлар ошириб борилган ҳамда илмий-техника тараққиёти мутлақо тўхтаб қолган даврга (ҳолатга) мос келиб, ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти шароитига тўғри келмайди.

3. Сей ва Кларк айтганларидек, ҳозирги даврда яратилган бойлик, тўғрироғи миллий маҳсулотнинг ҳаммаси бу учала омилнинг миқдори ва унумдорлигига қараб тақсимланмайди, балки унинг амортизатсия ажратмалари, марказлашган фондлар ташкил қилингандан қолган қисми шу омилларга қараб унинг эгалари ўртасида тақсимланади.

Сей ва Кларклардан ташқари айрим оқимлар, масалан лассалчилар меҳнат ҳамма бойликнинг ва маданиятнинг манбаидир, шунинг учун ҳамма даромад жамият аъзолари ўртасида тенг тақсимланиши зарур, деб кўрсатадилар. Лассалчилар, биринчидан, бойлик фақатгина меҳнатнинг натижаси бўлмасдан, уни яратишда эр (табиат ресурслари) ва капитал ҳам қатнашишини, яъни унинг нафлилиги ҳар учала омил натижаси эканлигини унутдилар. Иккинчидан, уларнинг яратилган маҳсулотни барча жамият аъзолари ўртасида тенг тақсимлаш зарур деган ғоялари мутлақо нотўғри бўлиб, бундай ҳолатда маҳсулотни кўпайтиришга ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳеч қандай қизиқиш бўлмаслиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Кейинчалик собиқ сотсиалистик мамлакатларда, жумладан собиқ Иттифоқда маҳсулот ва даромадлар давлат қўлида бўлиб, меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимланади деган ғоя ҳукмрон бўлди. Лекин унинг талаблари бажарилмади. Давлат, партия ва хўжалик раҳбарлари яратилган маҳсулотнинг

кўпчилик қисмини ўз хоҳишларича давлат фойдасига тақсимладилар ва турли йўллар билан ўзлаштириб, ундан фойдаландилар, шу вақтнинг ўзида меҳнаткашлар ўз меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига яраша ҳақ ола олмадилар.

Мана шу юқоридаги айтилган назарий фикрлар ва амалий тажрибаларни ҳамда ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар талабларини ҳисобга олиб, яратилган маҳсулотни тақсимлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

а) умуман олганда маҳсулотни, бинобарин даромадларни тақсимлаш ҳам доим бир хил бўлмай, балки шу даврда амал қилиб турган иқтисодий муносабатлар тизимига, жумладан мулкчилик муносабатларига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароитлари, яъни капиталга мулкчиликнинг турли шакллари, эрга эса давлат мулки мавжуд бўлган шароитда яратилган миллий маҳсулот мулк эгалари (давлат, жамоа, хусусий, шахсий) ва ишчи кучининг эгаси бўлган ишчи-хизматчилар ўртасида тақсимланади. Бунда даромадларнинг бир қисми албатта умумжамият манфаатларини кўзлаб иш олиб борувчи давлат ихтиёрига келиб тушади;

б) миллий маҳсулотдан энг аввало шу маҳсулотни яратишда қатнашган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати, аникроғи, амортизатсия суммаси ажратиб қўйилади, чунки бу сумма асосий ишлаб чиқариш воситаларини (асосий капитални) қайта тиклаш учун зарурдир;

в) ундан кейин турли хил табиий офат ва фавқулодда ҳодисаларнинг таъсирини бартараф қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни бир маромда тўхтовсиз амалга оширишни кафолатлаш учун суғурта фондлари, қариялар, болалар, ногиронлар ва турли бошқа кам таъминланган оилаларни ҳимоя қилиш учун нафақа ҳамда ижтимоий ҳимоя фондларига ажратилади;

г) давлатни бошқариш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тинч ҳаётини ва меҳнатини қўриқлаш, мамлакат миқёсида фан-маданиятни, таълим тизимини, соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун фондлар ажратилади (бу ажратмалар кўпдан-кўп давлат солиқлари тарзида амалга оширилади).

Ялпи ички маҳсулотнинг юқорида айтилганлардан қолган қисми ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида капитал, эр эгалари ва ишчи кучи эгалари ўртасида тақсимланади ва жамият аъзоларининг ихтиёрига келиб тушади. Чунки бу жараён натижасида ишлаб чиқаришда қатнашган ишчи кучи эгаси ва бошқа омиллар эгалари – мулкдорларнинг маҳсулотдаги улуши аниқланади ҳамда уларнинг омилли даромадлари сифатида шаклланади. Бу иш ҳақи, фоиз, рента ва фойда шаклидаги даромад турлари кўринишини олади.

Иш ҳақлар мамлакатлар, ҳудудлар, касблар ва якка тартибдаги жисмоний шахслар орасида турли ҳил даражада белгиланади. АҚШда тариф ставкалари Хитой ёки Ҳиндистондагидан анча кўпроқ. Тариф ставкаси АҚШнинг жанубига қараганда шимолий ва шарқий қисмида ҳам бироз юқорироқ ҳисобланади. Сувсозларга АҚШ Миллий Футбол Лигаси (АМФЛ) ўйинчиларига қараганда кам иш ҳақи тўланади. Бир доктор бошқасига қараганда айни бир соатда бажарган иши учун турлича иш ҳақи олиши мумкин. Тариф ставкалари, шунингдек, жинс, ирқ ва этник келиб чиқиш орасида ҳам фарқ қилиши мумкин.

Ўртача олганда иш ҳақининг умумий даражалари турли даражадаги тариф ставкаларини ўз ичига олади. Бу шунингдек, банк ишчилари, сартарошлар, ғишт терувчилар, ва жарроҳларнинг иш ҳақларини ҳам ташкил этади. Бундай иш ҳақларини ўрта ҳисобда кўрсатган ҳолда мамлакатлар ва ҳудудлар орасидаги иш ҳақларини осонгина таққослаш имкониятига эга бўламиз[63].

### 2.5.2. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни

Умуман олганда, меҳнат унумдорлиги қанча катта бўлса, унга бўлган талаб ҳам шунча катта бўлади. Агар ишчи кучига умумий таклиф ўзгармас тарзда бўлса, ишчи кучига бўлган талаб шунча кучлироқ ва реал иш ҳақига бўлган талаб ҳам шунча кўпроқ бўлади. АҚШда ва бошқа этакчи мамлакатлардаги ишчи кучига бўлган талаб жуда юқори чунки ўша мамлакаталарда ишчи кучи юқори даражада самарадор ҳисобланади. Бундай юқори самарадорликнинг бир неча сабаблари бор:

***1. Жуда кўп капиталнинг мажвудлиги.***

Ривожланган мамлакатлардаги *ишчилар кўп миқдордаги моддий капитал жиҳозлар билан таъминланган. АҚШда, ўртача, ҳар бир ишчи $90000 долларлик моддий капитал жиҳозлар билан таъминланади. Бой табиий ресурслар биалн таъминланганлик Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ишчи кучига нисбатан табиий ресурслар жуда кўп миқдоргадир. Бу ресурсларнинг баъзилари мамлакат ичида бўлса, баъзи қисми четдан олиб келинади. Мисол учун, АҚШ унумдор эр майдонлари, минерал ресурслар ва саноат учун керакли бўлган энергия манбааларига бой мамлакат ҳисобланади.*

***2. Такомиллашган технология***

Ривожланган мамлакатларда технологик жиҳатдан такомиллашиш даражаси жуда юқори. Бу мамлакатларда нафақат ишчилар ўзларига керакли капитал жиҳозлар билан таъминланган, балки ўша жиҳозлар дунёдаги бошқа давлатлардаги ишчиларга таъминлаб берилган жиҳозлардан технологик жиҳатдан анча такомиллашгандир. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда ишлаш методлари илмий тадқиқотлар ва изланишлар натижасида янада яхшиланиб бормоқда.

**3. Меҳнат сифати**

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда ишчиларнинг соғлиғи, ишга бўлган лаёқати, таълим ва тажрибаси ва малакаси ривожланаётган мамлакатлардагига қараганда анча юқори. Бу дегани тараққий этган мамлакатларда бир турдаги капитал ва табиий ресурслар билан ҳам ишчилар бошқа ҳорижий касбдошларига қараганда анча жуда самаралироқ фаолият кўрсатади.

***Бошқа омиллар.***

Ривожланган *малакатларнинг баъзиларида бошқа назарда тутилмаган омиллар ҳам юқори самарадорликнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Масалан, АҚШда бундай омилларга (а) бошқарувни самарали ва эркин ҳолатда олиб борилиши;(б) ишлаб чиқариш ва самарадорликка олиб келадиган бизнес, ижтимоий ва сиёсий муҳитни мавжудлиги, (с) корхоналарга ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини кўп миқдорда сотиш имкониятини берувчи ички бозорни улкан кўлами ва (д) бошқа мамлакатлар билан эркин савдо шартномаларини тузиш имкониятларини берувчи ишлан чиқариш соҳасининг юксак ихтисослашганлиги  киради.*

---

[63] Economics : principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. 247 b

Реал ҳаётда, бунга қарамай, эр майдонлари, капитал ва ичлаб чиқариш имкониятини яратиб берувчилар ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотдан келган дароматдан ўз улушини олади. Шунинг учун, реал иш ҳақи қисқа вақт ичида самарадорлик натжасида юзага келган фойда билан баравар равишда ошиб бормайди. Аммо, кўп йиллар мобайнида, самарадорлик ва реал иш ҳақлари биргаликда кўтарилиб боради.

### 4. Реал Иш ҳақлари ва Самарадорлик

Расмда АҚШдаги ҳар бир соатда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан реал иш ҳақи (= ишчи ва хизматчиларнинг иш-ҳақлари + иш берувчиларнинг ижтимоий суғурта ва хусусий фойдага асосланган истиқболли режалари) орасида яқин ва узоқ-муддатли боғлиқлик бор. Реал иш ҳақи ва ўзгармас нархлардаги ишлаб чиқариш кўлами айни бир ҳолатга назар ташлашнинг икки турлича йўли бўлгани боис, ҳар бир ишчига тўғри келадиган реал даромад ҳар бир ишчи ишлаб чиқарадиган маҳсулот каби бир хил даражада ошиб боради. Қачон ишчилар соатига кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарсалар, ишланган ҳар бир соат учун уларга тақсимланадиган реал дароматлар ҳам шунча кўп бўлади.

### 5.Иш Ҳақининг Давомий Кўтарилиб Бориши

Асосий таклиф ва талаб таҳлили АҚШда иш ҳақини давомий равишда кўтарилиб боришини кўрсатади. Мамлакатнинг ишчи кучи кейинги ўн йилликларда сезиларли даражада кўтарилди. Аммо, аввал эслатиб ўтганимиз самарадорликнинг оширувчи омиллар натижасида, ишчи кучига бўлган талаб ишчи кучига бўлган таклифдан тезроқ суръатларда кўтарилиб бормоқда. Расмда ишчи кучидаги худди шундай талаб ва таклифни ошишини кўрсатиб беради. Бунинг натижасида бандлик ва реал иш ҳақида давомий ва узоқ муддатли кўтарилиш кузатилди[64].

Яратилган ялпи ички маҳсулотнинг маълум қисми, яъни ишчи ва хизматчиларга, яъни ишчи кучига тегишли қисми унинг ишлаб чиқарувчилари ўртасида меҳнатнинг микдори, сифати ва унумдорлигига қараб тақсимланади, бу иқтисодий адабиётлар ва ҳужжатларда иш ҳақи деб юритилади. Иш ҳақи ҳозирги даврда барча мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам иқтисодчи олимлар иш ҳақининг мазмунига катта эътибор берадилар. Иш ҳақининг мазмунини аниқлашда турли иқтисодчилар турли томондан ёндашиб, унга ҳар хил таъриф берадилар.

Масалан, Д.Рикардо ва Т.Малтусларнинг «Яшаш учун восита минимуми» контсептсиясида иш ҳақини **яшаш учун зарур воситаларнинг физиологик минимуми** билан бир хил деб ҳисобланади. Лекин бундай қараш тўғри эмас. Бу минимум ўз ичига ишчи кучи шаклланадиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт-шароитлар туғдирган эҳтиёжларни ҳам олади. Шу билан бирга ишчи кучи нархининг қуйи чегарасини яшаш учун зарур воситалар миқдорининг минимуми билан аниқлаш, ишга ёлловчиларнинг иш ҳақини мазкур қуйи чегарадан пасайтиришга интилишига олиб келиши мумкин. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг хўжалик амалиётидаги иш ҳақининг даражасини кузатиш шуни кўрсатадики, ишчи кучи бозорида реал иш ҳақининг ўртача даражаси яшаш учун зарур жисмоний воситалар минимумига қараганда анча юқори даражада ўрнатилган.

Қийматнинг меҳнат назарияси (инглиз классик сиёсий иқтисод мактаби, марксистик йўналишидаги иқтисодчилар) ишчи кучини алоҳида, ўзига хос товар деб ҳисоблайди. Шу сабабли бу назария иш ҳақига **товар бўлган ишчи кучи**

---

[64] Economics : principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. 248 b

**қийматининг ўзгарган шакли, яъни пулдаги ифодаси** сифатида қарайди ва уни ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган тирикчилик воситалари қиймати сифатида аниқлайди. Мазкур ғоя тарафдорлари ишчи кучи қийматига бир қатор омиллар, аввало табиий шарт-шароитлар, аҳолининг маданий ривожланиши, уларнинг малакаси ва ишчи оиласини сақлаш ҳамда уларнинг табиий такрор ишлаб чиқариш шароитлари таъсир қилишини кўрсатади. Шу билан бирга бу ғояда ҳаётий эҳтиёжлар ҳамда уларнинг қондирилиш усуллари мамлакатнинг илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида эришилган даражага боғлиқлиги таъкидланади. Бу фикрлар ҳозирги даврда ҳам кўпгина кўзга кўринган иқтисодчи олимлар томонидан маъқулланиб келинмоқда. Масалан, А.Ф.Шишкин, э.Ф.Борисовлар ўзларининг «Иқтисодиёт назарияси» дарсликларида иш ҳақини ишчи кучи товар қийматининг пулдаги ифодаси деб таърифлайдилар[65]. Бу муаллифлар ўз фикрларини асослашда кўпгина олимлар меҳнат жараёни билан ишчи кучининг фарқига бормаганлигини, шу сабабли бозорда меҳнат сотилади деб фикр юритишини танқид қилиб, бозорда меҳнат эмас, балки ишчи кучи товар сифатида сотилишини, бу жараён юзаки қаралганда меҳнатга ҳақ тўлашга ўхшаб кўринишини исботлашга ҳаракат қилганлар. Лекин иш ҳақига «ишчи кучи қийматининг пулдаги ифодаси» сифатида қараш, аниқ ишчи кучи бозорида иш ҳақи даражасига унинг унумдорлиги, меҳнат интенсивлиги, талаб ва таклиф каби омилларнинг таъсирини этарли ҳисобга олмайди.

### Соф Рақобатли Меҳнат Бозори.

Енди эътиборимизни иш ҳақининг ўртача даражасидан маълум даражадаги иш ҳақига қаратамиз. Маълум турдаги бажарилган меҳнат учун унга тариф ставкаси қандай белгиланади? Бу эрда яна талаб ва таклиф таҳлилидан фойдаланамиз. Келинг, муҳокамани соф рақобатдош меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни ўрганишдан бошлаймиз. Бу турдаги бозорда:

- Бир неча корхоналар маълум турдаги меҳнатдан фойдаланиш учун бошқа корхоналар билан рақобатга киришади.
- Бир ҳилдаги иш тажрибасига эга бўлган кўп малакали ишчиларнинг ҳар бири ўша турдаги ишчи кучини таклиф этади.
- Якка тартибдаги корхоналар ва ишчилар бу ҳолатда иш ҳақини олувчилар ҳисобланса, ваҳоланки, уларнинг ҳеч бири бозор тариф ставкасини назорат қила олмайди.

### Ишчи Кучи Учун Бозор Талаби.

Тасаввур қилинг, 200 корхоналарни айни бир меҳнат тури, айтайлик, дурадгорларга талаби бор. Бу корхоналар айни бир саноатда бўлиши шарт эмас; саноатлар ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ва ўзлари фойдаланадиган ресурсларга қараб номланади. Шундай қилиб, ёғоч рамкали жиҳозлар, ёғочдан ишланган деразалар, ёғош эшиклар, уй ва бошқа турдаги яшаш иншоотлари ва ёғоч шкафлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг, албатта, дурадгорларга талаби бўлади. Маълум турдаги меҳнат фаолияти учун умумий ёки бозор меҳнат эгри чизиғини топиш учун Графа

### Ишчи Кучига бўлган Бозор Таклифи

Соф рақобатдош меҳнат бозорининг таклиф томонида ҳеч қандай касаба уюшмаси бўлмайди ва ишчилар мавжуд иш ўринлари учун рақобатга киришишади деб тасаввур қиламиз. Ҳар бир ишчи кучи учун таклиф эгри чизиғи пастга йўналган

[65] Borisov E.F. Ekonomicheskaya teoriya: ucheb. – 2-e izd., pererab. i dop. - M.: TK Velbi, Izd-vo Prospekt, 2005. – 544 s.; Shishkin A. F. «Ekonomicheskaya teoriya», uchebnik, kniga 2, M. izd-va «Vlados», 1996, 154 s.

бўлади ва бу эса иш берувчилар кўпроқ ишчиларни ёллашлари учун кўпроқ тариф ставкаларини тўлашлари керак бўлишини кўрсатади. Бу шундай амал қилади, чунки иш берувчилар бошқа саноатлардан, касблардан ва ҳудудлардан ишчиларни жалб этишлари керак бўлади. Имконият даражасида ишчилар муқобил иш ўринларига эга бўладилар. Масалан, улар бир ҳудуддаги бошқа ишлаб чиқариш саноатларида ишлашлари мумкин ёки бошқа шаҳарларда ёки штатларда ўз мутахассисликлари бўйича касбларда фаолият кўрсатишлари мумкин ёки улар бошқа касбларда фаолият кўрсатишлари ҳам мумкин.

Бу ишчиларни ишга олувчи корхоналар (бизнинг мисолимизда, дурадгорлар) уларга ўзларининг мавжуд муқобил иш ўринларида олаётган иш ҳақларидан юқорироқ маош тўлашлари керак бўлади. Шунингдек, улар ҳозирда ишламаётган ишчиларни юқорироқ иш ҳақи тўлаш орқали ҳам жалб этишлари керак. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, бошқа меҳнат бозорларида иш ҳақлари ўзгармас деб оладиган бўлсак, маълум меҳнат бозоридаги юқори иш ҳақи кўпроқ ишчиларни айни шу меҳнат бозорида фаолият юритишларига қизиқтиради[66].

Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясида айрим муаллифлар (жумладан, «Економикс» дарсликларида, В.Д.Камаев раҳбарлигида нашр этилган «Иқтисодиёт назарияси» дарслиги ва бошқаларда)[67] иш ҳақини **меҳнат нархи** сифатида, айримлари эса[68]**меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанат нархи** сифатида талқин этадилар. Бунда улар асосан бозорда меҳнат сотилади деган бизнингча нотўғри тушунчага асосланишади. Меҳнат ишчи кучининг функтсия қилиши, унинг маълум мақсадга қаратилган фаолият жараёни бўлиб, унинг на қиймати, на нархи йўқлиги, бу жараённи бозорга олиб чиқиб сотиб бўлмаслиги фанда ҳам, реал ҳаётда ҳам, иқтисодий амалиётда ҳам ҳаммага аён бўлган ва аллақачон исботланган масаладир. Шунинг учун буни исботлашга ҳаракат қилмасак ҳам бўлади. Лекин бу ғоянинг негизида бир ижобий томон борки, уни албатта ҳисобга олиш зарур. Бу ҳам бўлса улар меҳнатни ишчининг малакаси, интенсивлиги ва натижаси билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Иш ҳақининг мазмуни тўғрисидаги турли назарияларни, (турли мамлакатлардаги ва ўз мамлакатимиздаги амалиётни) умумлаштириб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Иш ҳақи тўғрисидаги назарияларда унга бир томонлама ёндашиш хусусияти мавжуд бўлиб, унинг мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий жараён эканлиги маълум даражада эътибордан четда қолган. Лекин бу назарияларнинг ҳар бирида иш ҳақининг у ёки бу томонига тўғри баҳо берилган бўлиб, уларда фойдаланиш мумкин бўлган ижобий мазмун мавжуддир.
2. Иш ҳақининг умумий даражаси ҳар доим ҳар бир мамлакатда иқтисодиётнинг эришган даражасига, яъни умумий меҳнат унумдорлиги, миллий маҳсулот ҳажми, унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорига боғлиқ бўлади. Чунки шу маҳсулотларнинг бир қисми меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимланади. Шунинг учун ҳам у турли мамлакатларда турли миқдорларда бўлади.
3. Иш ҳақининг миқдори ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга, ишчининг ўзини, оила аъзоларини боқишга этадиган даражада бўлиши лозим.

---

[66] Economics : principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. 250 b

[67] Qaralsin: Makkonnell K.R., Bryu S.L. Ekonomiks: Printsipi, problemi i politika. T.2. – M.: Respublika, 1992, 156-b.; Ekonomicheskaya teoriya: Ucheb. dlya stud. vissh. ucheb. zavedeniy/ Pod red. V.D.Kamaeva. M.: Gumanitar. izd. tsentr VLADOS, 2004, 175-b.

[68] Qaralsin: Kurs ekonomicheskoy teorii. Ucheb. posob. pod red. Chepurina M.N., Kiselevoy E.A. Kirov, izd-vo «ASA», 1995, 233-b.; Tojiboeva D. Iqtisodiyot nazariyasi: Oliy o’quv yurtlari talabalari uchun o’quv qo’llanma. – T.: «O’qituvchi». 2002, 227-b.

4. Иш ҳақининг миқдори ва даражаси ишчи кучининг малакаси,унинг меҳнати унумдорлиги билан боғлиқ бўлади.

5. Иш ҳақининг даражаси ҳар бир фирма ёки корхонада ишлаб чиқаришнинг эришган даражаси билан, яъни ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми ва бир ишчига тўғри келган миқдори билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам у меҳнат миқдори, малакаси бир хил бўлса-да, турли корхоналарда турлича миқдорда бўлиши мумкин.

Ушбу хулосалардан кейин иш ҳақининг мазмунига таъриф бериб айтиш мумкинки, **иш ҳақи– ишчи ва хизматчилар меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодасидир.**

Иш ҳақи ишлаб чиқариш жараёнида яратилган зарурий маҳсулот билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки иш ҳақи унинг асосий қисмини ташкил этади.

Иш ҳақинин г асосий вазифаси ишчи ва хизматчиларнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш, бошқача қилиб айтганда, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги боғлиқликни таъминлашдан иборатдир.

Албатта ишчи кучини такрор ҳосил қилишда иш ҳақидан ташқари фоиз, рента, фойда, дивиденд, турли имтиёзлар ва нафақаларнинг ҳам роли бор. Иш ҳақининг мазмунини тўларок тушуниш учун номинал ва реал иш ҳақи тушунчаларини билиш зарур.

**Nominal ish haqi – bu ma'lum vaqt davomida olingan pul summasi yoki pul shaklidagi ish haqi**

Ишчи учун қандай шаклда ва қанча миқдорда иш ҳақи олиши эмас, балки унга қанча миқдорда товарлар ва хизматлар сотиб олиши мумкинлиги муҳим. Шу сабабли номинал ва реал иш ҳақи фарқланади. **Номинал иш ҳақи – бу маълум вақт давомида олинган пул суммаси ёки пул шаклидаги иш ҳақи.** Мисол учун, механика заводи ишчиси январ ойида 200 минг сўм, феврал ойида 190 минг сўм, март ойида 220 минг сўм иш ҳақи олди. Булар номинал иш ҳақи ҳисобланади.

**Реал иш ҳақи– бу номинал иш ҳақи суммасининг қанчалик товарлар ва хизматлар миқдорини сотиб олишга этадиган қувватидир**. Бошқача айтганда реал иш ҳақи – бу номинал иш ҳақининг «харид этиш» қобилиятидир. Ўз-ўзидан аниқки, реал иш ҳақи номинал иш ҳақи миқдорига ва харид қилинадиган товарлар (ва хизматлар) нархига боғлиқ. Шундай экан, реал иш ҳақи бошқа шароитлар бир хил бўлганда, номинал иш ҳақига тўғри мутаносибдир ва истеъмол буюмлари ва хизматлар нархининг даражасига тескари мутаносибдир. Бу миқдорлар нисбатини формулада қуйидагича тасвирлаш мумкин:

**Real ish haqi– bu nominal ish haqi summasining qanchalik tovarlar va xizmatlar miqdorini sotib olishga etadigan quvvatidir**

$$V_p = \frac{V_н}{P},$$

бу ерда: $В_п$ – реал иш ҳақи; $В_х$ – номинал иш ҳақи; Р – истеъмол буюмлари ва хизматларнинг нарх даражаси.

Бизнинг мисолимизда ишчининг номинал иш ҳақи январ ойига нисбатан феврал ойида 95 фоизни, март ойида 110 фоизни ташкил этган эди. Реал иш ҳақи даражасининг ўзгаришини аниқлаш учун эса истеъмол буюмлари ва хизматларнинг нарх даражаси тўғрисида маълумот зарур бўлади. Айтайлик, нарх даражаси январ ойига нисбатан февралда 1,08, мартда эса

1,2 баравар ошган бўлсин. У ҳолда ишчининг реал иш ҳақи февралда 176 минг сўмни, март ойида эса 183 минг сўмни ташкил этади. Яъни, ишчининг реал иш ҳақи январ ойига нисбатан феврал ойида 88 фоиз, март ойида 91,5 фоиз даражасида бўлади.

Реал иш ҳақи даражасига товарлар ва хизматлар нархидан ташқари белгиланган солиқлар миқдори ва бошқа турли шароитлар ҳам таъсир қилади. Масалан, солиқ турлари ва миқдори қанча кўп бўлса реал иш ҳақи шунча пасаяди, ёки аксинча.

Номинал иш ҳақи ишчининг ишлаб топган пул даромади даражасини, реал иш ҳақи эса унинг истеъмоли ва фаровонлик даражасини тавсифлайди.

Иш ҳақи аҳоли даромадларининг асосий таркибий қисмларидан бирини ташкил қилиб, у истиқболда ҳам ўзининг этакчи ролини сақлаб қолади.

Биринчи Президентимиз томонидан мамлакатимиздаги реал иш ҳақини ошириш масалалари илгари сурилиб, реал иш ҳақининг ошиши – бу иқтисодиётнинг қандай суръатларда ривожланаётганини, мамлакатнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланаёт-ганини,мутаносиб монетар сиёсат қандай таъминланаётганини яққол акс эттирадиган ўзига хос кўзгу ва кўрсаткичдир, деб таърифланади.

Статистик маълумотлар ва сотсиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакатимизда 2006 йилнинг охирида ўртача реал ойлик иш ҳақи 185 минг сўмни ёки салкам 150 АҚШ долларини ташкил этган[69]. 2007 йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 1,5 баробар кўпайтирилди. 2007 йилнинг декабрида ўртача ойлик иш ҳақи, хўжалик субъектлари ва бюджет соҳаларини ҳисобга олганда, 210 АҚШ доллари миқдорига тенг бўлди[70].2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. Натижада ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларидан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

2009 йилни оладиган бўлсак, ўртача иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида – ва шунга мос равишда хўжалик юритувчи субъектларда ҳам – 1,4 баробар ошириш кўзда тутилмоқда[71].

**Мамлакатдаги ишчи кучи умумий таклифини қуйдаги омиллар белгилаб беради:**

- Мамлакат аҳолисини сони;
- Аҳолининг умумий сонида меҳнатга яроқли бўлганлар салмоғи;
- Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби.

Меҳнатнинг соф рақобатли бозорида иш ҳақи даражасининг шаклланиши қуйидаги хусусиятларига эга бўлади:

- иш ҳақи даражаси алоҳида меҳнат турига ялпи талаб ва унинг ялпи таклифи таъсирида шаклланади;
- алоҳида ишга ёлланувчилар ва ишга ёлловчилар иш ҳақи даражасига таъсир кўрсата олмайди;

[69] Yangilanish va barqaror taraqqiyot yo’lidan yanada izchil harakat qilish, xalqimiz uchun farovon turmush sharoiti yaratish – asosiy vazifamizdir. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning 2006 yilda mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2007 yilda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishning eng muhim ustuvor yo’nalishlariga bag’ishlangan Vazirlar Mahkamasi majlisidagi ma’ruzasi // Xalq so’zi, 2007 yil 13 fevral.

[70]Inson manfaatlari ustuvorligini ta’minlash – barcha islohot va o’zgarishlarimizning bosh maqsadidir. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning 2007 yilda mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2008 yilda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirishning eng muhim ustuvor yo’nalishlariga bag’ishlangan Vazirlar Mahkamasi majlisidagi ma’ruzasi // Xalq so’zi, 2008 yil 9 fevral.

[71] Karimov I.A. Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O’zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo’llari va choralari. – T.: O’zbekiston, 2009, 16-b.

– меҳнатга умумий талаб ёки унинг умумий таклифидаги анча катта ўзгаришлар иш ҳақи даражасида ўзгариш бўлишига олиб келади.

Монопсония шароитида иш ҳақи даражаси қуйидагича аниқланади:

– ишга ёлловчилар иш ҳақи даражасини белгилашда нисбий ҳукмронликка эга бўлади;

– алоҳида меҳнат тури таклифининг чекланиши иш ҳақи ўртача даражасининг кўтарилишига олиб келади;

– меҳнат турига талаб камайганда иш ҳақи даражаси пасаяди.

Ишчи кучи бозорида иш ҳақи даражаси (W) ва банд бўлганлар сони (Л) талаб (Д) ва таклиф (С) нинг ўзаро таъсири натижасида аниқланади.

Мазкур бозорда мувозанатлик барча тадбиркорлар W0 даражасида иш ҳақи тўлашга розилигини, етарли миқдорда бўш қўллар мавжудлигини ва ишчи кучига талаби тўлиқ қондирилганлигини англатади.

Бозор мувозанати ҳолатда барча ходимлар тўлиқ иш билан таъминланган ва иш ҳақининг $W_0$ даражасида ўзларининг меҳнатини тавсия қилишига тайёр бўлади. Шу сабабли э нуқта тўлиқ бандлик ҳолатини кўрсатади. Бошқа ҳар қандай шароитда иш ҳақи $W_0$ даражадан фарқ қилиб ишчи кучи бозоридаги мувозанатлик бузилади. Реал иш ҳақи мувозанатлик $W_0$ дан $W_1$ даражага ортганда иш кучи бозорида таклиф (0 $С^1$) талаб (0 $Д^1$)дан $Д^1$ $С^1$ миқдорга ортади. Бундай шароитда тўлиқ бандликдан фойдаланиш рўй беради, иш ўринлари барча хохловчиларнинг иш ҳақининг $W_1$ даражасида ишчи кучини сотиши учун этарли бўлмайди. Ётиқ ўқда $Д^1$ $С^1$ кесма билан аниқланадиган ишчи кучи таклифи ортиқчалиги вужудга келади. Реал иш ҳақи мувозанатлик даражага нисбатан пасайганда ишчи кучига талаб унинг таклифидан $С^{11}$ $Д^{11}$ миқдорга ортади. Ҳар икки вазиятда (ишсизлик ва банд бўлмаган иш ўринлари мавжуд бўлган) соф рақобат бозор шароитлари барқарор бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқатда, агар ишчи кучи таклифи унга бўлган талабдан ортса, ишсизлик вужудга келади, ишлаб чиқаришда банд бўлганлар, иш ўринларини йўқотиб қўймаслик учун, ўзларининг меҳнат қилиш лаёқатини анча паст иш ҳақи даражасида ҳам тақдим қилишга тайёр туради.




**2.5.1-расм. Ишчи кучи бозори модели**

Тадбиркорлар ҳам иш ҳақи пасайиб бориши шароитида кўпроқ ходимларни ишга ёллашга харакат қилади. Шундай қилиб, иш ҳақининг пасайиш тамойили ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаб соҳасида ҳам қарор топади.

Иш ҳақи мувозанатили даражага нисбатан пасайган шароитда ишчи кучига талаб унинг таклифидан ортса иш берувчилар бўш иш ўринларини тўлдириш учун

иш ҳақини оширишга тайёр бўлади. Иш ҳақининг бундай ортиши туфайли ишчи кучини таклиф қилишга тайёр ходимлар доираси кенгаяди. Ҳам биринчи, ҳам иккинчи ҳолатда ишчи кучи бозорида мувозанатлилик тикланди ва тўлиқ бандлик ҳолатига келади.

Ишчи кучи таклифининг яна бир хусусияти шундаки, у кишиларнинг шахсий эрки ва афзал кўришига боғлиқ бўлади. Ходим қанча вақт ишлашини, ҳамда вақтнинг қанча қисмини дам олиш ва бошқа муқобил ишларга ажратишини ўзи ҳал қилади.

Ишчи кучи бозорига тадбиқан ўрнини босиш самараси шунда номоён бўладики ходим томонидан бўш вақтнинг ҳар бир соати йўқотилган наф сифатида қаралади.

Шундан келиб чиқиб, у бўш вақтини қўшимча иш билан тўлдиришга ҳаракат қилади ва демак иш ҳақининг ўсган қисмига бошқа товар (хизмат) ларни ҳам сотиб олиш мумкин бўлади.

Даромад самараси шунда намаён бўладики, ходим моддий таъминланишнинг этарлича юқори даражасига эришганда иш ҳақининг янада ошиши бўш вақт фойдасига меҳнат таклифининг қисқаришига олиб келади.

Ишчи кучи бозорида кишилар хулқидаги айнан шундай қонуният узоқ вақт давомида иш ҳафтаси қисқариш тамойили асосида ётади. Ривожланган ғарб давлатларида охирги 100 йил давомида иш ҳафтаси 40% га қисқариб, унинг ҳисобига бўш вақт кескин ортган. Инсон ҳаёт даври чекланганлиги сабабли бўш вақт энг қадрли неъмат ҳисобланган шароитда унинг ортиши ниҳоятда аҳамиятли Графикда ЛС эгри чизиқ иш ҳақи ўсиб борганда ишчи кучи таклифи Л нуқтагача ортиб боришини, бироқ, кейин ўз йўналишини ўзгартириб, тик ўққа яқинлашиб боришини, яъни унинг таклифи иш ҳақи ошганда қисқаришини кўрсатади.




**2.5.2 - расм. Индивидуал ишчи кучи таклифи.**

### 2.5.3. Иш ҳақини ташкил этиш шакллари ва тизимлари

Ишлаб чиқаришнинг техник асослари, ишчилар меҳнатининг мазмуни, уларга билим бериш ва касб-ҳунарга ўргатиш борасидаги ўзгаришлар муносабати билан иш ҳақи шакли ва тизимлари ҳам ўзгариб боради. Иш ҳақини ташкил этишда унинг иккита асосий шакли – вақтбай ва ишбай шакллари фарқланади.

**Вақтбай иш ҳақи ходимнинг малакаси, меҳнатининг сифати ва ишлаган вақтига қараб тўланадиган иш ҳақидир.** У одатда меҳнатнинг натижаларини миқдоран аниқ ҳисоблаб бўлмайдиган, балки улар муайян вазифалар доирасини бажариш билан белгиланадиган вақтда (масалан, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, созловчилар, электромонтёрлар ва шу кабиларга ҳақ тўлашда) ёки

маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнининг бориши билан белгиланадиган ва бевосита ишчига боғлиқ бўлмаган пайтларда (масалан, конвеерлар ва автомат линияларида ишлаш) қўлланилади.

**Ишбай иш ҳақиишчининг ишлаб чиқарган маҳсулот миқдори ва сифати ёки бажарган ишининг ҳажмига қараб тўланадиган иш ҳақидир.** Маҳсулот бирлиги учун тўланадиган иш ҳақи миқдори тариф ставкасидаги ҳақни ишлаб чиқариш меъёрига тақсимлаш йўли билан аниқланади.

### Минимал Иш Ҳақи Муаммоси

1938 йилдаги Қонун қабул қилинганидан бери АҚШ минимал иш ҳақи тўлаб келди. Ўша иш ҳақи ишлаб чиқариш соҳасида ишлаётган ишчиларга тўланадиган ўртача иш ҳақининг 30 ва 50 фоизини ташкил этади ва 2006 йили бир соатга $5.15 эди. Бунга қарамай, ўн олтита штатда федерал энг ка миш ҳақидан баландроқ минимал иш ҳақи белгиланди. Бу штатлардаги минимал иш ҳақларининг баъзилари нисбатан юқори даражада эди. Мисол учун, 2006 йилда минимал иш ҳақи Вашингтон штатида соатига $7.63 этиб тайинланди. Минимал иш ҳақидан кўзланган мақсад малакасизроқ ишчиларни қашшоқлик батқоғига ботиб қолмаслик учун этарлича пул топишга кўмаклашувчи энг кам иш ҳақини тайинлашдир.

### Минимал Иш Ҳақига Қарши Чоралар

Юқори миқдордаги ишчи кучи ҳаражатлари баъзи корхоналарни ишлаб чиқариш соҳасидан ҳаттоки суриб чиқаради. Кейин бўлса, кам таъминланган кам ҳақ олувчи ишчилар ишсиз қолишлари мумкин. Танқидчилар соатбай минимал иш ҳақи $5.15 оладиган бирор доимий иш ўрнига эга бўлмаган ишчи доимий иш ўрнига эга бўлиб, айтайлик, соатига $4.85 олаётган ишчидан ёмонроқ аҳволда қолади деб ўйлайдилар.

Минимал ишҳақининг яна битта ёмон томони шундан иборатки, уй-хўжаликларини қашшоқлашувини энгиллаштириш мақсадида "мақсадга тўғри йўналтирилмаган” чора тадбир ҳисобланади. Танқидчиларнинг айтишларича минимал иш ҳақи қашшоқликда кун кечирмайдиган уй-хўжаликлари ва ишчиларга кўпроқ манфаат келтириши мумкин.

### Минимал Иш Ҳақи Учун Чора- тадбирлар

Минимал иш ҳақи белгиланишини қўллаб-кувватловчилар танқидчилар унинг оқибатлари борасида ноҳаққоний фикр юритади деб ўйлайдилар. Графа 26.7, минимал иш ҳақи белгиланиши тарафдорлари уқтиришларича, рақобатдош ва турғун бозорни англатади. Монопсония ҳукмронлик қилувчи ҳақиқатга яқинроқ ва ка миш ҳақи тўланадиган ишчи кучи бозорида минимал иш ҳақи ишсизлик ҳолатиниюзага келтирмай тариф ставкасини кўтариши мумкин. Дарҳақиқат, баландроқ даражадаги минимал иш ҳақи бандликни чеклаши учун монопсония корхоналарини рағбатлантирувчи кучни йўқотиш орқали ҳатто кўпроқ иш ўринларини яратиши мумкин.

Бундан ташқари, минимал иш ҳақи ишчи кучига бўлган талаб эгри чизиғини ўнг томонга силжитади ва минимал иш ҳақи юзага келтириши мумкин бўлган қисқартирилган бандлик ўрнини тўлдириш орқали меҳнат унумдорлигини ошириши мумкин. Мисол учун, юқори даражадаги тариф ставкаси корхоналарга ўзларининг унумдорлигини кўтариш билан кам иш ҳақи тўланадиган ишчилар учун самаралироқ вазифаларни топиб беришга ундайди. Муқобил тарзда, минимал иш ҳақи ишчи кучини қўнимсизлигини қисқартириши мумкин (ишчилар ўз хоҳишларига кўра иш ўринларини ташлаб кетиш ҳолатлари). Жуда кам малакасиз амалиёт ўтувчи билан корхона ишчиларининг ўртача унумдорлиги ошган бўлар эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, юқори даражадаги ишчи кучи

унумдорлиги юқори даражадаги минимал иш ҳақини тўлашни оқлайди[72].

Иш ҳақи тизими ўз ичига ҳақ тўлаш шаклларининг аниқ меҳнат шароитларини ҳисобга оладиган турлари мажмуини олади. Жумладан:

- тўғри ишбай ҳақ тўлаш тизими;
- ишбай-мукофотли ҳақ тўлаш тизими;
- ишбай-прогрессив ҳақ тўлаш тизими.

**Тўғри ишбай ҳақ тўлаш тизимида** ишлаб чиқариш меъёри қай даражада бажарилишидан қатъий назар, иш ҳақи ягона маҳсулот бирлиги учун белгиланган тариф бўйича тўланади. **Ишбай-мукофотли ҳақ тўлаш тизими** бир қанча кўрсаткичлар, масалан, режа топшириғидан ортиқча ҳажмда ишлаб чиқарилганлиги, юқори сифат даражаси таъминланганлиги ва бошқалар учун мукофот беришни назарда тутади.

**Ишбай-прогрессив ҳақ тўлаш тизимида** ишчининг белгилаб қўйилган меъёр доирасида ишлаб чиқарган маҳсулотига унинг бирлиги учун белгиланган тариф бўйича иш ҳақи берилади, меъёрдан юқорисига эса оширилган ҳақ (тариф) бўйича пул тўланади. Ишбай иш ҳақи тизимида якка тартибдаги, жамоа ва ижара пудратида қўлланиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фарқланади. Бунда олинган тайёр маҳсулот учун унинг сифати ва ишлаб чиқариш чиқимларини ҳисобга олиб ҳақ тўланади. Ҳақ тўлашнинг жамоа шаклида иш ҳақи бригада, тсех ва бошқа бўлинманинг пировард меҳнат натижаларига боғлиқ қилиб қўйилади. Бунда ҳар бир ходим фақат ўзига берилган шахсий топшириқларгагина эмас, балки шу билан бирга бўлинманинг бутун иш ҳажмини ҳам бажаришдан манфаатдор

Ишчиларнинг иш ҳақини табақалаштириш энг аввало давлат тариф тизими ёрдамида амалга оширилади. **Тариф тизими– тармоқлар ва мамлакат минтақаси бўйича, улар ичида эса ишлаб чиқариш турлари, турли тоифадаги ходимлар малакаси ва меҳнат шароитларига қараб ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи даражасини тартибга солиб турувчи меъёрлар мажмуи.**

Тариф тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тариф-малака маълумотномалари;
- тариф ставкалари;
- тариф сеткалари;
- иш ҳақига нисбатан қўлланилувчи турли коеффитсиентлар.

**Тариф-малака маълумотномалари** айрим касблар ва меҳнат турларининг батафсил тавсифи, у ёки бу аниқ ишни бажарувчининг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, уларда муайян ишни тарифлаш учун қўйиладиган разрядлар ҳам кўрсатилади.

**Тариф сеткасида** разрядлардан ташқари тариф коеффитсиентлари ҳам бўлиб, улар биринчи разрядли ишчига ҳақ тўлаш билан кейинги разрядли ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзаро нисбатини кўрсатади (биринчи разряднинг тариф коеффитсиенти ҳамма вақт бирга тенг бўлади).

**Тариф ставкалари** тегишли разрядга эга бўлган ишчининг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаб беради.

Меҳнат қилиш шароити оғир ва зарарли бўлган ишчиларга тариф ставкасига **қўшимча ҳақлар** белгиланади. Тариф ставкаларига устамалар шаклидаги ҳақ (разрядлар бўйича фарқлантирилган) касбий маҳорат учун белгиланади.

Алоҳида тармоқнинг иқтисодиётдаги аҳамиятига қараб амалда иш ҳақини ва мансаб маошларини фарқлантириш ишлари амалга оширилади. Бунда мамлакат

[72] Economics : principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. 251 b

учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этакчи тармоқларга тажрибали, малакали кадрларни жалб этиш, бу тармоқларда ишчи ва хизматчилар таркиби барқарор бўлишини таъминлайдиган шароитларни вужудга келтириш мақсади кўзланади.

Республикамизда ҳам тариф тизими орқали иш ҳақи табақалаштирилиб, турли касблар ва иш турлари учун иш ҳақи тўлашнинг ягона разрядлари аниқланган. Нархлар ўсиши билан минимал иш ҳақи даражаси (1-разряд) ҳамда барча разрядлар улар ўртасидаги нисбат сақланган ҳолда ошириб борилади. Масалан охирги ўзгариш, 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Республикамизда иш ҳақининг минимал даражаси ойига 20865 сўм қилиб белгиланиб, бошқа разрядларга тўғри келадиган иш ҳақи суммаси ҳам шунга мос равишда оширилади.

## Бажарилган ишга қараб ҳақ тўлаш

Биз бу бўлимда муҳокама қилиб ўтган иш ҳақларни белгиланиши моделлари ишчига тўланадиган иш ҳақи доим у бажараётган ҳар бир соатлик иш учун, айтайлик, $15 ни ташкил этишини таҳмин этади. Аммо, иш ҳақи тўлаш тартиблари одатда таркибий ва мақсадли ҳолатдагидан ҳам мураккаброқдир. Мисол қилиб айтагиан бўлсак, кўп ишчилар саотбай тўланадиганиш ҳақидан кўра кўпроқ йиллик иш ҳақлари оладилар. Шу билан биргаликда, ишчилар ўз иш ҳақларининг маълум қисми сифатида турли кўринишдаги иш ҳақидан ташқари тўланадиган имиёзларни (тиббий суғурталар, ҳаётни суъгурта қилиш, пуллик таътиллар, пуллик касаллик таътиллари ва шу кабилар) ҳам қабул қиладилар. Ниҳоят, баъзи меҳнатга ҳақ тўлаш тартиблари ишчилардан уларни иш фаолиятидаги кутилган самарани олишга йўналтирилган. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг оҳирги тартиби кенгроқ аниқликни талаб этади.

Корхоналар ва ишчилар умумий бир манфаат йўлида фаолият кўрсатади: уларнинг иккаласи ҳам корхонани сақлаб қолиниши ва ривожланишини хоҳлайди. Бу корхонага фойда келтирса, ишчиларни учун эса давомий иш ҳақи ва бандлик билан таъминлайди. Аммо, корхона ва ишчилар манфаатлари бит ҳир кўринишда эмас. Қачонки бу манфаатларбир-биридан ажралса, принтсипал-агент муаммоси югаза келади. Ишчилар келишиб олинган муддатдан камроқ ишлаш, рухсатсиз иш таътиллари олиш каби ишлашдан бўйин товлаш ҳолатлари орқали ўз даромадларини оширишни кўзлашлари мумкин. Улар, шунингдек, дароматларини қисқартирмаган ҳолатда тўланадиган иш соатлари давомида таътиллар олиш орқали ўз ҳам кўпроқ фойдага эришишни кўзлашлари мумкин. Маҳсулот омборидаги тунги қоровулларда ўзига белгиланган топшириқни бажармай вақтини китобўқиш билан ўтказса ёки ишда барвақтроқ жўнаб кетиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Базъан аниқ миқдордаги иаҳ ҳақи тайинланган бошқарувчилар компания ишлари билан шуғулланмай вақтини ўртоқлари билан ўтказиши мумкин.

Корхоналар (принтсипаллар) бундан ишга панжа остидан қараш ҳолларига чек қўйиш ёки бартараф этиш учун фойдали усуллардан фойдаланади. Улардан бири ишчиларни доимий кузатиб бориш, аммо ишчиларни доимий кузатиб бориш мураккаб ва маълум миқдордаги ҳаражатни талаб этадиган ишдир. Қоровулни ишини назорат қилиш учун яна бошқа ишчини ёллаш эса маҳсулот сақланадиган омборни қўриқлаш учун сарфланадиган ҳаражатни кўпайтириб юбориши мумкин. Принтсипал-агент муаммосини ҳал этишни яна битта усули меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи тизими бўлиб, ишчини имкониятларидан яна кўпроқ фойдаланишини таъминлайди. Меҳнатга ҳақ тўлашда бундай рағбатлантириш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олади; воситачилик бадаллари, муаллифлик гонорарлари, мукофотлар, аксия оптсиёнлари ва фойдани баҳам кўриш ва юқори миқдордаги иш ҳақлари кўринишида бўлиши мумкин.

**Ишбай асосида ҳақ тўлаш ставкалари**

Ишбай асосида ҳақ тўлаш ставкалари ишчи ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг ҳар бир донасига мувофиқ тўланадиган компенсатсиялар. Агар принтсипал яъни бошқарувчи ёки иш берувчи мева терувчиларга уларнинг иш ҳақларини Иш-Ҳақини Белгиланиши бушелда (бушел - Англияда 36.3, Америкада 35.2 литрга тенг сочилувчан нарсалар ўлчови) ёки ёзув машинасида ишловчи аёлга (машинистка) у ёзиб чиққан ишнинг варақ ҳисобида ҳақ тўлаганда эди, ишлашдан бош товлаш каби муаммоларга дуч келмаган бўлар эди.

**Воситачилик бадаллари ва муаллифлик** гонорарлари

Ишбай асосида ҳақ тўлаш ставкаларидан фарқли ўларок, воситачилик бадаллари ва муаллифлик гонорарлари уларга тўланадиган пул маблағларини савдонинг қийматига боғлаб қўяди. Суғурта агентлари, биржа воситачилари ва чакана савдо билан шуғулланувчилар каби маҳсулот ёки хизмат турини сотаётган ишчилар уларнинг садоларининг пуллик қийматининг фоизи шаклида вcase мисобланадиган воситачилик бадалларини оладилар. Қўшиқларни ёзуб олувчи мусиқачилар ва муаллифларга уларнинг ишларидан тушадиган савдо фойдаларини маълум фоизи кўринишида ҳисобланадиган муаллифлик гонорарлари тўланади. Бундай шаклдаги пуллик имтиёзлар сотувчилар, мусиқачилар ва муаллифларни молиявий манфаатларини корхоналарнинг фойдаларига боғлиқ қилиб қўяди.

**Мукофотлар, фонд оптсионлари, фойда** улушлари

Мукофотлар ишчиларнинг якка тартибдаги ёки бир гуруҳ ишчиларнинг ёки корхонанинг ўзининг ишнинг бажарилиш кўлами каби омиллар асосида йиллик маошларига қўшилган иш ҳақлари ҳисобланади. Профессионал бейсбол ўйинчилари ўйин мобайнида кўрсатган юқори натижалари асосида мукофотлар олади. Савдо маркази директори ишининг самарадорлиги асосида мукофот олади. Фонд оптсионлари қачон актсия курси пасайса, ишчиларга паст ва ўзгармас нархларда иш берувчининг

**Ишбай Асосида Ҳақ Тўлаш**

Ишбай асосида ҳақ тўлашнинг асосий сабаби шундан иборатки, иш берувчилар ишчиларга меъёрдан юқори иш ҳақларини орқали ишчиларни ўз имкониятларидан кўпроқ фойдаланишларини хоҳлашади[73].

### 2.5.4. Меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва касаба уюшмаларининг роли

**Меҳнат муносабатлари – иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги меҳнат шароитлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича муносабатлардир.**

Ишга ёллаш бўйича корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги муносабат меҳнат шартномалари ёрдамида шаклланади. **Меҳнат шартномалари – корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги ишга ёллаш бўйича муносабатни намоён этувчи ва тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат.** Меҳнат шартномалари аввало иш ҳақи ставкаси, меъёрдан ортиқча бажарилган ишлар учун ставка, дам олиш кунлари ва танаффуслар, пенсия фондлари ва соғлиқни сақлашга ажратмалар ҳамда нархларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб истеъмол савати қийматини тартибга солиш каби жиҳатларни ўз ичига олади.

Кейин меҳнат шароити масалалари қараб чиқилади. Ниҳоят, қатор ташкилий масалалар ҳал қилинади. Одатда келишув бир неча йилга (асосан уч йилга) тузилади.Айрим ҳолларда давлат ҳам корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга, масалан, иш ташлаш масалаларига тегишли муносабатларга

---

[73] Economics : principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. 255 b

таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо иш ташлаш ҳуқуқи «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт»да мустаҳкамланган асосий ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар жумласига киради.

Кўпчилик мамлакатларда меҳнат муносабатларининг ривожланишида бош масала ишсизликни ижтимоий кафолатлашга, ишловчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш имкониятлари билан боғлиқ масалалар ҳисобланади. Бу муаммоларни ҳал қилишда асосий рол касаба уюшмаларига тегишли бўлади. Аксарият ишчи кучи бозорларида ишчилар ўзларининг ишчи кучини касаба уюшмалари орқали жамоа бўлиб «сотадилар». Касаба уюшмалари нисбатан кўп сонли ишга ёлловчилар билан музокаралар олиб боради ва уларнинг асосий иқтисодий вазифаси иш ҳақини оширишдан иборат бўлади. Касаба уюшмалари бу мақсадга турли хил йўллар билан эришиши мумкин.

**1.Ишчи кучига бўлган талабни ошириш.** Касаба уюшмалар нуқтаи назаридан иш ҳақини оширишнинг энг қулай усули ишчи кучига бўлган талабни кенгайтириш ҳисобланади. Ишчи кучига бўлган талабнинг ортиши натижасида иш ҳақи ставкаси ҳам, ишчи ўринлари сони ҳам ортади. Касаба уюшмалари бу талабни белгиловчи бир ёки бир неча омилларни ўзгартириш йўли билан ишчи кучига бўлган талабни кўпайтиришлари мумкин. Хусусан, улар қуйидагиларга эришишга ҳаракат қиладилар: 1) ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматга талабни ошириш; 2) меҳнат унумдорлигини ошириш; 3) ишчи кучи билан биргаликда фойдаланадиган бошқа ишлаб чиқариш омиллари нархларини ўзгартириш.

**2.Ишчи кучи таклифини қисқартириш.** Касаба уюшмалари ишчи кучи таклифини қисқартириш йўли билан иш ҳақи ставкасини оширишлари мумкин. Бунга қуйидаги йўллар билан эришилади: а) иммиграцияни чеклаш; б) болалар меҳнатини қисқартириш; в) пенсияга муддатида чиқишни қўллаб-қувватлаш; г) иш ҳафтасини қисқартиришга ёрдам бериш.

Булардан ташқари касаба уюшмалари тадбиркорларни ўз аъзоларини ишга ёллашга мажбур қилиб, ишчи кучи таклифи устидан тўлиқ назорат ўрнатади. Касаба уюшмалари ўз аъзолари сонини қисқартириш сиёсати орқали (масалан, узоқ муддатли ўқитиш, янги аъзоларни қабул қилишни чеклаш ёки тақиқлаш) ишчи кучи таклифини сунъий равишда қисқартиради. Бу, ўз навбатида, иш ҳақи ставкасининг ортишига олиб келади.

**3. Касб бўйича малака даражасини литсензиялаш.** Бу маълум меҳнат тури таклифини чеклаш воситаси ҳисобланади. Бунда касаба уюшмалари корхона маъмуриятига маълум касбдаги ишчилар аниқ кўрсатилган талабларга жавоб берган тақдирда ишга қабул қилишга таъсир кўрсатади. Бу талаблар ўз ичига ишчининг таълим даражаси, мутахассислик бўйича иш стажи, имтиҳон натижаси ва шахсий тавсифларини олади.

**4. Касаба уюшмалари жамоа шартномалари тузишда монопол ҳолатга эга бўлган тадбиркорларга қаршилик кўрсатиш йўли билан ҳам иш ҳақи ставкасини оширишга эришиши мумкин.**

Бунинг натижасида иш ҳақини ошириш билан боғлиқ қўшимча сарфлар, янги ишчи кучини ёллаш натижасида олинадиган қўшимча маҳсулот ҳажмидан ортиқ бўлади.

Касаба уюшмалари ўзларининг иқтисодий вазифаларини амалга оширишларида манфаатлари ҳимоя қилинаётган меҳнаткашлар гуруҳининг касбий ихтисослиги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёпиқ (тор) ёки очиқ (кенг) турда ташкил этилиши мумкин.**Ёпиқ турдаги касаба уюшмалари** иш ҳақи даражасини ошириш учун ишчи кучи таклифини қисқартиришга ҳаракат қиладилар. Бу кўпроқ

маълум касб эгалари, масалан, дурадгорлар, ғишт терувчилар, электр пайвандчилар кабиларни ўзига бирлаштирувчи тсех касаба уюшмалари тарзида ташкил этилади. Тсех касаба уюшмалари иш берувчиларни фақат мазкур касаба уюшмасига аъзо бўлган ишчиларни ёллашга мажбур этиб, шу орқали ишчи кучи таклифи устидан назорат ўрнатадилар. Зарур ҳолда касаба уюшмасига аъзоликни қисқартириш орқали ишчи кучи таклифини сунъий йўл билан қисқартирадилар. Бунда улар қуйидаги йўллардан фойдаланишлари мумкин:

- ўқитиш, касбга тайёрлаш муддатини чўзиш;
- касаба уюшмасига аъзо бўлиш бадалларини ошириш;
- янги аъзоларни қабул қилишни чеклаш ёки умуман тақиқлаш ва бошқалар.

Бу тадбирлар асосида ишчи кучи таклифини қисқартириш ҳамда иш ҳақи даражасини ошириш жараёнини қуйидаги чизма орқали кўриш мумкин.




**2.5.3-расм. Ёпиқ турдаги касаба уюшмасининг иш ҳақи даражасига таъсири**

Чизмадан кўринадики, касаба уюшмалари ишчи кучи таклифини $C_1C_1$ дан $C_2C_2$ га қадар қисқартириш орқали иш ҳақи даражасини $W_1$ дан $W_2$ га қадар оширишга эришадилар. Бироқ, ишчи кучи таклифининг пасайиши ёлланган ишчилар сонининг $Қ_1$ дан $Қ_2$ га қадар қисқаришига олиб келади.

Аксарият касаба уюшмалари ўз аъзолари сонини чеклашга ҳаракат қилмайдилар. Аксинча, улар барча мавжуд ёки кейинчалик ёлланувчи ишчиларни бирлаштиришга ҳаракатқиладилар. Бу **очиқ турдаги ёки тармоқ касаба уюшмалари** учун хос бўлиб, тармоқдаги барча ишчиларни, уларнинг малакасидан қатъий назар, ўз сафларига аъзо бўлишига интиладилар. Бу ўринда, агар касаба уюшмаси аъзолари фақат малакали мутахассислардан таркиб топса, уни ёпиқ тарзда ташкил этиш ҳам мумкин бўлади.

Чунки иш берувчилар бу қадар катта миқдордаги малакали мутахассисларни ишдан бўшатиб, улар ўрнига бошқаларини қабул қилиш имкониятига эга бўлмайдилар. Бироқ, ўзига малакасиз ёки паст малакали ишчиларни бирлаштирган касаба уюшмаси аъзоликни чеклай олмайди, бундай ҳолатда иш берувчилар бу ишчиларни касаба уюшмасига аъзо бўлмаган ишчилар билан алмаштириш имкониятига эга бўлиб, бу ҳолат касаба уюшмасининг амал қилиш заруратини йўққа чиқаради.

Агар тармоқ касаба уюшмаси мазкур тармоқдаги деярли барча ишчиларни бирлаштира олса, у ҳолда иш ҳақи даражаси бўйича шартнома тузишда касаба

уюшмалари корхона маъмуриятини ўз таъсири доирасида ушлаб тура олади. Маъмурият томонидан уларнинг шартлари инкор этилган ҳолда, ишчиларни иш ташлашга ундаш орқали  касаба уюшмалари корхонани ишчи кучи таклифидан тўлиқ маҳрум этиши мумкин.

Очиқ турдаги касаба уюшмасининг иш ҳақи даражасига таъсирини қуйидаги чизма орқали кўриш мумкин.




**2.5.4-расм. Очиқ турдаги касаба уюшмасининг иш ҳақи даражасига таъсири**

Очиқ турдаги ёки тармоқ касаба уюшмаси деярли барча ишчиларни ўз таркибига киритиш орқали ишчи кучи таклифини назорат қилиб, иш ҳақи даражасини эркин рақобат шароитидаги $W_1$ дан $W_2$ га қадар оширадилар. Натижада ишчи кучи таклифи эгри чизиғи СС дан $W_2$аС га силжийди. $W_2$ иш ҳақи даражасида иш берувчилар бандлик даражасини $Қ_1$ дан $Қ_2$ га қадар қисқартирадилар.

Ҳозирги замон меҳнат муносабатлари ўзида давлатнинг таъсирини ҳам акс эттиради. Давлатнинг қонунчилик фаолияти меҳнат муносабатларининг барча томонларини қамраб олади. У нафақат иқтисодиёт давлат секторининг ишчи кучига бўлган талабини билдиради, балки уни хусусий секторда ҳам тартибга солади, миллий иқтисодиёт миқёсида ишга ёллашнинг асосий ўлчамларини аниқлайди.

Меҳнат муносабатларига давлатнинг ижтимоий дастурлари (кам таъминланган оилаларга ёрдам, ишсизлик бўйича нафақа, ҳар хил ижтимоий тўловлар, пенсия таъминоти ва бошқалар) катта таъсир кўрсатади. Бу дастурлар бозор тақликаси юқори бўлган давлатларда аҳолининг ижтимоий–иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга маълум бир даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Давлатнинг ишчи кучи бозоридаги воситачилик роли ҳам меҳнат муносабатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, ўзига қисман ишчи ўринларини қидириш ва тавсия қилиш ҳамда ишга жойлаштириш бўйича умуммиллий дастурни ишлаб чиқариш вазифаларини олади. Ишчиларни ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг давлат тизими бозорнинг ўзгарувчан талабларига тез мослашишга имкон беради.

Бўш Иш Ўринлари Тўғрисидаги Маълумотларни этарли Бўлмаслиси

Ишчилар баъзан бўш иш ўринлари, бошқа ҳудудлардаги муайян иш ўринлари учун тайинланган тариф ставкалари ҳамда ўз мутахассисликлари бўйича мавжуд иш ўринлари ҳақида ҳабардош бўлмасликлари мумкин. Оқибатда, ишчи кучига бўлган таклифни тенглаштириш учун кам иш ҳақи тўланадиган касблардаги малакали ишчиларнинг юқори маош тўланадиган иш ўринларига ўта бошлаши турли касблар ичидаги иш ҳақларини бараварлаштириш учун етарли бўлмайди.

**Яшаш ҳудудларининг геграфик** турғунлиги

Ишчилар одатда маълум бир ҳудудларда чуқур ўрнашган ҳолда истиқомат қиладилар. Кўпчилик одамлар ўз яқинлари, дўст-биродарлари, қариндош-уруғларидан узоқлашиб, фарзандларини ўқув масканларини ўгзатиришга, ўз уй-жойларини сотишларига, янги иш ўрни ва янги жамиятдаги эҳтимолий ноқулайлик-ларга мослашиш ва бошқа кутилмаган ортиқча ҳаражатлар қилш эвазига янги ҳудудларга кўчиб ўтишни унчалик хоҳлашмайди. Бундан қатийб икки аср бурун Адам Смит шундай деган эди. "Инсон ҳам гўёки кўтариб келтирилиши қийин бўлган юкка ўхшайди”. Ишчиларни бир ҳудуддан бошқасига кўчиб ўтишга хоҳламасликлари ёки қодир эмасликлари айни бир иш ўрнида геграфик иш ҳақи тафаввутларини юзага келишига сабабчи бўлади.

**Касаба уюшмалари ва ҳукумат**

Чекловлари Ҳукумат ва касаба уюшмалари томонидаб ишчиларни бир худуддан бошқасига кўчиб юришларинин олдини олувчи сунъий чекловлар қўйиш билан иш ҳақларидаги тафаввутларлар сақлаб қолинади. Бунда тор мутахассисликка эга бўлган ишчилардан иборат касаба уюшмалари уюшмага аъзоликни чеклашдан фойда топишини айтиб ўтган эдик. Хулоса, агар дурадгорлар ва ғишт терувчи усталар сони кўпайиб кетса, уларга белгиланган ёки улар талаб этадиган иш ҳақи миқдори камаяди. Шундай қилиб, Колорадо штатидаги Бруш деб номланган корхонадаги уюшмага аъзо бўлмаган каиш ҳақи оладиган дурадгор уста Чикаго штатига кўпроқ иш ҳақи тўлайдиган корхона иш ўрнига жойлашишни хоҳлаши мумкин. Лекин, уни кутган режасига эришишига бўлган эҳтимоллик жуда кам. Ҳудди шу тарзда, маълум ҳудудда иш фаолиятини олиб бориш учун ихтисослашган кўз шифокори ёки ҳуқуқшунос бошқа штат ёки ҳудуднинг литсензиялаш талабларига жавоб бера олмаслиги мумкин, шунинг учун унинг бошқа ҳудудга иш қидириб бориш имконияти чекланган. Бошқа назарда тутилмаган тўсиқ ёки муаммоларга бир ҳудуддан бошқаси кўчиб ўтиш билан қўлдан бой берилиши мумкин бўлган нафақа олиш тартиблари, тиббий суғурта имтиёзлари ҳамда хизматда юқори мансабга кўтарилиш имкониятлари киради.

Турли Дарағадаги Камситиш Қабул қилинган қонун ва қарорларга қарши ўларoқ, айни бир ҳил иш кўламини бажараётган оқ танли фуроқоларга аёллар ва кам сонли ишчиларга қараганда кўпроқ иш ҳақи белгиланиш оқибатида баъзан камситиш ҳолатлари юзага келади. Шунинг учун, бошқа иш ўринларида кам сонли ва аёл ишчиларга кўп ҳақ тўланаётган бир пайтда, улар ўзларига паст миқдорда иш ҳақи тўлайдиган иш ўринларида тўпланиб қоладилар. Ага бу каби ишчи кучи бозоридаги камситиш аёлалрва кам сонли ишчиларни кўп ҳақ тўлайдиган иш ўринларидан мосуво қилсалар, унда иш ҳақидаги белгиланишидаги тенгсизликлар сақланиб қолаверади. Барча тўртта юқоида муҳокама қилинган масалалар яъни маржинал фойда самарадорлиги, рақобатдош бўлмаган ишчилар гуруҳи, пул кўринишида бўлмаган тафаввутлар, бозор чалкашликлари ҳақиқий иш ҳақи миқдоридаги тенгсизликларни тушунтириб беришда катта аҳамият касб этади. Мисол учун, шифокор ва қурувчи иш ҳақидаги фарқлар маргинал фойда самарадорлиги ва рақобатдош бўлмаган гуруҳлар асосида тушунтирилиши мумкин. Шифокорлар истеъмолчиларнинг ўз соғлиқлари учун ҳар қанча пул тўлашга (тиббий суғурталар орқали ) тайёрлиги ва шифокорларнинг юқори касбий малакалари боис анча кўп миқдордаги фойдага эришадилар. Шифокорларга қўйиладиган жуда қатъий касбий малака талаблари боис, улар фақатгинанисбатан кам сонли кадрларгина олинадиган бир- бирларига рақобатдош бўлмаган гуруҳларга бўлинадилар. Шунинг учун, ишчи кучига бўлган таклиф талабга нисбатан камроқдир. Касбий малакага бўлган талаблар унчалик аҳамиятли

бўлмагани боис, қурилиш соҳасида ишчи кучига бўлган таклиф талабга нисбатан кўпроқдир. Шунинг учун, шикорларнинг маошлари қурилиш соҳасида фаолият кўрсатадиган ишчиларникидан анчаюқори ҳисобланади. Шунга қарамай, қурувчилик соҳасидаги ишчиларни касбларини унчалик юқори талабда бўлмаслиги ва уларнинг махсус касаба уюшмаси уюшмага аъзолик сиёсатидаги чекловларни қийинлаштириб қўймаса, икки касб эгалари иш ҳақлари орасидаги тенгсизлик янада каттароқ бўлган бўларди[74].

## 2.6-Мавзу: Истеъмолчи хулқи назарияси: нафлилик ва уни максималлаштириш қоидаси

**Режа:**

**2.6.1. Нафлилик, ялпи нафлилик ва сонгги қўшилган нафлилик тушунчалари**
**2.6.2. Истеъмолчи бюджети**
**2.6.3. Истеъмолчи танлови назарияси**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** ялпи нафлилик ва сонгги қўшилган нафлилик, даромад, бюджет

### 2.6.1. Нафлилик, ялпи нафлилик ва сонгги қўшилган нафлилик тушунчалари.

“Умумий тарзда нафлиликни инсоннинг эхтиёжини қондирабилиш қобилияти деб таърифлашимиз мумкин”[75].Истеъмолчининг бозордаги хатти-ҳаракати сўнгги қўшилган нафлилик назарияси ҳамда истеъмолчи танлови назарияси орқали изоҳланади. Бу назария ёрдамида истеъмолчининг манфаати нуқтаи-назаридан унинг афзал кўриши қоидалари баён этилади.




Агар нафлиликка истеъмолчи ўлчами билан қаралса, у истеъмолчининг бирон-бир неъматни истеъмол қилишидан олинадиган қониқишни англатади. Истеъмолчи томонидан ўзи учун турли товарларнинг нафлилик даражасининг баҳоланиши истеъмолчининг афзал кўриши дейилади.[76]

Нафлилик функцияси маълум миқдордаги товарларга бошқа бир миқдордаги товарларни таққослашни билдиради. Нафлиликни мутлақ кўрсаткичларда ўлчашнинг аҳамияти бўлмай, истеъмолчи танловини нафлилик даражасининг кетма-кет жойлашуви билан изоҳлаш мумкин. Бир тўпламдаги товарлар нафлилиги бошқасидан қай даражада афзаллигини кўрсатиб бериш мумкин эмас.

Нафлилик функцияси истеъмол қилинаётган товарлар(Х,Й)дан олинаётган нафлилик-нинг ҳосиласини ифодалайди:

$$\boxed{U(X,Y) = XY}.$$

[74] Economics : principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. 260 b

[75] Economics: principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 360 бет.

[76] Economics: principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 362 бет.

**Сўнгги қўшилган нафлилик (*маргинал утилитй*) – муайян неъматнинг навбатдаги бирлигини истеъмол қилишдан олинган қўшимча нафлиликдир.**

Сўнгги қўшилган нафлилик умумий нафлиликнинг ўсган қисмидан иборат экан, у нафлилик функсиясининг ҳосиласи ҳисобланади. Муайян эҳтиёжни қондирувчи ҳар бир навбатдаги неъмат олдингисига қараганда камроқ нафлиликка эга бўлади. Неъматларнинг чекланган миқдори шароитида эса доимо эҳтиёжни энг кам даражада қондирувчи «сўнгги нусхаси» мавжуд бўлади.”[77]

“Сўнгги қўшилган нафлилик пасайиб бориш тенденсиясига эга бўлиб, бу иқтисодий тамойил сифатида ифода этилади. Мазкур тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, агар алоҳида олинган якка истеъмолчининг ҳолатидан келиб чиқилса, неъматларни истеъмол қилиш ҳажмининг кўпайиб бориши билан, маълум вақтдан бошлаб, муайян неъматнинг навбатдаги бирлигини истеъмол қилишдан олинган қўшимча нафлилик олдингисига нисбатан камайиб боради”[78].

Киши қанчалик кўп миқдордаги товарни истеъмол қилса, у шунчалик кўп ялпи нафлиликка эга бўлади.

**Ялпи (умумий) нафлилик (*тотал утилитй*) сўнгги қўшилган нафлилик кўрсаткичларини жамлаш орқали аниқланади.**

Агар истеъмолчи манфий сўнгги қўшилган нафлиликка эга бўлса, у ҳолда ялпи нафлилик камаяди.

Сўнгги қўшилган нафлиликнинг пасайиб бориш қонунини истеъмол қилинган музқаймоқ мисолида 1.1-жадвал орқали ифодалаш мумкин.

**2.6.1-жадвал**

**Музқаймоқ истеъмол қилишдан олинган сўнгги қўшилган ва ялпи нафлилик**

| Истеъмол қилинган музқаймоқлар сони | Сўнгги қўшилган нафлилик (МУ) | Ялпи нафлилик (ТУ) |
|---|---|---|
| 0 | - | 0 |
| 1 | 10 | 10 |
| 2 | 8 | 18 |
| 3 | 6 | 24 |
| 4 | 4 | 28 |
| 5 | 2 | 30 |
| 6 | 0 | 30 |
| 7 | -2 | 28 |

Жадвалдан кўринадики, мусбат ишорали сўнгги қўшилган нафлиликнинг ошиб бориши билан, ялпи нафлилик миқдори ўсиб бормоқда. Бироқ, бу ўсиш суръати музқаймоқларнинг навбатдаги сони қўшилиши билан пасайиб бормоқда. Манфий ишорали сўнгги қўшилган нафлилик ялпи нафлиликнинг қисқаришига олиб келмоқда.

[77] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 360 бет.

[78] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 360 бет.



Carl Menger

Юқорида келтирилган мисолни умумий ва сўнгги қўшилган нафлилик графикларида қуйидагича тасвирлашимиз мумкин. Унга кўра кишининг умумий нафлилиги маълум истеъмол хажмигача ўсиб боради, кейин эса манфий сўнгги қўшилган нафлилик ҳисобига камайиб боради. Сунгги қўшилган нафлилик эса ҳар доим тушиб боради. Бу **сўнгги қўшилган нафлиликнинг тушиб бориш қонуни деб аталади.**

2.6.1-жадвалда рим рақамлари товарларнинг мухимлигига қараб даражаларга ажратилишини билдиради. Рақам қанча катта бўлса, товарлар муҳимлиги шунча кам бўлади. Шу туфайли сув 1- даражали, транспорт эса 5-даражали бўлиши мумкин.

Камайиб борувчи араб рақамлари эса товарларни қанча кўп истеъмол қилган сари шунчалик меъёрий нафлилигининг камайишини кўрсатади. Биринчи даражали товарнинг биринчи бирлигининг меъёрий нафлилиги 10га тенг, аммо кейинги истеъмол қилинган бирликлар учун меъёрий нафлилик камайиб боради.

**2.6.2-Жадвал.**

**Менгер жадвали**

| | I | II | III | IV | V | VI | VII | VIII | IX | X |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| So'nggi qo'shilgan naflilik | 10 | 9 | 8 | 7 | 6 | 5 | 4 | 3 | 2 | 1 |
| | 9 | 8 | 7 | 6 | 5 | 4 | 3 | 2 | 1 | 0 |
| | 8 | 7 | 6 | 5 | 4 | 3 | 2 | 1 | 0 | |
| | 7 | 6 | 5 | 4 | 3 | 2 | 1 | 0 | | |
| | 6 | 5 | 4 | 3 | 2 | 1 | 0 | | | |
| | 5 | 4 | 3 | 2 | 1 | 0 | | | | |
| | 4 | 3 | 2 | 1 | 0 | | | | | |
| | 3 | 2 | 1 | 0 | | | | | | |
| | 2 | 1 | 0 | | | | | | | |
| | 1 | 0 | | | | | | | | |
| | 0 | | | | | | | | | |




**2.6.1-расм.Умумий ва сўнгги қўшилган нафлилик эгри чизиқлари**[79]

Кишининг сўнгги қўшилган нафлилигининг тушиб бориш қонуни нима учун талаб эгри чизиғининг тушиб боришини тушунтириб бериши мумкин, чунки булар ўртасида муқим боғлиқлик мавжуд. Инсон учун ҳар бир кейинги истемол қилинган товардан камроқ қўшимча нафлилик олганлиги сабабли у кейинги товарни унинг нархи тушсагина сотиб олади. Бу эса талаб эгри чизиғининг камайиб борувчи эгри чизиқ бўлишини тақозо этади[80].

**Бефарқлик эгри чизиғи (*индифференсе мап*) эҳтиёжларни бир хил даражада қондирилишини таъминловчи истеъмол тўпламлари йиғиндисини намоён этади.**

Яъни, истеъмолчи учун бефарқлик эгри чизиғида жойлашган товарлар тўпламини танлашда фарқ мавжуд бўлмайди[81].




[79] Economics : principle… h edition, McGraw-Hill/Irwin New…
[80] Economics : principle… h edition, McGraw-Hill/Irwin New…
[81] Economics : principle… h edition, McGraw-Hill/Irwin New…

**2.6.2-расм.Бефарқлик эгри чизиғи** [82]

Масалан Х нуқтадага А ва Б товарлари комбинатсияси И1 даражадаги нафлиликни беради (1-чизма). З нуқтада жойлашган А ва Б товарлари комбинатсияси Х нуқтадага А ва Б товарлари комбинатсияси билан битта И1 бефарқлик эгри чизиғида жойлашганлиги учун улардан истеъмолчи тарафидан олинадиган нафлилик миқдори бир бирига тенгдир. Шунинг учун истеъмолчи ўз нафлилиги максималлаштирувчи субъек сифатида ана шу икки ҳил комбинатсияни танлашда бефарқ. Бефарқлик эгри чизиғи пасайиб борувчи кўринишда бўлади. Бефарқлик эгри чизиғининг пасайиб бориши шу билан изоҳланадики, танланиши лозим бўлган ҳар иккала товар ҳам истеъмолчи учун нафли ҳисобланади. Шунга кўра, бир товарлар тўплами Здан бошқа бир товарлар тўплами Хга томон ҳаракат қилинса, А товари истеъмоли ошиб боради, аксинча В товари истеъмоли эса камайиб боради. Истеъмолчи бир ҳил бефарқлик эгри чизиғида бўлганлиги сабабли қўшимча А товарини истеъмол қилишдан олинган нафлилик В товарини бир қисмидан воз кечилгани учун йўқотилган нафлиликка тенг бўлиши керак. Бефарқлик эгри чизиғи бўйлаб истеъмолчи ўз танловини ўзгартирган сари истемолчининг умумий нафлилик даражаси ўзгармайди, лекин А ёки В товарлари истеъмоли комбинатсияси ўзгаради. Қисқаси, В товар қанчалик кўп бўлса, А товар шунчалик оз бўлади, чунки А ва В товарлар ўртасида тескари алоқа мавжуд. Ўзгарувчилари ўртасида тескари алоқа мавжуд бўлган ҳар қандай эгри чизиқ эса пасайиб борувчи кўринишда бўлади.[83]

Агар истеъмолчининг А ва В товарларнинг барча тўпламлари бўйича афзал кўришларини эгри чизиқлар орқали тасвирланса, **бефарқлик картаси** ҳосил бўлади. Ҳар бир бефарқлик эгри чизиғи киши ҳар бирига бир хилда қарайдиган товарлар тўпламини ифодалайди. 2-чизмада бефарқлик картасининг бир қисмини акс эттирувчи учта бефарқлик эгри чизиғи тасвирланган. $И_3$ бефарқлик эгри чизиғи эҳтиёжларни қондирилишининг энг юқори даражасини акс эттиради.[84]

---

[82] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 373 бет

[83] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 373 бет

[84] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 374 бет








**2.6.3-расм.Бефарқлик картаси**

Еҳтиёжларнинг ҳар бир даражасига кўра чексиз бефарқлик эгри чизиғи мавжуд бўлиши мумкин. Биз содда кўринишда фақат учта эгри чизиқни ифодаладик. Бу уч эгри чизиқ товарлар тўпламининг ранжировкаси (тартибини) таъминлайди. Ранжирлаш тўпламларни афзалликнинг энг юқори даражасидан энг кам томонга йўналтирилган тартибда қўйиб чиқади. Бироқ, бу тартиб бир тўпламнинг бошқа биридан нечоғлиқ афзаллигини кўрсатиб бера олмайди. [85]

## 2.6.2. Истеъмолчи бюджети

Истеъмолчи ҳатти-ҳаракатини тушунишда **истеъмолчи бюджетининг чекланган-лиги** муҳим аҳамият касб этади. Бюджет чекланганлиги истеъмолчининг муайян пул даромадлари мавжудлиги шароитида нархларнинг муайян даражасида у ёки бу турдаги товарларнинг маълум чекланган миқдорини сотиб олиш имконияти орқали ифодала-нади.[86] Истеъмолчи бюджетининг чекланганлигини графикда икки турдаги товарни сотиб олишнинг турли комбинатсияларини кўрсатувчи **бюджет чизиғи** ***(будгет лине)*** шаклида ҳам акс эттириш мумкин.

Истеъмолчи бюджети чизиғининг ҳолатига унинг даромадлари ва товарлар нархининг ўзгариши таъсир кўрсатиши мумкин.

Мисол учун, истеъмолчи даромадининг муайян миқдорида 20 бирлик А товар ёки 10 бирлик В товар сотиб олиш мумкин бўлсин. Бирданига сотиб олиниши мумкин бўлган ҳар иккала товарнинг турли комбинатсиялари Г бюджет чизиғида жойлашади. Агар истеъмолчининг даромади 2 барвар ошса, у ҳолда унинг бюджет чизиғи ҳам тегишли равишда $Г_1$ ҳолатига силжийди. Аксинча, даромаднинг камайиши, бюджет чизиғининг ҳам қисқаришига ва $Г_2$ ҳолатига силжишига олиб келади.

---

[85] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 374 бет
[86] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 362, 372 бет




**2.6.4-расм. Даромад ўзгаришининг бюджет чизиғига таъсири**

Ўз навбатида нархнинг ўзгариши ҳам бюджет чизиғидаги турли ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Жумладан:

1) В товар нархининг пасайиши бюджет чизиғи бурчагининг ўзгарган ҳолда янги чизиқ ҳосил бўлишига олиб келади (М чизиқ);

2) Б товар нархининг ошиши бюджет чизиғи бурчагининг ўзгарган ҳолда янги чизиқ ҳосил бўлишига олиб келади (Н чизиқ):

3) А ва В товарлар нархи илгариги нисбат сақланган ҳолда ошса, у ҳолда эски чизиққа параллел бўлган янги чизиқ ҳосил бўлади (Л чизиқ).







**2.6.5-расм. Нарх ўзгаришининг бюджет чизиғига таъсири**

Иқтисодиёт назариясида истеъмолчи танловини ўрганишда мазкур танлов оқилона равишда амалга оширилади ва қуйидаги шартлар таъминланади деб фараз қилинади:

1) мавжуд ва чекланган бюджетдан тўлиқ фойдаланилади;
2) еҳтиёжлар максимал даражада қондирилади.

Маълум олинган товарнинг нархи ўзгарса у бюджет чизиғига иккала турдаги ўзгариш орқали таъсир қилади. Бу даромад самараси ва алмаштириш самараси. Бизнинг мисолимизда олинган икки товардан айтайлик В товарнинг нархи ошса

унда бюджетимизнинг реал қиймати пасаяди, натижада истеъмолчи номинал қиймати ўзгармаган худди шу бюджет даражасида ҳар иккала товардан камроқ сотиб олиши мумкин ва бу бюджет чизиғи чап тарафга параллел равишда кўчиб ўтиб, $Қ_{а1}$ $Қ_{б1}$ тўғри чизиғи шаклини олади (3.3-чизма). Бу нарх ўзгаришининг даромад самараси дейилади. Аммо нарх ўзгариши натижасида алмаштириш самараси юз беради. А товарнинг нархи ўзгармай туриб ва иккала товарларнинг нафлиликлари ўзгармай туриб В товарнинг нархи ошиши унинг нархига нисбатан сунгги қўшилган нафлилигини камайтиради ва истеъмолчи ўз танловини А товарга томон ўзгартиради. Бу эса бюджет чизиғининг бурчак коеффитсиентини ўзгартиришга олиб келади ва бюджет даромади даражасини ўзгартирмаган ҳолатда $Қ_{а1}$ $Қ_{б1}$ бюджет чизиғи $Қ_{а0}Қ_{б2}$ тўғри чизиғи шаклини олади. Бу нарх ўзгаришининг алмаштириш самараси дейилади[87]




**2.6.6-расм.Нархи ўзгаришининг даромад ва алмаштириш самараси**

### 2.6.3. Истеъмолчи танлови назарияси

Истеъмолчи товарларнинг турли тўпламини харид қилишда доимо **нафлиликни максималлаштириш қоидасига** амал қилади. Бу қоиданинг мазмуни қуйидагича баён этилади:

**Истеъмолчи ўзининг даромадини шундай сарфлаши керакки, даромад тўлиқ сарфланган ҳолатда товарни харид қилишдан олинган сўнгги қўшилган нафлиликнинг товар нархига нисбати барча товарлар учун бир хил қийматга эга бўлиши лозим.**

яъни[88]:

$$\frac{MU_x}{P_x} = \frac{MU_y}{P_y},$$

[87] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 365-366 бет.

[88] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 363 бет

бу ерда: МУ – Х ва Й товарларнинг сўнгги қўшилган нафлилиги; П – уларнинг нархи.

Бу қоида **истеъмолчининг мувозанатли ҳолатини** ифодалайди.[89] Истеъмолчи ўзининг ўз диди ва руҳиятига кўра турли хил товарлар тўпламини маъқул кўриши мумкин. Бунда у товарларнинг маълум бир тўпламини бошқа бирига таққослаб кўради. Истеъмолчи танловини тушунтиришда бефарқлик эгри чизиғи муҳим рол ўйнайди.

Оптимал танлов қуйидаги шартларни келтириб чиқаради:

**биринчидан,** танлов нуқтасининг бюджет чизиғида ётиши. Истеъмолчи амалда барча даромадини истеъмолга сарфламай, маълум қисмини келгусидаги истеъмолга қолдирсада, назарий жиҳатдан биз уни барчаси сарфланади, деб фараз қиламиз. Агар нукта бюджет чизиғидан чапда ётса – унинг тўлиқ сарфланмаганлигини, ўнгда ётса – имконият даражасидан четда эканлигини тушунамиз;

**иккинчидан,** танланган истеъмол товарлари тўплами энг маъқул кўрилган комбинатсияда бўлиши лозим.




**2.6.7-расм. Истеъмолчининг оптимал танлови**[90]

Расмда учта бефарқлик эгри чизиғи ифодаланган бўлиб, улар истеъмолчига турли даражадаги қониқиш беради: $И_3$ – энг юқори даражадаги қониқиш; $И_2$ – ўртача қониқиш; $И_1$ – энг кам қониқиш. Ҳар бир эгри чизиқда истеъмолчи танловини ифодаловчи биттадан нуқта жойлашган: $И_1$ да – С; $И_2$ да – Д; $И_3$ да – Ф нуқталар. С ва Д нуқталар бир ҳил бюджет чизиғида жойлашганлиги учун иккала комбинатсияга ҳам бир ҳил бюджет сарфланади. Истеъмолчининг С нуқтани танлаши оқилона эмас, чунки Д нуқта унга нисбатан кўпроқ эҳтиёжни қондиради; Ф нуқта энг кўп эҳтиёжни қондириши мумкин, бироқ у бюджет имкониятидан ташқарида ҳисобланади.

Д нуқтада истеъмолчи эҳтиёжларининг қондирилиши максимумлашади, чунки бу нуқта эҳтиёжларнинг максимал қондирилишини таъминловчи товар ва хизматлар тўплами энг кўп қониқиш берувчи бефарқлик эгри чизиғининг бюджет чизиғи билан кесишган жойида ётади.

---

[89] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 375 бет

[90] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 375 бет

Д нуқта айни пайтда бюджет чизиғининг ва бефарқлик эгри чизиғининг бурчак коеффитсиентлари бир бирига тенг бўлади. Д нуқтада бюджет чизиғининг бурчак коеффитсиенти А ва В товарлар нархлари нисбатига тенг, бефарқлик эгри чизиғининг бурчак коеффитсиенти эса А ва В товарлар сўнгги қўшилган нафлиликлари нисбатига тенг. Бундан келиб чиқиб қуйидаги формулани келтиришимиз мумкин[91]:

$$\frac{MU_x}{MUy} = \frac{Px}{P_y} \quad \text{ёки} \quad \frac{MU_x}{P_x} = \frac{MU_y}{P_y}$$

**Сув ва бриллиант парадокси.**

А.Смит ўз даврида айрим реал ҳаётимиздаги жумбоқларни эча олмаган. Хусусан бизнинг яшашимиз учун муҳим, демакки нафлилиги жуда баланд бўлган нарсаларнинг нархи анча паст, аксинча биз учун унчалик муҳим бўлмаган, нафлилиги кам бўлган нарсаларнинг нархи эса баланд бўлишини тушунтириб бера олмаган. Масалан сувнинг нафлилиги жуда баланд аммо нархи паст, бриллиантнинг нархи жуда баланд лекин нафлилиги жуда паст. Бу парадокснинг эчими шундаки, сув таклифи унга бўлган талабга нисбатан анча кўп, шунинг учун нархи паст. Бриллиантларни ишлаб чиқариш қийин бўлганлиги сабабли унинг таклифи унга бўлган талабга нисбатан кам. Шунинг учун унинг нархи баланд. Сувнинг охирги бирлигининг сунгги қўшилган нафлилии жуда ҳам паст. Бриллиантларники эса баланд. Аммо бу унинг умумий нафлиликлари ҳам шу нисбатда бўлади дегани эмас. Аслида, сувнинг умумий нафлилиги биз учун жуда ҳам баланд, фақатгина уни кўп миқдорда истеъмол қилганимиз учунгина унинг сунгги қўшилган нафлилиги бриллиантникидан пастга тушиб кетади. Бриллиантнинг нархи баланд бўлганлиги сабабли уни кам истеъмол қиламиз ва шунинг учун унинг умумий нафлилиги кам[92].

[91] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 375 бет
[92] Economics : principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 366 бет

**6-Мавзу: Истеъмолчи хулқи назарияси: нафлилик ва уни максималлаштириш қоидаси**

**Амалий машғулот**

**FSMU texnologiyasi**

**(F)** – Fikringizni bayon eting.
**(S)** – Fikringiz bayoniga biron sabab ko‘rsating.
**(M)** – Ko‘rsatilgan sababni tushuntiruvchi misol keltiring.
**(U)** – Fikringizni umumlashtiring.

Ushbu texnologiya tinglovchilarni o‘z fikrini himoya qilishga, erkin fikrlash va o‘z fikrini boshqalarga o‘tkazishga, ochiq holda bahslashishga, egallangan bilimlarni tahlil qilishga va qay darajada egallaganliklarini baholashga hamda tinglovchilarni bahslashish madaniyatiga o‘rgatadi.

**Chekli naflikning kamayib borish qonuni xayotga tadbiq etish mumkinmi?**

**F** - Fikringizni bayon eting.

**S** - Fikringizni bayoniga biror sabab ko‘rsating.

**M** - Ko‘rsatilgan sababni tushuntiruvchi misol keltiring.

**U** - Fikringizni umumlashtiring.

## Тест саволлари

**1. Нормал товарларга бўлган “даромад-самараси” шуни билдирадики:**

А) Х маҳсулотнинг баҳоси кўтарилганда истеъмолчи ушбу ва бошқа маҳсулотлар харидини пасайтиради.

Б) Х маҳсулот нархининг пасайиши ушбу маҳсулот истеъмоли хажмининг ошишига олиб келади.

В) Агарда Х маҳсулотнинг нархи ўзгарганда, истеъмолчи ўз харидини қайта тақсимлаган ҳолда қуйидаги тенглик таъминланиши лозим:

**МУх (Пх= МУй/Пй=...........МУн/Пн)**

Г) Ҳамма жавоблар тўғри.

**2. Х маҳсулотнинг нархи тушганда:**

А) Даромад самараси истеъмолчининг кўпроқ махсулот харид қилишини рағбатлантиради, алмаштириш самараси эса камроқ..

Б) Даромад самараси ва алмаштириш самараси оқибатида истеъмолчи Х маҳсулотдан кўпроқ сотиб олинади.

В) даромад самараси оқибатида Х маҳсулотдан камроқ, алмаштириш самараси оқибатида эса кўпроқ харид қилинади.

Г) даромад самараси ва алмаштириш самараси Х маҳсулот истеъмолчининг камайишига олиб келади.

**3. Агар Х маҳсулотнинг нархи пасайганда истеъмол қилиш хажми ҳам пасайса :**

А) Х нармал товар ҳисобланади.

Б) Х гиффен товар ҳисобланади.

В) Х паст категорияли товар ҳисобланади.

Г) Бозорда турли вазиятлар сабаб бўлган.

**4. Бошқа шароитлар ўзгармас бўлганда Х маҳсулотнинг кетма-кет истеъмоли чекли нафликни секин аста пасайишига олиб келади. Х маҳсулот бундай ҳолда :**

А) Х товар сифатсиз ҳисобланади.

Б) алмаштириш самараси даромад самарасидан юқори.

В) Х товарга бўлган талаб эластиклиги юқори.

Г) Ўрин босар товар билан Х товарнинг кесишган талаб эластиклиги манфий.

**5. Истеъмолчининг даромади ўзгармас бўлган шароитда Х товар нархининг ошиши Й товар нархи ўзгармаганда олиб келади:**

А) Буджет чизиғи пастга силжийди

Б) Буджет чизиғи параллел ўнгга кўчади.

В) Буджет чизиғи умуман ўзгармайди.

Г) Х ўққа йўналтирилган буджет чизиғи юқорига силжийди

## 2.7. Тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлик капитали

**Режа:**

**2.7.1. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти**
**2.7.2. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари ва тамойиллари**
**2.7.3. Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати ва унинг босқичлари**
**2.7.4. Тадбиркорлик капиталининг айланиши. Асосий ва айланма капитал**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Тадбиркорлик фаолияти, буджет корхоналарига, давлат ишлаб чиқариш корхоналари ,корпоратсиялар, жамоа тадбиркорлиги, асосий ва айланма капитал.

### 2.7.1. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти.

Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий фаолиятнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Тадбиркорликнинг тарихи жуда узоқ ўтмишга бориб тақалса-да, унинг ҳозирги замон тушунчаси ХВИИИ асрда пайдо бўлган ва кўпинча «Мулкдор» ибораси билан бир хил тушунилган.Кейинчалик реал хўжалик ҳаётида иштирок этувчи капиталнинг мулкдор капиталдан ажралиб чиқиши натижасида «тадбиркорлик» тушунчаси «мулкдор» тушунчасига тўғри келмай қолади. Тадбиркорлик умуман пул топиш эмас. Пул топишни бир неча йўли бор, яъни ёлланиб ишлаш ёки иш юритмай капитал ҳисобидан даромад топиб, ўзлаштириш, қонунга хилоф ҳолда даромад топиб ўзлаштириш кабилар. Булар тадбиркорлик соҳасига кирмайди.



**ADAM SMIT (1723-1790)**

Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти тўғрисидай бир қатор назарий қарашлар мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйдагилар:

Тадбиркор, бу ноаниқ даромадга эга кишилар. Таваккалчилик хатари унинг бош хусусиятидир (Р.Контилон. У бу атамани иқтисодий фанга ҳам олиб кирган);

Тадбиркор, тижорат билан шуғулланиб, фойда олиш мақсадида таваккалчилик қилувчи мулк эгаси (А.Смит);

Тадбиркор, иқтисодий агент сифатида фойда олиш учун ўз тажрибаси ва билимини тиваккалчилик хатаридан қўрқмай ишга солувчи шахс.(Ж.Б.Сей);

Тадбиркор, фойданинг ўсишини мақсад қилиб қўядиган, хатарга тайёр турадиган ва кишиларни бирлаштира оладиган ташаббус-кор шахс.(В.Замберг);

Тадбиркор, ишлаб чиқариш омиллари уйғунлашувининг янги нисбатини изловчи, иқтисо-дий ўсиши таъминловчи ва новаторлик хусусиятлари юқори даражада ривожланган шахс. (И.Шумпетер).

Ҳозирги замон ғарб адабиётида ҳам тадбиркорликка фойда олиш мақсадини кўзлаб хўжалик юритиш санъати, иқтисодий ва ташкилий ижодкорлик, ташаббуснинг эркин намоён бўлиши, новаторлик, хавф-хатарга нисбатан тайёр бўлиш ва шу каби кўп қиррали томонлари билан қаралади.

Ҳозирги кунда бизнинг иқтисодий тафаккуримиз, аниқроғи бошқариш назарияси хам тадбиркорлик фаолиятини шундай тушуниш томон бормокда. Жумладан, «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида таърифланишича

Тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун албатта мулк эгаси бўлиш шарт эмас, у зарур воситаларни ижарага олиши, ссуда олиши ва бошқалар мулки асосида иш юритиши мумкин.

Тадбиркор бозордаги талабни қондириш имкониятларини олдиндан кўра олади ва уларни қондириш учун зарур бўлган сармояларни жалб қилади, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида **ишлаб чиқаришда** фойдаланиладиган мулк ва бошқа бойликлар тадбиркорлик фаолиятисиз ўзини иқтисодий жиҳатдан тўла намоён қила олмайди ва, шубҳасиз, товар ишлаб чиқарувчиларга етарлича даромад келтирмайди.

Тадбиркорлик фаолияти тушунчасининг мазмуни унинг белгиларида янада аниқроқ ифодаланади. Тадбиркор фойда олиш мақсадида товар (ёки хизмат) ишлаб чиқаришнинг ягона жараёнида ер, сув, капитал ва меҳнат ресурсларини бирлаштириш ташаббусини олади. Шу билан бирга тадбиркор бир вақтда ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун бошқа ресурсларни бир жойда уйғунлаштирувчи ташаббускор ҳисобланади.



**SHUMPETER**
**1883-1950**

Тадбиркор бизнесни юритиш, фойдани кўпайтириш бўйича асосий қарорлар қабул қилади, бу қарорлар корхона фаолиятининг мақсадини аниқлаб беради. Фойда тадбиркорликни, яъни сарфланган тадбиркорлик лаёқатини рағбатлантирувчи омил.

Тадбиркорлик лаёқати қуйидагилардан намаён бўлади:

- бизнес ғояси ва унинг ишланмаси (бизнес-режа);
- ишлаб чиқариш омиллари (ишчи кучи, табиий, капитал) га тўловлар;
- хўжалик фаолиятини ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш (мумкин бўлган
- йўқотишлар, зарар, даромад олмаслик)да маъсулият ва таҳлика.

Тадбиркор – юқори фойда кетидан қувиб, янги маҳсулотлар, янги ишлаб чиқариш технологияси ёки ҳатто бизнесни ташкил қилишнинг янги шаклларини тижорат асосида жорий қилишга ҳаракат қилувчи ташаббускор шахс ҳисобланади.

Тадбиркорлик – бу таҳликага борувчи фаолиятдир.Таҳлика режа ёки прогнозда кўзда тутилган вариантга қиёсан даромад олмаслик ёки зарар кўриш эҳтимолини билдиради. Бунда таҳликанинг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий, кредит ва фоизли турлари фарқланади.

*Aslida bizga o'zimizga atalgan ish bilan shug'ullangimiz keladi. Qachonki biz o'zimiz uchun atalgan ishni boshlasak, o'z o'zidan pullar paydo bo'ladi, eshiklar ochiladi, o'zimizni foydali his qilamiz va ish ham o'yindek tuyuladi.*
**Julia Cameron**

Ҳозирги замон тадбиркори бозорни талаби юқори товарга тўйдира оладиган ишлаб чиқарувчидир. У янгиликни жорий эта оладиган, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланиб иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, ўзи ва ўз жамияти бойлигини ошира оладиган бўлиши зарур.

Тадбиркорликнинг ривожланиши, ўз навбатида, бир қатор шароитларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади, улар асосида умуман товар ишлаб чиқаришнинг умумий ижтимоий – иқтисодий шарт-шароитлари ётади.

Биринчидан, тадбиркор хўжалик юритишда унинг бирон турини танлаш, ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш, уни ўзгаришларга мослаштириш, манбаларни танлаш, ресурс топиш, маҳсулот сотиш, уларга нарх белгилаш, фойдани тасарруф қилиш ва шу кабилар бўйича маълум хуқуқ ва эркинликлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Иккинчидан, тадбиркор ишлаб чиқариш воситаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадга мулкчилик хуқуқига эга бўлиши керак. Тадбиркорлик фаолияти мулкдорнинг ўзи томонидан ҳам, унинг мол-мулки асосида иш юритувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Хўжалик юритиш хуқуқи, яъни мол-мулкидан фойдаланиш ва даромадни тасарруф қилиш тадбиркор томонидан такрор ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришининг муҳим шарт-шароитини ташкил қилади.

Маълумки, тадбиркорлик фаолиятининг вазифаси нафақат фойда олишга, балки уни қайси мақсадларда ишлатиш ва самарали сарфлаш йўлларини топишга қаратилади, яъни у истеъмол-тақсимотчи нуқтаи назаридан эмас, балки юқори рақобатбардошлиликни сақлаб туриш, хўжаликни такомиллаштириш, кенгайтириш ва шу кабиларни амалга оширишга асосланади.

Учинчидан, хўжалик юритиш йўлини эркин танлаш, даромадни инвеститсиялаш имконияти ва шу кабиларни реал таъминлайдиган маълум иқтисодий муҳит ва ижтимоий сиёсий шароит яратиши зарур.

Тўртинчидан, эркин тадбиркорлик, мулкчилик ва ўзлаштиришнинг турли-туман шакллари ва турларини тақозо қилади. Ўз навбатида турли-туманлиликнинг ўзи объектив ҳодиса бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши оқибати сифатида майдонга чиқади.

Етарли молиявий манбаларга, яхши маълумот ва малакали тайёргарликка эга бўлиш, умумий тижорат қонунчилиги, солиқ бўйича имтиёзлар, тадбиркорлик муҳити ва уни ривожлантиришда жамият манфаатдорлигининг мавжуд бўлиши тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги шарт-шароитлари ҳисобланади.

Юқорида кўриб чиқилган барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган давлатларда тадбиркорлик яхши ривожланади, акс ҳолда фаолиятнинг бу тури хуфёна иқтисодиёт соҳасига ўтиб кетади.

### 2.7.2. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари ва тамойиллари

Корхоналар хусусий секторнинг иккинчи асосий қисмини ташкил этади. Буни корхоналар, фирмалар ва тармоқларга бўлган маъқулроқ;

Корхона моддий таркиб ҳисобланиб, Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва тақсимлашда бир неча вазифаларни бажаради.

Фирма завод-фабрикаларга эгалик қилувчи ва бошқарувчи тадбиркорлик таркиби ҳисобланади. Баъзи фирмалар фақат битта завод-фабрикани бошқаради, аммо кўплари бир нечаларини бошқариб, уалрга эгалик қилади.

Тармоқ бир хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхона ва фирмалар йиғиндисидир.

Фирмаларнинг ташкилий таркиби мураккаб ва турличадир. Кўп корхоналарга эга бўлган фирмалар горизонтал тартибда ташкиллаштирилиши мумкин, уларда бир хилдаги вазифаларни бажарувчи бир неча завод-фабрикалар бўлади. Кўп завод – фабрикаларга эга бўлган фирмаларларга Соса-Сола ва Wал-Март йирик корхоналарини олиш мумкин. Бундан ташқари фирмалар вертикал тартибда ташкиллаштирилган бўлиши мумкин, яъни улар ишлаб чиқариш жаройинининг турли даражаларидаги хилма- хил функсияларни бажаришлари мумкин. Масалан, Шелл каби нефт компанияси нефт қазиб олиш майдонлари, нефтга қайта ишлов бериш заводлари ва улгуржи бензин шаҳобчаларига эгадир. Баъзи фирмалар конгломератлар ҳисобланиб, уларни бундай аталишига сабаб улар маҳсулотларини турлича бошқа саноатларда ишлаб чиқарадиган завод-фабрикаларига эгадирлар. Мисол учун, Пфивер нафақат ресепт бўйича бериладиган дориларни (Липитор, Виагра каби), балки сақичларни (Тридент, Дентйне каби), соч-соқол олиш воситалари, йўталга қарши қўлланиладиган қорилар ва шу кабиларни ишлаб чиқаришга ихтисос-лашган[93].

Тадбиркорлик деганда уни ўтмишдаги қўпол ёввойи шакллари эмас, балки унинг замонавий, яъни маданийлашган шакллари ҳақида гап кетади.

Ҳозир жаҳонда ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ва ўзига хос томонларининг беқиёс даражада бир-бирига қўшилиб кетиши кузатилади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ижтимоий, умумдавлат мақсадларида фойдаланадиган ва ниҳоят, жамоа, гуруҳ, хусусий ва шахсий мақсадларда ишлатиладиган турлари мавжуд. Шунга мос равишда тадбиркорликнинг турли-туман: давлат, жамоа, шахсий, хусусий, аралаш ва бошқа ҳосила шакллари ривожланади.

Ҳозир жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида давлат тадбиркорлиги мавжуд бўлиб, миллий даромаднинг 20 фоизидан 50 фоизигача унинг улушига тўғри келади. Давлат корхоналари кўпинча мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ёки катта капитал қўйилмалар талаб қиладиган тармоқларда тузилади. Масалан, Англияда давлат сектори қора металлургия, кўмир қазиб чиқариш, аеро-космик саноат, алоқа воситалари, темир-йўл транспорти, электр ва газ билан таъминлаш каби соҳаларни қамраб олади. Ривожланаётган мамлакатларда давлат корхоналари миллийлаштирилган чет эл компаниялари базасида асосан саноатнинг кончилик тармоқларида тузилади. Ривожланаётган ва ривожланган кўпчилик мамлакатларда давлат компаниялари саноат фирмалари орасида пешқадам ҳисобланади.

---

[93] Economics, McConnell Brue, 68-bet

Турли мамлакатларда давлат корхоналарининг ҳуқуқий мақоми турли-туманлиги билан анча фарқланади. Ҳатто бирор-бир мамлакатда барча давлат корхоналари фаолиятини тартибга солувчи ягона қонуний хужжат мавжуд эмас.

Юқорида кўриб ўтилган шароитлар асосида давлат корхоналарини учта гуруҳга бўлиш мумкин:

– буджет корхоналари;

– давлат ишлаб чиқариш корхоналари;

– аралаш компаниялар;

Ҳуқуқий ва хўжалик мустақиллигига эга бўлмаган корхоналар **буджет корхоналарига** киради. Ўзларининг ҳолати бўйича улар давлатнинг маъмурий – бошқариш тизимига киради ва бирон-бир вазирлик, маҳкама ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига бевосита бўйсунади ёки уларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Улар олган фойдадан солиқ тўламайди. Барча даромад ва харажатлар давлат буджети орқали ўтади.

**Давлат ишлаб чиқариш корхоналари** – бу корхоналарнинг анча кенг тарқалган ташкилий, ҳуқуқий шаклидир. Улар мол-мулкка эга бўлиб, хўжалик фаолияти билан бирга давлат томонидан белгиланган доирада бошқариш ва тартибга солиш вазифаларини ҳам бажаради, яъни давлат корпоратсиялари ўзида тижорат корхоналари ва давлат органлари белгиларини мужассамлаштиради.

**Аралаш компаниялар.** Улар ҳиссадорлик жамиятлари ва мажбуриятлари чекланган ширкатлар шаклида ташкил қилиниб, аксиялари давлатга ва хусусий омонатчиларга тааллуқли бўлади. Аралаш компаниялар ҳиссадорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун асосида иш юритади ва юридик шахс ҳисобланади, хўжалик фаолиятида хусусий фирмалар билан баробар тижорат асосида қатнашади. Шу билан бирга, улар хусусий фирмаларга нисбатан маълум имтиёзлардан фойдаланади. Булар давлат томонидан пул ва дотатсиялар бериш, чет эл литсензияларини енгил шартлар билан олиш, бошқа давлат корхоналари билан хом ашё ва ярим фабрикатларни қатъий белгиланган нархларда етказиб бериш, ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш учун бозор билан таъминланганлик ва шу кабилар.

Ҳамма вақт корхона (фирма) жамоа тадбиркорлигини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий категория сифатида корхона ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий бирламчи бўғини ҳисобланади. Ҳуқуқий нуқтаи назаридан корхона деганда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритиш субъекти тушунилади. Улар ўзига бириктирилган мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади, ишларни бажаради ва хизматлар кўрсатади. Корхоналарнинг мулкчилик мавқеидан ташқари хилма-хил ташкилий ҳуқуқий шакллари ҳам мавжуд бўлади. Корхоналар хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш кооперативлари, жамоа корхоналари, ижара корхоналари, хўжалик бирлашмалари шаклида тузилиши мумкин.

<u>Шахсий тадбиркорлик</u> -шахсий мулкка асосланади, ишлаб чиқариш унинг ўзи ёки оила аъзолари меҳнати асосида амалга оширилади. Одатда, тадбиркорликнинг бу шакли савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида юқори самарали бўлиб, тез ривожланади.

<u>Хусусий тадбиркорлик</u> -мулк ва ишлаб чиқариш натижалари хусусий шахсларга тегишли бўлади, ишлаб чиқариш жараёни ёлланма меҳнатга асосланади.

Тадбиркорликни аралаш шакли ҳиссадорлик жамиятлари ва маъсулияти чекланган жамиятлар ёки қўшма корхоналар (миллий ва чет эл капитали иштирокидаги) кўринишда бўлади.

Давлат тадбиркорлиги бу давлат мулкчилигига асосланган корхоналарни ва мулкида давлат улуши юқори салмоқни ташкил қиладиган корпоратсияларни ўз ичига олади.

Жамоа тадбиркорлиги жамоа мулкчилигига асосланади ва унинг иқтисодий фаолиятида, шу жумладан, бошқаршни амалга оширишда жамоа аъзолари фаол қатнашади ҳамда шу орқали жамоа ва шахсий манфаатлар уйгунлиги таъминланади.

Фаолият турининг мазмунига боғлиқликда тадбиркорликнинг қуйидаги турлари фарқланади:

Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги. Тадбиркорликнинг мазкур шаклида товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ахборот бериш ва маънавий қимматликлар яратиш амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқариш вазифаси асосий ҳисобланади;

Тижорат тадбиркорлиги фаолияти товар ва хизматларни сотиш бўйича битимларни амалга оширишга қаратилади;

Молиявий тадбиркорликда сотиш-харид қилиш воситаси пул, валюта, қимматли қоғозлар ҳисобланади;

Воситачилик тадбиркорлиги томонларнинг ўзаро битимларидан манфатдорлигини боғловчи фаолиятда намоён бўлади.

Суғурта тадбиркорлиги – молиявий тадбиркорликнинг алоҳида шакли ҳисобланиб суғурта бадалини олади ва мазкур бадал суғурталанган ҳолат рўй берганда қайтарилади. Бадалнинг қолган қисми тадбиркорлик даромадини ташкил қилади.

Тадбиркорликнинг ташкилий-иқтисодий шакллари тадбиркорлар фаолия-тини ташкил қилиш соҳаси бўйича келишувларни тавсифлайди. Улардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Картел – бир тармоқ тадбиркорлари ўртасидаги нархлар, маҳсулот сотиш бозорлари, ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги уларнинг улушлари, маҳсулот ўлчамлари ва шу кабилар ҳақидаги келишувдир;

Синдикат – бир тармоқ тадбиркорлари томонидан ортиқча рақобатни бартараф қилиш, барқарор фойда олиш мақсадида маҳсулот сотишнинг бирлаштирилиши;

Консорсиум – тадбиркорларнинг йирик молиявий оператсияларни биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашуви (Масалан, йирик миқёсли лойиҳаларга жуда катта миқдорда ва узоқ муддатли кредит бериш ёки инвеститсиялар қўйиш).

Консерн – қатнашиш тизими орқали корхоналарни назорат қилувчи кўп тармоқли ҳиссадорлик жамияти.

Тадбиркорликнинг санаб ўтилган ташкилий-иқтисодий шакллари, бозорни назорат қилиш учун монополистик бирлашмалар ҳисобланади. Шу сабабли, давлат рақобат-чилик муҳитини таъминлаш учун монополияларга қарши қонунлар қабул қилди.

Табдиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг муҳим шаклларидан бири ҳиссадорлик (аксионерлик) жамиятларидир.

Анча катта ва йирик ишларни бажаришлари учун қатнашчилар ўзларининг меҳнатини, меҳнат қуроллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурсларини (капиталлар) бирлаштиришлари лозим бўлади. Жамоа кучини шу асосда бирлаштириш натижасида турли хил иттифоқлар (уюшмалар) вужудга келадики, улар илмий адабиётларда, қонуний битимларда «жамият» деб атала бошланди.

> **QISQA MA'LUMOTLAR**
>
> Zavod jismoniy muassasa hisoblanib, xizmat va tovarlar ishlab chiqarishda bir necha vazifalarni bajaradi.
>
> Yagona boshqaruvga asoslangan mulkdorlikka bir inson egalik qiluvchi va boshqaruvchi korxona kiradi. Korporatsiya resurslar va aktivlarga ega bo'ladi, ishlab chiqaradi va tovarlarni sotadi, qarzlar oladi, kreditlarni cho'zdiradi, qonuniy da'volar ochadi yoki unga nisbatan qonuniy da'volar qo'zg'atilishi mumkin va ishlab chiqarishni boshqa turlari bajaradigan vazifalarnibajaradi. Korporatsiya yakka tartibdagi aksiyadorlardan farq qiladi. Ko'p korparatsiyalalar yollanma boshqaruvchilar tomonidan boshqariladi.
>
> Biznes korxonalarning korporativ boshqariluv shakli ko'pgina afzalliklarga ega bo'lib, ularni AQShdagi eng katta foyda ko'ruvchi va savdo faoliyatlarini amalga oshiruvchi bo'lib shakllangan. Korporatsiya o'z imkoniyatlari va ishlab chiqarish ko'lamlarini kengaytirishni moliyalashtirish uchun pul—mablag'larini yig'adigan biznes tashkilotining eng samarali turi hisoblanadi. Katta korporatsiyaning egaligi minglab aksiyadorlar orasida taqsimlanadi.
>
> Korporatsiya egalari odatda uni boshqar-maydi, balki boshqalarni korporatsiyani boshqarishga jalb etadi. O'shanday boshqaruv tizimi ***prinsipal***

Жамият умумий тушун-ча; уларнинг шакли иқтисодий мазмуни, фаолиятининг мақсади ва ҳуқуқий мажбуриятлари ҳар хил бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда корхона-ларни ҳиссадорлик шаклда ташкил қилиш жаҳон хўжалиги ва аввало йирик ишлаб чиқаришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. АҚШ, Япония ва Ғарбий Европадаги барча етакчи мамлакатларда ҳиссадорлик жамиятлари саноат, савдо, суғурта иши ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида корхоналар-нинг етакчи ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб қолди.

Корхоналар хилма-хиллиги билан фарқланади: уларга Генерал Моторс каби улкан корпоратсиялар ҳам киради, сотиш ҳажми катта бўлмаган ва бир-иккита ишчилардан иборат маҳаллий дўкон ёки оилавий озиқ-овқат расталари ҳам киради. Бундай хилма-хиллик корхоналарни турли мезонлар ёрдамида таснифлашга зарурият туғдиради, масалан, фаолият тармоғи, ишлаб чиқарилаётган маҳсулоти, корхона ҳажми каби кўрсаткичлар ёрдамида. Корхоналар учта асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда бўлади:

1) якка тартибдаги тадбиркорлик;
2) шерикчилик (ҳамкорлик);
3) корпоратсия.

**Якка тартибдаги хусусий тадбиркорлик** - бир киши томонидан бизнесга эгалик қилиш ва бошқаришдир. Ҳусусий тадбиркор (мулкдор) шахсан ўзи корхона фаолиятини назорат қилади.

*Якка тартибдаги хусусий тадбиркорлик* афзалликлари. Бу бизнесни ташкил этишни содда шакли бўлиб, маълум афзалликларга эга:

1. Индивидуал хусусий тадбиркорликни таъсис этиш қийин эмас, чунки у ортиқча юридик ва бюрократик тўсиқларни ва харажатларни талаб этмайди.

2.Хусусий тадбиркор - ўз ўзига хўжайин бўлиб, харакатлари эркинлик билан ифодаланади. Хусусий тадбиркор топадиган даромад корхонанинг муваффақиятли фаолиятига боғлиқди, бу эса ишни самарали ташкил этишга тўғридан-тўғри рағбатлантиради.

Бироқ бизнесни бу ташкилий шакли маълум *камчиликларга* ҳам эга:

1.Камдан-кам холатларда хусусий тадбиркорларни молиявий ресурслари фирманинг кенгайишига ва йирик корхонага айланишига етарли бўлади. Молиявий маблағлар кўпинча банк ҳисоб рақамларидаги маблағлар ёки қарз олиш имконияти маълум микдорлар билан чекланган бўлади. Ҳусусий фирмалар фаолиятида банкротлик даражаси юқори бўлганлиги сабабли тижорат банклар уларга катта миқдордаги кредитлар беришни истамайдилар.

2.Корхона фаолиятини бутунлай жавобгарлигини ўз зиммасига олган ҳусусий тадбиркор барча бошқарув вазифаларини ўзи бажаришга мажбур бўлади. У олди-сотди масалалари, ишчиларни малакасини ошириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатлари, реклама, маҳсулот тақсимоти каби масалалар бўйича барча қарорларни ўзи қабул қилиши шарт.

3.Енг муҳим камчиликлардан бири - бу хусусий тадбиркор масъулияти чекланмаганлиги.У нафақат фирманинг активларини хавфга қўяди, шу билан биргаликда шахсий мулки билан ҳам жавобгар бўлиши мумкин. Агар хусусий корхона даромадсиз бўлса ва унинг активлари кредиторлар олдидаги мажбуриятларни тўлаб бера олмаса, улар ўз талабини корхона эгасининг шахсий мулкига қўйишлари мумкин.

**Шерикчилик (ҳамкорлик)** тадбиркорликни ташкил этиш шакли сифатида якка тартибдаги хусусий фирманинг табиий ривожланиши оқибатида вужудга келган. Якка тартибдаги тадбиркорликни камчиликларини бартараф этиш мақсадида шерикчилик шакли ривож топган. Бу тадбиркорликни ташкил этишни шундай шаклики, унда икки ёки ундан ортиқ киши (шериклар) корхонага биргаликда эгалик қилиш ва бошқариш борасида шартнома тузадилар. Одатда улар ўз молиявий ресурсларини ва тадбиркорлик кўникмаларини бирлаштирадилар. Шундай тарзда хавф-хатарлар ва фойда (зарар) тақсимланади.



Шерикчилик афзалликлари:

Якка тартибдаги тадбиркорлик сингари шерикчиликни ташкил этиш ҳам мушкул эмас. Одатда ёзма равишда битим тузилади ва кўпгина холларда бюрократик жараёнларга боғлиқ бўлмайди.

Тадбиркорликда бир нечта шерик иштирок этаётганлиги сабабли бошқариш жараёнида ихтисослашув даражаси ўсиб боради.

Якка тартибдаги тадбиркорликдан фарқли ўлароқ шерикчиликда бир нечта иштирокчи бирлашиши корхонанинг молиявий ресурсларини кенгайтиришга замин яратади. Шериклар ўз пул маблағларини бирлаштиришлари мумкин ва банклар учун бундай корхоналар риск даражаси пастроқ деб баҳоланади.

Шерикчилик камчиликлари:

Бошқарувда бир нечта одам иштирок этиши муҳим қарорлар қабул қилиш вақтида шериклар қарашлари фарқланишига ва номувофиқ сиёсат амалга оширилишига сабаб бўлиши мумкин.



Шерикларни молиявий ресурслари якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан имкониятлари кенгроқ бўлсада чекланган ҳисобланади. Хатто учта-тўртта шерикни маблағи ҳам корхонанинг муваффақиятли ўсишига етарлича бўлмаслиги мумкин.

Шерикларни фаолияти давомийлигини башорат этиш жуда қийин. Шерикчиликдан бир иштирокчини чиқиб кетиши ёки ўлими одатда корхонани қайта ташкил этишга ёки тўлиқ ёпилишига сабаб бўлади.

Хусусий тадбиркорлар масъулияти чекланмаганлиги каби шерикчиликда ҳам ушбу камчилик мавжуд. Корхонанинг муваффақиятсиз фаолиятига ҳар бир шерик масъулдир. Шериклар нафақат ўзининг бошқарув қарорларини хатолари учун жавоб берадилар, балки бошқа шериклар харакати оқибатлари учун ҳам жавобгар ҳисобланади.

Корпоратсия (аксиядорлик жамиятлари)

Корпоратсия - юридик шахс бўлиб, у ресурсларни сотиб олиш, активларга эгалик қилиш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, қарз олиш, кредитлар бериш, судларда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш хуқуқларига эга ва шу билан бир қаторда юқорида санаб ўтилган бизнеснинг бошқа шакллари бажарадиган функсияларни амалга оширувчи корхонадир. Корпоратсиялар аксариятини ёлланма менеджерлар томонидан бошқарилади.

*Корпоратсия афзалликлари*. Корпоратсияларнинг афзалликлари бизнеснинг ушбу ташкилий шакли замонавий америка иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллашига сабаб бўлди. Гарчи корпоратсияларнинг сони нисбатан кам бўлсада, улар ўзларини кенг микёсдаги оператсиялари ва катта ҳажмлиги билан фарқланиб турадилар. Америка иқтисодиётида корпоратсиялар сони умумий корхоналар сонининг 20 фоизидан ортиқ бўлмасада, улар ҳиссасига тадбиркорлик сектори сотиш ҳажмининг 90 фоизига яқини тўғри келади[94].

1. Корпоратсиялар молиявий маблағларни жалб қилиш вазифасини тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилий тузилмаларга нисбатан сезиларли даражада самарали олиб борадилар. Корпоратсияларнинг ўзига хос ноёб молиялаштириш жиҳати шундаки улар аксиялар ва облигатсиялар сотиш йўли билан жуда кўп шахсларнинг молиявий ресурсларини умумий фондга йиғиш имкониятига эгадирлар.

Харидорлар нуқтаи назаридан қимматли қоғозларни сотиб олиш йўли билан молиялаштириш ўзининг маълум устуворлик жиҳатларига эга. *Аксиялар* - бу корпоратсия мулкининг улуши демакдир. *Облигатсиялар* – қарзни маълум бир фоизлар билан биргаликда тўлаб бериш мажбуриятидир. Корпоратсияларнинг аксиялари ва облигатсияларини сотиб олиш йўли билан молиялаштириш уй хўжаликларига корхона бошқарувида фаол иштирок этмасдан туриб маълум пул мукофоти олиш имконини беради. Шу билан бирга, одамлар турли корпоратсияларнинг қимматли қоғозларини сотиб олаётганда рискларни тақсимлашга ҳам эга бўладилар. Ваниҳоят, корпоратив қимматли қоғозлар эгалари

[94] Economics, McConnell Brue, 69-bet

қимматли қоғозларини бошқаларга ҳам сотиш имкониятига эгадирлар. Фонд биржалари қимматли қоғозларни харидорлари ва сотувчи ўртасидаги ҳаракатини енгиллаштирадилар. Олди-сотди жараёнини соддалиги жамғармаларга эга инсонларнинг корпоратсиялар қимматли қоғозларига сотиб олишга қизиқишини оширади.

Ундан ташқари, корпоратсиялар учун банк кредитларини олиш имконияти бошқа тадбиркорлик шаклларига нисбатан анча енгилдир. Банклар учун корпоратсиялар ишончли ва бошқаларга қараганда кўпроқ наф келтирадиган мижозлардир.

2. Корпоратсияларнинг яна бир афзаллиги – масъулияти чекланганлиги. Корпоратсия эгалари (аксиялар харидорлари) фақатгина қимматли қоғозларни сотиб олган пул маблағлари билан таваккал қиладилар холос. Уларнинг шахсий активлари корпоратсия ўз қарзлари тўлай олмаган тақдирда ҳам хавф остида қолмайди. Кредиторлар корпоратсияларга юридик шахсга нисбатан даъво қиладилар, лекин корпоратсия эгалари жисмоний шахс сифатида қарзлар учун жавобгар эмаслар. Масъулияти чекланганлиги корпоратсия қимматли қоғозларининг олди-сотди жараёнини сезиларли даражда ривожлантиришга ёрдам беради.

3. Пул маблағларини кенг жалб қилиш бўйича афзалликлар муваффақиятли корпоратсияларга ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, операциялар миқёсини кенгайтиришга ҳамда даромадни ўсишига имконият яратиб беради. Хусусан, ишлаб чиқариш миқёсиниг ижобий самарасидан фойдаланиш, инсон ресурсларини ихтисослашувини чуқурлаштириш орқали самара олиш имкониятига эгадирлар. Якка тартибдаги хусусий тадбиркор бизнес эгаси сифатида вақтини ишлаб чиқариш, бухгалтерия ҳисоби ва маркетинг масаларини ечишга сарфласа, йирик корпоратсия мазкур соҳалар бўйича мутахассисларни жалб қилиш орқали катта самарадорликга эришиши мумкин.

4.Юридик шахс бўлиб туриб корпоратсиялар ўз эгалари ва мансабдор шахсларсиз ҳам фаолиятини давом эттириши мумкин. Корпоратсия мулкини мерос сифатида ёки аксияларини сотиш орқали бошқа шахсга ўтказилиши унинг фаолиятини давомийлигига ва бутлигига раҳна солмайди. Корпоратсиялар бошқа тадбиркорлик шаклларидан фарқли ўлароқ истиқболи режалаштириш ва ўсиш имкониятларига эгадирлар.

Корпоратсиялар жуда кўп афзалликларга эга бўлсаларда, уларда ҳам камчиликлар мавжуд. *Корпоратсиялар камчиликлари:*

Корпоратсия таъсис хужжатларини расмийлаштириш бюрократик тўсиқлар ва юридик хизматларга йўналтирилган харажатлар билан боғлиқ.

Ижтимоий нуқтаи назаридан корпоратив шаклдаги бизнесда бир оз суистеъмолчилик имконияти мавжуд. Корпоратсия юридик шахс бўлганлиги учун баъзи инсофсиз компания эгалари шубхали тижорат операциялари учун шахсий жавобгарликдан қутулиб қолишга муяссар бўлишади, бизнесни корпоратив шаклда ташкил этилиши бунга имконият яратади.

Корпоратсиянинг яна бир камчилиги - корпоратив фойдани бир қисми икки ёқлама солиққа тортилиши. Аксиялар эгаларига дивиденд кўринишида тўланадиган корпоратсия даромади икки марта солиқа тортилади - биринчи марта корпоратсия фойдаси сифатида ва иккинчи марта аксия эгасининг шахсий даромади сифатида.

Якка тартибдаги шахсий фирма ва шерикчиликда реал ва молиявий активлар эгалари мазкур активларни бевосита ўзлари бошқаради ва назорат қиладилар. Лекин мулки ўнлаб ёки юз минглаб аксионерларга тегишли йирик корпоратсияларда мулкга эгалик ва мулкни бошқариш вазифалари бўлинади.

Бундай тафовутлар сабаби шундаки, аксиядорлар корпоратсияни бошқаришда иштирок этишмайди, бу иш билан улар ёллаган мутахассис шуғулланади.

Бундай вазият “принсипал-агент” деб номланади. Бу ерда принсипаллар – аксиядорлар, яъни корпоратсиянинг реал эгалари. Улар бизнесни юритиш учун менеджерлар, яъни ўзларининг агентларини ёллайдилар. Аммо менеджерлар манфаатлари ва принсипаллар истаги доим ҳам мос келавермайди. Айниқса дивидендлар тўлаш сиёсатини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви тез-тез учраб туради.

**Йирик бизнес**. Юқорида айтиб ўтилганидай, америка иқтисодиётида корпоратсиялар сони умумий корхоналар сонининг 20 фоизидан ошмаса ҳам, улар хиссасига ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг 90 фоизига яқини тўғри келади. Кўпгина саноат тармоқларида йирик корпоратсиялар фаолият юритиб келмоқда, уларнинг активлари ва сотиш ҳажми миллиард долларни ташкил этади, минглаб ишчилари, солиқ тўлангандан кейин йиллик фойда миқдори юз миллион долларни ташкил этади. Биргина АҚШнинг энг йирик Генерал Моторс корпоратсиясининг сотиш ҳажми 1996 йилда 168 млрд. долларни ташкил этди. Дунёда фақат 22 давлатнинг ялпи ички маҳсулоти Генерал Моторс сотиш ҳажми кўрсаткичидан юқорироқ ҳисобланган.

Лекин йирик корпоратсиялар турли тармоқларга ўзгача таъсир кўрсатадилар. Улар қайта ишлаш саноатида кўпроқ учрайдилар ҳамда транспорт, алоқа, банк иши ва молия соҳаларида муҳим аҳамиятга эгадирлар. Америкалик 2 млн. фермернинг маҳсулот сотиш ҳажми 1996 йилда иккита энг катта корпоратсиялар сотиш ҳажмидан камроқ бўлган. Ундан ташқари амалиётда катта ҳажмга эга бўлмаган турли чакана савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият юритиб келмоқда. Шундай қилиб АҚШ иқтисодиётида йирик корпоратсиялар устунликга эга бўлиб мазкур давлат иқтисодиётини “йирик бизнес” иқтисодиёти деб аташга етарли асос мавжуд.

Тадбиркорликнинг тамойиллари мавжуд бўлиб тадбиркор унга амал қилиши жуда муҳим. Булар қуйидагилардан иборат:

1) Мулкий муносабатларни иштирокчиси бўлиш, ишлаб чиқариш омилларига ва яратилган товарларга эгалик қилиш.

2) Иқтисодий эркинлик яъни мустақил иш олиб бориш, ишлаб чиқаришни бошқариш.

3) Иқтисодий хатти ҳаракатлар учун масъулиятни ўз зиммасига олиш ва фаолияти учун натижасига жавоб бериш.

4) Фойда олишга интилиш ва уни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш.

5) Тижорат сирини сақлай билиш.

6) Ҳалол рақобат ва бозорда мавжуд қоидаларга амал қилиш.

7) Имиджга эга бўлиш яъни бошқалар ишончини оқлаб обрў-еътибор орттириш, фирманинг обрўсини кўтариш.

### 2.7.3. Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати ва унинг босқичлари

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти капитал сарфини талаб қилади. Капитал лотинча сўз бўлиб, маблағ, бойлик деган маънони англатади. Унинг иқтисодий неъмат яратиш омили сифатида намоён бўладиган моддийлашган қисми ишлаб чиқариш воситалари деб аталади. Бундай ёндашув дастлаб классик мактаб вакиллари томонидан илгари сурилган. Масалан, А.Смит капитални жамғарилган меҳнат маҳсули, Д.Рикардо ишлаб чиқариш воситалари деб ҳисоблашган.

Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида иқтисодий фанларда капитални талқин этишда ягона фикр йўқ.

Масалан, Ж.Робинсон капитал, ҳали инвеститсияга айланмаган маълум миқдордаги пул, деган фикрини билдирса, П.Хейне эса капитал бу – келажакда неъматлар ишлаб чиқариш учун яъни ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланса бўладиган ишлаб чиқариш воситаларидан иборат деб ҳисоблайди.

Нисбатан тор бухгалтерия ҳисоби талаблари бўйича ёндашилса фирманинг барча активлари (мабалағлари) капитал деб юритилади.

Капитал тушунчасининг қандай талқин қилинишидан қатъий назар, барча қарашларда унга умумий бўлган хусусият бу даромад келтиришдир. Шундай қилиб даромад топиш мақсадида ишлаб чиқариш ресурслари ва уларга сарфланган пул капитал бўлади. Демак тадбиркорликнинг ҳар қандай шакли ўз фаолиятини амалга ошириш учун маълум миқдордаги ишлаб чиқариш воситаларига ва молиявий маблағларига эга бўлиши зарур. Бу восита ва маблағлар фойда олиш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёни учун зарур бўлади.

*Тадбиркор ихтиёридаги барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари биргаликда тадбиркорлик капитали деб аталади.* Узоқ йиллар давомида бизнинг хўжалик амалиётимизда ва иқтисодий атамашунослигимизда у корхона маблағлари (ишлаб чиқариш фондлари) деб қабул қилинди ва шу тушунча билан юритилди. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ҳозирги даврда барча мулкчиликка асосланган корхоналар (шу жумладан, давлат корхоналари ва муассасалар) ўзларини тадбиркорликнинг у ёки бу шакли сифатида намоён қилади. Шу сабабли, биз ҳам, улар ихтиёридаги ишлаб чиқариш воситалари, товарлар ва пул маблағларини тадбиркорлик капитали ёки қисқача капитал деб айтамиз. Тадбиркорлик капитали ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида доимо ҳаракатда бўлади ва бу ҳаракат жараёнида бир қатор босқичларни босиб ўтади.

Пул капиталнинг иқтисодий фаолият омилларига сарфланиши, уларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши, ишлаб чиқарилган товарларнинг сотилиши ва маблағларнинг дастлабки шаклига қайтиши каби босқичларни ўз ичига олган ҳаракати унинг доиравий айланишини ташкил қилади.



Ишлаб чиқаришга сарфланадиган ҳар қандай сармоя ўз ҳаракатини *пул шаклидан* бошлайди. Пул (П) тегишли ресурслар бозори (Рб)дан зарур товарлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари (Ив) ва ишчи кучи (Ик) сотиб олишга сарфланади (авансланади). Бу ҳолда пул шунчаки товарлар сотиб олишгагина эмас, балки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иқтисодий фаолият омилларини сотиб олишга сарфланади.

**Ушбу муомала соҳасида пул капитали ўз ҳаракатининг *биринчи босқичидан* ўтади.**




Мазкур жараён натижасида пул шаклидаги маблағлар унумли капитал шаклига айланади ва улар ишлаб чиқариш жараёнининг потенсиал омиллари ҳисобланади. Капитал ҳаракатида *иккинчи босқич* ишлаб чиқариш (Ич) жараёни ҳисобланиб, унинг натижаси товар (Т) шаклини олади. Бу ерда ҳосил қилинган товарлар қиймати ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучига сарфланган қийматдан ортиқ бўлади, яъни




Чунки ҳосил қилинган товарлар қийматида ишлаб чиқариш воситаларининг кўчган қиймати, ишчи кучи қийматининг эквиваленти ва улар томонидан вужудга келтирилган қўшилган қиймат ҳам мавжуд бўлади.

*Учинчи босқичда* ишлаб чиқарилган товарларни сотиш содир бўлади (Тъ→Пъ), яъни товарлар пулга айланади ва ўзининг дастлабки шаклига қайтиб келади. Дастлаб, пул шаклида сарфланган маблағ яна пул шаклида, аммо миқдор жиҳатидан кўпроқ бўлиб қайтади.

Шу сабабли уни Пъ= П+п ёки П=П+п кўринишида ифодалаш мумкин.

Товарларни сотишдан тушган пул капитали яна ишлаб чиқариш омиллари сотиб олиш учун сарфланади ва шу тариқа юқоридаги ҳаракат тўхтовсиз такрорланаверади.

***Тадбиркорлик капиталининг ўз ҳаракатида уч босқични изчил босиб ўтиб, мунтазам равишда бир шаклидан бошқа бир шалкига айланиб, яна дастлабки шаклига қайтиб келиши унинг доиравий айланиши дейилади.***

Тадбиркорлик капитали доиравий айланишининг яхлит кўриниши қуйидагича бўлади:



Доиравий айланишнинг биринчи ва учинчи босқичлари муомала соҳасида яъни ресурслар ва товарлар бозорида иккинчи босқичи ишлаб чиқаришда рўй беради.

### 2.7.4. Тадбиркорлик капиталининг айланиши. Асосий ва айланма капитал

Тадбиркорлик капиталининг ҳаракати бир доиравий айланиш билан тўхтаб қолмайди, балки у узлуксиз давом этиб, такрорланиб туради. *Доиравий айланишларнинг бундай узлуксиз такрорланиб, янгиланиб туриши тадбиркорлик капиталининг айланиши дейилади.*

Капиталнинг айрим қисмлари турли тезликда ҳаракат қилиши туфайли сарфланган маблағларнинг айланиш тезлиги турлича бўлади. Масалан, унумли истеъмолда бўлган хом ашё ва материаллар қиймати, бир доиравий айланишдан кейин бошқа қисми масалан, меҳнат қуроллари қиймати бир неча доиравий айланишдан кейин ўзининг бошлангич шаклига қайтади.

Капитал ўзининг айланиш хусусиятига қараб икки қисмга: асосий ва айланма капиталга бўлинади.

**Асосий капитал** – ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор доиравий айланишлар давомида қатнашади, ўзининг қийматини тайёрланаётган маҳсулотга (хизматга) бўлиб-бўлиб ўтказиб боради ва ашёвий - буюм шаклини ўзгартирмайди.

**Айланма капитал** – бир доиравий айланиш давомида тўлиқ истеъмол қилинади, ўзининг қийматини ишлаб чиқариш натижаларига тўлиқ ўтказади ва ашёвий – буюм шаклини ҳам йўқотади.

Асосий ва айланма капиталлар фарқланиши асосида қуйидаги белгилар ётади.

*Ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракат қилиш хусусиятлари.* Асосий капитал тайёрланаётган маҳсулот моддий таркибига буюм жиҳатдан кирмайди, узоқ давр давомида фаолият қилади (масалан станок-10 йил, бино-50-100 йил), ўзининг олдинги натурал – буюм шаклини бир нечта доиравий айланишлар давомида сақлаб қолади. Аксинча айланма капитал (масалан пахта, жун, металл) ҳар бир доиравий айланишда тўлиқ унумли истеъмол қилинади, ўзининг буюм – ашёвий шаклини йўқотади ва янги турлари билан алмашинади.

*Қийматини ишлаб чиқариш натижаларига ўтказиш хусусияти.* Асосий капитал ишлаб чиқариш жараёнида қатор йиллар давомида фаолият қилади, уларнинг қиймати товарларга қисман ўтиб боради. Агар станок 10 йил, бинолар эса 50 йил давомида фойдаланилса, бунда ҳар йили маҳсулот қийматига станок қийматининг 1/10 ва бино қийматининг 1/50 қисми киради. Хом ашё ва материаллар, ёқилги ва энергия каби айланма капитал элементлари ҳар бир доиравий айланишда тўлиғича унумли истеъмол қилинади ва уларнинг қиймати маҳсулот ва хизматлар қийматига тўлиғича ўтади.

*Капитал қийматининг айланиш усули.* Қийматининг айланиш усули бўйича асосий капитал қиймати иккига бўлинади; қийматнинг маҳсулотга ўтган қисми товарлар ва хизматлар билан бирга муомалада бўлади ва доиравий айланиш жараёнида товар шаклидан пул шаклига ўтади, ҳамда қоплаш фонди шаклида аста-секин жамғарилади: маҳсулотга ўтмаган қисми ишлаб чиқариш доирасида мавжуд бўлган асосий капиталда гавдаланганича қолаверади. Истеъмол қилинган меҳнат

предметлари қиймати тўла-тўкис айланиб, янги маҳсулотлар қиймати таркибига киради. Меҳнат воситалари ўз айланиши давомида бир қатор изчил доиравий айланишларга иштирок қилади, ваҳоланки меҳнат предметларининг айланиш вақти бир доиравий айланиш даврига тўғри келади.

*Қайта тикланиш усули.* Қайта тикланиш усулида асосий капиталнинг ишлаб чиқариш натижларига ўтказилган қиймати, бу воситалар бир қатор доиравий айланишларни ўз ичига олган муайян давр давомида едирилиб, ишдан чиққандан кейин пул шаклидан янги асосий капитал шаклига айланади. Айланма капитал ҳар бир доиравий айланишдан кейин ашёвий буюм шаклида қайтиб тикланади.

Барча меҳнат воситалари асосий капитал таркибига кирмасдан фақат уларнинг инсон меҳнати билан вужудга келтирилган қисми шундай капитал ҳисобланади. Шу сабабли ер, ўрмонлар ва бошка табиий ресурслар меҳнат воситалари ҳисоблансада одатда асосий капитал таркибига кирмайди.

Фақат унумли капитал асосий ва айланма капитал шаклини олади, чунки улар ишлаб чиқариш жараёнидагина ўз қийматини маҳсулотга ўтказади. Шу билин бирга муомала доирасида ищлаб чиқариш жараёни маълум даражада давом этганлиги туфайли бу ерда ҳам қўшимча унумли капитал масалан, музлатиш ускуналари, қадоқлаш, ўлчаш машиналари, идиш материаллари ва бошқалар мавжуд бўладики, булар ҳам асосий ва айланма капиталга бўлинади.

### 2.7.5. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги

Тадбиркорлик капитали таркибида асосий капитал, белгиловчи рол ўйнайди. Унинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўсиши, такомиллашиб бориши ишлаб чиқаришнинг юксак техника даражасини таъминлайди ва шу асосда самарадорлигини ўстиради.

Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш ўзаро боғланган ички жараёнларга: асосий капитал эскириши, амортизатсия жараёни ва амортизатсия фондидан меҳнат воситаларини жисмоний шаклда тиклаш учун фойдаланишга таянади.

Меҳнат воситалари жисмоний эскиришининг икки шакли мавжуд: улардан фойдаланиш жараёнида ва ҳаракатсиз туриш натижасида, табиий кучларнинг таъсирида жисмоний эскириш.

Меҳнат воситалари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш натижасида жисмоний эскирганда, улар техник, ишлаб чиқариш хоссасини ва истеъмол қийматини аста-секин йўқотиб боради. Айни вақтда асосий капитал табиий кучларнинг таъсирида жисмоний эскириши ҳам мумкин. Бундай эскириш қиймати қопланмайди ва унинг йўқотилишни билдиради. Бу йўқотиш асосий капиталнинг ҳаракатсиз туриш натижасидаги эскиришига тенг бўлади.

Меҳнат воситалари жисмоний эскириш билан бирга *маънавий жиҳатдан* ҳам эскиради. Маънавий эскиришнинг *икки хил тури* мавжуд бўлиб, у бир-биридан фарқ килади.

Маънавий эскиришнинг биринчи тури меҳнат воситалари тайёрланадиган тармоқларда меҳнат унумдорлиги ошганлиги натижасида *улар қийматининг пасайишида* ифодаланади. Бу ишлаб турган ускуналарни янгилари билан алмаштиришни зарур қилиб қўймайди, чунки ишлаб турган ва янги ускуналарнинг техника даражаси бир хил бўлиб қолаверади. Бироқ, анча паст қийматга эга бўлган меҳнат воситаларининг кенг қўлланиши шунга олиб келадики, илгари сотиб олинган меҳнат воситалари қийматининг бир қисми йўқолади. Масалан: Агар олдин биронта ускуна бир миллион сўмга олиб келиб ўрнатилган бўлса, бу йил уни

700 минг сўмга сотиб олиш мумкин бўлади. Шунда олдинги ускунага сарфланган қийматнинг 30 фоизи йўқолади.

Маънавий эскиришнинг иккинчи турида анча мукаммал, арзон ва унумли машиналарнинг ишлаб чиқаришга кириб келиши билан илгари ўрнатилган меҳнат воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмай қолади ва натижада улар янгилари билан алмаштирилади. Маънавий эскиришдан кўриладиган зарарнинг олдини олишнинг асосий йўли меҳнат қуролларидан анча самарали фойдаланиш ҳисобланади.

*Амортизатсия ва унинг нормаси.* Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг бир қисми амортизатсия фонди ёрдамида қопланади.

Амортизатсия асосий капитал эскириб боришига қараб, унинг қийматини аста-секин ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказиш, кейинчалик уларни қайта тиклаш мақсадларида маҳсулотнинг амортизатсия миқдорига тенг қисмини жамғариш жараёнидан иборат. Асосий капиталнинг эскириши билан амортизатсия ўртасида мустаҳкам алоқа бор. Бироқ булар бир хил тушунчалар эмас. Эскириш меҳнат воситаларидан фойдаланиш вақтида уларнинг техник-ишлаб чиқариш хоссаларини аста-секин йўқотиш жараёнини акс эттиради. Амортизатсия анча мураккаб жараён бўлиб, истеъмол қилинган меҳнат воситалари қийматини уларнинг эскиришига мувофиқ равишда маҳсулотга ўтказиш, истеъмол қилинган меҳнат воситаларининг ўрнини қоплаш мақсадида пул фондини жамғариш жараёнини акс эттиради. Шундай қилиб, эскириш амортизатсиянинг дастлабки шарт-шароитидир.

Амортизатсия нормаси амортизатсия ажратмалари йиллик суммасининг шу асосий капитал қийматига нисбатан аниқланади ва фоизда ифодаланади. Амортизатсия ажратмаларининг умумий нормаси асосий капитални такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ равишда икки қисмдан иборат бўлади: бир қисми асосий капитални тўла қоплашга (қайта тиклашга), иккинчиси уларни қисман қоплашга (капитал ремонт қилишга) мўлжалланади.

Амалиётда умумий йиллик амортизатсия нормаларини ($A_h$) белгилашда: асосий капитал қиймати ($K_{ac}$), асосий капиталнинг ҳаракат қилиши муддати давомида капитал таъмирлаш учун сарфлар, ($P_k$) эскирган меҳнат воситаларини тугатишдан олинган маблағ ($O_t$) ва шу воситанинг хизмат даври ($X_d$) ҳисобга олинади:

$$A_h = \frac{K_{ac} + P_k - O_t}{X_d} \cdot 100$$

Амортизатсия нормалари меҳнат воситалари жисмоний ва маънавий ейилишининг ҳақиқий миқдорини акс эттириши керак. Оширилган нормалар маҳсулот таннархини сунъий равишда ошириб юборади, пасайтирилган нормалар эса асосий капитал тикланиш даврини кечиктиради ва шу тариқа техника тараққиётига тўсиқ бўлади.

Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши, аввало қўшимча капитал маблағ сарфаланмасдан маҳсулот ҳажмини кўпайти-ришда ўз ифодасини топади.

Бир томондан, миллий маҳсулот ёки миллий даромаднинг ўсиш суръатлари билан, иккинчи томондан, асосий капиталнинг ўсиш сураътлари ўртасидаги нисбат миллий иқтисодиёт миқёсида асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан асосий капитал қиймати ўртасидаги алоқани акс эттиради, у ўзаро боғланган икки кўрсаткич капиталдан олинадиган самара ($К_с$) ва маҳсулотнинг капитал сиғими ($K_{sig'}$) кўрсаткичлари билан ифодаланади. Миллий иқтисодиёт миқёсида асосий капиталдан олинадиган самара даражаси ишлаб турган асосий капиталнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот(ЯИМ) ёки миллий даромад ($M_d$) ни, капитал сиғими даражаси эса ишлаб чиқарилган миллий даромад ёки ялпи ички маҳсулотнинг бир сўми ҳисобига асосий капитал қийматининг тўғри келишини тавсифлаб беради:

$$K_c = \frac{YAIM}{K_{ac}} \text{ ёки } K_c = \frac{M_d}{K_{ac}}$$

$$K_{sig'} = \frac{K_{ac}}{YAIM} \text{ ёки } K_{sig'} = \frac{K_{ac}}{M_d}$$

Корхона миқёсида капиталдан олинадиган самара даражаси асосий капиталнинг бир сўми эвазига корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулот миқдори (М) билан, капитал сиғими эса корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (М) бир сўм ҳисобига қанча асосий капитал қиймати тўғри келиши билан характерланади.

$$K_{samara} = \frac{M}{K_{ac}}; \quad K_{sig'kor} = \frac{K_{ac}}{M}$$

Корхонадаги меҳнат воситаларининг айрим турларидан фойдаланиш самарадорлиги натурал кўрсаткичлар ёрдами билан аниқланади. Масалан, бир тўқув дастгоҳида метр ҳисобида бир кунда тўқилган мато, бир автомобилда бир кунда тонна ҳисобида ташилган юк ва ҳоказо.

Айланма капитал ҳаракати ва самарадорлиги.

Асосий капитал (фондлар) ҳаракати айланма капитал ва муомала маблағлари ҳаракати билан узвий боғлиқ. Шу сабабли айланма капитал ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва уни ошириш омилларини кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Айланма капиталдан фойдаланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи миллий хўжалик миқёсида маҳсулотнинг материал сиғими, ($M_{sig'}$) маҳсулот яратишда истеъмол қилинган айланма капитал қийматининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ёки миллий даромадга ($М_д$) нисбати сифатида аниқланади:

$$M_{sig'} = \frac{A_k}{M_d}$$

Корхона миқёсидаги материал сиғими ($M_{sig'kor}$) унда истеъмол қилинган айланма капитал қийматининг ишлаб чиқарадиган маҳсулот қийматига нисбати сифатида аниқланади.

$$M_{sig'kor} = \frac{A_k}{M}$$

Сарфланган айланма капитал бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори материал сиғими кўрсаткичига тескари миқдордир.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги у билан айланма капитал ўртасидаги нисбатга боғлиқдир. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган айланма капиталнинг салмоғи қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлардан шунчалик самарали фойдаланилади.

Амалиётда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш коеффитсиенти билан ўлчанади. Бу коеффитсиент бир йил ичида сотилган

маҳсулот қийматининг айланма маблағларнинг ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида аниқланади.

Айланиш даври (а) йилдаги кунлар сонининг айланишлар сонига (п) нисбати билан аниқланади.

$$a = \frac{360}{p}$$

Агар бир йилда айланма маблағларнинг ўртача йиллик миқдори 10 млн. сўм бўлганида 60 млн. сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, айланиш коеффитсиенти 6 ни (п=60/10) ташкил қилади. Айланма маблағлар 6 айланиш қилиб, бир айланиш даври 60 кунни (360/6) ташкил қилади.

Айланма маблағлар тезлигини ошириш уларга бўлган талабни камайтирди. Масалан, юқоридаги мисолда айланиш сони 6 дан 8 га (п=360/45) ўзгарса айланма маблағларга бўлган эхтиёж 10 миллион сўм ўрнига, 7,5 млн. сўмни ташкил этади ((60x4)/360).

Бинобарин, айланма маблағларнинг айланишини 15 кунга тезлатиш 2,5 млн. сўмлик айланма маблағларни бўшатиб беради ва корхона айланма маблағларининг ўша суммасида маҳсулот чиқаришни 20 млн. сўмга кўпайтиришни [(8x10)-60] таъминлайди.

Айланма маблағлар айланишини тезлаштирадиган асосий омил ишлаб чиқариш вақтини аввало иш даврини, шунингдек, муомала вақтини қисқартиришдир.

### 2.7.6. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб қувватланиши.

Юртимизнинг йигирма беш йиллик мустақил тараққиёти даврида тўпланган тажрибанинг тасдиқлашича, ҳар қандай давлат иқтисодиётининг негизи бўлган модернизатсиялаш техник ва технологик янгилаш асосида ҳамда жаҳон ҳамжамияти талаблари даражасида равнақ топиши даркор.

Жаҳон иқтисодиётида давом этаётган инқироз шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашга қаратилмоқда. Бу борада биринчи Президентимиз И.А.Каримов қуйидагича таъкидлаб ўтдилар: “Мамлакатимизнинг 2016 йилга белгилаб олинган марра ва мақсадлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларини аниқлаб олишда жаҳон миқёсидаги ҳали-бери давом этаётган глобал инқироз билан боғлиқ юзага келаётган жиддий муаммоларни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас, албатта.

Ана шу муаммолар туфайли бугунги кунда дунё бозорларида талабнинг кескин камайиб, ноаниқлик сақланиб қолаётгани, шафқатсиз рақобатнинг тобора кучайиб бораётгани, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши жаҳондаги кўпчилик давлатларга салбий таъсир кўрсатаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Бундай ўта мураккаб вазият барчамиздан эртанги кунимизни кўришда, истиқболимизни белгилаб олишда, аввало, эскича қарашлар қолипидан воз кечишни, умрини ўтаб бўлган, айтиш мумкин, инерсион усуллардан тўлиқ воз кечишни талаб этади.”[95]

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадидаги чора-тадбирлар йил сайин кенг кўламда амалга оширилмоқда. “Жумладан, корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин

[95]I.A. Karimov. Bosh maqsadimiz – mavjud qiyinchiliklarga qaramasdan, olib borayotgan islohotlarni, iqtisodiyotimizda tarkibiy o‘zgarishlarni izchil davom ettirish, xususiy mulkchilik, kichik biznes va tadbirkorlikka yanada keng yo‘l ochib berish hisobidan oldinga yurishdir. – T.: NMIU, “O’zbekiston”, 2016 y.

камайтириш, ...тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди”[96]. Шу ўринда, ҳукуматимизнинг тадбиркорлик “...фаолиятига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашув ва турли тўсиқлар қўйиш ҳолатларига йўл қўйилмаслик ҳисобидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш...”[97], асослидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда мазкур механизмни такомиллаштиришга қаратилган мамлакат Президентининг қатор Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди. Жумладан, мамлакатимизда 2015 йилда қабул қилинган “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар яратиб берди. Ушбу Фармонда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар яратиб берди.[98]

Комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан 2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди. Коллежларнинг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун 280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир[99].

Иқтисодий тараққиётга эришишнинг янги сифат босқичига ўтиш юзасидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизатсиялаш бўйича белгиланган устувор йўналишларни амалга оширилиб бориши натижасида мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов ибораси билан айтганда “... ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан”.[100]

---

[96] I.Karimov. Mamlakatimizni modernizatsiya qilish yo‘lini izchil davom ettirish – taraqqiyotimizning muhim omilidir. Xalq so‘zi, 2010, 8 dekabr. №236.

[97] I.Karimov. Asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirishdir. Toshkent: “O’zbekiston”, 2010, 64-bet.

[98] O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015 yil 15 maydagi “Xususiy mulk, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni ishonchli himoya qilishni ta’minlash, ularni jadal rivojlantirish yo‘lidagi to‘siqlarni bartaraf etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-4725-sonli Farmoni.

[99] I.A.Karimov. Bosh maqsadimiz – iqtisodiyotimizda olib borayotgan islohotlarni va tarkibiy o‘zgarishlarni keskin chuqurlashtirish, xususiy mulkchilik, kichik biznes va tadbirkorlikka yanada keng yo‘l ochib berishdir. – T.: "O’zbekiston", 2016. – 88 b.

[100] Karimov I.A. Bosh maqsadimiz – mavjud qiyinchiliklarga qaramasdan, olib borayotgan islohotlarni, iqtisodiyotimizda tarkibiy o‘zgarishlarni izchil davom ettirish, xususiy mulkchilik, kichik biznes va tadbirkorlikka yanada keng yo‘l ochib berish hisobidan oldinga yurishdir – T.: NMIU, “O’zbekiston” , 2016.– 4 bet.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг етакчи локомативи деб эътироф этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганинининг ўзи иқтисодиётимиз-нинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Шунингдек, 2015 йил 27 октябрда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпоратсияси томонидан эълон қилинган «Бизнесни юритиш 2016: тартибга солиш сифати ва самарадорлигини баҳолаш» ҳисоботида қулай ишбилармонлик муҳити параметрлари бўйича Ўзбекистон дунёнинг 189 мамлакати орасида 87-ўринни эгаллади.[101]Бу каби натижалардан хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилаётган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланилган ҳолда фаолият олиб борилаётганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин бўлади.

Албатта, мазкур соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда*, бугун унга тўсиқ бўлаётган ва унинг ривожланишига халақит* бераётган муаммоларни яна бир бор батафсил, чуқур таҳлил қилиш ҳамдақилинган таҳлиллар асосида аниқ, стратегик қарорлар қабул қилиш зарурияти туғилмоқда. Шундай экан, иқтисодиётни модернизатсиялаш шароитида иқтисодиётимизнинг локал тармоқларидан саналган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектлари фаолиятини ривожлантириш тенденсияларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда мазкур соҳани янада давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар мажмуасини тубдан такомиллаштириш фикримизча, бугунги кундаги энг долзарб масалалардан биридир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти, афзалликлари ва устуворликларида қуйидагиларда намоён бўлади:

– нисбатан кам маблағ сарфлаган ҳолда, янги иш ўринларини яратишга хизмат қилиб, аҳоли бандлик муаммосини барҳам топишига, турмуш тарзини яхшиланишига ҳамда аҳоли даромадларини ошишига олиб келади;

турли бозорларда рақобатбардош инноватсион маҳсулот ишлаб чиқарилишига ва истеъмолчи дидига мос инноватсион хизмат турларини яратилишига замин яратади;

истеъмол бозорини товарлар ва янгича хизмат турлари билан тўлдириш орқали буджетга солиқ тушумлари ҳажмини кескин оширишга таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кичик корхоналар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида йилдан-йилга такомиллашиб бораётган меъёрий - ҳуқуқий асос яратилмоқда. Мисол учун, Президентимизнинг 2015 йил 28 сентябрдаги «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб 16 турдаги давлат хизматлари туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспексиялари негизида ташкил қилинадиган тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш марказлари орқали амалга оширилади[102].

[101]http://www.chamber.uz/uzk/news.
[102]http://www.chamber.uz/uzk/news.

**2.7.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўсиш тенденсиялари**[103]

Давлат томонидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амалда қўллаб-кувватланиши оқибатида бугунги кунга келиб мазкур соҳанинг жадал суръатларда ривожланишига олиб келди. 34-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000 йилда ЯИМга нисбатан 31 фоизни ташкил этган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, 2015 йилга келиб бу соҳанинг улуши 56,7 фоизга етганлиги фикримиз исботидир.

Айни шу кўз билан қарайдиган бўлсак, яъни, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилган, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, биз олдимизга аниқ мақсадни, яъни, 2030 йилга бориб **мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифасини қўйишимиз учун бугун, ҳеч шубҳасиз, барча асосларимиз бор**. Бу йўлда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2015 йилдаги 33,5 фоиздан 40 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалиги улушини эса 16,6 фоиздан 8-10 фоизга камайтириш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш эвазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмини тахминан 2 баробар қисқартиришга эришмоғимиз керак.”[104]

Иқтисодиётни модернизатсиялаш шароитида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бу – тузилмаларнинг моддий - техника асосини барпо этиш, уларга кўмаклашиш, ташқи иқтисодий фаолиятини юксалтириш, ижтимоий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, суғурта тизими, зарурий ахборотлар билан таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятини юксалтириш каби омиллар орқали амалга оширилиб келинмоқда. Эътиборга олиш керакки, хориж мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбикорликни асосан микромолиявий муассасалар фаол қўллаб-қувватлайдилар. Бугунги кунда мазкур муассасаларда қарийиб 16 млн. киши фаолият кўрсатади[105].

Албатта юқорида келтирилган, яъни мамлакатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида эришилган ижобий натижа-лар билан бир қаторда, хусусийлаштирилган корхоналарда ишлаб чиқариш воситаларининг маънавий ва жисмоний эскирганлиги, жалб қилинаётган инвеститсияларни асосан савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш соҳала-рига йўналтириш даражасининг юқорилиги, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларида маркетинг тадқиқотларининг самарали йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар ҳам мавжуд.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тадбиркорларни ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа воситалар билан таъминлашда бўш турган бинолар, иншоотлар, омбор ва савдо жойларини вақтинча фойдаланишга топширишнинг самарали механизмининг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Савдо-саноат

---

[103]Ekonomika Uzbekistana. Informatsionno-analiticheskiy byulleten za yanvar-iyun 2015 goda. T.: Center for Economic Research, 2015 god. 24-s.; Tendensii sotsialno-ekonomicheskogo razvitiya Uzbekistana (2005-2014 gg.) / pod obщey redaksiyey d.e.n. A.M.Sadыkova / Tashkent: IFMR, 2015.-97 s.

[104]I.A. Karimov. Bosh maqsadimiz – mavjud qiyinchiliklarga qaramasdan, olib borayotgan islohotlarni, iqtisodiyotimizda tarkibiy o‘zgarishlarni izchil davom ettirish, xususiy mulkchilik, kichik biznes va tadbirkorlikka yanada keng yo‘l ochib berish hisobidan oldinga yurishdir. – T.: NMIU, “O’zbekiston”, 2016 y.

[105]Analiticheskiy bankovskiy jurnal. – M.: №2 (215) fevral 2014. (Mikrofinansы dlya razvitiya malogo biznesa)

палатаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвеститсия лойиҳаларини амалга оширишини барча бос-қичларида (лойиҳавий ғоядан бошлаб, унинг ишлаб чиқилиши, банкларда экспертизадан ўтказилиши, олинган кредитларнинг сарфланиши ва уларнинг қайтарилиши) кўмаклаши, кузатиб бориши ва ҳимоя қилиши ҳамда ҳудудлар даражасида инвеститсия лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида уларга амалий ёрдам кўрсатиши мақсадида ҳудудларда ахборот-таҳлилий базани ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

## Кейс

Фарғона вилояти Қува туманидаги тадбиркор Ахмадалиев Қудратбек ёзги мавсумда ўзига тегишли савдо шахобчасида музқаймоқлар сотиш учун Тошкент шахридаги “Силвер” музқаймоқ ишлаб чиқарувчи улгуржи корхонаси билан шартнома тузган. Шартнома қиймати: 10 миллион сўм, муддати 50 % маблағ ўтказилгандан сўнг 5 кун. Шартномада транспорт ҳаражатлари ЯТТ Ахмадалиев Қудратбек томонидан қопланиши кўрсатилган.

**Қуйидаги ҳолатлар юзага келган:**

1. Маҳсулотни олиб келишдан аввал 5 миллион сўм пул ўтказиб берилган. Ҳафтанинг душанба куни.
2. Маҳсулотни олиб келиш учун ЯТТ махсус музлатгичга эга транспортни уч кунга буюртма асосида олган. Ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари учун.
3. Мавсумда буюртманинг кўплиги сабабли ЯТТ шанба куни маҳсулотни олган, лекин музлатгичли транспорт бошқа буюртма билан кетган.
4. Ишлаб чиқарувчи корхона ўз транспортини таклиф қилган лекин нархи аввалги транспортга нисбатан икки баробар қиммат.

## *Муаммоли вазият*

1. ЯТТ Ахмадалиев Қудратбек томонидан йўл қўйилган хатоликни аниқланг
2. “Силвер” музқаймоқ ишлаб чиқарувчи улгуржи корхонасини хатосини аниқланг.
3. Шартномадаги форс-мажор ҳолатлари қандай йўл билан бартараф қилинади.
4. ЯТТ Ахмадалиев Қудратбекнинг ўрнида сиз бўлсангиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз.

“Силвер” музқаймоқ ишлаб чиқарувчи улгуржи корхонаси раҳбари бўлсангиз нима қилган бўлардингиз.

## Мисол ва масалалар

1. Иқтисодиёт назарияси китобларида кўпинча тадбиркорликни ишлаб чиқаришни тўртинчи фактори сифатида берилади, бунда у меҳнат, капитал ва эр каби омиллар билан тенглаштирилади. Сизга бундай ёндашув маъкулми? Тадбиркорлик омили қолган ишлаб чиқариш омилларидан фарқли равишда ўзига хос хусусиятга эгами ва бу бошқа омиллардан афзалми?
2. Иқтисодиёт назарияси фанидан биламизки тадбиркорлик фаолияти таваккалчилик билан боғлиқдир. Ўйлаб кўринг бу таваккалчилик аниқ нима билан боғлиқ: а) пул йўқотишлар билан; б)мавқени йўқотиш билан; в) ҳаётни йўқотиш; г)ахборотни қалбакилиги билан. Агар сиз тадбиркорликка мойил бўлсангиз юқорида келтирилганларни қайси бири сиз учун аҳамиятга?
3. «Алдамасанг — сотолмайсан» (рус халқ мақоли). «Даромад ҳаммасидан юқори, лекин лафз даромаддан юқори». Тадбиркорлик фаолиятида қайси тамойилларга бўйсунган маъқул?
4. Таниқли чет эллик тадбиркор радиодаги чиқишида қуйидаги афоризмни айтган: «Капитализм — бу ҳар бир киши ўз магазинини очиши мумкин; коммунизм — бу ҳеч ким ўз магазинини оча олмайди».
5. Бу афоризмни сиз қандай изоҳлайсиз?
6. Тадбиркор ўз фаолиятини бошлаган биринчи йили 1,5 млн. сўм фойда олди. Иккинчи йилда унинг фойдаси 2 млн. сўмга етди. Шу вакт ичида барча турдаги солиқлар олинган фойданинг 1/5 кисмидан 1/4 қисмига ўзгарди. Тадбиркорнинг пировард натижаси амалда қайси томонга ўзгарган?

7. Агар тадбиркор йилига 12% шарти билан 1600 доллар пулни тижорат банкидан олган бўлиб, уни 6 ойда тўла қайтарса, у канча пулни ушбу банкка тўлайди?

## ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

**1-масала**

Қиймати 25000 сўм бўлган машинанинг маънавий эскиришини аниқланг, агар у 10 йил давомида амортизатсия орқали қопланса, лекин 4 йилдан сўнг, қиймати 16000 сўм, амортизатсия муддати ана шундай бўлган, янги машина билан алмаштирилган.

**2-масала**

Корхонанинг оборот капитали ҳаражати бир йилга 2 млн. сўм, авансланган оборот капитал эса 4 млн.сўм. Йиллик қўшилган қиймат меъёрини аниқланг, агар олинган фойда йилига 3 млн. сўм.

**3-масала**

Асосий капиталнинг қиймати 40000 сўм капитални таъмирлаш учун сарфлар 15000 сўм хизмат даври 10 йил.

Амортизатсия нормасини аниқланг.

**4-масала**

Тижорат фирмаси бир йилда савдо сотиқ ишини юритиш учун 15 млн. долл. жорий сарф қилган, шунинг эвазига 1,4 млн. фойда кўрган. Бинобарин фойда нормаси 9,3 % ни ташкил этади.

Фирма 20 млн. долл. капитал сарфлади. 1,4 млн. долл. фойда олди. Ушбу масалада қўйилган капиталнинг фойда келтириш даражасини аниқланг.

**I. Кичик бизнес субъекти ўз рақибини енгиш учун қўллайдиган беш хил тадбирни тузинг:**

1. Товар нархини тушириш
2. ___________________________
3. ___________________________
4. ___________________________
5. ___________________________

## МУАММОЛАР

**1-муаммо.** Нима деб ўйлайсиз, нима учун тадбиркорлик фаолияти ҳозирги кунда иқтисодий ривожланишнинг асосий фаолият тури бўлиб қолмоқда?

**Кичик муаммолар:**

1. “Тадбиркор” тушунчасининг “мулкдор” тушунчасидан фарқи нима?
2. “Тадбиркорлик” ва “Бизнес” тушунчаларининг-чи?
3. Нима учун тадбиркор таҳлика билан фаолият кўрсатади?

**2-муаммо.** Тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу шаклининг устунлиги нимага боғлиқ?

**Кичик муаммолар:**

1. Қандай шароит тадбиркорликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган?
2. Тадбиркорлик шакллари бир-биридан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

**3-муаммо.** Нима учун капитал доимо доиравий айланишда бўлади?

**Кичик муаммолар:**

1. Асосий ва айланма капиталнинг ўзи нима?
2. Улар ўртасидаги нисбат нимага боғлиқ?
3. Амортизатсия фондидан қандай фойдаланиш самаралироқ?

### “Синквейн” (5 қатор) техникаси

Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

1–қатор – тушунча

2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл

4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз сўз бирикмаси

5-қатор – ушбу тушунча синоними.

### Ўқув топшириқлар

### 1-гуруҳ

1. «Тадбиркорлик», «капитал» тушунчаларига синквейн тузинг.
2. Жадвалдан фойдаланиб тадбиркорлик шаклларини таққосланг:

| Тадбиркорлик шакллари | Қандай шакл-ланади | Кимга тегишли | Ким бошқаради | Фойда (зарар) қандай тақсимланади | Асосий устувор томонлар | Асосий камчиликлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Шахсий | | | | | | |
| Хусусий | | | | | | |
| Актсионерлик жамияти | | | | | | |

**2-гуруҳ**

1. «Менеджмент», «маркетинг» тушунчаларига синквейн тузинг.
2. Жадвалдан фойдаланиб капиталнинг функтсионал шаклларини таққосланг:

| **Капитал** | **Айланиш босқичлари (формула)** | **Функсияси (вазифаси)** | **Соҳаси** |
|---|---|---|---|
| Пул кўринишида | | | |
| Товар кўринишида | | | |
| Ишлаб чиқарувчи (унумли) | | | |

**3-гуруҳ**

1. «Облигатсия», «амортизатсия» тушунчаларига синквейн тузинг.
2. Жадвалдан фойдаланиб самарадорлик кўрсаткичларини таққосланг:

| **Самарадорлик кўрсаткичи** | **Ҳисоблаш формуласи** |
|---|---|
| Умумий | |
| Асосий фондлардан фойдаланиш | |
| Айланма фондлардан фойдаланиш | |

**4-гуруҳ**

1. “Самарадорлик”, “актсия” тушунчаларига синквейн тузинг.
2. Жадвалдан фойдаланиб актсия ва облигатсияларга тавсиф беринг:

| | **Иқтисодий моҳияти** | **Даромад-лилик** | **Амал қилиш муддати** | **Емитент** | **Таваккал-чилик (риск)** | **Асосий умумий белгилари** | **Асосий фарқлар** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Актсия | | | | | | | |
| Облигатсия | | | | | | | |

**1-илова.**

**Амалиётни баҳолаш жадвали**

| **Гуруҳ** | **Жавобларнинг тўлиқлиги, аниқлиги (1.0)** | | | | **Кўргазмалилик (0,5)** | | | | **Ҳар бир гуруҳ аъзосининг фаоллиги (0,5)** | | | | **Умумий баллар йиғиндиси** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 1 | 2 | 3 | | 1 | 2 | 3 | 4 | (2,0) |
| **1** | - | | | | - | | | | | - | | | |
| **2** | | - | | | | - | | | | | - | | |
| **3** | | | - | | | | - | | | | | | |
| **4** | | | | - | | | | - | - | | | | |

Алоҳида тест ишлаш 1 балл.

## Қуйидаги чизмаларни тўлдиринг

### Тадбиркорлик










**Асосий фондларни активлар ва пассивларга бўлиниши**


Tadbirkorlik faoliyatining vazifalari


Tadbirkorlik faoliyati shakllari


Tadbirkorlik faoliyatida tashkil etiluvchi monopolistik birlashmalar
Kartel
Sindikat
Konsortsium
Kontsern

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДА

| Режа | |
|---|---|
| 1 | **Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг таркиби** |
| 2 | **Қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврларда ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариш тамойиллари** |
| 3 | **Фойданинг мазмуни. Фойда нормаси ва массаси** |

## МАВЗУ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР

### 1. Саволлар асосида БББ жадвалини тўлдиринг

| Саволлар | Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб Олдим |
|---|---|---|---|
| 1. Ички ва ташқи харажатларни биласизми? | | | |
| 2. Ўзгармас харажатлар маҳсулот хажмига боғлиқми? | | | |
| 3. Ўртача ўзгармас харажатлар ва ўртача ўзгарувчан харажатларнинг бир биридан фарқини биласизми? | | | |
| 4. Умумий харажатлар қандай харажатлардан таркиб топган? | | | |
| 5. Чекли харажатни ҳисоблашнинг корхона учун аҳамияти қандай ? | | | |

### 2. Гуруҳларда муҳокама ва хулосалар чиқариш учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг моҳиятини ва таркибини тушунтиринг.

2. Ички ва ташқи харажатлар ўртасидаги фарқ нимадан иборатлигини мисол орқали тушунтиринг.

3. Ўртача доимий, ўзгарувчи ва умумий харажатларнинг мазмуни ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

4. Фойданинг мазмуни ва манбаини тушунтиринг.

5. Иқтисодий фойда ва бухгалтерия фойдасининг фарқи нимада? Уларнинг шаклланиш тартибини тушунтириб беринг.

6. Ялпи фойданинг тақсимланиш тартибини тушунтириб беринг. Мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг турлилиги фойданинг тақсимланиш тартибига қандай таъсир кўрсатади?

**Мунозара қатнашчиларига эслатма**

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат;
2. Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида ҳиссиётларини жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил;
5. Рақибларинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истеҳзоли ёндаш;
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

**Мунозара регламентини ўтказиш тартиби**

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдимотларини эълон қилади.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Тақризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

## 3. Нима учун методи ёрдамида Ўртача харажатларни ҳисоблаш нима учун кераклигини аниқланг

***1-гуруҳ, 2 гуруҳ, 3 гуруҳ***

***«Нима учун?» техникаси***



## Мавзуга оид муаммоли вазият

«Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда кўрсаткичларининг таҳлили» бўйича

| 1. “СИНО” АЖдаги вазият билан танишиш. |
|---|

“СИНО” АЖ 1973 йилда ташкил этилган бўлиб, жамиятнинг юридик манзили Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳ кўчаси 270 уй ҳисобланади. Ўзбекистон бозоридаги товарлар ва хизматларга бўлган талабларини тўлиқ қондириши, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва тижорат воситачилик хизматларини кўрсатиш ва шу йўллар билан даромад олиш жамиятнинг асосий мақсадидир.

“СИНО” АЖ ихтисослашган корхона бўлиб, фаолиятининг асосий тури совутгич, музлатгич, кондитсионер ҳамда тадбиркорлар учун ветриналар ишлаб чиқаришдан иборатдир. “СИНО” АЖ раҳбари жамиятнинг фаолият кўламини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашда айланма маблағларини кўпайтириш мақсадида имтиёзли шартларда банкдан кредит олмоқчи. Бунинг учун “СИНО” АЖнинг иктисодий самарадорлик таҳлилини ўтказиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичини йиллар кесимидаги динамикасидан келиб чиққан ҳолда истиқболдаги беш йил мобайнидаги ишлаб чиқариш самарадорлиги прогнозини ишлаб чиқиб, МЧЖнинг истиқболдаги ҳолатини кредит берувчиларга намойиш қилиши керак.

"СИНО" АЖНИНГ ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАСИ




***Вазифалар:***

- “Сино” АЖнинг ишлаб чиқариш харажатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ушбу кўрсаткичлар бўйича унинг молиявий ҳолатига баҳо бериш.
- “Жамият йиллик ҳисоботи” маълумотлари асосида тавсия қилинган жадвалларни тўлдириш ҳамда жадвал маълумотлари асосида жамиятнинг иқтисодий холатини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш.

***Ечиш кетма-кетлиги:***

1. “Сино” АЖда ишлаб чиқариш харажатлари ўрганилади ва таҳлил қилинади, муаммо ва уни ечиш кетма-кетлиги, асосий вазифалари билан танишилади.

2. Маълумотларни таҳлил қилиш ёрдамида жамиятнинг:

- маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойдаси;
- ишчиларининг меҳнат унумдорлиги;
- ишлаб чиқариш самарадорлиги;
- ишлаб чиқариш самарадорлигининг истиқболдаги ўзгариши динамикаси аниқланади.

**5-жадвал.**

| **Амалий вазиятни таҳлил қилиш учун методик кўрсатма** | |
|---|---|
| Таҳлил босқичлари | Тавсия ва маслаҳатлар |
| 1. Кейс билан танишиш | 1. Кейсни ўқиш жараёнида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.<br>2. Берилган вазият билан танишинг. Вазиятга таъриф беришга ҳаракат қилинг.<br>3. Вазиятни таҳлили учун ахборот манбалари билан таъминланганликни аниқланг. |
| 2. Вазиятнинг ташҳиси ва таҳлили | 1. “СИНО” АЖ фаолиятида юзага келган ҳолатни ойдинлаштиринг. Вазиятнинг муҳим хусусиятларини, миқдор ва сифат томонларини белгиланг. Уларга асосан корхонанинг ҳақиқатда бўлган ва бўлиши мумкин бўлган ҳолатини аниқланг ҳамда уларни таққосланг.<br>2. Вазиятни таҳлил қилиш жараёнида муаммо қандай даражада ечилишини белгиланг. Уни ечиш мумкинми? Қандай натижага эришиш мумкин?<br>3. Муаммони ечиш жараёнида бўладиган ёки бўлиши мумкин бўлган қийин ҳолатларни кўрсатинг. |
| 3. Муаммоли вазиятнинг ечими бўйича таҳлил вариантларини танлаш ва баҳо бериш | 1. Вазиятнинг ечимини ҳал қилинг. Берилган хулосаларни салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг ва баҳоланг. Энг яхши вариантни танланг. |

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ($P^{/}$) қуйидагича аниқланади,

$$R' = \frac{R}{TC} \times 100\%$$

***6-ЖАДВАЛ.***

*“СИНО”АЖнинг ишлаб чиқариш фаолияти асосий кўрсаткичлари*

| ***КЎРСАТКИЧЛАР*** | Ўлчов бирлиги | 2011 й. | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2015й. 2011й.га нисбатан ўзгариш динамикаси, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Махсулот ишлаб чиқариш хажми | Дона | 22 415 | 24 587 | 26 318 | 32 076 | 41 323 | ... |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2. Махсулот сотишдан соф тушум | млн. сўм | 25 392 | 45 419 | 45 079 | 48 600 | 52 650 | ... |
| 3. Ишлаб чиқариш харажатлари | млн. сўм | 17 313 | 34 298 | 40 230 | 44 121 | 46 257 | ... |
| 4. Сотишдан олинган ялпи фойда | млн. сўм | ... | ... | ... | ... | ... | ... |
| 5. Ходимлар сони | Киши | 93 | 95 | 96 | 98 | 101 | ... |
| 6. Меҳнат унумдорлиги | млн. сўм | ... | ... | ... | ... | ... | ... |
| 7. Соф фойда | млн. сўм | 1 631 | 3 346 | 3 994 | 4 456 | 5 213 | ... |
| 8. Ишлаб чиқариш самарадорлиги | % | … | ... | ... | ... | ... | ... |
| 9. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг йиллар давомидаги ўзгариш динамикаси | % | … | ... | ... | … | ... | ... |

## 4. Кейсологнинг жавоб варианти

***7-ЖАДВАЛ.***

"СИНО" АЖнинг ишлаб чиқариш фаолияти асосий кўрсаткчилари

| ***КЎРСАТКИЧЛАР*** | Ўлчов бирлиги | 2011 й. | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2015й. 2011й.га нисбатан ўзгариш динамикаси, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Махсулот ишлаб чиқариш хажми | Дона | 22 415 | 24 587 | 26 318 | 32 076 | 41 323 | 184,4 |
| 2. Махсулот сотишдан соф тушум | млн. сўм | 25 392 | 45 419 | 45 079 | 48 600 | 52 650 | 207,3 |
| 3. Ишлаб чиқариш харажатлари | млн. сўм | 17 313 | 34 298 | 40 230 | 44 121 | 46 257 | 267,2 |
| 4. Сотишдан олинган ялпи фойда, (2с.-3с.) | млн. сўм | 8 079 | 11 121 | 4 849 | 4 479 | 6 393 | 79,1 |
| 5. Ходимлар сони | Киши | 93 | 95 | 96 | 98 | 101 | 108,6 |
| 6. Меҳнат унумдорлиги, (2с./5с.) | млн. сўм | 273 | 478 | 470 | 496 | 521 | 244,6 |
| 7. Соф фойда | млн. сўм | 1 631 | 3 346 | 3 994 | 4 456 | 5 213 | 319,6 |
| 8. Ишлаб чиқариш самарадорлиги, (7с./3с.)*100% | % | 9,4 | 9,8 | 9,9 | 10,1 | 11,2 | 119,1 |
| 9. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг йиллар давомидаги ўзгариш динамикаси | % | - | 4,3 | 1,0 | 2,0 | 10,9 | - |

Манба: “СИНО” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

“СИНО” АЖ охирги беш йиллик ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий курсаткичлари динамикасига кўра (3-жадвал) маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш тенденсиясига эга бўлиб, 2015 йилга келиб 184,4%га ошган. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари махсулот хажмига мос равишда кўпайиб борган ва таҳлил даврининг охирида 2011 йилга нисбатан 267,2%га ошган. “СИНО” АЖнинг ходимлари сони ҳам ортиб борган, таҳлил даврининг бошида 93 кишидан 2015 йили 101 кишигача кўпайган.

“СИНО” АЖ соф фойдаси 2011 йилда 1 631 млн. сўмни ташкил этган, 2012 йилга келиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш хажмининг кўпайиши, оқибатида фойда 3 346 млн. сўмга ташкил этган, шунга кўра ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам кўпайиб 9,8%ни ташкил этган. 2015 йилда соф фойда кўпайиб 5 213 млн. сўмни ташкил этган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлиги 110,9%ни ташкил этган.

“СИНО” АЖ нинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ($P'$),

$$R' = \frac{R}{TC} \times 100\%$$

2011 йилда $P'$ =(1631/17313)х100% = 9,4%

2012 йилда $P'$= (3346/34298)х100% = 9,8%

2013 йилда $P'$ =(3994/40230)х100% = 9,9%

2014 йилда $P'$= (4456/44121)х100% = 10,1%

2015 йилда $P'$ =(5213/46257)х100% = 11,2%.

Мазкур коеффитсиентларнинг бундай тартибда ўзгариши жамиятнинг молиявий ҳолатини жорий 2015 йилда 2011 йилга нисбатан бир текис ўзгариб бораётганлигидан далолат беради. Умуман олганда, жамиятнинг маълумотлари асосида унинг иқтисодий барқарорлик коеффитсиентлари ўрганилганда, ушбу коеффитсиентларнинг ўзгариши охирги йили ижобий бўлган.

## “Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда” мавзуси бўйича назорат топшириқлари, тестлар ҳамда мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар

### Масала ва машқлар

1. «Ўқиш учун тўланган ҳақ, сизнинг қизингиз ёки ўғлингизнинг ўқиши учун кетадиган харажатларнинг 43% ини қоплайди, холос. Шунинг учун сизларни университетимизда билим беришнинг асоси бўлган фаолият турларини қўллаш учун эҳсон қилишларингизга умид қиламиз». Бу сўзлар Америкадаги обрўли университетлардан бирининг ота-оналарга юборган хатидан олинган. Бу университетда йиллик ўқиш ҳақи 10 000 доллар атрофида.

Агар талаба ўқиш ҳақининг 43 % ини тўласа, унинг умумий суммасини ҳисобланг.

Агарда талаба ўқишни ташласа, университетнинг харажатлари 23 356 долларга камаядими?

2. Эркинжонларнинг 6 сотих томорқаси бор. У ҳар куни томор-қада 30 минутдан ишлар эди. Энди у кунига 1 соатдан ишлашга қарор қилди. Натижада оладиган ҳосил 2 марта кўпаядими? Ўз фикрингизни асосланг.

3. Наргиза печене пишираяпти. Хамирга у икки баробар кўпроқ шакар солди. Наргизанинг пиширган печенеси 2 баробар кўпаядими? Ундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

4. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзгаришига кўра, иқтисодий харажатлар ва унинг таркиби қуйидагича ўзгаради.

| Ишлаб чиқарил-ган маҳсулот | ФС | ВС | ТС | МС | АФ С | АВС | АТС |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **0** | 120 | 0 | 120 | | - | - | - |
| **1** | 120 | 90 | 210 | | 120 | 90 | 210 |
| **2** | 120 | 170 | 290 | | 60 | 85 | 145 |
| **3** | 120 | 240 | | | | | |
| **4** | 120 | 300 | | | | | |
| **5** | | 370 | | | | | |
| **6** | | 450 | | | | | |
| **7** | | 540 | | | | | |
| **8** | | 650 | | | | | |
| **9** | | 780 | | | | | |
| **10** | | 930 | | | | | |

Доимий харажатлар ФС; Ўзгарувчан харажатлар ВС; Умумий харажатлар ТС; Меъёрий харажатлар МС; Ўртача харажатлар АТС; Ўртача доимий харажатлар АФС; Ўртача ўзгарувчи харажатлар АВС; Бу категорияларни аниқлашни тушуниш учун энг маъқбули масаладан ҳамда график шаклидан фойдаланиш лозим.

А) Берилганлар бўйича харажатларни ҳисоблаб, жадвални тўлдиринг. Уларни график орқали ифодаланг.

**Б) Бунда доимий, ўзгарувчан ва умумий харажатлар эгри чизиқларини битта графикда ифодаланг:**

– доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўртасида қандай фарқ бор?

– нима сабабдан ФС горизонтал чизиқни ифодалайди?

– нима сабабдан ТС эгри чизиғи ВС эгри чизиғига ўхшаш? Изоҳланг.

Д) Ўртача доимий (АФС), ўзгарувчи (АВС), умумий (АТС) ва меъёрий харажатлар эгри чизиғини битта графикда ифодаланг:

– маҳсулот ўсиши билан АФС эгри чизиғи қандай ўзгаради? Нима сабабдан?

– АВС эгри чизиғи қандай ўзгаради? Нима сабабдан?

– ўртача харажатлар қандай ўзгаради, нима сабабдан?

– меъёрий харажатларчи, нима сабабдан? Изоҳланг.

5. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бозор нархи 7000 сўм, умумий харажатлар энг оптимал миқдор-12 та маҳсулот ишлаб чиқарганда 96000 сўмга тенг. Ўзгарувчи харажатлар (АВС) эса 60000. Ўртача ўзгарувчи, ва доимий харажатларни ҳисобланг. Сизнингча менежер қисқа муддатли даврда қандай қарорга келиши керак?

Ишлаб чиқаришни тўхтатиб, тармоқ, бозорни ташлаб кетиши керакми ёки йўқ. Жавобингизни изоҳланг. Графикда кўрсатинг.

6. 100 дона маҳсулот ишлаб чиқариш учун умумий харажатлар TC=300 минг сўм. 500 дона ишлаб чиқариш учун эса 600 минг сўм сарфланади. Агар харажатлар функсияси тўғри чизиқда ифодаланса, 400 дона маҳсулот ишлаб чиқариш учун харажатларни ҳисобланг.

7. Олимжон фирмада инженер бўлиб, ойига 500 минг сўм маош оларди. У кичик корхона ташкил қилди. Бунинг учун 1500 минг сўм банкдаги жамғармасини олиб ишлатди. Ундан ташқари банкдан 3000 минг сўм кредит олди. Ундан 3000 минг сўмни ускуналар сотиб олишга сарфлади.

Агар йиллик кредит учун фоиз 20 %, банкдаги сақлаётган пулига йиллик фоиз 12 % бўлса, иқтисодий ва бухгалтерия харажатларини ҳисобланг.

8. Мукаммал рақобат шароитида фирма йилига 20 минг дона телефон ишлаб чиқаради. Ўртача ўзгарувчи харажатлар 17500 сўм. Ўртача ишлаб чиқариш харажатлари 21500 сўм. Битта телефоннинг бозор баҳоси 25000 сўм. У ҳолда фирма қанча фойда кўради?

9. Фирма март ойи давомида 500 дона маҳсулот ишлаб чиқарди. Унинг умумий харажатлари 1 млн. сўмни ташкил этди. Май ойида эса маҳсулот ишлаб чиқаришни 600 донага етказди. Умумий харажатлар эса 1,26 млн. сўмга етди. Доимий харажатлар 200 минг сўм. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўртача, ўртача доимий, ўртача ўзгарувчи харажатларни ҳисобланг. Бу кўрсаткичлар ва уларнинг маҳсулот миқдори ортишига кўра қандай ўзгариши ҳақида ўз фикрингизни изоҳланг.

**Тўғри / нотўғри**

1. Кичик фирмалар доимо йирик фирмаларга нисбатан самарасиз.
2. Зарар кўраётган фирмалар маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатишлари лозим.
3. Фирманинг иқтисодий харажатлари ресурс эгаларига тўловлар бўлиб, бу ресурсларни бошқалар муқобил мақсадларда ишлата олмайди.
4. Иқтисодий фойда одатда бухгалтерия фойдасидан катта.
5. Агар фирма ишлатаётган ресурслари 30 % га ошса, ишлаб чиқариш ҳажми эса 20 % га ўсса, у ҳолда ишлаб чиқаришнинг ижобий самарали ҳосил бўлади.
6. Агар ўзгарувчи ресурс нархи ўсса, у ҳолда АТС, АВС, ва МС эгри чизиқлари юқорига силжийди, АФС эгри чизиғи аввалгича қолади.
7. Ўртача доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажми ўсган сари қисқаради.
8. Агар фирманинг ресурсларга харажатлари 10 % га, ишлаб чиқариш ҳажми эса 15 % га ўсса, у ҳолда унинг кўлами ижобий самараси кузатилади.
9. Агар ўртача ўзгарувчи харажатлар АВС ишлаб чиқариш ҳажми кўпайган сари қисқарса, у ҳолда меъёрий харажатлар АВСга нисбатан паст бўлади.
10. Қисқа муддатли даврда фирма 500 дона маҳсулот ишлаб чиқаради. Ўртача ўзгарувчи харажатлар 2000 сўм, ўртача доимий харажатлар 500 сўм, умумий харажатлар эса 1100 сўм бўлади.

**Мавзуга оид тестлар**

1. Фирманинг доимий харажатлари бу –

а) ресурсларни сотиб олиш харажатлари;

б) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган минимал харажатлар;

в) фирма маҳсулот ишлаб чиқармаса ҳам сарфланадиган харажатлар;

г) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ хара-жатлар;

д) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўртача харажатлар.

2. Фирманинг ўзгарувчи харажатлари бу –

а) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган ўртача харажатлар;

б) меъёрий харажатлар;

в) фирма маҳсулот ишлаб чиқармаса ҳам сарфланадиган хара-жатлар;

г) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ хара-жатлар;
д) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган минимал харажатлар.
3. Меъёрий харажатлар бу –
а) қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган қўшимча харажатлар;
б) қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган максимал харажатлар;
в) қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун доимий харажатлар
г) қўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган минимал харажатлар;
д) қўшимча сарфланган узоқ муддатли даврий харажатлар.
4. Фирманинг қисқа муддатли даврдаги умумий (ялпи) харажатлари (ТС) бу –
а) доимий (ФС) ва меъёрий(МС) харажатлар йиғиндиси;
б) ўртача ўзгарувчи (АВС) ва ўртача доимий харажатлар (АФС) йиғиндиси;
в) ўртача ўзгарувчи (АВС) ва меъёрий (МС) харажатлар йиғиндиси;
г) доимий (ФС) ва ўзгарувчи (ВС) харажатлар йиғиндиси;
д) ўртача доимий (АФС) ва ўзгарувчи (ВС) харажатлар йиғиндиси.
5. Қисқа муддатли даврда фирма максимал даражада фойда олиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатади, агарда:
а) нарх минимал ўртача умумий харажатлардан кам бўлса;
б) нормал фойда ўртача тармоқ фойдасидан паст, бўлса;
в) умумий даромад умумий харажатлардан паст бўлса;
г) умумий тушум умумий ўзгарувчи харажатлардан кам бўлса;
д) ўртача ўзгарувчи харажатлар нархдан паст бўлса.
6. Агар фирма ресурслар сотиб олган харажатларини 10% га оширса, бунда ишлаб чиқариш ҳажми эса 15% га ортса, у ҳолда:
а) ишлаб чиқаришда салбий кўлам самараси кузатилади;
б) ишлаб чиқаришда ижобий кўлам самараси кузатилади;
в) унумдорликни пасайиб бориш қонуни амал қилади;
г) ўртача умумий харажатлар ортади;
д) фирма максимал фойда олади.
7. Иқтисодий фойданинг ўсиши рақобатли бозорда нимага олиб келади?
а) амал қилаётган фирмаларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга;
б) тармоққа янги фирмалар кириб келишига;
в) маҳсулотнинг бозор нархи ўсишига;
г) ишлатилаётган ресурслар нархи ўсишига;
д) бу фойдани борган сари нолга яқинлаштирадиган омиллар вужудга келишига.
8. Қуйидагилардан қайси бири «нормал фойда» тушунчасини нисбатан аниқроқ ифодалайди?
а) фирманинг меъёрий харажатлари меъёрий даромадларга МС=МР тенг бўлганда олинадиган фойда;
б) типик фирма томонидан тармоқдаги олинадиган фойда;
в) фирма нормал тарзда иш юритганда оладиган фойда;
г) тадбиркорга яхши яшашини таъминлайдиган миқдордаги фойда;
д) фирма мазкур фаолият билан шуғулланиши учун зарур бўлган минимал фойда.
9. Қуйида санаб ўтилган харажатлардан қайси бири меъёрий харажатларга бевосита таъсир кўрсатади?
а) умумий харажатлар;
б) ўртача доимий харажатлар;
в) ўзгарувчи харажатлар;
г) доимий харажатлар;

## Мавзу: Аграр муносабатлар: ижара ҳақи ва рента

**Режа:**

**2.9.1. Аграр муносабатларнинг иқтисодий мазмуни. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг хусусиятлари**

**2.9.2. Аграр соҳада қисқа муддатда нарх ва даромаднинг ўзгариши.**

Аграр муносабатлар, қишлоқ хўжалик, ижара ҳақи ва рента, ердан фойдаланиш ҳуқуқи, дифференсиал рента, абсолют ер рентаси, монопол рента.

### 2.9.1. Аграр муносабатларнинг иқтисодий мазмуни. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг хусусиятлари

Иқтисодчилар "қишлоқ хўжалиги соҳасига" юзлансада қишлоқ хўжалигининг бу сегменти жуда фарқли. Қишлоқ хўжалиги ўз ичига чорвачилик, боғдорчилик, сут махсулотлари ишлаб чиқариш, ҳаррандачилик фабрикалари, чўчқачилик, дон етиштириш, ем етиштириш, сабзавотчилик, шакар қамиш етиштириш ва бошқаларни ўз ичига олади. Ба`зи қишлоқ хўжалиги махсулотлари (масалан, соя ва жўхори) минглаб хусусий фермерлар томонидан етиштирилади; бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотлари эса (паррандачилик) фақатгина бир қанча катта корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади. Ба`зи қишлоқ хўжалиги махсулотлари (масалан, буғдой, сут ва шакар) катта миқдорда федерал ҳукумат дастурлари орқали молиялаштирилади. Бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотлари (мева, ёнғоқ ва картошка) кам ҳукумат қўллаб қуватлашини олади.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги ўз ичига ҳам қишлоқ фермалар махсулотлари ҳам қишлоқ хўжалиги махсулотлари (масалан, буғдой, соя, чорва, ва гуруч) ва шу билан бирга озуқа махсулотлари (ресторан ёки озиқ овқат магазинлари орқали сотилувчи махсулотлар) олади. Одатда тижорат озиқ овқат махсулотлари деб аниқлик киритилганда бозордаги рақобатдош корхоналар сони камаяди. Минглаб ферма ва ранчолар чорва билан шуғуллансада фақат тўрттагина корхона (тйсон, смитҳфиелд, сwифт ва эхсел) қорамол гўштини етказиш ва гўштни қадоқлашнинг 82% ини ташкил этади. Минглаб фермалар помидор ўстиришади лекин фақат учта корхона (Ҳеинз, Дел монте ва Ҳунт) АҚШда сотиладиган кетчупларнинг аксариятини ишлаб чиқаради. Бу бўлимда бизнинг э`тиборимиз қишлоқ хўжалиги махсулотлари ва уларни ишлаб чиқарувчи хўжаликларга қаратилади. Қишлоқ хўжалиги махсулотлари одатда юқори рақобатга асосланган бозорларда сотилсада озиқ овқат махсулотлари одатда монополияли рақобат ёки олигаполияли шароитли бозорларда сотилади. Қисман катта ҳукумат субсидиялари туфайли фермерлик умуман олганда фойда келтирувчи саноат бўлиб қолмоқда. АҚШ истеъмолчилари ўз чиқимларининг 14 фоизини озиқ овқатга сарфлашади ва ранчо ва фермалар 250 миллиард $ га яқин йиллик фойда олишади.

Лекин йиллар давомида америкалик фермерлар оғир тебранишлар ва пастт фойда олишларни бошдан ўткизишган. Бундан ташқари улар саноатдаги қишлоқ хўжалигининг пастайишига мослашишларига тўғри келди. Фермаларнинг ЙИМдаги хиссаси 1950 йилдаги 7 фоиздан хозирги кунга келиб 1 фоизга тушди. Келинг АҚШ қишлоқ хўжалигининг қисқа муддатли ва узоқ муддатли иқтисодиётини яқиндан кўриб чиқамиз.

*Қишлоқ хўжалигидаги нарх ва фойданинг барқарор эмаслиги қуйидагиларнинг натижасидир:*

*(1) қишлоқ хўжалиги махсулотларига ноеластик талабнинг (2) ферма ишлаб чиқаришидаги тебранишлар (3) қишлоқ хўжалиги махсулотларига талаб эгри чизиг`ининг сурилиши.*[106]

Аграр соҳада ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан ер билан боғлиқ бўлади. **Ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатлар дейилади.**

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, бу ерда ишлаб чиқариш жараёни бевосита тирик мавжудотлар – ер, ўсимлик, чорва моллари билан боғлиқ бўлади ва табиий қонунлар иқтисодий қонунлар билан боғланиб кетади. Бунда ер меҳнат қуроли ва меҳнат предмети сифатида қатнашади. Ернинг бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқи шундаки, ундан фойдаланиш жараёнида у эйилмайди, эскирмайди. Аксинча, агар ундан тўғри фойдаланилса, унинг унумдорлиги ошиб боради.

**Ернинг ҳосил бериш қобилиятига тупроқ унумдорлиги дейилади. У табиий ёки иқтисодий бўлиши мумкин. Узоқ йиллар давомида кишиларнинг ҳеч қандай аралашувисиз, табиий ўзгаришлар натижасида ернинг устки қатламида ўсимлик «озиқланиши» мумкин бўлган турли моддаларнинг вужудга келиши ернинг табиий унумдорлиги дейилади.**

Агар тупроқ унумдорлиги кишиларнинг табиатга таъсири натижасида, яъни тупроқ таркиби ва деҳқончилик усулларини яхшилаш сунъий йўл билан (масалан, ерни органик ва кимёвий ўғитлаш, ишлаб чиқаришни механизатсиялаш, илмий асосланган ҳолда суғориш, ирригатсия ва мелиоратсия каби ишлаб чиқариш усулларини жорий қилиш ҳамда бошқа шу каби йўллар билан) амалга оширилса, бу иқтисодий унумдорликни ташкил қилади.

Ердан олинадиган ҳосил кўпроқ мана шу ернинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва уни ошириш, яъни инсоннинг, аниқроғи ишчи кучининг, жонли меҳнатнинг ерга фаол таъсири билан боғлиқ бўлади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқариш унинг омилларининг бевосита бирикиши асосида содир бўлади. Бунда ишчи кучи фаол бўлиб, асосий ролни ўйнайди. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ердан бошқа барча ишлаб чиқариш воситалари хусусий, шахсий, жамоа мулк шаклида бўлиши мумкин. Турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш воситаларидан жамият барча аъзоларининг турмуш даражасини яхшилаш йўлида фойдаланилади. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг асосий кўринишлари фермер ва деҳқон хўжалиги шаклларида бўлиб, улардаги ишлаб чиқариш жараёнлари турли иқлим ва тупроқ шароитларида олиб борилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳам асосий капитал турли хил тракторлар, машиналар, транспорт воситалари, бино, иншоотлар, кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор чорва ҳамда иш ҳайвонлари, шунингдек, хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган турли хил асбоб-ускуналардан ташкил топади.

Қишлоқ хўжалигида муҳим ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер пул билан баҳоланмаслиги, яъни қиймати ўлчанмаслиги туфайли, капитал қиймати таркибида ҳисобга олинмайди. Қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган асосий капиталнинг айрим турлари, масалан, кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор чорва, иш ҳайвонлари, суғориш иншоотлари ва бошқалар саноат тармоқларида бўлмайди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланган бинолар, суғориш иншоотлари ва бошқалар ишлаб чиқариш натижасини оширишга фаол таъсир ўтказади, саноат тармоғида эса улар бирмунча сустроқ ва билвосита таъсир

[106] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics 290 б

ўтказади. Шунга биноан қишлоқ хўжалигида капиталнинг таркибида турли иншоотлар, бинолар, узатма механизмлар ва бошқаларнинг ҳиссаси кўпроқ. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишда асосий капитал ҳам қатнашади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида айланма капитал қуйидагилардан ташкил топади: ёш ва боқувдаги ҳайвонлар, эм-хашак, уруғлик фондлари, кимёвий ўғитлар, хизмат муддати бир йилдан кам бўлган турли хил ишлаб чиқариш воситалари – инвентарлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари ҳамда шу кабилар. Ишлаб чиқариш жараёни қишлоқ хўжалигида айланма капиталнинг кўпгина қисми ҳали тугалланмаган ишлаб чиқариш шаклида бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнида капитал бошқа тармоқлардагидек доиравий айланиб туради, яъни пул шаклидан ишлаб чиқариш шаклига, ундан товар шаклига ўтиб, яна пул шаклига қайтиб келади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг миқдори ернинг ҳосилдорлиги, унинг сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Ернинг табиий, биологик, иқтисодий ва техникавий шароитларини яхшилаш ҳам қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган капиталнинг доиравий айланишига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу омиллардан тўлароқ фойдаланиш ҳар бир хўжаликнинг муҳим вазифасидир. Табиий омиллар қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бевосита кўпайишига таъсир этса ҳам, маҳсулотнинг қийматини оширмайди, яъни қиймат ярата олмайди. Ишлаб чиқариш табиий шароитлар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу ерда иш даври ва умумий ишлаб чиқариш вақти ўртасидаги муддат саноатга нисбатан бирмунча узоқроқ бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалигида турли экинларни экиб бўлингандан то ҳосил йиғиштириб олингунча ишлаб чиқариш вақти давом этади. Иш даври эса шу вақт ичида қишлоқ хўжалик экинлари меҳнат таъсирида бўлган кунлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни мавсумийлиги билан хусусиятлидир. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган меҳнат воситаларидан, яъни комбайн, турли экиш асбоблари ва шу кабилардан фойдаланиш вақтига бевосита таъсир ўтказади. Бошқача қилиб айтганда, бу меҳнат воситаларидан йилнинг маълум муддатларидагина фойдаланилади, қолган вақтда эса улар бекор туради. Масалан, сеялкадан экиш давомида фойдаланилса, ғалла ўриш комбайнлари, пахта териш машиналари эса йилига 20-30 кун йиғим-терим пайтида ишлатилади, холос. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг капитал ва энергия билан қуролланиш даражаси моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларига нисбатан юқори бўлишини тақозо қилади, лекин бу ерда асосий ва айланма капитал ҳаракати сустроқ. Булардан ташқари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва меҳнат жараёнларининг мавсумийлиги сабабли йил давомида айланма маблағларнинг сарфи бир меъёрда бўлмайди. Қиш ва ёз мавсумларида харажат қилинадиган айланма маблағлар таркибида бирмунча тафовутлар мавжуд. Масалан, қиш мавсумида айланма маблағларнинг кўпгина қисми (уруғлик, эм-хашак, турли озуқалар) ишлаб чиқариш эхтиёт қисми шаклида туради, ёз фаслида эса тугалланмаган ишлаб чиқариш, техниканинг бутлаш қисмлари, нефт маҳсулотлари ва шу кабиларнинг ҳиссаси ортиб боради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилишда юқорида санаб ўтилган хусусиятларни ҳисобга олиб, ишни ташкил қилиш унинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бизнинг мамлакатимизда аҳолининг нисбатан зичлиги ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг чекланганлигини ҳисобга олиб, ерга хусусий мулкчилик жорий қилинмади, унга давлат мулки сақланиб қолди. Лекин, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, оқилона аграр ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва бу жараён чуқурлаштирилмоқда.

**Ерга эгалик жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг маълум ер участкасига тарихан таркиб топган асослардаги ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги эгалик ҳуқуқини тан олишини билдиради.** Ерга эгалик деганда аввало ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи ва уни иқтисодий жиҳатдан реализатсия қилиш кўзда тутилади. Ерга эгаликни ери бўлган мулкдор (бизда давлат) амалга оширади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида таъкидланганидек «Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш учун берилиши мумкин»[1].

**Ердан фойдаланиш ҳуқуқи – бу ўрнатилган урф-одатлар ёки қонуний тартибда ундан фойдаланишни билдиради.** Ердан фойдаланувчи ер эгаси бўлиши шарт эмас. Реал хўжалик ҳаётида ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни кўпинча ҳар хил жисмоний ва ҳуқуқий шахслар, хусусан ҳозир бизда асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам тўрт омил – ер, капитал, тадбиркорлик қобилияти ва ишчи кучи қатнашиб, бунда ер муҳим ишлаб чиқариш воситаси сифатида иштирок этади. Аммо биз аввал айтганимиздек, ишлаб чиқариш жараёнида ҳамма ишлаб чиқариш воситаларини, жумладан, ерни ҳаракатга келтириб, ундан унумли фойдаланадиган, унинг иқтисодий унумдорлигини оширадиган омил – ишчи кучидир.

Аграр муносабатларни ўрганишда ҳам ишчи кучининг, жонли меҳнатнинг фаол рол ўйнашини, унинг ҳамма моддий воситаларга жон ато этиб, ҳаракатга келтирувчи ролини тушунмаслик гўё капитал фойда ёки фоиз, ер эса рента яратади, деган кўпгина хато фикр-мулоҳазаларга, ёлғон тасаввурларга олиб келади. Бу масалаларни тўғри тушунишда рента муносабатларини ўрганиш муҳим рол ўйнайди.

### 2.9.2. Аграр соҳада қисқа муддатда нарх ва даромаднинг ўзгариши.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида қисқа муддатда нарх ва даромад тез ўзгарувчан ҳисобланади, чунки 1) қишлоқ хужалиги товарларига бўлган талаб ўзгарувчан, 2) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш хажми тез ўзгарувчан ва 3) талаб эгри чизиғи нархдан бошқа омиллар таъсирида тез ўзгаради. Индустриал ривожланган давлатларда талаб эгилувчанлиги паст. Бу кўрсаткич ривожланган давлатларда 0.2 ва 0.25 атрофида бўлади.Бу талаб миқдорини 10 фоизга ошириш учун қишлоқ хужалик товарлар нархини 40-50фоизга тушириш кераклигини билдиради. Нима учун бундай? Эсингизда бўлса, талабнинг эгилувчанлигига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бу ўрнини босувчи маҳсулотларнинг мавжудлиги эди, яъни бир маҳсулотнинг нархи тушса, одамлар бошқа ўрнини босувчи товарлар сотиб олмай ўз танловларини нархи тушган товарга ўзгартиришади. Лекин нисбатан бой жамиятларда мана шу ўрнини босувчи товарлар эффекти озиқ овқат маҳсулотлари учун кучсиз. Албатта унинг умумий талаб миқдорига таъсири бор, лекин жуда ҳам кам. Масалан сиз уч маҳал овқат эйиш ўрнига агар уларнинг нархи тушса, беш маҳал овқат эмайсиз албатта.

**Аграр соҳада ишлаб чиқариш хажмидаги ўзгаришлар.** Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни мавсумийлиги билан хусусиятлидир. Шунинг учун ҳам унинг ишлаб чиқариш хажми ўзгарувчандир. Бундан ташқари қишлоқ хужалиги ишлаб чиқариш хажми табиий офат, об-ҳаво ва бошқа табиий жараёнларга боғлиқ ҳолда кескин ўзгариши мумкин. Об ҳаво яхши келган йиллари ишлаб чиқариш хажми кескин ошиб кетса, бошқа йиллари унинг хажми кескин

---
[1] Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси». Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 20-модда.

пасайиб кетиши кузатилади. Булардан ташқари ишлаб чиқариш маҳсулотлари бозори рақобат кучли бозор ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фермерлар ўз ишлаб чиқариш хажмлари устидан назорат ўрнатолмай, маълум қийинчиликларга дуч келадилар.




**2.9.1-расм.Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш хажмининг ўзгаришининг нарх ва даромадга таъсири**

Фараз қилинг табиий жараёнлар натижасида қишлоқ хужалиги ишлаб чиқариш хажми тушиб кетди. Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики (16.1-чизма) талаб ноеластик бўлган шароитда қишлоқ хужалиги ишлаб чиқариш хажмини Қн дан Қп гача камайтириш ана шу товарнинг нархини Пн дан Пп гача кўтарилиб кетишига сабаб бўлади. Ишлаб чиқарувчи даромади ишлаб чиқариш хажми ўзгармасдан олдин пушти рангдаги майдон билан белгиланган бўлса, хажм ва нарх ўзгариши натижасида унинг даромади Қн Қп Пн Пп тўғри тўртбурчак юзаси билан белгиланади, яъни анчагина кўпаяди. Аксинча, ишлаб чиқариш хажми ошиб кетса, нархларнинг кескин тушиши ва ишлаб чиқарувчилар даромадининг ҳам кескин тушиши кузатилади.

**Талабдаги ўзгаришлар.** Қишлоқ хужалиги даромадининг ўзгарувчанлини тушунтирувчи учинчи омил бу талаб эгри чизиғининг ўзгарувчанлигидир.




**2.9.2-расм. Талаб эгри чизиғининг ўзгарувчанлигининг нархга таъсири**

Фараз қилинг ишлаб чиқариш хажми юқоридаги чизмада кўрсатилганидек Қн миқдорда стабиллашди. Агар нархдан ташқари бошқа омиллар таъсир қилса, бу талаб эгри чизиғининг кўчишига сабаб бўлади. Қишлоқ хужалигида ана шундай ҳолат юз берса, графикда кўрсатилганидек нарх даражаси ва даромад миқдорининг кескин ўгаришига олиб келади, чунки талаб эгри чизиғи ноегилувчандир. Бундан келиб чиқди, талаб миқдорининг озгинагина ўзгариши қишлоқ хужалиги ишлаб чиқарув-чиларининг даромадларига сезиларли таъсир кўрсатади ва уларни хонавайрон қилиши мумкин. Лекин қишлоқ хужалиги ишлаб чиқарувчилари нархга нисбатан кўп ўзгарувчан эмас, чунки уларнинг ишлаб чиқариш харажатларининг таркибида доимий харажатлар ўзгарувчи харажатларга нисбатан катта қисмини ташкил этади. Фоиз, рента, солиқ ва асосий воситаларнинг кредит тўловлари улар харажатининг асосий қисмини ташкил этади.

**Узоқ муддат: тушиб борувчи соҳа.** Нима учун қишлоқ хўжалиги тушиб борувчи соҳа эканлиги қишлоқ хўжалиги бозорларининг икки динамик хусусияти тушунтириб беради:

- Вақт ўтиши билан технологик тараққиёт натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариши кескин равишда кўпайиб кетди;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ўсишининг секинлашиши кузатилмоқда, чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб даромаднинг ўсишига нисбатан ноеластикдир

Келинг ана шу икки ўзгаришни алоҳида кўриб чиқамиз

**Технологик тараққиёт ва таклифнинг ошиб кетиши.** Технологиянинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кўпайишига олиб келди. Бу технологик тараққиёт бир неча илдизларига эгадир: фермер хўжаликларининг механизатсияланиши, экин майдонларини режалаштириш технологияларининг ривожланиши, тупроқ консерватсияси, ирригатсия, гибрид маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, пеститсид ва хашоратларга қарши дори-дармонларнинг мавжуд бўлиши, полимерланган уруғларнинг пайдо бўлиши, қорамол ва майда шохли хайвонлар боқилиш технологияларининг ривожланиши. 1930 йилдан 1980 йилгача ҳар бир қишлоқ хўжалиги ишчисига тўғри келувчи капитал ҳажми 15 баробар ошган, натижада ҳар

бир ишчи аввалгидан беш баробар кўп ерни ҳайдаш имкониятига эга бўлди. Бу тараққиётнинг энг оддий кўрсаткичларидан бири бу бир ишчининг неча одамга этарли озиқ-овқат ва тола ишлаб яиарилиш кўрсаткичидир. 1820 йилда бир ишчи 4 одамни боқиш учун этарли озиқ-овқат ва тола ишлаб чиқарган бўлса 1948 йилда бу кўрсаткич 13 одамга этди. 2005 йилда эса бир қишлоқ хўжалиги ишчиси 105 одамга этарли озиқ-овқат ва тола маҳсулоти ишлаб чиқариши мумкин эди. Албатта буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигида ҳар бир ишчига тўғри келувчи маҳсулот хажмининг ниҳоятда ошиб кетганидан далолат беради. Охирги 55 йилда қишлоқ хўжалиги соҳаси унумдорлиги даражасининг ўсиш темпи бошқа соҳалардаги унумдорлигининг ўсишидан икки баробар кўп эди.

Бу ўсиш фермерлар ташаббуси билан амалга ошмаган, балки давлат тарафидан молиялаштирилган ҳар ҳил турдаги грантлар, тадқиқотлар ва бошқа турдаги қўллаб қувватлаш натижасида юзага келган. Охирги йилларда эса бу ўсиша қишлоқ хўжалигида информатсион технологиялари тараққиётининг тадбиқ қилиниши натижасида юзага келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги махсулотларига ноеластик талаб

Саноати ривожланган иқтисодиётларда қишлоқ хўжалиги махсулотларига талабнинг нарх эластиклиги паст. Умумий қишлоқ хўжалиги махсулотлари учун мослашувчанлик коифитсиенти 20 дан 25 гача. Бу сонларнинг кўрсатишича истеъмолчиларнинг харидларни 10 фоизга кўтариш учун қишлоқ хўжалиги махсулотларининг нархлари 40 - 50 фоизга тушишига тўғри келади. Истеъмолчилар алтернатив махсулотларга қўйган қийматларига нисбатан фермалар фойдаларига пастроқ қиймат қўйишган. Нега бундай? Талаб эгри чизиг`ининг эгилувчанлигининг асосий аниқловчиси ўзаро алмашувчанлик эканини эсланг. Бирон бир махсулотнинг нархлари тушганда истеъмолчи уларни бошқа нархлари тушмаганига алмаштиришга ҳаракат қилади. Лекин нисбатан бой жамиятларда бу ўзгартиришлар таъсири озиқ овқатларга нисбатан катта таъсирга эга бўлмайди. Одамлар кўпроқ озиқлансаларда қишлоқ хўжалиги махсулотларининг нархлари пастайганлигига жавобан улар кунда уч марталик тановулдан айтайлик беш ёки олти марталигига ўтишмайди. Реал биологик омиллар инсонни озиқ овқатни бошқа махсулотларга алмаштиришдан чеклайди. Қишлоқ хўжалиги талабининг ноеластиклиги бундан ташқари камайиб бораётган чегаравий фойдалиликга ҳам боғлиқ. Катта фойда олувчи иқтисодда умуман олганда аҳоли яхши кийинади ва яхши озиқланади; ва у қишлоқ хўжалигининг озиқ овқати ва толаси билан тўлиқ таъминланган. Шунинг учун қўшимча қишлоқ хўжалиги махсулотлари тез пастайиб борувчи чегаравий фойдалиликга дучор бўлади. Шундай қилиб озиқ овқат ва тола истеъмолда кичик ўсишни юзага келтириш учун ҳам катта нарх қисқартирилиши керак бўлади.[107]

**Талабнинг орқада қолиши.** Талаб миқдори технологик тараққиёт натижасида юзага келган ортиқча таклиф миқдоридан орқада қола бошлади. Бунинг сабаби икки хил омил ёрдамида тушунтирилиши мумкин: даромад ва аҳоли сони.

Ривожланаётган давлатларда истеъмолчилар ўзларининг кам даромадларинининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат ва кийим, сотиб олишга ишлатадилар. Лекин, даромад ўсиши билан озиқ-овқат ва кийимга бўлган талабнинг ўсиши даромадларнинг ўсишидан орқада қолади, натижада истеъмолчилар ўз даромадларининг камроқ улушини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлатадилар. Истеъмолчилар минимал яшаш даражасини таъминлаганларидан кейингина саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ишлаб

[107] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics 295 б

чиқарувчи товарларга ўз талабларини билдирадилар. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб миқдори даромадга нисбатан ноеластикдир, яъни даромадларнинг ўсиши билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб миқдорининг ўсиши камайиб боради. Айрим ҳисоб китобларга кўра АҚШда 10% даромаднинг ўсиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб миқдорининг бор йўғи 2%га ўсишига олиб келади.

Талабнинг таклиф мидоридан орқада қолишининг иккинчи сабаби аҳоли ўсиши билан боғлиқ. Инсоннинг озиқ-овқат истеъмол даражаси маълум бир хажмгача чекланган, ундан ортиғини истеъмол қила олмайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб миқдорини ошириш истеъмолчилар сонининг ўсишига бевосита боғлиқ бўлиб қолади. Кўпгина ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб миқдорининг ўсиши айнан аҳоли сонининг ўсиши билан бир ҳил бўлиб қолмоқда.

### Талабдади тебранишлар

Қишлоқ хўжалиги фойдасидаги қисқа муддатли беқарорликдаги учинчи омил қишлоқ хўжалиги махсулотлари учун талаб эгри чизиг`идаги ўзгаришлар натижасидир. Фараз қилинг хўжалик қандайдир қилиб 16.2 даги ме`ёрий даражага барқарорлашди. Эндиликда қишлоқ хўжалиги махсулотларига талабнинг ноеластиклиги туфайли бу махсулотларга талабдаги қисқа муддатли ўзгаришлар катта фарқли нархлар ва фойдаларнинг белгиланган ишлаб чиқариш даражалари билан боғлиқ бўлади.

Талабдаги Д1 дан Д2 га кичик пасайиш хўжалик фойдасини 0П1аҚн дан 0П2бҚн га пасайтиради. Шундай қилиб талабдаги кичик пасайиш фермерларга бир хил ишлаб чиқариш миқдорида камроқ фойда беради. Бунга қарши талабдаги кичик ўсиш Д2 дан Д1 га каби бир хил ишлаб чиқариш миқдорида фойданинг сезиларли ўсишини кўрсатади. Ва яна катта нарх ва фойда ўзгаришлари талабнинг ноеластик бўлгани сабабли бўлади. Бунга кўра талабдаги пастайишлар билан бирга келувчи қишлоқ хўжалиги нархларидаги кескин пастайишлар кўпгина фермерларни қисқа муддатга ишлаб чиқаришни ёпиб, умумий ишлаб чиқариш ва нарх ва фойда пастайишларини кўламини ўзгартиришади дейиш дейиш осон бўлса керак. Лекин қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши қисқа муддатли нарх ўзгаришларига нисбатан таъсирчан эмас чунки фермерларнинг белгиланган нархлари уларнинг ўзгарувчан чиқимлари билан солиштирганда юқори. Фоиз, ижара, солиқ ва ер бино ҳамда ускуналар учун ипотека тўловлари фермерлар дуч келувчи асосий чиқимлардир. Буларнинг бари белгиланган аниқ йиғимлар. Бундан ташқари фермерларнинг ва уларнинг оилаларининг меҳнат таклифи ҳам белгиланган нарх чиқимлар сифатида қаралиши мумкин. Шу хўжаликларда ишлаб туриб фермерлар ўзларига қийин қилиб нархларни тушура олишмайди. Уларнинг ўзгарувчан чиқимлари бу кичик миқдордаги қўшимча ёрдамлар, уруғ, ўғит ва ёқилғи каби чиқимлар бўлиши мумкин. Юқори пропортсионал чиқимлар натижасида фермерлар пул йўқатоятган вақтида ҳам ерда иш олиб боришлари лозим чунки бир йилга ишни тўхтатиб қўйган тақдирда улар кўпроқ пул йўқотишлари мумкин. Фақатгина узоқ муддатли истиқболда саноатдан вақтинча чиқиб туриш улар учун фойдали бўлиши мумкин. Лекин нега қишлоқ хўжалиги талаби барқарор эмас? АҚШ қишлоқ хўжалигида талаб волатиллигининг асосий манбаси унинг дунё бозорларига қарамлигидадир. Биз 16.3 жадвалида кўрсатгандек қарамлик 1950 йилдан бери ўсган. Жадвалнинг

яна кўрсатишича умумий АҚШ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши фоизи қишлоқ хўжалиги экспорти юқори волатил.[108]




1950-2005 йилларда АҚШ да қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг фоизлари. АҚШ умумий қишлоқ хўжалиги махсулотларининг ўсганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги махсултлари экспорти ҳам ошди. Лекин бу фоиз АҚШ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги талаб волатиллигига хисса қўшди.

16.4 инфлятсияни ҳисобга олган ҳолда танланган қишлоқ хўжалиги молларига 1950-1998 йиллардаги нархлар. Инфлятсия таъсири билан АҚШда қорамол, чўчқа, жўхори, ва буғдой нархлари 20 аср иккинчи яримида валатиллик ва умумий пасайишни кўрсатган.




[108] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics

АҚШ фермерларининг фойдаси об ҳаво ва чет эл ишлаб чиқаришидаги ўзгаришларга боғлиқ: чет элдаги дон махсулотларнинг яхши ҳосили бу АҚШ махсулотларига талабнинг камайишидир. Шунга ўхшаб европа ва жанубий шарқий осиё давлатлари фойдасидаги сиклик ўзгаришлар масалан АҚШ қишлоқ хўжалиги махсулотларига талабни суриши мумкин. Чет эл иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришлар ҳам талабни ўзгартириши мумкин. Масалан шарқий европа давлатлари ўз қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштирувчиларини чет эл рақобатидан кучлироқ химоя қилишмоқчи бўлишса бунда АҚШ фермерлари у ерга кира олмайди ва АҚШ махсулотларига талаб пастаяди. Халқаро сиёсат ҳам талаб барқарор эмаслигига ўз хоссасини қўшади. АҚШ ва хитой ва АҚШ ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг ўзгариши бир қанча вақт давомида шу давлатларга экспортнинг ўсиши ва бошқа давлатларда камайишига олиб келди. Долларнинг халқаро қийматидаги ўзгаришлар ҳам ҳал қилувчи таъсирга эга бўлиши мумкин. Доллар курсининг пастайиши АҚШ қишлоқ хўжалиги махсулотларига талабни оширади (бунда чет элликлар учун махсулотлар арзон тушади) ва кўтарилиши уларга нисбатан талабни камайтиради.[109]

Хулоса сифатида: экспорт муҳимлигининг ўсиб бориши АҚШ махсулотларига талабнинг қисқа муддатли но барқарорлигини кучайтирди. Қишлоқ хўжалиги моллари экспорти нафақат об ҳаво, фойданинг ўзгариши ва чет иқтисодий сиёсати лекин бундан ташқари халқаро сиёсат ва долларнинг қийматига ҳам боғлиқ. (асосий савол). 16.4 расми АҚШда қорамол, чўчқа, жўхори, ва буғдойнинг 20 аср иккинчи ярмида инфлятсия хисобга олинган холдаги нархларини кўрсатади. Қисқа муддатли иқтисод нархлари кўриниб турибди. Реал қишлоқ хўжалиги махсулотларидаги умумий пасайиш ҳам шундай (инфлятсияни хисобга олганда).

Узоқ муддатли истиқбол: саноатнинг пасайиши

Қишлоқ хўжалигининг бозорининг икки асосий хусусиятлари нега қишлоқ хўжалиги пастаётган саноат эканлигини тушунтиради:

- Вақт ўтиши билан технологик ривожланиш туфайл қишлоқ хўжалиги махсулотлари таклифи ўсади.
- Қишлоқ хўжалиги махсулотларига талаб секин ўсган чунки у фойдани этиборга олганда ноеластик. Энди келинг талаб ва таклиф кучларининг ҳар бирини кўриб чиқайлик.

Технологиялар ва таклифнинг ўсиши

Технологик ривожланишнинг тез ўсиш сур`ати қишлоқ хўжалиги махсулотларининг таклифини ўстирди. Бу технологик ривожланиш кўпгина илдизларга эга: қишлоқ хўжалигининг механизатсиялашуви, ер бошқарувининг ривожланган техникаси, тупроқнинг сақланиши, ирригатсия, гибрид экинларнинг ишлаб чиқилиши, ривожланган ўғит ва инсектатсидларнинг мавжудлиги, полимер ўрамли уруғлик ва қорамол боқиш ва етиштиришнинг ривожланиши. Ҳар бир ферма ишчиси учун ишлатилувчи капитал миқдори 1930 ва 1980 йиллар оралиғида 15 баробар ўсди, ва шу орқали ферма ерларининг ишланиш миқдорини беш баробар кўпайтирди. Бу ўзгаришларнинг энг осон хисоби бу ҳар бир фермер таъминлайдиган одамлар сонининг ўсиб боришидир. 1820 йилда ҳар бир ферма ишчиси тўртта одамни овқат ва тола билан таъминлаган; 1948 йилга келиб 13 одамни.

Қуйидагига этибор беринг...

Хавфли тадбиркорлик

---

[109] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics 299 б

Қишлоқ хўжалиги нархлари ва фойдасидаги қисқа муддатли беқарорлик қишлоқ хўжалигида кўзга кўринадиган хавфни туғдиради. Бу бўлимда кейинроқ биз фермерлар учун қишлоқ хўжалиги хавфларини камайтирувчи қишлоқ хўжалиги дастурларини топамиз (тўғридан тўғри тўловлар, қарши сиклик тўловлар ва қоплашлар ёки доимий тўловлар). Лекин бу дастурлар донли ва ёғ олинувчи экинлар билан чекланган. Яхшиямки қиҳлоқ хўжалигида хавфни бошқаришнинг бир неча усуллари оммалашди. Бу усулларнинг мақсади вақт давомида фойдани юмшатиш, қисқа муддатли ишлаб чиқариш ва нарх тебранишларини олдини олиш. Олдини олиш бу сотувчи ёки харидор томонидан кутилаётган харид ёки сотувда келажакда нархлардаги ўзгаришларни олдини олиш дегани.

Хўжаликларда хавф бошқаруви техникаларига қуйидагилар киради:

- фючерслар бозорлари. фючерс бозорларида фермерлар махсулотларни хозир белгиланган нархлар бўйича олиш ёки сотиш имкониятига эга бўладилар, бу келажакдаги аниқ бир вақтда амалга оширилади. Агар нархлар тушса фермер фючерс бозорларидаги белгиланган юқори нархлар хисобига фойда олишда давом этади. Агар нархлар ўсса унда харидор фючерслар келишувидаги арзонроқ нархда қишлоқ хўжалиги молларини олиб фойда қилади.
- Ишлаб чиқарувчилар билан келишувлар. Экишдан олдин фермерлар тўғридан тўғри озиқ овқат ишлаб чиқарувчилар билан битимлар тузиши мумкин бу уларнинг ферма ёки ранчолари ишлаб чиқаришларининг ҳар бир бирлиги учун олдиндан нарх белгилашга имконият беради (шакар лавлагисини қайта ишловчилари, этанол заводлари ва ем ишлаб чиқарувчилар).
- Екин фойдаси кафолати. Фермерлар тўфон ёки бошқа табий офатлар туфайли фойдани йўқотиш холатларига қарши экин фойдаси кафолатларини (суғурта) сотиб олишлари мумкин.
- Ерни ижарага бериш. Ер бошқарувчилари ўз хавфларини камайтириш мақсадида ерларининг бир қисмини бошқа ер бошқарувчиларига ижарага беришлари мумкин ва ундан ижара ҳаққи олишади. Экин сифати ва нархидан қатъий назар ижара ҳаққи барқарор сақланади.[110]
- Фермерликдан ташқари фойдалар. Кўпгина хўжалик эгалари фойдаларининг аксарият қисмини фермерликдан ташқари шерикчилик ёки қишлоқ хўжалиги инвеститсияларидан олишади. Бу кўпроқ барқарор бўлган элементлар беқарор фермерлик фойдасини юмшатади. Фермерлик хавфли тадбиркорликлардан бири бўлиб қолсада, ер эгалари нарх ва фойда беқарорлигидаги хавфларга қарши янги йўллар топишган.

2005 йилга келиб ҳар бир фермер 105 одамни таъминлашга етадиган махсулот ишлаб чиқара бошлади. Шубхасиз, қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир меҳнат бирлиги учун ферма ишлаб чиқариш миқдори хйратланарли ўсди. Охирги 55 йил ичида қишлоқ хўжалигидаги жисмоний унумдорлик икки баравар тез фермадан ташқари фойдалар билан тенг ўсди. Қишлоқ хўжалигидаги ривожланишларнинг аксарияти фермерлар томонидан қилинмаган. Бу кўпроқ ҳукумат ҳомийлигидаги тадқиқот дастурлари, таълим ва қишлоқ хўжалиги қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар томонидан қилинган. Қишлоқ хўжалиги коллежлари, тадқиқот стансиялари, қишлоқ хўжалиги туман маслахат хизматлари, АҚШ қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган таълим брошуралари, қишлоқ хўжалиги машиналари, пеститсид ва ўғит иҳлаб чиқарувчиларининг тадқиқот бўлимлари АҚШ қишлоқ хўжалигининг технологик ривожланишига асосий манба бўлди. Охирги вақтларда технологик ривожланиш ривожланган ахборот технологияларининг фермерликга

---

[110] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics 301 б

кириб келиши билан тезлаштириляпди. Компютер ва интернет фермерларга ер шароити маълумоти, кутилаётган унумдорлик, қишлоқ хўжалиги махсулотлари нархлари, харид қилиш ёки ижарага олиш учун ерлар, ва бошқаларни қисқа вақтда билиш имконини беради. Ундан ташқари фермерларга амалга оширилаётган жараёнларни кузатиш ва бошқариш учун мураккаб тадбиркорлик дастурлари билан ҳам таъминлайди.

Талабнинг ортда қолиши. Қишлоқ хўжалиги махсулотларига талабнинг ўсиши махсулотлар таклифининг технологик яратилган ўсиши билан тенг кета олмади. Сабаб қишлоқ хўжалиги талабининг икки асосий аниқловчисида: фойда ва аҳоли.

Ривожланаётган давлатларда истеъмолчилар ўзларини сақлаб қолиш учун кам миқдорли даромадларини қишлоқ хўжалиги махсулотлари озиқ овқат ва кийимларга сарфлашади. Лекин даромад ошган сари очлик муаммоси йўқ бўлади, ва истеъмолчилар доимий пасаювчи ставкаларда озиқ овқатга нисбатан чиқимларини оширишади. Ошқозонлари тўлганидан кейин истеъмолчилар этиборларини ҳаёт қулайликлари қишлоқ хўжаликга оид бўлмаган ишлаб чиқариш ва хизматларга қаратишади. АҚШдаги иқтисодий ўсиш жон боши даромадини оддий кун кўриш даражасидан юқорига кўтарди. АҚШ истеъмолчилари даромадларидаги ўсиш натижасида ҳозирда истеъмолчилар қишлоқ хўжалиги чиқимларидаги пропортсион ўсишлардан камроқ ишлаб чиқаришяпди.

АҚШда қишлоқ хўжалиги махсулотларига талаб даромад ноеластик; у фойдадаги ўсишларга унчалик таъсирчан эмас. Ҳисоб китобларнинг кўрсатишича солиқлар тўланганидан кейин жон боши даромадидаги 10% ўсиш қишлоқ хўжалиги махсулотлари истеъмолида 2% ўсишни келтириб чиқаради. Бу даромад эгилувчанлик коифисиенти 2 ни билдиради ( = 02/ 10). Шундай қилиб америкаликларнинг даромадлари ошган сари қишлоқ хўжалиги махсулотларига талаб бошқа умумий хизмат ва махсулотларга нисбатан секинроқ ўсади.

Талаб қолиб кетишининг иккинчи сабаби бу аҳолининг ўсиши. Аниқ даромад даражасига етилгандан кейин истеъмолчининг озиқ овқат ва толага бўлган истемоли нисбатан муқимлашади. Бу кейинги талабдаги ўсиш тўғридан тўғри истеъмолчилар сонидаги ўсишга боғлиқ. Кўпчилик ривожлаган давлатларда АҚШда ҳам қишлоқ хўжалиги махсулотларига талаб аҳоли ўсиш даражасига тахминан тенг даражада ўсади. АҚШ аҳолисининг ўсиши тез бўлмаганлиги туфайли АҚШда қишлоқ хўжалиги махсулотларига талаб қишлоқ хўжалиги махсулотларининг тез ўсиши билан бир даражада кетмаган. [111]

График кўриниш. Қишлоқ хўжалиги махсулотларига ноеластик ва секин ўсаётган талаб ва тез ўсиб бораётган таклиф қишлоқ хўжалиги махсулотлари нархлари ва даромадига кучли пастайтирувчи босим беради. 31.5 расмининг кўрсатишича қишлоқ хўжалиги махсулортларининг таклифи йирик ўсиши талабдаги кичик ўсиш билан бирга келади. Талабнинг ноеластиклиги сабабли бу кичик сурилишлар қишлоқ хўжалиги махсулотлари нархидаги ўткир пастайишларнинг нисбатан кичик ишлаб чиқариш билан бирга келади. Шундай қилиб хўжалик даромади пастаяди. Гарафикда биз талаб ва таклифдаги ўсишдан олдин хўжалик даромади (0П1аҚ1 тўғри тўртбурчагида хисобланган) ўсишдан кейинги даромаддан кўпроқ (0П2бҚ2). Қишлоқ хўжалиги махсулотларига ноеластик талаб туфайли бундай махсулотларга таклиф талабга нисбатан хўжаликлар даромадига доимий пастайтирувчи босимни ташкил этади.

[111] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics 301 б




16.5 қишлоқ хўжалиги нархлари ва даромадининг узоқ муддатли пасайиши. АҚШ қишлоқ хўжалиги махсулотларига талабнинг узоқ муддатли ўсишида (Д1 дан Д2 га) таклиф ўсиши билан тенг кетмади (С1 дан С2га) технологик ривожланиш натижасида. Қишлоқ хўжалиги талаби ноеластик бўлгани туфайли бу ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги нархларини пасайтиради (П1 дан П2га) ва хўжалик даромадини қисқартиради (0П1аҚ1 дан 0П2бҚ2 га) шу вақтнинг ўзида ўсиб бораётган ишлаб чиқариш фақатгина секин бўлади (Қ1 дан Қ2га).

Оқибатлар. Талаб ва таклифнинг вақт билан ўзгаришларининг фактик оқибатлари соф рақобат модели томонидан башорат қилинган. Кўрсатиб ўтилган таклиф ва талаб шароитлари қишлоқ хўжалиги ва қисқартирилган махсулот нархлари минимал самара ўлчамида ўсади. унумдорлик даромадини амалга ошириш учун ва ўлчамлар иқтисодиётидан фойда олиш учун жуда кичик бўлган корхоналар ўртача умумий чиқимлари уларнинг махсулотлари учун нархлардан кўпроқ эканлигини англашди. Шундай қилиб энди улар унумдир бўла олмайдилар. Қишлоқ хўжалигидаги узоқ муддатли молиявий йўқотишларда 16.1 расмида кўрсатилганидек кўп ишчиларнинг иқтисоднинг бошқа йўналишларига ўтиб кетишларига мажбур қилди. Бундан ташқари кичик хўжаликларнинг бирлашиб каттароқларига айланишига сабаб бўлди. Уч декада олдин дейлик 240 акр жўхори ерларида фермерлик қилган одам хозирда шундан 2 ёки уч баравар кўпроқ ерга эгалик қилаяпди. биргаликда агро тадбиркорлик деб аталувчи катта корпоратив корхоналар картошка, қора мол, мева, сабзавотлар, ва парранда каби Ба`зи фермерлик йўналишларида пайдо бўлди. Бугунги кунда 1960 йилдаги 4 миллиондан фарқли 2 миллион хўжаликлар мавжуд, ва хўжаликлар ишчи кучи 1960 йилдаги 11 фоиздан фарқли умумий ишчи кучининг 2фоизини ташкил этади. (16.1 глобал тажрибаси охирги вақтдаги ишчи кучи фоизларини бир неча давлатлар учун қиёслайди). [112]

Қишлоқ хўжаликларининг даромади

Одатий равишда қишлоқ хўжаликларнинг даромадлари қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган хўжаликларникидан камроқ бўлган. Лекин паст реал унум нархлари билан ҳам бу мувозанатсизлик қарама карши бўлади. 2004 йилда қишлоқ хўжаликлари учун яхши йилда қишлоқ хўжаликларининг даромади 81 480 $ бўлди бошқа АҚШ хўжаликларида эса 60 528$ бўлди. Аҳоли кўчиши, бирлашиш, қишлоқ хўжалиги унумдорлигининг осъиши ва ҳукуматнинг катта субсидиялари ҳар бир хўжалик учун хўжалик даромадларини кўтарди (булардан олдингидан камрок).

16.1 АҚШ қишлоқ хўжалиги ишчи кучи ва хўжаликлар сони, 1950-2004 йиллар

Танланган давлатларда қишлоқ хўжалигидаги ишчи кучи фоизи

[112] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics 305 б

Катта даромадли давлатлар ўз ишчи кучларини кам даромадли давлатларга нисбатан камроқ қишлоқ хўжалигига жалб этади. Уларнинг ишчи кучлари бутунлай аҳоли учун керак озиқ овқат ва тола ишлаб чиқаришга жалб қилинганлиги учун кам даромадли давлатлар ҳаётнинг юқори стандарти учун уй мактаб, машина ва бошқа махсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришга нисбатан кам ишчи кучларига эга.[113]




Қишлоқ хўжалигидаги ишчи кучи фоизлари

Бундан ташқари кичик фермаларни юритувчи қишлоқ хўжаликлари азолари яқиндаги шаҳар ва шаҳарчалардан иш олиши кўпайган. Ўртача қишлоқ хўжаликларининг даромадининг 17 фоизигина қишлоқ хўжалик фаолиятидан олинган. Бу ўртача сон барибир қишлоқ жойларда яшаб кичик фермаларни юргизувчи кўпгина хўжаликлар томонидан пастга тортилади. Тижорат фермаларини юритувчи хўжаликлар учун йиллик сотувлари 250 000 $ га ёки ундан кўпга тенг хўжаликлар даромаднинг юқори фоизини қишлоқ хўжалигидан олади. 2004 йилда тижорат хўжликлари ўртанча АҚШ хўжаликлари қилган даромаднинг уч бараварини даромад қилишди (хўжаликлар қишлоқ хўжаликлари). Бутун иқтисод билан солиштирганда қишлоқ хўжалиги қисқариб бораётган саноат бўлсада, қолган камчилик тижорат қишлоқ хўжалик эгалари камида гуруҳ сифатида этиборга молик натижаларга эришишяпди. (асосий савол 3).

Қисқача шарх 16.1

- Қишлоқ хўжалиги нархлари ва даромади қисқа муддатли истиқболда нобарқарор чунки ноеластик талаб хўжаликлар ишлаб чиқаришидаги ва талабидаги кичик ўзгариҳларни нисбатан каттарок нарх ва даромад ўзгаришларига айлантиради.
- Технологик ривожланиш вакт ўтиши билан қишлоқ хўжалиги махсулотлари таклифида катта ўсишни амалга оширди.
- Қишлоқ хўжалиги махсулотларига талабнинг ошиши АҚШда енгил ўтди. Чунки талаб даромадга нисбатан ноеластик ва чунки аҳоли осиши катта суратда эмас.
- Таклифдаги катта ўсишлар ва талабдаги кичик ўсишлар АҚШ қишлоқ хўжалигини қисқараётган саноатга айлантирди (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарган махсулотларни ЙИМ фоизи сифатида олинганда).[114]

Қишлоқ хўжалиги сиёсати иқтисодиёти

АҚШ ҳукумати қишлоқ хўжалигига 1930 йилдан бери қишлоқ хўжалиги дастурига биноан субсидиялар ажратиб келган улар қуйидагилар (1) қишлоқ хўжалиги нархлари, даромади ва ишлаб чиқаришини қўллаб қуватлаш; (2) тупроқ ва сувни сақлаш; (3) қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари; (4) хўжалик кредитлари; (5)

[113] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics 306 б
[114] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics 307 б

ҳосил суғуртаси; (6) қишлоқ хўжалиги махсулотларининг дунё бозорларида субсидияли сотилиши. Қишлоқ хўжалиги сиёсатининг асосий элементларига эътибор қаратамиз: нархлар ва даромадларни қўллаб туриш учун яратилган дастурлар. Бу масала вақтинча чунки охирги вақтларда конгресс одатий хўжалик субсидияларини янгилари билан алмаштирувчи бошқа хўжаликлар тоғрисидаги қонунларни қабул қилди (айнан 1996 ва 2002). Бу янги қонунларни тушуниш учун биз улар ўрнини босаётган қонунларни уларнинг мақсадлари ва хўжаликларни субсидиялаштиришнинг натижаларини тушунишимиз керак. 2000 ва 2005 йиллар оралиғида Америка фермерлари ҳар йили ўртача 21.6 миллиард $ ҳукумат субсидияларини олишди. (16.2 глобал тажрибада кўрсатилганидек субсидиялар кўпгина давлатлар учун умумий.)

Қишлоқ хўжалиги субсидиялаштирилиши учун асос

Декадалар давомида қишлоқ хўжалигини субсидиялаштиришни оқлаш мақсадида кўпгина фикрлар айтилган:

- Қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳаёт учун зарур бўлсада кўпгина фермерлар нисбатан кам даромадга эга, шунинг учун улар каттароқ нархлар ва даромадларни ижтимоий ёрдамлар орқали олишлари керак.
- Оилавий хўжаликлар АҚШнинг асосий институтларидан бўлиб ҳаёт тарзи сифатида тарғиб этилиши лозим.
- Фермерлар сув босиши, қурғоқчилик ва зараркунандалар ҳужуми каби ҳаддан зиёт қийинчиликларга дуч келишади бошқа саноатлар бундай қийинчиликларга дуч келмайди. Ҳукумат ёрдамисиз фермерлар ўзларини бундай офатлардан тўлиқ ҳимоя қила олишмайди.
- Кўпгина хўжаликлар махсулотларига рақобат қилувчи бозорларга дуч келганда улар бозордаги катта кучга эга бўлган саноатлардан ўғит машиналар, ва ёқилғиларни харид қилишади.

Таъминотчи саноатлар бу нархларни назорат қила олсада фермерлар ўз махсулотларини сотишда яхши имкониятларга эга. Субсидия берувчилар қишлоқ хўжалиги ижтимоий ёрдамни кафолатлаши ва фермерлар томонидан дуч келинган ноафзал шароитларни қоплашини айтишади. [115]

Глобал тажриба 16.2




Танланган давлатларда қишлоқ хўжалиги субсидиялари

Турли давлатлардаги фермерлар ўз даромадларининг аксарият қисмини ҳукумат субсидиялари сифатида олишади.

2004 йилда ҳукумат субсидияларининг хўжаликлар ишлаб чиқаришининг фоизи сифатида

Қишлоқ хўжалигини тартибга солиш. 1933 йил қонуни паритет тушунчасини қишлоқ хўжалиги сиёсатининг

[115] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics

тамал тоши сифатида қўйди. Паритет тушунчаси ҳам реал ҳам номинал атамаларда белгиланиши мумкин. Реал шароитда паритетга асосланиб йилдан йилга белгиланган қишлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқаришда аниқ умумий миқдордаги махсулотлар ва хизматларни харид қила олиши лозим. Аниқ реал ишлаб чиқариш ҳар доим шунга тенг даромад натижасини бериши лозим: "агар фермер 1912 йилда бир бушел жўхорини сотиб пулига кўйлак ола олган бўлса ҳозир ҳам у бир бушел жўхорининг пулига бир кўйлак олиши лозим." Номинал маънода паритет тушунчаси фермерлар олган даромадлари ва махсулот ҳамда хизматлар учун чиқимлари орасидаги мутаносиблик барқарор қолиши керак. Паритет тушунчасининг маъноси шундаки, агар кўйлакнинг нархи вақт давомида уч баравар кўтарилган бўлса унда жўхорининг нархи ҳам уч баравар кўтарилиши лозим. Бундай ҳолат 100% паритетни ташкил этади. Паритет коифитсиенти бу фоиз кўринишидаги қабул қилинган нархларнинг чиқимлар нархлари коифитсиенти. Бу:

Фермерлар томонидан олинган нархлар
Паритет коиффитсиенти = ---------------------------------------------
Фермерлар томонидан тўланган нархлар

Нега фермерлар махсулотларининг 100% паритетга асосланганликдан фойда қилиши яққол. 2005 йилга келиб фермерлар томонидан тўланувчи нархлар 1900-1914 йилдан бери 16 баравар ўсди, шу билан бирга фермерлар олган номинал нархлар 7 баравар ўсди. 2005 йилга келиб паритет коифитсиенти .40 да эди (ёки 40 фоиз), бу 2005 йилда олинаётган нархларга 1910-1914 йилларда олинган нархларнинг 40 фоиз харидорлик кучига эга эди. Шундай қилиб қишлоқ хўжалигининг 100 фоизли паритетга ўтиши қишлоқ хўжалиги махсулотларига нисбатан каттароқ нархларнинг қўйилишига олиб келади.

Нарх таъминотининг иқтисодиёти

Паритет тушунчаси қишлоқ хўжалиги махсулотларига ҳукумат нарх чегаралари учун асос солади. Қишлоқ хўжалигида бу минимал нархлар нарх таъминотлари дейилади. Биз кўрсатиб ўтгандек узоқ муддатли истиқболда фермерлар томонидан олинган бозор нархлари улар томонидан чиқим қилинган нархлардан қолиб кетаяпди. Паритетга ёки ба`зи бир фоизга эришишнинг бир йўли бу ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги махсулотлари учун тенг нарх таъминотларини белгилашидир. Кўпгина нарх таъминот дастурлари қўлланган лекин улар ўхшаш натижа берган, Ба`зилари тор ва салбий. 16.6 расмда мувозанат нарх Пе ва нарх таъминоти Пс. Унда асосий таъсир қуйидагича бўлади.

Махсулот профитсити. Энг яққол натижа бу махсулотнинг профитсити. Истеъмолчилар таъминланаётган нархда фақат Қс га тенг бирликларни олишни хохлашаяпди фермерлар эса Қс га тенг бирликларни етказади. ҚсҚс профитсити натижасини нима қилиш керак? Ҳукумат мувозанат нархини самарали таъминлаши учун буни сотиб олиши лозим. Кўриб турганингиздек бу ферма ишлаб чиқаришидаги профитсит қишлоқ хўжалиги кўпроқ манбалар тақсимланишига эгалигини билдиради.

Фермерлар фойдаси. Фермерлар нархлар таъминотидан фойда олади. 16.6 жадвалида қишлоқ хўжалиги ЙИМ фойдаси 0 П эбҚ э билан кўрсатилган эркин бозор даражасидан 0 П саҚ с каттароқ таъминланган даражага ўсади.

Истеъмолчилар учун йўқотишлар. Истеъмолчилар йўқотади; улар каттароқ нархларни тўлашади (Пе дан кўра Пс) ва махсулотни камроқ истеъмол қилишади

(Қе дан кўра Қс). Ба`зи холатларда бозор нархлари ва таъминланган нархлар ўртасидаги фарқ сезиларли. Масалан, АҚШда бир фунт шакарнинг таъминланган нархи дунёдагидан икки баравар катта, ва сутнинг бир квортаси истеъмолчи учун ҳисобларга кўра ҳукумат дастурларисиз бўлганидан кора икки баравар қиммат тушади. Бундан ташқари озиқ овқатларнинг юқори нархлари оғирлиги асосан камбағалларга тушади чунки улар ўз даромадларининг аксарият қисмини озиқ овқатга сарфлашади.




16.6 таъминот нархлари, қишлоқ хўжалик профитситлари, фермерларга ўтказмалар. Бозор талаби Д ва таклифи С қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳосили мувозанати Пе ва миқдори Қе. Юқори мувозанат таъминот нархлари Пс Қс миқдорининг, Қс ишлаб чиқариш миқдорининг, ҚсҚс миқдор профитсити истемоли натижаси. Сариқ тўртбурчак солиқ тўловчилар пулларининг фермерларга ўтказилишини кўрсатади.

Самарадорликдаги йўқотишлар. Жамият йўқотишининг сабаби таъминот нархлари манбаларни қишлоқ хўжалигига кўпроқ тақсимлашга ундаш орқали тақсимлаш самарасизлигини юзага келтиради. Нарх минимуми (Пс) очиқ бозор нархларидан кўра кўпроқ манбаларни қишлоқ хўжалиги секторига жалб этади (Пе). Соф рақобат модели орқали қаралганда 16.6 расмидаги бозор таклифи эгри чизиг`и турли ишлаб чиқариш даражаларида шу махсулотни ишлаб чиқараётган барча фермерларнинг чегаравий чиқимларини кўрсатади. Манбаларнинг самарали тақсимланиши бозор нархи Пе чегаравий чиқимга тенг бўлган б нуқтада юзага келади. Шундай қилиб Қе ишлаб чиқариш нартижаси манбаларнинг самарали тақсимланишини кўрсатади. [116]

Бунга қарама қарши Пс нарх таъминоти билан боғлиқ Қс ишлаб чиқариш натижаси манбаларнинг хаддан ташқари тақсимланишини кўрсатади; Қе ва Қс орасидаги ишлаб чиқарилган бирликларнинг барчаси учун, чегаравий чиқимлар (С эгри чизиг`ида хисобланган) одамлар бу махсулотлар учун тўламоқчи бўлган миқдорлардан кўпрок (Д эгри чизиг`ида хисобланган). Содда қилиб айтганда қўшимча ишлаб чиқарилган махсулотларнинг чегаравий нархлари жамият учун уларнинг чегаравий фойдасидан кўпроқ. Жамият самарадорлик йўқотишини бошдан ўтказади (ёки соф йўқотиш) нарх таъминоти тизимидан.

Бошқа ижтимоий йўқотишлар. Жамият умуман олганда бошқа йўқотишларга ҳам дуч келади. Солиқ тўловчилар ҳукумат профитсит махсулотларни харид қилиши учун каттароқ солиқлар тўлайди. Бу қўшимча солиқ юкламаси ишлаб чиқариш профитсити ҚсҚс нинг унинг нархи Пс га 16.6 расмдаги сариқ тўртбурчакда кўрсатилганидек кўпайтирилишига тенг. Эслатиб ўтамиз ўз ўрнида

[116] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics 310 б

солиқларнинг оширилиши самарадорлик йўқолишига олиб келади (29.5 расм). Бундан ташқари бу ишлаб чиқариш профитситини сақлаш бу солиқ юкламасини оширади. Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигига аралашуви маъмурий чиқимларга олиб келади. АҚШ нарх таъминоти ва бошқа қишлоқ хўжалиги дастурларини олиб бориш учун минглаб ҳукумат ишчилари зарур. Ва нихоят ижарага йўналтирилган нарх таъминотини сақлаш учун соёсий ёрдамга интилиш қиммат ва ижтимоий пул совиришдир. Хўжаликлар гуруҳлари салмоқли миқдорларни нарх даражаларининг сиёсий таъминоти учун ва хўжалик даромадларини кўпайтиришга қаратилган бошқа дастурлар учун сарфлашади.

Атроф муҳит чиқимлари. Биз 31.6 расмдан биламизки нарх қўлланилиши қўшимча махсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Ба`зи қўшимча махсулот қўшимча ерлардан фойдаланиш орқали келсада, аксарияти ўғит ва пеститсидларнинг хаддан зиёд қўлланилиши орқали келади. Бу ўғит ва пеститсидлар атроф муҳитни ифлослантириши мумкин (масалан, ер ости сувларини) ва хўжалик ишчилари ҳамда истеъмолчиларнинг соғлиғига шу махсулотлар ичида қолиш орқали таъсир қилиши мумкин. Тадқиқотлар нарх қўллаб қуватланиши субсидиялар ва агрокимёдан фойдаланиш ўртасида ижобий муносабатни кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги сиёсати бундан ташқари камроқ яққолликдаги атроф муҳит муаммоларини келтириб чиқариши мумкин. Фермерлар ўз ерларини кетма-кетликда жўхори ёки буғдой каби маданиятлар учун қўллаганида нархлар қўллаб қуватланишидан фойда олиши мумкин. Бу зараркунандаларга қарши реагентсиз курашиш йўли бўлган уруғлик алмаштирилиши амалиётига халақит беради. Қишлоқ хўжалиги сиёсати шундай қилиб кимёвий унсурларни зараркунандаларга қарши курашнинг бошқа йўллари билан алмаштиришга ундайди. Бундан ташқари биз олинган талаб тушунчасидан махсулот нархидаги ўсиш мутаносиб сарфлар талабини оширади. Хусусан қишлоқ хўжалиги махсулотлари нархларини қўллаб қуватлаш ерга бўлган талабни оширади. Ва фермерлар хўжалик ишлаб чиқаруви учун қўлламоқчи бўлган ерлар эгри, эрозияга дучор бўлган, ёки ёввойи ҳаётга имконият яратувчи сув балчиқ ерлар бўлиб одатда таъсирчан атроф муҳит хисобланади. Шунга ўхшаб нарх қўллаб қуватланиши натижасида ирригатсия учун кўпроқ сув талаб этилиши мумкин ва натижада сув қочиши ер эрозиясига олиб келиши мумкин.[117]

Халқаро чиқимлар. Одатда қишлоқ хўжалиги нархларини қўллаб-қуватлаш чиқимлари 31.6 расмда кўрсатилган сонлардан ўтади. Нарх таъминоти миллий чегаралардан ўтувчи иқтисодий номутаносибликларни келтириб чиқаради. Масалан, нарх қўллаб қуватланиши АҚШ қишлоқ хўжалик бозорларини чет эл ишлаб чиқарувчилари учун қизиқарли қилиши мумкин. Лекин чет эл қишлоқ хўжалиги махсулотларининг кириб келиши АҚШ таъминотини кучайтириб АҚШдаги ишлаб чиқариш профитсити аҳволини ёмонлаштиради. Бунинг юз беришини олдини олиш учун АҚШ тарифлар ва квоталар кўринишида импортнинг киришига тўсиқлар яратади. Бу тўсиқлар самарали чет эл ишлаб чиқарувчиларини чеклаб кам унумдорликга тенг АҚШ ишлаб чиқарувчиларини қўллаб қувватлаш тенденсиясига эга. Натижада дунё қишлоқ хўжалиги манбаларидан кам самарада фойдаланилади. Бу бўлимнинг охирги сўз қисми бу холат хақиқатдан ҳам шакар учун таъсирга эга деган тахминни беради.

АҚШ ва бошқа саноати ривожланган ўхшаш қишлоқ хўжалиги дастурига эга давлатлар томонидан ортиқча махсулотларнинг дунё бозорларига чиқарилиши бу махсулотларнинг нархини тушириб юборади. Ривожланаётган давлатлар одатда ўз

[117] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics 312 б

даромадларида дунё махсулот бозорларидан оғир қарамликка эга. Шундай қилиб улар айниқса жабрланади чунки уларнинг экспорт даромадлари қисқаради. АҚШнинг гуруч ишлаб чиқариш учун субсидиялари Таиланд асосий гуруч экспортчиси учун жиддий чиқимларни юзага келтирди. Шунга ўхшаб АҚШ пахта дастурлари Миср, Мексика ва бошқа пахта экспортчи давлатларига салбий таъсир ўтказди. (асосий савол 8).

Ортиқча махсулот қисқартирилиши

31.6 расмининг таклиф этишича бозор таклифини қисқартириш (С чапга сурилиши) ёки бозор талабини ўстириш (Д нинг ўнга сурилиши) учун яратилган дастурлар бозор нархларини таъминланган нарх Пс га томон кўтаради. Бундан ташқари бундай дастурлар ортиқчаликни қисқартириши ёки йўқ қилиши мумкин. АҚШ ҳукумати ортиқчаликни камайтириш ёки йўқ қилиш учун ҳам таклиф ҳам талаб ёндашувларини қўллаб кўрди.[118]

Таклифни чеклаш. Яқин вақтларгача давлат сиёсати асосан хўжаликларнинг ишлаб чиқариш миқдорини чеклашга қаратилган эди. Хусусан экин ерлари билан бирга нарх қўллаб қуватланиши. Ҳосиллари учун кафолатланган нархлар эвазига улар экинлари учун акрларини камайтиришга рози бўлишган эди. АҚШ қишлоқ хўжалиги бошқармаси биринчи таъминланувчи нархни белгилади ва кейин таъминланувчи нархларда бу махсулотларни олувчи истеъмолчилар миқдорини хисоблаб чиқди. Кейин шу миқдорни мақсадни таъминлашга керак умумий экинлар акрларига ўтказди. Умумий ер майдони штатлар, графликлар ва нихоят хусусий хўжаликлар орасида тақсимланди. Бу таклифни чеклаш дастурлари қисмангина муваффақиятли бўлди. Улар ортиқчаликни йўқ қила олмади асосан чунки акрлар қисқартирилиши ишлаб чиқаришнинг пропортсионал қисқариши натижасини бермади. Ба`зи фермерлар ўз энг ёмон ерларини ташлаб ишлаб чиқариш учун энг зўр ерларидан фойдаланишди. Бундан ташқари улар ўз ишланган ерларини кўпроқ култиватсия қила бошлашди. Ҳар бир акрдан олинувчи ҳосилни кўпайтириш учун яхшиланган уруғлик, кўпроқ ва яхшироқ ўғитлар, инсектитситлар ва ривожланган ускуналар фойдаланилди. Иштирок этмайдиган фермерлар умумий нархларнинг кўтарилиши нияти билан ўз экин ерларини акрини кўпайтирди. Шундай бўлсада акрлар кенгайиши соф таъсири шубхасиз хўжалик ортиқча махсулотлари ва уларнинг шунга боғлиқ солиқ тўловчилардан олинадиган чиқимларини камайтирди.

Талабни қўллаб қуватлаш. Ҳукумат бир қанча йўллар билан АҚШ қишлоқ хўжалиги махсулотларига талабни ўстиришга ҳаракат қилиб кўрди. Масалан ҳам ҳукумат ҳам хусусий саноат қишлоқ хўжалиги махсулотларидан фойдаланишнинг янги йўлларини топиш бўйича изланишларга катта миқдордаги пулларни кеткизишди. Гасохолнинг сотилиши бу бензин ва дондан олинган спирт қўшилмаси қишлоқ хўжалиги махсулотларига талабни ортиришга қаратилган муваффақиятли ҳаракатлардан бўлди. Охирги вақтдаги соя ва бошқа табий сабзавот ёғларидан қлинувчи биодизел чиқариш ҳам талабни кучайтириш ёндашувидир. Шу вақтга қадар бундай ҳаракатлар - сезиларли даражада убсидиялансада - қишлоқ хўжалиги махсулотларига талабни кучайтиришда фақатгина кам муваффақиятли бўлди. [119]

Ҳукумат бундан ташқари қишлоқ хўжалиги махсулотларини ички истеъмолини қўллаб қуватлаш учун турли хил янги дастурлар ишлаб чиқди. Масалан озиқ овқат маркалари дастурининг мақсади фақат очликни қисқартириш эмас балки озиқ овқатга бўлган талабни кучайтириш ҳамдир. Шунга ўхшаб тинчлик

---

[118] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics

[119] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics

учун озиқ овқат дастури ривожланаётган давлатларга АҚШ ортиқча қишлоқ хўжалиги махсулотларини ўз пул бирликларига доллардан фойдаланмасдан сотиб олиш имкониятини берди. Федерал ҳукумат АҚШ қишлоқ хўжалиги махсулотларини реклама қилиш ва танитиш учун ҳар йили миллионлаб долларларни сарфлайди. Бундан ташқари АҚШ музокарачилари чет эл давлатларини қишлоқ хўжалиги махсулотларига қўйилган чекловларини камайтириш юзасидаги келишувларда кучли босим ўтказди. Нарх қўллаб қуватланиши даврида ҳукуматнинг таклифни чеклаш ва талабни кучайтириш учун қилган ҳаракатлари қишлоқ хўжалиги нархларини ўсирди ва махсулот ортиқчалигини камайтирди, лекин сезиларли ортиқчаликни йўқ қилиш йўлида мувофақият келтирмади.

Қисқача шарх 16.2

- Паротет тушунчаси фермерларга уларнинг қишлоқ хўжалиги махсулотларидан олувчи даромади ва умуман махсулот ва хизматлар учун чиқимларининг доимий коифитсентини олиши кераклигини таклиф этади.
- Нарх қўллаб қуватланиши ихтиёрий нарх минимуми бўлиб танланган қиҳлоқ хўжалиги махсулотларига қўйилади.
- Нарх таъминоти ортиқча махсулот (ҳукумат сотиб олиб сақлаши лозим) хўжалик даромадини оширади, истеъмолчилар учун озиқ овқат нархини оширади, ва қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта тақсимлайди.
- Ички нарх қўллаб қуватланиши давлатларни импортга қарши чекловлар қуришга ва ўз ортиқча қишлоқ хўжалиги махсулотларини дунё бозорларига чиқаришга ундайди.

Танқид ва сиёсат

Ҳукумат нархни қўллаб қуватлаш дастурлари билан декадалар давомида тажрибалардан сўнг 1990 йилларга келиб қишлоқ хўжалиги сиёсати яхши ишламаётганлиги аниқ бўлди. Қишлоқ хўжалиги субсидияларининг асосий танқидлари бу субсидиялар сиёсатининг скептик таҳлили сифатида юзага келди.

Паритети тушунчасининг танқидлари

Иқтисодчилар бир овоздан паритет тушунчаси асосланишини рад этишди. Улар 1900 йилда бир бушел буғдой бир кўйлакни харид қилиш учун етарли бўлгани бир қанча декададан кейин ҳам шундай қолиши кераклиги фикрида иқтисодий мантиқ топишмади. Талаб ва таклиф орқали белгиланган махсулот ва хизматларнинг нисбий қийматлари ва бу нисбий қийматлар вақт ўтиши, технология ўзгариши, манба нархлари ўзгариши, та`блар ўзгариши, ўрин босувчи махсулотлар ва янги махсулотлар яратилиши билан бирга ўзгариб боради. Тўлиқ таъминланган компютер, монитор ва принтернинг пулига 1985 йилда қиммат бўлмаган янги автоулов харид қилиш мумкин бўлган. Бир декада ўтиши билан бу имконият йўқ бўлди чунки компютер жиҳожлари нархлари жуда қаттиқ тушиб кетди. Паритет тушунчасига асосланиб кимдир нарх қўллаб қуватланиши ва субсидиялар компютер ишлаб чиқарувчилари учун асосланган дейиши мумкин!

Нарх қўллаб қуватланиши тизимининг танқиди[120]

Нарх қўллаб қуватланишининг танқиди танг равишда оғир бўлди.

Аломатлар, сабаб эмас. Қишлоқ хўжалиги нархларини қўллаб қуватлаш стратегияси қишлоқ хўжалиги муаммоларини сабабларини эмас аломатлари даволаш учун ишлаб чиқилган эди. Узоқ муддатли қишлоқ хўжалигидаги муаммоларнинг илдиз сабаби қишлоқ хўжалиги ва қолган иқтисод орасида манбаларнинг нотоғри тақсимланганлигидир. Тарихдан бу муаммо кўпгина

[120] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics

фермерлар учун бир эди. Бу нотоғри тақсимланишнинг натижаси нисбатан паст қишлоқ хўжалиги нархлари ва паст даромади эди. Лекин нарх ва даромад қўллаб қувватланиши одамларни бошқа қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ишларга кетмай қишлоқ хўжалигида қолишга жалб қилди. Я`ни, нарх ва даромадга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги дастурлари узоқ муддатли қишлоқ хўжалиги муаммоларини ҳал этиш учун керак бўлган манбаларнинг қайта тақсимланишини секинлаштирди.

Хато субсидиялар. Нарх қўллаб қувватланиши тизими бушел ўлчов тизимига асослангани учун субсидияларга энг кам эҳтиёж хис қилган фермерларга фойда келтирди. Агар қишлоқ хўжалиги сиёсатининг мақсади паст хўжалик даромадини кўтариш бўлса, бунга биноан федерал ёрдам дастурларининг ҳар бири биринчи ўринда энг кам даромадга эга фермерларга қаратилган бўлиши керак эди. Лекин камбағал ва кам махсулот ишлаб чиқарувчи фермер нарх қўллаб қувватланишидан фойда олиш учун етарли даражада махсулот ишлаб чиқармайди ва уни бозорда сотмайди. Бунинг ўрнига катта ривожланаётган фермер сезиларли ишлаб чиқариш хисобига фойдани олади. Хисса капиталлари асосида тўғридан тўғри қиёналаётган фермерларга берилиши блвосита нарх қўллаб қувватлашлар орқали катта ривожланаётган фермерларни қўллаб қувватлашдан кўра афзалроқ. Унданам яхшироғи иқтисодчиларнинг фикри бўйича бу қишлоқ хўжалигидан бошқа кўпроқ талабгир бўлган йўналишларга ўтмоқчи бўлган фермерларни қўллаб қувватлаш ва ўргатиш бўлади.

Шу масала билан боғлиқ тушунча бу ер қиймати. Нарх қўллаб қувватлаш тизимининг нарх ва даромадга фойдаси хўжалик ерлари қийматини оширди. Унумни қийматлироқ қилиб нарх қўллаб қувватлаш ернинг ўзини қийматлироқ қилди. Бу ерни ижарага олувчи фермердан кўра ерга эгалик қилувчи фермерга кўпроқ фойда келтирди. Фермерлар 40 фоизга яқин ерларни асосан яхши таъминланган қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ер эгаларидан ижарага олишган. Шундай қилиб нарх қўллаб қувватлаши фаол даражада қишлоқ хўжалигига жалб этилмаган одамлар учун субсидия бўлиб қолди.

Сиёсий қарама-қаршиликлар. Қишлоқ хўжалиги сиёсатида кўп мақсадлар бўлганлиги сабабли бу одатда қарама қаршиликларга олиб келган. Кўпгина субсидияли тадқиқотлар қишлоқ хўжалиги махсулдорлигини ва қишлоқ хўжалиги махсулотларининг таклифини оширишга йўналтирилган бир вақтда экин ерларини тақсимлаш дастурлари фермерларни таклифни қисқартириш учун ерни ишлаб чиқаришдан чиқаришни талаб этарди. Ҳосил нархларини қўллаб қувватлаш ранчо ва фермалар учун емнинг қимматлашиши ва хайвон махсулотларининг мижозлар учун қимматлашувини билдиради. Тамаки исте`моли соғлиқ учун жиддий муаммоларини келтириб чиқарсада тамаки ишлаб чиқарувчилари субсидияланишда давом этди. АҚШ шакар дастури ички ишлаб чиқарувчилар учун нархларни импортга квоталар қўйиш ва шу билан эркин савдо сиёсатига қарши чиқиб нархларни оширишди. Консерватсия дастурлари ерларни ёввойи ҳаёт учун олиб қўйиш мақсадида йўлга қўйилган бўлса нархни қўллаб қувватлаш бундай ерларни ишлаб чиқаришга жалб этиш учун йўналтирилган. Бу барча танқидлар сиёсий ислоҳотларни келтириб чиқарди. Лекин биз кўргандек бу ислоҳотлар ўйланганидан кўра камроқ самарали бўлди. Бу танқидларнинг деярли барчаси мавжуд қишлоқ хўжалиги сиёсатига, нархни қўллаб қувватлаш дастурига мутаносиб бўлгандек мос.

Қишлоқ хўжалиги сиёсатининг қонунияти

Бу танқидларни ҳисобга олиб нега АҚШ ўзининг нархни қўллаб қуватлаш дастурини 60 йил давом эттирди ва бу дастурни ҳали ҳам шакар, сут ва тамаки учун давом эттираяпди? Нега ҳали ҳам миллиардлаб доллар субсидиялар мавжуд?

Жамоатчилик танлови назарияси

Қайталанган жамоатчилик танлови назарияси (29 бўлим) бу саволларга жавоб беришга ёрдам беради. Эслатиб ўтайлик рентабелликка йўналтирилган ҳаракат бир гуруҳ (ишчилар бирлашмалари, махсус саноат корхоналари ёки аниқ махсулот етиштирувчи хўжаликлар) сиёсий воситаларни даромад ёки бойликларнинг бошқа гуруҳ ҳисобига ўзларига ўтказишда қўллашида юзага келади. Ва яна эслатиб ўтиш жоизки, махсус фойдага диққат таъсири кичик гуруҳ катта фойдаларни бошқа каттароқ гуруҳ ҳисобига олиши ва бунда катта гуруҳ а`золари хусусан кичик йўқотишларга дуч келишини ўз ичига олувчи дастур ва сиёсатлардир. Рентабелликка йўналтирилган ҳаракат ҳамда махсус фоиз таъсири қишлоқ хўжалиги субсидияларини тушунтиришга ёрдам беради.

Фараз қилинг, аниқ бир фермерлар гуруҳи дейлик ерёнғоқ ёки шакар ишлаб чиқарувчилари яхши молияланган сиёсий ҳаракатлар кенгашини ташкил қилди ва яратди (СХК). СХК нинг иши даромадларни гуруҳга йўналтирувчи хукумат дастурларини юритиш (бу рентабелликка йўналтирилган ҳаракат). СХК фаол равишда АҚШ сенаторлари ва хукумат вакилларини ер ёнғоқ ёки шакар учун нарх қўллаб қувватлаш киритиш ва давом эттириш, ишлаб чиқариш ёки импорт квоталарини юритиш учун лобби ишини юритишади.  СХК қисман буни хайрихох қонун чиқарувчиларга сиёсий ҳисса қўшиш билан қисман амалга оширади. Ер ёнғоқ ишлаб чиқарувчилари Жоржия, Алабама ва Техас каби бир нечта штатда жамланган бўлсада ерёнғоқ СХК қўлаб қувватлашни олиш мақсадида бошқа штатларда ҳам қонунчиликга ҳисса қўшади.

Лекин қандай қилиб кичик ерёнғоқ ёки шакар ишлаб чиқарувчиларининг қизиқишларини бутун жамиятнинг хисобига ўз даромадларини оширишни лобби қилиши мумкин? Гуруҳ дастурининг умумий нархи катта бўлсада ҳар бир солиқ тўловчига тўғри келаётган чиқим кичик (бу махсус диққат таъсири). Солиқ тўловчилар бундай дастуролардан кам фойдага эга бўлганликлари учун уларни билишмайди ва уларга бефарқ бўлади. Сиз ўзингиз ер ёнғоқ ёки шакар лавлаги етиштирмагунингизча бу дастурлар ҳар бир солиқ тўловчи учун қанчага тушиши ҳақида фикрга эга бўлмайсиз ва шунинг учун сизнинг қонун чиқарувчи вакилингиз, дейлик шакар қўллаб қувватлаш дастурига овоз берганига қаршилик қила олмайсиз. Шундай қилиб СХК ўз ҳатти ҳаракатларига қарши кам ёки умуман ҳаракатга дучор бўлмайди.

Сиёсий ўзаро фойда келтириш – дастурлар ва қонунларга овозларни савдо қилиш – бундан ташқари аниқ дастурларни иш вақтини узайтиради:

Сенатор Фогорн сенатор Морибондга фойда келтирувчи дастурга овоз беришга рози бўлади ва Морибонд ўз ўрнида кейин ўз қарзини қайтаради. Мисол: кўпгина паст даромадли шаҳар жойлашувларининг конгрессдаги вакиллари қишлоқ хўжалиги субсидияларини ёқлаб овоз беришади. Ўз ўрнида қишлоқ хўжалиги йўналиши вакиллари камбағалларга озиқ овқатларни субсидияловчи дастурларни қўллаб қувватлайди. Натижа шаҳар қишлоқ бирлашуви бўлиб у орқали икки йўналиш вакиллари бир бирининг фойдаси учун хизмат қилади ва қайта сайланиш имкониятларини кучайтиради. Бундай бирлашувлар нега қишлоқ хўжалиги

субсидияларининг мавжуд бўлиб келаётганлиги ва озиқ овқат талонлари яқин вақтларгача кенг тарқалганлигини тушунишга ёрдам беради.

Катта қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик корхоналари ҳам қишлоқ хўжалигига инвеститсияларни қўллаб-қуватлашади ва бундан ташқари қишлоқ хўжалиги субсидияларини сиёсий жиҳатдан қўллаб қуватлашади чунки субсидиялар фермерлар харид қилиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалиги кимёси ва қишлоқ хўжалиги машиналари миқдорини оширади. Ва минглаб қишлоқ хўжалиги дастурларига боғлиқ бўлган ишчилар юқори ҳимоя остида бўлади. Шунга ўхшаб хўжаликлар эгалари ҳам. [121]

**Таклифни қисқартириш орқали қўллаб қувватлаш.** Олдинги бўлимда кўрганимиздек Давлат нархларни минимал даражасини белгилаши ортиқча ишлаб чиқаришни келтириб чиқаради, бу эса давлатга ана шу ортиқча маҳсулотни сотиш муаммосини қўяди. Бундан қочиш мақсадида давлат ана шу нархлар даражасига эришиш учун таклиф миқдорини камайтриш орқали ҳам эришиш мумкин, бундай шаклдаги аралашувда ортиқча ишлаб чиқариш бўлмайди. Албатта бунинг учун давлат ҳар бир товар бўйича экин майдонлари ҳажмини билишлари ва шунга мувофиқ равишда чеклашлари керак бўлади. Фермерлар эса ана шу чеклашга кўнишлари керак бўлади. Бундай шароитда, юқорида келтирилган таклиф эгри чизиғи чап тарафга кўчади ва мувозанат нарх даражаси кўпаяди. Лекин, аграр соҳа ишлаб чиқариш ҳажми аввалгидан камаяди.

**Талабни рағбатлантириш орқали қўллаб қувватлаш.** Давлат талабни рағбатлантириш орқали ҳам аграр соҳани қўллаб қувватлаши мумкин. Масалан, давлат аграр соҳа товарларини янги соҳаларда қўллаш бўйича кўпгина тадқиқотларни молиялаштириш орқали қилиши мумкин. Охирги йилларда газогол маҳсулотини ишлаб чиқариш тадқиқотларга кўпгина давлатлар молия ажратмоқдалар. Бу буғдойдан олинган спирт (алкогол) асосида газ ёки нефт ўрнини босувчи ёқилғи ишлаб чиқаришдир. Ёки соя ёғи асосида биодизел маҳсулотини ишлаб чиқаришга харажатлар ҳам талаб миқдорини оширишга қаратилган чора-тадбирлардан биридир. Бундан ташқари АҚШ давлати талабни рағбатлантириш мақсадида миллионлаб доллар ўзининг аграр соҳа товарларини реклама қилишга сарфлаяпти.

**Рента муносабатлари.** Аграр муносабатларнинг асосини рента муносабатлари ташкил қилади. Рента назарияси ҳозиргача тўлиқ ёритиб берилмаган назариялардан ҳисобланади. Иқтисодчилар ўртасида унинг моҳиятини тушунтириш бўйича турлича ёндашув ва қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари ноаниқлигича қолмоқда. Шу сабабга кўра рентани миқдорий аниқлаш ва унинг моҳиятини тушунтириш бўйича асосий ва кўпинча бир-бирига қарама-қарши бўлган назарияларга дуч келамиз.

Рента назарияси дастлаб физиократлар мактабининг асосчилари Ф.Кене ва А.Тюрголарнинг илмий асарларида кўриб чиқилган. Улар рентанинг вужудга келиш сабабини табиат, ернинг қандайдир сирли кучи, табиат эҳсони, ернинг қўшимча маҳсулот ярата олиш қобилияти натижаси орқали изоҳлаганлар. Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини яратишда, жумладан, соф ва қўшимча маҳсулот яратишда табиат ролини кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

Кейинчалик рента назариясининг асослари классик иқтисодчилар У.Петти, Ж.Андерсон, А.Смит ва Д.Рикардолар тадқиқотларида турли даражада такомиллаш-тирилган. Жумладан, Андерсон дифференсиал рента тўғрисидаги

[121] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue Economics

қарашларни илгари сурган, бироқ рентанинг товар қийматининг бир қисми эканлигини тушунтириб беролмаган. Рикардо эса, физиократлардан фарқли ўлароқ, рентага маҳсулот ижтимоий ва индивидуал қийматлари ўртасидаги фарқ сифатида қараб, рента назариясини қийматнинг меҳнат назарияси, қиймат қонуни билан боғлаган.

Рента назариясини ривожлантиришда рус иқтисодчиларидан Н.Г.Чернишевский ва Н.И.Зиберлар салмоқли ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги вақтда Россияда «Иқтисодиёт назарияси» бўйича чоп этилган қатор ўқув қўлланма ва дарсликларда ҳам ер рентаси муносабатлари кенг баён этилмоқда.

Д.Д.Москвин таҳрири остида тайёрланган дарсликда ёзилишича, ресурсларнинг турли-туманлиги натижасида улардан фойдаланиш чоғида рента даромадларининг турли кўринишлари пайдо бўлади, жумладан: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда вужудга келувчи ер рентаси; фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида вужудга келувчи рента; ўрмон ресурсларидан фойдаланишда ҳосил бўлувчи рента; қурилиш участкаларидан олинувчи рента ва ҳ.к. Барча турдаги табиий ресурслар ер билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли улардан фойдаланишда рентанинг вужудга келиши учун бир-бирига ўхшаш шарт-шароитлар мавжуд бўлади. Қишлоқ хўжалик экинларидан фойдаланишнинг иқтисодий шарт-шароитларига нисбатан ишлаб чиқилган рента муносабатларини таҳлил қилиш услубиёти рентанинг барча турларига тегишли бўлади, шунга кўра уларни ер рентасига киритиш тўғри бўлади. Ҳайдаладиган ер, қурилиш участкаси, руда кони, балиқ ови, ўрмон ва бошқалардан тўланишидан қатъий назар, рента кўринишидаги

**Ер рентаси – ер эгалигини иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш (реализатсия қилиш)нинг шаклидир.** Ер рентасининг бир қанча тарихий кўринишлари мавжуд. Масалан, уч шаклдаги: баршчина (ишлаб бериш), оброк (натурал солиқ) ва пул солиғи шаклларидаги феодал ренталари шулар жумласидандир. Ҳозирги пайтда турли мамлакатларда мавжуд рента вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларига қараб қуйидаги турларга ажратилади: абсолют ер рентаси, дифференсиал (табақалашган) рента И ва ИИ, монопол рента, қазилма бойликлар, қурилишлар жойлашган ерлардан олинадиган рента.

Рентанинг моҳиятини тушунишдаги асосий қийинчилик тадбиркорлар ўртасида қайта тақсимланмайдиган қўшимча соф даромадни вужудга келиши шарт-шароит ва сабабларининг очиб берилиши ҳисобланади. Бундай ҳолат вужудга келишининг сабабларидан бири самарали хўжалик юритиш учун яроқли бўлган ерларнинг чекланганлиги ва қайта тиклаб бўлмаслигида ўз ифодасини топади. Иккинчи сабаби – ерга ёки бошқа табиий ресурсларга мулкчилик объекти ёки хўжалик юритиш объекти сифатидаги монополиянинг мавжудлиги ҳисобланади. Учинчи сабаби эса, кўп мамлакатларда қишлоқ хўжалигидаги капитал узвий (органик) тузилиши, яъни доимий ва ўзгарувчи капитал ўртасидаги нисбатнинг пастлиги ҳисобланади.

**Ер участкаларининг унумдорлиги ва жойлашган жойидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча даромад (қиймат)нинг бир қисми рента шаклини олади ҳамда у дифференсиал рента деб аталади.**

Қишлоқ хўжалигида энг муҳим ишлаб чиқариш воситаси – ернинг миқдори ва сифатини табиатнинг ўзи чеклаб қўйган, уни инсон кўпайтиришга қодир эмас.

---

[122] Основы экономической теории. Политэкономия: Учебник /Под ред. д-ра экон. наук, проф. Д.Д.Москвина. Изд. 3-е, исправл. – М.: Едиториал УРСС, 2003, с.216-217.

Шунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини фақат яхши ва ўртача унумдор ер участкаларида ташкил этиш билан чекланиш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб кўп бўлганлиги учун ёмон, кам унумли ерларда ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурдир. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулот тўловга қодир талаб билан таъминланган бўлса, ернинг маҳсулдорлиги ёки жойлашуви жиҳатидан ёмон шароит қишлоқ хўжалик товарларига нарх шаклланишини тартибга солувчи ижтимоий нормал шароит ҳисобланади. Натижада ўртача ёки яхши ерларда хўжалик юритувчи ишлаб чиқарувчилар устама қўшимча маҳсулот ва бинобарин қўшимча фойда оладилар.

Демак, дифференсиал рента ҳосил бўлишининг табиий шарти миқдори чекланган ернинг сифати (унумдорлиги) даги фарқлардир, унинг ижтимоий-иқтисодий сабаби эса фойдаланиладиган ерларда иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашган тарзда мустақил хўжалик юритишдир.

Дифференсиал рента ўзининг келиб чиқиш шароитларга қараб дифференсиал рента И ва дифференсиал рента ИИ га бўлинади.

**Дифференсиал рента И ернинг табиий унумдорлиги билан боғлиқ бўлган, саноат марказларига, бозорларга ва алоқа йўлларига яқин жойлашган серунум ер участкаларида вужудга келади.** Дифференсиал рента И нинг ҳосил бўлишини шартли мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

**2.9.1-жадвал**

**Дифференсиал рента И нинг ҳосил бўлиши**

| Ер участ-каси | Ижти-моий ишлаб чиқариш харажат-лари (сўм) | Ўртача фойда (сўм) | Ижти-моий қиймат (сўм) | Ялпи маҳсу-лот (тонна) | аҳсу-лотнинг индиви-дуал қиймати (сўм | Ижти-моий қиймат – бозор нархи (сўм) | Ялпи сотил-ган маҳсу-лот (сўм) | Диф-ферен-сиал рента И (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | | | | | | | | - |
| Б | | | | | | | | |
| В | | | | | | | | |

Мисолимиздаги уч хил ер участкаларидан олинган маҳсулотнинг ижтимоий қиймати бир хил, яъни 10000 сўмни ташкил илади. Ялпи ҳосилдорлик А участкасида 20 тонна, Б ва В участкаларда 25 ва 30 тоннани ташкил қилади. Ҳар бир участкадан турлича ҳосил олинганлиги туфайли уларда этказилган маҳсулотларнинг индивидуал қиймати ҳам турлича бўлиб чиқади.

Яъни, А участкасида ҳар бир маҳсулот бирлигининг қиймати 500 сўм бўлса, Б участкасида 400 сўм, В участкасида эса 333 сўмни ташкил қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ёмон участкада этиштирилган маҳсулот нархида сотилади (мисолимизда 500 сўм). Натижада ёмон ер участкаси (А) ўзининг якка ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш ва фойда олиш имконига эга бўлади. Ўртача (Б) ва яхши (В) ер участкаларида эса ёмон ер участкаси (А)га нисбатан 2500 ва 5000 сўм миқдорда қўшимча даромад олинади.

Бу олинган қўшимча даромад ернинг табиий унумдорлиги билан боғлиқ бўлган дифференсиал рента И ни ташкил қилади.

**Дифференсиал рента ИИ хўжаликларни интенсив ривожлантириш, ернинг ҳосилдорлигини ошириш учун қўшимча харажатлар сарф қилиш билан, яъни қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғитларни қўллаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш ва электрлаштириш даражаси билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.**

Бу ҳолни биз 13.3-жадвалда шартли мисол билан ифода этишимиз мумкин.

**2-жадвал**

**Дифференсиал рента ИИ нинг ҳосил бўлиши**

| шлаб чиқариш даври | Ишлаб чиқариш харажат-лари (сўм) | Ялпи маҳсулот (тонна) | тонна маҳсу-лотнинг индиви-дуал қиймати (сўм) | 1 тонна маҳсу-лотнинг ижтимоий қиймати (сўм) | Сотилган маҳсулот суммаси, сўм | Қўшимча маҳсулот, яъни диф-ференсиал рента ИИ, сўм |
|---|---|---|---|---|---|---|
| иринчи йил | | | | | | - |
| Иккинчи йил | | | | | | |

Мисолимизда ерга қўшимча 5 минг сўм харажат сарф қилиш натижасида қўшимча 20 тонна маҳсулот олинса, у ҳолда биринчи йилга нисбатан қўшимча олинган 10 минг сўм даромад дифференсиал рента ИИ ни ташкил этади.

Бундай интенсив ривожланиш қишлоқ хўжалигида бош йўл ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантирмай туриб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ва жамият аъзоларининг ўсиб бораётган талабини қондириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш учун алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигини аграр саноатлашган асосга қўйиш, интенсивлаштиришни тезкорлик билан амалга ошириш чоралари ишлаб чиқилиши лозим. Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш узлуксиз ўсмоқда. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш учун ажратилган капитал маблағлар ҳам ортмоқда.

Агар ҳамма жойда бир хил харажат қилиниб, ҳосилдорлик бир хил оширилса эди, унда ҳеч қандай дифференсиал рента ИИ бўлмас эди. Гап шундаки, эр бирлигига сарфланган бу харажатлар турли ҳудудларда, вилоятларда, хўжаликларда турлича даражада амалга оширилади ва натижада ҳосилдорлик ҳам турлича ошади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ижтимоий қиймати билан якка тартибдаги қиймати ўртасидаги тафовут хўжаликларнинг устама қўшимча маҳсулотини ташкил қилади. Яъни, дифференсиал рентанинг ҳар иккала кўринишини (рента И ва ИИ ни) ўз ичига олади. Дифференсиал рента И ва ИИ маҳсулотнинг муайян ижтимоий қиймати билан ҳудуд бўйича ёки алоҳида олинган хўжаликнинг индивидуал қиймати ўртасидаги тафовутдан иборатдир. Шу ҳосил қилинган даромадлар давлат билан хўжалик ўртасида тақсимланади. Унинг давлатга тўланган қисми ер рентаси кўринишини олади (чунки бизда ер давлат мулкидир).

Дифференсиал рента И юқорида қараб чиқилганидек, хўжаликлар фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиий шароитда вужудга келади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳосил қилинган бу хилдаги рента ер давлат мулки бўлганлиги сабабли унинг манфаатлари йўлида сарф қилиш мақсадида марказлаштирилган давлат фондида (бюджетида) тўпланиши лозим. Бу ҳол ўрта ва яхши унумли ерда жойлашган хўжаликларнинг иқтисодий манфаатдорлигига путур етказмайди, балки бошқа хўжаликлар билан озми-кўпми иқтисодий шароитларни тенглаштириш имконини беради. Марказлаштирилган давлат фондига ўтган бу маблағлар (дифференсиал рента И)ни мамлакат олдида турган вазифаларни бажариш, хусусан янги ерларни ўзлаштириш ва ер унумдорлигини юксалтириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш учун йўналтирилиши мумкин бўлади.

Дифференсиал рента ИИ ердан интенсив фойдаланиш, яъни унинг иқтисодий унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бу хилдаги рентанинг асосий қисми хўжаликларнинг ўзларида қолдирилиши мантиқан тўғри бўлади. Унинг фақат бир қисми давлат фондига жалб қилиниши мумкин, чунки давлат маълум даражада бу рентани ҳосил қилишда ўз ҳиссасини қўшади, яъни транспорт йўллари қурилишига, ирригатсия-мелиоратсия ишларини амалга ошириш учун капитал маблағлар сарфлайди, техникалар, кадрлар, минерал ўғитлар етказиб беради. Шундай қилиб, дифференсиал рента И ва дифференсиал рента ИИ ер эгаси бўлган давлат билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тақсимланади.

**Абсолют рента.** Кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ерга хусусий мулкчилик монополияси шароитида ишлаб чиқаришни олиб боришга тўғри келади. Ҳозирги даврда ерга хусусий мулкчилик билан бир қаторда бошқа мулкчилик

шакллари ҳам мавжуд. Масалан, давлат мулки, вақф (мачит, черков) мулклари ва бошқалар.

**Ерга бўлган мулкчилик монополияси ижарага бериладиган барча ер участкаларининг сифатидан қатъиназар, ер эгаларига абсолют рента деб аталган рентани олишга имкон беради.** Абсолют ер рентасининг вужудга келиш механизми шундан иборатки, ер эгалари ерни ишловчи ижарачиларга фойдаланиш учун ижарага берадилар ва улардан ердан фойдаланганлик учун тўловлар оладилар. Мана шу тўлов абсолют ер рентаси деб ном олган. Агар ер ижарага берилганда шу ерда турли хил иншоотлар, бинолар қурилган бўлса, уларнинг ижара ҳақи алоҳида ҳисобланади.

Аграр муносабатларни тадқиқ қилар эканмиз, нима учун қишлоқ хўжалик ишчилари яратадиган қўшимча маҳсулот жамият миқёсида барча мулк эгалари ўртасида қайта тақсимланмайди, нима учун қишлоқ хўжалигида олинадиган даромад ўртача фойдадан юқори бўлади, бу ҳодисанинг сабаби нимада, деган саволлар туғилади.

Тарихан шундай бўлиб қолганки, кўпгина мамлакатларда, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигидаги капиталнинг узвий тузилиши саноатдагидан пастдир. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида яратилган товарларнинг бозор қиймати, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий қийматидаги қўшимча қиймат миқдори жамиятда шаклланган ўртача фойдадан ортиқ бўлади. Қишлоқ хўжалик товарларининг бозор нархи билан ижтимоий ишлаб чиқариш нархи ўртасидаги бу тафовут абсолют рента манбаи бўлиб хизмат қилади.

Рента назариясига кўра қишлоқ хўжалигида рентанинг яна бир тури – **монопол рента** ҳам мавжуд бўлади. Бошқа ерда учрамайдиган табиий шароит, баъзан ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (узумнинг алоҳида навларини, ситрус экинлари, чой ва ҳоказоларнинг алоҳида турларини) этиштириш учун имконият яратади. Бундай товарлар монопол нархлар билан сотилади. Бу нархларнинг юқори бўлиши кўпинча тўловга қодир талаб даражаси билан белгиланади. Натижада монопол нархлар шундай маҳсулотларнинг индивидуал қийматидан анча юқори бўлиши мумкин. Бу эса ер эгаларига монопол рента олиш имконини беради.

Фақат қишлоқ хўжалигида эмас, балки **ундирма саноатда** ҳам қўшимча даромад олинади. Маълумки фойдали қазилма конлари жойлашуви (ва демак, ишлаш учун қулайлиги) жиҳатидан ҳам, коннинг бойлиги жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Худди қишлоқ хўжалигидаги сингари, ўрта ва яхши конлардаги корхоналар қўшимча фойда оладилар, у ҳам дифференсиал рентага айланади.

**Ижара ҳақи.** Рента муносабатларини қараб чиқишда рентанинг ижара ҳақидан фарқига эътиборни қаратиш зарур. Агар ижарага бериладиган ерга олдин бино, иншоот ва шу кабилар қуриш билан боғлиқ равишда капитал қўйилмалар сарфланмаган бўлса, ижара ҳақи ва рента миқдоран бир-бирига тўғри келади. Акс ҳолда, ижара ҳақи ер рентасидан фарқ қилади. Ижара ҳақи қуйидагилардан иборат: ердан фойдаланганлик учун тўланадиган рента (Р), ерга илгари сарфланган капитал учун фоиз (р); ер участкасини ижарага бергунга қадар унга қурилган иншоотлар амортизатсияси (А). Буни формулада қуйидагича ёзиш мумкин:

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ер фақат ижара объекти эмас, балки олди-сотди объекти ҳамдир. Ер ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулоти этиштириш ва табиий қазилма бойликлар қазиб олиш учун, ҳар хил ишлаб чиқариш ва турар жой бинолари, иншоотлар, йўллар, аэропортлар ва ҳоказолар қуриш учун сотиб олинади. Бундай ҳолларда ернинг нархи нима билан белгиланади?

**Ер нархи.** Маълумки, ер инсон меҳнати маҳсули бўлмаганлиги сабабли алмашув қийматга эга эмас. Шунга кўра, назариётчилар ер ва бошқа табиат инъомлари нархини **ирратсионал нархлар** деб атайдилар. Ер участкасининг эгаси уни сотишда олинган суммани банкка қўйилганда, у келтирадиган фоиз тарзидаги даромад шу ер участкасидан олинадиган рентадан кам бўлмаган тақдирдагина ерни сотади. Бошқача айтганда, **ернинг нархи капиталлаштирилган рентадир.** Бошқа шароитлар тенг бўлганда, худди шу рента миқдори ер нархини белгилайди. У рента миқдорига тўғри ва ссуда фоизи нормасига тескари мутаносибдир. Шундай қилиб, ернинг нархи иккита миқдорга боғлиқ: 1) ер участкаси эгаси олиш мумкин бўлган ер рентаси миқдорига; 2) ссуда фоизи меъёрига.

Шундан келиб чиқиб ернинг нархи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

бунда: $Н_Е$ – ер нархи;
Р – рента;
р′ – ссуда фоизи меъёри.

ў□ = 5%. Бунда ернинг нархи ($Н_Е$) 300 минг долл.га тенг бўлади. Ер эгаси фақат шу нархдагина ерини сотиши мумкин, чунки муайян миқдордаги капиталдан олинадиган фоиз унга банкдан рентага тенг миқдорда йиллик даромад олиш имконини беради.

Рента миқдори ўсиб, ссуда фоизи меъёри пасайиб борган тақдирда ернинг нархи ўсиб боради.

Ер нархини аниқлашнинг бу усули назарий аҳамиятга эга. Амалда ер нархи, ер участкасига талаб ва таклифга таъсир кўрсатувчи кўплаб омилларга боғлиқ. Жумладан, ерга нархнинг ўсишини, унга ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга талабнинг ўсиши билан тушунтирилиши мумкин. Инфлясия ва асосан гиперинфлясия шароитида ерга талаб кескин ўсади, бу тегишли равишда ер нархининг ўсишига олиб келади. Бозор иқтисодиётига асосланган ғарб мамлакатларида XX аср бошларидан то ҳозирги даврgача ер нархи барқарор ўсиш тамойилига эга бўлиб, фақат айрим даврлардагина унинг пасайиши кузатилади.

1. **Қуйидаги кластерни тўлдиринг**




Қишлоқ инфратузилмаси бошқа инфратузилмалардан нимаси билан фарқланади? Нима сабабдан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда? Изоҳланг.

2. **Республика фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси[123] келтирилган. Жадвалнинг бўш қисмларини ҳисобланг.**

| Йиллар | Маҳсулот ҳажми, млрд.сўм | | | Ўсиш суръати, % | | Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши, % |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳақиқий баҳоларда | таққослама баҳоларда | | олдинги йилга нисбатан | 2005 йилга нисбатан | |
| | | 2005 йил бўйича | 2015 йил бўйича | | | |
| 2005 | 1453,5 | 1453,5 | 5320,4 | | | 24,3 |
| 2006 | 2367,5 | 2130,8 | 7799,7 | | | 31,4 |
| 2007 | 3111,0 | 2514,4 | 9203,6 | | | 34,7 |
| 2008 | 3686,0 | 2524,4 | 9240,5 | | | 32,6 |
| 2009 | 4822,6 | 2832,4 | 9514,2 | | | 35,4 |
| 2010 | 5962,8 | 2988,2 | 10367,8 | | | 35,0 |
| 2011 | 7505,1 | 3119,7 | 10938,0 | | | 34,1 |
| 2012 | 8377,2 | 3303,8 | 11419,3 | | | 34,4 |
| 2013 | 10474,4 | 3449,2 | 12093,0 | | | 34,0 |
| 2014 | 12142,0 | 3614,8 | 12625,1 | | | 32,9 |
| 2015 | 13801,1 | 3770,2 | 13801,3 | | | 32,6 |

3. **Юқоридаги асосий тушунчаларга қуйидаги жавоблардан тўғрисини танланг:**

[123] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

а) Ердан фойдаланганлик учун унинг эгасига тўланадиган ҳақ. У тарихан ишлаб бериш – барщчина, маҳсулот билан тўлаш – оброк ва пул билан тўлаш шаклида амал қилган.

б) Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хусусиятларига кўра таркиб топган иқтисодий муносабатлар.

д) Ерга қўшимча сарфланган сапитал ва унинг натижасидаги фарқ эвазига вужудга келадиган қўшимча даромад.

е) Ер участкаларининг табиий унумдорлиги ва истеъмолчиларга нисбатан жойланишидаги фарқ туфайли вужудга келадиган қўшимча даромад.

ф) Мутлақ чекланган ресурс – ердан фойдаланганлик учун унинг эгасига тўланадиган ҳақ.

г) Ер қаъридаги қазилма бойликларнинг сифати ва қазиб олишдаги харажатлардаги фарқ туфайли вужудга келадиган рента.

ҳ) Ўта ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинадиган рента.

и) Ўзининг қатор хусусиятларига кўра ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши қисқариб борувчи қишлоқ хўжалиги.

ж) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, даромадга ва нархга нисбатан талаб ва таклифнинг ноегилувчанлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариб туриши, ички талабнинг тебраниши, чет эл талабининг беқарорлиги сабабли нисбатан қисқа муддатга хос муаммолар.

к) Фан-техника тараққиёти натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпайиши, аҳоли харажатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига сарфлар мутлоқ миқдорининг нисбатан секин ўзгариши, аграр секторда банд бўлганларнинг даромади бошқа соҳаларга нисбатан пастлиги ва беқарорлиги, нарх паритетининг саноат фойдасига ўзгариши ва бошқалар сабабли келиб чиқадиган нисбатан узоқ муддатга хос муаммолар.

к) Мулк(ер) эгасига мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир муддатга бериб тургани учун эгасига тўланадиган ҳақ.

м) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархнинг ўзгаришини тармоқда ишлатиладиган саноат товарлари ва хизматлари нархнинг ўзгариши билан таққосланиши. Одатда у паритет индекси орқали ифодаланади.

## 3-Модул. Макроиқтисодиётнинг амал қилиши ва унинг қонуниятлари

### 3.1-Мавзу: Ялпи ички маҳсулот ва уни ҳисоблаш усуллари

**Режа:**

**Миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари**
**Миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари**
**3.1.3. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усуллари**
**3.1.4. Ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни ҳисоблаш**

Миллий иқтисодиёт, . макроиқтисодиёт, ялпи ички маҳсулот (ЙИМ), қўшилган қиймат, нарх индекси, соф миллий маҳсулот (СММ), Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ), амортизатсия фонди, ялпи инвеститсиялаш.

### 3.1.1. Миллий иқтисодиётнинг қарор топиши ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари

Барчамизга маълумки, ўтмишда Ўзбекистон иқтисодиёти собиқ иттифоқ иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланиб, уни мустақил миллий иқтисодиёт деб бўлмас эди. Бизга бир ёқлама ривожланган пахта яккаҳокимлигига, хомашё ишлаб чиқаришга ва бой минерал хомашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган, ёнилғи, ғалла ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарларининг таъминланиши бўйича марказга қарам бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга – марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган»[124] мамлакат эди.

Лекин, энг ёмони Ўзбекистон иқтисодиёти, асосан, хомашё тайёрлашга йўналтирилгани, бирёқлама ривожланиш ҳисобидан мўрт ва ночор ҳолга тушиб қолган бўлиб, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Бунинг оқибатида улкан табиий, минерал-хомашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожи бўйича охирги ўринлардан бирида турар эди[125].

1991 йил сентябридан буён ўтган қисқа давр мобайнида иқтисодий мустақилликни қўлга киритиб, мамлакатимиз ҳудудидаги барча табиий, минерал хомашё бойликлардан, бутун иқтисодий ресурслар ва қувватлардан ўз халқимиз ва
у н и н г к е л а ж а г и м а н ф

Янги энергетика, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқларининг вужудга келиши, кўплаб йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикалар қурилганлиги, ёнилғи ва ғалла мустақиллигига эришилганлиги иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, модернизатсиялаш, янгилаш, диверсификатсиялаш, изчил ўсиш суръатлари миллий мустақил иқтисодиётни мустаҳкамлаш сари ҳаракат натижаларидир.

---

[124] Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 6-бет.
[125] Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
[126] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 8-бет.

Мамлакатимизда мустақил амал қиладиган бозор иқтисодиётининг қатор инфратузилмалари: савдо, бозор, биржа, молия, банк, кредит, солиқ, суғурта, божхона тизимлари ва бошқа қатор функсионал иқтисодиёт тармоқлари барпо этилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда эркин, замонавий бозор муносабатларига асосланган янги, мустақил ривожланаётган, ўз халқи, миллати манфаатларига хизмат қиладиган миллий иқтисодиёт шакллантирилди.

**Milliy iqtisodiyot – funksional iqtisodiyotni, ko‘plab infratuzilmalarni o‘z ichiga olgan**

Миллий иқтисодиёт кўплаб ўзаро боғлиқ иқтисодий унсурлардан иборат бўлган мураккаб иқтисодий тизимни намоён этади. Мазкур унсурлар ўртасидаги амалда таркиб топган муносабатларнинг бутун мажмуи иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини тавсифлаб беради.

**Миллий иқтисодиёт – барча тармоқлар ва соҳаларни, микро- ва макрода-ражадаги иқтисодиётларни, функсионал иқтисодиётни, кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир.** Миллий хўжаликнинг таркиб топган тузилиши ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожининг натижаси ҳисобланади.

Макродаражада қаралганда миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши қуйидагилар ўртасидаги муносабат сифатида намоён бўлади:

- мавжуд ишлаб чиқариш ресурслари;
- ресурсларнинг ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида ажралиб чиққан иқтисодий субъектлар ўртасидаги тақсимот ҳажми;
- иқтисодий субъектларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари;
- миллий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида шаклланувчи таркибий қисмлари.

Makroiqtisodiyot – bu mamlakat miqyosida iqtisodiyotning o‘zaro aloqada va ta’sirda harakat qiladigan sohalari, tarmoqlari, hududiy tuzilmalarini bir butun qilib birlashtirgan milliy xo‘ialik tizimidir.

Миллий иқтисодиёт меъёрида фаолият қилиш ва барқарор ўсиши учун барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги ва мувозанатли ривожланиши талаб қилинади. Миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасининг шаклланишида қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: мавжуд бозор конъюнктураси, бозорлар сиғими ва монополлашув даражаси, мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлик даражаси, фан-техника тараққиётининг миқёслари, тавсифи ва ривожланиш суръатлари, ишлаб чиқариш ресурсларининг сифати, ҳудудларнинг ер майдонлари ва инфратузилма объектлари билан таъминланганлиги, экология ҳолати.



**3.1.1-расм. Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши**

Миллий иқтисодиётни барқарор ва самарали ривожлантириш ўта мураккаб жараён бўлиб, у узоқ муддатли, ҳар томонлама ўйлаб олиб борилувчи иқтисодий сиёсатга асосланади. Чунки, иқтисодий ривожланишда турли беқарорлик ҳолатлари, инқирозлар руй бериб туради. Жумладан, 2008 йилда АҚШда бошланган жаҳон-молиявий иқтисодий инқирози ҳам миллий иқтисодиётимизга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бундай таъсир қуйидаги ҳолатлар орқали намоён бўлмоқда:

биринчидан, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотлар (қимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, уран, нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқалар)нинг жаҳон бозоридаги нархларининг кескин тушиб кетиши натижасида экспортдан олинадиган даромад ҳажмининг пасайиб кетиши;

иккинчидан, умуман дунё бозоридаги талабнинг кескин тушиб кетиши оқибатида маҳсулот сотиш ҳажмининг қисқариши;

учинчидан, жаҳондаги инвеститсион фаолликнинг пасайиши натижасида узоқ муддатли инвеститсион лойиҳаларимизни амалга ошириш муддатларининг кечикиши ва ҳ.к.

Миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва мувозанатли ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ушбу ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг олдини олиш ва таъсир оқибатларини юмшатиш бўйича амалга оширилган тадбирлар эвазига иктисодиетимизнинг

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва уларнинг ўсиши бир қатор кўрсаткичлар тизими орқали, микро ва макроиқтисодий даражада аниқланиб, таҳлил қилинади. **Макроиқтисодиёт – бу мамлакат миқёсида иқтисодиётнинг ўзаро алоқада ва таъсирда ҳаракат қиладиган соҳалари, тармоқлари, ҳудудий тузилмаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий хўжалик тизимидир.** Макроиқтисодиёт ўз ичига иқтисодиётнинг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини, банк, молия, суғурта, солиқ, божхона тизимларини ўз ичига олади.

Макроиқтисодиёт миллий иқтисодиёт билан биргаликда жаҳон иқтисодиётини ҳам ўз ичига олади. Бу эрда кўпроқ миллий иқтисодиёт ҳақида сўз юритиб, жаҳон хўжалиги тўғрисида кейинги бобларда алоҳида тўхталиб ўтамиз. Миллий иқтисодиётнинг асосий функсионал аҳамияти мамлакат аҳолисининг доимий равишда ўсиб борувчи ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришда намоён бўлади. Миллий иқтисодиётнинг мазкур асосий муаммоси нақадар самарали ҳал этилаётгани макроиқтисодий таҳлил ёрдамида аниқланади. **Макроиқтисодий таҳлилнинг мақсади – такрор ишлаб чиқариш жараёнини объектив равишда акс эттирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш асосида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида вужудга келган ҳолатларни очиб беришдан иборат.** Бу мақсадга эришишнинг муҳим шартлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳолати ва ҳаракатини объектив акс эттирувчи статистик маълумотларнинг мавжудлиги;

2) мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилишда кенг миқёсда ва тарихий жиҳатдан ёндашув;

3) иқтисодий тизим салоҳиятини ҳаққоний равишда баҳоламасдан ҳамда иқтисодий қонунларнинг объектив амал қилишини билмасдан туриб мамлакат иқтисодиётига аралашув салбий ҳолатларни келтириб чиқаришини англаш;

---

[127] Қаралсин: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 14-15-б.

4) макроиқтисодий назария муайян мамлакатларнинг иқтисодиётини объектив равишда тадқиқ этиш асосида яратилишини ҳамда ундан бошқа мамлакатлар амалиётида ўта эҳтиёткорлик билан фойдаланиш мумкинлигини тушуниш;

5) ишлаб чиқаришни аҳоли даромадлари ва истеъмоли даражасини ўстиришга йўналтириш;

6) аҳоли даромадлари, сиёсий ва ижтимоий барқарорлик ўсишининг ягона манбаи бўлиб мамлакатдаги барча ишчи кучларини иш жойлари ҳамда улар даромадларининг ошиши билан таъминловчи миллий ишлаб чиқаришнинг барқарор ва самарали ўсиши эканлигини тушуниш.

Кўпгина микроиқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолиятига баҳо берилиб, улар фаолиятининг ривожланиш тамойиллари аниқланса, макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали бутун иқтисодиётнинг ҳолати, унинг ўсиши ёки пасайиши таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади. Улар ёрдамида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилайди. Бу тизимга кирувчи турли хил кўрсаткичлар, **биринчидан,** бизга маълум вақт оралиғидаги ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш ва миллий иқтисодиётнинг фаолият юритишига бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради. **Иккинчидан,** макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими, миллий маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари ҳаракатининг барча босқичларида, яъни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол босқичларида кўргазмали шаклда акс эттириш имконини беради. Ниҳоят, **учинчидан,** мазкур кўрсаткичлар тизими мавжуд ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш даражасини, иқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатлик ҳолатини акс эттиради.

Бутун миллий иқтисодиётнинг ҳолатини тавсифловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар – ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД), аҳоли даромадлари (АД), ишчи кучи бандлиги, ишсизлик, инфлясия ва бошқа шу кабилар ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча хўжаликлар иқтисодий фаолиятининг умумий ва пировард натижаларини қамраб олади.

## Миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари

Жамият аъзоларининг эҳтиёжлари мунтазам равишда таркибий жиҳатдан ўзгариб, янгиланиб, миқдоран кўпайиб ва сифат жиҳатидан такомиллашиб борар экан, бу эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари ҳам тўхтовсиз янгиланиб, ва такроран амалга ошиб туради. **Жамият миқёсидаги ишлаб чиқариш жараёнларининг мунтазам равишда янгиланиб ва такрорланиб туриши ижтимоий такрор ишлаб чиқариш дейилади.**

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш икки кўринишда амалга оширилиши мумкин: оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш.

**Оддий такрор ишлаб чиқариш деб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг ўзгармаган ҳолда такрорланишига айтилади.** Одатда бундай ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўпроқ ўз ички эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган натурал хўжалик ва оддий товар хўжалиги даври учун хос бўлган.

**Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш деб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқёсларининг мунтазам равишда ошиб борган ҳолдаги такрорланишига айтилади.** Бу турдаги такрор ишлаб чиқариш ҳозирги даврдаги барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хосдир.

**Ялпи Ички Маҳсулот** Иқтисодиётнинг амалдаги фаолиятининг асосий мезони унинг умумий маҳсулотлар ав хизмат турларини ишлаб чиқарилиши яъни уни бошқача қилиб, маҳсулотнинг умумий ҳажми дейилади. Маҳсулотнинг умумий

ҳажми **Ялпи ички маҳсулот (ЙИМ)** деб номланади: яъни йилнинг охирига келиб барча товар ва хизмат турларининг умумий бозор қийматига тўғри келади. ЙИМ ўз ичига мамалакат ичидаги ҳоҳ жориждан келтирилган ҳоҳ жисмоний шахслар хизматларидан фойдаланиш ишлаб чиқарилган барча турдаги товарлар ва хизмат турларинини қамраб олади. АҚШ ЙИМи Мичиган штатида жойлашган Америка бошқарувидаги Форд автомашиналарининг ва Огаё штатидаги Япония бошқарувидаги Ҳонда машиналарининг бозор қийматларини ўз ичига олади.[128]

Ялпи ички маҳсулот умумлаштирувчи иқтисодий кўрсаткич бўлиб, у фақат мазкур мамлакат ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланган ҳолда мамлакат ичида яратилган товар ва хизматлар жами қийматининг бозор нархларидаги ифодасини намоён этади. У барча ишлаб чиқарувчилар томонидан қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Ялпи ички маҳсулот худди ялпи миллий маҳсулот каби ҳисобланади, бироқ ЯИМ кўрсаткичига мазкур мамлакатнинг чет эллардаги ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб олиб борилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмлари киритилмайди, лекин шу мамлакат ичидаги хорижий мамлакат корхоналари маҳсулоти киритилади. Шунинг учун ЯММ билан ЯИМ миқдор жиҳатдан қисман фарқ қилади.




**3.1.2-расм. ЯММ ва ЯИМ ўртасидаги таркибий нисбатлар**

Демак, чизмадан кўринадики, мамлакат ЯММ 30 трлн. сўмни ($M_2$ ва $M_3$ шартли рақамлар йиғиндиси), ЯИМ эса 28 трлн. сўмни ($M_2$ ва $M_1$ шартли рақамлар йиғиндиси) ташкил этади.

ЯММ ва ЯИМ ўртасидаги фарқ у қадар аҳамиятли эмас. Бу фарқ ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ±1%ни ташкил этади. БМТ статистика хизмати асосий кўрсаткич сифатида ЯИМдан фойдаланишни тавсия этади. Яқин вақтларга қадар АҚШ ва Японияда ЯММ кўрсаткичи қўлланилар эди, эндиликда бу мамлакатлар ҳам ЯИМ кўрсаткичини қўллай бошладилар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳисобга олинмоқда. Шунинг учун биз бундан кейинги ўринларда ялпи ички маҳсулот тўғрисида сўз юритамиз.

[128] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 25.

Миллий ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажмини тўғри ҳисоблаб чиқиш учун мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва хизматлар бир марта ҳисобга олиниши зарур. ЯИМ ҳажмини топишда сотилган ва қайта сотилган маҳсулотларни кўп марта ҳисобга олишларни бартараф қилиш учун, иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган қўшилган қийматлар йиғиндиси олинади.

**Қўшилган қиймат – бу корхона ялпи маҳсулоти бозор нархидан (амортизатсия ажратмасидан ташқари) жорий моддий харажатлар чиқариб ташлангандан қолган қисмидир.**

ЯИМ йил давомида ишлаб чиқапилган бапча пиповапд товарлап ва хизматларнинг бозор нархидаги суммаси бўлганлиги учун товарнинг ўзи ёки унинг нафлилиги кўпаймаган ҳолда нархлар ошиши эвазига унинг ҳажми ошиб кетиши мумкин. Нарх ишлаб чиқапиш ймумий ҳажмининг ҳап хил элементлапини ягона ймумий асосга келтипишнинг энг кенг тапқалган кўпсаткичи сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ялпи ички маҳсулотга баҳо беришда номинал ва реал миллий маҳсулот ҳисобга олинади. **Жорий бозор нархларида ҳисобланган миллий маҳсулот номинал миллий маҳсулот, ўзгармас, қиёсий нархларда ҳисобланган миллий маҳсулот эса реал миллий маҳсулот деб юритилади.** Ҳар хил йиллапда ишлаб чиқарилган ЯИМ қийматини фақат нарх ўзгапмаган тақдипда ўзапо таққослаш мумкин бўлади. Бундан ташқапи нарх дапажаси бизга иқтисодиётда инфлясия (нарх даражасининг ўсиши) ёки дефлясия (нарх дапажасининг пасайиши) ўпин тутганлигини ва унинг миқёси қандайлигини билиш имконини бепади.

Нарх дапажаси индекс шаклида ифодаланади. **Нарх индекси жопий йилдаги маълум гуруҳ товарлап ва хизматлар тўплами нархлапи суммасини худди шундай товарлап ва хизматлар микдорининг базис даврдаги нархлапи суммасига таққослаш опқали ҳисобланади.** Таққослашнинг бошланғич даври «базис йил» дейилади. Агар бу айтилганлапни формула шаклига келтипсак, у қуйидаги кўринишни олади:

Амалиётда бир қатоп турли хил товар ва хизматлар тўплами ёки истеъмол саватининг нарх индексидан фойдаланилади. Фарб мамлакатлапи ва хусусан АҚШда бй индекслап ичида энг кенг қўлланиладигани истеъмол нархлапи индекси ҳисобланади. Унинг ёпдамида типик шаҳар аҳолиси сотиб оладиган, истеъмол товар ва хизматларининг 300 тупини ўз ичига олувчи бозоп саватининг қайд қилинган нархлапи ҳисобланади. Аммо нархнинг ймумий дапажасини ҳисоблаш учун ЯИМ нарх индексидан фойдаланилади. ЯИМ нарх индекси анча кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига нафақат истеъмол товарлапи, балки инвеститсион товарлап, давлат томонидан сотиб олинадиган ҳамда халқапо бозопда сотилган ва сотиб олинган товарлап ва хизматлар нархлапини ҳам олади. ЯИМ нарх индекси номинал ЯИМни реал ЯИМга айлантириб ҳисоблаш имкониятини беради. Номинал ЯИМ шу маҳсулот ишлаб чиқапилган даврда амал қилиб турган нархларда ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради.

Жорий йилдаги номинал ЯИМни реал ЯИМга айлантипишнинг анча оддий ва тўғпидан-тўғри усули номинал ЯИМни нарх индекси (НИ)га бўлишдир, яъни:

Иқтисодиётда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг кўрсаткичи ЯИМ билан бирга, унинг таркибий қисмлари сифатида ҳисобланиш мумкин бўлган бир қатор ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар мавжуд бўладики, улар миллий иқтисодиётнинг турли томонларини тавсифлаб беради.

ЯММ ва ЯИМ ишлаб чиқариш ялпи ҳажмининг кўрсаткичи сифатида битта муҳим камчиликка эга. Улар мазкур йилда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган асосий капиталнинг ўрнини қоплаш учун зарур бўлган қийматни ҳам ўз ичига олади.

**Мамлакат иқтисодиётининг қанчалик ривожланганлиги ва самарали эканлигини аниқ билиш учун айнан шу йилда жонли меҳнатнинг унумли ҳаракати натижасида вужудга келтирилган соф миллий маҳсулот (СММ) кўрсаткичидан фойдаланилади.**

**ЯИМдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизатсия суммаси айириб ташланса соф миллий маҳсулот (СММ) кўрсаткичи ҳосил бўлади:**

СММ қийматига давлат томонидан ўрнатиладиган эгри солиқлар суммаси киради. Эгри солиқлар корхона томонидан ўрнатиладиган нархга қўшимча ҳисобланади. Бундай солиқлар оғирлиги истеъмолчи зиммасига тушиб, натижада улар даромадининг бир қисмини йўқотади. Ҳозирги даврда қўлланилаётган миллий ҳисоблар тизимида **СММдан эгри солиқлар чиқариб ташланиб, миллий даромад (МД) кўрсаткичи аниқланади:**

Шундай қилиб, ҳозирги ҳисоблар тизимида СММ микдори билан МД миқдори бир-биридан фарқ қилиб қолган. Аслида мамлакат миқёсида уларнинг миқдори фарқ қилмаслиги лозим. Чунки миллий даромад соф миллий маҳсулотнинг сотилгандан кейинги пулдаги кўринишидир. Шунинг учун баъзи адабиётларда миллий даромадни соф маҳсулотнинг ўзгарган шакли деб ҳам юритилади. Бу ҳолат миллий ҳисоблар тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Амалиётда ишлаб чиқарилган ва фойдаланилган миллий даромад фарқланади. **Ишлаб чиқарилган миллий даромад – бу янгидан яратилган маҳсулотнинг бутун ҳажми.**

**Фойдаланилган миллий даромад – бу ишлаб чиқарилган миллий даромаддан ҳар хил йўқотишлар (табиий офатлар, маҳсулотларни захирада сақлашдаги йўқотишлар ва ҳ.к.) ва ташқи савдо қолдиғи чиқариб ташланган миқдорга тенг.** Миллий дапомадни бапча тупдаги дапомадлапни (амортизатсия ажпатмаси ва бизнесга эгпи солиқлапдан ташқапи) қўшиб чиқиш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Миллий дапомаднинг бип қисми, жумладан ижтимоий суғуртага ажпатмалап, копхона фойдасидан тўланувчи солиқлап ва копхонанинг тақсимланмайдиган фойдаси амалда йй хўжаликлапи ихтиёрига келиб тушмайди. Иккинчи томондан эса, йй хўжаликлапи оладиган дапомаднинг бип қисми, масалан, ижтимоий тўловлап – улап меҳнатининг натижаси ҳисобланмайди.

Шахсий дапомад кўпсаткичини топиш учун миллий дапомаддан йй хўжаликлапи қўлига келиб тушмайдиган дапомадлапнинг юқоридаги учта тупини чиқапиб ташлашимиз ҳамда жопий меҳнат фаолиятининг натижаси ҳисобланмаган дапомадлапни унга қўшишимиз зарур:

$$\textit{Миллий даромад} - \textit{Ижтимоий сугурта ажратмаси} - \textit{Корхона фойдасига соликлар} - \textit{Корхонанинг таксимланмайдиган фойдаси} + \textit{Ижтимоий туловлар} = \textit{Шахсий даромад}$$

**Шахсий дапомаддан солиқлап тўлангандан кейин йй хўжаликлапининг тўлиқ тасаппуфида қоладиган дапомад шаклланади.**

Солиқлап тўлангандан кейинги дапомад шахсий дапомаддан шу дапомад ҳисобидан тўланадиган солиқлап миқдопини чиқапиб ташлаш йўли билан ҳисобланади. Солиқлап тўлангандан кейинги дапомад уй хўжаликлапи энг охипида эга бўладиган дапомад ҳисобланиб, алоҳида шахс ва оилалап ўз тасаппуфида бй дапомадлапнинг бип қисмини истеъмол учун сапфлайдилар ва бошқа қисмини жамғапмага йўналтипадилар.

Миллий маҳсулот ҳажмининг аниқ баҳоланишига хуфёна иқтисодиёт таъсир кўрсатади. **Хуфёна иқтисодиёт – бу товар-моддий бойликлар ва хизматларнинг жамият томонидан назорат қилинмайдиган ҳаракати, яъни давлат бошқарув органларидан яширин ҳолда алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида амалга оширилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир.** Бу муносабатлар ўз ичига иқтисодий фаолиятнинг барча ҳисобга олинмаган, тартибга солинмаган турларини олади. Хуфёна иқтисодиёт таркибига қўйидагилар киради:

**жиноятга алоқадор иқтисодиёт** – расмий иқтисодиёт таркибига иқтисодий жиноятнинг киритилиши (бойликларнинг талон-тарож қилиниши; назоратнинг ҳар қандай шаклидан яширинган ҳолдаги хуфёна иқтисодий фаолият – наркобизнес, қимор ўйинлари, фоҳишабозлик; даромадларни ноиқтисодий қайта тақсимлаш шакли сифатидаги фуқароларнинг шахсий мулкига қарши умумжиноий ҳаракатлар – босқинчилик, шахсий мулкни зўрлик билан тортиб олиш, ўғирлаш, рекет);

**сохта иқтисодиёт** – ҳисобга олиш ва ҳисоботларнинг амалдаги тизимига сохта натижаларни ҳақиқий натижа сифатида киритувчи расмий иқтисодиёт (қўшиб ёзишлар);

**норасмий иқтисодиёт** – товар ва хизматларнинг айрибошлаш ва тақсимлаш бўйича иқтисодий субъектлар ўртасидаги норасмий ўзаро алоқалар тизими бўлиб, у мазкур субъектлар ўртасидаги шахсий муносабатлар ва бевосита алоқаларга асосланади;

**яширин иккаламчи иқтисодиёт** – якка тартибдаги ва кооператив фаолиятнинг назоратдан яширинган, яъни қонун томонидан тақиқланган ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган тури.

### 3.1.3. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усуллари

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни ҳисоблашда миллий ҳисоблар тизимидан фойдаланилади. **Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) – бу барча асосий иқтисодий жараёнларни, такрор ишлаб чиқариш шароитлари, жараёнлари ва натижаларини тавсифловчи ўзаро боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичлар, таснифлар ва гуруҳлар тизими.**

МҲТ БМТ томонидан эълон қилинган «Миллий ҳисоблар ва ёрдамчи жадваллар тизими» номли ҳужжат асосида халқаро статистикада стандарт тизим сифатида 1953 йилдан бошлаб қўлланила бошлади. Шу даврдан (1953 йилдан) буён то бугунги кунгача МҲТ тўрт марта ўзгартирилиб, такомиллаштирилди. Лекин у ҳали ҳам такомиллаштиришга муҳтож. Ҳозирги даврда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда мазкур тизимнинг такомиллаштирилган шакли қўлланилмоқда.

Миллий ҳисоблар тизими асосини йиғма баланслар ташкил қилади. Бунга даромад ва харажатлар баланси мисол бўлиши мумкин. Даромадлар хўжалик бирликлари ва аҳоли умумий даромадлари (иш ҳақи, фойда, даромадларнинг бошқа турлари, амортизатсия) суммасини акс эттиради. Харажатлар тўртта гуруҳдан иборат бўлади: истеъмол, инвеститсиялар, давлат хариди, соф экспорт. Миллий ҳисоблар макроиқтисодиётнинг меъёрдаги – мувозанатли ҳолатга эришиш даражасини

аниқлашга ёрдам беради. Ушбу миллий ҳисоблар тизими асосида ЯИМ уч хил усул билан ҳисобланиши мумкин:

**Биринчи усул – бу ЯИМни ҳисоблашга қўшилган қийматлар бўйича ёндашув.** Бунда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича яратилган қўшилган қийматлар йиғиндиси ҳисоблаб чиқилади. Қўшилган қийматни аниқлаш жами ижтимоий маҳсулотдан оралиқ маҳсулотлар ва хомашё, ёқилғи, материаллар қийматини чегириш орқали амалга оширилади. Биз ЯИМни ҳисоблашнинг мазкур усулига тегишли баъзи тушунчалар (масалан, такрорий ҳисоб, оралиқ маҳсулот) ва шартли мисолларни дарсликнинг 2-бобида кўриб чиққан эдик. Бу усул билан ҳисобланган ЯИМ алоҳида тармоқларнинг шу маҳсулотни яратишдаги ўрнини ва ҳиссасини аниқлаш имконини беради.

**Иккинчи усул – бу ЯИМни ҳисоблашга сарф-харажатлар бўйича ёндашув.**

Бунда мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот (хизмат)лар ҳажмини сотиб олишга қилинган ҳамма сарфлар қўшиб чиқилади. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулотларни мамлакат ичида хўжаликнинг учта субъекти – уй хўжаликлари, давлат, тадбиркорлар ҳамда ташқаридан чет эллик истеъмолчилар сотиб олиши мумкин.

**Уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари - бу кундалик эҳтиёждаги товарларга, хизматларга, узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмларига ва бошқаларга қилинадиган сарфлардир.**

**Инвеститсион сарфлар – тадбиркорлик секторининг асосий ва айланма капитал товарларини (инвеститсион товарлар) сотиб олишга қиладиган сарфларидир.** Инвеститсион сарфлар асосан учта қисмдан ибопат: а) тадбипкоплап томонидан машина, йскуна ва станоклапнинг бапча хапиди; б) бапча қупилишлап; в) захиралапнинг ўзгапиши. Бипинчи гупуҳ элементлапнинг «инвеститсион сарфлар» тапкибига кипитилиш сабаби аниқ: қупилишларнинг бундай сарфлар таркибига кипитилиши, ўз-ўзидан аниққи, янги фабрика, омбоп ёки элеватоп қупилиши инвеститсиялар шакли ҳисобланади. ЯИМ тапкибига товар захираларнинг кўпайиши, яъни ишлаб чиқапилган, лекин мазкуп йилда сотилмаган бапча маҳсулотлап кипитилади. Бошқача айтганда ЯИМ ўз ичига йил давомидаги захиралап ва эҳтиётлап бапча ўсишининг бозоп қийматини олади. Захиралапнинг бй ўсиши ЯИМга жопий ишлаб чиқапиш ҳажми кўпсаткичи сифатида қўшилади.

Захиралап камайганда, бу камайиш ЯИМ ҳажмидан чиқапилиши запуп. Захиралапнинг камайиши йил давомида миллий иқтисодиётда ишлаб чиқапилгандан кўппоқ маҳсулот сотилганлигини билдипади. Бошқача айтганда жамият мазкур йилда ишлаб чиқапилган бапча маҳсулотни ва бунга қўшимча олдинги йиллапдан қолган захиралапнинг бип қисмини истеъмол қилган бўлади.

Миллий ҳисоблар тизимида ЯИМни ҳисоблашда ялпи, хусусий ва ички инвеститсиялап тушунчасидан фойдаланилади. **Хусусий ва ички инвеститсиялаш** мос равишда хусусий ва миллий компаниялап амалга ошипадиган инвеститсион сарфларни билдиради. **Ялпи инвеститсиялаш** ўз ичига жопий йилда ишлаб чиқапиш жапаёнида истеъмол қилинган машина, ускуна ва қупилмалапнинг ўпнини қоплаш учун мўлжалланган бапча инвеститсион товарлап ишлаб чиқапишни, ҳамда

иқтисодиётда капитал қўйилмалар ҳажмига ҳап қандай соф қўшимчалапни олади. Ялпи инвеститсиялап моҳиятига кўпа истеъмол қилинган асосий капитални қоплаш суммаси ва инвеститсиялапнинг ўсган қисмидан иборат бўлади. Бошқа томондан **соф хусусий ички инвеститсиялаш** тушунчаси жопий йил давомида қўшилган инвеститсион товарлап суммасини тавсифлаш учун ишлатилади.

**Давлат сарфлари – бу маҳсулотлап ва иқтисодий песупслапни, хусусан ишчи кучини сотиб олишга давлатнинг (бошқапувнинг қуйи ва маҳаллий опганлапи билан бипга) қилган бапча сарфларини ўз ичига олади.**

**Чет элликларнинг миллий иқтисодиёт товарларига сарфлари** худди мамлакат ичидаги истеъмолчилик сарфлари каби миллий ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ. Шу сабабли ЯИМни сарфлар бўйича ҳисоблашда товар ва хизматларга чет элликларнинг сарфлари, яъни экспорт қиймати ҳам қўшилади. Бошқа томондан, истеъмол ва инвеститсион сарфлар ҳамда давлат маблағларининг бир қисми импорт қилинган, яъни чет элда ишлаб чиқарилган товарларга сарфланади. Миллий ишлаб чиқариш умумий ҳажми асоссиз ошиб кетмаслиги учун импорт ҳажми ЯИМ таркибидан чиқарилади. **Экспорт ва импорт миқдорлари ўртасидаги фарқ товар ва хизматларнинг соф экспорти ёки оддий қилиб соф экспорт дейилади.** Соф экспорт ижобий ва салбий бўлиши мумкин. **Агар экспорт импортдан ортиқ бўлса ижобий, импорт экспортдан ортиқ бўлса салбий бўлади.**

Қараб чиқилган сарфларнинг тўрт тоифасига нотижорат муассасалар (касаба уюшмалар, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва ижтимоий ташкилотлар) сарфлари ва моддий айланма воситалари захирасидаги ўзгаришларни қўшиб чиқиш йўли билан ЯИМ ҳажми аниқланади.

**Учинчи усул – бу ЯИМни ҳисоблашга даромадлар бўйича ёндашув.**

Мазкур йилда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ҳажмидан олинган барча даромадлар уй хўжаликлари ихтиёрига иш ҳақи, рента тўловлари, фоиз ва фойда шаклида келиб тушади. Шу сабабли бу усулда ЯИМ пировард маҳсулот ҳисобидан олинган ана шу барча даромадларни қўшиб чиқиш орқали аниқланади.

ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблашда уй хўжаликлари, корхона ва давлат муассасаларининг дастлабки, яъни тақсимланган даромадларини меҳнат ҳақи ва ялпи фойдага (рента, ссуда фоизи ва тадбиркорлик фойдаси ва ҳ.к.) ажратиш мумкин. ЯИМни мазкур усул бўйича ҳисоблашда даромадларнинг барча суммасига истеъмол қилинган асосий капитал қиймати (амортизатсия ажратмаси) ва бизнесга эгри соликлар суммаси ҳам қўшилади.

ЯИМни ҳисоблашда унинг таркибига кирган даромадларнинг алоҳида турларини батафсил қараб чиқамиз. Амортизатсия ажпатмаси шу йил ишлаб чиқапилган маҳсулот (ЯИМ) қиймати тапкибига ишлаб чиқапиш хапажатлапи сифатида кипиб, маҳсулот сотилиши натижасида пул шаклидаги даромад сифатида қайтиб келади ва **амортизатсия фонди** ҳисобида тўпланиб бопади.

Егри соликлар копхоналар учун ишлаб чиқапиш хапажатлапи ҳисобланади ва шу сабабли маҳсулот нархига қўшилади. Бундай солиқлап аксиз тўловлапи, сотишдан олинадиган солиқлап, мулк солиғи, литсензия ва божхона тўловлапини ўз ичига олиб, давлат бюджетида даромад сифатида намоён бўлади.

**3.1.1-жадвал**

**ЯИМни ҳисоблашга сарфлар ва даромадлар бўйича ёндашув**

| **Миллий маҳсулот ҳажмини сарфлар суммаси бўйича ҳисоблаш** | **Миллий маҳсулот ҳажмини даромадлар суммаси бўйича ҳисоблаш** |
|---|---|

| | |
|---|---|
| 1. Уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари<br>+ | 1. Даромад билан боғлиқ бўлмаган сарф ва тўловлар<br>а) амортизатсия, б) эгри солиқлар |
| 2. Тадбиркорларнинг инвеститсион сарфлари | 2. Иш ҳақи |
| 3. Товар ва хизматларнинг давлат хариди | 3. Рента тўловлари |
| 4. Чет элликлар сарфи | 4. Фоиз |
| 5. Нотижорат муассасалари сарфи | 5. Фойда |
| 6. Моддий айланма воситалар заҳирасидаги ўзгаришлар | |
| ЯИМ | ЯИМ |

Даромадлапнинг энг муҳим тўри бўлган иш ҳақи тадбиркорлар ва давлат томонидан ишчи кучини тақдим қилганлапга тўланади. У иш ҳақига кўплаб қўшимчалап, ижтимоий суғурта тўловлапи ва нафақа таъминотининг ҳап хил хусусий фондлапи, ишсизлик нафақалари ва бошқа турли мукофот ҳамда имтиёзларларни ўз ичига олади. Иш ҳақи ва унга қўшимчалап ҳам ишчи кучини таклиф қилувчилар учун даромаднинг бип қисми сифатида намоён бўлади ва шу сабабли аҳоли даромадларининг муҳим таркибий қисми сифатида қапалади.

Рента тўловлапи иқтисодиётни песупслап (капитал, ер) билан таъминловчи йй хўжаликлапининг оладиган дапомади ҳисобланиб, корхона хапажатлари тапкибига кипади (ер давлат мулки бўлса рента давлат ихтиёрига, бюджетга бориб тушади ва бюджет даромади ҳисобланади).

Фоиз пул капитали эгалапига пул дапомади тўловлапидан ибопат. Бунда давлат томонидан амалга ошипиладиган фоизли тўловлап фоизли дапомадлап таркибидан чиқапилади.

Мулкдан олинадиган дапомадлап икки тупга бўлинади: бип қисми мулкий дапомад ва бошқа қисми эса коппопасиялап фойдаси дейилади.

### 3.1.4. Ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни ҳисоблаш

“Ихтиёрдаги даромаднинг пасайиши.” “Шахсий истеъмолнинг ошиб кетиши.” “Инвесититсия сарфи нинг тўхтаб қолиши.” “ЙИМнинг 4 фоизга кўтарилиши.” Асосан Тҳе Wалл Стреет Жоурнал журналида учратиш мумкин бўлган бундай сарлавҳалар иқтисдиётнинг билимдон китобхонларга ҳозирги ҳолати ҳақида маълумот беради. Бу бўлимдан шундай сарлавҳалардан нимани билиб олиш ва улар остида нималар шарҳ этилиши мумкинлигини тушуниб оласиз. Айниқса, бу бўлимда сиз миллий даромадни ҳисоблашни усуллари ва унга тегишли бўлган сўз ба иборалар билан танишасиз. Шунингдек, бу бўлимда сиз ушратишингиз мумкин

бўлган терминлар батушунчалар кейинги бўлимларда бериладиган макроиқтисодий таҳлил учун муҳим асос вазифасини ўтайди.[129]

## Иқтисодиётнинг амалда қўлланилишини баҳолаш

Миллий даромадни ҳисоблаш мезони иқтисоиётнинг умумий амалда қўлланилишини кўрсатиб беради. Бу якка тартибдаги жисмоний шахслар ёки якка тартибдаги фи рмаларда қандай кўринишда бўлса, иқтисодиётда ҳам худди шундай кўринишда бўлади. Ишлаб чиқарувчи фи рма ўз даромадлари ва харажатлари оқимини одатда ҳар 3 ойда ёки 1 йилда ҳисоблаб туради. Ҳисоблаб чиқилган маълумотлар билан, ўзининг иқтисодий имкониятларини чамалай олади. Агар фирманинг ишлари жойида ва олинаётган фойдалар кўнгилдагидек бўлса, ҳисоблаб чиқишдан ҳосил бўлган маълумотлар ўша муваффақиятнинг сабабларини тушунтиришда қўл келади. Харажатлар паст бўлдими? Маҳсулот кўпроқ ишлаб чиқарилдими? Бозор нархи кўтарилдими ёки пасайдими? Агар фи рма фаолияти ёмон бўлса ёки кўрилаётган фойда миқдори паст бўлса, ҳисоблашдаги маълумотларга қараб фи рма ўзига тегишли хулоса чиқариб олади. Барча ҳисоблаб чиқилган маълумотлар фирманинг кежакдаги истиқболини белгилашга ёрдам беради. Миллий даромадни ҳисоблаш иқтисодиётни амалда қўлланинилишига ўхшаб кетади. Иқтисодий Таҳлиллар Бюроси (ИТБ) АҚШ иқтисодиёти учун Маҳсулот ва Миллий Даромад Ҳисоб-китобларини (ММДҲ) тузиб чиқади. Бу ҳисоб-китоблар иқтисодчилар ва сиёсатчиларга қуйидагича ҳолатларда ёрдам беради:

- Маълум вақт мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини таққослаш орқали иқтисодиётнинг ҳолатини баҳолаш.
- Иқтисодиёт борасида узоқ вақт мобайнида олиб борилган кузатувларга қараб, уни ўсиш, пасайиш ёки турғун бўлиб туриш ҳолатларини баҳолаш.
- Иқтисодиёт ҳолатинитакомиллаштирадиган ва ҳимоя қиладиган тизимини кўрсатиб беради.

**Пуллик Кўрсаткичлар** Агар иқтисодиёт бир йил ичида 3 та диван ва 2 та компютер ишлаб чиқарса, иккинчи йили 2 та диван ва 3 та компютер ишлаб чиқарадиган бўлса, қайси йили у кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқарган ҳисобланади? Биз шу икки маҳсулотнинг ҳар бирига жамият уларнинг нисбий қадрини қандай беллгилашини кўрсатадиган нарх кўрсаткичлар қўйиб чиқмагинимизча, бу саволга жавоб бера олмаймиз. Худди шу нарса бизга ЙИМни қандай ишлашини кўрсатиб беради. Бу пуллик ўлчашдир. Бундай ўлчовларсиз турли йиллар ичида ишлаб чиқарилган кўп миқдордаги маҳсулот ва хизмат турларини реал қийматларини қиёслай олмаган бўлар эдик. 6.1 жадвалда диваннинг нархи $600 ва

| Year | Annual Output | Market Value |
|---|---|---|
| 1 | 3 sofas and 2 computers | 3 at $500 + 2 at $2000 = $5500 |
| 2 | 2 sofas and 3 computers | 2 at $500 + 3 at $2000 = $7000 |

компютернинг нархи $2000 эканини кўриш мумкин. ЙИМ иккинчи йилги

[129] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 26

маҳсулотни ($7000) биринчи йилги маҳсулотдан ($5500)[130] кўп бўлганини кўрсатади, чунки жамият иккинчи йилги маҳсулотга баландроқ пуллик қиймат белгилаган. Жамият биринчи йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жамланмасидан кўра иккинчи йилги ишлаб чиқарилган маҳссулотларга $1500 кўпроқ пул маблағларини сарфл ашга хоҳиш билдирмоқда.

## Кўплаб Ҳисоб–Китобларнинг Олдини Олиш

Умумий маҳсулот миқдорини тўғри ҳисоблаш учун, муайян йилда ишлаб чиқарилган товар ва хизмат турларини бир маротаба ҳисоблаб чиқиш талаб этилади. Сабаби кўп маҳсулотлар бозор расталарига етиб боришдан олдин кўп жараёнлардан ўтишига тўғри келгани боис, уларнинг баъззи қисмлари кўп маротаба сотиб юборилади ёки сотиб олинади. Ўша қисмларни аҳр гал ҳисоблашни олдини олиш мақсадида, ЙИМ пировард товарларни бозор қийматини кўриб чиқади ва оралиқ
товарларни тамомила чиқариб ташлайди. Оралиқ товарлар шундай товарлар ҳисобланадики, улар қайта сотиш ёки қайта ишлаб чиқариш учун сотиб олинади. Пировард маҳсулотлар ва хизмат турлари эса истеъмолчилар томонидан қайта ишлаб учун ёки қайта сотиб юбориш учун эмас, балки фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулотларга айтилади. Нима учунпировард маҳсулотларнинг қиймати ЙИМга киритилади, аммо пировард бўлмаган амҳсулотларнинг қиймати киритилмайди? Сабаби пировард маҳсулотларнинг қиймати уларни ишлаб чиқаришда ишлатилган пировард бўлмаган маҳсулотларнинг қийматиниташкил этади. Пировард бўлмаган маҳсулотларнинг қийматини ҳисобга олиш **кўп маротаба ҳисоблашга** олиб келган бўлар эди ва бу нарса ЙИМнинг қийматига путур етказган бўлар эди. Буни қандай ишлашини кўриш учун, тасаввур қилинг, жунли газламадан костюм тайёрлаш ва уни истеъмолчига етказиб бериш учун 5 та босқичдан ўтиш керак бўлади. 6.2 жадвалдан кўриниб турибдики, фи рма А қўйлар боқиладиган ранчо бўлиб $120 лик жунни фи рма Б га яъни жунни қайта ишлайдиган фи рмага беради. Фирма А $120 ни иш ҳақи, ижара ва шу кабиларга бериб юборади. Фирма Б жунга қайта ишлов беради ва уни фи рма С га яъни костюм ишлаб чиқарувчи фи рмага $180 га сотади. $180 олган фи рма Б бу пулга нима қилади? У $120 ни фи рма А га беради ва қолган $60 ни иш ҳақи, ижара ва жунга қайта ишлов бериш жараёнида ишлатиладиган ресурсларга сарфл айди. Ишлаб чиқарувчи фи рма С костюмни улгуржи савдо қилувчи фи рма Д га сотади, фирма Д ҳам ўз навбатида, чакана свдо қилувчи фи рма э га сотади. Кейин бўлса, охир-оқибат сўнгги фойдаланувчи истеъмолчини қўлига келиб тушади. У товарни $350 ка сотиб олади. Костюмни ишлаб чиқаришни белгилаб берувчи ЙИМ да шу миқдорларнинг қай бирини киритишимиз керак бўлади? Пировард маҳсулотнинг қиймати бўлган $350 ни, албатта. $350 ўз ичига товарни тайёр бўлишигача восита бўлган ҳамма ўртадаги жараёнларни ташкил этади. Ўртада бўлиб ўтган бутун савдони қиймати, $1140 бўлиб, ЙИМда кўп марта ҳисоблашга олиб келади. Пировард маҳсулот ҳисобланган костюмнинг ишлаб чиқариш ва сотиш $1140 эмас, балки $350 га тушади. Муқобил тарзда, ҳар бир босқичда ортиб борган қиймат йиғиб, ҳисоблаб бориш орқали кўп маротаба ҳисоблашни олдини олиш мумкин. Ортиб броган қиймат фирма маҳсулотининг бозор қиймати бўлиб, фирманинг бошқалардан сотиб олгандаги

[130] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 27

| (1) Stage of Production | (2) Sales Value of Materials or Product | | (3) Value Added |
|---|---|---|---|
| | $ 0 | | |
| Firm A, sheep ranch | 120 | ]——— | $120 (= $120 − $ 0) |
| Firm B, wool processor | 180 | ]——— | 60 (= 180 − 120) |
| Firm C, suit manufacturer | 220 | ]——— | 40 (= 220 − 180) |
| Firm D, clothing wholesaler | 270 | ]——— | 50 (= 270 − 220) |
| Firm E, retail clothier | 350 | ]——— | 80 (= 350 − 270) |
| Total sales values | $1140 | | |
| Value added (total income) | | | $350 |

харажатларидан камроқ бўлади. Ҳар бир босқичда, фи рманинг маҳсулот учун тўлагани билан маҳсулотни сотишдан олгани орасидаги фарқ иш-ҳақи, ижара, ва фойда кабиларга сарфл анади. Жадвал 6.2 даги Устун 3 фи рма Б томонидан қўшилган қийматни $60, унинг маҳсулотининг $180 лик қиймати билан фи рма А дан сотиб олганда сарфл анган $120 орасидаги фарқни кўрсатади. Биз костюмнинг умумий қийматини бешта фи рма томонидан қўшилган барча қийматларни умулашганини кўришимиз мумкин. Худди шу тартибда, иқтисодиётдаги барча фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган хизматлар ва товарлар қўшиладиган бошқа қийматларни умумийлаштириб ва ҳисоблаб, биз иқтисодиётнинг умумий маҳсулотинибозор қийматида ЙИМини топиб оламиз.[131]

ЙИМ Ноишлаб Чиқариш Битимларини Ҳисобга Олмайди Гарчи иқтисодиётдаги кўпгина пул операциялари пировард хизмат ва товарларни ташкил этсада, бошқалариундай эмас. Бундай ноишлаб чиқариш битимлари ЙИМдан чиқариб ташланиши керак, чунки уларнинг умумий пировард маҳсулотнинг юзага келишида ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ. Ноишлаб чиқариш битимлари икки турли бўлади: соф молиявий операциялар ва иккиламчи товарлар савдоси. (Секонд ҳенд савдоси)

Молиявий операциялар. Соф молиявий операциялар қуйидагиларни ташкил этади:

• Давлат трансфер тўловлари. Булар ижтомоий суғурта тўловлари, фаровонлик учун тўловлар ва ҳукумат бевосита уйхўжаликларига йўналтирадиган уруш қатнашчилари учун тўланадиган тўловлар. Гарчи бундай тўловларни қабул қилганлар ҳозирги маҳсулотга қайтариб ҳеч қандай ҳисса қўшмасада, бундай тўловларни ЙИМга киритиш йиллик ишлаб чиқаришни орттириб юборган бўларди.

• Хусусий трансфер тўловлари. Бундай тўловларга ота-оналарни болаларига берган пуллари ёки совғалар тариқасида берилган пул маблағлари киради. Улар ҳеч қандай фойда келтирмайди. Бу шунчаки маблағларни бир жисмоний шахсдан бошқасига ўтишини кўрсатади ва охир-оқибат ЙИМга киритилмайди.

• Фонд биржаси операциялари Аксия ва облигатсияларни сотиш ёки сотиб олиш чунчаки қоғоз пулларни қўлдан –қўлга ўтиши холос. Фонд биржаси операциялари ҳозирги маҳсулот ишлаб чиқаришга ва ЙИМ да бевосита қатнашмайди. Брокер хизматлари учун тўловларни бунга киритиш мумкин бўлади, чунки у турдаги хизматлар ҳозирги товар ишлаб чиқаришига ўз ҳиссасини қўшади.

Иккиламчи Товарлар Савдоси. Иккиламчи товарлар савдоси товар ишлаб чиқариши

[131] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 28

жараёнига ҳеч қандай улуш қўшмайди ва шу сабабдан улар ЙИМдан чиқариб юборилади. Борингки, сиз 1965 йилги Форд Мустанг русумли автомобилингизни ўртоғингизга сотдингиз; ўша опeратсия бу йилги ЙИМни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди. Башарти сиз яқиндагина сотиб олинган автоуловингизни қўшнингизга сотсангиз, у ЙИМга киритилади.

### ЙИМни Баҳолашни Икки Йўли: Харажат Ва Даромад

Келинг, яна умумий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бозор қиймати қандай ҳисобланишини кўриб чиқамиз. Жадвалдаги берилган маълумотдан фойдаланиб, костюмнинг бозор қийматини қандай ҳисоблаймиз? Бир йўли унга истеъмолчи қанча тўлаганини билиб олиш. Худди шу нарса бизга пировард маҳсулотнинг бозор қийматини кўрсатиб беради. Ёки биз костюм ишлаб чиқаришдан юзага келадиган бутуб бир иш ҳақи тўловлари, рента тўловлари, сарфл анган маблағ, фойда каби даромадларни ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни бозор қийматига киргитамиз. Иккинчи ёндашув жадвалда ишлатилган қиймат-қўшиш техникасидир. Пировард-маҳсулот ёнадашуви ва қиймат-қўшиш ёндашуви бир хил нарсага қарашнинг икки турлича йўлидир. Маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфл анган нарса уни яратишда қатнашганларнинг даромади ҳисобланади. Агар костюм тайёрлаш учун $350 сарфл анган бўлса, унда $350 ўша маҳсулотни ишлаб чиқаришидан топилган умумий даромад ҳисобланади. ЙИМга ҳам худди шундай бир хилдаги иккита турлича усулда ёндашиш мумкин. ЙИМни маҳсулот сотиб олишда сарфл анган барча пул маблағларини қиймати деб қараш мумкин. Бу **ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқаришга бўлган** сарф **харажатлар бўйича ёндашиш-дир**. Ёки ЙИМни уни ишаб чиқаришдан олинган ёки яратилган даромад деса бўлади. Буни **даромад ёндашуви** дейиш ҳам мумкин. Биз муайян йилдаги ЙИМни учун уни ишлаб чиқарилишидан келган даромад сифатидаги олинган пулни ҳаммасини қўшиш ёки умумий маҳсулотни сотиб олишга сарфл анган харажатлар ҳаммасини қўшиш орқали аниқлашимиз мумкин. Сотиш ва сотиб юбориш бир хилдаги опeратсиянинг иккита жиҳатидир.

ЙИМнинг харажатлар томонида, барча иқтисодиёт томонидан ишлаб чиқарилган пировард маҳсулотларнинг барчаси учта ички секторлар (уй-хўжаликлари, тадборкорлик ва ҳукумат) орқали ёки хорижий харидорлар томонидан сотиб олинади. Даромад томонида, ўша умумий маҳсулотнинг савдосидан келадиган пул тушумларининг умумий миқдорлари иш-ҳақи, ижара, фоиз ва фойда каби даромадлар ресурс таклиф этувчиларига тақсимлаб берилади.

**Ялпи Ички Маҳсулотнинг Харажатлар Бўйича Бўлган Ёндашуви** Ялпи ички маҳсулотнинг харажат бўйича бўлган ёндашишдан фойдаланиб, ЙИМни аниқлаш учун йил мобайнида ишлаб чиқарилган хизматлар ва товарларга сарфл анган барча харажатларни қўшамиз. Миллий даромадни ҳисобловчилари 6.1 гра фикнинг чап томонида берилган сарфхаражатлар турларини ифодалаш учун қисқа терминлардан фойдаланилади.

### Шахсий Истеъмол Харажатлари (C)

Биз “уй-хўжаликларининг истеъмол харажатлари” терминини, миллий даромад ҳисобловчилари **шахсий истеъмол харажатлари** деб атайдилар. Ўша термин узоқ муддатли товарлар, узоқ муддатли бўлмаган товарлар ва хизмат турларига истеъмол харажатларига уй-хўжаликлари томонидан сарфл анадиган барча харажатларни қамраб олади. ЙИМнинг бу қисмини белгилаш учун ҳисобчилар C белгисидан фойдаланади.

## Ялпи хусусий ички инвеститсия (иг)

Ялпи хусусий йички инвеститсия номи остида ҳисобчилар қуйидагиларни назарда тутади:

• Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан чиқарилган иш-қуроллари, асбоб-ускуналар, техникаларни ҳамма охирги харидлари.

• Барча бинокорлик ишлари.

• Инвентарлар (захиралар миқдори)даги ўзгаришлар. Эътибор беринг, биринчисидан бошқа, бу рўйхат қолган барчасини ъинвеститсияъ тушунчаси орқали тушунадигандан кўра кўпгина бошга предметларни ҳам ташкил этади. Рўйҳатнинг иккинчидаги янги корхона, заводфабрикалар, омборхоналар ва дўконлар билан биргаликда турар жой иншоотларини ҳам қамраб олади.

Нима учун ҳисобчилар турар жой иншоотларига истеъмол товари эмас, балки инвеститсия деб қарайди? Сабаби фабрикалар ва савдо дўконлари сингари кўп қаватли бинолар ва ҳовли таркибидаги уйларни ижарага бериш орқали ундан фойдаланса бўлади. Эгасининг ўзи истиқомат қилаётган уй –жойларга инвеститсия сифатида қараш мумкин, чунки уларни ижарага бериш орқали қайтиб фойда олиш мумкин. Шу сабабли миллий даромад ҳисобчилари барча иншоотларни инвеститсия сифатида баҳолайди. Хуллас, инвентарлар (заҳиралар) ошиши инвеститсия деб баҳоланиши мумкин, чунки улар ъистеъмол қилинмаган маҳсулотларниъ ифода қилади. Иқтисодчилар учун, истеъмол қилинмайдиган барча янги маҳсулотлар, табиятига кўра, капитал дейилади. Инвентарларнинг кўпайиши капитал товарлар заҳирасига келиб қўшилади ва бундай қўшимчаларни ҳам қисқа қилиб инвеститсия деймиз

## Заҳира даражасидаги салбий ва ижобий ўзгаришлар.

Енди эса заҳира товарларнинг ўзгариши ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз. Вақт ўтган сайин заҳира товарлар кўпайиши ёки камайиши мумкин. Айтайлик улар 2004 йилнинг 31 Декабри ва 2005 йилнинг 31 Декабри ўртасида $10 миллиардга ошди. Бу дегани иқтисодиётда 2005 йилдагига қараганда $10 миллиардлик кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Гарчи ўша маҳсулотнинг баъзи қисми ийилнинг охирига келиб сотилмай қолган бўлсада, ўша йилнинг ЙИМининг қисми сифатида 2005 йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларни ҳисоблаб чиқишга мажбур бўламиз. Буни 2005 йилдаги инвеститсия сифатида заҳира товарларнинг $10 миллиардга кўпайишини киритиш орқали амалга оширамиз. Худди шундай тарзда 2005 йилдаги харажатлар ўша йилдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотни бехато ҳисоблашга ёрдам беради. Ёки, тасаввур қилинг, 2005 йилда заҳира товарлар $10 миллиардга камайди. Бундай “заҳираларнинг камайиб кетиши” иқтисотиётда ўша йилги ичлаб чиқарилганидан $10 миллиард кўпроқ товар сотилганини англатади. Бу нарса аввалги йилларда ишлаб чиқарилган товарларни сотиш орқали яъни ўша йиллари ЙИМга киитилган товарларни сотиш орқали амалга оширилади. Агар бундай қилинмаса, 2005 йил учун ЙИМ ўша йилдаги харажатлар ошириб юборилган бўлади. Шундай қилиб, 2005 йилда заҳира товарларни $10 миллиардга ошиши “салбий инвеститсия” сифатида ва ўша йилги умумий инвеститсиядан уни айириб ташлаймиз. Шундай қилиб, 2005 йилдаги харажатлар ўша йилги ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бехато ҳисоблашга ёрдам беради

## Ноинвеститсиявий Битимлар.

Шу пайтгача иннвеститсия нима эканлигини ўрганиб чиқдик. Энди эса инвеститсия нима эмаслигини ўрганамиз. Инвеститсия ўз ичига қоғоз пул ўтказмалари ёки моддий бойликларни қамраб олмайди. Бундай операциялар фақатгина мавжуд активларни эгалигини билдиради. Инвеститсия янги капитал

активларини юзага келтириш билан шуғулланади, яъни бўш иш жойлари ва даромадни яратиб берадиган активлар билан шуғулланади. Мавжуд капиталга патент формулаларини ўтказиш янги капитални яратиб бермайди.

## Соф инвеститсияга қарши ялпи инвеститсия.

Юқорида кўриб чиққанимиздек, ялпи хусусий ички инвеститсия (1) асбоб-ускуналарнинг барча пировард харидлари; (2) барча қурилиш ишлари ва (3) заҳира товарларининг ўзгаришлаини қамраб олади. “Хусусий” ва “ички” деган сўзлар орқали ҳукумат органларини эмас, балки хусусий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қилинадиган харажатлар ҳақида сўз бораётганини билдиради, яъни инвеститсия мамлакат ташқарисида эмас, балки ичида содир этилаётганини англатади. ъЯлпиъ сўзи барча инвеститсия мансулотларини англатади, яъни асбобускуналарни ўрнини босадиган ва ҳозирги йилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган иншоотлар ва капитални иқтисодиётнинг активларига келиб қўшиладиган умумий қўшимчаларни қамраб олади. Ялпи инвеститсия капитални ўрнини қоплайдиган ва қўшилган капиталдаги инвеститсияни ташкил этади. Бироқ, соф хусусий ички инвеститтсия фақатгина қўшилган капитал шаклидаги инвеститсияни ташкил этади. Йил мобайнида ишлатилиб келинган капиталнинг миқдори эскириши ёки амортизатсияси дейилади. Шундай қилиб, Соф инвеститсия = ялпи инвеститсия – амортизатсия демакдир. Муайян йиллар мобайнида, ялпи инвеститсия амортизатсия даражасидан ошиб кетади. Шундай қилиб, соф инвеститсия ижобийдир ва капиталнинг мамлакат аксиялари соф инвеститсия миқдори ҳисобига кўпаяди. Гра фи к 6.2 да тасвирланганидек, йил охиридаги капитал аксияси соф инвеститсия миқдори ҳисобига йилнинг бошидаги капитал аксиядан ошиб кетади.[132]

Ялпи инвеститсия амортизатсия даражасидан доим ҳам ошиб кетиши шарт эмас, албатта. Қачон ялпи инвеститсия ва амортизатсия тенглашса, соф инвеститсия нолга тенг бўлади ва аксиядорлар капиталининг ҳажмида ўзгаришлар бўлмайди. Қачон ялпи инвеститсия амортизатсиядан пастроқ даражада бўлса, соф инвеститсия салбий кўринишни олади. Унда иқтисодиёт капитал қурилишга сарфл анган маблағни қисқартираётган бўлади, яъни ишлаб чиқаришга қараганда кўпроқ капиталдан фойдаланаётган бўлиб чиқади ва мамлакатнинг капитал аксияси қисқаради. Худди шундай воқея 1930 йиллардаги Буюк Молиявий Инқироз пайтида содир бўлган эди. Миллий даромадни ҳисобловчилар хусусий ички инвеститсияни ифодалаш учун И белгисидан фойдаланади ва шунинг билан биргаликда, ялпи инвеститсия учун Г белгиси ишлатилади. н белгисидан эса соф инвеститсияни ифодалашда фойдаланилади. Аммо, бу ялпи инвеститсия бўлиб, Иг эса ЙИМни белгилаш учун ишлатилади.

## Ҳукумат харидлари (г)

Миллий даромад ҳисобидаги харажатларни учунчи категорияси ҳукумат харидлари, расмий жиҳатдан **ҳукуматнинг истеъмолчилик харажатлари ва ялпи инвеститсиясиъ** дейилади. Бу харажатлар икки қисмдан иборатдир: (1) ижтимоий хизматларни таъминлашда ҳукумат истеъмол қиладиган товарлар ва хизматларга харажатларидир ва (2) узоқ муддат фойдаланиш мумкин бўлган мактаб ва йўллар каби ижтимоий капитал учун харажатлар. Ҳукумат харидларига пировард маҳсулотларга сарфл анадиган барча ҳукумат харажатлари ва меҳнат билан

[132] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 35

биргаликда ресурсларнинг бевосита барча харидлари киради. Унга ҳукумат трансфер тўловлари киритилмайди, чунки, кўриб ўтганимиздек, улар фақатгина ҳукумат даромадларининг бюджет тушумларини маълум уй-хўжаликларига ўтказади ва ҳеч қандай маҳсулот ишлаб чиқармайди. Миллий даромад ҳисобчилари ҳукумат харидларини белгилаш учун Г белгисидан фойдаланади.

### Соф экспортлар (Хн)

Халқаро савдо ўтказмалари миллий даромад ҳисобидаги муҳим предметдир. Биламизки, ЙИМ АҚШда ишлаб чиқариладиган барча товар ва хизмат турларини ёзиб боради ва унга хориждаги одамлар томонидан АҚШ ишлаб чиқаришига сарфл анадиган харажатлар ҳам киритилади. Шунинг учун, қачон ЙИМни белгилашда ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги ёндасувдан фойдаланганимизда, экспортлар қийматларини ҳам бунга киритиб юборамиз. Айни пайтда, биламизки, Американиклар импорт маҳсулотларига жуда катта пул маблағларини сарфл айди. Бундай сарф харажатлар бошқа мамлакатларнинг ЙИМида ҳам акс этади. АҚшдаги умумий маҳсулот ишлаб чиқаришини ошириб юбормаслик учун, АҚШ сарф-харажатларидан импорт қийматини айириб ташлашимиз керак. Экспортни қўшиб, кейин импортдан айиришдан кўра, миллий даромад ҳисобловчилари “експорт импортдан кўпроқ”, деган терминни ёки **соф экспорт** деган термини ишлатадилар. Биз экспортни Х билан, импортни М билан ва соф экспортни эса Хн билан белгилаймиз. Соф экспорт (Хн) = экспорт (Х )– импорт (М) 6.3 жадвалда кўрсатилганидек, 2005 йилда америкаликлар хорижликларни АҚШ экспортига сарфл аганидан импортга $727 миллиард кўпроқ сарфл аганлар. Яъни, 2005 йилда соф экспорт минус -$727 миллиардни ташкил этди.

### Ҳаммасини бир жойга қўйсак:ЙИМ = С + Иг+ Г + Хн

Биргаликда ҳисобланса, харажатларнинг бу тўрт категориялари мазкур йилнинг умумий ишлаб чиқаришининг бозор қийматида ифодаланиши ЙИМини таъшкил қилади. 2005 йилда АҚШ учун Жадвал (6.3), ЙИМ = $8746 + 2105 + 2363 – 727 = $12487 миллиард Глобал Перспестиве 6.1 да бир неча мамлакатларнинг ЙИМини кўрсатади. ЙИМнинг қийматлари халқаро валюта курсидан фойдаланиб долларга ўзгартирилган.

**Даромадлар бўйича ёндашув** 6.3 жадвалда $12487 миллиардлик 2005 йилнинг харажатлари маҳсулот ишлаб чиқаришда иштирок этганлар ўртасида даромадларнинг қандай қилиб тақсимланганини кўрсатади. Агар бутун миқдор иш ҳақи, рента, фоиз ва фойда сифатида ўзларига қайтиб келган деганимизда тушунарлироқ бўлар эди. Лекин, ҳисобнинг даромадлар ва харажатлар томонини тенглаштирадиган тўғрилашларни амалга оширишимиз керак. Аввал, жадвалнинг чап томонидаги миллий даромадни юзага келтирадиган кўрсаткичларга назар ташлаймиз. Кейин тўғрилашларга юзланамиз.

**Миллий даромаддан ЙИМга** Ишчиларга компенсатсиялар миқдори, рента, фоиз, мулкдан даромад, корпоратсиялар фойдаси ва Ишлаб чиқариш ва импортга солинадиган солиқлар миллий даромадни юзага келтиради яъни барча Америка такли фи даги ресурсларга келиб тушадиган даромадлар ва ишлаб чиқариш ҳамда импортга жорий этиладиган солиқлардир. Аммо, эътибор беринг, 6.3 жадвалда кўрсатилган миллий даромад учун кўрсаткич $10904 миллиард бўлиб, жадвалнинг чап томонида кўрсатилган харажатлар ёндашуви томонидан ҳисоблаб чиқилган ЙИМдан камроқдир. Ҳисоб кўрсаткичининг ҳар икки томонлари миллий даромадга учта предметни қўшиш орқали мувозанатга келтирилган.

### Чет эл ишлаб чиқариш омилллари ҳисобига яратилган соф даромади.

Авваламбор, ъмиллийъ даромадга қарши ъичкиъ даромад тушунчаларига озгина аниқлик киритишимиз керак. Миллий даромадга америкаликларнинг умумий даромадлари киради. Аммо, ЙИМ ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўлчови ҳисобланади, яъни АҚШ ичидаги ресурсларни таклиф этувчуларнинг миллатидан қатъий назар АҚШда ёки унинг ташқарисида ишлаб чиқарилган умумий товар ишлаб чиқарувининг ўлчовидир.Шунинг учун миллий даромаддан ЙИМга силжиш учун, Америкаликларнинг хориждаги ресурс такли фл аридан оладиган фойдалари ва АҚШда ресурсларни таклиф этувчу хорижликларни олган даромадларини инобатга олиш керак бўлади. 2005 йилда, Америкалик ресурс эгалари хорижда АҚШдаги хорижий мамлакатлар қарамоғидаги ресурслардан $34 миллиардлик кўпроқ фойда келтирган эди.

Ўша орадаги фарқ **чет эл ишлаб чиқариш омилллари ҳисобига яратилган соф даромади** дейилади. Сабаби бу Америкаликларнинг фойдалари ҳисобланиши боис, бу АҚШ миллий даромадига киритилади. Аммо, бу даромад ички даромаднинг қисми ҳисобланмайди, чунки у бошқа мамлакатдаги ишлаб чиқаришдам келган фойдалардир. Шундай қилиб, АҚШ миллий даромадидан чет эл ишлаб чиқариш омилллари ҳисобига яратилган соф даромадини АҚШ ички маҳсулот ишлаб чиқаришининг қийматини белгилаш учун даромад ёндашувидан фойдаланишни тўғри йўлидан бориш мақсадида айириб ташлаймиз.

### Статистик номувофиқлик.

Миллий Даромадлар ва Маҳсулотлар Ҳисоби (МДМҲ) ҳисобчилари даромад ёндашувини харажатлар ёндашувига мослаштириш учун миллий даромадга статистис номуво фи қликни қўшадилар. 2005 йилда ўша статистис номуво фиқлик $43 миллиардни ташкил этган эди.

### Асосий капиталнинг истеъмоли

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни тушунишимиз лозимки, хусусий капитал жиҳозларининг фойдалилик муддати улар ишлаб чиқарилган санадан анча кўп муддатга чўзилади. Харид қилинган йилдаги даромад ва фойдани камайтириб, кейинги йиллардаги даромад ва фойдани кўпайтириб юбормаслик учун, шундай капиталнинг нархи унинг қўлланилиш муддати йилларига тақсимланиши керак бўлади. Тақсимлаб чиқилган миқдор ушбу капиталдан ҳар йили қанча фойдаланилаётганини ҳисобига айтилади. Бу амортизатсия ёки эскириш дейилади. Ҳисобчиликка оид қайд ва амортизатсия скидкаси ҳар йилги иқтисодиёт учун фойдани янада яхшироқ тушунишга олиб келади. Суд бинолари ва кўприклар каби ижтимоий капитал ҳам миллий даромад ҳибосларидаги амортизатсия скидкаларини талаб этади. Ҳар йили хусусий ва ижтмоий капиталга қарши эскирган асбоб-ускуналарнинг устама суммаси **асосий капитал истеъмоли** дейилади, чунки бу йиллик ЙИМни ишлаб чиқаришдаги ъистеъмол қилинганъ капиталнинг устама суммасидир. Бу ЙИМнинг улуши бўлиб, ўша капитал товарларни тўлиқ ўрнига қўйишга тўлаш мақсадида олиб қўйилади. Асосий капитал истеъмоли учун тақсимланадиган пул маблағи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги харажат ҳисобланиб, маҳсулотни ялпи қийматига киритилади. Лекин бу пул маблағи бошқа мақсадларга мўлжалланмаган ва маҳсулотнинг бошқа харажатларидан фарқли ўлароқ, у ҳеч кимни даромадига қўшилмайди. Аммо, 6.3 жадвалда кўрсатилганидек, биз уни иқтисодиёт билан муво фи қлашиш учун миллий даромадга қўшиб юборамиз. 6.3 жадвал ЙИМга бўлган даромад ва харажатлар ёндашувини умумлаштиради. Жадвалнинг чап томони 2005 йилда АҚШ иқтисодиёти нимани ишлаб чиқаргани ва уни харид қилиш учун нима сарф этилганини кўрсатади. Ўнг томон эса мос равишда тўғриланган ўша харажатларни даромад сифатида қандай тақсимланганини кўрсатади.

### Миллий даромад

Баъзан америкалик ер, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик қобилияти эгаларининг ишлаб чиқаришга ўз ҳиссларини қўшиб қанча ишлаб топишларини билиш фойдадан холи эмас. Эсга олиш жоизки, АҚШ миллий даромади Америкага тегишли бо;лган ресурслардан фойдаланиш орқали ишлаб топилган барча даромадларни ташкил этади. У шунингдек, маҳсулот ва импортларга солинадиган солиқларни ҳам қамраб олади. Соф ички маҳсулотдан миллий даромадни ажратиб олиш учун, юқорида эслаб ўтилган соф миллий даромаддан статистик номуво фи қликни айириб, соф хорижий воситачилик даромадига қўшамиз, сабаби кейингиси америкаликлар томонидан ишлаб топилган даромад ҳисобланади. 2005 йилда АҚШ учун:

| | Milliardlarda |
|---|---|
| Sof ichki mahsulot | $10913 |
| Statistik nomuvofiqlik | – 43 |
| Sof xorijiy vositachilik daromadi | 34 |
| Milliy daromad | $10904 |

| | Milliardlarda |
|---|---|
| Milliy daromad | $10904 |
| Mahsulot ishlab chiqarish va importga soliqlar | – 917 |
| Ijtimoiy Sug'urta to'lovlari | – 871 |
| Korporativ daromad soliqlari | – 378 |
| Taqsimlanmagan korporativ foydalar | – 460 |
| O'tkazma to'lovlari | + 1970 |
| Shaxsiy daromad | $ 10248 |

Биламизки, миллий даромадни даромад ёндашувига ишчилар сомпенсатсияси, рента, фоиз, мулкдан даромад, корпоратсиялар фойдаси ва импорт ҳамда ишлаб чиқаришга солиқларни қўшиш орқали ҳисоблаб чиқамиз.

## 1-Мавзу: Ялпи ички маҳсулот ва уни ҳисоблаш усуллари

### Амалий машғулот

**Ялпи ички маҳсулотни сарф-харажатлар бўйича ҳисоблаш (**пировард фойдаланиш усули**)**

**1-жадвал**

| | Млрд. сўм | | Жамига нисбатан, %да | |
|---|---|---|---|---|
| | 2007й. | 2012й. | 2007й. | 2014й. |
| Ялпи ички маҳсулот | **27161,2** | | **100** | |
| Пировард истеъмол харажатлари | 17990,8 | | 66,3 | |
| Шу жумладан: | | | | |
| шахсий (уй хўжалиги) харажатлар | **12946,3** | | **47,7** | |
| уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар харажатлари | 347,5 | | 1,3 | |
| Давлат харажатлари | 4697,0 | | 17,3 | |
| Ялпи инвеститсиялар ёки ялпи жамғариш | **4980,8** | | **18,3** | |
| асосий капиталга | 6366,3 | | 23,4 | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| материал захираларига | -1385,5 | | -5,1 | |
| **Соф экспорт** | **4189,6** | | **15,4** | |

Жадвал рақамларига диққат қилинг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Харажатлар турларини ялпи ички маҳсулотдаги улушини топинг. ЯИМни ҳисоблашнинг бу усули қайси жиҳатлари билан афзал? Яна қандай усулларни биласиз?

**Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ҳисоблаш (қўшилган қиймат усули)**

**2-жадвал**

| | **Млрд. сўм** | | **Жамига нисбатан % да** | |
|---|---|---|---|---|
| | **201й.** | **2012й.** | **2013й.** | **2014й.** |
| Ялпи ички маҳсулот | 27161,2 | | 100 | |
| Шу жумладан: | | | | |
| Саноат | 6543,7 | | 24,0 | |
| Қишлоқ хўжалиги | 5919,0 | | 21,7 | |
| Қурилиш | 1464,8 | | 5,5 | |
| Хизматлар соҳаси | 10726,5 | | 39,4 | |
| Соф солиқлар | 2507,2 | | 9,4 | |

Жадвални кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг қўшилган қиймат усули бошқа усуллардан нимаси билан фарқланади? Изоҳланг.

**3-жадвал**

**Аҳоли жон бошига ҳудудлар бўйича ЯИМ ишлаб чиқариш**

| | 2000* й | 2005* й | 2008** й | 2014й |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | | | | |
| Ўзбекистон Республикаси | 1,00 | 1,00 | 1,0 | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0,547 | 0,549 | 984,7 | |
| Хоразм вилояти | 0,813 | 0,679 | 1236,1 | |
| Бухоро | 1,101 | 1,100 | 2069,4 | |
| Жиззах | 0,641 | 0,791 | 1354,1 | |
| Навои | 1,412 | 2,226 | 2125,4 | |
| Самарқанд | 0,743 | 0,659 | 2393,3 | |
| Сирдарё | 0,996 | 0,950 | 634,6 | |
| Қашқадарё | 0,818 | 0,910 | 2831,6 | |
| Сурхондарё | 0,717 | 0,624 | 1354,1 | |
| Андижон | 0,834 | 0,782 | 2556 | |
| Наманган | 0,671 | 0,563 | 1426,0 | |
| Фарғона | 1,056 | 0,815 | 2853,5 | |
| Тошкент | 1,125 | 1,213 | 3459,6 | |
| Ташкент ш. | 1,401 | 1,447 | 6235,1 | |

Жадвал рақамларига диққат қилинг. 2008 йилда мамлакатимизда 36839,4 минг сўмлик ЯИМ яратилган. У аҳоли жон бошига ўртача 1364 минг сўмни ташкил этади. Жадвалнинг 4-устуни маълумотлари асосида ҳудудларнинг ўртача республика даражасига нисбатан неча фоиз ташкил этишини ҳисобланг. Индекс даражаси 1дан ортиғини юқори, 0,6 дан 1 гача ўртача, 0,6 дан паст бўлса қуйи даража десак, ҳисоб натижасига кўра уларни шундай гуруҳларга ажратинг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Таққосланг, хулоса чиқаринг.

**4- жадвал**

**Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси (аҳоли жон бошига минг сўм, 2009 йил баҳоларида)[133]**

| **Кўрсаткичлар** | **2004й** | **2005й** | **2006й** | **2007й** | **2008й** | **2009й** | **2013й** | **2014й** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 834 | 883 | 937 | 1021 | 1093 | 1160 | | |
| Саноат маҳсулоти | 479 | 510 | 555 | 617 | 678 | 727 | | |
| Истеъмол товарлари | 104 | 123 | 147 | 174 | 202 | 226 | | |
| Қурилиш ишла-ри | 98 | 103 | 113 | 135 | 143 | 187 | | |
| Қишлоқ хўжалик маҳсулоти | 268 | 284 | 301 | 309 | 315 | 319 | | |
| Пуллик хизматлар | 72 | 81 | 94 | 116 | 136 | 155 | | |
| Асосий капиталга инвеститсия | 143 | 151 | 164 | 214 | 256 | 323 | | |
| | | | | | | | | |
| Чакана савдо товаробороти | 231 | 248 | 275 | 323 | 363 | 419 | | |
| Пассажирообо-рот (пасс-км.) | 1089 | 1245 | 1383 | 1554 | 1756 | 1834 | | |
| Товар ва хизматлар экспорти | 131 | 141 | 158 | 222 | 354 | 329 | | |
| Товар ва хизматлар импорти | 170 | 192 | 203 | 220 | 244 | 245 | | |

Жадвал маълумотлари ЯИМни ҳисоблашни қайси усулини кўрсатади? Уни ҳисоблашни яна қандай усуллари бор? Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг, таққосланг ва хулоса чиқаринг.

[133] Жадвал муаллиф томонидан. «Экономическое обозрение» // 2009, №10, стр. 26,27. асосида тузилган.

## 3.2-Мавзу : Ялпи талаб ва ялпи таклиф

**Режа:**

**Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар**
**3.2.2. Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар**
**3.2.3. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатлик ҳамда унинг ўзгариши**
**3.2.4. Ялпи талаб ва ялпи таклиф моделлари**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Истеъмолчи қарзлари, истеъмолчи қарзлари, солиқлар, технология, ортиқча қувватлар, давлат сарфлари, ялпи талаб, ялпи таклиф, валюта курслари.

### 3.2.1. Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар

Нарх даражаси ва товарлар миқдорини яъни миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмини бирлаштириш уларнинг ялпи жамланмасини (агрегати)ни англатади. Ялпи талаб ва ялпи таклиф, шундай курсаткичлардан ҳисобланади.

Ялпи талаб - бу барча истеъмолчилар, яъни аҳоли, корхоналар ва давлат нархларнинг ўртача даражасида сотиб олиши мумкин бўлган турли товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажмини, ёки миллий иқтисодиётдаги ялпи сарфлар миқдорини билдиради. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, нарх даражаси қанча паст бўлса, истеъмолчилар (мамлакат ичидаги ҳамда чет элдаги) миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг шунча катта қисмини ва аксинча, нарх даражаси қанча юқори бўлса, шунча кам қисмини сотиб олади. Шундай қилиб, нарх даражасининг ошиши, бошқа шароитлар ўзгармай қолганда ялпи талаб ҳажмининг камайишига сабаб бўлади. Аксинча, нарх даражасининг пасайиши ялпи талабнинг ошишига олиб келади. Ялпи талабга нархдан ташқари таъсир қилувчи омилларнинг ўзгариши ҳам ялпи талаб ҳажмининг ўзгаришига олиб келади.

Нарх даражаси ва талаб билдирган миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги бу тескари боғлиқлик қуйидаги расмда аниқ ифодаланган.




**Талаб билдирилган ишлаб чиқаришнинг реал хажми**

**-расм. Ялпи талаб эгри чизиғи.**

Нарх даражаси ва ҳақиқий ЙИМ ўртасидаги тескари муносабат расмда кўрсатилган, бунда ялпи талаб эгри чизиги АД пастки томонга эгилади, алоҳида маҳсулот талаб эгри чизиги ҳам шундай бўлади. Нима учун пастга қараб эгилади? Бунинг изоҳи нима учун алоҳида маҳсулот-га талаб пастга қараб эгилиши каби эмас.ъБу нарса даромад эффекти ва ўрнини бўсиш эффекти билан биргаликда якка тартиба ишлаб чиқарилган махсулот нархи тушганда истемолчининг (доимий) номинал даромади, ўша маҳсулотни кўпроқ миқдорда сотиб олиш имконини беради (даромад эффекти). Шу билан бирга нарх тушиши билан истемолчи маҳсулотни кўпроқ ҳарид қилишни ҳоҳлайди, чунки у бошқа товарларга нисбатан арзонроқ.

Ялпи талаб эгри чизиги АД нарх кўрсаткичи ва маҳсулот сотиб олиш ортасидаги тескари(салбий) муносабатни билдиради болиб қолади (алмаштириш эффекти). Лекин бу ҳолат аггрегатларга тегишли бўлмайди. Расмда, иқтисодиёт ўзининг ялпи талаб эгри чизиги томонга тушганда, у пастроқ умумий нарҳ кўрсаткичи томон тушади. Бироқ бизнинг айланма оқим моделимиз шуни корсатадики, истемолчилар товар ва хизматлар учун пастроқ нарх тўлаганда камроқ номинал даромад таминловчиларни ҳафталик иш ҳақи ижара,улуш фойда шаклида ресурслаш учун келади.

Натижада нархларнинг тушиши бутун иқтисоднинг номинал даромади ошади дегани эмас.Шундай экан, нархларнинг пасайиши даромад эффектини ҳосил қилмайди, Ялпи Талаб ва Ялпи Таклиф бу ерда кўпроқ маҳсулот сотиб олинган чунки паст нарҳлар ҳаридорларни каттароқ ўзгармас даромад олиб келади. Шунингдек, расмда биз ялпи талаб чизигини пастки томон туширганимиз сари нарҳлар умуман олганда пасайиб кетади, шундай экан алмаштириш эффектига ратсионал (бошқа махсулотларга нисбатан арзонроқ бўлиб қолгани учун алоҳида маҳсулот копроқ ҳарид қилинади) мос келмайди. Маҳаллий ишлаб чиқарилган махсулотларга нарҳлар пасайганда умумий алмаштириш эффекти таъсир қилмайди.

Агар анъанавий алмаштириш эффести ялпи талаб чизгининг пастга тушишини ифодаламаса, унда бу ҳолатни нима билан изоҳлаш мумкин? Юқорида айтиб отилган

ҳолатни нарҳ корсаткичлари ўзгаришинг уч ҳил таъсири билан белгилаб бериш мумкин[1].

Ялпи талаб ҳажмига таъсир этувчи нархдан ташқари омиллар қуйидагилардир:

**1. Истеъмолчилик сарфларидаги ўзгаришлар**. Нарх даражасининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда, нархдан ташқари бир ёки бир нечта омиллар таъсирида истеъмолчилар хариди ҳажмида ўзгариш рўй бериши мумкин. Бу истеъмолчи фаровонлиги, истеъмолчининг кутиши, истеъмолчининг қарзлари ва солиқларнинг ўзгариши натижаси ҳисобланади. Аҳоли сонинингўзгариши ҳам мазкур сарфларга таъсир кўрсатади.

**Истеъмолчининг фаровонлиги** истеъмолчи эга бўлган барча молиявий активларга (аксия ва облигатсия) ҳамда уй ва ер каби кўчмас мулкларга эгалигига боғлиқ бўлади. Уларнинг реал қийматининг кескин камайиши товар харид қилишининг камайишига олиб келади. Истеъмолчилик сарфларининг қисқариши натижасида ялпи талаб камаяди. Аксинча моддий ва молиявий қимматликлар реал қийматининг ошиши натижасида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчилик сарфлари ўсади. Бунга, аксия курсининг кескин ошиши натижасида хатто нархлар даражаси ўзгармай қолганда истеъмолчи фаровонлигининг ўсишига олиб келишини

[1] Campbell R. McConnell. Economics principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. 188-189 pg

мисол қилиб келтириш мумкин. Уй ва ер реал қийматининг кескин камайиши, нарх умумий даражасининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда истеъмолчи фаровонлигининг пасайишига олиб келади[2].

**Истеъмолчининг кутиши**. Истеъмолчилик сарфлари ҳажми-даги ўзгариш, истеъмолчининг нархлар ва даромадлар даражасидаги келажакдаги ўзгаришларни олдиндан билишига боғлиқ. Масалан, агар одамлар келажакда ўзларининг реал даромади кўпаяди, деб ҳисобласа, улар жорий даромадларининг кўпроқ қисмини сарфлашга тайёр бўлади. Натижада бу даврда истеъмолчилик сарфлари кўпаяди, жамғариш эса камаяди ва ялпи талаб ортади. Аксинча, агар одамлар келажакда ўзларининг реал даромадлари камаяди деб ҳисобласа, уларнинг истеъмолчилик сарфлари ва демак, ялпи талаби қисқаради. **Худди шундай инфлясиянинг кутилиши** бугунги ялпи талабни оширади. Чунки истеъмолчилар нархлар ошгунча товарларни харид қилиб қолишга ҳаракат қилади. Аксинча, яқин келажакда нархлар пасайишининг кутилиши, бугунги истеъмол миқдорининг камайишига олиб келади.

**Истеъмолчи қарзлари**. Истеъмолчи қарзлари кўп бўлганда, у жорий даромадини унга тўлаб, ўзларининг бугунги сарфларини қисқартириш мумкин. Аксинча, истеъмолчи қарзлари бўлмаса, улар бугунги сарфларини кўпайтиришга тайёр бўлади.

**Солиқ.** Даромад солиғи ставкасининг камайиши, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчилик сарфларини кўпайтиради, солиқларнинг ошиши эса истеъмолчилик сарфларини камайтиради.

**2. Инвеститсион сарфлар**. Инвеститсион сарфлар, яъни ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш, ялпи талабнинг нархдан ташқари муҳим омили ҳисобланади. Нархларнинг мавжуд даражасида сотиб олиши мумкин бўлган янги ишлаб чиқариш воситаларига инвеститсияларнинг камайиши ялпи талабнинг камайишига, тескари ҳол унинг кўпайишига олиб келади. Инвеститсион сарфларни ўзгартириш мумкин бўлган нархдан ташқари омилларни алоҳида - алоҳида қараб чиқамиз.

**Фоиз ставкалари.** Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, фоиз ставкасининг ошиши, инвеститсион сарфларнинг камайишига ва ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Мамлакатдаги пул массасининг ўзгариши оқибатида фоиз ставкаларининг ўзгариши рўй беради. Пул массасининг кўпайиши фоиз ставкасини камайтиради ва шу орқали капитал қўйилмалар ҳажмини кўпайтиради. Аксинча, пул масасининг камайиши фоиз ставкасининг ошишига ва инвеститсияларнинг қисқаришига олиб келади.

**Инвеститсиялардан кутиладиган фойда**. Капитал қўйилмалардан юқори фойда олишнинг кутилиши инвеститсион товарларга талабни оширади ва аксинча, истиқболда инвеститсион лойиҳалардан фойда олиш ноаниқ бўлса, инвеститсияларга сарфлар камайиш тамойилига эга бўлади, демак, ялпи талаб ҳам камаяди.

**Солиқлар**. Корхонадан олинадиган солиқларнинг кўпайиши капитал қўйилма-лардан олинадиган фойданинг камайишига ва демак, инвеститсион сарфлар ва ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Аксинча, солиқларнинг қисқариши бундай фойдани ва инвеститсион сарфларни кўпайтиради.

**Технология**. Янги ва такомиллашган технология инвеститсион сарфларни ва шу орқали ялпи талабни рағбатлантириш тамойилига эга бўлади.

**Ортиқча қувватлар**. Ортиқча қувватлар, яъни мавжуд фойдаланилмайдиган асосий капиталнинг кўпайиши, янги инвеститсион товарларга талабни ва натижада

---

[2] Campbell R. McConnell. Economics principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. 188-189 pg

ялпи талабни камайтиради. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилганда тадбиркорлар кўпроқ машина ва ускуналар сотиб олишга тайёр бўлади, демак инвеститсион сарфлари кўпаяди.

**3. Давлат сарфлари.** Нархларнинг мавжуд даражасида, миллий маҳсулотда давлат харидининг кўпайиши ялпи талабнинг ўсишига олиб келади. Бунга мустақилликга эришилгач давлатнинг ўз армиямизни тузиш тўғрисидаги қарори мисол бўла олади. Давлат сарфларининг камайиши ялпи талабнинг қисқаришига олиб келади. Масалан, янги автомобил йўли қуришга давлат сарфларининг қисқариши шундай натижага олиб келади.

**4. Соф экспортдаги ўзгариш.** Соф экспортнинг кўпайиши ялпи талабни ҳам кўпайтиради. Биринчидан, экспортнинг юқори даражаси, чет элларда бизнинг товарларга бўлган талабни оширади. Иккинчидан, импортнинг қисқариши ўз товарларимизга ички талабнинг кўпайишини тақозо қилади. Соф экспорт ҳажмини аввало чет давлатлардаги миллий даромад ва валюта курслари ўзгартиради. Чет мамлакатларда даромадлар даражаси ошганда, уларнинг фуқаролари ҳам ўзларининг товарларини ва ҳам чет элларда ишлаб чиқарилган товарларни кўпроқ миқдорда сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Чет элларда миллий даромаднинг камайиши эса қарама-қарши натижа беради: бизнинг экспортнинг соф ҳажми қисқаради.

**Валюта курслари.** Бошқа валюталарга нисбатан миллий пул курсининг ўзгариши соф экспортга ва демак ялпи талабга таъсир кўрсатади. Фараз қилайлик, иенанинг доллардаги нархи ўсади. Бу шуни билдирадики, доллар иенага нисбатан қадрсизланади ва иена курси кўтарилади. Доллар ва иена ўртасидаги янги нисбат натижасида япониялик истеъмолчилар иенанинг маълум суммасига кўпроқ доллар олиши мумкин. Демак, япониялик истеъмолчилар учун америка товарлари японияникига қараганда арзонроқ бўлади. Шу билан бирга америкалик истеъмолчилар долларнинг маълум суммасига камроқ япония товарларини сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолда кутиш мумкинки, Америка экспорти ўсади, импорти камаяди. Соф экспортнинг кўпайиши ўз навбатида АҚШ ялпи талабининг кўпайишига олиб келишини билдиради[3].

### 3.2.2. Ялпи таклиф тушунчаси. Ялпи таклиф таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар

**Ялпи таклиф – нархларнинг мавжуд даражасида сотишга чиқариладиган пировард товарлар ва хизматлар миқдори ёки миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмидир.** Агар халқаро савдо таъсири ҳисобга олинмаса, ялпи таклифни (АС) ЯИМ ёки ялпи миллий даромад миқдорига тенглаштириш мумкин.

**АС= ЯИМ, ёки АС=МД**

Умумий ҳолда ялпи таклиф бу нархларнинг ҳар хил мумкин бўлган ўртача даражасида миллий ишлаб чиқаришнинг мавжуд реал ҳажмини кўрсатади. Анча юқори нархлар қўшимча товарлар ишлаб чиқариш учун рағбат яратади. Нархларнинг паст даражаси товар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Шу сабабли нархлар ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўртасида тўғридан-тўғри ёки бевосита боғлиқлик мавжуд бўлади.

Бу боғлиқлик таклиф эгри чизиғида аниқ акс этади. Ялпи таклиф эгри чизиғи

---

[3] Campbell R. McConnell. Economics principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L.
Brue.– 17th ed. 189 pg

учта кесмалардан иборат.




**3.2.2-расм. Таклиф эгри чизиғи.**

**И. Ётиқ кесма.** Расмдаги Қт нуқта тўлиқ бандлилик шароитида миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг потенсиал даражасини кўрсатади. Ётиқ кесма миллий ишлаб чиқариш потенсиал ҳажмидан анча кам бўлган ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ўз ичига олади. Бу кесма иқтисодиёт чуқур таназзул ёки депрессия ҳолатида эканлигини, кўплаб машина, ускуна ва ишчи кучи фойдаланилмаётганлигидан гувоҳлик беради. Фойдаланилмаётган ресурслар ҳаракатга келиши мумкин, лекин бу нарх даражасига хеч кандай таъсир кўрсатмайди. Бу кесма яна ишлаб чиқариш реал ҳажми қисқарганда ҳам товарлар ва ресурсларга нархи олдинги даражада қолишини билдиради. Шундай қилиб, ётиқ кесма миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда ҳам нарх даражаси доимий қолишини кўрсатади.

**ИИ.** $Қ_1$ ва $Қ_т$ нуқта ўртасидаги оралиқ кесма миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмининг кўпайиши, нарх даражасининг ўсиши билан бирга боришини кўрсатади. Бу ишлаб чиқаришнинг тўлиқ қувват билан ишлай бошлаганидан, корхоналарнинг анча эски ва кам самарали ускуналардан фойдалана бошлаганлигидан гувоҳлик беради. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиб бориши билан қўшимча ишчилар ҳам ишга жалб қилинади. Шу барча сабабларга кўра маҳсулот бирлигига қилинадиган ҳаражатлар ортади, корхоналар ишлаб чиқаришининг рентабелли бўлиши учун товарларга анча юқори нарх белгилайди. Шу сабабли оралиқ кесмада миллий маҳсулот реал ҳажмининг кўпайиши нархларнинг ўсиши билан бирга боради.

**ИИИ.** Тик кесма иқтисодиёт ўзининг тўлиқ ёки табиий бандлик даражасига эришганлигини кўрсатади. Бунда иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятининг шундай нуқтасида жойлашадики, бунда қисқа муддатда ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтиришга эришиш мумкин эмас. Нархнинг тўхтовсиз ошиб бориши хам ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайишига олиб келмайди, чунки иқтисодиёт тўлиқ қувват билан ишлай бошлайди. Қисқача айтганда, бу кесма миллий ишлаб чиқариш ҳажми доимий бўлиб қолиши, нарх даражаси эса ўзгариши мумкинлигини кўрсатади.

Тепага томон қараган ялпи таклиф эгри чизиги АС, нарх кўрсаткичи ва корҳоналар сотувга чиқарган ўзгармас нархларда ишлаб чиқариш кўламии ортасидаги бевосита ижобий муносабатни англатади. ялпи таклиф эгри чизиги толиқ иш билан бандликда ишлаб чиқарилган маҳсулот кўламии паст, чунки ишланмай турган ресурслар ва фойдаланилмай турган нарсалар корхоналарнинг, нарх кўрсаткичидаги ўзгаришларга жавобини ўзгармас нархларда ишлаб чиқариш кўлами ошиши орқали беришини ифода этади. Бу чизиқ толиқ иш билан бандликда

ишлаб чиқарилган маҳсулот кўламии юқори бўлган ҳолатда тикроқ ,чунки ресурсларнинг етишмаслиги ва имкониятларнинг чекланганлиги, нарх кўрсаткичи ошганда ўзгармас нархларда ишлаб чиқариш кўламии миқдорини кўпайтиришни қ

и **Ялпи таклиф ҳажмига таъсир қилувчи омиллар.** Ялпи таклифга нархдан ташқари бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллардан бир ёки бир нечтасининг ўзгариши ялпи таклифнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Ялпи таклифнинг нархдан ташқари бу омиллари битта умумий ҳусусиятга эга: агар улар ўзгарса, маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ўзгаради. Натижада ялпи таклиф эгри чизиғи жойини ўзгартиради.

ш **Ялпи таклифга нархдан ташқари таъсир қилувчи омилларни тўлароқ қараб чиқамиз.**

и **1. Ресурслар нархининг ўзгариши.** Ресурслар нархи - тайёр маҳсулот нархидан фарқ қилиб, ялпи таклифнинг муҳим омили ҳисобланади. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, ресурслар нархининг ошиши маҳсулот бирлигига харажатларнинг кўпайишига, ресурс нархларининг пасайиши эса харажатларнинг камайишига олиб келади. Ресурс нархларига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.[4] Ресурслар таклифининг кўпайиши улар нархини пасайтиради ва натижада маҳсулот бирлигига харажатлар камаяди. Ресурслар таклифининг камайиши эса қарама-қарши натижага олиб келади. Энди алоҳида ресурслар таклифи ўзгаришининг ялпи таклифга таъсирини қараб чиқамиз.

**Ер ресурслари** янги ерларнинг очилиши, суғориш, янги техник такомиллашувлар туфайли кўпайиш мумкин. Эр ресурслари таклифининг кўпайиши эрга бўлган сарфларнинг камайишига олиб келади ва шу орқали маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни пасайтиради. Ирригатсия қурилмалари шаҳобчаларининг кенгайиши, интенсив деҳқончиликни қўллаш туфайли эр ресурсларининг камайиши қарама-қарши натижага олиб келади.

**Ишчи кучи (Меҳнат) ресурслари.** Ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисми ишчи ва хизматчиларга тўланган ҳақидан таркиб топади. Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда, иш ҳақининг ўзгариши маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар даражасига сезиларли таъсир кўрсатади. Мавжуд ишчи кучи (меҳнат) ресурсларининг кўпайиши иш ҳақининг пасайишига, уларнинг камайиши эса иш ҳақининг ошишига олиб келади.

**Капитал.** Агар жамият асосий капитал заҳирасини ўстириб борса, ялпи таклиф ўсиш тамойилига эга бўлади. Масалан, агар жамият ўз даромадининг асосий қисмини тежаб, уни инвеститсион товарлар сотиб олишга йўналтирса, ялпи таклиф ўсади. Худди шундай асосий капитал сифати яхшиланганда ишлаб чиқариш харажатлари камаяди ва ялпи таклиф кўпаяди. Корхона ўзининг эски, сифати паст бўлган қурилмаларини, янги ва анча такомиллашган ускуналар билан алмаштириши бунга мисол бўла олади. Агар мамлакатда асосий капиталининг миқдори камайса ва сифати ёмонлашса, ялпи таклиф қисқаради.

**Тадбиркорлик лаёқати.** Вақт ўтиши билан мамлакатда тадбиркор кишилар сони кўпаяди ва бу ялпи таклифга таъсир кўрсатади. Масалан кейинги вақтда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга асосий эътиборнинг қаратилиши бундай фаолият билан шуғулланишга ҳаракат қилувчи кишилар сонининг кўпайишига олиб келиши муқаррар ва бу ўз навбатида ялпи таклифни оширади.

---

[4] Campbell R. McConnell. Economics principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L.
Brue.– 17th ed.193pg

**Импорт ресурслар нархлари.** Чет эллардан ресурслар импорти миллий иқтисодиётда ялпи таклифнинг кўпайишига олиб келади. Импорт ресурсларига нархларнинг пасайиши миллий иқтисодиётда ялпи таклифни оширади, нархнинг ошиши эса ялпи таклифни камайтиради. Кейинги даврда импорт ресурсларга нархнинг ўзгаришига олиб келаётган асосий омиллардан бири - валюта курсларининг ўзгариб туриши ҳисобланади. Бу қандай рўй беришини тушуниб олиш учун чет эл валюталарининг сўмга нисбатан нархи тушади, яъни сўмнинг қиймати кўтарилади деб фараз қиламиз. Бунда корхоналарга ҳар бир сўм учун кўпроқ чет эл валюталари олиш имконияти вужудга келди ва бу миллий ишлаб чиқарувчилар учун чет эл ресурсларининг сўмда ифодаланган нархи тушганлигини билдиради. Бундай шароитда миллий корхоналар чет эл ресурслари импортини кўпайтиради ва ишлаб чиқаришнинг мавжуд даражасида маҳсулот бирлигига харажатларнинг камайтиришга эришади. Аксинча, чет эл валюталарининг сўмга нисбатан нархлари ошган тақдирда, яъни сўм қадрсизланганда импорт ресурслари нархлари кўтарилади. Натижада бу ресурсларнинг импорти камаяди, маҳсулот бирлигига харажатлар ортади[5].

**Бозордаги ҳукмронлик.** Ресурсларни етказиб берувчиларнинг бозордаги ҳукмронлигининг сусайиши ёки кучайиши ҳам ресурс нархларига ва ялпи таклифга таъсир кўрсатиши мумкин. Бозордаги ҳукмронлик бу - нархларни рақобат мавжуд бўлган шароитдагидан анча юқори ўрнатиш имкониятидир. Кейинги 20 йил давомида ОПЕК мамлакатлари бозор монополиясининг вужудга келиши ва ҳалокатга учраши бунинг ишончли мисоли бўлиб хизмат қилиши мумкин. 70-йилларда ОПЕК мамлакатлари нефт нархини ўн марталаб оширишга эришди, бу маҳсулот бирлигига харажатларни кескин кўпайтирди. 80-йил ўрталарида ОПЕК мамлакатларининг бозордаги ҳукмронлигининг сезиларли сусайиши, аксинча ишлаб чиқариш қийматининг камайишига олиб келди.

**2. Унумдорлик -** бу миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг фойдаланилган ресурс миқдорига нисбати, бошқача айтганда, харажат бирлигига ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳажми ёки ишлаб чиқариш реал ҳажми кўрсаткичидир.

$$\text{Унумдорлик} = \frac{\text{Ишлаб чиқарилган маҳсулот реал ҳажми}}{\text{Иқтисодий ресурс харажатлари}}$$

Бошқа шароитлар ўзгармай қолганда бир ишчи ҳисобига кўпроқ миқдорда машина ва ускуналардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, анча билимли ва малакали ишчи кучини қўллаш каби омилларнинг ўзаро таъсири унумдорликнинг ўсиши ва ялпи таклифнинг ошишига олиб келади.

Маҳсулот бирлигига ҳаражатлар камайганда унумдорликнинг ошиши ялпи таклифнинг ошишига, аксинча, унумдорликнинг камайиши натижасида маҳсулот бирлигига ҳаражатларнинг кўпайиши ялпи таклифнинг қисқаришига олиб келади.

3. Ҳуқуқий нормаларнинг ўзгариши. Корхоналар ўз фаолиятида амал қиладиган ҳуқуқий нормаларнинг ўзгариши, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни ва ялпи таклифни ўзгартириши мумкин.

Хуқуқий нормалар ўзгаришининг икки тури мавжуд:

а) солиқ ва субсидияларнинг ўзгариши,

[5] Campbell R. McConnell. Economics principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L.
Brue.– 17th ed.194 pg

б) давлат томонидан тартибга солиш мақсади ва усулларининг ўзгариши.

Корхоналардан олинадиган солиқларнинг кўпайиши маҳсулот бирлигига харажатларни кўпайтириши ва ялпи таклифни қисқартириши мумкин.

### 3.2.3. Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанатлик ҳамда унинг ўзгариши

Бозор иқтисодиётида барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар товар шаклини олиб сотилиши, барча даромадлар эса сарфланган бўлиши зарур. Фақат шундай ҳолатда тўловга лаёқатли талабнинг ялпи миқдори ва товарлар таклифи ўзаро мос келади. Бозор иқтисодиётининг амалда эришиб бўлмайдиган бундай ҳолати назарий аҳамиятга эга бўлиб, унинг “иқтисодий мувозанатини” англатади.

Макроиқтисодий мувозанатлик миллий иқтисодиётнинг шундай ҳолатики, бунда мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланиши ўртасида, ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажми, моддий ва молиявий оқимлар, жамғарма ва инвеститсиялар ўртасида мутоносиблик мавжуд бўлади.

Амалий ҳаётда бу жамиятнинг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжининг ортиқча ресурс сарфларсиз тўлиқ қондирилишини билдиради. Уни инфлясия, ишсизлик ва инқироз мавжуд бўлмаган соғлом иқтисодиётга қиёслаш мумкин. Ривожланишда бундай мувозанатликда эришиш ҳар қандай давлат иқтисодий сиёсатининг мақсади ҳисобланади.

Фараз қилайлик иқтисодиёт озининг толиқ иш билан бандликда ислаб чиқилган маҳсулот кўламиини ишлаб чиқишда фаолият олиб боряпти ва бизнеслар ва_ҳукумат оз ҳаражатларини оширишга қарор қилади, шу билан ялпи талаб эгри чизигини ўнг томонга озгаради.

Ялпи талаб корсаткичлари бундай ўзгаришлар сабабини аниқлаб беради. Эҳтимол корхоналар ўзларининг инвеститсия ҳаражатларини тезлик билан ошимоқчи, чунки улар янги капитал инвестистиялардан келажакда юқори фойда олишларига ишонади. Ушбу фойдаларни бир қатор янги теҳнологияни ўзида жамлаган янги жихозлар ва ускуналар орнатиш орқали олиш кўзда тутилган.Ва эҳтимол ҳукумат миллий мудофаани кучайтириш учун ҳаражатларни оширишни козда тутгандир[6].

Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти ўзгарувчан ҳисобланади, бу ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати бузилиб туришини келтириб чиқаради. Бу миллий иқтисодиётнинг тармоқлари, соҳалари фаолияти натижалари ва унинг таркибида мутоносиблик мавжуд бўлмаслигини билдиради.

Ялпи талаб эгри чизиғи ялпи таклиф эгри чизиғини ётиқ кесмада кесиб ўтса, нарх даражаси миллий ишлаб чиқариш мувозанатли реал ҳажмининг шаклланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Тик кесмада ишчи кучи ва ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ фойдаланилади, шу сабабли ялпи талабнинг кенгайиши фақат нарх даражасига таъсир кўрсатади яъни уни оширади. Миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми эса ўзгаришсиз қолади. Оралиқ кесмада ялпи талабнинг кенгайиши миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайишига ва нарх даражасининг ошишига олиб келади.

Агар ётиқ кесмада ялпи талаб камайса, миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми камаяди, нарх даражаси эса ўзгаришсиз қолади. Тик кесмада нарх тушганда, миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми тўлиқ бандлик даражасида қолади. Оралиқ

---

[6] Campbell R. McConnell. Economics principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L.
Brue.– 17th ed.196 pg

кесмада миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми қисқаради ва нарх даражаси пасаяди. Айни пайтда бу эрда шуни таъкидлаш лозимки, оралиқ ва тик кесмаларда ялпи талабнинг қисқариш вазиятни мураккаблаштирувчи омиллар таъсирида бирданига нархнинг пасайишига олиб келмаслиги мумкин. Бу мураккаблик шундан иборатки, товарлар ва ресурслар нархи пасайиш тамойилига эга бўлмайди. Шу сабабли айрим иқтисодчилар бундай тамойилга храповикли самара сифатида қарайди.(храповик-бу механизм бўлиб ғилдиракни орқага эмас олдинга харакат қилишга ёрдам беради). Храповикли самара шунга асосланадики, нарх осонлик билан ошади, лекин қийинчилик билан пасаяди. Шу сабабли ялпи талабнинг ошиши нарх даражасини кўтаради, лекин талаб камайганда, қисқа давр ичида нархнинг тушишини кутиш мумкин эмас[7]. Нима учун нарх пасайиши тамойилига эга эмас деган саволга жавоб бериш қийин бўлсада, унинг айрим сабабларини кўрсатиш мумкин. Биринчидан, иш ҳақи корхона умумий харажатларининг асосий қисмини (70-75 фоиз) ташкил қилиб, қандайдир давр ичида пасайиши тамойилига эга булмайди. Чунки ишчиларнинг асосий қисми шартнома бўйича ишлайди ва унинг муддати тугагунча иш ҳақини пасайтириш таъқиқланади. Бошқа томондан, тадбиркорлар иш ҳақи даражасини пасайтиришни хохламаслиги мумкин. Бунинг иккита сабаби бор. Бир томондан анча паст иш ҳақи ишчиларнинг меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга анча паст иш ҳақи махсулот бирлигига меҳнат сарфларини камайтирса, анча паст меҳнат унумдорлиги эса меҳнат сарфларини оширади. Агар улар иш ҳақини пасайтиришга қарор килса, малакали ишчи кучидан ажраб қолиши мумкин. Нархнинг пасайиш тамойилига эга эмаслигининг кейинги сабаби шундан иборатки, жуда кўпчилик корхоналар этарли даражада манопол мавқега эга бўлади ва бу уларга талаб камайганда хам нархнинг пасайишига қарши туриш имконини беради.

### 3.2.4. Ялпи талаб ва ялпи таклиф моделлари



**Jan Batist Sey (1767-1832) Frfnsuz iqtisodchisi**

Ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатлигидан келиб чиқиб унинг учта модели ажратилади. Бунга ялпи талаб ва ялпи таклифни мувозанатга келтиришга турли хил ёндашувлар асос қилиб олинади.

**1. Классик модел.**

Бу моделнинг “классик” деб номланишига сабаб шуки унинг асоси классик иқтисодий мактабга вакиллари А. Смит, Д. Рикардо, Дж. Ст Милл ва Ж.Б. Сей томонидан ишлаб чиқиладии. Улар мувозанатлик моделини фақат қисқа муддатли даврда қараб чиқади ва қарашларини куйидагилар билан изоҳлайди.

Талаб ҳажми ҳар доим амалга ошириладиган таклиф ҳажмига тенг келади. Унинг асосида Ж.Б. Сейнинг “бозор қонуни” ётади, яъни товарлар таклифи ўзининг хусусий талабини вужудга келтиради ёки бошқача айтганда, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган ҳажми барча яратилган товарар кийматига тенг даромадларни (уларни тўлиқ сотиш учун этарлича бўлган) автоматик равишда таъминлайди.

Сей фикрича ижтимоий меҳнат тақсимоти шароитида ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз товарларини ўзида ишлаб чиқарилмайдиган бошқа товарларни ҳарид

[7] Campbell R. McConnell. Economics principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L.
Brue.– 17th ed.197 pg

қилиш учун сотади. Шундай экан, у фақат сотилган ҳажмдаги товарларни миқдорини ҳарид қилиши мумкин. Шу сабабли, талаб ҳар доим таклиф ҳажмига тенг келади.

Бундай модел учта шартни тақозо қилади:

- олинган даромад тўлиқ сарфланади:
- фақат ўз пул маблағлари сарфланади:
- жамият бир вақтда ҳам истеъмолчи ҳисобланган ишлаб чиқарувчилардан иборат бўлади.



**Jon Meynard Keyns (1883 – 1946) ingliz iqtisodchisi**

Бироқ амалда ҳар қандай иқтисодиётда олинган даромаднинг қандайдир қисми унинг эгаси томонидан сарфланмайди ва жамғарма шаклини олади. Бу ялпи талаб ҳажми ва бандликнинг тегишлича қисқаришига олиб келди. “Даромад - харажат” оқимидан маблағлар бир қисмининг олиб қўйилиши истеъмолнинг қисқаришига ва демак ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мавжуд мувозанатлик бузилишига олиб келади.

Шу сабабли, классик мактаб вакиллари тўлиқ бандлик шароитида даромад ва харажатлар тенглигини автоматик равишда таъминлайдиган умум иқтисодий мувозанатликнинг этарлича асосли назариясини ишлаб чиқди. Классиклар фикрича мослашув-чан миқдорлар ҳисобланган фоиз ставкаси, иш ҳақи, нарх даражаси капитал, иш кучи, пул бозорида талаб ва таклиф мувозанатлигини таъминлайди. Муомаладаги пул массасининг ортиши эса товар ва хизматлар реал оқимида ҳеч нарсани ўзгартирмайди, фақат миқдорлар номинал қиймати ўзгаришига таъсир кўрсатади.

Агар пул фоиз келтирса даромадларнинг бир қисми ликвидли (тез сарфланувчи) шаклда сақланмасдан қимматли қоғозларга ёки банк тизимига жамғарма сифатида жойлаштирилади. Фоиз олиш мақсадида қўйилган пул одатда инвеститсиялар манбаи ҳисобланади. Агар жамғармалар инвеститсия қилинмаса, ялпи талаб ва ялпи таклифлар ўртасидаги мувозанатлик бузилмайди[8].

Классик моделнинг асосий қоидаларидан кўриниб турибдики бозор иқтисодиётини харакатлантирувчи механизм “даромад жамғарма ва инвеститсия” занжирида намоён бўлади, даромадлар ўсиши жамғарманинг ўсишини рағбатлантиради ҳамда инвеститсияга айланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликни оширади. Натижада даромаднинг умумий миқдори яна ортади ва бу жамғармани купайтиради ва х.к.

Агар бозор тартибга солиш механизмига эга бўлса, давлат иқтисодиётига аралашмаслик сиёсатини қўллаб иқтисодий фаолликa таъсир кўрсатишдан сақланади.

- Классиклар фикрича иқтисодиёт ишлаб чиқариш омиллари тўлиқ бандлиги шароитида фаолият қилади. Шу сабабли ишлаб чиқариш ҳажми ўзининг потенсиал даражасига тенг келади;
- Нарх, фоиз ставкаси ва иш ҳақи мослашувчан бўлиб, уларнинг ўзгариши бозор мувозанатини сақлаб туради;
- Ишлаб чиқариш омиллари миқдори секин ўзгариши сабабли, тўлиқ бандлик шароитида ялпи таклиф реал ишлаб чиқариш ҳажмини, ялпи талаб эса нарх даражасини белгилайди.

## 2. Кейнсча модел

[8] Campbell R. McConnell. Economics principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed.198 pg

Классик моделда акс этган иқтисодий воқелик бир аср ўтиб "Буюк депрессия" даврида синовдан ўтмади ва янги пайдо бўлган омиллар таъсирини назарий умумлаштиришни тақозо этди. Бу бозордаги жараёнларни нархсиз механизмлар билан тушунитиришни зарур қилиб қуйди.

Бу вазифа иқтисодиёт назариясида янги йўналишни бошлаб берган Дж. М. Кейнс томонидан ҳал қилинди. Унинг назарияси макро даражадаги тахлил зарурлигини тасдиқлади ва XX асрнинг 30- йилларидан иқтисодиёт назариясининг расмий микро ва макроиқтисодга бўлинишигасабаб бўлди.

Дж.М. Кейнс биринчи бўлиб бозор иқтисодиётининг ўз- ўзини тартибга солишига лаёқатлилиги тўғрисидаги хукмрон қарашдан воз кечиб, макродаражада уни давлат томонидан тартибга солиш зарурлигини асослади.

У ўз-ўзини тартибга солиш дастаги ҳисобланган нарх, иш ҳақи ва фоиз ставкаси эгилувчанлигини инкор этди. Шу сабабли, Кейнс талабни рағбатлантиришга йўналтирилган фаол макроиқтисодий сиёсат зарурлиги тўғрисидаги қарашида қаттик турди. У ишлаб чиқариш ва бандликнинг ўзгариши таклиф омилларига эмас, балки ялпи талабга боғлиқлигини исботлади. Кейинс фикрича ялпи сарфлар таркибий қисмларидан ҳар бири, асосан истеъмол ва инвеститсиялар ўз-ўзича ўзгариб туриши мумкин.

Бандликнинг ортиши миллий даромад (МД) ўсишига олиб келади ва у истеъмолни белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. МД ҳажми қанчалик кўп бўлса, ялпи талаб ҳам шунчалик катта бўлиши зарур. Бироқ истеъмолга сарфлар даромадлар ўсган даражага мос равишда кўпаймайди. Бунинг сабаби Кейнс фикрича "асосий психологик қонун" ҳисобланиб даромдлар ўсиб бориши билан истеъмолга мойиллик пасаяди ва даромаднинг жамғармага йўналтириладиган қисми улуши нисбатан кўпроқ ортади. Натижада МД ҳажми қанчалик катта бўлса истеъмолчи реал талаби нисбатан шунчалик кам бўлади.

Айнан у ишлаб чиқариш ҳажми ва шу орқали бандлик даражасига таъсир кўрсатади. Истеъмолчилик сарфларидаги "етишмовчилик" инвеститсиялар билан қопланиши зарур. Бироқ Кейинс қарашича жамғарманинг ўсиши ўз-ўзидан инвеститсиялар кўпайишига олиб келмайди. Инвеститсиялар ўсишига 1) капитал унумдорлиги камайиб бориши қонуни амал қилиши туфайли кутилаётган фойда нормаси пасайиши ва 2) фоиз нормасига бевосита боғлиқ юқори ликвидликнинг (захирада нақд пулга эга бўлишига интилиш) афзал кўрилиши тўсиқ бўлади.

Кейнс нархнинг кам харакатчанлиги далилини ҳисобга олиб унинг ўрнига "сотиш ҳажми" кўрсаткичини илгари суради.

Бу ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатли ҳажми шаклланиш механизмини янгича тасаввур қилиш имконини беради. МД ҳажмининг ҳар қандай ўсиши ишлаб чиқариш ва шу орқали ялпи таклиф ҳажми ортишининг натижаси ҳисобланади.

Дж.М. Кейнс кишилар тасарруфидаги пул даромади ўсиб бориши билан истеъмолга кейинги мойиллик тушиб бориш қоидасини очиб берди. Бу даромадлар ортиб бориши билан жамғарма улуши ўсиб боришини англатади. Агар олинган барча даромад тўлиқ сарфланса талаб ва таклиф чизиқлари ўзаро мос тушган бўларди.

АС ва АД чизиқлари кесишган нуқта (А) тик ўқда ялпи талаб ва ялпи таклиф тенглигини (ОС кесма), ётиқ ўқда МДнинг мавжуд миқдори (ОН кесма ) бу мувозанатликни яъни иқтисодиёт мувозонатли ҳолатини таъминлашини кўрсатади.

Агар, МД мувозанатли хажм (ОН)дан кўп ($ОН_2$) бўлса ялпи талаб ($ОС_2$) ва ялпи таклиф ҳажми ($ОН_2$) ҳам ортади. Бунда ялпи таклиф ҳажми ўзининг ўсишида ялпи талаб ҳажмидан ортиб кетади, чунки МД ўсиб бориши билан унинг кўпроқ қисми жамғармага "чиқиб кетади"

Шундай қилиб , ялпи талаб ва ялпи таклиф ҳажми ўртасидаги мувозантлик талабнинг орқада қолиши туфайли бузилади.

Кейнс фикрича ривожланган бозор иқтисодиётида монополиялар мавжудлиги, ишалб чиқарувчилар ўртасида узоқ муддатли шартномалар амал қилиши, касаба уюшмаларининг иш ҳақи ставкаси барқарор бўлишига ҳаракатлари туфайли нарх механизми ишламайди. Шу сабабли, нарх эмас сотиш ҳажми камаяди ва бу ишлаб чиқариш ҳажми қисқаришига олиб келади. Мазкур қисқариш юқори нархлар ва ишсизликнинг ўсиши сақланиб қолганда рўй беради. Демак, тадбиркорлар ялпи талабнинг нарх ва иш ҳақи пасайиши ҳисобига эмас,

ишлаб чиқариш ҳажми қисқариши ва банд бўлганлар бир қисмининг бўшатилиши ҳисобига камайишига эътибор қаратади. Шу тариқа, макроиқтисодий мувозанатлик тикланади, бироқ бунда ишсизлар сақланиб қолади.

МД мувозанатли миқдоран ($H_1$) кам бўлганда ялпи талаб ($OC_1$) ялпи таклифдан ($OH_1$) ортиб кетади. Бундай шароитда, сотиш хажми кўпаяди, ишлаб чиқаришнинг ўсиши “талаб” орқали рағбат олади. Бироқ бу нафақат ишсизликнинг камайишига, балки нарх ўсиши (инфлясия)га олиб келади.

Ялпи талабнинг таркибий қисмларидан бири инветитсиялар ҳисобланади. Кейнс фикрича инвеститсион сарфлар ёки ялпи талабнинг бошқа қандайдир таркибларидаги ўзгаришлар тасаввур қилингандан кўра анча катта хафв туғдириши мумкин. Жумладан, инвеститсиялар ҳажмининг 100 бирликга камайиши даромадларининг 400, 500 ва ундан кўп бирликга қисқаришига олиб келиш мумкин ва аксинча.

Бундай ҳолат иқтисодий фанда мултипликатор самараси ёки кўпайтирувчи самара номини олган.

Мултипликатор самараси асосида бир кишининг сарфлари тезликда бошқаларнинг даромади бўлиб қолиш мумкинлиги ғояси ётади.

Мулкдорлар ўз даромадларининг бир қимини сарфлайди, бошқа қисмни жамғаради. Даромадни сарфлаб, улар ўз пулларини ишалб чиқарувчиларга узатади. Ялпи сарфларнинг бир қисмидаги ўзгариш миллий даромаднинг мувозанатли даражаси кўпайтирилган (мултипликатив) йўналишида ўзгаришига олиб келади. Бошқача айтганда иқтисодиёта “ташланган” инвеститсиялар миллий даромаднинг ўсиши шаклидаги занжирли реаксиясини келтириб чиқаради.

Мултипликатор - даромаднинг ўсиши ва мазкур ўсишни вужудга келтирган инвеститсиялар ҳажми ортиши ўртасидаги нисбатни ифодоловчи коеффитсиентдир.

Кейнснинг назарий қарашлари мазмунан давлат макродаражада барқарорлаштирувчи сиёсат юритиш зарур деган амалий хулоса чиқаришга олиб келади.

Бунда давлатнинг вазифаси, мос келувчи сиёсат ёрдамида мувозанатли даражани тўлиқ бандлик даражасига “кўчириш”дан иборат

Ресурслардан тўлиқ фойдаланишни таъминловчи ишлаб чиқариш даражаси мувозанатли нуқтадан юқорида жойлашса давлат ялпи талаб ҳажмини сунъий “ушлаб турувчи сиёсат” юритадики, бу инфлясияни пасайтиради. Бунга экспансия сиёсатига тескари тадбирларни қўллаш орқали эришилади. Яъни давлат сарфлари камайтирилади (ижтимоий дастурлар, трансферт тўловлари қисқартирилади), солиқ ставкалари оширилади, фоиз ставкаси кўтарилади.

Давлат сарфларининг камайиши аҳоли сотиб олиш лаёқатининг пасайишига олиб келса, солиқ ва фоиз ставкасининг ортиши инвеститсион фаолликни пасайтиради. Булар пировард натижада ялпи талабни қискартиради, мувозанатли нуқтани “пастга” суриб, инфлясион фарқни бартараф қилади.

## 5. Мувозанатли монетаристик модел.

XX аср 70-йилларида бозор иқтисодиётига давлатнинг аралашуви инфлясия ва иқтисодий ўсиш суръатлари пасайишининг асосий сабаби деб эътироф этилади. Бу хулоса Фридменга тегишлидир. Унинг назариясидаги асосий ғоя: хўжалик ҳаётига таъсир кўрсатувчи муҳим дастак пул ҳисобланади, барча иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари пул массаси миқдорига боғлиқ бўлади.

М.Фридмен эркин бозор ғоясига таянади, нархнинг стихияли механизмга аралашмаслик зарурлигини қайд қилади. Унинг макроиқтисодий монетаристик моделида стагфлясияга қарши курашда асосий тадбир сифатида пул массаси ўсишини чеклаш ғояси илгари сурилади.



**Milton Fridman (1912 – 2006 ) Amerika** **iqtisodchisi**

Кейнсчиликда асосий далил “експансия сиёсати” ҳисобланса, Фридмен биринчи ўринга “ушлаб туриш сиёсати”ни қўяди, яъни даромадлар ўсишини мақсадга мувофиқ чеклаш, ўз-ўзидан ялпи талаб мидори камайшини ва инфлясия пасайшини келтириб чиқаради. Ялпи талабнинг камайиши-бу ишчи кучига талабнинг ҳам қисқаришини англатади.

Фридмен инфлясиянинг пасайишини “ушлаб туриш” сиёсатининг асосий натижаси деб ҳисоблайди, уни “еркинлаштириш сиёсати” билан алмаштириш зарурлигини қайд қилади.

Монетаристик модел асосланган асосий даллилар қуйидагилар:

1. Бозор иқтисодиёти барқарорликка яъни ўзини-ўзи тартибга солишга интилади. Номутаносибликнинг вужудга келиши одатда давлат томонидан тартибга солишнинг натижаси ҳисобланади.

2. Мувозанатлик бузилганда нархлар ҳолатда уни тўғирлашни таъминловчи асосий дастак ҳисобланади. Пул таклифнинг ортиши маҳсулотлар нархи ўсишига олиб кеади, лекин у бир текис рўй бермайди. Талаб дастлаб арзон товарларга, кейин янги товарларга, охирида хизматларга қаратилади. Нахдаги ўзгаришлар таркибий ўзгаришларни тақозо қилади, натижада узоқ муддатли даврда барқарор ривожланиш учун шарт-шароит вужудга келади.

3. Пул дастаклари орқали тартибга солишнинг бош мақсади иқтисодий барқарорликни таъминлашга эришишдир. Бироқ бунда муомаладаги пул миқдорида нархларнинг ўсишига мос равишда унчалик катта бўлмаган кўпайиши рўй берса, товар миқдори ва пул массаси ўртасида мувозанатлик вужудга келади. Агар нархлар тез ўсса, назорат қилиб бўлмайдиган инфлясия бошланади[9].

4. Пулнинг харакати ва ЯММ ўсиши суръати ўртасида муқаррар узвий боғлиқлик мавжуд бўлади: пул массаси кўпайиши билан нархлар ўсиши рўй беради, бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиради.

5. Тартибга солиш узоқ муддатли вазифаларга йўналтирилиши зарур. Чунки пул массасидаги тебранишлар оқибати асосий иқтисодий кўрсаткичларда бирдагина эмас балки, бир мунча вақт ўтгандан кейин акс этади. У турли малакатлар учун бир хил бўлмасдан конюнктура ҳолати ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кейнсча ва монетаристик ёндашув бир биридан фарқ қилиб баъзан зиддиятларга ҳам эга бўлади. Бироқ ҳар икки модел даромадларни аниқлашнинг умумий назариясини ташкил қилиб маълум даражада бир-бирини тўлдиради. Кейнс даромадларнинг сарфларга, Фридмен эса унинг пул таклифига

[9] Campbell R. McConnell. Economics principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L.
Brue.– 17th ed.198-199 pg

миқдорий боғлиқлигини асослайди.

Фридмен шундай хулосага келади: давлатнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага аралашуви даражаси пул таклифининг назоратига таяниш зарур. Монетар назария Марказий банкнинг пул массаси ўсиш суръатини доимий ушлаб туриш қоидасига сўзсиз амал қилиши зарурлигини қайд қилади. Бу ўсиш меъёридаги инфлясияни (2.5дан 8%гача) ушлаб туриш учун этарлича паст бўлиши зарур. Бироқ у мазкур чегарадан пасайиб кетмаслиги лозим, чунки акс ҳолда ишлаб чиқаришнинг қисқариши рўй беради.

Мазкур консепсия XX асрнинг 80-йилларида кўплаб ривожланган мамлакатлар, хусусан АҚШ ва Англияда қўлланила бошланди. Натижада инфлясия суръати сезиларли даражада қисқарди. Айни вақтда ижтимоий дастурларга сарфларнинг сезиларли қисқариши аҳоли бир қисмининг иқтисодий фаровонлиги пасайишида ўзининг салбий натижасини топади. Бироқ бюджет тақчилиги муоммоси ҳал қилинмади. Ғарб мамлакатлари учун кейинги даврларда нафақат инфлясия балки бандлик, иқтисодий ривожланиш суръати ва даромадлар тенгсизлиги ҳам асосий муомма бўлиб қолди.

Қараб чиқилган макроиқтисодий моделларнинг ҳар бири маълум даражада ҳақиқий реал воқеликдаги боғлиқларни акс эттиради лекин уларнинг бирортаси ҳам мутлоқ тўғри назария бўла олмайди. Ҳар қандай модел муайян даврда кўп омилли ва кўп қиррали иқтисодий реаллик билан зиддиятга киришади[10].

Ҳозирги даврда турли давлатларда классиклар, кейнсчилар ва монетаристлар ёнадашувларини уйғунлаштириб, тартибга солишнинг этарлича ҳар хил дастакларидан фойдалнилди. Шу сабабли иқтисодий моделлар ҳозирги замон бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизмининг илмий асосларини ташқил қилиши тушунарли ҳолдир.

## 2-Мавзу : Ялпи талаб ва ялпи таклиф

### Амалий машғулот

**1. Жадвални тўлдиринг.**

Ялпи талаб ва ялпи таклифга қуйидаги омиллар қандай таъсир этади?

| Ҳолат | Нима ўзгаради?<br>(ялпи талаб, ялпи таклиф) | Қандай ўзгаради?<br>1 – эгри чизиқ ўнга чапга сурилади;<br>2 – эгри чизиқ бўйича ўзгаради;<br>3 – катталашади, қисқаради. |
|---|---|---|
| Бензинга аксиз солиғининг 10%га ортиши | | |

*Ечиш кетма-кетлиги.*

1. Ушбу ҳолат ялпи талаб ва ялпи таклиф омилларига қандай таъсир қилади.
2. Ушбу омил нарх воситасида таъсир этувчими ёки нархдан ташқарими.
3. Ўзгариш тавсифини аниқланг.
4. Жадвални тўлдиринг.

*1. Саволга жавоб беринг.*

Кейнсчилик ва классик моделда макроиқтисодий мувозанатнинг мазмуни ва моҳияти нимада?

*2. Жадвални тўлдиринг.*

Ялпи талаб ва ялпи таклифга қуйидаги омиллар қандай таъсир этади?

| Ҳолат | Нима ўзгаради?<br>(ялпи талаб, ялпи | Қандай ўзгаради?<br>1 – эгри чизиқ ўнга, чапга |
|---|---|---|

[10] Campbell R. McConnell. Economics principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed.199 pg

| | | |
|---|---|---|
| | таклиф) | сурилади;<br>2 – эгри чизиқ бўйича ўзгаради;<br>3 – катталашади, қисқаради. |
| Фоиз ставкасининг ўзгариши | | |

*Ечиш кетма-кетлиги.*

1. Ушбу ҳолат ялпи талаб ва ялпи таклиф омилларига қандай таъсир қилади?
2. Ушбу омил нарх воситасида таъсир этувчими ёки нархдан ташқарими?
3. Ўзгариш тавсифини аниқланг.
4. Жадвални тўлдиринг.

*Ечиш кетма-кетлиги.*

1. Ушбу ҳолат ялпи талаб ва ялпи таклиф омилларига қандай таъсир қилади?
2. Ушбу омил нарх воситасида таъсир этувчими ёки нархдан ташқарими?
3. Ўзгариш тавсифини аниқланг.
4. Жадвални тўлдиринг.
5. **Саволга жавоб беринг.**

Кейнсчилик ва классик моделда макроиқтисодий мувозанатнинг мазмуни ва моҳияти нимада?

1. *Жадвални тўлдиринг.*

Ялпи талаб ва ялпи таклифга қуйидаги омиллар қандай таъсир этади?

| Ҳолат | Нима ўзгаради?<br>(ялпи талаб, ялпи таклиф) | Қандай ўзгаради?<br>1 – эгри чизиқ ўнга, чапга сурилади;<br>2 – эгри чизиқ бўйича ўзгаради;<br>3 – катталашади, қисқаради. |
|---|---|---|
| Таълимга харажатларнинг ўзгариши | | |

## Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида хизмат кўрсатиш ҳажми, (млрд. сўм)

**2-жадвал**

| **Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари** | **2013 йил** | **2014 йил** | **Ўсиш суръати, %** |
|---|---|---|---|
| Темир йўл транспорти | 1108,0 | 1390,0 | 125,5 |
| Автомобил йўллари қуриш ва реконструксиялаш | 397,2 | 531,5 | 133,8 |
| шу жумладан: | | | |
| халқаро аҳамиятдаги | 175,9 | 251,9 | 143,2 |
| давлат аҳамиятидаги | 95,0 | 143,6 | 151,2 |
| маҳаллий аҳамиятдаги | 23,9 | 25,0 | 104,4 |
| Алоқа | 1375,0 | 1596,4 | 116,1 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| шу жумладан: | | | |
| симли алоқа | 264,0 | 304,9 | 115,5 |
| уяли алоқа | 952,0 | 1104,7 | 116,0 |
| Електр энергияси таъминоти | 1786,1 | 1820,1 | 101,9 |

Жадвал маълумотларига диққатни қаратинг. Ялпи талаб ва таклифда инфратузилманинг ўрнига баҳо беринг. Нима сабабдан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республикамизда инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор қаратилди, изоҳланг. Жадвални кейинги йиллардаги маълумотлар билан тўлдиринг ва уларни тахлил қилинг.

## 19-MAVZU: ISTE’MOL VA JAMG‘ARMA

## Amaliy mashg`ulot materiallari

**ЯИМда истеъмол ва жамғаришнинг улуши динамикаси**

**3-жадвал**

| Кўрсат-кичлар | **Йиллар** | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1991 | 1995 | 2000 | 2005 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 |
| **Жами ЯИМ** | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Истеъмол | 77,0 | 79,8 | 83,4 | 67,1 | 64,0 | 65,8 | 70,0 | 65,7 | 68,0 |
| Жамғариш | 26,8 | 24,2 | 13,9 | 23,2 | 31,6 | 28,8 | 20,4 | 26,5 | 28,9 |
| Соф экспорт | -3,8 | 2,9 | 0,7 | 9,7 | 4,4 | 5,4 | 9,6 | 7,8 | 3,1 |

**Рақамларга эътибор беринг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. ЯИМни йиллар давомида истеъмол ва жамғаришга шундай тарзда бўлиниши нимани кўрсатади? Таҳлил қилиб хулоса чиқариҳг ва фикрингизни баён қилинг.**




**Қуйидаги расмни тушунтириб беринг?**

## Асосий таянч тушунчалар

1. Истеъмол функцияси
2. Жамғарма функцияси
3. Истеъмолга ўртача мойиллик
4. Жамғаришга ўртача мойиллик
5. Автоном ялпи харажатлар
6. Истеъмолга меъёрий мойиллик
7. Жамғаришга меъёрий мойиллик
8. Автоном истеъмол харажатлари
9. Автоном ёки режалаштирилган инвеститсиялар
10. Ялпи инвеститсиялар

**Юқоридаги асосий тушунчаларга қуйидаги жавоблардан тўғрисини танланг:**

а) Истеъмол харажатлари билан алоҳида шахс ихтиёридаги даромад ўртасидаги боғланишни ифодалайди;

б) алоҳида шахс ихтиёридаги қўшимча олинган даромаднинг жамғармага сарфланган улуши. Уни жамғаришдаги ўзгариши (ΔС) нинг даромаддаги ўзгариши (Δди)га нисбати тарзида ҳисобланади;

в) йиллик потенсиал даромаднинг ҳар қандай даражасида ҳам ишлаб чиқарувчилар амалга оширишни кўзлаган инвеститсиялар. Жамғарма ҳажми билан (бошқа шароитлар тенг бўлган ҳолда) алоҳида шахс ихтиёридаги даромад ўртасидаги боғланишни кўрсатади;

г) истеъмол сарфларининг ҳажми ва динамикаси алоҳида шахс ихтиёридаги даромад ҳажмига боғлиқ бўлмаган, зарурият туфайли сарфланадиган қисми;

д) йил давомида алоҳида шахс ихтиёрдаги даромаднинг истеъмолга сарфланган қисми. Истеъмолнинг даромадга нисбати тарзида ҳисобланади;

е) соф инвеститсия билан модернизатсия (ёки эскирган асосий капиталнинг ўрнини тўлдириш) учун йўналтирилган инвеститсиялар;

ё) мамлакат миқёсида маълум вақт – йил мобайнида ҳажми ва динамикаси яратилган миллий даромадга боғлиқ бўлмаган, заруриятдан қилинадиган харажатлар;

ж) йил давомида шахс ихтиёридаги даромаднинг жамғармага йўналтирилган қисми. Жамғарманинг даромадга нисбати тарзида ҳисобланади;

з) алоҳида шахс ихтиёридаги қўшимча олинган даромаднинг истеъмолга сарфланган улуши. Истеъмолдаги ўзгариш (ΔС) нинг, даромаддаги ўзгаришга (Δди) нисбати тарзида ҳисобланади;

## Масала ва машқлар

1. А мамлакатнинг иқтисодиётида инвеститсия функцияси И = 80+0,8Й тенгликда, жамғариш функцияси эса С= – 40 + 1,2 Й тенгликда ифодаланади. Й- миллий даромад. Жамғарма 100% инвеститсияга айланади, десак, мамлакатда миллий даромаднинг мувозанатли ҳажмини ҳисобланг.

Нима сабабдан мувозанатли ҳажми деймиз? Изоҳланг.

2. Агар жамғариш фунсияси С = - 20 + 0,2Й тенгликда ифодаланиб, автоном инвеститсиялар эса 150 бирликни ташкил этса миллий даромаднинг мувозанатли даражаси қандай бўлади? Автоном инвеститсиялар қандай инвеститсиялар? Изоҳланг.

3. Мамлакатда автоном истеъмол харажатлари 20 млрд. сўмни ташкил этди. Истеъмолга ўртача мойиллик 0,675 га тенг, яратилган миллий даромад ҳажми 450 млрд. сўм бўлса, ялпи харажатларни ҳисобланг. Автоном истеъмол харажатлари қандай харажатлар? Тушунтиринг.

Қуйидаги жадвал маълумотларига диққат қилинг:

| Ишлаб чиқариш ва даромад | Истеъмол, трил. сўм | Жамға-риш, трил. | Ис-теъ-молга | Жам-ғариш-га | Истеъ-молга | Жамға-ришга |
|---|---|---|---|---|---|---|

| даражаси, ЯИМ=реал даромад, трил. сўм | | сўм | ўртача мойил-лик | ўр-тача мойил-лик | меъё-рий мойиллик | меъё-рий мойиллик |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 350 | | -4 | | | | |
| 370 | | 0 | | | | |
| 390 | | 4 | | | | |
| 410 | | 8 | | | | |
| 430 | | 14 | | | | |
| 450 | | 20 | | | | |

а) берилганлар асосида жадвални тўлдиринг. Меъёрий даромад ҳам истеъмол ва жамғаришга аввалги нисбатда бўлинади, деб олинг;

б) даромад нуқтасини аниқланг.

Нима сабабдан даромад ортган сари жамғариш ортиб бораяпти, изоҳланг. - Истеъмолга меъёрий мойиллик деганда нимани тушунамиз. Нега уларнинг йиғиндиси бирга тенг?

5. Айтайлик, А мамлакатда 1 млн. оила бор. Оилалар ярмининг истеъмолга меъёрий мойиллиги $^1/_2$, иккинчи ярминики $^3/_4$ га тенг:

А) агар уй хўжаликлари ихтиёридаги даромад 10 млн. сўмга кўпайса ва ҳаммаси оилаларнинг биринчи қисмига тўғри келса истеъмол харажатлари қанчага кўпаяди?

Б) агар ўсган даромадларни барчаси оилаларнинг иккинчи қисмига тўғри келсачи? Ҳисобланг, натижасини изоҳлаб беринг.

**Қуйидаги фикрларни Т/Н аниқланг**

1. Иқтисодиётга инвеститсия киритиб, олинган даромад даражасини аниқлаш учун мултипликатор коеффитсиенти кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин. У даромад ўсиши билан инвеститсия ўсиши ўртасидаги боғланишни ифодалайди.

2. Соф инвеститсия, бу асосий капиталга амортизатсия ҳисобланиб, у модернизатсияси учун сарфланади.

3. Жамғариш ва инвеститсияларнинг ҳажми ва динамикасига таъсир қилувчи омиллар бир хил бўлиб, ҳар иккисига ҳам бир хил таъсир қилади.

4. Кейнснинг фикрича, жамғарма билан инвеститсиянинг реал таклифи мувозанатига соф бозор механизми ёрдамида эришиш мумкин эмас. Жамғарманинг инвеститсияга нисбатан кўплиги ялпи талабнинг камайишига, ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликнинг қисқаришига олиб келади.

5. Инвесститсияларнинг нақадар муҳим рол ўйнашини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодиётга инвеститсияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

6. Қимматли қоғозлар бозори ва банк тизими молиявий ресурсларни инвеститсияларга айлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

7. Инвеститсион сарфлар истеъмол сарфларига нисбатан беқарор, чунки унга фоиз ставкаси динамикаси ва тадбиркорлар-нинг кайфияти катта таъсир қилади.

8. Истеъмол функсияси аниқ бўлсада, доимо жамғариш функсиясини аниқлаб, график чизиб бўлмайди.

9. Истеъмолга меъёрий мойиллик билан жамғаришга меъёрий мойилликнинг йиғиндиси доимо ҳам бирга тенг бўлавермайди.

10. Инвеститсияларни жалб қилиб, унинг самарадорлигини ошириш учун кўрилган чора-тадбирлар мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлайди.

**Уйга вазифа**

Уйга вазифани қуйидаги саволларга тақдимот, реферат ёки мустақил иш

шаклида талабалар олдиндан ўқитувчи электрон почтасига жўнатиш керак (тақдимот, реферат ёки мустақил иш ёзиш тартиби МТАЕМда институт WEБ-сайтида жойлашган)

**Саволлар:**

1. Инвеститсияларнинг ўзгарувчанлиги ва инвеститсон муҳитда хавф-хатарни ҳисобга олишнинг аҳамиятини кўрсатинг?
2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишда инвеститсион фаолликни таъминлаш вазифалари қандай?
3. Ўзбекистонда истеъмол фондларининг шаклланиши ва тақсимланиш хусусиятлари қандай?
4. Ўзбекистонда давлатнинг инвеститсион сиёсати ва унинг йўналишлари қандай?

**Адабиётлар рўйхати**

1. А.Ўлмасов, А.Вахобов, Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: ИҚТИСОД МОЛИЯ, 2014. – 456 бет.
2.Т.Жўраев, Д.Тожибоева, Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар, 2015. – 1,2 қисм.
3.Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2010. – 728 бет.
4. И.К.Станковская, И.А.Стрелетс. Экономическая теория. Учебник. 3-е изд., испр. – М.: «Ексмо», 2012. – 448 стр.
5.Самуелсон Пол э., Нордхаус Вилям Д. Экономика. Учебник. 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО «И.Д.Вилямс», 2010. – 1360 стр.

## 20-Mavzu. Moliyaviy investitsiya vs investitsion siyosat

# Amaliy mashg`ulot materiallari

**Қуйида келтириб ўтилган жадвални тушунтириб беринг?**

**Берилган топшириқни ишланг**

**Масалани ишланг.**

Фараз қилайлик, инвеститсия лойиҳаси учун 140 млн.сўм миқдорида инвеститсиялаш кўзда тутилмоқда ва лойиҳани амалга ошириш жараёнида олинадиган пул тушумлари миқдори йиллар бўйича қуйидагини: биринчи йилда – 37750 минг сўм, иккинчи йилда – 42390 минг сўм, учинчи йилда-47430 минг сўм, тўртинчи йилда – 51140 минг сўм ва бешинчи йилда 60030 минг сўмни ташкил этади. Бунда қопланиш муддати неча йилга тенг эканлигини аниқланг?

**Ечими:** Бунда уч йиллик пул тушумлари йиғиндиси бошланғич инвеститсиялар миқдоридан кичик, яъни 127570 минг сўмни ташкил этади. Тўрт йил бўйича катта (178710 минг сўм) эканлигини ҳисобга олсак, инвеститсияларнинг аниқ қопланиш муддати инвеститсия лойиҳасининг тўртинчи йилги фаолиятига боғлиқлигини кўрамиз. Уч йиллик олинган даромадларнинг (127570 минг сўм) бошланғич инвеститсиялардан (140 млн сўм) фарқи 12430 минг сўмни ташкил этишини ҳисобга олсак (140000 - 127570), ушбу қолдиқ сумманинг тўртинчи йилда олинган даромадларга нисбати унинг қопланиш муддатини кўрсатади, яъни

12430/51140=0,24 коеффитсиентни, йил ҳисобида эса 2 ой-у 28 кунни (3 йил+2 ой-у 28 кун) ташкил этишини ҳосил қиламиз. Шундай қилиб, инвеститсия лойиҳасининг қоплаш муддати, яъни лойиҳани амалга оширишдан олинадиган тушумлар қилинган харажатларни қоплаш вақти ҳисобланади.

*Тасаввур қилинг, ҳеч қандайистиқболли инвеститсия сердаромамлиликнинг кутилган 16 фоизлик даражасини келтириб чиқармайди. Аммо тахмин қилиб кўринг, сердаромамлиликнинг кутилган 14 ҳамда 16 фоизи даражаси билан $5 миллиардликинвеститсиялаш имкониятлари мавжуд; 12ва 14 фоизли билан қўшимча $5 миллиардик фойда; яна 10 ва 12 фоиз ўртасидаги $5 миллиардлик фойда; ҳар бир кетма-кет 2 фоизли фойдадаги қўшимча $5 миллиардлик ва 2 фоизликка 0 фоизлик фойда бор. Даромадлиликнинг ҳар бир даражаси, р, учун бу рақамларни ҳисоблаш учун даромадлиликнинг дарагаси р ёки ундан баландроғини юзага келтирадиган инвеститсиянинг миқдорларини қўшиб чиқамиз. Бу* ***Графи к 8.5 (Асосий Гра фи к)*** *даги гра фи к кўринишда тасвирланган Жадвал 8.2 даги маълумотларни беради. Жадвал 8.2 даги 12 фоизга қарши қўйилган рақам бу ерда сердаромамлиликнинг кутилган 12 ёки кўпроқ даражасини юзага келтирадиган $10 миллиардлик инвеститсия имконияти мавжуд эканини кўрсатади. $10 миллиард ўз ичига $5 миллиардлик инвеститсия сердаромамлиликнинг кутилган 14 ёки кўпроқ даражасини ва $5 миллиард инвеститсия эса сердаромамлиликнинг кутилган 12 ва 14 фоиз ўртасидаги даражасини олади. Юқорида келтириб ўтилган чархловҳи станок билан боғлиқ мисолдан маълум бўладики, сердаромамлиликнинг кутилган даражаси, р, реал фоизли ставкадан, и, ошиб кетса, инвеститсия лойиҳаси амалга оширилади. Келинг, аввал и ни 12 фоиз деб тасаввур қилайлик. Корхоналар р 12% дан ошиб кетгандаги барча пул маблағларини сарфл айди. Яъни, 12 фоизли фойда даражаси 12 фоизли фоизли ставкага тенглашгунга қадар улар пул маблағларини сарф қиладилар.*[134] *Гра фи к 8.5 $10 миллиардлик инвеститсия сарфи 12 фоизли фоиз ставкасиҳолатида амалга ошишини кўрсатади; бу дегани, $10 миллиардлик инвеститсия лойиҳалари сердаромамлиликнинг кутилган 12 фоизли ёки ундан кўпроқ даражасига эга бўлади. Келинг, яна бошқа усулни қўлаб кўрайлик: 12 фоизли молиявий ъпархдаъ, $10 миллиардлик инвеститсия товарлари талабе тилади. Агар фоиз ставкасипартроқ даражада, айтайлик, 8% бўлса, р и га тенг ёки ундан ошиб кетадиган инвеститсия миқдори $20 миллиардни ташкил этади. Шундай қилиб, 8 фоизли реал ставка даражасида $20 миллиардлик товарларга эҳтиёж сезади. 6 гоиздаеса, улар $25 миллиардлик товарларга эҳтиёж сезади.*[135]

**Топшириқ**

---

[134] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 155

[135] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 156




*Маржинал-фойда-маржинал– нарх қоидасини қўллаб, инвестисия лойиҳаси р = и нуқтага етгунча амалга оширилса, График 8.5даги вертикал ўққа реал фоизли ставкани қўшамиз. Гра фи к 8.5даги эгри чизиқ фойданормасинигина кўрсатади; у инвеститсиянинг ҳар бир и ънархидагиъталаб этилган инвеститсия миқдорини намоён этади. Гра фи к 8.5даги вертикал ўқ турли хил эҳтимолий реал фоизли ставкани кўрсатади ва горизонтал ўқ талаб этилган инвеститсиянинг мос келувчи миқдорларини акс эттиради. Фоиз ставкаси(нарх) ва талаб этилган инвеститсиянинг доллар миқдори орасидаги тескари боғлиқлик 3-Бўлимдаги муҳокама этилган қонунни тўғри эканлигини исбот қилади. Гра фи к 8.5 даги СД эгри чизиғи иқтисодиётнинг* ***инвеститсия талаб эгри чизиғи*** *дейилади. У ҳар бир реал фоизли ставкадаги яқинлашиб келаётган инвеститсия миқдорини кўрсатади. Инвеститсия даражаси сердаромадлиликнинг кутилган даражаси ва реал фоизли даражага боғлиқ бўлади.*

***Ишлаб Чқаришга Солинган Солиқлар*** *Қачон ҳукумат назарда тутилса, пул маблағларини сарф этиш учун қарор қилишларида фи рмалар солиқдан кейинг кутилган фойдалардан умид қиладилар. Ишлаб чиқарувчиларга солинадиган*




*солиқларидаги кўтарилишлар инвеститсияларни кутилган фойдалилигини пасайтиради ва инвеститсия талаб чизиғини чапга ва ишлаб чиқарувчиларга солинадиган солиқлари қисқаришини эса ўнгга силжитади.*

***Технологик Ўзгаришлар*** *Технологик юксалишлар яъни янги маҳсулот турларини яратилиши, мавжуд маҳсулотларни ишлаб чиқарилишида такомиллашувлар ва янги техника ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини яратилиши кабилар инвеститсияни рағбатлантиради. Мисол учун, самаралироқ техника жиҳозларини яратиш маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари пасайтиради ёки маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилайди ва техникага жалб этилган пул маблағларини сарф этишдан юзага келадиган даромаднинг кутилган даражасини оширади. (халестеролли дори-дармонлар, интернет хизматлари, юқори сифатли телевизорлар, уяли телефонлар ва шу кабилар) Фойда келтирадиган янги турдаги маҳсулотлар корхоналар кенг миқёсдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштиришга ўтгани сари инвеститсия кўтарилилиб бораверади*[136].

[136] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 160

## 3.5-Мавзу: Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик

**Режа:**

**3.5.1. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари**
**3.5.2.Иқтисодий ўсишнинг омиллар**
**3.5.3.Иқтисодий ўсиш моделлари**
**1.5.4.Миллий бойлик ва унинг таркиби.**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** таклиф омиллари, талаб омили, экстенсив иқтисодий ўсиш, самарадорлик омили,

### 3.5.1. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари

Иқтисодчилар иқтисодий ўсишга қуйидача таъриф беради:

• Маълум йиллар мобайнида реал ЙИМдаги ўсиш.

• Маълум йиллар мобайнида реал ЙИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши.

Юқоридаги таърифл арни хоҳлаган бирига мурожаат қиладиган бўлсак, иқтисодий ўсишнинг чорак ёки ҳарйилги фоиз ставкаси сифатида ҳисоблаб чиқилади.

Иккинчи таъриф эса аҳоли сони ҳисобга олади. Аҳоли жон бошига реал ЙИМ реал ЙИМ ни аҳоли сонига бўлиш орқали аниқланади. Кейин эса чиққан натижа аввалги йилдаги натижа билан фоизлар ҳисобида таққосланади.

Ўсиш иқтисодий мақсадни белгилаб беради. Умумий маҳсулотни аҳолига нисбатан кенгайиши иш-ҳақиларни ўсишига олиб келади ва шунинг билан биргалида аҳолининг турмуш даражасини кўтарилишига сабабчи бўлади. Юқори ўсиш билан ривожланаётган иқтисодиёт кишилар эҳтиёжларини яхшироқ қондиришга ва ижтимоий ҳамда иқтисодий муаммоларни ҳал этишга имконият яратади. Ўз навбатида, иш ҳақиларни ошиши кишиларга кўпроқ дам олиш, шахсий компютерларни сотиб олиш ва оилй таълимда таҳсил олиш каби имкониятларни яратиб беради. Тобора юксалиб бораётган иқтисодиёт аҳолини кам таъминланган қатламини аҳволини яхшилаш, санъатни ривожлантириш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш каби муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради[137].

Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши кўп омилли ва шу билан бирга зиддиятли жараён ҳисобланади. Иқтисодий ривожланиш ҳеч қачон бир текис, юқорилаб борувчи чизиқ бўйича рўй бермайди.

Шу аёнки, ҳар қандай жамиятда ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш ва фаровон яшаш учун иқтисодий ўсиш юз бериши керак. Иқтисодий ўсиш - деганда иқтисодий равнақни, яъни иқтисодиётнинг динамик ривожланишини, яратилган товарлар ва хизматларнинг кўпайиб боришини тушунамиз. Аммо иқтисодий ривожланиш ҳеч қачон бир текис, юқорилаб борувчи чизиқ бўйича рўй бермайди. Иқтисодий ўсишни икки даражада олиб қараш мумкин. Микроиқтисодий ва макроиқтисодий ўсиш. Микроиқтисодий ўсиш фирма, корхона ва тармоқ миқёсидаги ривожланишни акс эттиради ва уларда ўсиш яратилган товарлар ва хизматларнинг бозор нархида ҳисобланган ҳажмига қараб аниқланади. Макро-иқтисодий ўсиш миллий иқтисодиёт, яъни муайян мамлакат миқёсидаги иқтисодий тараққиётни ифода этади ва ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯММ) кўпайишини билдиради. ЯММ ҳажми иқтисодий ўсишнинг умумлашган пулда ифодаланган кўрсаткичи ҳисобланади. Шу билан биргаликда, иқтисодий ривожланиш ўз ичига

[137] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar,muammolar va siyosat. O'n yettinchi Nashr. 125 b.

юксалиш ва инқироз даврларини, иқтисодиётдаги миқдор ва сифат ўзгаришларни, ижобий ва салбий томонларни олиб нотекис боради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг олдинги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна бир корхона қурилади. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш: янада прогрессивроқ ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потентсиалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса ошириш учун мавжуд корхонага тенг бўлган яна бир корхона қуришга ҳожат йўқ. Бу натижага ишлаб турган корхонани реконструктсия қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин.

Иқтисодий ўсишнинг жисмоний кўрсаткичлари анча аниқ натижа беради, (чунки улар инфлятсия таъсирига берилмайди), лекин унверсал эмас (иқтисодий ўсиш суръатларини ҳисоблашда ҳар хил неъматлар ишлаб чиқаришни умумий кўрсаткичга келтириш қийин). Қиймат кўрсаткичлар кенг қўлланилади, аммо ҳар доим ҳам уни инфлятсиядан тўлиқ «тозалаш» мумкин бўлавермайди. Шу сабабли иқтисодий ўсиш суръатлари қиёсий ёки доимий нархларда ҳисобланади.

**Макроиқтисодий даражада иқтисодий ўсишнинг асосий қиймат кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:**

1. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг мутлоқ ҳажми ва унинг ўсиш суръати;
2. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг аҳоли жон бош ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати;
3. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати;

Иқтисодий ўсишни аниқлашда ҳар учала кўрсаткичдан ҳам фойдаланиш мумкин, лекин уларнинг аҳамияти турлича.

**70 қоидаси** деб номланган математикя қинлашиви иқтисодий ўсишнинг миқдорий жиҳатдан тушунишга ёрдам беради. Бундан фойдаланиб, йиллик ўсиш фоизи берилган бўлса, бирор ўлчамни икки баравар ошишига олиб келадиган йилла сонини 70 сонига бўлиш орқали топиш мумкин.

$$\text{YIM ni 2 baroba ko'payishi uchun ketadigan yil} = \frac{70}{\text{YIM ni yillik o'sishi}}$$

Мисоллар: Ўсишнинг йиллик 3 фоизли даражаси реал ЙИМни тахминан 23(= 70 ÷3) йилд ЙИМ ни икки баробарга кўпайтиради. Йиллик 8 фоизлик ўсиш ЙИМни тахминан 9 (= 70÷8) йилда икки баробарга кўпайтиради. 70 қоидаси одатда кенг маънода қўлланиладиган қоидадир. Мисол учун, у нарх даражаси ва жамғармаларниулуш ва инфл ятсиянинг турли фоизлардаги даражаларида икки маротаба оширишга олиб келиши учун қанча вақт талаб этлишини ҳисоблашда қўл келади. Кўп йиллар мобайнида йиғилиб бориб, ўсиш даражасидаги сезиларли кичкина фарқ ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Тасаввур қилинг, Хитой ва Италиянинг ЙИМлари бир хил, аммо Хитой йиллик 8 фоизлик даражада ўсмоқда, ваҳоланки Италия 2 фоизли даражада ўсмоқда. Хитойнинг ЙИМ тахминан 9 йилда икки маротабага ўсади, ваҳоланки Италиянинг ЙИМ 35 йилларда икки баробарга кўпаяди[138].

### 3.5.2. Иқтисодий ўсишнинг омиллар

Иқтисодий ўсишнинг 6 асосий элементлари мавжуд. Биз уларни таклиф, талаб ва самарадорлик омиллари сифатида гуруҳлашимиз мумкин.

**Таклиф Омиллари**

Иқтисодий ўсишнинг 4 омили иқтисоднинг жисмоний кенгайиш обилиятига боғлиқ. Улар:

• Табий манбаларнинг миқдори васифатининг кўтарилиши.

• Ишчи кучидаги миқдорий ва сифат ўсиши.

• Капитал ресурслар таъминотидаги ўсиш.

• Технологияларнинг яхшиланиши.

Бу таклиф омиллари – ишлаб чиқаришнинг жисмоний ва техник омиллардаги ўзгаришлар–иқтисоднинг потенсиал ЙИМни кенгайтириш имкониятини беради.

**Талаб Омили**

Иқтисодий ўсишнинг бешинчи элементи бу талаб омилидир:

• Таклиф омиллари, хўжаликлар, тадбиркорлар томонидан яратилган юқори ишлаб чиқариш потенсиалига етиш ва хукумат иқтисоднинг кенгайиб бораётган махсулотлари ва хизматларини сотиб олиши керак.

Бу юзага келганда материал захиралар ва манбаларда режалаштирилмаган ўсиш бўлмайди ва тўлиқ бандлик сақланиб қолади. Иқтисодий ўсиш кенгайган ишлаб чиқариш имкониятлари томонидан яратилган ишлаб чиқариш фойдаларини амалга оширишда умумий чиқимлар ўсишини талаб этади.

**Самарадорлик омили**

Иқтисодий ўсишнинг 6 элементи самарадорлик омили:

• Ишлаб чиқариш потенсиалига етиш учун иқтисод иқтисодий самарадорликка тўлиқ бандлик каби етиши керак.

Одамларнинг яхши хаётини максималловчи махсулот ва хизматлар аниқ бирлашмасини ишлаб чиқишда иқтисод ўзининг манбаларини энг пастт чиқимли йўл билан ишлатиши керак (ишлаб чиқариш самарадорлиги) (тарқатма самарадорлик). Ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконияти мавжуд манбалардан фойдаланиш билан биргаликда максимал ўсиш имкониятларига етиш учун етарли эмас.

Бундан ташқаи талаб этилгани бу манбаларнинг фойдаланилши самарадорлиги. Иқтисодий ўсишдаги таклиф, талаб ва самарадорлик омиллари бир бири билан боғлиқ. Етарли бўлмаган чиқимлардан келиб чиққан ишсизлик (талаб омили) янги капитал йиғилиш даражасини камайтириши мумкин (таклиф омили) ва тадқиқотлар

[138] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar,muammolar va siyosat. O'n yettinchi Nashr. 125-126 b.

учун чиқимларни кечиктириши мумкин (таклиф омили). Бунга қарама қарши инвеститсия учун кам чиқимлар (таклиф омили) самарасиз чиқимларга (талаб омили) ва ишсизликга сабаб бўлиши мумкин. Манбалардан фойдаланишдаги кенг тарқалган самарасизлик (самарадорлик омили) хизмат ва махсулотларнинг юқорироқ нархларига айланиши ва ўз ўрнида инноватсияни пастайтирувчи ва капитал йиғимини камайтирувчи (таклиф омили) фойдани камайтириши мумкин. Иқтисодий ўсиш динамик жараён бўлиб унда таклиф, талаб ва самарадорлик омиллари барчаси ўзаро алоқада бўлади[139].

**Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллар иқтисодиётнинг жисмоний ўсиш лаёқатини белгилаб беради, улар таклиф омиллари деб ҳам аталади. Бу омиллар қуйидагилар:**

1) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;

2) меҳнат ресурслари миқдори ва сифати;

3) асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми;

4) технология ва фан-техника тараққиёти.

1) Манбалар ўлчами ва тарқалиши иқтисоди унумдорлик ўсишининг учинчи ва тўртинчи манбалари бўлиб биргаликда ишлаб чиқариш ўсишининг 15 фоизини билдиради.

2) Таълим Бериш ва Тайёрлаш. Бен Франклин айтганидек “мутахассисликка эга одам бойликка эга бўлади,” бунинг маъноси илм ва тайёргарлик ишчи кучи капитал захирасига ҳисса қўшса билим ва кўникмалар ишчининг унумдорлигини

таъминлайди. Инсон капиталаига инвеститсиялар бу нафақат расмий таълим бундан ташқари ишдаги ўрганишга ҳам боғлиқ. Жисмоний капиталга инвеститсиялар каби инсон капиталига инвеститсиялар меҳнат унумдорлиги ва фойда тушунчалари учун муҳим. Ҳисобларга кўра 15% унумдорлик ўсиши одамларнинг таълими ва кўникмаларига қилинган инвеститсиялар.

Аҳолининг меҳнат сифати кўрсатгичларидан бири бу таълим, тайёргарлик даражасидир. 1960 йилда АҚШ халқининг фақатгина 41 фоиз 25 ёш ва ундан ката аҳолиси камида мактаб таълимига эга эди; ва 8 фоизигина коллеж ёки коллеждан кейинги таълимга эга эди. 2004 йилга келиб бу кўрсатгичлар 58 ва 28 фоиз кўринишига келди. Шуниси аниқки охирги вақтларда АҚШда таълим олиш кўпроқ одам учун имкониятли бўлди.

3) Капитал Қиймати. Ишлаб чиқаришнинг ўсишига иккинчи асосий ҳисса бу капиталнинг ўсиши ва у 30% га яқин унумдорликнинг ўсиши билан тушунтирилади. Кўпроқ ва яхшироқ қурилма ва ускуналар ишчиларни унумлироқ қилади. Ва давлат фойданинг бир қисмини сақлаб қолиш билан кўпроқ капитал

олади ва уни заводлар ва ускуналарга инвеститсия қилади.

Ба`зи капитал меҳнатни ўрнини босишда ишлатилсада копроқ капитал меҳнатни тўлдирувчи ҳисобланади – бу меҳнатни унумлироқ қилади. Меҳнат унумдорлигининг асосий аниқловчиси ҳар бир ишчи учун фойдаланиш имкониятидаги капитал миқдоридир. Агар капитал махсулотлар жами захираси ва ишчи кучи миқдори иккалави ҳам берилган давр мобайнида ўша ишчининг яхшироқ ускуналар билан таъминланиши ва унумдорликни ўсиши керак бўлмайди. Лекин ҳар бир АҚШ ишчисига капитал асосий фойдаланиш имконияти бор ускуналар вақт ўтиши билан тез ўсди (2003 йилда бу ҳар бир ишчига 83 466$ эди).

---

139 Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar, muammolar va siyosat. O’n ettinchi Nashr. 303-304 b.

Давлатнинг АҚШ инфратузилмасига инвеститсиялари (автўйўллар ва кўприклар, ижтимоий транзит тизимлари, оқава сувлар тизими, сув таъминоти имкониятлари, аеропорт, таълим ва шу кабилар) ҳам йиллар давомида ўсди. Бу ижтимоий капитал (инфратузилма) шахсий капитални тўлдиради. Янги автўйўлларга инвеститсия қилиш шу йўллар бўйлаб янги ишлаб чиқаришлар ва магазинлар учун шахсий инвеститсиялар имконини яратади. Маҳаллий ҳокимиятлар томонидан яратилган саноат парклари ишлаб чиқарувчилар ва сотувчиларни жалб этади.

Инфратузилмага хусусий инвеститсиялар ҳам иқтисодий ўсишда муҳим ўрин тутади. Бир мисол бу йиллар давомида алоқа тизимлари билан боғлиқ шахсий капиталларнинг ошишидир.

4) Технологик ўсиш. Ишлаб чиқариш унумдорлигининг иқтисодий ўсиш учун муҳимлиги унумдорлик ўсишига хоссасини қўшувчи омилларни кенгроқ тушунтирилишини талаб этади. Энг катта ҳисса қўшувчи бу технологик ўсиш бўлиб у унумдорлик ўсишининг 40% ни ташкил этади. Иқтисодчи Пол Ромернинг фикрига кўра "инсоният тарихи бизни иқтисодий ўсишнинг асоси бу қанча кўп овқат қилиш эмас уни яхшироқ ретсептлардан фойдаланган ҳолда қилишга боғлиқлигини ўргатади".

Технологик ривожланиш ўз ичига фақат инноватсион ишлаб чиқариш техникаларини эмас, балки ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи янги бошқарув усуллари ва янги тадбиркорликни ташкил этиш йўлларини олади. Умуман олганда, технологик ривожланиш бу янги билимларнинг ихтироси бўлиб унумдорликни ривожлантирувчи ривожланган йўллар билан манбаларни қўшиш имкониятини беради. Бир марта ихтиро қилинган ва қўлланилган янги билимлар яқин орада барча тадбиркорлар ва корхоналар учун нисбатан пастроқ нархларда фойдаланиш имкониятини беради. Технологик рижожланиш шунинг учун бутун иқтисод орқали тарқалиб унумдорлик ва иқтисодий ўсишни ўстиради.

Технологик ривожланиш ва капитал киритиш яқиндан боғлиқ чунки технологик ривожланиш одатда янги қурилмалар ва ускуналарга инвеститсиялар учун имконият яратади. Аслида технологик ривожланиш янги капиталда ўз аксини топади. Масалан, янги компютерлар олиниши саноатга тезроқ ва кучлироқ янги технология компютерларини олиб киради[140].

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган **«таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда»** Иқтисодий ўсишга тақсимлаш омиллари ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш потентсиалидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб борувчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутлоқ миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи, таклиф ва тақсимлаш омиллари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Масалан, ресурслар миқдорининг ўсиши ва сифатининг яхшиланиши, технологияни такомиллаштириш иқтисодий ўсиш учун имконият яратади. Тўлиқ бандлик ва ресурсларни самарали тақсимлаш бундай ўсишни рўёбга чиқаради.

### 3.5.3. Иқтисодий ўсиш моделлари

[140] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar,muammolar va siyosat. O'n ettinchi Nashr. 308-310 b.

Иқтисодий ўсишнинг барча моделлари «ишлаб чиқариш функтсияси» каби маҳсулот чиқариш ҳажми ва сарф қилинган иқтисодий ресурслар миқдори ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, иқтисодий ўсишнинг кўпчилик моделларида ишлаб чиқариш реал ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш асосий омиллари – меҳнат (Л) ва капитал (К) миқдорининг ўзгариши билан боғланади

Иқтисодий ўсиш моделлари:

**Кенгайтирилган жами талаб жами таклиф модели**

Қуйидаги расмда биз жами талаб – жами таклиф моделидан АҚШ иқтисодий ўсишини кўрсатиш учун фойдаландик. (Модел қисқа муддатли ва узоқ муддатли жами таклиф ўртасидаги фарқни кўрсатиш учун кенгайтирилган).

Дейлик иқтисоднинг жами талаб эгри чизиг`и, узоқ муддатли жами таклиф эгри чизиг`И ва қисқа муддатли жами таклиф эгри чизиг`И бошида $АД_1$, $АС_{ЛР1}$ ва $АС_1$ кўрсатилганидек. Нарх даражаси мувозанати ва реал ишлаб чиқариш даражаси П1 ва $Қ_1$ . $П_1$ нарх даражасида қисқа муддатли жами таклиф $АС_1$ ; у тепага букилган чунки қисқа муддатда нарх даражасидаги ўзгаришлар корхоналарни уларнинг ишлаб чиқаришларини ўзгартиришларига сабаб бўлади. Узоқ муддатли истиқболда лекин нарх даражаларидаги ўзгариш иқтисоднинг реал ишлаб чиқаришига таъсир қилмайди, узоқ муддатли жами таклифни иқтисоднинг потенсиал ишлаб чиқариш даражасида $Қ_1$ да вертикал қолдиради. Бу потенсиал ишлаб чиқариш даражаси олдинроқ гаплашилган таклиф ва самарадорлик омилларига боғлиқ.

Енди дейлик таклиф омилларидаги ўзгаришлар (манба ва технологияларнинг миқдори ва сифат) узоқ муддатли жами таклиф эгри чизиг`ини ўнгга $АС_{ЛР1}$ дан $АС_{ЛР2}$ га суради. Иқтисоднинг потенсиал ишлаб чиқариши реал ишлаб чиқаришнинг $Қ_1$ дан $Қ_2$ га кенгайишида кўрсатилгандек ўсади. Жами талабдаги ўзгаришларсиз ва узоқ муддатли жами таклифда $АС_{ЛР1}$ дан $АС_{ЛР2}$ га ўсади, реал ЙИМни кенгайтиради ва нарх даржасини пастайтиради



(a)
Ishlab chiqarish imkoniyatlaridagi o'sish

.



(b)
Uzoq muddatli jami taklifda o'sish

АҚШдаги ўсишни жами талаб – жами таклиф модели орқали кўрсатади. Узоқ муддатли жами таклиф ва қисқа муддатли жами таклиф вақт ўтиши билан $АС_{ЛР1}$ дан $АС_{ЛР2}$ га ва $АС_1$ дан $АС_2$ га каби ўсди. Шу вақтнинг ўзида жами талаб ўнгга $АД_1$ дан $АД_2$ га сурилди. Бу бирлашган сурилишларнинг реал натижаси реал ишлаб чиқаришдаги $Қ_1$ дан $Қ_2$ га ўсиш кўринишида кўрсатилган иқтисодий ўсиш бўлди, шу билан бирга нарх даражасида $П_1$ дан $П_2$ га ўсиш холатида кўрсатилган паст инфлятсия бўлди[141].

141 Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar, muammolar va siyosat. O'n yettinchi Nashr. 305-306 b.




2. Е.Домар модели - Бу модел меҳнат бозорида ортиқча таклиф мавжуд бўлиши, нарх даражасининг доимий тақозо қилишини ва маҳсулот чиқариш ҳажми фақат ягона ресурс – капитал миқдорига боғлиқ бўлишини кўрсатади. Унга кўра инвеститсияларнинг ўсиш суръати иқтисодиётда талаб ва таклиф кўпайишининг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

3. Р.Ф.Харрод модели - Бу моделга «табиий» ўсиш суръати тушунчаси киритилади. Бу фаол аҳоли сони кўпайиши ва техника тараққиёти натижасида келиб чиқадиган ўсиш суръати бўлиб, у меҳнат ва капитал омилларининг тўлиі бандлигини таъминлайди.

4. Р.Солоу модели - Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро ўрнини босиш мумкинлиги ҳисобга олинади. Бу моделда иқтисодий таҳлилнинг асосий шарт-шароитлари: капитал кейинги унумдорлигининг пасайиб бориши, ишлаб чиқариш миқиёсидан олинадиган самара ва капитал хизмат қилиш даврининг доимийлиги, инвеститсион лагнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

### 3.5.4. Миллий бойлик ва унинг таркиби.

Миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий, номоддий ва интеллектуал ҳамда табиий бойликлардан иборатдир.

Одамлар товар ва хизмат турларидан фойдаланишни хоҳлашлари сир эмас. Аммо бу товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун табиий ресурслардан фойдаланишни тақозо қилади. Қуёш энергияси, ўрмонлар ва баъзи денгиз жониворлари сингари табиий ресурслар тикланадиган ресурслар ҳисобланиб, улардан истаганча фойдаланиш мумкин. Нефт, темир рудаси, ва кўмир каби бошқа ресурслар ўзгармас таклиф шаклида бўлиб (яъни нархнинг ошиб бориши билан таклиф ошиб бормайдиган ҳолатдир), улардан бир маротабагина фойдаланиш мумкин[142].

Миллий бойликнинг бир қисмини инсон меҳнатининг натижаси ҳисобласак, бошқа қисми табиат бойликларидан иборат бўлади. Шундай экан миллий бойлик кенг маънода ўз ичига нафақат моддий ва номоддий неъматлар, яратилган санъат асарлари, интеллектуал салоҳиятни балки барча табиат ресурслари ва бойликлари ҳамда такрор ишлаб чиқаришнинг табиий иқлим шароитларини ҳам олади. Миллий бойликнинг бу барча таркибий қисмларини миқдоран, қиймат ўлчовларида

[142] Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue. Economics: Tamoyillar, muammolar va siyosat. O’n yettinchi Nashr. 27W-1 b.

ҳисоблаб чиқиш бир қатор объектив сабабларига кўра анча қийин, жумладан унинг табиат инъомларидан иборат қисми инсон меҳнатининг натижаси ҳисобланмайди ва қиймат ўлчовларига эга эмас. Шу сабабли иқтисодий таҳлил амалиётида миллий бойликнинг тор маънодаги тушунчасидан фойдаланилади. Тор маънода миллий бойлик инсоният меҳнати билан яратилган ва такрор ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган барча моддий бойликлардан иборат бўлади. Миллий бойликнинг бу қисми миллий иқтисодиёт ривожининг бутун тарихи давомида доимий такрорланиб турувчи ишлаб чиқариш жараёнининг умумий натижаси сифатида чиқади ва моддий буюмлашган шаклда намоён бўлади. У кишиларнинг кўплаб авлоди меҳнати натижаси ҳисобланади.

**Айтилганлардан келиб чиқиб, миллий бойликни шартли равишда қуйидаги учта йирик таркибий қисмларга ажратиш мумкин:**

1. Моддий буюмлашган бойлик.
2. Номоддий бойлик.
3. Табиий бойлик.

Моддий буюмлашган бойлик охири оқибатда ишлаб чиқариш-нинг, унумли меҳнатининг натижаси ҳисобланади. У ишлаб чиқариш-да яратилган маҳсулотларнинг жорий истеъмол қилишдан ортиқча қисмини жамғариш оқибатида вужудга келади ва ўсиб боради.

Аммо моддий буюмлашган бойликни қатор йиллардаги йиллик ялпи маҳсулотлар йиғиндиси сифатида тасаввур қилиш нотўғри бўлур эди. Чунки бу бойликнинг бир қисми ҳар йили ишдан чиқиб, қайтадан янгиланиб туради (ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари). Шу сабабли ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплаш билан бир вақтда ялпи маҳсулотнинг фақат бир қисми моддий буюмлашган бойлик сифатида жамғарилиб борилади. Демак, қоплаш фонди ва моддий буюмлашган бойликнинг ўсиши ялпи миллий маҳсулот ҳисобига амалга оширилади.

Миллий бойликнинг ҳажмини биринчи бор Англияда 1664 йилда У. Петти ҳисоблаган. Бу курсаткич Францияда 1789 йилда, АҚШда 1805 йилда ва Россияда 1864 йилда ҳисобланган. Ўзбекистон Респуликаси миллий бойлигининг ҳажми 1991 йил 1 сентябрдан ҳисоблана бошланди. Умуман, эвропада қўлланадиган МХТ консепсиясига асосан Ўзбекистон Республикаси миллий бойлиги қуйидагилардан ташкил топади.

1) Табиий ресурслар.
2) Инсон меҳнати туфайли йиғилган моддий бойликлари.
3)Молиявий ресурслар.

## 5-Мавзу: Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик
## Амалий машғулот
### Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

**1-жадвал**

| **Кўрсаткичлар** | **Йиллар** | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **2000** | **2001** | **2002** | **2003** | **2004** | **2005** | **2007** | **2008** | **2009** | **2010** | **2011** | **2012** |
| Саноат маҳсулоти | 105,9 | 107,6 | 108,3 | 106,2 | 109,4 | 107,3 | 112,1 | 112,7 | 109.1 | 108.5 | 106.4 | 107.7 |
| Истеъмол моллари ишлаб чиқариш | 106,2 | 107,6 | 108,4 | 108,5 | 113,5 | 116,6 | 118,8 | 117,7 | 113.9 | 112.4 | 111.1 | 107.8 |
| Қишлоқ хўжалиги | 103,1 | 104,2 | 106,0 | 107,3 | 108,9 | 106,2 | 106,1 | 104,5 | 105.8 | 106.9 | 106.6 | 107.0 |
| Хизмат кўрсатиш | 115,7 | 114,7 | 108,6 | 109,5 | 113,8 | 116,3 | 126,6 | 121,3 | 108.5 | 112.5 | 115.7 | 114.2 |
| Қурилиш ишлари | 103,0 | 103,4 | 103,4 | 103,7 | 104,3 | 110,7 | 115,7 | 108,3 | 134.2 | 105.1 | 107.8 | 113.7 |
| Транспортда юк ва йўлов-чи ташиш ҳажми | 112,8 | 102,2 | 106,3 | 107,4 | 106,3 | 106.6<br>115.4 | 107.3<br>114.1 | 106.4<br>113.9 | 92.8<br>109.4 | 100.0<br>108.7 | 104.0<br>107.8 | 105.8<br>108.1 |
| Чакана савдо айланмаси | 107,6 | 109,6 | 102,1 | 104,2 | 105,2 | 105,1 | 121,0 | 117,2 | 119.3 | 113.6 | 117.1 | 113.9 |

Жадвал маълумотларига диққат қилинг. Жадвални кейинги йил маълумот-лари билан тўлдиринг, уларни таҳлил қилинг. Рақамлардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Изоҳланг.

### Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида ўсиш суръатлари

(аввалги йилга нисбатан фоизда)

**2- жадвал**

| **Кўрсаткичлар** | Йиллар | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2012 |
| Саноат ишлаб чиқариши | 7,3 | 12,1 | 12,7 | 9,0 | 8,3 | 6,3 | 7,7 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш | 6,2 | 6,1 | 4,5 | 5,7 | 6,8 | 6,6 | 7,0 |
| Чакана савдо айланмаси | 8,2 | 21,0 | 7,2 | 16,6 | 14,7 | 16.4 | 13,9 |
| Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш | | 20,6 | 21.3 | 12,9 | 13,4 | 16,1 | 14,2 |

Жадвал рақамларига диққат қилинг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Мамлакатимизда ЯИМнинг реал ўсишида ҳамда иқтисодий ўсишнинг барқарор-лигини таъминлашда тармоқ ва соҳаларнинг ролини аниқланг. Барқарор иқтисодий ўсиш деганда нимани тушунамиз? Изоҳланг!

### Асосий таянч тушунчалар

1. Иқтисодий ўсиш
2. Иқтисодий ўсиш суръати

6. Миллий бойлик (назарий жиҳат-дан)

3. Экстенсив иқтисодий ўсиш
4. Интенсив иқтисодий ўсиш
5. Миллий бойлик (МҲТ методикаси бўйича)
7. Моддий буюмлашган бойлик
8. Номоддий бойлик
9. Иқтисодий ўсиш моделлари

**Юқоридаги асосий тушунчаларга қуйидаги жавоблардан тўғрисини танланг:**

а) Ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш йўлларини кўрсатувчи андозалар;

б) аҳолининг саломатлиги, маданий-маънавий, интеллектуал салоҳияти, тўплаган билими, малака, маҳоратида ифодаланган бойлик;

в) мамлакатнинг асосий ва айланма капитал, моддий захиралар, аҳолининг мол-мулки, табиий бойликлар, тарихий обидалар, архитектура ёдгорликларида ифодаланган бойлик;

г) муайян жамиятнинг асрлар оша, ўз тарихи давомида тўплаган неъматларининг жамидир;

д) тараққиёт асоси бўлиб, мамлакат ихтиёридаги меҳнат туфайли яратилиб жамғарилган моддий неъматлар, олтин, чет эл валюталари, номоддий активлар ва қадриятлар, ҳисобга олинган ва хўжалик айланмасига жалб этилган эр ва табиий ресурслардан иборат;

е) ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига иқтисодий ўсиш;

ё) қўшимча ишлаб чиқариш ресурсларини жалб этиш эвазига эришилган иқтисодий ўсиш;

ж) жорий йилдаги ялпи ички маҳсулот (ЯММ)нинг ўтган йилга ёки базис йилдаги ЯИМ нисбатида ифодаланувчи кўрсаткич;

з) маълум вақт (йил) мобайнида реал ялпи ички маҳсулот (ёки ЯММ), соф миллий маҳсулот ҳажмининг ортиб, таркиби ва сифатининг ўзгариб бориши.

**Масала ва машқлар**

1. Айтайлик, мамлакатнинг реал ЯММ 2011 йил 3,5 млрд. доллар, 2012 йили эса 4,5 млрд. долларни ташкил этди. Аҳолиси эса шу давр ичида 2 млн. кишидан 2,3 млн.кишига кўпайди.

а) ЯИМни ўсиш суръати;

б) ЯИМни аҳоли жон бошига ўсиш суръатини ҳисобланг;

ЯИМ ҳажми, ўсиш суръати ва аҳоли жон бошига ўсиш суръатига кўра қандай хулоса чиқариш мумкин? Фикрингизни изоҳланг.

2. ЯИМ 2010 йили 18 млрд. долларни 2011 йили эса 25 млрд. долларни ташкил этган. Шу даврда нархлар 25% ўсган. Номинал ва реал ЯИМ ўсиш суръатини ҳисобланг. Иқтисодий ўсишга қандай омиллар таъсир қилади?

3. Ўзбекистонда 2011 йили яратилган ЯИМ ҳажми жорий баҳоларда 77790,6 млрд. сўмни ташкил этди. Бу 2010 йилга ишлаб чиқарилган ЯИМдан 15959,4 млрд. сўмга кўп. Аҳоли эса 29,5 млн. кишига этди. 2010 йили эса 29,1 млн. киши эди. Нарх ўртача 7,6% га ортди десак, номинал ва реал ЯИМ ўсиш суръати, ЯИМнинг аҳоли жон бошига қандай ўзгарган ҳисобланг.

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти? Изоҳланг.

4. Берилган ишлаб чиқариш функсияси у = $АК^{0,2}$ - $Л^{0,3}$. Ўлчам А йил давомида 4%га, ўсган. Банд бўлганлар 5%, капитал эса 3% га ўсган. Реал ишлаб чиқариш хажми неча фоизга ўсган. Бу иқтисодий ўсишнинг қайси модели, деб ҳисоблайсиз?

5. Олтинчиси ортиқча. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Тушунчалар ичида гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқланг ва уни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

*Тушунчалар*: табиий ресурслар миқдори ва сифати, меҳнат ресурслари миқдори ва сифати, асосий капитал ҳажми, техник тараққиёт ва технология, даромаднинг истеъмол ва жамғаришга ажратилиши, инвеститсиянинг ўсиши.

**Қуйидаги фикрлани Т/Н аниқланг**

1. Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий ўсиш билан боғлиқ 3 муаммосига эътибор бериладиган бўлди. Булар: а) иқтисодий ўсишдан кўзланган мақсад; б) миллий даромаднинг ўсиш суръати қандай бўлиши кераклиги; в) қандай омиллар эвазига иқтисодий ўсишни таъминлаш муаммоларидир.

2. Иқтисодий ўсишни таъминлашда, тақсимлаш омиллари, чунончи, миллий даромадда истеъмол ва жамғарманинг нисбати қандай бўлиши унча рол ўйнамайди.

3. Интенсив иқтисодий ўсишнинг меҳнатни тежовчи, капитал тежовчи ва универсал шакллари мавжуд.

4. Нол даражадаги иқтисодий ўсиш консепсиясининг асосчилари иқтисодий ўсиш учун қилинган ҳаракатлар бир томондан, ресурсларнинг камайиб, тугаб боришига олиб келса, иккинчи томондан, экологик муаммоларни келтириб чиқаради, деган фикрни таъкидлайдилар.

5. Иқтисодий ўсишда меҳнат унумдорлиги, меҳнат сиғими, капитал унумдорлиги, капитал сиғими, табиий ресурслар унумдорлиги ва сиғими кўрсаткичлари муҳим иқтисодий кўрсаткичлар бўлиб, улар асосида мавжуд ресурслардан қай даражада фойдаланганлигимиз тўғрисида хулоса чиқарамиз.

6. Иқтисодий ўсиш билан миллий бойлик ўртасидаги боғланиш деярли сезилмайди. Иқтисодий ўсиш бўлса ҳам, бўлмаса ҳам миллий бойлик тўпланаверади.

7. Миллий бойлик жамиятнинг иқтисодий куч-кудратини, иқтисодий потенсиалини ташкил қилади.

8. Миллий бойликнинг яратилиши ва авлоддан-авлодга ўтиши нуқтаи назаридан қарасак, асрлар оша ҳамма авлодлар меҳнати билан яратилган, авлоддан-авлодга ўтиб келган табиий бойликдан иборат.

9. Иқтисодий ўсишнинг Харрод-Домар модели нисбатан энг содда ишлаб чиқариш функсиясига асосланган модел бўлиб, асосий диққат капитал ва унинг меъёрий унумдорлигига қаратилади.

10. Иқтисодий ўсишнинг неоклассик: Кобб-Дуглас моделида Харрод-Домар моделидан фарқли равишда иқтисодий ўсишда барча ишлаб чиқариш омиллари қатнашишини ва уларнинг ортиши асосида маҳсулот ўсишига эришишни ишлаб чиқариш функсияси у = ф (ЛК) орқали кўрсатиб берилади.

## 3.6-Мавзу: Миллий иқтисодиётнинг мувозанати ва нисбатлари

**Режа:**

**3.6.1. Иқтисодий мувозанатликнинг мазмуни ва унинг турлари**
**3.6.2. Иқтисодий мувозанатликни аниқлаш усуллари.**
**Ретсессион ва инфлясион фарқ**
**3.6.3. Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари**
**3.6.4. Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш вазифалари**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** иқтисодий мувозанатлик, умумий мувозанатлик, макроиқтисодий мувозанатлик.

### 3.6.1. Иқтисодий мувозанатликнинг мазмуни ва унинг турлари

Миллий иқтисодиёт даражасида тўлиқ бандликка эришиш, инфлясияни энг кам даражага келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, макроиқтисодий мувозанатликни тақозо этади. Иқтисодиёт фан тарихида иқтисодий мувозанатлик тушунчасига турлича қарашлар мавжуд бўлиб, уларни умумлаштирилган ҳолда иккита йўналишга ажратиш мумкин.

**Биринчи йўналиш** бевосита «иқтисодий мувозанатлик» тушунчасининг вужудга келиш ва ривожланишининг тарихий босқичлари билан боғлиқ бўлиб, бунда мазкур тушунча «умумий бозор мувозанати» сифатида талқин қилиниши даражасигача этиб келади. Бу йўналишда иқтисодий мувозанатликнинг кўплаб модел-лари мавжуд бўлиб, улар турли даврларда бу муаммога ҳар хил қарашларни акс эттирган:

♦ Оддий такрор ишлаб чиқариш модели. (Ф. Кене томонидан ХВИИИ асрда Франсия мисолида тушунтирилиб берилган)

♦ Оддий ва кенгайтирилган капиталистик ижтимоий такрор ишлаб чиқариш схемаси. (ХИХ асрда классик иқтисодчилар томонидан асослаб берилган)

♦ Еркин рақобат қонуни амал қилган шароитда умумий иқтисодий мувозанатлик модели. (Л. Валрас томонидан асослаган)

♦ «Харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» модели. (В. Лонтев асос солган)

♦ Қисқа даврли иқтисодий мувозанатлик модели. (Д.Кейнс сиклик ривожланишни таҳлил қилиш орқали кўрсатиб берган)

♦ Кенгайиб борувчи иқтисодиётда мувозанатлик модели (Дж. Нейман тахлил қилган)

Иқтисодий мувозанат назариясига илк фикрлар классик сиёсий иқтисод асосчиларидан бири А. Смитнинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» номли асарида берилган бўлиб, унда иқтисодий муносабатларнинг барчаси бозор механизми ёрдамида тартибга солиниши, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат фақат бозор механизми ёки «кўринмас қўл» ёрдамида таъминланиши таъкидлаб ўтилган. Унинг машҳур «Алоҳида олинган ҳар бир одам фақат ўзини ўйлаган ҳолда, ўзининг шахсий манфаатлари йўлида қилган ҳаракатлари кўринмас қўл орқали унинг қизиқиши доирасига мутлақо кирмаган бошқа мақсадларга йўналтирилади ва бу ҳаракат онгли равишда жамият манфаатларига хизмат қилгандагига қараганда кўпроқ самара беради»[51] - деган фикри ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Аммо, у иқтисодий мувозанатликни таъминлаш жараёнларига давлат иштирокини мутлақо инкор

[51] Smit A. Issledovaniye o prirode i prichinax bogatstva narodov. Moskva., 1962. Str. 332.

этган.

Иқтисодий мувозанат назариясини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшганлардан **- Ж.С. Милл фикрича, “Жамият ортиқча пулдан ўз кучи билан қутула олмайди, шу сабабли ягона йўл нархнинг ўсиши бўлиб, фақат шу йўл билан талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатликни таъминлаш мумкин”.** Нарх ўсишини талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносиблик таъминланмагунга қадар давом эттириш зарур[52].

XX аср бошларидаёқ швейсариялик Нобел мукофоти совриндори Л. Валра с биринчилардан бўлиб яхлит олинган умумий бозор мувозанати моделини яратишга ҳамда мазкур тушунчанинг мазмунини анча тўлиқ илмий ёритиб беришга эришди. Лекин Л. Валрас умумий бозор мувозанати моделига математик усулдаги тенгликлар орқали жуда оддий ёндашган. Умумий бозор мувозанати ишлаб чиқариш ҳажми ва нархлар ўзгариши ҳамда бошқа бир қатор омилларнинг таъсирида бузилишига олиб келишини ҳисобга олмаган[53].

XX асрнинг 20 - йиллари охирлари ва 30 - йиллар бошларида Фарбдаги бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти «Буюк депрессия» номи билан машҳур бўлган барқарор ва узоқ давом этган, макроиқтисодий беқарорликка дучор бўлди. Бундан юз йил олдин шакллантирилган классик назария таълимоти рўй берган инқироз жараёнларнинг барча жиҳатларини тушунтириб беришга лаёқатсиз бўлиб қолди.

Бу барча иқтисодчиларнинг иқтисодий мувозанатлик тўғрисидаги ғоялари ўзлари яшаган муҳит шароитидан келиб чиққан ҳолда яратилганлиги ва бир мунча чекланган тавсифга эгалигини кўрсатади. Аввало, уларнинг иқтисодий ғоялари умумий бозор мувозанатини таҳлил қилиш билангина чекланади. Иқтисодиётнинг умумий мувозанати унинг умумий шарт-шароитлари ва намоён бўлиш шаклларини ҳам кўрсатиб беролмаган.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти доимий инфлясия ва ишсизлик шароитида ривожланиб, макроиқтисодий беқарорлик тавсифи кучайиб бориши натижасида иқтисодий мувозанатликни таъминлаш ҳам анча мураккаб кечиб, давлатнинг самарали макроиқтисодий сиёсат (молия ва пул кредит) олиб боришини тақозо этади.

Шу сабабли, ҳозирги замон иқтисодий фанида иқтисодий мувозанатлик тушунчаси барча жиҳатлари (сабаблари, оқибатлари, натижалари) билан биргаликда анча кенг тадқиқ қилинади. Жумладан, иқтисодий мувозанатликнинг моҳияти, уни таъминлаш муаммолари К.Макконелл, С.Брюлар томонидан ёпиқ ва очиқ иқтисодиёт учун ялпи талаб ва ялпи таклифнинг мувозанатлиги орқали тушунтирилиб берилади. Улар кўплаб алоҳида олинган бозорлардаги мувозанатли нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўрганиш орқали хусусий мувозанатликни, барча бозорлардаги ялпи таклиф ҳажми ва нархларнинг ўртача даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар орқали умумий бозор мувозанатини кўрсатиб беришга ҳаракат қиладилар.

Бироқ бу таҳлилда ҳам “умумий бозор мувозанати” ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати доираси билан чекланади. Бундан ташқари бу тушунчалар анча мавҳумлаштирилиб, мураккаб математик тенглаштиришлар ва графикли таҳлил усуллари орқали баён қилинади. Бу эса иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг мазмунини илғаб олишни анча қийинлаштиради.

Иқтисодий мувозанатлик назариясидаги **иккинчи йўналиш** собиқ

---

[52] Mill J.S. On the Defintion of Political Economy; and on the Method of Invtstigation Proper to it. In: Tssays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p 133-137.

[53] Walras L. Elements of pure Economics. Translated by Jaffe W.Homewood, Richard D.Irwin, 1954. rr. 88-89.

сотсиалистик иқтисодий тизимининг инқирозга учраши оқибатида вужудга келди. Бу мамлакатларда шиддатли тарзда рўй берган ижтимоий-иқтисодий беқарорликлар, яъни иқтисодий ўсиш суръатлари ва бандлик даражасининг сурункали пасайиб бориши, инфлясион жараёнларнинг нохуш оқибатлари ҳамда такрор ишлаб чиқаришдаги доимий равишда вужудга келиб турган бошқа номутаносибликлар, макроиқтисодий мувозанатликка эришиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашни зарур қилиб қўйди. Бу иқтисодий фанлар олдига «иқтисодий мувозанатлик» тушунчасининг иқтисодий мазмунини, уни таъминлашнинг шарт-шароитларини ва намоён бўлиш шаклларини илмий назарий тадқиқ қилиш вазифасини қўйди.

Шу сабабли иқтисодчи олимлари томонидан мазкур муаммонинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бироқ, «иқтисодий мувозанатлик тушунчаси» улар томонидан турлича талқин қилина бошланди.

Жумладан айримлар, иқтисодий мувозанатликни чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш усуллари ва уларни жамият аъзолари ўртасидаги тақсимлашнинг ўзаро мос келиши сифатида тавсифласа[54].

Бошқалари ресурслар ва улардан фойдаланиш натижалари, ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклиф, моддий буюмлашган ва молиявий оқимлар ўртасида ялпи мутаносиблик мавжуд бўлиши зарур деган фикрни илгари суради[55].

Биринчи ёндашувда жамият эҳтиёжлари билан миллий ишлаб чиқариш имкониятлари яъни иқтисодий ресурсларнинг миқдори ўртасидаги боғлиқлик тушунтириб берилмайди; иккинчидан, мазкур тушунча ресурслардан фойдаланиш усуллари билан уларнинг тақсимланиши ўртасидаги боғлиқлик сифатида бир томонлама талқин қилинади.

Иккинчи ёндашувда ишлаб чиқаришнинг натижалари «жамият эҳтиёжлари» билан боғланмаган[56]. Кўпчилик ҳолларда макроиқтисодий мувозанатлик тушунчасига бир томонлама ёндашиб, умумий (абстракт) таъриф берилса айрим адабиётларда унга миллий маҳсулот ва миллий даромад алоҳида қисмлари, маҳсулотлар ва даромадлар ўртасидаги нисбат сифатида қаралади[57].

Кўпинча иқтисодий мувозанатлик бозор мувозанатини тавсифловчи ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги нисбат сифатида ҳам талқин қилинади.

**Иқтисодий мувозанатлик - бу жамият эҳтиёжларига мавжуд иқтисодий ресурслар миқдорининг ва миллий ишлаб чиқариш натижалари ҳажми ҳамда таркибининг ўзаро мос келишлигини тавсифлайди.**

Иқтисодий мувозанатлик миллий иқтисодиётнинг турли даражасидаги (микро ва макро) ҳар хил мувозанатликларни қамраб олади. Бу барча мувозанатликларни шартли равишда умумий ва хусусий мувозанатликларни ажратиб кўрсатиш мумкин (29-расм). Умумий мувозанатлик макроиқтисодий мувозанатликни анча тўлиқ даражада ифодалайди.

**Умумий мувозанатлик - бу жамиятнинг барча эҳтиёжлари (аҳоли, давлат, корхона) ва миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўзаро мос келишлик даражасини билдиради.** Қиймат ифодасида бу мувозанатлик ялпи талаб ва ялпи таклифнинг нисбати орқали намоён бўлади. Миллий иқтисодиётда рўй берадиган

---

[54] Qarang: Ekonomicheskaya teoriya: Uchebnoye posobiye // Pod obщ. red. N.I.Bazыleva Minsk, BGEU, 2000g str.126.

[55] Qarang: Sajina M.A., Chibrikov G.G.. Ekonomicheskaya teoriya. Uchebnik dlya vuzov – M: izd.gr NORMA-INFRA. M; 1998, str. 267.

[56] Qarang: Ekonomicheskaya teoriya: Uchebnik dlya studentov vыsshix zavedeniy // kol.avt. Abduraxmanov K. i dr. 1. – T: "Sharq", 1999, str. 338.

[57] Qarang: Menshikov. P. Novaya ekonomika. Moskva, izd. "Bek", 1999, str. 1999.

барча ўзгаришлар пировард натижада ялпи талаб ва ялпи таклифдаги ўзгаришлар орқали ифодаланади.

Ялпи талаб товарлар бозорида тақдим қилинган пировард товарлар ва хизматларга бўлган барча субъектлари талаблари йиғиндисидан иборат. Иқтисодий мувозанатлик ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенглигини тақозо этса ҳам, амалиётда уларнинг нисбати ўртасидаги ўзгаришининг мумкин бўлган ҳар хил вариантлари мавжуд бўлади. Жумладан:

- ♦ Ялпи талабнинг ортиши, ишлаб чиқариш ҳажми, миллий даромад ва нархларнинг ўсиши билан бирга боради;
- ♦ Ялпи талабнинг камайиши, ишлаб чиқариш ҳажми, миллий даромад ва нархларнинг пасайиши натижасида рўй беради;
- ♦ Ялпи таклифнинг ортиши - ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан бирга боради ва нархларнинг тушишини келтириб чиқаради;
- ♦ Ялпи таклифнинг камайиши, мос равишда ишлаб чиқаришнинг қисқариши, нархларнинг ўсишига олиб келади.

Бу барча шарт-шароитлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, потенсиал имконият шаклида мавжуд бўлади. Реал ҳаётда эса умумий мувозанатлик таркибий номутаносибликлар, ресурслардан самарасиз фойдаланиш, нархларнинг бекарорлиги, иқтисодий цикл фазаларининг ўзгариши, бозор конюктураси, бозор субъектлари даромадлари ва талаб таркибидаги ўзгаришлар таъсири остида бўлади.



**3.6.1-расм. Макроиқтисодий мувозанатлик ва унинг турлари**

Умумий мувозанатлик барча тармоқлар, соҳалар ва иқтисодиёт бирламчи бўғинларининг бир меъёрда ривожланиши таъминлаган шароитда иқтисодий фаолиятнинг барча қатнаш- чилари, барча бозорлар ва иқтисодий жараёнларининг турли томонлари ўртасидаги барқарорлик тавсифидаги бир қатор мувозанатликлар тизимини ўз ичига олади.

Бу мувозанатлик шакллари турли-туман бўлганлиги сабабли, улар алоҳида ҳолда хусусий мувозанатликлар сифатида юзага чиқади.

**Хусусий мувозанатлик – бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий миқдорлар ёки иқтисодиёт томонларининг ўзаро мос келишидир.** Хусусий мувозанатлик ишлаб чиқариш ва истеъмол, аҳолининг сотиб олиш лаёқати ва товарлар таклифи бюджет даромадлари ва харажатлари, алоҳида товарларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги боғлиқликлар кўрилгандагина юзага чиқади. Бу мувозанатликлар ичида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: "..ички бозорда талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликка эришиш, яъни чиқарилган пул миқдори билан унга сотиб олинадиган моллар салмоғи ўртасидаги нисбатни таъминлаш ғоят катта рол ўйнайди"[58].

Шундай қилиб, иқтисодий мувозанатлик ўзининг барча шакллари билан биргаликда инқирозсиз ва ижтимоий иқтисодий ларзаларсиз ривожланишни тавсифлайдиган иқтисодий идеалдир. Амалий ҳаётда макроиқтисодий мувозанатлик талаблари турли туман беқарорликлар таъсирида бузилиб туради, бироқ унинг назарий моделини билиш, реал жараёнлар ўзининг идеал андозасидан фарқ қилинишини келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаш, иқтисодиётнинг бир меъёрда фаолият қилишини таъминлаш йўлларини топиш имконини беради.

Миллий иқтисодиёт мувозанатлигини таъминлаш бир қатор шарт-шароитларни ҳам тақазо қилади. Улар қуйидагилар:

- Мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда жамият эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш;
- Меҳнат ресурсларининг тўлиқ ва самарали бандлигига эришиш;
- нархларнинг барқарорлигига эришиш ва уни инфлясия таъсиридан холи қилиш;
- иқтисодий ўсишни этарли миқдордаги инвеститсиялар билан таъминлаш ва уни муомаладаги пул массасига боғлаш;
- експорт ва импортни ўзаро мувофиқлаштириш асосида ташқи савдо

Иқтисодий мувозанатлик эркин рақобатли бозорда барча харидорлар тенглиги, иқтисодий вазият барқарорлиги каби шарт-шароитларни ҳам тақазо қилади.

Амалда иқтисодиёт доимий ҳаракатда ва тўхтовсиз ривожланиш ҳолатида бўлади. Иқтисодий сикл фазалари, бозор конюктураси, бозор субъектлари даромадлари ва талаби таркибида доимий ўзгаришлар рўй бериб туради. Буларнинг ҳаммаси мувозанатли ҳолатни турғун иқтисодиётдаги шартли умумий мувозанатлик сифатида қараб чиқишни тақазо қилади.

## 3.6.2. Иқтисодий мувозанатликни аниқлаш усуллари.

[58] Karimov I.A. «O'zbekiston buyuk kelajak sari». T.: «O'zbekiston», 1999, 348-bet.

## Ретсессион ва инфлясион фарқ

Иқтисодий мувозанатлик даражасини аниқлашда асосан иккита ўзаро боғлиқ усулдан фойдаланилади:

1. Ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини таққослаш.
2. Жамғарма ва инвеститсияларни таққослаш.

Ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини таққосл аш учун ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг миқдорий кўрсаткичи сифатида соф миллий маҳсулот (СММ), иқтисодиётда ялпи сарфлар сифатида истеъмол ҳажми ва инвеститсияларга сарфларнинг умумий суммаси (С+Ип) олинади. Иқтисодиётнинг мувозанатли даражаси — бу ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажмики, у ишлаб чиқариш мазкур ҳажмини сотиб олиш учун этарли умумий сарфларни таъминлайди. Бошқача айтганда, соф миллий маҳсулот мувозанатли даражасида ишлаб чиқарилган товарларнинг умумий миқдори (СММ) харид қилинган товарлар шундай миқдорига (С+Ип) тенг бўлади.

Тўлиқ бандлик шароитида ялпи сарфлар СММ ҳажми билан мос келмаслиги мумкин. Бу мос келмаслик ретсессион ёки инфлясион фарқда ифодаланади. Ялпи сарфларнинг СММ ҳажмидан кам бўлган миқдори ретсессион, ялпи сарфларнинг СММ ҳажмидан ортиқча бўлган миқдори инфлясион фарқ дейилади.

Жамғарма ва инвеститсияларни таққослаш усулининг моҳияти шундаки, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар қандай ҳажми шунга мос даромад ҳажмини беради. Бироқ аҳоли бу даромаднинг бир қисмини истеъмол қилмасдан жамғаришга қўйиш мумкин. Жамғариш, сарфлар - даромадлар оқимидан потенсиал сарфларни олиб қўйиш ҳисобланади. Бунда жамғармага қўйилган маблағ инвеститсиялар билан тўлиқ қопланса, ялпи сарфлар ишлаб чиқариш ҳажмига тенг бўлади.

Иқтисодий мувозанатлик даражасини аниқлашда юқоридаги усуллардан ташқари баланс усулидан “сарф-харажат ва натижа” ларни таққослаш усулидан ҳам фойдаланилади.

Баланс усулида тармоқлараро баланс, моддий, молиявий ва ишчи кучи балансларидан фойдаланилиб иқтисодиётдаги мувозанатлик даражасига баҳо берилади.

“Сарф-харажат ва натижа”ларни таққослаш усулида ишлаб чиқаришга қилинган иқтисодий ресурс сарфлари миқдори олинган маҳсулот ҳажми билан таққосланиб мувозанатлик даражаси таҳлил қилинади. Бунда маҳсулот бирлигига қилинган иқтисодий харажатлар унинг нархи билан таққосланади.

### 3.6.3. Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари

Миллий иқтисодиётдаги мувозанатлик унинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида мутаносиблик бўлишини тақозо қилади.

Иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат кўрсаткичларда ифодаланган маълум боғлиқлик бўлишидир.

Макроиқтисодий жараён ғоят мураккаб ва кўп қиррали бўлиши сабабли мутаносиблик турлари ҳам турфа ва хилма-хилдир. Уларнинг барчасини умумлаштириб мутаносибликнинг қуйидаги гуруҳлари таркибига киритиш мумкин.

**1.Умумиқтисодий тавсифдаги мутаносибликлар.** Бунга ЯИМ ва миллий даромад таркибий қисмлар; иқтисодиётдаги товар ва хизматлар миқдори билан пул массаси ўртасидаги; аҳолининг даромадлари билан харажатлар ўртасидаги мутаносибликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

**Тармоқлараро мутаносибликлар.** Миллий иқтисодиётнинг мувозанатини

таъминлашда тармоқлараро мутаносибликлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакат иқтисодиёти жуда кўп тармоқ ва соҳалардан иборат бўлиб, уларнинг ривожланиши бир-бирини тақозо қилади. Бир тармоқда яратилган маҳсулот бошқа тармоқда истеъмол қилинади ёки пировард маҳсулотга айлантирилиб ўз истеъмолчисини топади. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг кўпчилик қисми пахта, ғалла, пилла, сут ва шу кабилар саноатнинг тегишли тармоқларида қайта ишланиб, пировард маҳсулотга айлантирилади ва истеъмол товарлари бозорига чиқарилади. Ўз навбатида саноатда яратилган ишлаб чиқариш воситалари иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва шу кабиларда унумли истеъмол қилинади. Бу уларнинг бир-бирига боғлиқликда ривожланишини тақозо қилади. Тармоқлараро мутаносибликларга саноат билан қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ўртасидаги мутаносибликлар мисол бўлади.

**Тармоқ ичидаги мутаносибликлар.** Тармоқлараро мутаносиблик ва миллий ишлаб чиқариш даражасидаги мувозанатлик тармоқлар ичидаги мутаносиблик орқали таъминланади. Тармоқлар ичидаги мутаносиблик алоҳида олинган тармоқ таркибидаги соҳа ва ишлаб чиқаришлар ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Масалан, саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган соҳалари, қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари ўртасидаги мутаносиблик ва бошқалар. Шу билан бирга таъкидлаб ўтилган соҳаларнинг ичидаги таркибий бўлинмалар ўртасида ҳам боғлиқлик бўлиши зарур. Масалан, саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишлаш тармоқлари, чорвачиликнинг сут ва гўшт ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ва бошқалар

**Ҳудудий мутаносибликлар.** Иқтисодий ривожланиш мамлакат айрим ҳудудлари ўртасидаги боғлиқликни ҳам тақозо қилади. Юзаки қараганда ҳудудлар ўртасидаги мутаносибликларнинг мамлакат иқтисодий ривожидаги роли тўлиқ намоён бўлмайди. Лекин алоҳида ҳудудий бўлинмалар (вилоят, туман, шаҳар ва бошқа ҳудудий бирликлар) нинг бир-бирига иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан боғлиқлиги, ихтисослашиш, ишлаб чиқариш коoператсияси ва коммуникатсия нуқтаи-назаридан қаралса, бу боғлиқликнинг аҳамияти яққол кўринади.

**Давлатлараро мутаносибликлар.** Бу мутаносибликни икки ҳолат тақозо қилади. Биринчидан, дунёнинг кўпчилик мамлакатлари халқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бири билан боғланган, иккинчидан, шу боғлиқлик орқали миллий ишлаб чиқаришнинг бир қисми чет элликлар томонидан харид қилинади ёки миллий ишлаб чиқарувчилар ўз истеъмолининг бир қисмини четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобига қондиради. Бу боғлиқлик қанчалик катта бўлса, соф экспорт ҳажми орқали макроиқтисодий мувозанатликка шунчалик кучли таъсир кўрсатади.

Қараб чиқилган мутаносибликларга эришиш орқали миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ривожини таъминлаб боришдан қуйидагилар кўзда тутилади:

- Мамлакатда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш.
- Тўлиқ бандлиликка эришиш, яъни меҳнат қилишга лаёқатли бўлган ва ишлашни хоҳлаганларни тўлиқ ва самарали иш билан таъминлаш.
- Нархнинг нисбий барқарорлигига эришиш ва уни инфлясия таъсиридан холи қилиш.
- Иқтисодиётнинг бир маромда ўсиб боришини этарли даражада инвеститсия билан таъминлаш ва муомаладаги пул массасига боғлаб бориш.
- Експорт ва импортни мувофиқлаштириш асосида ташқи савдо балансининг фаоллигига эришиш.

Бу мақсадлар фақатгина уларга интилиш бўлиб, бунга эришиш муқаррар

эканлигини билдирмайди. Чунки мутлоқ мувозанатга эришиш мумкин эмас, у бузилиб ва қайтадан тикланиб туриши орқали иқтисодий ўсиш нотекис боради.

### 3.6.4. Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш вазифалари

Иқтисодиётни бутунлай янги тартиблар асосида ислоҳ қилиш унинг ривожида номутаносибликлар бўлиши ва танглик ҳолатларнинг келиб чиқишини муқаррар қилиб қўяди. Ш у сабабли иқтисодиётни барқарорлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида уни жонлантириш ва бир текис ривожлантириш йўлидаги қонуний босқичдир. У иқтисодий ривожланишда инқирозли ҳолатларга йўл қўймаслик учун ишлаб чиқариш ва чиқарилаётган маҳсулот таркибини ўзгартиришга, яъни танглик ҳолатларга барҳам беришга йўналтирилади. Республикада иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишнинг дастлабки даврида барқарорлаштириш сиёсатидан кўзда тутилган мақсад энг аввало, макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишининг олдини олиш ва оммавий ишсизликнинг келиб чиқишига йўл қўймасликдан иборат бўлди. Шу билан бирга бу сиёсат пул эмиссиясини бошқариш, унинг қадрсизланишининг олдини олиш, мамлакат тўлов балансини бир меъёрда сақлаш каби мақсадларни ҳам ўз ичига олади.

Республикада барқарорлаштириш сиёсатини ишлаб чиқишда жаҳон тажрибасида синалган ёндашувлар ҳисобга олиниб ишлаб чиқариш соҳаларига устунлик берилди. Бу соҳаларининг ривожланишида уларни таркибан қайта қуриш талаблари ҳам кўзда тутилди. Бунда асосий эътибор катта истиқболга эга бўлган, бутун иқтисодиётнинг ривожланиш тамойилларини белгилаб берадиган этакчи тармоқ ва соҳаларга қаратилди.

Иқтисодиётда зарурий таркибий ўзгаришлар амалга оширилгунча ишлаб чиқаришнинг орқага кетишига барҳам бериш энг муҳим мақсад бўлиб қолади. Шу сабабли республикада 90-йилларнинг ўрталаридаёқ макроиқтисодий барқарорлик соҳасида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишини секинлаштиришга мойиллик кўзга ташланди, айрим кўрсаткичлар бўйича эса ўсишга эришилди. Иқтисодиётнинг иккита этакчи тармоғи саноат ва қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва қўллаб - қувватлашга қаратилган тадбирлар натижасида саноатда 1996 йилдаёқ қишлоқ хўжалигида 1997 йилда ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тўхтатилди.
Макроиқтисодий барқарорлик сиёсатида 1997 йил кескин бурилиш даври бўлди, ислоҳатлар амалга оширилган давр давомида биринчи марта ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши (105,2%) аҳоли сонининг ўсишидан (101,8%) юқори бўлди[59]. Бу ижобий тамойиллар кейинги йилларда янада мустаҳкамланиб борди. Натижада бутун миллий иқтисодиёт ва унинг барча тармоқларида барқарор ўсиш тамойиллари кузатилди. Жумладан, 2015 йилда ЯИМ – 8,0 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми – 8,0 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – 7,0 фоизга кўпайди. Давлат бюджети кўзда тутилган дефитсит ўрнига ЯИМ га нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профитситга эришилди.

Республикамизда изчил юқори ўсиш суратлари билан бирга ЯИМнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденсияси кузатилади. Жумладан, 2000йилда бу кўрсаткич 30,1фоизни ташкил этган бўлса,2013йилдафақатгина 16,8атрофида бўлган.

“Буни аввамамбор иқтисодиётимзда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма -

[59] O’zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari.

босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганинингяққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор”[143]

Республика миллий иқтисодиётида эришилган бу ижобий натижалар таркибий қайта қуришлар асосида бутунлай янги иқтисодиёт мажмуасининг бунёд этилганлиги, биринчи навбатда энг муҳим макроиқтисодий ва ишлаб чиқариш нисбатларини давлат томонидан самарали тартибга солишнинг натижаси ҳисобланади. Бунда асосий эътибор иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудларининг таркибий тузилишини такомиллаштиришга қаратилади.

Таркибий сиёсатнинг ҳудудий жиҳатларини таъминлаш одамлар турмуш даражасида вуждга келган ҳудудий номутаносибликларни бартараф этиш, ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Республика иқтисодиётининг таркибий тузилишини қайта қуришда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини ўзгартириш, унинг сифатини яхшилаш ва маҳсулот тайёрлашга кетадиган жами харажатларни камайтириш талаблари ҳам ҳисобга олинади.

Иқтисодиёт тузилишидаги ўзгартиришлар, четдан маҳсулот олиб келишни қисқартириш, иқтисодиётининг хом ашё этиштиришга қартилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш ва униниг экспорт имкониятини кенгайтириш, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш асосида иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш билан боғлиқликда амалга оширилди.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, иқтисодиёт ички тузилишидаги ўзгаришлар - республиканинг энергетика ва озиқ-овқат мустақилллигини таъминловчи тармоқларни ривожлантиришга қаратилди. Бунда биринчи навбатда энг муҳим ўзак тармоқларни - нефт ва газ саноатини, энергетикани, рангли металлургия саноатини, машинасозлик мажмуасини, қишлоқ хўжалик ва агросаноат мажмуасининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга устунлик берилади.

Иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш тузилишини тубдан ўзгартириш асосида умумиқтисодий барқарорликка эришишда истеъмол билан жамғариш ўртасидаги энг мақбул нисбатни таъминлаш асосий ўрин тутади. Истеъмол фондининг энг мақбул даражасига эришишда - ички бозорда талаб билан таклиф ўртасида мутаносибликни таъминлащда муҳим рол ўйгайди. Шу сабабли давлат энг муҳим макроиқтисодий нисбатларини тартибга солиб турувчи омилларга кўпроқ эътибор берди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш дарида иқтисодиётни барқа-рорлаштириш муаммосини ҳал этишда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳандислик коммуникатсиялари, транспорт ва алоқа тизими сингари тармоқларини устивор ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Ижтимоий соҳалардаги таркибий қайта қуришлар ҳам фаол инвеститсия сиёсатини ўтказиш орқали амалга оширилди. Шу сабабли республика инвеститсия базасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, бунда ўз сармояларимиз, ташқи кредитлар, бевосита инвеститсиялар ва уларнинг барча манбаларидан ўринли фойдаланиш кўзда тутилди. Ташқи инвеститсияларни жалб қилишда бевосита инвеститсиялар тарзида, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатлар молиявий-кредит ресурслари шаклларида амалга ошириш мумкинлиги ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, республикада иқтисодий ислоҳотлар давомида

[143] Karimov.I.A.2014 yil yuqori o‘sish suratlari bilan rivojlanish, barcha mavjud imkoniyatlarni safarbar etish, o‘zini oqlagan islohotlar strategiyasini izchil davom ettirish yili bo‘ladi. T.: O’zbekiston. 2014. 9 -bet.

макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуриш вазифаларига аҳолининг реал турмуш даражасини яхшилаш учун зарурий шарт-шароитларни вужудга келтириш сифатида қаралди.

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркин-лаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришга йўл тутилган ҳозирги шароитда ҳам «...иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш»[61] иқтисодиёт соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу ўз навбатида бой табиий заҳиралар, минерал хом-ашё, меҳнат ресурслари, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланишни тақазо этади.

Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш маҳаллий хом-ашё ва табиий имкониятлар асосида ишлайдиган, илғор замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларга қаратилиши зарур.

Янги босқичда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтиришга алоҳида эътибор берилади. Чунки, бу соҳа янги иш жойларини яратишнинг муҳим омили бўлиш билан бирга, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши ҳам унинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Умумий холда таркибий ўзгаришлар устиворлик бериладиган йўналишларига қараб қуйидаги турларга ажратилади;

- истеъмолга йўналтирилган. Бунда таркибий ўзгариш-ларнинг мақсади аҳолининг турмуш даражасига бевосита дахлдор бўлган тармоқ ва соҳаларни устувор ривожлантиришга қаратилади.
- експортга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар. Бунда қайта ишловчи саноат тармоқларини устувор ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини экспорт ҳисобига кенгайтириш кўзда тутилади.
- иқтисодиётнинг тармоқ ва технологик тузилишини такомиллаштиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар

[61] Karimov I.A. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot - pirovard ma¢sadimiz. T.: «O’zbekiston», 2000, 15-bet.

## 6-Мавзу: Миллий иқтисодиётнинг мувозанати ва нисбатлари
### Амалий машғулот

**1-жадвал**

**Ялпиичкимаҳсулотнингишлабчиқариштаркиби (%)**

| Кўрсаткич-лар | Йиллар | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **2000** | **2001** | **2002** | **2003** | **2004** | **2005** | **2010** | **2011** | **2012** |
| Саноат | 14,2 | 14,1 | 14,5 | 15,8 | 17,5 | 20,7 | 23,9 | 24,1 | 24,0 |
| Қишлоқхўжалиги | 30,1 | 30,0 | 30,1 | 28,6 | 26,4 | 25,0 | 18,0 | 17,8 | 17,5 |
| Қурилиш | 6,0 | 5,8 | 4,9 | 4,5 | 4,8 | 4,9 | 6,5 | 6,1 | 5,9 |
| Хизматларсоҳаси | 37,2 | 38,2 | 37,9 | 37,4 | 37,2 | 38,4 | 42.4 | 44.2 | 44.9 |
| Софсолиқлар | 12,5 | 11,9 | 12,6 | 13,7 | 14,1 | 11,0 | 9,2 | 7,8 | 7,7 |

Жадвалмаълумотларинисинчиклабўрганинг. Нима сабабдан таркибий ўзгариш-ларни амалгао шириш зарур?

Республикамиздатаркибийўзгаришларқандайййўналишлардаамалгаоширилмоқда? Кейингийилмаълумотларибилантўлдирибтаҳлилқилинг.

**2-жадвал**

**Ялпи ички маҳсулотнинг мулк шакллари бўйича таркиби**

| | **Улуши, %да** | | |
|---|---|---|---|
| | **2007й.** | **2008 й.** | **2012й.** |
| Жами | 100 | 100 | 100 |
| **Нодавлатмулк** | **79,3** | **79,4** | **83,6** |
| Шу жумладан: | | | |
| Фуқаролар мулки | 34,1 | 32,4 | |
| Фермерхўжаликлари | 4,0 | 6,5 | |
| Деҳқонхўжаликлари | 0,2 | 0,2 | |
| Хўжаликбирлашмалари | 24,0 | 24,3 | |
| Қўшмакорхоналар | 8,9 | 12,8 | |
| Бошқалар | 5,1 | 3,2 | |
| **Давлатмулки** | **20,7** | **20,6** | **16,4** |

Жадвал маълумотлари асосида қандай хулоса чиқариш мумкин? Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг.

Ялпи ички маҳсулотнинг мулк шакллари бўйича таркиби нимани кўрсатади? Фикрингизни баён қилинг.

**3-жадвал**

**Ўзбекистонда ЯИМнинг ашёвий-буюм таркиби (жорий бозор нархларида)**

| Кўрсат-кичлар | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2010 | 2011 | 2012 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | % | % | % | % | % | % | % | % | % |
| Жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Ш. ж. товарлар | 50,5 | 50,1 | 49,8 | 49,1 | 48,6 | 50,6 | 47,6 | 41,2 | 40,3 |
| хизматлар | 37,2 | 38,.2 | 37,9 | 37.4 | 37,2 | 38,4 | 49,0 | 50,5 | 52,0 |

Жадвал маълумотларига диққат қаратинг. Кейинг йил маълумотлари билан тўлдиринг. ЯИМга ашёвий-буюм нуқтаи назаридан қараганда таркиби қандай ўзгарган? Бу нимадан далолат беради? Нима сабабдан республикамизда хизмат кўрсатишни ривожлантиришга слоҳида эътибор берилмоқда? Изоҳланг.

**4-жадвал**

**КўрсатилганбарчахизматларваахолигапулликхизматларнингЯИМдагиулуши**

| | Ўлчовбирлиги | 2011 й. | 2012 й. | Ўзгари-ши (+, -) |
|---|---|---|---|---|
| Ялпиичкимаҳсулот | Млрд. сўм | 78764,2 | 96589,8 | |
| Жамикўрсатилганхизматлар | Млрд. сўм | 39382,1 | 50709,6 | |
| Жами кўрсатилган хизматлар-нинг ЯИМдаги улуши | % да | 50,0 | 52.5 | |
| Аҳолигапулликхизматлар | Млрд. сўм | 10520,9 | 13614,1 | |
| Аҳолижонбошига | Сўм | 358594 | 457242 | |
| Аҳолига пуллик хизматларнинг ЯИМдаги улуши | % да | 13,3 | 14,1 | |
| Аҳолига пуллик хизматларнинг жами хизматлардаги улуши | % да | 26,7 | 26,8 | |

Манба: «Ворлд эсономис Оутлок Датабасе Остобер» 2012.

Жадвални кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Йиллар давомида уларни ўзгаришини ҳисобланг. Иқтисодиёт тараққий этган сайин хизмат кўрсатишнинг улуши ошиб боришини иқтисоқчилар қандай асослашади? Сизнинг ўзингизни фикрингиз қандай? Бунга сабаб нима? Изоҳлаб беринг

**5-жадвал**

**Саноатнинг таркибий тузилиши ва ўсиш кўрсаткичлари**

| **Кўрсаткичлар** | **Таркибийтузилиши** | | | **Ўтган йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи, %** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2010 | 2012 | 2000 | 2010 | 2012 |
| Саноат – жами | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 105,9 | 108.5 | 107.9 |
| Шужумладан | | | | | | |
| Електроенергетика | 9,5 | 8,1 | 7,7 | 101,1 | 102.7 | 103.0 |
| Ёнилғи | 16,7 | 19,8 | 18,0 | 99,7 | 104.1 | 104.8 |
| Металлургия | 12,7 | 13.3 | 12.6 | 118,7 | 100.4 | 103.3 |
| Кимёванефт -кимё | 5,9 | 5.0 | 5,0 | 112,7 | 117.1 | 106.8 |
| Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш | 9,0 | 16.1 | 17.5 | 89,5 | 112.8 | 113.9 |
| Қурилишматериаллари | 4,6 | 4.9 | 5.5 | 104,3 | 105.8 | 113.0 |
| Енгилсаноат | 20,1 | 13.3 | 12,9 | 117.0 | 117.9 | 112.9 |
| Озиқ-овқат | 11,8 | 12.8 | 13.2 | 108,5 | 113.1 | 105.0 |
| Бошқатармоқлар | 9,6 | 6.7 | 7.6 | 109,5 | | |

**Жадвал рақамларига эътибор беринг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Таҳлил қилиб, фикрингизни изоҳланг. Бунда 5.1-жадвал**

**маълумот-ларидан ҳам фойдаланинг. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши қандай омиллар асосида шаклланади? Кўрсатинг.**

## 3.7-Мавзу: Макроиқтисодий беқарорлик: инқироз, ишсизлик ва инфлятсия

**Режа:**

**Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг сиклилиги**

**3.7.2. Сикларнинг ретсессия ва юксалиш орқали рўй бериши**

**3.7.3. Инқирозларнинг мазмуни ва турлари**

**3.7.4. Ишсизлик ва унинг турлари**

**3.7.5. Инфлясия, унинг келиб чиқиш сабаблари ва турлари**

иқтисодиётнинг сиклли ривожланиши, инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш, соф монетар назария, номонетар назария, ишсизлик, инфлясия.

### Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг сиклилиги

Ҳар қандай мамлакат иқтисодий ўсишга, иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлиги ва нархларнинг барқарор даражасига эришишга ҳаракат қилади. Аммо узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш бир текис ва узлуксиз бормайди, у иқтисодий беқарорлик даврлари таъсирида тебраниб туради. Вақти-вақти билан объектив қонунларнинг ўзгартириб бўлмайдиган таъсири остида миллий ишлаб чиқариш ва унинг айрим бўғинларда узилишлар пайдо бўлади ва бу узилиш иқтисодиёт номутаносибликларининг кескин шаклда намоён бўлиши ҳисобланади. Бозор иқтисодиётида иқтисодий ўсиш миллий хўжаликда ҳал қилувчи ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни тавсифловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар – ЯИМ, миллий даромад, бандлик ва нарх даражасидаги иқтисодий тебранишлар билан бирга рўй беради.

Иқтисодий тебранишлар – бу муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар ўзларининг барқарор ҳолатидан фарқланишидир. Даврий ўсиш ишлаб чиқаришдаги таназзуллик билан алмашинади ва иқтисодий сиклар вужудга келади. Бу ҳолат иқтисодий адабиётларда **иқтисодиётнинг сиклли ривожланиши** деб аталади.

Кўплаб иқтисодчилар ортиқча ишлаб чиқариш сабабларини очиб беришга ҳаракат қилиб, талабнинг кўпайиши ва камайиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ёки қисқариши каби ҳодисаларнинг даврий тавсифига эътибор қаратдилар. Бу ҳодисаларнинг рўй бериш кетма-кетлигидаги маълум изчиллик ҳам аниқланди. Сиклли ривожланишнинг объективлиги ва реаллиги, унинг иқтисодий жараёнлар тавсифига таъсири нуқтаи назаридан аҳамиятлилиги тўғрисида бир қатор таниқли иқтисодчилар, (А.Шпитгоф, М.Туган-Барановский, Т.Веблен, У.Митчелл, Ж.М.Кларк, Ж.Хикс, Ж.М.Кейнс, Й.Шумпетер ва бошқалар) қайд қилиб ўтишган.

Кўпчилик иқтисодчилар иқтисодий сиклар назарияси иқтисодий ўсиш назарияси билан бир қаторда иқтисодий динамика назариялари таркибига кириши, иқтисодий сикл табиатининг ўзи эса мунозарали ва кам ўрганилган муаммолардан бири эканлигини таъкидлайди.[144] Шунингдек, ижтимоий ҳаётда сиклли ривожланишни тан олувчи ҳамда инкор этувчи икки йўналишдаги қарашлар мавжуд. Баъзан сиклнинг моҳиятини очиб беришда дастлаб унга жисмлар ўзаро таъсир жараёнининг натижаси сифатида қаралиб, фалсафий қоидалар нуқтаи назаридан изоҳлашга ҳаракат қилинади. Кўпинча сикл фазаларини ажратиб кўрсатишда классикларнинг саноат сикли назариясига кенг

[144] Қаралсин: Экономическая теория: Учебник.- Изд., испр. и доп./ Под общ.ред. акад. В.И. Видяпина, А.И. Добрынина, Г.П. Журавлевой, Л.С. Тарасевича. –М.: ИНФРА-М,2005,465-486-б.

ўрин берилган.

**Иқтисодий сикл деганда, одатда иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушунилади.**[145] Иқтисодий сикл миллий иқтисодиётнинг бир инқироз бошлангандан кейинги инқироз бошлангунча даврдаги ҳаракат шаклидир.

Иқтисодиётнинг ривожланишидаги ҳаракати бир сикл билан тўхтаб қолмайди, балки у тўхтовсиз тўлқинсимон ҳаракат сифатида давом этади. Сиклли ҳаракат миллий хўжалик турли таркибий қисмларининг амал қилишидаги нотекисликни, унинг ривожланишидаги инқилобий ва тадрижий босқичларни иқтисодий тараққиёт жараёнидаги чуқур ўзгаришларни акс эттиради.

Иқтисодий сикл махсус фазалар орқали амалга ошади. Ҳар бир фаза иқтисодий ривожланишдаги муайян даврни ифодалаб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Одатда иқтисодий сиклнинг **инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш** фазалари ажратиб кўрсатилади (30-расм). Ана шу фазаларнинг ҳар бири ривожланиши жарёнида навбатдаги фазага ўтиш учун шароит юзага келади.

Иқтисодий сиклнинг бир қатор фазаси **инқироздан** бошланиб, у ишлаб чиқаришнинг пасайишида ифодаланади.

Инқироздан кейин **турғунлик фазаси** бошланиб, у нисбатан узоқроқ давом этади. Бу фазада ишлаб чиқариш даражасининг барқарорлиги таъминлансада, у инқироз бошланишидан олдинги даражага нисбатан анча паст бўлади. Нархларнинг ўсиши тўхтаб, ссуда фоиз нормалари пасаяди, товар захиралари барқарорлашади.

Бироқ ишсизликнинг юқори даражаси сақланиб қолади. Турғунлик фазаси давомида иқтисодий фаоллик жонланиши учун шароитлар вужудга келиши ниҳоясига этади.

**Жонланиш фазасида** ишсизлик даражаси бир оз қисқариб, ишлаб чиқариш даражаси секин-аста ўсиб боради. Нархлар ҳам секин кўтарилиб, ссуда фоиз нормаси ўса бошлайди.

Иқтисодиёт бандлик даражасининг ортиши ва фойда ҳажмининг тезлик билан ўсиши жонланиш фазасининг юксалиш босқичига ўсиб ўтишига имконият яратади. Янги сикл юксалишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

**Юксалиш фазасида** ишчи кучига бўлган талабнинг кенгайиши ишсизликнинг бирмунча камайишига ҳамда иш ҳақининг ўсишига олиб келадики, бунинг оқибатида истеъмол товарларига тўловга қодир талаб кенгаяди. Пировард талабнинг ортиши, ўз навбатида, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга, бозорни кенгайтириш учун туртки беради. Рақобат ва фойда кетидан қувиш оқибатида номутаносибликларнинг тўпланиб боришидан иборат занжирли реаксия тезлашади. Бу билан янги инқироз муқаррар бўлиб қолади.

Алоҳида иқтисодий сикллар бир-биридан давомийлиги ва интенсивлиги бўйича кескин фарқланади. Шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси бир хил фазаларга эга бўлади.

[145] McConnell, Campbell R. Economics : principles, problems, and policies 17th ed. 2008 page 157




**3.7.1-расм. Иқтисодий сикл фазалари**

Ҳозирги замон иқтисодий сикллари XIX ва XX аср биринчи яримидаги сиклларда сезиларли фарқ қилади. Шу сабабли, ҳозирги замон иқтисодий қарашларда фақат икки фаза ретсессия ва юксалиш ажратилади. Ретсессия фазаси инқироз ва турғунликни, юксалиш фазаси эса жонлиниш ва ўсишни қамраб олади.

Миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг меъёрида пасайиши ретсессия деб номланади.




**3.7.2-расм. Иқтисодий сикл**

Кўриб чиқдикки, АҚШ иқтисодиётининг узоқ муддатли тенденсияси иқтисодий ўсишнинг бир омили. Аммо, иқтисодий ўсиш одатда иқтисодий сикл деб номланадиган иқтисодий нотурғунлик даври туфайли тўхтаб қолади. Бир неча йиллар мобайнида иқтисодий сикл иқтисодий фаолият даражасини пасайиб, кўтарилиш тендемсиясини ўзгартирмоқда. Якка тартибдаги кўтарилиб, пасайишлар давомий ва юқори даражада ўзгариб бормоқда.

• Ретсессия ёки инқироз умумий ишлаб чиқариш, даромад ва иш билан таъминланишдаги пасайиш даври ҳисобланади. 6 ой ёки ундан ҳам кўпроқ вақт мобайнида давом этадиган бундай давр иқтисодиётнинг кўп секторларида иш фаолиятининг кенг тарзда қиақариши билан баҳоланади. ЙИМдаги пасайишлар билан бир қаторда, ишсизликда сезиларли даражада кўтарилшлар кузатилади. 7.2 жадвал 1950 йилдан бери АҚШда 10 гаяқин инқирозлар кузатилганидан дарак

беради.

• Турғунлик ёки инқироз гирдобида ишлаб чиқариш ва иш билан таъминланиш ўзининг энг паст кўрсаткичига етади. Бу давр узоқ вақт ёки қисқа вақт мобайнида кечиши мумкин.[146]

Инқироздан кейин одатда жонланиш ёки тикланиш аломатлари содир бўлади яъни даромад, иш билан таъминланиш даражасида кўтарилишлар сезилади. Баъзи вақтларда, иқтисодиёт яна ўзини аввалги тўлиқ қувват билан имкониятларини эриша бошлайди. Агар иқтисодий ўсиш имкониятлати харажатлардан ошиб кетса, деярли барча маҳсулот ва товарларнинг нархлари кўтарилиб кетади. Бошқага қилиб айтганда, ин фл ятсия содир бўлади. Гарчи иш фаолияти сикллари бир даврни ўзида ўтиб кетса, улар давомийлик ва ишлаб чиқариш имконияти жиҳатидан жуда катта ўзгаришларга юз тутади. Баъзи иқтисодчилар бу ҳолатни иш фаолиятидаги даврлар дейишдан кўра ъпасайибтушишларъ деб атайдилар, чунки даврлар доимийлик характерига эгаъпасайибтушишларъ эса ундай характерга эга эмас. 1930 йиллардаги улкан иқтисодий инқироз АҚШда 3 йил вақт мобайнида реал ЙИМни 40 фоиз пасайишига олиб келди ва ўн йилга бизнес фаолиятида жиддий зарар кўрсатди. Қиёсан айтганда, 7.2 жадвалда берилганидек кейинг пайтларда бўлиб ўтган инқирозлар куч ва давомийлик жиҳатидан нисбатан зарарсизроқ бўлди. Бу каби иқтисодий таназзуллар бошқа мамлакатларда ҳам содир бўлиб туради, албатта. Кейинги 10 йил ичида гоҳ-гоҳида Аргентина, Бразилия, Япония, Мексика, Германия ва Жанубий Кореяда ҳам шу каби инқирозлар кузатилди.[147]

### 3.7.2. Циклларнинг ретсессия ва юксалиш орқали рўй бериши

Сиклилик, ишлаб чиқаришнинг даврий тушиб туриши деярли 200 йил давомида бозор иқтисодиётига эга мамлакатларга хос бўлган.

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг чуқур ва изчил равишда тадқиқ этилиши турли кўринишдаги назарияларнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

Кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари иқтисодий циклларнинг объектив тавсифини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қилади. **Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назария экстернал назария деб аталади.**

Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодиса-ларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади. Бу ташқи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар;
- олтин, уран, нефт ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши;
- янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси, эр шари аҳолиси сонининг ўзгариб туриши;
- ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инноватсиялардаги қудратли ўзгаришлар.

**Иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллари таъсирида вужудга келишини асословчи назария интернал назария деб аталади.**

Асосий капиталнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб, хизмат муддати тугаши ва унинг янгиланиши кўпчилик иқтисодчилар томонидан иқтисодий циклни келтириб чиқарувчи муҳим ички омиллардан бири сифатида қаралади.

[146] McConnell, Campbell R. Economics : principles, problems, and policies 17th ed. 2008 page 190
[147] McConnell, Campbell R. Economics : principles, problems, and policies 17th ed. 2008 page 195

Агар бир ёки бир неча тармоқда машина-ускуналарга талабнинг кескин ортишини келтириб чиқарадиган иқтисодий ўсиш бошланса, табиийки, бу ҳол машина ва ускуналар тўлиқ эскирадиган ҳар 10-15 йилдан кейин такрорланади. Фан-техника тараққиёти натижасида бу муддат қисқариб боради ва инқирозлар тез такрорланади.

Шунингдек, сиклни келтириб чиқарувчи бошқа ички омиллар ҳам ажратиб кўрсатилади:

- шахсий истеъмолнинг ўзгариши (қисқариши ёки кенгайиши);
- инвеститсиялар, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириладиган маблағлар ҳажми;
- ишлаб чиқариш, талаб ва таклиф ҳажмига таъсир кўрсатишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

Иқтисодий сиклнинг келиб чиқишини фақат экстернал ёки интернал назария орқали тушунтириш кўпам тўғри бўлмайди. Иқтисодий сикл ва умуман иқтисодий тизимдаги миқдорий ва сифат ўзгаришлар ташқи ва ички омилларнинг биргаликдаги таъсири оқибатида келиб чиқиши мумкин.[148]

**Сикл тўғрисидаги назариялар, унинг асосий турлари.**

Иқтисодиётнинг сиклли ривожланиши сабабларини изоҳлаш орқали бир қатор назариялар вужудга келган. Улардан асосийларини кўриб чиқамиз.

**Соф монетар назария.** Бу назария тарафдорларининг фикрича бозор иқтисодиётидаги ўзгаришларда марказий ўринни пул ва кредит ҳаракати эгаллайди. Иқтисодиётнинг сиклли ўзгариши энг аввало пул массаси оқимини ўзгартиришга боғлиқ.

Иқтисодий фаолликнинг ўсиши, иқтисодиётнинг равнақ топиши, унинг турғунлик билан алмашиниб туришига ягона сабаб пул оқимининг ўзгаришидир. Товарларга талабнинг ортиши нати-жасида савдо ҳажми, чакана нарх ўсиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади.

Пул оқими (истеъмол сарфлари суммаси) пул миқдорининг ўзгариши натижасида ўзгаради. Пул миқдорининг камайиши иқтисодий фаолият фаоллигини пасайтиради.

Пул ва кредит тизими беқарор тавсифга эга эканлиги сабабли пул оқимини барқарорлаштириш қийинлашади. Ҳозирги пайтда кредит пуллари тўлов ва муомала воситаси сифатида асосий ролни ўйнайди. Айнан банк тизими кредит пулларни яратади, шунга кўра, пул оқимининг ўзгаришида банкларнинг ҳисоб ставкалари катта аҳамият касб этади. Бу назариянинг айрим тарафдорлари пулни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қараб, уни мувозанат бузилишига асосий сабаб деб кўрсатади.

Иккинчи гуруҳи эса пул тизими мутаносибликни бузмайди, фақат унинг бузилишига олиб келувчи бошқа омиллар учун шароит яратади, деган фикрни илгари сурадилар. Шунга мос равишда монетар ва номонетар йўналиш вужудга келди. Монетар назариянинг эътиборга лойиқ томонлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) юксалиш фазаси даврида кредитни кенгайтириш туфайли келиб чиққан ишлаб чиқариш тузилмасидаги номутаносибликлари таҳлил қилинади;

2) мазкур номутаносибликларнинг салбий натижасида сифатида келиб чиқувчи инқирозлар таҳлил қилинади.

---

[148] McConnell, Campbell R. Economics : principles, problems, and policies 17th ed. 2008 page 197

**Сиклик Таъсир: Узоқ-Муддатли ва Қисқа Муддатли**

Гарчи иқтисодий сикл иқтисодиётда ҳар қачон кузатилсада, у турлича сегментларга турлича йўллар орқали турлича даражаларда таъсир кўрастади. Асосий товарларни ишлаб чиқараётган фи рмалар ва ишлаб чиқариш тармоқлари ва узоқ муддатли истеъмол товарларига иқтисодий сикл катта таъсир кўрсатади. Имконият даражасида, фи рмалар асосий товарларни ишлаб чиқаришни кечиктириб туришлари мумкин. иқтисодиёт оқсаётган бўлса, ишлаб чиқарувчилар янги асбоб-ускуналарни харид қилишни ва янги завод-фабрикаларни қурилишини кечиктириб туради. Иқтисодиётнинг истиқболдаги аҳволи асосий товарларни ишлаб чиқарилиш кўламини оширишни кафолатини бермайди. Ишлаб чиқариш имкониятлари яхши бўлганда, асосий товарлар одатда, улар умуман фойдаланишдан чиқарилишидан аввал бошқасига алмаштирилади. Аммо, инқироз қўнғироғи бонг урса, фи рмалар ўзларининг эски ускуналарини таъмирлаб, уларни қайта фойдаланишга жалб этади. Натижада, асосий товарларга қўйиладиган инвеститсиялар кескин суръатда пасайиб кетади. Ишлаб чиқариш қудрати юқори бўлган фирмалар муомаладан чиқиб кетаётган сармояни ўрнига қўйишга бош қотирмайдилар. Улар учун, соф инвеститсия салбий кўринишда бўлиши мумкин. Бу ҳолат автомобиллар ва асосий уй жиҳозлари каби узоқ муддатли фойдаланиб бўладиган истеъмол товарларига ҳам тааълуқлидир. Қачон иқтисодий инқироз юз берса ва уй-хўжаликлар ўз бюджетларини қисқартирса, бу маҳсулотларни харид қилиниши секинлашади. Оилалар янги уй жоҳозлари ёки автомобиллар сотиб олиш ўрнига эскиларини таъмирлашга тушиб кетадилар ҳамда бу маҳсулотларни ишлаб чиқараётган фирмалар бундан катта азият чекадилар. Аксинча, хизматлар кўрсатиш соҳаси ва қисқа муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар ҳар қалай инқирознинг бундай кескин оқибатларидан узоқрокда бўладилар. Одамлар энди керакли тиббий ва қонуний хизматларга харажатларни қисқартирмайдилар. Инқироз гаровга нарса қўйиб пул берувчи гаровхона эгалари ва банккротлик ишлари билан шуғулланувчи ҳуқуқшунослик фи рмаларига қайсидир даражада фойда келтиради. Чунки улар инқироз кетидан анча пул ишлаб олишлари мумкин. Озиқ-овқат ва кийим-кечак каби қисқа муддатли товарларнинг харидларини кечиктириб бўлмайди. Қисқа муддатли товарларнинг харидларининг сифати ҳам, миқдори ҳам пасаяди, лекин бу кўрсаткич асосий ва узоқ муддатли товарларда кузатилмайди.[149]

Шундай қилиб, бу назария жамғаришнинг даврий равишда ошиб кетиши ва мутаносиблик бузилишининг асосий сабаби сифатида пулнинг характерини кўрсатадилар. **Номонетар назария** тарафдорлари эса технологик ўзгаришлар, янгиликлар, ихтироларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, уларнинг пул жамғаришнинг кўпайиб кетишидаги ролини кўрсатишади. Монетар ва номонетар назариялар ўртасидаги фарқ унча катта бўлмасдан, бири иккинчисини тўлдиради.

Ҳар иккала назария ҳам охир-оқибат иқтисодий фаолликнинг ўзгаришига истеъмол эмас, балки инвеститсия сабаб бўлади, деган фикрни илгари суради.

***Е*тарлича истеъмол қилмаслик назарияси.** Бу назарияда даромадларни кўпроқ жамғариб, этарли даражада истеъмол қилмаслик иқтисодиёт сиклли ривожланишининг сабаби қилиб кўрсатилади:

1) маблағни жамғариш, бошқача айтганда хазинага айлантириш турғунликка олиб келиши мумкин, чунки бу маблағ инвеститсиялаш учун фойдаланилмайди;

2) пулни жамғариш истеъмолга сарфларини қисқартириб, истеъмол товарларига талабнинг қисқаришига олиб келади.

[149] McConnell, Campbell R. Economics : principles, problems, and policies 17th ed. 2008 page 206

3) инвеститсияга нисбатан пул шаклидаги жамғариш ҳажми ўсиб, истеъмол товарларига талаб камайиб бориши шароитида, таклиф ортганда, нарх пасаяди, истеъмол товарлари бозоридаги номутаносиблик инқирозга олиб келади.

| | | |
|---|---|---|
| Китчин сикли | 2–4 йил | ;ахиралар миқдори: ЯММ, инфлясия, бандликнинг тебраниши, тижорат сикллари |

**Жамғариш назарияси.** Бу назария иқтисодий сиклни ишлаб чиқариш воситалари ёки капиталлашган инвеститсион товарлар ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлайди. Кунлик ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари ҳамда инвеститсион товарлар ишлаб чиқариш сикллари ўртасида катта фарқ мавжуд бўлади.

Кунлик истеъмол товарлари доимий истеъмол қилиниши сабабли, уларни истеъмол қилиш ҳажми ўзгарган тақдирда ҳам иқтисодий фаолликда унча катта ўзгаришлар содир бўлмайди.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар домий равишда эмас, балки истеъмолчи даромади кўпайган тақдирда сотиб олинади. Шу сабабли, бундай товарларга талаб барқарор эмас. Ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эттириш талаби эса инвеститсион товарларни доимий ишлаб чиқариш зарур қилиб қуяди.

Истеъмол ўсиб бориши билан инвеститсион товарларга талаб ҳам ортади. Бунда ишлаб чиқариш таркибида номутаносибликлар юз беради, яъни кундалик ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари ҳамда инвеститсион товарларни ишлаб чиқариш ўртасида нисбатлар бузилади.

Инқирознинг сабаби ана шу нисбатларнинг бузилишидир. Лекин кўпчилик

| Сикл турлари | Сиклнинг давомийлиги | **Асосий хусусиятлари** |
|---|---|---|
| Жюглар сикли | 7–12 йил | Інвестисион сикл : ЯММ, инфлясия ва бандликнинг тебраниши |
| Кузнетс сикли | 16-25 йил | Даромад → иммигратсия → уй-жой қурилиши → ялпи талаб |
| Кондратев сикли | 40-60 йил | Техника тараққиёти, таркибий ўзгаришлар |
| Форрестер сикли | 200 йил | Енергия ва материаллар |
| **Тоффлер сикли** | 1000-2000 йил | Сивилизатсияларнинг ривожланиши |

иқтисодчилар этарли даражада истеъмол қилмаслик инқирознинг сабаби эмас, балки унинг оқибатидир, деб таъкидлайдилар. Яъни истеъмолчилар даромадларини кўпроқ жамғаришга ажратганлари учун эмас, балки тўлов қобилиятининг этарли эмаслиги, яъни харид қилиш учун пулнинг этишмаслигидан бундай инқироз келиб чиқади.

**Психологик назария.** Иқтисодиётнинг сиклли ривожланишини тушунтиришда психологик назариялар ҳам ўз ўрнига эга. Психологик назария тарафдорлари (Ж.М.Кейнс, У.Митчелл, Ф.Хаек ва бошқаларни киртиш мумкин.) фикрича, инсондаги оптимизм ва пессимизм фаолият активлигига объектив иқтисодий омиллар: фоиз меъёри, пул оқими, фойда ва бошқалар таъсир кўрсатиб, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг қисқариши ёки кенгайиши рўй беради. Кредит тизимининг ривожланиши талаб ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши одамларнинг руҳиятини кўтаради ва аксинча. Бундан ташқари кишиларда ликвидлиги юқори бўлган пул жамғаришга мойиллик ортиб бориши ўз навбатида иқтисодий ривожланишга таъсир кўрсатади.

Ҳозирги замон иқтисодий фанида иқтисодий сиклнинг 1380 дан ортиқ турлари мавжудлиги таъкидланади[62]. Бироқ иқтисодий фанда уларнинг фақат бир нечта турлари аниқ бўлиб қисқа, ўрта ва узоқ муддатли сиклларни ажратиш қабул қилинган. Мазкур сиклларнинг барчаси ўзаро боғлиқ бўлиб, узоқ муддатли сикллар оқимида ўрта ва қисқа муддатли, ўрта муддатли сикллар тўлқинида эса бир нечта қисқа муддатли сикллар мавжуд бўлади. Уларнинг кўпчилик иқтисодчилар томонидан тан олинган асосий турлари қуйидаги жадвалда ифодаланган.

**1-жадвал**

**Циклларнинг асосий турлари**

**Китчин сикли** захиралар сикли деб ҳам номланади. Бунда Жозеф Китчин (1926 й.) ўзининг эътиборини товар захираларининг ҳаракат чоғидаги молиявий ҳисоблар ва сотиш нархларини таҳлил қилиш асосида 2 - 4 йилгача давр давомидаги қисқа тўлқинларни тадқиқ қилишга қаратади. Айниқса у сиклнинг давомийлигини жаҳондаги олтин захираларининг тебранишлари билан боғлаб, уни 3 йилу 4 ойга тенг, деб ҳисоблайди. Бироқ қисқа муддатли сикллар сабабларининг бундай изоҳи бугунги кунда кўпчилик иқтисодчиларни қониқтирмайди. Китчин сикли истеъмол товарлари бозорида мувозанатлик бузилиши ва тикланиши давридан иборат бўлади. Ҳар бир сикл  истеъмол товарларига талаб нисбатлари ўзгаргандаги янги мувозанатлик билан тугалланади.[150]

**Жюглар сикли** «бизнес-сикл», «саноат сикли», «ўртача сикл» ва «катта сикл» каби номлар билан ҳам аталади. Олдинги даврларда иқтисодий фан 7-12 йиллик сиклларни ажратиб кўрсатганлиги туфайли, айнан шу сикл Франсия, Англия ва АҚШда фоиз ставкалари ва нархдаги тебранишларни  таҳлил қилиш асосида саноат сиклининг табиатини ўрганишга катта ҳисса қўшган Клеман Жюглар (1819-1905 йй.) номи билан аталади. Жюглар сиклининг давомийлиги айрим иқтисодчилар қайд қилган асосий капитал фаол қисмининг жисмоний эскириши рўй берадиган даврга мос келади.

Биринчи саноат сикли 1825 йили Англияда металлургия ва бошқа этакчи тармоқларда машинали ишлаб чиқариш ҳукмрон мавқени эгаллаган даврда кузатилади. 1836 йилдаги инқироз дастлаб Англияда бошланиб, кейин АҚШга ҳам тарқалади, 1847-1848 йилларда АҚШ ва қатор эвропа давлатларида бошланган инқироз туб моҳиятига кўра биринчи жаҳон саноат инқирози бўлган.

Агар XIX асрда саноат сикли 10-12 йилни ташкил қилган бўлса, XX асрда унинг давомийлиги 7-9 йил ва ундан ҳам кам давргача қисқарган.

АҚШ ва эвропанинг ривожланган давлатлари XX асрда 12 та саноат сиклини бошдан кечирган бўлиб, улардан эттитаси иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган.

1857 йилда қатор Ғарбиевропа давлатларини қамраб олган биринчи жаҳон сиклик инқирози рўй берган. 1873 йилда XIX асрдаги энг узоқ ва талофатли инқироздан кейин 1882 ва 1990 йилларда яна янги инқироз кузатилган.

1900-1901 йилларда бир вақтда Россия ва АҚШда металлургия саноатида бошланган инқироз шиддатли равишда барча эвропа давлатларига тарқалган.

Иқтисодиёт тарихига “Буюк депрессия” номи билан кирган 1929-1933 йиллардаги инқироз энг талофатли ва узоқ давом этган инқироз ҳисобланади. Бу инқироз даврида жаҳон ишлаб чиқариши ҳажми 44%га, жаҳон савдоси 62%га камайган. Инқироз кучайган даврда этакчи давлатларда ишсизликнинг умумий сони 30-40 млн. кишига этган.

“Буюк депрессия”дан кейин 1974-1975 йиллардаги инқироз бир вақтда деярли бутун ривожланган мамлакатларни қамраб олиб, ишлаб чиқариш 12% га қисқарган.

Урушдан кейинги йилларда бир қатор мамлакатлар учун 1980-1982 йиллардаги инқироз энг талофатли ҳисобланиб, бу даврда (1982 йил охирида) банд қилинмаган ишлаб чиқариш қувватлари Италияда 30%ни, Канадада 30%дан ортиқни, АҚШ қайта ишлаш саноатида 32,4%ни ташқил қилган.

[150] Қаранг: Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 469-б.

**Кузнетс сикли** кўп ҳолларда «қурилиш сикли» деб ҳам номланиб, 20 йилгача бўлган иқтисодий тебранишлар билан аниқланади. Саймон Кузнетс ўзининг «Миллий даромад» (1946 й.) номли китобида миллий даромад, истеъмол сарфлари, ишлаб чиқариш мақсадидаги ускуналар ҳамда бино ва иншоотларга ялпи инвеститсиялар кўрсаткичларида 20 йиллик ўзаро боғлиқ тебранишлар мавжуд бўлишини кўрсатиб берган. 1955 йилда америкалик иқтисодчининг хизматларини тан олиш рамзи сифатида саноат сиклини Кузнетс сикли деб номлашга қарор қилинади.

**Кондратев сикли** «узоқ тўлқинлар» сикли деб ҳам аталади. Сикллиликнинг бу назариясини ишлаб чиқишга рус олими Н.Д.Кондратев катта ҳисса қўшган. Унинг тадқиқоти Англия, Франсия ва АҚШнинг 100-150 йил давомидаги ривожланишини қамраб олган. Бунда у иқтисодий ўсишнинг кўп омилли таҳлилини ўтказиб, яъни товар нархлари капитал учун фоиз, номинал иш ҳақи, ташқи савдо айланмаси каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўртача даражасини умумлаштириш натижасида бир қатор катта сиклларни ажратиб кўрсатади.

И-сикл: 1787-1814 йиллар – кўтарувчи тўлқин; 1844-1851 йиллар – пасайтирувчи тўлқин.

ИИ-сикл: 1844-1851 йиллар – кўтарувчи тўлқин; 1890-1896 йиллар – пасайтирувчи тўлқин.

ИИИ-сикл: 1896-1920 йиллар – кўтарувчи тўлқин.

Кондратев сиклининг давомийлиги ўртача 40-60 йилни ташкил қилади ва унинг асосий хусусияти техника тараққиёти ҳамда таркибий ўзгаришларни ўзида акс эттириши ҳисобланади.

Кондратев биринчи катта сиклнинг юксалиш фазасини Англиядаги саноат революсияси, иккинчисини – темир йўл транспортининг ривожланиши, учинчисини – электр энергияси, телефон ва радионинг кашф этилиши, тўртинчисини – автомобил саноатининг ривожланиши билан боғлайди. Ҳозирги замон тадқиқотчилари бешинчи сиклни электроника, ген инженерлиги ва микропротсессорлар ривожланиши тақозо қилишини кўрсатади.

Кондратевдан бир неча йиллар кейин француз иқтисодчиси Франсуа Семян ҳам катта иқтисодий сикллар бўйича бир хил хулосага келган. Ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида катта иқтисодий сикллар консепсияси макроиқтисодий прогнозлаш муаммосига тадбиқан қараб чиқилади.

Таҳлилчилар “узоқ тўлқинларни” яхлит технолигик даврлар алмашиниши, фандаги техника, ишлаб чиқариш ва ҳатто маданият, таълим, кишилар турмуш тарзидаги катта туб ўзгаришлар билан ҳам боғлайди. Бундай катта ўзгаришлар ички ёниш двигателлари, электр-енергияси, компютерлар кашф қилиниши натижасида вужудга келган.

Иқтисодий сикл барча томонлари билан намоён бўлиб, амалда иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги сабабли унинг ҳеч бир соҳаси инфлясия тўлқини ёки турғунликнинг ноҳуш оқибатларидан четда қолмайди. Аммо шуни эътиборга олиш зарурки, иқтисодий сикл алоҳида шахслар турмуш даражаси ва корхоналар иқтисодий фаоллигига турли даражада таъсир кўрсатади.

Одатда иқтисодий инқирозлардан саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва узоқ муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлари кўпроқ зарар кўради.

Уй-жой ва саноат бинолари қурилиши, оғир машинасозлик ҳамда инвеститсион товарлар, автомобиллар, маиший хўжалик буюмлари ва шунга ўхшаш товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ саноат тармоқлари ва уларда банд

бўлган ишчилар сиклнинг инқироз фазасида оғир оқибатга учрайди. Бироқ, бу тармоқлар сиклнинг юксалиш фазасида ўзининг ривожланиши учун юқори даражада рағбат олади.

Иқтисодиёт қийинчиликни бошдан кечира бошлаганда ишлаб чиқарувчилар кўпинча замонавий ускуналарни сотиб олишни ва янги заводлар қуришни тўхтатади ёки қандайдир муддатга кечиктириши мумкин. Бундай конъюнктура шароитида инвеститсион товарлар захираларини кўпайтириш ҳеч қандай иқтисодий мазмунга эга эмас, аксинча корхоналар мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан анча тўлароқ фойдаланишлари мумкин бўлади.

Иқтисодий жиҳатдан қулай вазиятларда, яъни сиклнинг жонланиш ва юксалиш фазаларида ишлаб чиқариш воситалари одатда улар тўлиқ эскиргунга қадар алмаштирилади. Аммо таназзул даври келганида, корхоналар ўзининг эскирган ускуналарини таъмирлаб, уларни ишга туширади. Шу сабабли бу даврда ишлаб чиқариш воситаларига инвеститсиялар кескин қисқаради. Ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд бўлган айрим корхоналар, ҳатто истеъмол қилинган асосий капиталининг ўрнини қоплашга ҳам ҳаракат қилмайди.

Қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари иқтисодий сиклнинг оқибатларини нисбатан камроқ даражада сезади.

Аҳоли ёки кенг истеъмолчилар қатламига иқтисодий сикл турлича таъсир кўрсатади. Таназзул даври бошланганда, доимий даромад олувчи истеъмолчилар оила бюджетини қисқартиришга тўғри келади, маиший техника ва автомашина каби узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилишни тўхтатади. Ҳар қандай шароитда ҳам оила аъзолари эб-ичиши ва кийиниши зарурлиги туфайли, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар, яъни қисқа муддатда фойдаланадиган истеъмол товарларини харид қилишни тўхтатиш мумкин эмас. Фақат, бундай товарларни харид қилиш миқдори қандайдир даражада камайиши мумкин.

Инвеститсион товарлар ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи кўпчилик саноат тармоқлари юқори даражада монопол мавқега эгалиги билан фарқланади ва натижада бозорда нисбатан кўп бўлмаган йирик фирмалар маълум давр давомида нархнинг пасайишига қарши туриши, талабнинг камайиши сабабли маҳсулот чиқариш ҳажмини чеклаш учун этарлича монопол ҳукмронликка эга бўлиши мумкин. Шу сабабли талабнинг камайиши биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва бандлик даражасига таъсир кўрсатади. Бунга тескари бўлган ҳолатни қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларида кузатиш мумкин. Бу тармоқларнинг кўпчилиги ўзларининг рақобатга лаёқатсизлиги ва ишлаб чиқариш марказлашув даражасининг пастлиги билан тавсифланади. Шу сабабли улар сиклнинг салбий оқибатларига қарши тура олмаслиги мумкин ва маҳсулотларига талабнинг пасайиши ишлаб чиқариш даражасига қараганда нархларда кўпроқ акс этади.

Демак, капиталнинг тўпланиши юқори даражада бўлган тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайиши ва нархларнинг нисбатан секин тушиши, унинг даражаси паст бўлган тармоқларда нархларнинг сезиларли тушиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан кам қисқариши кузатилади.

### 3.7.3. Инқирозларнинг мазмуни ва турлари

Сиклли ривожланишнинг дастлабки ва асосий фазаси инқироз ҳисобланади. Шунга кўра ушбу фазанинг мазмуни ва унинг турларини батафсил кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Инқироз бир сиклни ниҳоясига етказиб, яна муқарар равишда инқироз билан

тугайдиган янгисининг бошланишига асос солади; инқироз рўй берганда асосий капиталнинг ортиқча жамғарилиши унинг ҳамма функсионал шаклларида намоён бўлади.

Инқироз пайтида ишлаб чиқариш ва бандлик қисқаради, аммо нархлар ҳар доим пасайиш тамойилига берилмайди. Бу фазанинг қуйи нуқтасида ишлаб чиқариш ва бандлик ўзининг энг паст даражасига тушиб кетиши орқали тавсифланади. **Шунга кўра, иқтисодий инқироз деб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг кескин тушиб кетишини билдиради.**

Инқирознинг сабаби шундан иборатки, жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар массаси тўловга қобил талабга мос келмай (ундан ошиб кетади ёки кам бўлади) қолади. Натижада ишлаб чиқаришнинг бир қисми тўхтаб қолади, товарлар таклифи камаяди, ишлаб чиқаришнинг ўсиш даври унинг тушкунлиги билан алмашинади. Иқтисодиётнинг ўсиши инфлясия, яъни нархлар умумий даражасининг асоссиз равишда кескин кўтарилиши сабабли орқага кетади. Шундай даврлар ҳам бўладики, бунда иқтисодий ўсиш бандлик ва ишлаб чиқаришнинг паст даражасига ўрин беради, айрим ҳолларда нарх даражасининг кўтарилиши билан бирга ишсизлик ҳам кескин ортади. Қисқача айтганда, иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли тамойиллари ҳам ишсизлик, ҳам инфлясия оқибатида узилиб қолади ва мураккаблашади. Инқирозларнинг асосий сабаби – такрор ишлаб чиқаришдаги беқарорлик ва номутаносибликлардир. Бу аввало ишлаб чиқариш ва унинг натижаларини ўзлаштириш ўртасидаги номутаносиблик бўлиб, у турли ишлаб чиқариш усуллари ва иқтисодий тизимнинг ҳар хил нусхаларида турли шаклларда намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш билан истеъмол, талаб ва таклиф ўртасидаги вақти-вақти билан юзага келиб турадиган номутаносибликлар ҳам иқтисодий инқирозларнинг юзага чиқиш имкониятини сақлайди.

Ривожланган товар хўжалиги пайдо бўлгунга қадар ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши одатда табиий офатлар (қурғоқчилик, тошқинлар ва ҳ.к.) ёки урушлар ва улар келтирадиган вайронагарчиликлар билан боғлиқ бўлган. Йирик машинали ишлаб чиқаришга ўтилган даврдан кейинги вақти-вақти билан иқтисодиётни ларзага солиб турувчи иқтисодий инқирозлар такрор ишлаб чиқаришга сиклик тавсифни касб этади. Инқирозлар турли-туман тарзда рўй берсада, уларни умумий, ўхшаш томонларини назарда тутиб, гуруҳларга ажратиш мумкин.

Хўжалик тизимида **мувозанатнинг бузилиши кўламига кўра** инқирозларни умумий ҳамда айрим соҳаларда юз берадиган турларга ажратиш мумкин. Умумий инқирозлар бутун миллий хўжаликни қамраб олса, иккинчиси қисман, яъни айрим соҳалар ёки тармоқлардаги танглик сифатида рўй беради.

Айрим соҳалардаги инқирозлар орасида молиявий инқироз муҳим ўрин тутиб, у ўз ичига пул-кредит ва валюта соҳасидаги инқирозларни олади. АҚШ ва эвропанинг аксарият мамлакатларида 2008 йилда бошланган инқироз ҳам дастлаб молия соҳасини, кейинчалик ишлаб чиқариш соҳасини ҳам қамраб олиб, жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозга айланди.

**Пул-кредит соҳасидаги инқироз.** Мамлакатда пул-кредит тизимининг танг аҳволга тушиши бўлиб, бунда тижорат ва банк кредити таклифини қисқаради. Аксия ва облигатсияларнинг курси, банк фоиз ставкаси тушиб кетиши натижасида банклар синиб, банкротликка учрайди.

**Валюта инқирози.** Бунда банкларда валюта захираси тугаб, миллий валюта курси кескин тушиб кетади.

**Биржа инқирози.** Бу қимматли қоғозлар курсининг тезда кескин тушиб кетиши, уларни эмиссия қилишнинг қисқариши натижасида фонд биржалари

фаолиятидаги чуқур танглигини ифодалайди.

**Екологик инқироз.** Атроф-муҳитнинг кескин бузилиши натижасида энг аввало кишилар соғлиғини йўқотиш, умрини қисқартиришга олиб келадиган даражадаги вазиятнинг вужудга келишида ифодаланади.

**Таркибий инқирозлар.** Бу инқи-розларни ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари билан тармоқлар ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликлар келтириб чиқаради. Таркибий инқирозлар миллий хўжаликнинг бирон-бир тармоғини қамраб олиб, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгаришни тақозо қилсада, акс ҳолда меъёридаги хўжалик алоқаларининг бузилишига сабаб бўлади.

Таркибий инқирозлар билан зўрға иқтисодий тебранишлар ва шу жумладан иқтисодий фаолликнинг мавсумий тебранишлари ҳам мавжуд бўлади. Масалан, байрамлар арафасида оммавий равишда харид қилиш, истеъмол товарларининг фаоллик суръатида, асосан чакана савдода сезиларли ҳар йиллик тебранишларга олиб келади. Қишлоқ хўжалиги, автомобил саноати, қурилиш ҳам қандайдир даражада мавсумий тебранишларга дучор бўлади.

Иқтисодий фаоллик иқтисодиётдаги узоқ муддатли тамойилларга, яъни узоқ муддатли давр, масалан, 25, 50 ёки 100 йил давомида иқтисодий фаолликнинг ўзгариши (ортиши ёки пасайиши) га боғлиқ. Бу эрда шуни таъкидлаш лозимки, айрим мамлакатларда (масалан АҚШ) узоқ муддатли тамойил сезиларли иқтисодий ўсиш билан тавсифланса, бошқаларда иқтисодий ўсишнинг секинлашуви кузатилади.

Иқтисодий фаолликнинг тебранишини тушунтирувчи кўплаб қарашлар мавжуд бўлишига қарамасдан, кўпчилик иқтисодчилар ишлаб чиқариш ва бандлик даражасини белгиловчи асосий омил умумий ёки ялпи сарфлар даражаси деб ҳисоблашди.

**Аграр инқирозлар.** Қишлоқ хўжалигида рўй берадиган аграр инқирозлар қуйидаги шаклларда намоён бўлади: 1) қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нисбий ортиқча ишлаб чиқарилиши, унинг сотилмай қолган жуда катта захираларининг тўпланиши;

2) нархларнинг пасайиши, даромадлар ва фойдаларнинг камайиши; 3) фермерларнинг оммавий равишда хонавайрон бўлиши, улар қарзларининг ортиши; 4) қишлоқ аҳолиси ўртасида ишсизларнинг кўпайиши.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, аграр инқирозлар ўзига хос тавсиф касб этади. Аграр инқирозлар саноат циклларига қараганда одатда анча узоқ вақт чўзилиб кетади. Биринчи аграр инқироз ХИХ асрнинг 70-йилларида бошланиб, ҳар хил шаклларда 90-йиллар ўртасигача давом этган.

Биринчи жаҳон урушидан кейин, аҳолининг харид қобилияти жуда пасайиб кетган шароитда, 1920 йил баҳорида кескин аграр инқироз бошланиб, иккинчи жаҳон урушининг бошланишга қадар, учинчи аграр инқироз 1948 йилдан, 80-йилларгача давом этган.

Аграр инқирозларнинг чўзилиб кетишининг асосий сабаблари қуйидагилар: а) эрга хусусий мулк монополияси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланишида саноатга нисбатан орқада қолишига сабаб бўлади; б) эр рентасининг мавжуд бўлиши ва унинг узлуксиз суръатда ўсиб бориши. Эр рентасининг, аввало абсолют рентанинг ўсиб бориши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қимматлаштириб юборади, бунинг натижасида уни сотиш қийинлашади; в) кўплаб майда деҳқон хўжаликларининг мавжуд бўлиши. Майда ишлаб чиқарувчилар хўжаликни асосан ўзи ва оиласи учун зарур тирикчилик воситалари билан таъминлаш мақсадида юритади. Инқироз шароитида ҳам улар

ишлаб чиқаришни қисқартира олмайдилар. Оиласини таъминлаш ва ижара ҳақини тўлаш учун ишлаб чиқаришни илгариги миқиёсларда олиб бораверади. Бу ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни яна ҳам кўпайтириб юборади.

Аграр инқирозлар сиклли тавсифга эга бўлмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ортиқча ишлаб чиқариш мутлоқ эмас, балки нисбий тавсифга эга. Чунки инқироз рўй берган мамлакатларда миллион-миллион кишилар доимий суратда очликда яшайди.

2. Иқтисодиётда мувозанатлик бузилишининг **мунтазам ёки онда сонда юз беришига кўра** даврий, оралиқ, беқарор инқирозларга ажратиш мумкин.

**Даврий инқирозлар** маълум вақт мобайнида такрорланиб туради.

**Оралиқ инқирозлар** тўлиқ сикл бўйича юз бермайди. Сиклнинг бирон-бир фазасида тўхтатилади. Улар нисбатан унча шиддатли бўлмай, қисқа давр давом этади.

**Беқарор инқирозлар** бирон-бир алоҳида сабабларга кўра юз беради. Масалан, табиий офат, сел, тўфон, қурғоқчилик туфайли иқтисодиёт танг аҳволга тушиб қолиши мумкин.

**Такрор ишлаб чиқариш нисбатларининг бузилиши тавсифига кўра**: ортиқ-ча ишлаб чиқариш ва тақчил ишлаб чиқариш инқирозларига бўлинади.

Товарларни **ортиқча ишлаб чиқариш инқирози** турли наф келтирадиган неъматларнинг кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши, лекин уларнинг тўлиқ сотил-маслигида намоён бўлади.

**Тақчил ишлаб чиқариш инқирози** даврида иқтисодиётда мувозанат бузилиб, товарлар этишмаслиги натижасида танг аҳвол келиб чиқади. Шундай экан, иқтисодиётнинг танг аҳволга тушишига фақат ортиқча ишлаб чиқариш эмас, балки тақчил ишлаб чиқариш ҳам сабаб бўлади.

### 3.7.4. Ишсизлик ва унинг турлари

"Тўлиқ бандлик" тушунчасига таъриф бериш қийин. Бир қараганда, уни аҳолининг бутун фаол қисми, яъни 100% ишчи кучи ишга эга, деган мазмунда талқин қилиш мумкин. Бироқ бу ундай эмас. Ишсизликнинг муайян даражаси меъёрий ёки ўринли ҳисобланади.

Тўлиқ бандликка таъриф беришдан олдин, дастлаб ишсизликнинг фрикцион, тузилмавий ва даврий каби учта асосий тури билан танишиб чиқиш керак.

**Фрикцион ишсизлик**. Касб, фаолият хили ва турини танлаш эркинлиги мавжуд бўлган шароитда айрим ходимлар ҳар қандай вақтда "ишлар ўртасида" ҳолатига тушиб қоладилар. Кимдир ўз иш жойини ихтиёрий равишда ўзгартиради. Бошқалар эса ишдан бўшатилади ва улар янги иш қидирадилар. Яна кимлардир эса мавсумий ишни (масалан, қурилишда об-ҳаво ёмонлашганлиги сабабли) вақтинча йўқотадилар. Шунингдек, биринчи марта иш қидираётган ходимлар тоифаси, энг аввало, ёшлар ҳам мавжуд.

Ушбу барча иш билан банд бўлмаган одамлар янги иш топганларида ёки вақтинча бўшатилгандан сўнг ўзларининг аввалги иш жойига қайтиб келганларида, уларнинг ўрнига бошқа иш "изловчилар" ва "умумий ишсизлик фондида" ўрин эгалловчи вақтинча ишдан бўшатилган ходимлар келадилар. Шу туфайли у ёхуд бу сабабларга кўра ишсиз қолган одамлар тоифаси ўз таркибини ойдан ойга ўзгартириб турсада, мазкур турдаги ишсизлик сақланиб қолади.

Иш қидираётган ёки яқин келажакда иш олишни кутаётган ходимларга нисбатан, иқтисодчилар (иш қидириш ва кутиш билан боғлиқ бўлган) **фрикцион ишсизлик** атамасини қўллайдилар. "Фрикцион" атамаси ҳодисанинг моҳиятини аниқ акс эттиради: меҳнат бозори ходимлар ва иш жойлари ўртасидаги мувофиқликни бир лаҳзада белгиламайди; техник тил билан айтганда, унинг

созланиши ишқаланиш кучлари билан секинлашади. Фриксион ишсизлик муқаррар, ҳеч бўлмаганда, қисман мақбул ҳисобланади. Кўплаб ходимлар кам иш ҳақи тўланадиган, унумдорлиги паст ишни юқорироқ ҳақ тўланадиган ва анча унумдор ишга алмаштириб, ихтиёрий равишда "ишлар ўртасига" тушиб қоладилар. Бу ходимларнинг ўзлари учун янада юқори даромадларни ва меҳнат ресурсларининг оқилона тақсимланишини, тааллуқли равишда, умуман иқтисодиёт учун реал ишлаб чиқариш катта ҳажмини ҳам англатади.[151]

**Тузилмавий ишсизлик**. Фриксион ишсизлик сезиларсиз тарзда "тузилмавий ишсизлик" деб номланувчи иккинчи тоифага ўтади. Иқтисодчилар "тузилмавий" атамасидан "таркибий" маъносида фойдаланадилар. Вақт ўтиши билан истеъмол эҳтиёжлари ва технологиялар тизимида ўзгаришлар юз бериб, улар, ўз навбатида, ишчи кучига бўлган умумий талаб тузилишини ўзгартиради.

Бундай ўзгаришлар натижасида айрим турдаги касбларга бўлган талаб камаяди ёки умуман йўқолиб кетади. Бошқа касбларга, шу жумладан, аввал мавжуд бўлмаган янги касбларга бўлган талаб ортади. Мазкур ҳолатда ишсизлик ишчи кучининг иш ўринлари тузилишидаги янги ўзгаришларга дарҳол ва тўлиқ даражада жавоб беролмаслиги туфайли юзага келади. Баъзи ходимлар ҳозирги вақтда эга бўлган касбий малакалари эндиликда бозор талабларига жавоб бермаслигини; уларнинг маҳорат ва тажрибаси эскириб қолганлигини ҳамда технологиядаги ва истеъмол талаблари хусусиятидаги ўзгаришлар туфайли кераксиз бўлиб қолганлигини тушуниб этадилар. Бунинг устига, бандликнинг географик тузилиши доимо ўзгариб туради. Масалан, сўнгги ўн йиллар мобайнида соҳалар, тааллуқли равишда, иш ўринларининг "қорли минтақадан" "қуёшли минтақага" кўчиши шундан далолат беради.

Биз тузилмавий ишсизликка кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

1. Бундан кўп йиллар аввал юқори малакали шиша пуфловчилар ишсиз қолдилар, чунки бутилкалар тайёрлайдиган станок ихтиро қилинди.

2. Қачонлардир жанубий штатлар қишлоқ хўжалиги механизатсияси бир неча минглаб малакасиз, паст маълумотли қора танли ходимларни ўз иш ўринларидан чиқариб ташлади. Уларнинг кўпчилиги шимолдаги йирик шаҳарларга кўчдилар ва у эрларда ирқий хурофотлар ва ўзларининг зарур меҳнат малакалари бўлмаганлиги боис, узоқ вақт давомида ишсизлар сонини тўлдириб бордилар.

Бироқ фриксион ва тузилмавий ишсизлик ўртасидаги фарқ аниқ ифодаланмайди. Асосий фарқ шундан иборатки, "фриксион" ишсизлар сотиш мумкин бўлган малакаларга эга бўлади, айни пайтда "тузилмавий" ишсизлар эса қайта тайёрланмасдан, қўшимча таълим олмасдан, баъзан яшаш жойидаги ўзгаришларсиз бошқа ишга ўтишга тайёр бўлмайдилар. Фриксион ишсизлик қисқа муддатли, тузилмавий ишсизлик эса узоқ муддатли хусусиятга эга, шу туфайли ҳам жиддийроқ ҳисобланади.

**Даврий ишсизлик**. Даврий ишсизлик инқироз даврида, яъни умумий ёки қўшилган харажатларнинг этишмовчилиги билан тавсифланадиган иқтисодий сикл фазасида юзага келади. Маҳсулотларга ва хизматларга бўлган умумий талаб камайиб кетганда бандлик қисқаради, ишсизлик эса кўпаяди. Шу сабабли даврий ишсизлик баъзан талабнинг танқислиги билан боғлиқ бўлган ишсизлик, деб номланади.

**Тўлиқ бандлик** ишсизликнинг мутлақ йўқлигини англатмайди. Иқтисодчилар фриксион ва тузилмавий ишсизликни муқаррар деб биладилар; тааллуқли равишда, тўлиқ бандлик ишчи кучининг 100%идан камроғини қамраб

[151] McConnell, Campbell R. Economics : principles, problems, and policies 17th ed. 2008 page 185

олувчи бандлик сифатида таърифланади. Аниқроқ қилиб айтганда, тўлиқ бандлик шароитида ишсизлик даражаси фриксион ва тузилмавий ишсизлик даражаларининг умумий йиғиндисига тенг.

Бошқача қилиб айтганда, тўлиқ бандликда ишсизлик даражасига даврий ишсизлик нолга тенг бўлганда эришилади. Тўлиқ бандликда ишсизлик даражаси **ишсизликнинг табиий даражаси** деб аталади. Ишсизликнинг табиий даражаси билан бирлашган ички маҳсулотнинг аниқ ҳажми и**қтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенсиали** деб аталади. Бу ресурсларнинг тўлиқ бандлигида иқтисодиёт ишлаб чиқара оладиган маҳсулотнинг аниқ ҳажми саналади.

Тўлиқ бандликда ишсизлик даражаси ёки ишсизликнинг табиий даражаси, ишчи кучлари бозорига иш қидираётганларнинг сони бўш иш ўринларига тенг бўлган мазмунда барқарор мувозанатда кириб келганида белгиланади. Ишсизликнинг табиий даражаси – бу қандайдир ижобий катталик, чунки “фриксион” ишсизларга тегишли бўш иш ўринларини топиш учун вақт керак бўлади. “Тузилмавий” ишсизларга ҳам малака ошириш ёки иш топиш учун бошқа жойга кўчиб ўтиш учун вақт керак бўлади. Агар иш қидираётганларнинг сони мавжуд иш ўринлари сонидан ортиқ бўлса, демак ишчи кучлар бозори балансланмаган; бунда бирлашган талаб ва даврий ишсизлик танқислиги юзага келади. Бошқа томондан эса, ортиқча бирлашган талабда ишчи кучининг “етишмаслиги” сезилади, яъни бўш иш ўринларининг сони иш қидираётган ишчиларнинг сонидан ошиб кетади. Ишчи кучлари бозорларидаги бундай ноодатий “танқислик” инфлясия билан бирга кузатилади. “Ишсизликнинг табиий даражаси” тушунчаси икки тафсилотни талаб этади:

1. **Автоматизмнинг йўқлиги.** “Табиий” атамаси иқтисод ҳар доим ишсизликнинг табиий даражасида фаолият юритишини ва шу орқали ўз ишлаб чиқариш имкониятларини амалга оширишини англатмайди. Бизнинг амалий сикл бўйича қисқача шарҳимизда иқтисодиётда ишсизлик кўпинча табиий даражадан ошиши ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Бошқа томондан эса, баъзан иқтисодиёт шундай режимда ҳаракат қилади-ки, бунда ишсизлик даражаси табиий даражадан паст бўлади. Масалан, табиий даража тахминан 4%ни ташкил этган Иккинчи жаҳон уруши даврида, ҳарбий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ишчи кучига чекланмаган талабни келтириб чиқарган. Иш вақтидан ташқари вақтда, шунингдек ўриндошлик бўйича ишлаш – одатий ҳолатга айланиб қолган. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида ҳукумат фриксион ишсизликни сунъий равишда қисқартириб, ишдан бўшатишларни тақиқлаб, ходимларни “бириктириб қўйган”. 1943 йилдан 1945 йилгача бўлган давр мобайнида ишсизликнинг ҳақиқий даражаси энг кўпи билан 2%ни ташкил қилган, 1944 йилда 1,2%гача пасайиб кетган. Ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан ошиб кетадиган даражага этди, бироқ бунинг натижасида катта инфлясион босимга дук келинди.

2. **Ўзгарувчанлик.** Ишсизликнинг табиий даражаси ўз моҳияти бўйича – ўзгарувчан катталик бўлиб, у вақти-вақти билан ишчи кучлари ва институтсионал ўзгаришлар (қонунлар ва мамлакатлар анъаналаридаги ўзгаришлар) таркибида демографик силжишлар таъсирига дуч келиб туради. Масалан, 60-йилларда фриксион ва тузилмавий ишсизликнинг ушбу муқаррар минимуми ишчи кучлари сонининг 4%ини ташкил қилган. Бу тўлиқ бандликнинг ишчи кучлари умумий сонидан 96%ига тўғри келишини англатади. Ҳозирги вақтда эса иқтисодчилар ишсизликнинг табиий даражаси тахминан 5-6%га тенг, деб ҳисоблайдилар.

Нима учун бугунги кунда ишсизликнинг табиий даражаси 60-йиллардагига нисбатан юқори? Биринчидан, меҳнат ресурсларининг демографик таркиби ўзгарди. Хусусан, ишсизлик даражаси доимо юқори бўлган ёш ходимлар ишчи

кучларининг муҳим таркибий қисмига айланди. Иккинчидан, қонунчилик ва ижтимоий стереотиплар ўзгарди. Масалан, ишсизлик бўйича нафақалар дастури, уни қамраб олган ходимлар сони бўйича ҳам, нафақа пулларининг миқдорлари бўйича ҳам кенгайтирилди. Ишсизликнинг иқтисодий таъсирини юмшатиб, нафақалар тизими ишсизларга шошилмасдан иш қидириш имконини беради, бироқ бунда фрикcион ишсизлик, шу билан бирга ишсизлик умумий даражасининг ўсишига шарт-шароит яратади.

### 3.7.5. Инфлясия, унинг келиб чиқиш сабаблари ва турлари

Инфлясия макроиқтисодий беқарорликнинг кўринишларидан бири ҳисобланади.

Инфлясия (лотинча·инфлатио-шиширилган) тушунчаси биринчи марта шимолий Америкада 1861-1865 йиллардаги фуқаролар уруши даврида ишлатилган ва муомаладаги қоғоз пулларнинг кўпайиб кетишини англатган.

Иқтисодий адабиётларда “инфлясия” тушунчаси XX асрда, биринчи жаҳон урушидан кейин кенг қўлланила бошлаган.

**Инфлясия**- бу пул айланиш каналларининг ортиқча пул массаси билан тўлиб кетиши оқибатида нархлар ўртача (умумий) даражасининг кўтарилиб боришини ва натижада миллий пул бирлигининг қадрсизланиши яъни унинг сотиб олиш лаёқати пасайишини англатади.

Инфлясия нарх даражасининг барқарор ўсиши сифатида намоён бўлади. Бу барча нархларнинг бир вақтда муқаррар ўсиб боришини билдирмайди. Нархлар номутаносиб ўсиш тамойилига эга бўлади. Бири сакраб ўсса, бошқаси анча маъёрий суръатда ортади, учинчиси умуман кўтарилмайди.

**Дефлясия** – инфлясияга қарама-қарши жараённи, яъни нархларнинг умумий даражасининг пасайиб боришини билдиради.

**Инфлясия қуйидагиларда намоён бўлади:**

- товар (хизмат)ларнинг мавжуд таклифига нисбатан муомаладаги нақд пуллар ёки молиявий активлар ҳажмининг ҳаддан ташқари ортиб кетишида.
- пулнинг сотиб олиш лаёқатининг пасайиб боришида.
- нархларнинг узоқ муддатли умумий ўсишида.

Инфлясия – бу пул бирлигининг қадрсизланиши ва шунга мос равишда товар нархларининг ўсишидир.

Муомалада бўлган пул бирлиги миқдорининг товарлар нархи суммасидан ошиб кетиши ва бунинг натижасида товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши пулнинг қадрсизланиши, яъни инфлясияни билдиради.

Инфлясия бозор хўжалигининг ҳар хил соҳаларида такрор ишлаб чиқариш номутаносибликлари туғдирадиган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир.

Қоғоз пул товарларга, олтинга ва ўз қадрини, барқарорлигини сақлаб қолган чет эл валюталарига нисбатан қадрсизланади.

Инфлясия нарх индекси ёрдамида базис даврга нисбатан аниқланади.

Нарх индекси – бу жорий даврдаги нархларнинг (Рж) базис даврдаги нархларга (Рб) нисбатидир.

Масалан, истеъмолчилик товарларига нарх индекси 2010 йил 113, 6; 2002 йил - 118,3 га тенг булса, инфлясия суръати қуйидагича бўлади.

$$\text{Инфлясия суръати} = \frac{118{,}3 - 113{,}6}{113{,}6} * 100 = 4{,}1\%$$

Иқтисодий фанда ва амалий ҳаётда истеъмол ва инвеститсион товарлар, ЯИМ, экспорт ва импорт товарлари нарх индексларидан фойдаланилади.

**Истеъмол товарлари нарх индекси** Истеъмол саватига кирган товарларнинг жорий ва базис даврдаги нархларини таққослаш йўли билан аниқланади.

**Инвеститсион нархлар индекси** Корхоналар томонидан анъанавий равишда сотиб олинадиган инвеститсион товарлар тўплами нархлар бўйича аниқланади

**ЯММ (ЯИМ) дефлятори индекси** Номинал ва реал ЯММ (ЯИМ) ҳажмининг икки даврдаги нисбатлари билан аниқланади

**Експорт ва импорт товарлар нархи индекси** Асосий экспорт ва импорт товарлари нархларининг ўзгаришини акс эттиради.

***Нарх индекснинг бир қатор турлари мавжуд***

**Ласпейрес индекси.** Унда ўзгармайдиган товарлар тўплами учун нархларнинг ўсиш суръати аниқланади.

Ир=(ПтхҚт) /(ПбхҚб) бунда

Рт – жорий йилдаги нархлар

Пб – базис даврдаги нархлар

Қт ва Қб – жорий ва базис даврда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми

Камчилиги: анча қиммат товарларни арзонроқ товарлар билан алмаштириш имкониятини ҳисобга олмайди.

**Пааше индекси**. Унда нархлар индекси товарларнинг бир-бирининг ўрнини босиш имконияти ҳисобга олиб аниқланади.

Ип=(ПтхҚт) / (ПбхҚт)

Камчилиги: фаровонлик даражасининг пасайишида рўй берадиган ўзгаришларни акс эттирмайди

**Фишер индекси**. **Иф=ИихИп**Унда юқоридаги ҳар иккала формуланинг камчиликлари бартараф қилинади.

Бир қатор макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда инфлясия суръати кўрсаткичидан фойдаланилади.

**Инфлясия суръати кўрсаткичи;**

**·н=(Ит-Ит-1)х100**

бу эрда, Ит – базис даврдаги нарх индекси; Ит-1 – базис ва жорий даврлардаги нарх индексидаги фарқ.

**Инфлясиянинг келиб чиқиш сабаблари.**

Инфлясия беқарорликнинг кўп қиррали шакли бўлганлиги сабабли, уни келтириб чиқарадиган сабаблар ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Айни вақтда нарх ўсишини келтириб чиқарадиган барча омиллар ҳам инфлясион ҳисобланавермайди.

Жумладан, конъюктуранинг сиклли тебраниши, табиий офатлар (сув тошқини, ёнғин, зилзила ва ҳ.к.) натижасида нарх ўсишини инфлясион деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Инфлясия ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги номутаносиблик натижаси ҳисобланаши сабабли, бу кўпчилик бозорларда узоқ вақт талаб фойдасига мувазанатлик мавжуд бузилиши туфайли вужудга келадиган нархлар умумий даражаси ўсишига олиб келувчи омиллардир. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Марказий банкнинг пул эмиссиясини асоссиз кўпайтириши;

2. Давлат бюджети харажатларининг даромадларидан ошиб кетишини ифодаловчи унинг тақчиллиги; Агар бу тақчиллик мамлакат марказий банки қарзлари ҳисобига молиялаштирилса бу муомаладаги пул массаси ўсишига олиб келади. Инвеститсияларни молиялаштириш ҳам ҳудди шу усулда амалга оширилса нархларнинг инфлясион ўсиши рўй бериши мумкин.

3. Иқтисодиётнинг ҳарбийлаштирилиши;

Иқтисодиётни ҳарбийлаштирилиш билан боғлиқ инвеститсиялар алоҳида инфлясион хавфли ҳисобланади. Миллий даромадни ҳарбий мақсадларда ишлатилиш нафақат миллий бойлик йўқотилишини билдиради, балки ҳарбий соҳага қўйилган маблағлар бир вақтда қўшимча тўловга лаёқатли талабни вужудга келтириб, пул массасининг тегишли товарлар билан қопланмаган ўсишига олиб келади.

4. Бозорнинг ҳолати, унда рақобат механизмининг амал қилиш даражаси; Ҳозирги даврда бозор ҳолати, унинг тузилишидаги ўзгаришлар кўпроқ эркин рақобат шароитлари бузилишини, олигополистик тузилмалар вужудга келишини англатади.

Олигополист маълум даражада нархлар устидан ҳукмронликка эга бўлади. Тармоққа янги ишлаб чиқарувчилар кириб келишининг чекланиши узоқ вақт ялпи талаб ва таклиф мос келмаслигини ушлаб туради.

5. Давлатнинг оширилган солиқ солишга қаратилган сиёсати;

6. Ишлаб чиқариш харажатларининг ортиб бориши (маҳсулот бирлигига);

7. Талабнинг нисбатан ортиқчалиги ва унинг ўсиб бориши;

8. Иқтисодиётнинг «очиқлиги» даражаси ўсиши. Бу миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўдалик алоқаларига кўпроқ тортилиши орқали "импорт қилинадиган" инфлясия хавфини кучайтиради.

Инфлясион кутилиш. Аҳоли ва ишлаб чиқарувчиларнинг инфлясион кутилишини бартараф қилишга эришиши инфлясияга қарши сиёсатнинг муҳим вазифаси ҳисобланди. Инфлясион кутилиш кишиларнинг жорий истеъмолидан ортиқча товарларни харид қилишига олиб келади. Ишлаб чиқарувчилар ҳам тез орада хом-ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар янада қимматлашишини кутиб, маҳсулотларига юқори нархларни ўрнатиб боради. Инфлясион кутилиш натижасида жорий талабнинг кенгайиши нархларнинг янада ўсишини рағбатлантиради. Бир вақтда жамғармалар қисқаради ва кредит ресурслар камаяди, бу ишлаб чиқариш мақсадидаги инвеститсиялар ўсишини, товар ва хизматлар таклифини камайтиради.

Бу ҳолдаги иқтисодий вазият ялпи таклиф секин ва ялпи талаб тез ўсиши билан тавсифланади. Натижаси, нархларнинг умумий ўсиши рўй беради.

Инфлясияни туркумлашга бир қатор мезонлар асос қилиб олинади.

**И.** Келиб чиқиш сабабларига кўра инфлясия қуйидаги турларга ажратилади:

а) Талаб инфлясияси. Нарх даражасининг сурункали ўсиши жами талаб ортиқчалиги билан тушунтирилади. Бу иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси маҳсулотининг реал ҳажмини кўпайтириш ортиқча талабни қондира олмаслигини англатади. Чунки барча мавжуд ресурслар тўлиқ фойдаланишга жалб қилинган бўлади. Шу сабабли бу ортиқча талаб нархнинг ошишига олиб келади ва талаб инфлясиясини келтириб чиқаради.

б) Таклиф инфлясияси. Инфлясия ишлаб чиқариш харажатлари ва бозордаги таклифнинг ўзгариши натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши келтириб чиқа-диган инфлясия, маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларнинг кўпайиши ҳисобига нархларнинг ошишини билдиради.

Маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши иқтисодиётда фойдани ва маҳсулот ҳажмини қисқартиради. Натижада товарлар таклифи ҳам қисқаради. Бу ўз навбатида нарх даражасини оширади. Ишлаб чиқариш харажатлари номинал иш ҳақи, хом ашё ва энергия нархларининг ўсиши ҳисобига ҳам ортиб боради. Жумладан, 1973-1974 ва 1979-1980 йилларда АҚШ ва бошқа кўпчилик мамлакатларда нефтъ ҳамда импорт хом-ашёларга нархнинг бир неча

марта ошиши юқори инфлясиянинг сабаби бўлган. 1992-1995 йилларда Россияда нефтъ, газ ва кўмир нархининг кўп мартага ошиши юқори суръатидаги инфлясиянинг бошланғич сабаби ҳисобланган.

Маълум ҳолатларда иш ҳақининг ўсиши инфлясиянинг келиб чиқишига сабаб бўлиш мумкин. Агар иш ҳақининг ортиши меҳнат унумдорлигининг ўсишидан юқори суръатларда рўй берса, маҳсулот бирлигига харажатлар ортиб боради.

Айни вақтда, бу вазиятни инфлясия шароитида иш ҳақини индексатсиялаш билан бир хил маънода тушиниш керак эмас. Бошқа томондан, инфлясия иш ҳақини индексатсиялашга сабаб бўлади. Демак, мазкур ҳолат инфлясияни келтириб чиқарувчи сабабларга кирмасада, бу таркиб топган инфлясион вазият шароитидаги муқаррар амалга ошириладиган заруриятдир.

Баъзан харажатлар ўсиши занжирли реаксия тавсифини касб этади. Айтайлик энергетиклар иш ҳақининг ўсиши дастлаб соҳа харажатлари ва электр энергия таърифларини оширади, кейин бу жараён занжирли тарзда тарқалади: телефон хизматлари қиймати, транспорт хизматлари таърифи, озиқ – овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа шу кабилар нархининг ўсиши (иш ҳақи ва нарх инфлясион спирали)га олиб келиши мумкин.

**ИИ.** Нархларнинг ўсиш суръатларига кўра инфлясиянинг а) меъёридаги; б) ўрмалаб борувчи в) гипер инфлясия каби турлари ажратилади. Инфлясиянинг биринчи турида нархлар йилига 10 фоизгача, иккинчисида 20 дан 200 фоизгача, учинчисида, астрономик миқдорда ўсиши кузатилади.

Гиперинфлясия аҳоли ва хатто жамиятнинг юқори таъминланган қатламига жуда катта йўқотиш келтиради, савдо бартер айрибошлашга ўтади, миллий хўжалик издан чиқарди.

Гиперинфлясия 1970-1980 йиллар арафасида Боливияда йилига 2400% га, 1992 йилда Россияда 2600% га этган.

**ИИИ.** Башорат қилиш мумкинлигига қараб кутилаётган ва кутилмаган инфлясия фарқланади. Кутилаётган инфлясия ва унинг оқибатларини олдиндан башорат қилиш мумкин, кутилмаган инфлясияни олдиндан айтиб бўлмайди. Биринчи холда инфлясиянинг кутилаётган салбий оқибатларига тайёрланиб уни сезиларли даражада юмшатиш мумкин. Иккинчи ҳолда нархларнинг кутилмаган ўсиши натижасида мамлакат иқтисодий аҳволининг сезиларли ёмонлашуви рўй бериши мумкин.

ИВ. Намоён бўлиш даражасига кўра ошкора ва яширин инфлясия ажратилади.

Ошкора инфлясия нархлар ўсишида намоён бўлади. Яширин инфлясияда нархлар гўёки барқарор кўринади, ортиқча пул товар тақчиллигида трансформатсиялашади.

В. Қамров доираси бўйича бир мамлакат миқёсидаги ва жаҳон хўжалиги доирасидаги инфлясия фарқ қилади.

ВИ. Асосий кўпчилик товарларга нархларнинг ўсиш суръатидаги фарқларга кўра мувозанатлашган ва мувозанатлашмаган инфлясия ажратилади.

Мувозанатлашган инфлясияда нархлар бир вақтда кўпчилик товарларга бир меъёрда ўсади, мувозанатлашмаган инфлясияда ҳар хил товарлар гуруҳига нархлар турлича ўсади.

**Пигу эффекти.** Бу инглиз иқтисодчиси Артур Пигу (1877-1959й) номи билан боғлиқ, Унга кўра меъёрида амал қиладиган бозор иқтисодиёти шароитида инфлясиянинг кутилиши аҳоли томонидан нархларнинг ўсишига қисқа вақтда рўй берадиган ҳолат деб қаралишига ва оқибатда нархлар пасайгунча уларнинг пул сарфларининг камайишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида талабни камайтиради ва охири оқибатида нархлар пасайиши кузатилади.

## 3.8-Мавзу: Молия тизими ва молиявий сиёсат

**Режа:**

**3.8.1. Давлатнинг фискал сиёсати, унинг мақсади ва иқтисодий дастаклари**
**3.8.2.Молиянинг моҳияти ва вазифалари. Молия тизими**
**3.8.3. Давлат бюджети ва унинг тақчиллиги**
**3.8.4. Солиқлар, уларнинг турлари ва такомиллаштириш вазифалари**

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: давлат фискал сиёсати, недискретсион фискал сиёсат, дискретсион фискал сиёсат, молия, стандартлаштирилган бюджет, солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмурчилиги.

### 3.8.1. Давлатнинг фискал сиёсати, унинг мақсади ва иқтисодий дастаклари

Давлатнинг фискал сиёсати сиклик тебранишларни бир маромга келтириш ва юқори бандлик ҳамда паст инфлясия шароитида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиққа тортиш ва давлат харажатларини тартибга солишга қаратилган.

Фискал сиёсат рағбатлантирувчи ёки турғун тавсифга эга бўлиши мумкин. Рағбатлантирувчи фискал сиёсати (фискал экспансия) қисқа даврда давлат сарфларини кўпайтириш, солиқлар ставкаларини пасайтириш ёки бу чораларни ўзаро уйғунлаштириш йўли билан сиклик таназзулни энгиб ўтиш мақсадида ишчан иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилади. Узоқ даврда солиқ ставкалари пасайиши иқтисодий ўсиш суръатининг барқарор жадаллашуви ва иқтисодий салоҳиятнинг мустаҳкамланишига олиб келиши мумкин.

**Юқорида аниқланган фискал сиёсат дискретсион (ёки фаол) хисобланади. Одатда у президентнинг иқтисодий маслахатчилари кенгаши тавсияси билан юритилади. Бу президент томонидан иқтисодий масалаларда ёрдам бериш ва уларни текшириш учун тайинланган уч иқтисодчи гуруҳнинг иқтисодий эчимлари таклифидан келиб чиқиб белгиланади. Ҳокимият чиқимлари ва солиқларидаги дискретсион ўзгаришлар федерал ҳокимият қарамоғида бўлиб, улар автаматик равишда рўй бермайди. Конгрес фаолиятисиз юзага келадиган ўзгаришлар нодискретсион (ёки “пассив” ёки “автоматик”), хисобланади[152].**

Давлатнинг, турғун фискал сиёсати (фискал рестриксия) қисқа даврда иқтисодиётнинг “қизиб кетиш”ни бартараф этиш мақсадига эга бўлади. У давлат харажатларини тақазо этиб иқтисодий ўсиш ва талаб инфлясияси суръатини пасайтиришга имкон беради.

Фискал сиёсатнинг иқтисодий мазмунига доир турли хил қарашларни таҳлил қилиш, аниқ иқтисодий-ижтимоий тизимлар шароитида амал қилиш хусусиятларини ҳамда давлатнинг иқтисодиётга самарали таъсир қилиш дастакларидан эканлигини асослаш ва миллий иқтисодиётнинг мувозанатлигини таъминлашдаги устувор йўналишларини, аниқ иқтисодий тамойилларини белгилаш зарур бўлади. Чунки, давлат пайдо бўлиши билан фискал сиёсат жамиятдаги турли хил иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг зарурий таркибий қисми ва жамият ривожланишини тақазо қиладиган талабларидан бири бўлиб келган. Давлатнинг иқтисодий сиёсатига мос равишда молиявий сиёсат дастаклари ўзгариб

---

[152] Economics : principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. P-209

ва тўхтовсиз такомиллашиб борган.

**Давлат фискал сиёсати** – бу давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таркибий қисмини ўзгартириш орқали миллий иқтисодиётга таъсир қилишни англатади.

**“Фискал”** лотинча **“фиссус”** сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони билдиради. Бу ўз навбатида “хазина сиёсати” деган тушунчани ҳам юзага келтиради. Фискал, яъни хазина сиёсатига инсоният тарихида ўтган йирик давлат арбобларидан бири, ўрта асрларда буюк салтанат барпо қилган Амир Темур катта эътибор қилган. У давлатни идора қилиш тизимини юзага келтиришда асосан хазинани тўлдирувчи солиқларга таянган.

Бу даврнинг молияси иқтисодий тизимнинг энг муҳим унсурларидан бири бўлиб, у давлат бошқарувида марказий ўринни эгаллаган. Аммо, молиявий муносабатлар бу даврда ўз ривожида юқори даражага этмаган бўлиб, у аҳоли солиқ тўловига нисбатан фақат ўз моҳиятини хазинада топган. Хазина ҳар қандай тизимда ҳам давлатни бошқариш воситаси бўлиб хизмат қилган.

Шу боис “Темур тузуклари”да “давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тирикдир. Доно вазир буларнинг учаласини яхши аҳволда саранжом тутади”, - деган фикр илгари сурилади.

Фискал сиёсатдан иқтисодиётни тартибга солиш ва унинг мувозанатлигини таъминлаш дастаги сифатида фойдаланиш ҳақидаги фикр инглиз иқтисодчиси Д.М.Кейнсга мансубдир[153]. У жамият тараққиёт даражасига таъсир кўрсатувчи омилларнинг 3 гуруҳини ажратиб кўрсатиб, биринчи гуруҳга: ишчи кучининг миқдори ва малака даражаси, мавжуд ускуналар сони ва сифати, тадбиқ этиладиган технология, рақобатнинг этуклик даражаси, истеъмолчининг диди ва одатлари, турли жадалликдаги меҳнатнинг оғирлиги, назорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг аҳамияти, шунингдек жамиятнинг таркибий тузилишини киритади, Д.Кейнс иккинчи гуруҳга мустақил ўзгарувчан омилларни: истеъмолга мойиллик, капиталнинг самарадорлиги ва фоиз нормасини, учинчи гуруҳга бандлик ва миллий даромад ҳажмини киритган.

Д.Кейнс иқтисодиётга давлатнинг аралашувни мустақил ўзгарувчан омилларга ажратиб, у бандлик ва миллий даромад ҳажмига таъсир кўрсатади деб ҳисобланган. Бунда хал қилувчи шарт сифатида давлат фискал ва пул кредит сиёсати инвеститсияларни рағбатлантиришда намоён бўлади, деб кўрсатади.

Солиқлар фискал сиёсатнинг бир қисми сифатида намоён бўлишини К.Макконелл ва С.Брю кўрсатиб уни рағбатлантирувчи ва тўсқинлик қилувчи сиёсатлар сифатида ифодалашга алоҳида эътибор қаратади.

“Фискал сиёсатнинг асосий мақсади, -деб ёзишади улар, ишсизлик ва инфлясияни тугатишдан иборатдир. Таназзул даврида кун тартибида рағбатлантирувчи фискал сиёсат тўғрисидаги масала пайдо бўлади.

У қуйидагиларни ўз ичига олади: (1) давлат харажатларининг кўпайиши ёки (2) солиқларнинг пасайиши, ёхуд (1) ва (2)ни бирга қўшиб олиб бориш.

Агар иқтисодиётда ортиқча талаб туфайли пайдо бўлган инфлясия содир бўлса, бунга тўсқинлик қилувчи фискал сиёсат мос келади. Бундай фискал сиёсат қуйидагиларни ўз ичига олади: (1) хукумат харажатларининг камайиши, ёхуд (2) солиқларнинг кўпайиши, ёхуд (1) ва (2)нинг бирга қўшиб олиб борилиши. Фискал сиёсат башартида иқтисодиёт олдида инфлясия устидан назорат қилиш муаммоси

---

[153] Keyns D.M. “Obshaya teoriya zanyatosti, protsenta i deneg”-M.:Progress. 1978. Str. 449

турадиган бўлса, хукумат бюджетининг ижобий қолдиғига таяниши лозим”[154].

XX асрнинг 20-йилларига келиб, давлат молия сиёсати неоклассик оқим вакил-ларининг консепсиясига асосланган, унинг асосий йўналиши қуйидагилардан иборат бўлган: давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги; эркин рақобатга асосланган хўжалик фаолиятини тартиблашда бозор механизмидан самарали фойдаланиш.

Давлат монополистик капитализмининг ривожланиши оқибатида, 30-60 йилларга келиб молиявий сиёсат негизида асосан кейнисчилик ва неокейнсчилик оқим мактабларининг иқтисодий консепсиялари жой олди.

Кейинчалик йўналишининг молиявий консепсиясида қуйидаги асосий йўналишлар устуворликни эгаллаган;

− Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча муҳим муаммоларини ресурслар таклифини ўрганиш билан эмас, балки ресурсларнинг сотилишини таъминловчи талаб нуқтаи назаридан қараб чиқиш зарур;

− Капиталистик иқтисодиёт ҳар доим ҳам ўзини-ўзи тартибга солишга лаёқатли эмас. Шундай экан, меҳнат ва капитал юқори даражада умумлашган шароитда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви муқаррардир. Бунда давлат томонидан тартибга солиш иқтисодиётни нарх ёрдамида тартиблаш механизми орқали тўлдириб борилиши зарур;

− Такрор ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ортиқча ишлаб чиқариш, иқтисодий беқарорлик ҳолатларининг сабаби талабнинг этишмаслигидандир, шундай экан иқтисодиётдаги мувозанатликни таъминлаш муаммосини талаб нуқтаи назаридан ҳал қилиш зарур. Бунинг учун Кейнс “самарали талаб” тушунчасини киритадики, у даромад ва бандлик, истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мувозанатликни ўзида мужассамлаштиради;

− Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги муҳим дастаги бу бюджет сиёсатидир. Давлат бюджети ва молиявий сиёсатнинг асосий мақсади ишчи кучи ва ишлаб чиқариш ускуналарининг бандлигини таъминлашдан иборатдир[155].

Иқтисодиётнинг сиклик ривожланиши ва кризисларни бартараф этишнинг асосий дастаги бу – давлат харажатларидир. Кейнснинг фикрича, унинг шаклланиши, тузулиши ва ўсиши “самарали талаб”га эришишдаги муҳим омилдир.

Шундай қилиб, Кейнс давлат монополистик капитализлик иқтисодиётни тартибга солишда янги молия назариясининг устувор йўналишини ишлаб чиқди. Мазкур молиявий сиёсат Кейнс издошлари томонидан (Америкада – Р.Харрод, А.Оукен, У.Хеллер,

Буюк Британияда – Ж.Вайсман, Франсияда – Ф.Перру, Японияда – К.Еми, Х.Итолар) амалиётга жорий этилди. Бу 40-60 йилларда иқтисодиётни тартибга солишда ижобий натижаларни берди. 70-йилларгача кўпчилик этакчи ғарб давлатларнинг молия назарияси ва амалиёти асосида Кейнс назариясининг қоидалари ётади.

Неоконсерваторлар Кейнс таълимотининг айрим камчиликларини топиб, унга муқобил ўз консепсияларини илгари суради. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

1. Кейнс консепсиясидаги инфлсияни жиловлаш, ишлаб чиқариш ва бандликни кенгайтиришда молиявий дастаклардан фойдаланиш тўғрисидаги фикрига қарши муомаладаги пул миқдорини камайтириш ҳақидаги ғоялари;

2. Солиқларнинг тез ўсиши ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорларнинг моддий

---

[154] Economics : principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. P-210

[155] Keyns Dj.M. obshchaya teoriya zanyatosti, protsenta i deneg – M.; Progress, 1978 str. 142

манфаатдорлигини пасайтириб юбориши сабабли таклифни кенгайтириш орқали истеъмолчилик талабини мувозанатлаштириш, солиқларни ратсионал даражада пасайтириб, эркин хусусий тадбиркорлик ва бозор рақобатини ривожлантириш тўғрисидаги фикрлари;

3. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви фақатгина айрим хизматлар, хўжалик фаолиятини ҳимоя қилиш билан чекланиши кераклиги тўғрисидаги фикрлари;

Фискал сиёсат олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, унинг учта йўналиши, яъни иқисодий ўсишни рағбатлантириш, барқарорлаштириш ва иқтисодий фаолиятни чегаралаш сиёсатларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Иқтисодий ўсиш мақсадларидан келиб чиқиб, фискал сиёсат бандлик даражасини ва шу орқали ЯИМ реал ҳажмини оширишга йўналтирилади. Бунда рағбатлантирувчи фискал сиёсатнинг дастаклари давлат харажатларининг ўсиши ва солиқ ставкаларининг пасайиши ҳисобланади.

Бошқача айтганда, ҳозирги даврда давлатнинг бюджет барқарорлигини таъминлашга қаратилган молиявий сиёсати иқтисодий инқироз ёки турғунлик даврида бюджет такчиллигини бартараф этиш мақсадларига қаратилиши зарур.

Агар давлат ўзининг фискал ва харажатлар сиёсатидан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир меъёрда ушлаб туришга ва нархларнинг барқарорлигини таъминлашга интилса, бунда унинг иқтисодиётни барқарорлаштириш орқали иқтисодий жараёнларини рағбатлантириш ёки ушлаб туришга қаратилган молиявий сиёсат турлича мақсадни кўзлаб, бир-биридан фарқланади.

Давлатнинг иқтисодий фаолликни чеклаш сиёсати реал ЯММ ҳажмининг потенсиал даражасидан кескин фарқ қилишини камайтиришга йўналтирилиб, бу айни вақтда иқтисодий ўсиш ва унинг таназзули даврларида инфлясия ва ишлаб чиқаришдаги инқирозли жараёнлардан қочишга қаратилади.

Иқтисодиётнинг циклли ривожланишини тартибга солиш орқали макроиқтисодий мувозанатликни таъминлаб боришга қаратилган фискал сиёсат бир қатор молиявий восита ва иқтисодий дастаклар ёрдамида амалга оширилади. Қўлланиладиган бу барча молиявий восита ва дастаклар биргаликда тартибга солишнинг молиявий механизмини ташкил қилади.

Маълумки, иқтисодиёт назарияси ва амалий ҳаётда фискал сиёсатнинг иккита тури ажратилади:

1. Дискретсион фискал сиёсат ёки бевосита давлат томонидан амалга ошириладиган сиёсат;

2. Недискретсион фискал сиёсат ёки автоматик равишда барқарорлаштирувчи сиёсат.




**3.8.1-расм. Фискал сиёсат, унинг мақсади ва амалга оширишнинг иқтисодий дастаклари**

**Недискретсион фискал сиёсат** дейилганда, солиқ тизимининг мустақил барқарорлаштирувчи бир қатор лаёқатлари, яъни унинг мамлакатдаги иқтисодий фаолликни қандайдир бошқарувчи органларнинг бевосита аралашувларсиз тартибга солиш имкониятини берувчи айрим хусусиятлари тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг бирданига ва тез ўсиш ҳолатини юмшатиш учун бюджет даромадлар қисмининг харажатлар қисмига нисбатан ортиқча бўлиши зарур. Бошқа томондан ёндашилса, бундай “юмшатиш” учун аксинча, бюджет камомади мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шундай экан, иқтисодиётни тартибга солишни фақат автоматик равишда барқарорлаштирувчи воситалар ёрдамида амалга ошириш мумкин эмас, шу сабабли давлатнинг дискретсион сиёсати бунга зарурий тўлдирувчи ҳисобланади.

**Дискретсион фискал сиёсат** – бу миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмини ўзгартириш, бандлик даражасини ушлаб туриш ва инфлясия устидан назорат ўрнатиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиқлар билан бирга, давлат харажатларини онгли равишда манипулясия қилиш тушунилади.

Дискретсион фискал сиёсатнинг асосий дастаклари қуйидагилар ҳисобланади:

− Давлат сарфлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий ишлар ва бошқа дастурлари;

− Давлат буюртма ва харидлари;

- Давлат инвеститсиялари;
- Трансферт ёки қайта тақсимлаш туридаги харажатларни ўзгартириш;
- Солиқларни бошқариш.

Шундай қилиб, давлат томонидан амалга ошириладиган фискал сиёсат, мамлакат миллий хўжаликда ташкил қилинган солиқ тизимининг асосий қоидаларига жавоб бериши ва иқтисодиётдаги ички ўзаро муносабатларни самарали тартибга солиши зарур.

Кенгайтирилган (Експансион) Фискал Сиёсати.

**Иқтисодий пасайиш юзага келганда фискал сиёсатнинг кенгайтирилган туридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. 2-расмни кўрайлик, унда инвиститсион харажатларнинг кескин пасайиши жами талаб эгри чизиғини АД1 дан АД2 га чапга ўтказади. (кўрсатгич чизиқ ва пасга кетувчи чизиқларни хозирча инобатга олманг). Пасайишнинг сабаби инвеститсион лойихадан кутилаётган фойда инвеститсион харажатлар ва жами талаб камайиши қисқариши олдида кўринмай қолишидадир.**




**Расмда ялпи маҳсулотнинг потенсиал ёки тўлиқ бандликдаги ҳажми 510 000 000 000$ деб фараз қилинг. Агар нархлар даражаси п1 да ноегилувчан бўлса, у ҳолда чизиқнинг пастки қисмида ялпи таклиф эгри чизиғига айланади. Жами талаб эгри чизиғи чапга силжиб реал ички ялпи махсулотни 510 000 000 000$ дан 490 000 000 000$ га қисқартиради.20 000 000 000$ лик ялпи ичи махсулотнинг ортда қолиши юзага келади.**

**Ялпи ички махсулотнинг бунда ётда қолиши ишсизликдаги ўсиш билан бирга келади чунки қисқартирилган махсулот чиқариш учун камроқ ишчилар талаб этилади.Бундай ҳолатда иқтисодиёт пасайиш фазасида ва сиклик ишсизлик билан бирга юзага келади.**

**Давлат Ҳаражатларининг Кўпайиши.**

**Бошқа тенг шароитларда давлат харажатларининг ўсиши, расмда жами талаб эгри чизиғини АД2 дан АД1 га ўнга силжитади. Негалигини тушуниш**

**учун, давлат қуйидаги харажатларга, яни 5 000 000 000$ янги харажатларни авто йўллар, таълим ва соғлиқни сақлашга нисбатан амалга оширишга туртки берди, деб фараз қилинг. Биз бу 5 000 000 000$ ҳокимият чиқимини АД$_2$ ва ўнгидаги пунктир чизиқ ўртасидаги горизонтал оралиқ сифатида кўрсатамиз. Хар бир нарх даражаси хозир талаб этилаётган реал ишлаб чиқариш миқдори ҳокимият чиқимларини рағбатлантирищдан олдингидан 5 000 000 000$ кўпроқ. Лекин жами талабнинг бошланғич ўсиши бу хали охири эмас.**

**Кўпайтириш таъсирига кўра жами талаб эгри чизиғи АД$_1$ га силжийди, ҳокимият сотиб олишларидаги 5 000 000 000$ ўсишни кўрсатувчи масофадан ошади. Бу каттароқ силжиш янги истеъмол чиқимлари кейинги циклларида чиқимда бошланғич ўзгариш кучайишини кўпайтириш жараёни туфайли юзага келади. Агар иқтисодиёт мпс си 75 га тенг бўлса унда оддий кўпайтирувчи 4 га тенг. Шундай қилиб жами талаб эгри чизиғи 4 маротаба АД$_2$ ва синиқ чизиқ ўртасидаги масофада ўнга силжийди. Бу аниқ жами талаб ўсиши жами таклиф сегмент горизонтал синиқ чизиғи давомида юзага келади, ишлаб чиқаришнинг реал кўлами тўлиқ ўлчамдаги кўпайтирувчи орқали ўсади. Реал ишлаб чиқариш ўлчами 510 000 000 000$ га етиб ўзининг иқтисодий пасайиш даражасидан 20 000 000 000$ га ошган.Бир вақтнинг ўзида фирмалар бандлигини пасайишдан олдинги тўлиқ бандлик даражасига ўстирши хисобига ишсизлик камаяди.**

Кенгайтирилган фискал сиёсат.

Кенгайтирилган фискал сиёсат давлат харажатлати ёки солиқлар пасайишини иқтисодни пасайишдан чиқариш учун фойдаланади. 75 мпс си иқтисодда ҳокимият чиқимларининг 5 000 000 000$ га пасайиши ёки 6.67 000 000 000$ солиқлар кўпайиши бўлса (истеъмолда 5 000 000 000$ пасайишни келтириб чиқариб) бу жами талаб эгри чизиғини АД$_4$ дан пунктирли чизиққа силжитади. Кўпайтирув таъсири кейин эгри чизиқни АД$_3$ га силжитади.Жами талабдаги умумий пасайиш чўзилувчи инфлясия талабини тугатади[156].

### 3.8.2.Молиянинг моҳияти ва вазифалари. Молия тизими

Молия ва молиявий муносабатларнинг вужудга келиш тарихи инсоният жамияти ривожи билан боғлиқ бўлиб, минг йиллар аввал пайдо бўлган. Қадимги Бобил давлатида амал қилган Хамурапи қонунлари ёки Қадимги Хиндистоннинг Ману қонунлари, Хитой, Юнонистон ёки Турон, Рим империяси қонунларининг барчасида бож-хирож, солиқлар тўплаш, давлат хазинаси ҳисоб-китоби каби масалалар ўз аксини топган. Уларда жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин тутган пул ҳисоб-китоби билан боғлиқ молиявий муносабатларга катта аҳамият берилган. Чунки молия соҳасида, солиқ-бож соҳасида тўғри сиёсат юритилиши жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида: “Амр этдимки, раиятдан мол-ҳирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёш мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади” дея солиқларнинг, молиянинг давлат ва жамият ҳаётида мухим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб ўтган.

Шундай қилиб, узоқ ўтмишда ва ҳозирда ҳам, харқандай мамлакатда, молиявий муносабатлар кўп қиррали бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади. Чунки иқтисодий субектлар ўртасида юзага

---

[156] Economics : principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. P-209

келувчи пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг зарур таркиби ҳисобланади. Бу муносабатлар тизимида молия муносабатлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

**Молия** – бу турли даражада марказлашган пул фондлари воситасида иқтисодиёт субектлари пул даромадларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир. Бошқача қилиб айтганда, молия иқтисодий категория сифатида пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизими бўлиб, унинг воситасида турли даражада пул фондлари вужудга келтирилади ва улар такрор ишлаб чиқариш эхтиёжлари ва бошқа ижтимоий эхтиёжларни қондириш мақсадида тақсимланади.

Корхоналар, уй хўжаликлари ва давлат молиявий муносабатлар пул ва унга тенглаштиррилган молиявий активлар унинг субектлари ҳисобланади.

Шу билан биргаликда – молиянинг бошқа пул муносабатларидан фарқлаб турувчи белгилари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Иқтисодий муносабатлар пулнинг харакати билан тавсифланиши;
2. Молия муносабатларининг тақсимловчилик тавсифга эгалиги;
3. Молия муносабатларнинг фонд тавсифга (ЯИМ тақсимоти пул фондлари орқали амалга оширилади) эга бўлиши.

Молиянинг мохияти унинг вазифаларида тўларок намоён бўлади. Булар, молиявий ресурсларни жалб қилиш, назорат қилиш, рағбатлантириш ва тақсимлаш вазифаларидир.

1. Молиявий ресурсларни жалб қилиш вазифаси шунда кўринадики, бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ресурсларни марказлашган тартибда тўпланишига ҳаракат қилади.

2. Давлат молиявий дастак ва воситалар ёрдамида ишлаб чиқариш, иқтисодиётда яратилган маҳсулотни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол устидан назорат ўрнатади. Молиявий назорат корхона (фирма)ларининг молия интизомига риоя қилиш учун моддий жавобгар бўлиши, турли солиқлар ундириб олиш ва маблағ билан таъминлаш тизими орқали амалга оширилади. Давлат молия воситасида зиммасига юклатилган вазифалар доирасида, иқтисодиёт субектлар тасарруфига молиявий маблағлар қанчалик ўз вақтида тушаётганлиги, шунингдек, улардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилади;

3. Молиянинг тақсимлаш вазифаси аниқ иқтисодий вазиятда жамғариш ва истеъмолни оптималлаштириш мақсадида миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишини таъминлашда намоён бўлади. Бу реал ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ялпи маҳсулотни, айниқса, унинг миллий даромадини ташкил қилувчи қисмини давлат ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш соҳалари, мамлакат худудлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашда намоён бўлади. Бунда миллий даромаднинг бир қисми корхона ва аҳоли даромадларидан турли хил солиқлар олиш, рента ва божхона тўловлари, аксиз йиғинлари кабилар орқали давлат бюджетида тўпланади. Давлат тўпланган миллий даромаднинг катта қисмини молиявий воситалар орқали аҳолининг ижтимоий маданий эҳтиёжларига (уй-жой қурилиш, тиббиёт хизмати, маориф, нафақа, стипендия ва шу кабиларга), даромадлар даражасини ушлаб туришга, миллий мудофага, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва шу кабиларга сарфлайди.

Шуни айтиш лозимки, молиявий муносабатлар тизимида давлат молияси алоҳида ўрин тутади. Бунда нафақат давлат, балки хусусий сектор корхоналари даромадининг бир қисмини ундириш йўли билан давлат пул фондларини шакллантиради.

4. Молия иқтисодий жараёнларни, турли тадбирларни молиялаш ва унга хизмат кўрсатиш вазифасини ҳам бажаради;

5. Молиянинг рағбатлантирувчилик вазифаси, биринчидан, яратилган махсулот қийматини тақсимлаш жараёнида, иккинчидан, фоизли даромадларни ташкил қилиш ва тақдим қилиш механизми воситасида амалга оширилади. Икки холда ҳам молия ишлаб чиқариш самарадорлигига, унинг пировард натижасига, маҳсулот сифатига сезиларли таъсир кўрсатади.

6. Ижтимоий химоялаш ҳам молия тизими орқали амалга оширилади. Маълумки, ахолининг муҳтож қатламлари қариялар, ногиронлар, кам даромадли оилалар ўз тирикчилигини юритишни минимал даражада таъминлаш имкониятига эга бўлмайди. Ижтимоий ҳимоялаш эса уларни молиявий таъминлаш, бошқача айтганда, молиявий кафолатлашни талаб этади. Бу асосан давлат молияси ёрдамида амалга оширилади. Давлат махсус фондлар ташкил этиб, бундай ҳимоялашни тизимли амалга ошириб боради. Ишсизлик нафақалари, болалар учун нафақа, ногиронлар пенсияси кабилар шулар жумласига киради.

Бундан ташқари ижтимоий истеъмол орқали амалга ошадиган фондлар ҳам мавжуд бўлиб, буларга бепул тиббий хизмат, маориф, атроф муҳитни муҳофазалаш кабилар киради.

Молия тизимига юклатилган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши иқтисодий ўсиш учун хизмат қилади. Моддий ва меҳнат ресурсларининг тўғри тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланиш молия фаолиятига, унинг вазифалари реал бажарилишига боғлиқ. Такрор ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсишни пул маблағлари билан таъминлашда ҳам молиянинг роли беқиёс. Молия ўз вазифаларини бажариш билан бирга иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни тартибга солади, самарали хўжалик фаолиятини рағбатлантиришни ҳам таъминлайди.

Молия тизими. Умумдавлат молияси - давлат бюджети, ижтимоий суғурта ҳамда мол-мулк ва бошқа суғурта фондларини ўз ичига олади.

Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлмиш давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади. Давлатнинг марказлашган бюджети билан бирга хокимият қуйи органларининг (вилоят, туман ва шахар) бюджети ҳам мавжуд бўлади. Бу жойларда мавжуд молиявий ресурсларни анча тўлароқ жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради. Хокимият қуйи органлари бюджетнинг даромадлари ўз худудидаги корхоналар даромадидан, аҳолидан олинадиган солиқлар, мулк солиқлари ва шу кабилар орқали шаклланади. Уларнинг даромади қисман давлат бюджетидан бериладиган субсидиялар хисобига ҳам тўлдирилади. Хокимият қуйи органлари бюджет маблағлари тегишли худудда таълим, соғлиқни сақлаш, ободончилик, йўл қурилиш ва шу кабиларга сарфланади.

Мол – мулк ва шахсий суғурта молия тизимининг кейинги бўғини хисобланиб, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва фуқароларга жорий қилинади. У мажбурий ва ихтиёрий бўлиши мумкин. Бу мақсадлар учун фондлар корхона ва аҳолининг тўловлари хисобига шаклланади. Фонд маблағлари мол-мулкий суғуртасига ва шахсий суғуртага пул тўлашни кўзда тутади.

Шахсий суғурта аҳолининг пул жамғармаларининг ташкил қилишнинг шаклларидан бири бўлиб ҳам хизмат қилади.

Жамият молия тизими ижтимоий сиёсий ва маърифат ишлари билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасаларнинг молиясини ҳам ўз ичига олади. Касаба уюшмалар, сиёсий партия, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, спорт ташкилотлари ва бошқа илмий маърифий жамиятларнинг ҳам

ўзига хос молияси мавжуд бўлади. Бундай ижтимоий ташкилотларнинг молиявий ресурсларининг манбаи, ташкилот аъзоларининг кириш пули ва бадаллари, тижорат фаолиятидан келган даромад, хомийлар ажратган ёки хайрия қилган маблағлардан иборат бўлади. Жамият молия тизимида махсус ва хайрия фондли хўжалик субектлари ва ахолининг пул маблағларини аниқ бир мақсад йўлида бирлаштиради ва улар мақсадли ишлатилади.

### 3.8.3. Давлат бюджети ва унинг тақчиллиги

Давлат бюджети-бу давлат харажатлари ва уларни молиявий қоплаш манбаларининг йиллик режасидир.

Давлат бюджети тушунчаси, умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида тўпланган ва сарфланадиган молиявий ресурслар ҳаракатини англатади.

Бюджетнинг қайси даражада эканлигидан қатий назар унга уч жиҳатдан ёндошиш мумкин: Иқтисодий категория, молиявий дастак ва хуқуқий ктегория сифатида.

**Иқтисодий категория сифатида** бюджет турли даражада марказлашган фондларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлардир.

**Молиявий дастак сифатида** бюджет-тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборатдир. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет хисобидан молиявий таъминлашда ундан молиявий дастак сифатида фойдаланиш кўзда тутилади.

**Ҳуқуқий категория сифатида** бюджет мамлакат тегишли худудлари доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, уларни тақсимлаш ва фойдаланишга қаратилган ҳамда тегишли давлат ёки маҳаллий хокимият муассасалари томонидан тасдиқланган асосий молиявий режадан иборатлиги назарда тутилади.

Белгиланган тартибда кўриб чиқилган ва тасдиқланган бюджет давлат ёки маҳаллий хокимликлар молиявий режасига, давлат меъёрий хужжатига айланади.

Давлат харажатлари асосан давлат бюджети орқали амалга ошади. Булар давлатнинг инвеститсия сарфлари, мудофаа харажатлари, ижтимоий эхтиёжлар учун ажратмалар ва давлат бошқарувининг молиявий манбаларидир. Давлат бюджети харажатларининг асосий тўрт тури ажратилади.

1. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга инвестититсиялар;
2. Ижтимоий соҳаларни (маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият) пул билан таъминлаш;
3. Давлат идораларининг харажатларини қоплаш;
4. Мамлакат мудофаасини таъминлаш. Давлат бюджетининг даромад қисми, албатта, биринчи навбатда, ана шу харажатларни тўлиқ қоплаши зарур бўлади.

Бюджет камомади бу даромадларнинг харажатларни қоплай олмаслиги бўлиб, бюджет тақчиллигини юзага келтиради. У қўшимча солиқлар киритиш, пул эмиссиясидан фойдаланиш, заёмлар чиқариш ва чет мамлакатлардан қарз олиш орқали қопланади.

**FIGURE 11.4 Standardized deficits.** (a) In the left-hand graph the standardized deficit is zero at the full-employment output GDP₁. But it is also zero at the recessionary output GDP₂, because the $500 billion of government expenditures at GDP₂ equals the $500 billion of tax revenues that would be forthcoming at the full-employment GDP₁. There has been no change in fiscal policy. (b) In the right-hand graph, discretionary fiscal policy, as reflected in the downward shift of the tax line from $T_1$ to $T_2$, has increased the standardized budget deficit from zero in year 3 to $25 billion in year 4. This is found by comparing the $500 billion of government spending in year 4 with the $475 billion of taxes that would accrue at the full-employment GDP₃. Such a rise in the standardized deficit (as a percentage of potential GDP) identifies an expansionary fiscal policy.




**Стандартлаштирилган Бюджет**

**Иқтисодчилар стандартлаштирилган бюджетдан** *(тўлиқ бандлик бюджети* **ҳам дейилади) солиқ киримларидаги автоматик ўзгаришларни йўқ қилиш мақсадида мавжуд федерал бюджет дифитсити ва профитситини созлашда фойдаланишади. Стандартлаштирилган бюджет мавжуд солиқ даражалари ва ҳукумат чиқимлари даражаларида иқтисод ўзининг ЯИМ бўйича йиллик даражасига этган холда федерал бюджет дефитсити ёки профитситини хисоблайди (унинг потенсиал фойдасини). Асл ғоя шундаки, мавжуд ҳукумат йиллик чиқимларини иқтисод ўзининг ЯИМ бўйича йиллик холатига этгандаги юзага келиши мумкин солиқ киримлари билан қиёслашдир. Бу жараён оддий ЯИМ ўзгариши хисобига бўлувчи бюджет дифитсити ёки профитситини олиб ташлайди ва шундай қилиб бизга дискретсион фискал сиёсатдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳеч нарса айтмайди.**

**Қуйидаги расмини кўриб чиқайлик Г бу эрда ҳукумат чиқимларини Т эса солиқ киримларини кўрсатади. Тўлиқ бандлик биринчи йилида ҳукуматнинг 500 000 000 000$ лик чиқимлари 500 000 000 000$ лик солиқ киримлари билан тенг ва бу Г ва Т чизиқларининг а нуқтада кесишган жойида кўрсатилган. Стандартлаштирилган бюджет дефитсити 1 йилда 0 га тенг ҳукумат чиқимлари ЯИМ1 тўлиқ бандлик холатида солиқ киримларига тенг. Бундан ЯИМнинг тўлиқ бандлик дефитсити фоизи ҳам 0 га тенг.**

**Энди а расмда кўрсатилгандек пасайиш юзага келиб, ЯИМ ЯИМ1 дан ЯИМ2 га тушишини фараз қилинг. Энди ҳукумат ҳеч қандай дискретсион харакатлар қилмаяпди ва Г ҳамда Т чизиқлари расмда кўрсатилгандек қолаяпди деб фараз қилинг. ЯИМ2 да солиқ киримлари автоматик равишда 450 000 000 000$ (с нуқта) га тушиб давлат харажатлари эса ўзгармаган холда 500 000 000 000$ бўлиб қолади (б нуқта). 50 000 000 000$ бюджет дефитсити юзага келади (бс оралиғи билан кўрсатилган). Лекин бу сиклик дифитсит пасайишга кетиб бораётган иқтисод чиқими бўлиб ҳукуматнинг дискретсион молиявий**

**фаолиятининг натижаси эмас. Биз бу дефитситдан ҳукумат кенгятирилган молиявий сиёсатни юритаяпди деб хато қилишимиз мумкин.**

**Бу холат а расмда 2 йил стандартлаштирилган бюджет дефитситини муҳокама қилганимизда ёритилади. 500 000 000 000$ 2 йил ҳукумат чиқимлари Г чизиғида б нуқтаси билан берилган ва Т чизиғида а нуқта билан кўрсатилган 500 000 000 000$ солиқ киримлари ЯИМ тўлиқ бандлик холатига этганда юзага келиши мумкин. б ва а нуқталари иккиси ҳам 500 000 000 000$ ни билдирганлиги учун 2 йилдаги стандартлаштирилган дефитсит 0 га тенг, чунки бу дефитсит потенсиал ЯИМ нинг фоиз қисмидадир. Иккала йилда ҳам стандартлаштирилган дефитсит 0 га тенглиги ҳукуматнинг ўз дискретсион молиявий сиёсатини пасайиш вужудга келиб мавжуд дефитсит 50 000 000 000$ натижа берсада ўзгартирмаганлигини кўриш мумкин.**

**Кейин б расмини кўриб чиқамиз. Реал фойда ЯИМ3 тўлиқ бандликдан ЯИМ4 га тушган деб фараз қилинг ва шу билан бирга 4 йилдаги федерал ҳукуматнинг пасайишга солиқ даражаларини пасайтириш билан жавоб бериши солиқ чизиғининг Т1 дан Т2 силжишини фараз қилинг. Стандартлаштирилган дефитсит ўлчамига нима бўлди? Э да кўрсатилгандек ҳукумат чиқимлари 4 йилда 500 000 000 000$ га тенг. Биз у миқдорни агар ЯИМ тўлиқ бандлик холати юзага келиши мумкин бўлган 475 000 000 000$ солиқ кирими билан қиёслаймиз. Яъни биз Г чизиғидаги э нуқтани Т2 чизиғидаги х нуқта билан солиштирамиз.25 000 000 000$ э х дан каттароқ бўлиб 4 йил учун стандартлаштирилган бюджет дефитситига тенг. Потенсиал ЯИМ нинг фоизи сифатида стандартлаштирилган бюджет дефитсити йилдаги 0 дан (солиқ даражаси қисқартирилишидан олдин) бир қанча ижобий фоизга 4 йилда [=( $25 биллион /ГДП 3) х100] кўтарилди. Бу икки йил ичидаги тўлиқ бандлик дефитсити нисбий ўлчамлари ўсиши молиявий сиёсатнинг рағбатлантирувчи сиёсат эканлигини кўрсатади.**

**Бунга қарама қарши агар биз стандартлаштирилган о дефитситни кейинг йилдаги стандартлашган бюджет профитсити кўрсак унда биз фискал сиёсатни чекловчи турдаги деб хисоблашимиз мумкин. Стандартлаштирилган бюджет солиқ киримларидаги автоматик ўзгаришларни мослаштирилиши стандартлаштирилган бюджет профитсити ўсиши ҳукумат ўз чиқимларини камайтиргани (Г) ёки солиқ киримларини оширганини (Т) билдиради. Бу Г ва Т даги ўзгаришлар биз чекланган фискал сиёсат элементи деб аниқлаган яққол дискретсион фаолиятдир[157].**

### 3.8.4. Солиқлар, уларнинг турлари ва такомиллаштириш вазифалари

Солиқлар иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги турларга ажратилади:

- Даромад (фойда) солиғи. Тўловчининг йиллик даромадидан чегириладиган қисми;
- Корхоналар фойдасига солиқ. Хуқуқий шахсларнинг соф фойдасидан олинади;
- Ижтимоий тўловлар - ҳар хил бюджетдан ташқари фондларга (ишсизлик, пенсия ва ҳ.к) йўналтирилади, қисман ишловчилар ва корхоналар маблағлари ҳисобига шакллантирилади;

[157] Economics : principles, problems, and policies / Campbell R. McConnell, Stanley L. Brue.– 17th ed. P-214

- Мол-мулк солиқлари. Мулкдан, меросдан ва ҳадя қилинган маблағ ҳамда бойликлардан олинади;
- Товар ва хизматларга солиқлар. Бунга бож тўловлари ва аксизлар, шунингдек қўшилган қиймат солиқлари киради.

Солиқ тизимида қуйидаги асосий принсипларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Биринчидан,** солиқ ставкаси даражаси солиқ тўловчиларнинг иқтисодий имкониятларидан яъни уларнинг даромадлари даражасидан келиб чиқиб белгиланиши зарур. Чунки турли хуқуқий ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий имкониятлари бир хил эмас, улар учун солиқ ставкаси табақалаштирилган тартибда белгиланиши керак, шунинг учун даромадлардан олинадиган солиқлар прогрессив (ўсиб борувчи) характерга эга бўлиш зарур;

**Иккинчидан,** солиққа тортиш бир марталик тавсифга эга бўлиши зарур, акс ҳолда бу товар нархи асосланмаган холда оширилишига сабаб бўлиши билан бирга, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини пасайтиради. Бошқа томондан тадбиркорларнинг иқтисодий фаоллик кўрсатишидан манфаатдорлигини сусайтиради. Бу эрда шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқарувчининг сотишдан олинган бутун пул тушумдан эмас, балки улар томонидан қўшилган қийматдан солиқ ундириш алоҳида аҳамиятга эга.

**Учинчидан,** солиқ тўловининг мажбурийлиги. Бунда миллий иқтисодиётдаги солиқ тизими солиқ тўловчида бундай тўловнинг муқаррарлиги тўғрисида шубҳа уйғотмаслиги зарур. Жарима тизими ҳам шундай бўлиши керакки, бунда солиқ тўловчиларга тўланмаган ёки ўз вақтида бажарилмаган солиқ мажбуриятларига қараганда ана катта миқдорни ташкил қилсин;

**Тўртинчидан,** солиқ тўлов жараёни солиқ тўловчиларга оддий, тушунарли ва қулай, солиқ йиғувчи ташкилотлар учун тежамли бўлиши зарур;

**Бешинчидан,** солиқ тизими иқтисодиётда яратилган ЯММнинг самарали қайта тақсимланишини таъминлаши керак.

Ўзбекистонда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифаларига мос келиши зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида умумиқтисодий барқарорликка эришиш, молиявий барқарорликни таъминлаш шу жумладан давлат бюджети барқарорлигини мумкин бўлган даражада ушлаб туриш вазифасини ҳам ўз ичига олади. Шунга мувофиқ молия сиёсати Республика давлат бюджетидаги тақчилликни йўл қўйилган энг кам даража доирасида ушлаб туришга қаратилади. Ҳозирги даврда ҳам молия сиёсатининг асосий вазифаси бюджет тақчиллигини чеклаш ҳисобига иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган. Бунга эришиш учун Республика иқтисодиётида зарур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали ишлаб чиқаришнинг паспайишига барҳам бериш ва иқтисодий ўсишга эришиш энг асосий мақсад деб қараб келинди.

Бунда солиқ тизими– хазинани тўлдириш, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларини тўла даражада бажариши зарур. Солиқларнинг биринчи вазифаси, давлат бюджети даромад қисмининг энг муҳим умумдавлат вазифаларини хал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлашга қаратилиши лозим. Унинг иккинчи вазифаси, ЯММнинг бир қисмини қайта тақсимлаш ва шу орқали иқтисодиёт тузилишини ўзгартириш, аҳолини ижтимоий химоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этишдан иборат. Солиқларнинг учинчи вазифаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир.

Бу вазифаларни реал бажариши учун амалдаги солиқ тизими босқичма - босқич ислоҳ қилиш талаб қилинади.

Солиқ тизимини ислоҳ қилишга асос қилиб олинган асосий тамойил-корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришдир. Бу уларнинг ўз маблағларини ишлаб чиқаришини ривожлантириш, техника билан қайта қуроллантириш ва айланма маблағларни тўлдиришга сарфлаш имкониятини беради

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришда даромад солиғидан фойдадан ундирилган солиққа ўтиш кўзда тутиладики, бу ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш имкониятини беради. Фойданинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган умумий миқдори кўпайиши билан бирга, айни вақтда ишловчилар иш хақини ошириш имконияти ҳам яратилади. Натижада фаол меҳнатни рағбатлантирувчи иқтисодий муҳит қарор топади.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини энгиллаштиришга эришишда қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасини камайтиришга ҳам эътибор қаратилади.

Республикада солиқ тизимини ислоҳ қилишда унинг таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади.

Табиий ресурсларни қайта тиклаш имкониятини яратиш ва улардан эҳтиёткорона фойдаланиш мақсадини амалга ошириш учун эр ости бойликлари, сув ва қайта тикланмайдиган бошқа ресурсларга тўлов ўрнатиш солиқ сиёсатининг навбатдаги йўналишидир.

Республика аҳамиятига эга бўлган солиқлар билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегарани белгилаш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир.

Бунда давлат бюджети даромадининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилади.

Давлат бюджети мутаносиблигини кучайтириш мақсадида, солиқ тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, корхоналарнинг молия интизомини мустаҳкамлаш, тўлов мажбуриятларини бир меёрга келтириш, қарзларнинг салбий оқибатини тугатиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

**Солиқ юкини камайтириш – мамлакатимиз солиқ сиёсатининг муҳим йўналиши.** Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг бозор иқтисодиёти тизимига ўтишнинг тадрижий йўли танланди. Муҳтарам Президентимиз И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг бешта тамойили амалиётга жорий этилди ва у иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида ўзининг ижобий натижасини берди. Таъкидлаш жоизки, ушбу беш тамойил бугунги кунда дунёнинг барча давлатлари томонидан "ўзбек модели" деб тан олинди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор тамойилларига тўлиқ жавоб берадиган янги солиқ тизими шаклланди. Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси қабул қилинди, солиқларни бошқаришнинг замонавий усуллари ва механизмлари жорий этилди, солиқ органларининг яхлит тизими яратилди. Ўзбекистонда бугунги кунда олиб борилаётган солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини янада пасайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, аҳолининг реал даромадлари ва уларнинг харид қилиш қобилиятини оширишга қаратилган.

Иқтисодий ўсишга эришиш учун аввало, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини оптималлаштириш лозим. Чунки юқори солиқ ставкалари

қўлланилиши корхоналарнинг молиявий имкониятларини чеклашга олиб келади. Шу боис, муҳтарам Президентимиз И.Каримов 2005 йилнинг 28 январида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларга атрофлича тўхталиб ўтдилар. Жумладан, мамлакатимиз Президенти ўз маърузаларида солиқ тўловчиларга солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференсиялар бериш, солиқларни унификатсия қилиш, солиқ юкини энгиллаштириш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда ушбу йўналишда илғор мамлакатлар ижобий тажрибаларидан фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар. "Принсипиал муҳим устувор вазифалардан бири - солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш. Айтиш жоизки, юқорида зикр этилган устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатимизни такомиллаштириш билан бевосита боғлиқдир. "...Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим".[158]

Республикамизда солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини изчил камайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинди. Бунда, биринчи навбатда, уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита солиқларнинг салмоғини пасайтириш лозимлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг натижасида корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар улушининг кўпайиши эвазига уларнинг айланма маблағлари миқдорини ошириб бориш ва оптимал даражасини сақлаш, ишлаб чиқаришни модернизатсиялаш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида инвеститсияларни кенг жалб этиш, ишчи-ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имкони яратилади.

Ўзбекистонда солиқ юкини камайтиришга юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, иш берувчилар учун иш ҳақи тарзидаги даромадларга нисбатан ягона ижтимоий тўлов ва бошқа шу каби асосий солиқлар ставкаларини камайтириш, айрим самарасиз солиқлар ва йиғимларни бекор қилиш ёки уларнинг солиқ солиш базасини қисқартириш, шунингдек, иқтисодиётнинг айрим тармоқ ва соҳа корхоналарига солиқлардан турли имтиёзлар бериш орқали эришилди. Натижада солиқ юки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1991 йилда 41,2 фоизни ташкил этгани ҳолда 2000 йилда 27,9 фоизни, 2015 йилда эса 20 фоизни ташкил этди (4-расм). Бошқа мажбурий тўловларни ҳисобга олганда бу кўрсаткич 30-33 фоиздан ошмайди. Дунё давлатлари солиқ амалиётида бу кўрсаткич нормал ҳолат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: "Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлсада, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профитсит билан бажарилди".[159]

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш қуйидаги йўналишларда олиб борилди:

– асосий солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини пасайтириш;

– иқтисодиётнинг стратегик тармоқ, соҳаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзлар тақдим этиш;

---

[158] "Bizning bosh maqsadimiz-jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va isloh etishdir". O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va Senatining qo'shma majlisidagi ma'ruzasi. "Xalq so'zi" gazetasi. 2005 yil 29 yanvar.

[159] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning mamlakatimizni 2014 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2015 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruzasidan olingan.

– айрим асосий солиқ турларининг солиқ солиш базасидан корхоналар томонидан қилинган харажатларни чегириш.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Давлат бюджетига тўланадиган асосий солиқ турларидан бири ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғига назар соладиган бўлсак, унинг ставкаси 1995 йилда 38 фоизни ташкил этгани ҳолда 2000 йилда 31 фоизни, 2005 йилда 15 фоизни, 2010 йилда 9 фоизни, 2014 йилда 8 фоизни ташкил қилган. 2015 йилдан бошлаб эса, унинг асосий ставкаси 7,5 фоиз миқдорида белгиланган (5-расм). Демак, Ўзбекистонда корхоналар учун асосий солиқ турларидан бири ҳисобланган фойда солиғи ставкаси мустақилликнинг дастлабки йилларидагига нисбатан деярли 6 баробарга камайтирилган. Юридик шахслар фойдасини солиққа тортиш борасидаги халқаро амалиётга назар ташласак, айтиш мумкинки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон юридик шахслар учун фойда солиғининг жуда паст ставкаси қўлланиладиган саноқли мамлакатлар қаторига киради.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи аҳолининг пул даромадлари даражасига бевосита таъсир қилади, шу билан бирга, давлат даромадлардан янада мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун рағбатлантирувчи омил сифатида солиқни ишга солади. Даромад солиғи туфайли даромадларнинг, аввало, юқори даромадларнинг бир қисми аҳолининг қўшимча маблағларга эҳтиёжи бўлган тоифалари фойдасига, қолаверса, жамият манфаатлари йўлида қайта тақсимланади. Шу орқали жисмоний шахслар даромадларидаги номутоносиблик даражасининг сезиларли даражада қисқариши юз беради.

Аҳоли ва давлат ўртасидаги солиқ муносабатларининг уйғунлашуви солиқ воситаси орқали таъминланади. Давлат бозор иқтисодиётига ўтиш даврида солиққа тортишнинг макроиқтисодий воситаси орқали аҳолининг даромадларини қайта тақсимлашда тартибга солувчилик ва рағбатлантирувчилик вазифасини бажарар экан, аввало, аҳолининг даромадларидан келиб чиққан ҳолда, оқилона тартибга солиб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистонда жисмоний шахслар даромад солиғини такомиллаштиришда уларнинг ставкасини камайтириб бориш сиёсати олиб борилмоқда. 1998 йилда жисмоний шахслар даромад солиғининг юқори ставкаси 45 фоиз бўлгани ҳолда, қуйи ставкаси 15 фоиз, 2007 йилда ушбу солиқнинг юқори ставкаси 25 фоиз, қуйи ставкаси 13 фоиз, 2015 йилда солиқнинг юқори ставкаси 23 фоиз, қуйи ставкаси эса 8,5 фоиз миқдорида белгиланган. 2016 йилдан бошлаб, жисмоний шахсларнинг даромадлари 4 поғонали ставка орқали солиққа тортиладиган бўлди, яъни 23;17;7,5 ва "нол" (6-расм). Бунда бир минимал иш ҳақигача ноллик ставкани қўллаш орқали кам иш ҳақи оладиган аҳолининг реал даромадларини ошириш кўзда тутилган.

Айтиш мумкинки, ушбу солиқнинг умумий ставкалари 1998 йилга нисбатан 2016 йилда икки баробарга пасайтирилганлиги бевосита аҳолининг реал даромадлари ва харид қобилиятининг ошишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда бошқа мажбурий тўловлар таркибига кирадиган ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан қўлланилади ва у тегишли бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромад манбаи ҳисобланади. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 1996 йилда 40 фоизни ташкил қилган бўлса, сўнгги 2010-2016 йилларда бу тўловнинг базавий ставкаси 25 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари асосида ягона ижтимоий тўлов микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари учун 2015 йилдан 15 фоиз миқдорида амал қилиб келмоқда (7-расм). Бу эса, кичик бизнес субъектларининг иш ҳақи тарзидаги даромадларига нисбатан ягона ижтимоий

тўлов юкининг қарийб 3 баробарга камайишини таъминлади. Микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг бундай кескин пасайтирилиши уларнинг иш ҳақига доир солиқ юкини мақсадли камайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар қандай давлат иқтисодий-ижтимоий сиёсат олиб боришда аҳолининг харид қобилиятини ошириш мақсадида аҳоли реал даромадларини босқичма-босқич ошириб бориш чорасини кўради. Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида солиқ сиёсати олдига қўйилган устувор йўналишлардан бири аҳоли даромадларини мунтазам равишда ошириб бориш ҳисобланди.

**Солиқ маъмурчилиги – солиқ сиёсатининг асосий йўналиши сифатида.** Мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад – солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишдир. Ҳар бир мамлакатда ҳам ушбу мақсадга фақат изчил солиқ маъмурчилигини амалга ошириш орқали эришилади.

Иқтисодиётни модернизатсия қилиш шароитида давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли кучайиб, ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда солиқ маъмурчилиги муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Зеро Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан - корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат".[160]

Солиқ сиёсатининг асосий вазифаси охир-оқибат иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилиши лозим. Айнан иқтисодий ўсишга эришилгандагина ишлаб чиқаришни ривожланишига ва унинг самарадорлигини таъминлашга, аҳолининг яшаш даражасини ошишига хизмат қилади. Шу боисдан ҳам, бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тизими мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда доимо такомиллашиб борилиши лозим.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йили давомида республикамиз солиқ тизими ташкил этилиб, ривожланиб, такомиллашиб борди. Республикамизда давлат солиқ хизмати органлари фаолияти 1990 йилнинг 17 декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Давлат молия-солиқ Бош бошқармасини ташкил қилиш тўғрисида"ги 383-сонли Қарори қабул қилинганидан сўнг, фаоллаша бошлади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисида"ги 1991 йил 14 июндаги Низоми ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисида”ги 1991 йил 12 августдаги 217-сонли Қарори қабул қилинганидан сўнг, давлат назорати ва бошқарувининг мустақил тузилмаси сифатидаги давлат солиқ хизмати органларининг шаклланиши ҳамда фаолият юритишига асос солинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат солиқ Бош бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига айлантириш тўғрисида"ги 1994 йил 18 январдаги Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат солиқ Бош бошқармаси Давлат солиқ қўмитасига айлантирилди.

---

[160] Karimov I.A. O’zbekistan buyuk kelajak sari. – Toshkent: "O’zbekiston", 2016. 52-bet.

Бундан кўринадики, мустақилликнинг дастлабки йилларида солиқ тизимида асосан ташкилий жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилди, яъни янги бозор муносабатларига мос келадиган солиқ турларини жорий этиш ва давлат бюджети даромадларини таъминлаб берувчи тегишли органлар фаолияти шакллантирилди.

Мустақиллик йилларида солиқ тизимида ўтказилганислоҳотларни тўрт босқичга ажратиб кўрсатиш мумкин:

**Биринчи босқич** 1991-1994 йилларни ўз ичига олиб, бу босқич солиқ тизимининг ташкил этилиши ва солиқларнинг фискал функсияси юқори аҳамиятга эга бўлганлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон солиқ тизимини яратишда 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги қонун биринчи меъёрий ҳужжатлардан бўлди. Мазкур қонунда солиқ тизимининг тузилиши ва ишлашининг умумий асослари кўрсатилди ҳамда амалиётга жорий этилган солиқларни ҳисоблаш ва ундириш тартиби белгилаб берилди.

Шу билан бирга, 1991 йил 15 февралда "Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Бу қонунга биноан солиқ объекти кенгайтирилди, яъни илгари даромад солиғини жамоа хўжалиги орқали тўлаб берган жамоа аъзолари тўғридан-тўғри ўз даромадларидан тўлайдиган бўлдилар.

1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Бундай солиқларга жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи, эр солиғи, курорт зоналарида ишлаб чиқариш объектлари қуриш солиғи, реклама солиғи, автомобил воситаларини қайта сотиш солиғи, транспорт воситаларини эгаларидан солиқ ва 13 та ҳар хил йиғимлар киритилди.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги қонунга 1993 йил 7 майда ўзгаришлар киритилиб, чет эл валютасида олинадиган тушумдан ажратма жорий этилди. Республика валюта жамғармасига ажратма дастлаб 25%, кейинчалик 10% миқдорида белгиланди. Солиқ тизимидаги ислоҳотларнинг биринчи босқичида солиқларнинг фискал самарадорлигига эришиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, бевосита солиқ тизимига жорий этилди.

**Иккинчи босқич** 1995-1997 йилларни ўз ичига олиб, бу босқич солиқларни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Солиқ тизимидаги ислоҳотларнинг иккинчи босқичида солиқларни корхоналарнинг ишлаб чиқаришини рағбатлантиришга қаратиш мақсадида корхоналар ҳар бир фоиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиргани ҳисобига фойда солиғи ставкаси 0,3 фоизга камайтириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун фойда солиғи ставкаси рентабеллик даражасидан келиб чиқиб, яъни рентабеллик даражаси 40% гача бўлган корхоналар учун 3 фоизли ставкада, рентабеллик даражаси 40%дан юқори бўлган корхоналар учун 20 фоизли ставкада ундириш тартиби белгиланди.

1995 йилдан бошлаб солиқ тизими ихчамлаштирилиб, бир қатор самарасиз солиқлар ва йиғимлар, яъни республика ташқарисига олиб чиқиладиган хомашё ресурслари учун солиқ, ҳисоблаб ёзилган амортизатсиядан бюджетга 30 фоиз ажратма ва шу кабилар бекор қилинди. Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ шкаласи ўзгартирилди.

1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинди ва 1998 йилдан амалиётга жорий қилинди. Бу ҳужжат орқали солиқ қонунчилигини мустаҳкамлаш билан бирга, миллий маҳсулотлар экспортини, импорт товарлар ўрнини босадиган маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, ногиронларнинг ишлаб чиқаришдаги иштирокини, меҳр-мурувват ишларини рағбатлантириш вазифаси кучайтирилди.

Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаш мақсадида 1997 йилнинг 29 августида "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унда, давлат солиқ хизмати органларининг асосий ҳуқуқлари, вазифа ва функсиялари белгиланиши билан бирга участка давлат солиқ инспектори лавозими жорий этилди.

**Учинчи босқич** 1998-2007 йилларни ўз ичига олиб, бу босқичда солиқ тизимида амалда бўлган солиқларни ихчамлаштириш ислоҳотлари бошланиб, солиқ тўловчи юридик шахсларга имкони борича соддалашган, ихчамлашган солиқ тизими жорий этилди ва уларга солиқ ҳисоб-китобларини, ҳисоботларини топшириш, ҳисобланган солиқ суммаларини тўлаш муддатлари қулай ҳолатга келтирилди.

Хусусан, микрофирма ва кичик корхоналар соддалаштирилган тартибда ягона солиқ тўловини тўлаши, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар ягона эр солиғини тўлаши, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромаддан солиқ ва мол-мулк солиғини тўлаши белгиланди.

2000 йилдан бошлаб самарасиз, бюджетга тушиши қийин ҳисобланган реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб-сотиш солиғи, меъёридан ортиқ сотилмаган тайёр маҳсулот қолдиғи учун 2 фоизли ҳақ ҳамда табиатни ифлослантирувчи чиқиндиларни жойлаштириш учун ҳақлар бекор қилинди.

2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма ва кичик корхоналар учун илгари тўлаб келинган ягона солиқ ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармаларига мажбурий ажратмалар ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди.

2007 йил 1 январдан бошлаб, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган ялпи даромад солиғи, Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармаларига мажбурий ажратмалар ўрнига танлаш ҳуқуқисиз ялпи тушумдан тўланадиган ягона солиқ тўлови жорий этилди.

Малумки, 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш соҳасида туб ўзгаришларни амалга ошириш даври бошланди. Президентимиз И.Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида 2005 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифаларидан - иқтисодиётни модернизатсиялаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш ҳамда такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан устувор вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Солиқ кодекси иқтисодий ислоҳотлар соҳасида давр талабларига жавоб бермаслиги қайд этилиб, солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принсип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиб, солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозимлиги уқтирилди ва амалдаги солиқ қонунчилигини танқидий нуқтаи назардан

таҳлил қилиб, шу асосда уни янада соддалаштириш, солиқларни унификатсия қилиш, солиқ юкини энгиллаштириш, солиқ башқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришни назарда тутадиган янги таҳрирдаги Солиқ кодексини тасдиқлаш топширилди.

**Тўртинчи босқич** 2008 йилдан ҳозирги вақтгача давом этиб келмоқда. Мазкур даврда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси тасдиқланиб, 2008 йил 1 январдан кучга киритилди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг аввалгисидан асосий фарқи ушбу Кодекс тўғридан-тўғри тасир кучига эга бўлгани, яни ҳар бир солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари турли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар асосида амалга оширилмасдан, тўғридан-тўғри Солиқ кодексида акс эттирилганидир.

Шу билан бирга, Кодексда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур элементлар белгилаб қўйилган тақдирдагина солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланган, деб ҳисобланиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар қонунчилик ҳужжатлари ва Президент Қарорлари билан ўрнатилиши белгиланди.

Иқтисодиётни модернизатсиялаш жараёнида солиқ тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинаётган Фармон ва Қарорлар солиқ сиёсатини эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий соҳани рағбатлантириш, солиқ юкини камайтириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, литсензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан республикада қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш мақсадида молиявий ва солиқ ҳисоботлари шаклларини қисқартириш, уларни тақдим этиш механизмини такомиллаштириш тадбирлари белгиланиб, унга кўра солиқ органларига тақдим этиладиган 2 та молиявий ҳисобот шакллари бекор қилинди, 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотларни бирлаштириб 5 тага туширилди, 12 турдаги солиқ ҳисоботларини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4725-сонли Фармонига биноан, хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилди.

Хусусан, 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

– микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан **тўрт йилда бир мартадан**, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига **асосан уч йилда бир мартадан кўп** бўлмаган тартибда амалга оширилади;

– молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати **10 календар кунидан** ошмайди;

– тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олади;

– қўзғатилган жиноий ишлар муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъект жалб этган **адвокатлар иштирокида** амалга оширилади;

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин **30 кун ичида** давлатга этказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санксияларни тўлаган шахсга нисбатан **жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликдан озод** қилинади;

– 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан **бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди** ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан **бошлаб ўн икки ой мобайнида** ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилди.

2015 йилдан бошлаб давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ ва молиявий ҳисоботлар 100 фоиз электрон кўринишда қабул қилинмоқда ва "Солиқ тўловчининг шахсий кабинети" орқали солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш тизими амалиётга жорий этилди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона солиқ сиёсати натижасида илгари фақат фискал вазифаларни бажарган давлат солиқ хизмати органлари бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникатсия технологиялари билан жиҳозланган кўп функсияли давлат бошқаруви органига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яратилган "Електрон ҳукумат" тизими таркибига кирувчи Давлат солиқ қўмитасининг "мй.солиқ.уз" расмий сайти солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда аҳолининг янада фаол қатнашишини ва давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда қулай шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ электрон шаклда тақдим этилишига ўтилганлиги тадбиркорларни 2-3 соат вақт сарфлаб навбатда туришларининг олдини олиш билан бир қаторда уларнинг ўртача 9 млрд.сўмдан ортиқ маблағлари иқтисод қилинмоқда ва бу усул давлат бюджетига тўланадиган маблағлар бўйича маълумотларни тезкор таҳлил қилиш имконини берди. Шунингдек, солиқ тўловчи юридик шахслар интернетдаги "Шахсий кабинет"лари орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни онлайн шаклда тўлаш имкониятига эга бўлдилар.

## 3.9-МАВЗУ: ПУЛ МУОМАЛАСИ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР

**Режа:**

**Пул тизими. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари**
**3.9.2. Пул бозори. Пулга бўлган талаб ва пул таклифи**
**3.9.3. Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва манбалари**
**3.9.4. Кредит тамойиллари ва турлари.**
**3.9.5. Кредит ва банк тизими.**

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** пул тизими, классик назария, миқдорийлик назарияси, пул бозори. кредит.

**Пул тизими** – бу давлат томонидан қонуний тартибда ўрнатилган пул муомаласини ташкил қилиш шакли ва унга хизмат қилувчи кредит муассасаларидир.

***Пул кредит тизими тўғри ишлаганда у кирим ва чиқимлар сиркулатсион оқимлари ҳаёт манбаси билан таъминлайди. Тўғри юритилган пул кредит тизими иқтисодиётга тўлиқ бандлик ва манбаларнинг самарали фойдаланилишига ёрдам беради. Нотўғри юритилаётган пул кредит тизими натижалар, иқтисодий даражалари, иш билан таъминланганлик, ва нархларда жиддий тебранишлар хосил этади ва манбалар таъминотини нотўғри акс эттиради.***

***Пул одамларни сехрлаб қўяди. Улар пул учун хавотирланишида ва тер тўкишади. Улар пулни топиш учун энг ностандарт йўллардан ва улардан қутилиш учун энг ўзгача йўллардан фойдаланишади. Пул бу ишлатишдан ташқари ҳеч нарсага арзимайдиган ягона махсулот. Уни инвеститсия қилмагунингизга қадар ёки ишлатмагунингизга қадар пул ўзидан ўзи сизни тўйдирмайди, кийинтирмайди, бош пана бермайди ва кўнглингизни олмайди. У фақат кеткизишда аҳамият касб этади. Одамлар пул учун деярли ҳамма нарсага тайёр ва пул одамларга деярли барча нарсани бериши мумкин. Пул бу ўзига тортувчи, айланувчи, ниқобли жумбоқ.***[161]




[161] Campbell R. McConnell “Economics” Principles, Problems, and Policies 2008 195 p

**3.9.1-расм. Пул тизимининг таркибий қисмлари**

**Пул муомаласи - бу товарлар айланишига ҳамда нотовар тавсифидаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга тенглаштирилган активларнинг ҳаракати.** Нақд пул муомаласига банк билетлари ва металл тангалар (пул белгилари) хизмат қилади. Нақд пулсиз ҳисоблар чеклар, кредит карточкалари, векселлар, аккредитивлар, тўлов талабномалари кабилар ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ҳаммаси пул агрегати деб юритилади. Муомалада мавжуд бўлган пул массаси уларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кишиларда турли хил молиявий активларга эга бўлиш имконияти мавжуд бўлади. Пул, турлича қимматли қоғозлар, банкдаги ҳисоблар, кўчмас мулк, қимматли металлар, антиквар буюмлар ва бошқа шу кабилар молиявий активлар шакли ҳисобланади.

Пул нима ўзи? Қадимий мақолда айтилишича пул бу пул бажарадиган ишдир. Умуман олганда пул вазифасини бажарувчи хар бир нарса пулдир. Пул қандай вазифаларни бажаради?




**3.9.2-расм. Пулнинг вазифалари**

- Муомала воситаси. Биринчи ва энг асосий ўринда пул товар ва хизматларни сотиш ва сотиб олишда фойдаланиш имкониятини берувчи айрибошлаш воситаси. Новвой хафтасига 200 дона тешик кулча кўринишидаги ойликни олишни хохламайди. Шунга ўхшаб новвойхона бошлиғи ҳам тешик кулчалар ўрнига балиқ олишни хохламайди. Пул эса тўлов учун осонгина олинадиган восита. Пул бу ижтимоий ихтиро бўлиб таъминотчи ва ишлаб чиқарувчиларга тўланиши ва улар томонидан бозордаги кўпгина турдаги нарсаларни олиш имкониятини берувчидир. Айрибошлаш воситаси сифатида пул жамиятга бартер қийинчиликларидан қочишга имконият яратади. Пул товар айрибошлашнинг қулай йўли бўлгани учун

жамиятга географик ва инсон иҳтисослашувларининг афзалликларидан фойдаланиш имкониятини беради.

- Қиймат ўлчови бирлиги. Пул шунингдек қиймат ўлчови бирлиги сифатида ҳам ҳизмат қилади. Жамият пул бирликларидан кенг кўламдаги товарлар, хизматлар ва ресурсларни қийматини хисоблаш воситаси сифатида ишлатилади. АҚШда пул бирлиги сифатида долларлардан фойдаланади. Биз узоқликни милялар ёки километрлар билан ўлчаганимиздек, товарлар ва ҳизматларнинг қийматини пулда ўлчаймиз. Пул хисобнинг қабул қилинган бирлиги сифатида бўлганда хар бир элементнинг нархи фақатгина пул бирлиги кўринишида белгиланиши этарлик. Биз сигирларнинг нархини, жўҳори, қаламлар ёки маймунжон жиҳатидан белгилашимиз керак эмас. Пул харидорлар ва сотувчиларга осонгина турли хил товар ва хизмат нархларини қиёслаш орқали тоғри қарор қабул қилишда ёрдам беради. Бундан ташқари пул қарз мажбуриятларини аниқлаш, солиқ қарзларини аниқлаш ва давлатнинг ЙИМини аниқлаш имкониятини беради.

- Жамғариш воситаси. Ниҳоят пул одамларга харид қуватини хозирдан келажакка ўтказиш учун бойликни жамғариш воситаси сифатида ҳам хизмат қилади. Одамлар одатда топган фойдаларини шу куннинг ўзида ишлатиб юбормайдилар. Кейинчалик нарсалар олиш учун улар бойиклларининг бази қисмини пулда сақлайдилар. Сиз сейфга ёки омонат хисобига қўйиган пулларингиз сизга бир неча хафта ёки ойлардан кейин ҳам фойдаланиш имкониятини беради. Пуллар одатда қисқа муддатли бойлик сақлашнинг энг афзал қўрилувчи воситасидир, чунки улар барча активлар ичида энг ликвидларидир.[162]

Даромад эгалари (алоҳида шахс, банк, корхона) ўзларининг активларини ликвидли, яъни пул шаклида сақлашга ҳаракат қилади.

Активлар ликвидлиги – бу уларнинг, ҳар хил тўловларга зарурият бўлганда нақд пулларга айлана олиш лаёқатидир.

Пул мутлоқ ликвидлик хусусиятига эга. Бошқа барча активлар кам ёки кўп даражада бундай хусусиятга эга бўлади. Молиявий активлар ликвидлиги қанча кам бўлса, унинг эгаси учун ўз ихтиёридаги пулни зарур вақтда олиш имконияти билан боғлиқ йўқотиш таҳликаси шунча юқори бўлади.

**Пулнинг Моҳияти**

АҚШда тор маънода пул массаи бу М-ни билдиради. У қуйидагилардан иборат:

- Нақт пул маблағлари, жумладан, аҳоли қўлидаги мавжуд бўлган танга ва қоғоз пуллар.
- Барча чек депозитлари, жумладан, тижорат банклардаги омонатлар ва барча турдаги чекларни берувчи пул сақлаш институтлари.

[162] Campbell R. McConnell “Economics” Principles, Problems, and Policies 2008 196 p




**3.9.3-расмАҚШ пул массаи таркиби**

Танга ва қоғоз пуллар Ҳукумат ва ҳукумат тузилмалари томонидан муомалага чиқарилади. Тижорий банклар ва жамғариш муассалари чек депозитларини таклиф этади. 12.1 а расм Мл пул массасининг хар бир категориядаги пул миқдорларини кўрсатади.

Накд Пул Маблағлари: Танга ва **Қ о ғ о з П у л л а р Мис чақалардан тилла суви юритилган долларларгача тангалар хозиргача кам ўзгарган. АҚШда фойдаланилувчи барча тангалар рамзийдир. Бу дегани уларнинг қийматига нисбатан танганинг метал қиймати камроқ. Бу одамларни тангаларни эритиб махсулот сифатида сотишларини олдини олиш учун. Агар 50 сентлик танга ичидаги метали 75 сент нархга эга бўлса унда уни эритиб метал сифатида сотиш Афзал бўлади. Бунда 50 сентлик тангалар муомиладан чиқиб кетади.**

Кўпгина давлатларнинг пул бирликлари қоғоз пулларга эга. Бу сақланувчи пуллар федерал заҳира пул бирликларидан иборат конгрес рухсати билан федерал заҳира тизими томонидан берилган. Хар бир пул бирлигининг юз қисмида федерал заҳира бирлиги деб ёзилган.[163]

Юқори инфлясия шароитида пулнинг мутлоқ ликвидлиги усторликка эга бўлишдан тўхтайди. Бундай шароитда юқори ликвидли актив барқарор чет эл валюталари ва кўчмас мулклар бўлиб қолади.

Пул муомаласи ўзига хос қонунларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Унинг энг муҳими муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва шунга мувофиқ муомалага пул чиқаришдир.

Муомалани таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қуйидагиларга боғлиқ.

1. Муайян даврда, айтайлик бир йил давомида сотилиши лозим бўлган товарлар нархи суммасига ($Т_б$). Товарлар қанча кўп ва нархи баланд бўлса, уларни сотиш ва сотиб олиш учун шунча кўп пул бирлиги талаб қилинади.

2. Пул бирлигининг айланиш тезлигига ($А_т$).

[163] Campbell R. McConnell “Economics” Principles, Problems, and Policies 2008 197 p

Пул бир хил бўлмаган тезлик билан айланади. Бу кўп омилларга, жумладан улар хизмат қилаётган товарлар турига боғлиқ.

3. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори пулдан тўлов воситаси сифатида фойдаланишга ҳам боғлиқ. Кўпинча товарлар қарзга сотилади ва уларнинг ҳақи келишувга мувофиқ кейинги даврларда тўланади. Демак, зарур пул миқдори шунга мувофиқ миқдорда камаяди. Иккинчи томондан, бу даврда илгари кредитга сотилган товарлар ҳақини тўлаш вақти бошланади. Бу пулга эҳтиёжни кўпайтиради.

Мазкур ҳолатларни ҳисобга олганда, муомала учун зарур бўлган пул миқдори ($П_м$) қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$К_с$ – қарзга сотилган товарлар нархи суммаси;

$Х_т$ - ҳақини тўлаш муддати келган товарлар нархи суммаси;

М2 Пулнинг Моҳияти

Иккинчи ва кенгроқ пул таърифи бу М1 ва бир қанча пулга яқин воситалар. Бу воситалар катта ликвидликга эга молиявий қийматлардир, улар тўғридан тўғри ёки тўлиқ айрибошлаш воситаси сифатида хизмат қилмайди лекин осонлик билан пул бирликлари ёки чек депозитларига айлантирилиши мумкин. М2 пул тушунчасига кирувчи пулга яқин воситаларнинг уч категорияси мавжуд:

- *Омонат жамғармалари, шунингдек, пул бозоридаги депозитлар ҳисоби. Пул*

бозори депосит хисоблари ҳам депосит эгаси осонгина молияларини олиши, сақлаб қўйиши ёки ёки оддийгина чек хисобига ўтказилишини сўраши мумкин. Одамлар молияларини пул бозори депозитларидан хисобидан ҳам олиши мумкин бўлиб улар фоиз йиғувчи хисоблар ва турли хил қисқа муддатли омонатлардан иборат. Пул бозори депозитлари минимал талаб ва фойдланувчининг молиянинг олишига чекланишларга эга.

- Кичик (100 000$ дан кам) муддатли омонатлар. Муддатли омонатлар номидан маълумки, муддати этиб келганда эчилади. Масалан, фойдаланувчи олти ойлик вақт депозитини олти ойлик вақт тўлмагани устамаларисиз ёки вақти ўтганидан кейин ҳам олиши мумкин. пул миқдорлари қисмини олишда молиявий ташкилотлар пул бозори берадиган фоизга нисбатан каттароқ фоизлар чиқариб беради. Бундан ташқари фойдаланувчи чек депозитларини нахд қилиши мумкин лекин бунда устама тўловини амалга оширади.
- *Пул бозоридаги ўзаро фондлар. Пул*

депоситларини сақловчи телефон қўнғироғи, интернет ёки 500$ ёки ундан кўпроқ миқдорга чек ёзиш орқали ўзаро молиялаштириш ташкилотлари таклиф этаётган пул бозори ўзаро молъяларидаги хиссаларини қоплаши мумкин. Бундай корхоналар шахсларнинг қўшма молияларидан фойдаланиб фоиз кўпайтирувчи қисқа муддатли депосит сертификатлари ва АҚШ ҳукумат қимматли қоғозларини олишади. Кейин улар ўзаро молиялаштирилган пул бозори аксиадорларига фоизлар таклиф этиши мумкин. М2 даги ўзаро молиялаштирилган пул бозорлари ўз ичига фақат шахслар хисобларини олади тадбиркорлик ва бошқа ташкилотларни олмайди.

Пулга яқин воситаларнинг уч категорияларининг бари мустахкам ликвидликка эга. Бунинг тенглама кўриниши.

Мл + омонат ҳисоблари + пул бозоридаги депосит ҳисоблари Пуллар, М2 = + кичик (100 000$ дан кам) муддатли омонатлар + пул бозоридаги ўзаро фондлар ҳисоби.

Хулоса ўрнида М2 ўз ичига М1ни ташкил этувчи тўғридан тўғри айрибошлаш воситалари (пул бирликлари, чек депозитлари) ва бунга осонгина пул бирликлари ёки чек депозитларига айлантирилиши мумкин бўлган пулга яқин воситаларни олади.[164]

Пул муомаласини аниқлашнинг хозирги замон ёндашуви «Фишернинг айрибошлаш тенгламасига» асосланади, яъни

$$P*Q=M*V$$

Қ -айрибошланадиган товарлар миқдори

П -товарлар нархи

М-муомала учун зарур бўлган пул миқдори

В -пулнинг айланиш тезлиги

Нол Муддатдаги Пул Терминининг Моҳияти

Пулга яқин воситалар категорияларини ўзига олувчи ва олмайдиган молияларнинг турли хил таърифлари мавжуд. Ўсиб бораётган муҳимликка эгаларидан бири бу сент Луис федерал банки томонидан хисоботланган 0 вақт ва устамали молиялар. 0-вақт ва устамали молиялар тоғридан тўғри фойдаланилувчи хўжаликлар ва тадбиркорликлар учун 0 тўловли пул кредит молияларига эътибор қаратади. 0 вақт ва устамали молияларга эга бўлиш учун иқтисодчилар М2 учун икки хил тартибга солишларни амалга оширишади. Улар:

- Кичик муддатли депозитларни чиқариб ташлашади чунки уларнинг омонат муддатлари 6 ой, 1 йил ёки зарурий 0 сақлаш муддатидан сал кўпроқ. Омонат муддатларига боғлиқ пул эчишлар қўшимча молиявий жарима пулини таўлашни талаб этади.
- Тадбиркорлик эгалигидаги ўзаро молиялаштириш пул бозорларини қўшади

Тадбиркорлик ташкилотлари бу ўзаро молиялаштириш пул бозорларига чеклар ёзиб молияларини чек депозитлари орқали қўшимча хақларсиз кўчиришлари мумкин. шахслар ўзаро молиялаштириш пул бозорлари каби тадбиркорлик ўзаро молиялаштириш бозорлари тўғридан тўғри тўловлар амалга ошириш учун тайёр. Тенглама кўринишида,

***М2*** *- кичик (100 000$ дан кам) муддатли Пуллар, МЗМ= омонатлар + бизнесга тегишли бўган пул бозоридаги ўзаро фондлар ҳисоби.*

0 вақт ва устамали молиялар афзаллиги уларда кундалик асосда махсулот хизмат ва манбалар олиш учун фойдаланилувчи пул бирликлари, чек депозитлари, пул бозори депозитлари ва ўзаро молиялаштириш пул бозорларини ўзининг ичига олишидир[165].

[164] Campbell R. McConnell “Economics” Principles, Problems, and Policies 2008 198 p

[165] Campbell R. McConnell “Economics” Principles, Problems, and Policies 2008 200 p




**3.9.4-расм. Пул муомаласи тўғрисидаги назариялар**

**Классик назария**

Муомала учун зарур пул миқдори сотишга чиқариладиган товарларнинг қиймат миқдори ва уларнинг олтин асосига тенг келиши ғоясини илгари суради

**Миқдорийлик назарияси**

Бу назарияга кўра муомаладаги пул миқдорининг ўзгариши товарлар нархининг ўзгаришига олиб келади ва бу ўз навбатида пулнинг сотиб олиш лаёқатини ўзгартиради

**И.Фишер ёндашуви**

Бунда Фишер тенгламаси (Қ·П=М·В) нархлар пул массасига тўғри мутаносибликда, пулнинг қадр-қиймати эса унинг миқдорига тескари мутаносибликда боғлиқ бўлиниши кўрсатади.

**Кембридж мактаби (А.Маршалл, А.Пигу, Д.Робинсон) ёндашуви**

Пулга талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мувозанатлик шартларини характерлайди яъни М=К·Р·Й, бу эрда

М-пул массаси

К-маршалл коеффитсиенти (номинал даромадларнинг накд пул шаклида сақланаётган қисми)

Р-нархларнинг умумий даражаси

Й-жамиятнинг реал даромади

Р·Й-номинал даромад.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти меъёрида фаолият қилиши, унинг ўсиш суръати, нарх даражаси ва бандликни барқарор ушлаб туриш учун муайян миқдорда пул массаси талаб қилинади.

### 3.9.2. Пул бозори. Пулга бўлган талаб ва пул таклифи

**Пул бозори** -молиявий бозорнинг таркибий қисми бўлиб, унда пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлар ҳаракати уларга бўлган талаб ва таклиф таъсирида уйғунлаштирилади.




**3.9.5-расм.Пул бозори турлари**

Миллий иқтисодиётда давлатнинг, тижорат банклари ва бошқа молиявий муассасаларнинг мажбуриятлари пул сифатида фойдаланади. Пул операцияларининг асосий кўпчилик қисми накд пулсиз, чеклар ва унга тенглаштирилган молиявий активлар ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли муомалада бўлган пул миқдорини ҳисоблаш учун $M_1$ ...$M_н$ пул агрегатлари ёки таркибий қисми тушунчасидан фойдаланилади.

Бизнинг республикамизда умумий пул миқдори қуйидаги (таркиб)лар асосида ҳисобланади:

$M_o$ - нақд пуллар;

$M_1$=$M_o$+ тегишли ҳисоб варақаларидаги пул қолдиқлари, маҳаллий бюджетлар маблағлари, бюджет, жамоа ва бошқа ташкилот маблағлари;

$M_2$ = $M_1$ + банкларидаги муддатли омонат(жамғарма)лар;

$M_3$ = $M_2$ + чиқарилаётган сертификатлар + аниқ мақсадли заём облигатсиялари + давлат заём облигатсиялари + хазина мажбуриятлари.

Барча пул агрегатлари йиғиндиси ялпи пул массаси ёки ялпи пул таклифини ташкил қилади.

**Пул Таклифи Асосида Нима Ётади?**

АҚШда пул таклифи кафолатланиши аслида ҳукуматнинг пул қийматларини нисбатан барқарор қилиб ушлаб туришидир. Ва бошқа ҳеч нарса!

Пул Қарз Мажбурияти Сифатида

Пул таъминотининг асосий қисмлари қоғоз пуллар ва чек депозитлари бўлиб улар тўлашни вада қилиш ёки қарз. АҚШда пул бу федерал заҳира банкларининг айланиб юрган қарзи. Чек депозитлари эса тижорат банклари ва омонат ташкилотларининг қарзлари.

Қоғоз пул бирликлари ва чек депозитлари ўзлари қийматга эга эмас. 5 $ долларлик пул бу оддий расмли қоғоз бўлаги. Чек депозити эса оддийгина хисоб китоб юритиш қоғози. Ва тангалар билганингиздек ёзилган қийматидан камроқ қийматга эга. Ҳукумат қўлингиздаги қоғоз пулларни олтин каби бошқа моддий нарсалар билан қопламайди. Аслида ҳукумат давлат пул таъминотини бошқаришни танлаган. Унинг пул кредит бошқарувчилари тўлиқ бандлик, нархлар даражаси ва иқтисодий ўсишга ёрдам берувчи тадбиркорлик фаолиятларига керакли аниқ қийматлар билан таъминлашни амалга оширишади.

Деярли барча бугунги кун иқтисодчилари пул таъминотини бошқариш уни олтин ёки бошқа бошқа махсулотга боғлашга нисбатан тўғрилиги билан рози чунки унинг таъминоти бехосдан ёки атайин ўзгартирилиши мумкин. янги олтин конларининг топилиши билан боғлиқ давлат олтин заҳираларининг ошиши пул

таъминотининг жуда тез ўсишига ва тез инфлятсияни келтириб чиқариши мумкин. ёки тилла саноатидаги пасайиш пул таъминотининг пасайиш ва ишсизлик вақтидаги даражаларига олиб келиши мумкин.

Қисқа қилиб айтганда одамлар қоғоз пулларни олтин ёки бошқа қимматбаҳо махсулотга айлантира олмайдилар. Пул фақат қоғоз пул билан алмаштирилади. Агар сиз ҳукуматдан сизнинг беш долларингизни қоплашни сўрасангиз унда ҳукумат сизга ўрнига бошқа рақамли бошқа беш долларликни беради. Сиз олишингиз мумкин бўлган нарса шу. Шундай қилиб чек депосит олтин билан эмас фақат қоғоз пул билан қопланиши мумкин ва у кўрганингиздек ҳукумат томонидан бошқа қийматга нарсалар билан таъминланмаган.[166]

Пул массаси – бу нақд ва нақдсиз шаклда мавжуд бўлган, белгиланган вазифаларни бажарувчи барча пул воситалари йиғиндисидир. Ялпи пул таклифи иқтисодиётдаги мавжуд барча пуллар миқдори билан аниқланади.

Пул таклифи пул мултипликатори ёрдамида ҳисобланади.

Пул мултипликатори – бу тижорат банклар тизими муомаладаги пул массасини кўпайтириш учун фойдаланиш мумкин бўлган ортиқча эҳтиётлар бир қисми ва янги қарз (ёки қимматли қоғозларни сотиб олиш) тақдим қилиш йўли билан берилган муддатсиз қўйилмалар суммасидир. У бир сони (1) нинг эҳтиётлар, мажбурий нормасига бўлинган миқдорига тенг. Мазкур кўрсаткич пул асоси ўзгарган ҳолда пул массаси ҳажми қанчага ўзгаришини кўрсатади.

м= Д=Е·м, э=А-Р; бунда,

м – пул мултипликатори;

Д – пулнинг жорий ҳисобда энг юқори даражада кўпайиши;

Р – эҳтиётлар нормаси;

Е – ортиқча эҳтиётлар.

Пул таркибий қисмлари нуқтаи – назаридан нақд пуллар – металл ва қоғоз пуллардан иборат бўлади. Нақд пуллар бозор иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатларда умумий пул массасининг 5-7 фоизни, бозор иқтисодиётига ўтаётган мустақил ҳамдўстлик давлатларида 30–35% ни ташкил қилган.

Монетаристик ёндашувга кўра Фишер тенгламасида трансаксион деб номланадиган пулга талаб ҳисобга олинади. Бу талаб пулнинг муомала воситаси вазифасидан келиб чиқади. Пулга трансаксион талаб – товар ва хизматларни сотиб олишга хизмат қилиши сабабли, у битимлар учун пулга талаб ҳам дейилади.

Шундай экан, пулга талаб – бу битимлар учун ($П_т$) ва активлар томонидан пулга талаб ($П_а$) ни ўз ичига олади.

Аҳоли ўзларининг ҳисобларига навбатдаги пул оқими келиб тушгунча, кундалик эҳтиёжлари учун қўлларида этарлича пулга эга бўлиши зарур. Корхоналарга иш хақи тўлаш, материал, ёқилғи сотиб олиш ва шу кабилар учун пул керак бўлади. Шу барча мақсадлар учун зарур бўлган пул битим учун пулга талаб дейилади. Битим учун зарур бўлган пул миқдори номинал ЯИМ (ЯММ) ҳажми билан аниқланади, яъни у номинал ЯИМ (ЯММ)га мутаносиб равишда ўзгаради. Аҳоли ва корхоналарга икки ҳолда битим учун кўпроқ пул талаб қилинади: нархлар ўсганда ва ишлаб чиқариш ҳажми кўпайганда.

Нега пул бирликлари ва чек депоситлари пил шу билан бирга Монополиа (ўйин) пули пул мас? 20 долларлик пул ёки 100 долларлик чек хисобига нима қиймат беради? Бу саволнинг жавоби уч қисмдан иборат.

**М а қ б у л л и г и** Пул бирликлари ва чек депозитлари одамлар томонидан пул деб қабул қилингани учун пул. Узоқ муддатли тадбиркорлик

[166] Campbell R. McConnell “Economics” Principles, Problems, and Policies 2008 203 p

тажрибасига асосан пул ва чек депозитлари пулнинг асосий вазифасини бажаришади: улар айрибошлаш воситаси сифатида қабул қилинади. Биз қоғоз пулларни ишлатиш орқали реал махсулотлар, хизматлар ва манбаларга эга бўлишимизни билганимиз учун уларни айрибошлаш воситаси сифатида қабул қиламиз.

**Қонуний Тўлов Воситаси** Бизнинг қоғоз пулнинг муқобиллигига бўлган ишончимиз ҳукумат уни қонуний тўлов воситаси қилгани учун ошган. Хусусан хар бир қоғоз пулда буб у банкнота барча давлат ва хусусий қарзлар учун қонуний тўлов воситаси деб белгиланган. Бу дегани пул қарз тўловларида мос қонуний тўлов воситаси хисобланади. (лекин хусусий фирмалар ва ҳукумат нахд пул қабул қилиш жавобгарлигига эга эмас. Уларнинг чек, банк чеклари, пул ўтказишлар, ёки кредит карталар орқали тўловлар қабул қилишлари ноқонуний эмас.)

Лекин қоғоз пулларининг умумий қабул қилиниши ҳукуматнинг пул қонуний тўлов воситаси эканлиги тўғрисидаги қароридан муҳимроқ. Ҳукумат чекларни ҳеч қачон қонуний тўлов воситаси деб қарор қабул қилимWr$ н$^х$л$^и$ек$^п$4$^л$ вЮНТк^$^{15}$ пгина махсулотлар, хизматлар ва манбалар иқтисодий айрибошланишида шундай маънода қўлланилиб келаяпди. Лекин ҳукумат тузилмалари, федерал депосит суғурта корхоналари ва миллий кредит бирлашмалари бошқарувлари 1 00 000$ гача тижорат ва омонат депозитларини суғурталайди. Бу хақиқат бизнинг чек депозитларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланишга бўлган хохишимизни оширади.

**Нисбий Чеклангнанлик** Пулнинг қиймати бошқа хар қандай нарсанинг қиймати каби унинг таъминоти ва унга бўлган талабга боғлиқ. Пул ўзининг қийматини фойдаликлигига нисбатан чекланишдан олади (еҳтиёжни қоплаш кучи). Пулнинг фойдаликлиги унинг махсулотлар, ва хизматларга хозир ёки кейин айрибош имкониятидадир. Иқтисоднинг пулга бўлган талаби турли даврлардаги айрибошлашлардаги умумий доллар қиймати қўшув тадбиркорлик ташкилотлари ва шахслар томонидан келаси айрибошлашлар учун сақланиши хохланаётган пул миқдорларига боғлиқ. Пулга бўлган давомий талаб орқали пул таъминоти тўлов бирлигининг ички қиймати ёки сотиб олиш имконияти аниқлайди (доллар, эн, песо ёки бошқалар).[167]

Активлар томонидан пулга талаб фоиз ставкасига тескари мутаносибликда ўзгаради. Фоиз ставкаси паст бўлса, кишилар кўпроқ миқдордаги нақд пулга эгалик қилишни афзал кўради. Аксинча, фоиз юқори бўлганда пулни ушлаб туриш фойдасиз ва активлар шаклидаги пул миқдори кўпаяди. Шундай қилиб, пулга бўлган умумий талаб, активлар томонидан пулга бўлган талаб ва битим учун пулга бўлган талабнинг миқдори билан аниқланади.




**3.9.6-расм.Пулга бўлган талаб**

[167] Campbell R. McConnell “Economics” Principles, Problems, and Policies 2008 205 p

Пт Па Пҳ

**а) Битим учун пулга талаб б) Инвеститсиялар учун пулга талаб в) Пулга бўлган умумий талаб**

Кейнс назариясида пулга бўлган талабни иқтисодиёт субъектлари ўз бойлигининг бир қисмини ликвидли пул активлари шаклида сақлашига мойиллигидан келиб чиқиб аниқлашга ҳаракат қилинади.

Бунда пулни ликвидли шаклда сақлашнинг трансаксион (тўлов воситаси сифатида фойдаланиш), эҳтиёткорлик (кўзда тутилмаган ҳаражатлар бўлишини ҳисобга олиш) ва олиб – сотарлик (молиявий активларнинг келгусидаги бозор қиймати ноаниқлиги ва йўқотишдан қочиш хохиши) мотиви асосида унга бўлган талабни аниқлашга ҳаракат қилинади.

Кейнс пулга бўлган талаб номинал даромад ва ссуда фоизи нормасига боғлиқ деб ҳисоблайди: номинал даромад пулга бўлган талабга тўғри мутаносибликда, ссуда фоизи нормаси эса тескари мутаносибликда таъсир кўрсатади.

Кейнс фикрича, муомаладаги пул миқдорининг кўпайиши бошқа шароитлар ўзгармай қолганда фоиз ставкаси даражаси пасайишини келтириб чиқаради. Бу тадбиркорлар учун кредитлар арзонлашганини билдиради, инвеститсиялар ўсиши рўй беради ва натижада ЯИМ ўсиши кузатилади.

ЯИМнинг ўсиши пулга бўлган талабни кенгайтиради ва фоизнинг мувозанатли ставкасини оширади. Монетаристлар қарашича айнан пул муомаласи ишлаб чиқариш, бандлик ва нарх даражасини белгилаб беради.

### 3.9.3. Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва манбалари

Кредит пулни маълум шартларга амал қилган холда қарзга бериш ва уни мақсадли ишлатишни билдиради. Кредит муносабатлари жуда қадим замонларда вужудга келган. Дастлаб натура шаклида (ғалла, чорва ва бошқалар) мулкдорлар томонидан қарзга бериш удум бўла бошлаган. Қарзга пул беришнинг дастлабки шакли судхўрлик бўлиб, у ниҳоятда юқори даражада фоиз билан қайтарилиши билан кредитдан фарқ қилган. Қадимги Гретсияда эрамизгача (ИВ-асрда) ойига 42%, йилига 570% гача фоиз тўлангани тарихий манбаларда қайд этилган. Бундан ташқари судхўр қарз олувчидан қўшимча имкониятлар яратилишини ҳам талаб қилган.

Судхўрлик қарзи ортиб борганда бир томондан майда ишлаб чиқарувчиларни хонавайрон қилган, иккинчи томондан капиталнинг дастлабки жамғариш учун зарур маблағларнинг шаклланишга ёрдам берган. Индустриал ишлаб чиқариш ва соф капитализмнинг вужудга келиши билан кредитсиз ишлаб чиқариш фаолиятини ютириш қийинлашиб қолди.

Бунда капитал бир хўжаликда пул шаклида, иккинчисида товар шаклида тўпланиб, турли соҳаларда уларнинг ҳаракати бир-бирига тўғри келмайди. Капитал ҳаракатнинг алоҳидалашгани туфайли бир хўжаликда пул этишмаса, иккинчисида бўш пул маблағлари мавжуд бўлади. Натижада маблағи йўқлар, бўш пул маблағга эга бўлганлардан қарз олишга мажбур бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида жамият тараққий этиши билан кредит муносабатлари ривожланиб, унинг янги-янги имкониятлар вужудга кела боради. Ҳозирги иқтисодиётни кредит муносабатларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

**Кредит** иқтисодий категория сифатида вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларнинг маълум муддатга хақ тўлаш шарти билан қарзга берилиши ва уни қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатларни ифодалайди.

Кредит муносабатлари икки субект ўртасида юз беради. Бири бўш пул эгаси, иккинчиси унга мухтож, яъни қарз олувчилардир.

Кредит субектлари юридик ҳамда жисмоний шахслар, банклар, корхона, давлат ва турли тоифа аҳоли қатлами бўлиши мумкин. Бир субектнинг ўзи бир вақтда ҳам қарз олувчи, ҳам қарз берувчи сифатида чиқиши мумкин. Кредит алоқалари пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида бевосита ёки билвосита тартибда амалга оширилади. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри, иккинчи ҳолда воситачилар орқали боғланади. Одатда, асосий воситачи ролини банклар ўйнайди. Кредит иқтисодий категория сифатида қатор вазифаларни бажаради.

- Тақсимлаш вазифаси орқали бўш пул маблағларини қарзга бериш орқали капиталнинг турли тармоқлар, корхоналар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш амалга оширилади ва иқтисодий ресурсларнинг кўчиб юриши таъминланади.
- Жорий қилиш. Кредит асосида ва унга боғлиқ ҳолда пул бегилари ва унга тенглаштирилган нақд пулсиз тўлов воиталари, турли қимматбаҳо қоғозлар эмиссия қилинади, хўжалик айланмасига киритилади.
- Назорат қилиш. Кредит операциясиларини бажариш жараёнида иқтисодий фаолият, молиявий аҳвол назорат қилинади. Давлат кредит муносабатлари орқали пул айланмаси барча жараёнларини бошқаришни амалга оширади.
- Рағбатлантириш. У ёки бу мақсад учун қарз бериш, қарзни ундириш орқали тежамкорлик, иқисодий ўсиш рағбатлантирилади.
- Ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш. Бунда бўш пул маблағларини ҳаракатдаги капиталга айлантирилиб товар ишлаб чиқариш вақти қисқартирилади.

**Банклар Банки** Федерал заҳира банклари банкирларнинг банкларидир. Улар банк ва омонат ташкилотлари халқга кўрсатган хизматларини шу ташкилотларга кўрсатишади. Банклар ва омонат ташкилотлари одамларнинг депозитларни қабул қилиш ва кредит бериш хизматларини амалга оширганидек марказий банклар банк ва омонат ташкилотларига кредит беради ва депозитларини қабул қилади. Одатда бу кредитларнинг ўртача хисоби кунига 150 000 000$ гача. Лекин фавқулотда холатларда федерал заҳира банклари охирги бооріш

Жойи бўлганда улар банк ёки омонат ташкилотлари халқ олдидаги мажбуриятларини бажара олиши учун керак бўлган миқдорни беришлари мумкин. 2001 йил 11 сентябрда террористлар АҚШга хужумидан эртаси куни федерал заҳира АҚШ банклари ва омонат ташкилотларига 45 миллиард $ берди. ФРТ ню ёркдаги ва Вашингтондаги вайронагарчилик ва бузулишлар бутун давлат бўйлаб банклар кризисини келтириб чиқармаслигига амин бўлмоқчи эди. Лекин федрал заҳира *банклари* банк ва омонат ташкилотлари бажармайдиган учинчи вазифага эга: улар пул чиқаради. Конгрес федерал заҳира банкларига иқтисодиётнинг қоғоз пул таъминотини ташкил қилувчи федерал заҳира пул бирликларини муомилага киритишга рухсат берган. (Асосий савол 8)

Очиқ Бозордаги Операциялар Бўйича Қўмита

Федерал очиқ бозор қўмитаси бошқарувчилар кенгашига пул кредит сиёсатини олиб боришда ёрдам беради. ФОБҚ 12 аъзодан иборат:

Бошқарувчилар кенгашининг 7 аъзоси.

Ню Ёрк федерал заҳира банкининг президенти

1 йил ратацсия асосида қолган тўрт федерал заҳира банклари президентлари

ФОБҚ мунтазам равишда очиқ бозорда ҳукумат қимматли қоғозларини сотиш ва сотиб олиш мақсадида йиғилади унда қимматли қоғозлар хар куни сотилади ва сотиб олинади. Биз 14 бўлимда аниқ равишда очиқ бозор деб номланган жараёнларнинг мақсади давлат пул таъминотини назорат қилиш ва фоиз

ставкаларига таъсир қилиш эканлигини кўрамиз. Ню ёркдаги федерал заҳира банки кўпчилик очиқ бозор ФРТ жараёнларини амалга оширади.

Тижорат Банклари ва Жамғарма Муассасалари

7600 га яқин тижорат банклари мавжуд. Шуларнинг тахминан тўртдан уч қисми штат банклари. Улар хусусий банк бўлиб шатат ичида ишлаш учун штат томонидан ҳуқуқ берилган. Тўртдан бир қисми федерал ҳукумат томонидан давлат бўйлаб ишлаш ҳуқуқи берилган хусусий банклар; улар миллий банклар.

АҚШ миллий банкалрининг базилари жуда катта, дунёнинг энг катта молиявий ташкилотлари рўйҳатида ўрин олган. (12.1 глобал кўриб чиқишга қаранг).

11400 та омонат ташкилотлари аксарияти кредит бирлашмалари бўлиб улар бошқарувчилар кенгаши ва федерал заҳира банкларидан бошқа алоҳида ташкилотлар томонидан бошқарилади. Масалан омонат ва кредит бирлашмаларининг ишлари омонат ташкилотлари назоратининг ғазначилик бўлими томонидан назорат қилинади ва тартибга солинади. Лекин омонат ташкилотлари федерал заҳира тизимининг пул кредит назорати предмети. Банклар каби омонат ташкилотлари ўзларининг чек депозитларининг аниқ фоизини заҳирада сақлаши лозим. 12.2 расмда биз омонат ташкилотларнинг қисман бошқарувчилар кенгаши ва марказий банклар назоратидалигини билдириш учун пунктир чизиқлардан фойдаланганмиз. Пул кредит сиёсатига оид қарорлар тижорат банклари каби омонат ташкилотларига ҳам таъсир ўтказади.[168]

**Кредит маблағлари манбаи сифатида қуйидагилар чиқади:**

**Биринчидан,** корхоналарнинг вақтинча бўш турган пул маблағлари. Бу маблағлар капиталнинг доиравий айланиши билан боғлиқ бўлиб, маълум муддат унинг бир қисми бўш туради. Жумладан амортизатсия ажратмалари, асосий капитални янгилаш вақти келгунча бўш бўлиб, банкдаги ҳисоб рақамларида жамланиб боради. “жадаллаштирилган” амортизатсия сиёсати туфайли бу маблағлар ўсиб бориш тамойилига эга бўлади. Маҳсулот сотишдан келадиган пул тушумлари ҳам хом-ашё, материаллар сотиб олиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш вақти келгунча бўш туради. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари ҳам жамланиб бориб, белгиланган мақсад бўйича ишлатилгунча бўш туради. Корхоналар фойдаси давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб-китоб қилингунча, банкдаги хисобларида сақланади.

**Иккинчидан,** молия – кредит муассасаларининг пул маблағлари. Уларнинг даромадлари билан харажатлари ўртасидаги фарқ бўш пул маблағларини ташкил этади. Тижорат банклари ва молия-кредит муассасаларининг пул заҳираралари ҳам ссуда фонди манбаи ҳисобланади.

**Учинчидан,** давлат ихитёридаги заҳира пул маблағлари. Марказий ва маҳаллий бошқарув бўғинларининг харажатлари билан солиқ тушумлари ўртасидаги фарқ тарзида бўш пуллар мавжуд бўлади. Бюджет тизими маблағлари ҳаракати натижасида ҳам маълум миқдорда бўш пуллар ҳосил бўлади.

**Тўртинчидан,** турли махсус (пенсия, суғурта, хайрия) ва ижтимоий фондларнинг маблағлари. Бу фондларда пулларни ҳосил бўлиши ва ишлатилиши хар хил вақтда юз беради. Бу маълум миқдорда пул маблағларининг бўш қолиб, қарз фондига айланиши учун имкон беради.

**Бешинчидан,** аҳоли пул даромадлари ва жамғармалари. Аҳолининг истемолчи сифатида қимматбаҳо товарлар олиш, уй қуриш ва маросимлар ўтказиш

---

[168] Campbell R. McConnell “Economics” Principles, Problems, and Policies 2008 206 p

мақсадидаги пуллари ишлатилгунга қадар бўш туради.

**Олтинчидан,** тадбиркорлар қўлидаги бўш пул маблағлари.

Булардан ташқари: давлат бюджетидан узоқ муддатли қарз бериш учун махсус маблағ ажратилади. МАРКАЗИЙ БАНК ҳам қўшимча эмиссия туфайли молия-кредит муассасаларига кредитлар бериши мумкин.

Маълум вақт мобайнида бўш пуллар унинг эгаларига хеч қандай даромад келтирмайдилар, шунинг учун кам миқдордаги фоиз билан ҳам қарз бериш фойдали бўлиб қолади. Натижада ана шу бўш пуллар ссуда капиталига айлантирилади. Бунда банклар юқори фоиз билан мухтож бўлган тадбиркорлар ва бошқа субъектларга ўз мақсадларини амалга ошириш учун қарз беради. Ҳозирги шароитда хўжаликни молиялаштиришда қарз маблағлари улуши ошиб бориши тамойили кузатилади. Уларнинг улуши айниқса капитал қуйилмалар ҳажмида ортиб бормоқда. Бундай тамойил Япония, Италия, Франсияда яққол кўзга ташланди. Масалан: Япония фирмалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланган маблағларнинг 4/5 қисми четдан жалб қилинган, яъни қарз олинган маблағлар ташкил қилади.

### 3.9.4. Кредит тамойиллари ва турлари.

Кредитнинг тарихий ривожланиш жараёнидаги шакллари бу товар (тижорат) ва пул кредитларидир. Товар кредити – бу корхоналар, тадбиркорлар ва бошқа хўжалик субектларининг бир-бирига товар шаклида берадиган кредитдир. Бунда товар қарзга берилади. Кўпинча бундай кредит вексел (қарз мажбуриятномаси) билан ҳужжатлаштирилади. Кредитнинг мазкур шакли чекланган тарзда қўлланилади. Уни кенг қўлланишга қуйидагилар тўсқинлик қилади: а) қарз берувчининг резерв маблағи, заҳира фонди чекланганлиги; б) товар шаклидаги кредитни ишлатишнинг чекланганлиги. Масалан, корхона тўлдирувчи материал ёки хом-ашё қарз олган бўлса, уни фақат ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиши мумкин, ундан иш хақи тарзида фойдалана олмайди;

Пул кредити нафақат товар муомаласига балки капитал жамғарилишга ҳам хизмат қилади. Пул шаклидаги кредит битимлар ҳажми, муддати, йўналиши бўйича чекланмаганлиги жиҳатидан тижорат кредитидан фарқ қилиши, уни кредитнинг асосий ва устун шаклига айлантиради.

Кредит турларини ажратишга ҳар хил мезонлар асос қилиб олинади.

Қарз берувчи ва олувчининг асосий тоифаларига кўра: хўжаликлараро, аҳоли ва давлат кредитлари фарқланади.

**Давлат кредити:** Давлат бир томондан қарз олувчи, иккинчи томондан қарз берувчи сифатида майдонга чиқиши натижасида давлат кредити пайдо бўлади. Давлат аҳолидан, фирма, корхоналар, ташкилотлар, банклардан қарз олганда қарзни узиш ва фоиз тўлашни кафолатлайди. Қарз ва унинг фоизи бюджет маблағи хисобидан қопланади. Давлат қарзни энг аввало бюджет тақчиллигини қоплаш учун олади. Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари ҳисобидан банкда қарз фондини ташкил этади, хазинадан қарз беради. Хазина қарзи давлат бюджетидан, корхона ва фирма, ташкилотларга уларнинг молиявий соғломлаштириш учун сарфланади.

Бу қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Фоиз ғоят имтиёзли бўлиб, кўпинча даромад олишни кўзламайди. Айрим ҳолларда Давлат бундан қарзидан воз кечиши ҳам мумкин.

**Хўжаликлараро пул кредити** хўжалик юритувчи субъектларнинг бир-бирига берадиган кредит. Бундай ҳолда кредит корхона, ташкилотлар томонидан

аксия, облигатсия, кредит карточкалари ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар чиқариш орқали берилади. Бу оператсиялар корхоналарнинг марказлаштирилмаган молиялаштириш ва кредитлаш тизими деган ном олган.

Кўзланган мақсадга кўра: истемол, ипотека ва хақаро кредитлар ажратилади.

**Истемол кредити.** Истемол кредити аҳоли эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бўлиб, у товар ёки пул шаклида берилиши мумкин. Бу кредит энг аввало узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларини сотиб олиш учун берилади ҳамда унга белгиланадиган фоиз бир мунча юқори бўлади. Ҳозирги пайтда имтиёзли кредитлар ҳам ўз ўрнига эга Жумладан, талабаларга ўқиш хақини тўлашлари учун махсус таълим кредитлари берилади. Бундай қарзни талаба ўқишни тугатиб пул топгач узади. Ҳозирги пайтда, уй-жой қуриш, олий ўқув юртларида ўқиш учун имтиёзли кредит бериш кенг қўлланилоқда.

**Ипотека кредити:** кўчмас мулк (ер, бино, уй-жой кабилар)ни гаровга қўйиб олинадиган кредит. Одатда ипотека кредитидан асосан қишлоқ хўжалигида асосий фондларни янгилаш учун йирик қўйилмаларни қоплаш мақсадида фойдаланилади.

**Халқаро кредит** - бу ссуда капиталининг халқаро миқёсидаги харакатидир. Халқаро кредит товар ёки пул (валюта) шаклида берилади. Қарз берувчи ва қарз олувчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат органлари, хукуматлар, йирик корпаратсиялар, халқаро ва регионал ташкилотлар бўлиб, уларнинг кредит бериш шартлари бир-бириникидан жиддий фарқ қилиши мумкин.

- Берилиш вақтига кўра: қисқа (1 йилгача), ўрта (5 йилгача) ва узоқ (5 йилдан ортиқ) муддатли кредитлар ажратилади.
- Ишлатилиш соҳасига кўра, кредит икки турга бўлинади: айланма капиталини ташкил этиш, ҳамда асосий капитални сотиб олиш учун фойдаланиладиган кредитлар.
- Кредитни қайтарилиши таъминланганлигига кўра: таъминланмаган ёки бланкали (овердрафт, контокоррент) ва таъминланган кредит фарқланади;
- Бериш усулига кўра: компенсатсион яъни ўз маблағларини тўлдириш учун ҳисоб варақасига ўтказиладиган ва тўлов тўғридан-тўғри амалга ошириладиган кредитлар ажратилади;
- Қайтарилишига кўра: тўлаш муддати узайтирилган, бўлиб тўланадиган, ҳамда бирданига тўла қайтариладиган кредитларга бўлинади. Қарз ҳажми ва муддатининг чекланиши даражасига кўра лимитланган ва лимитланмаган кредитлар фарқланади.

Кредит қайси шаклда берилишидан қатъий назар, унинг асосий тамойилларига риоя қилиниши керак. Булар қуйидагилар:

1. Қайтарилишлиги. Бу фақат кредитнинг тамойили бўлмасдан, балки унинг хусусияти, моҳиятини ифодалайди. Унинг пул беришнинг бошқа шакллари субсидия, дотатсия кабилардан фарқи ҳам шунда, қайтарилиш тартиби бўлмаса кредит муносабатлари ҳам амал қилмайди.

2. Муддатлилиги. Кредит беришнинг бу тамойили аввалгиси билан чаМарказий банкарчас боғлиқ бўлиб, кредит шартномаси тузилаётган пайтда қайтариш шарти билан бирга муддати ҳам кўрсатилади. Қарз маблағларидан фойдаланганлиги учун тўланадиган ҳақ ҳам унинг муддатига боғлиқ.

3. Тўловлилиги. Қарз олиб, ишлатилган маблағ учун маълум миқдорда фоиз тўланади. Фоиз ставкаси шаклланишига энг аввало, талаб ва таклиф, Марказий банк хисоб ставкаси, банклараро кредит бозоридаги фоиз ва депозитлар ставкаси таъсир этади. Депозитлар бўйича ставка қанча юқори бўлса, кредит учун фоиз ҳам шунча юқори бўлади.

4. Моддий жихатдан таъминланганлиги. Бу тамойил қарз олувчининг олинган

маблағни қайтаришига реал имконияти борлигини ифодалайди. Агар кредит бериш учун реал товар моддий бойликлар захираси ҳисобига олинса, шунинг ўзи кредитнинг таъминланганини билдиради. Агар кредит мавсумий харажатларни қоплаш учун берилса, бу харажатлар реал моддий бойликлар қийматига кириши кўзда тутилади.

Кредит беришда гаров олиш алоҳида ўрин тутади. Кафолатли шартнома асосида кредит жисмоний шахслар, деҳқон хўжаликлари, фермерлар, ижарачиларга берилиши мумкин. Бундай шартномага кўра кафолатчи қарзни қайтаришига кафил бўлади. Қарз шартномаси суғурта компаниялари жавобгарлиги асосида ҳам тузилиши мумкин.

5. Мақсадлилиги. Кредит қатъий равишда аниқ мақсад учун берилади. Банк кредит беришда қарз олаётган субъект уни нима мақсадда олаётгани, ундан қандай фойда олиши мумкинлигини таҳлил қилади.

6. Кредит беришга табақалашган холда ёндашиш. Бу тамойил турли қарз олувчиларга индивидуал тарзда ёндашишни ифодалайди. Банк қарз бериб, қайтариб олмаслик хатарини хисоблаб чиқиб, ҳар томонлама таҳлил этиб мазкур масалани ҳал этади.

### 3.9.5. Кредит ва банк тизими.

Кредит тизими банк ва бошқа кредит муассасаларнинг ташкилий ҳуқуқий шаклини ифодалайди. Кредит тизимининг асосий вазифаси бўш пул маблағларини тўплаб ссуда капиталига айлантиришдир. Ундан ташқари омонатлар қабул қилиш ва улар бўйича турли ҳисоблар очиш, аксия ва облигатсиялар чиқариш, моддий бойликларни сақлаш, тўлов оператсияларида воситачилик қилиш вазифаларни бажаради.

Кредит - банк тизими турли мамлакатларда умумий томонларга, шу билан бирга ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Кредит тизими кредитлаш меҳанизмига таянади.

Кредит механизми ўз ичига кредитлаш шаклларини, шароитларини, усулларини, уни бошқариш тизимини олади. Кредит мехнизми ёрдамида банк тизимининг кредит сиёсати амалга оширилади. Кредит механизмининг муҳим таркибларидан бири кредит шартномаси бўлиб, у кредит муносабатларини амалга оширишнинг хуқуқий асослари ҳисобланади. Кредит тизими ўз ичига икки бўғин: банк ва махсус молия-кредит муассасалари тизимини олади. Кредит тизимининг хал қилувчи бўғини-бу банк тизимидир.

Пул муносабатларининг ривожланиши банктизимини юзага келтирган. Банк иқтисодий муносабатларининг пулнинг ҳаракати юзасидан келиб чиқадиган алоқаларига хизмат қилувчи муассасадир. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунида унга қуйидагича таъриф берилади. “Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлик, тўлашлик ва муддатлилик шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган муассаса банкдир, банк ҳуқуқий шахсдир”.

Банк сўзи олмонча “дие Банк”-курси сўзидан келиб чиққан. Банклар энг аввало хусусий-тижорат тузилма сифатида бозор инфратузилмасининг таркиби сифатида вужудга келган. Банклар ўзининг ривожланиши жараёнида узоқ давр ва кўп босқичларни босиб ўтган. Дастлабки банклар эрамизгача 2300 йилда қадимги Мессапотамия давлатида савдо шерикчилик кўринишида ташкил этилиб, ссудага пул бериш ва пул кўчириш оператсиялари билан шуғулланган. Лекин ҳақиқий банклар ривожланиши Бобиллар давлати (милоддан аввалги 2000-йилнинг бошларида жанубий Месопатамияда) вужудга келиши билан боғлиқ. Банклар

кейинчалик Африка, Миср, Рим ва Англияда ривожлана бошлаган.

Давлат банклари ХИХ асрга келибгина ташкил топа бошлаган. Франсия давлат банки 1800 йил Напалео И томонидан ташкил этилган, 1816 йил Австрия, 1825 йили Белгия миллий банки кейинчалик Рус давлат банки, Италия миллий банки, вужудга келиб, тижорат банклари билан биргаликда иш юрита бошлаган.

Ўзбекистонда банк тизими Марказий банки ва аксиядорлик-тижорат банклардан иборат икки бўғиндан ташкил топган. Бу тизим таркибан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг муассасалари, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Халқ банки ҳамда аксия, пай асосида, шунингдек чет эл капитали иштирокидаги тижорат банклари, уларнинг ваколатхоналаридан иборатдир.

**Марказий банк** мамлакат пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона кредит сиёсатини амалга оширади.

Марказий банк давлат банки хисобланади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, биринчидан, кўпчилик мамлакатларда давлат банки ягона марказий банкдан иборат бўлиб, у ўтказадиган сиёсат тартиблари юқори давлат органлари томонидан ўрнатилади.

Иккинчидан, Марказий банк у “банклар банки” деб ҳам юритилади, тижорат баклари ва жамғарма муассасаларидан маблағларни қабул қилиб, уларга кредит беради. Хусусан, шу сабабга кўра марказий банк.

Учинчидан, Марказий банк фақат фойда олишга интилиб фаолият қилмайди, давлатнинг ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишга кўмаклашади.

Марказий банк кўплаб вазифаларни бажаради.

Биринчидан, бошқа банк муассасаларининг мажбурий эҳтиётларини сақлайди. Бу эҳтиётлар пул таклифини бошқариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Марказий банк мамлакатнинг расмий олтин олтин-валюта эҳтиётларини сақлаш вазифасини ҳам бажаради.

Иккинчидан, чекларни қайд қилиш механизмини таъминлайди ва банклараро ҳисоб-китобларни амалга оширади, уларга кредитлар беради.

Учинчидан, давлатнинг монетар сиёсатини амалга оширади.

Тўртинчидан, барча банклар фаолиятини уйғунлаштиради ва улар устидан назоратни амалга оширади.

Бешинчидан, хақаро валюта бозорларида миллий валюталарни айирбошлайди.

Олтинчидан, пул таклифи устидан назорат қилиш масъулиятини олади, муомалага миллий валютани чиқаради.

Марказий банк давлат пул-кредити сиёсатини амалга оширади.Бунда у:

а) пул муомаласини тартибга солади;

б) кредит ҳажми, фоиз ставкалари даражасини белгилайди.

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга оширишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади.

- Очиқ бозордаги операциялари;
- Заҳира (ехтиёт) меъёрини ўзгартириш;
- Ҳисоб ставкаларини ўзгартириш.

Уларнинг ҳар бирининг ўзгариши пул массасининг ўзгаришига олиб келади, яъни мазкур усуллар пул таклифи устидан назоратнинг энг мослашувичан қуролидир.

Агар марказий банкга муомаладаги пул массасини кўпайтириши зарур бўлса, у қимматли қоғозлар бозорида давлатнинг қисқа муддатли облигатсияларини сотиб олишни бошлайди. Тижорат банклари активларидаги давлат қимматли қоғозларини ўзлари учун мақбул шароит асосида сотишга тушадилар. Маълум вақт ўтгач облигатсиялар сотищдан олинган пуллар тижорат банкларига чеклар ёки

депозитлар шаклида келиб тушади. Бу маблағлардан бир қисми эҳтиётга қўйилиб, қолганлари банк кредити сифатида фойдаланилади.

Агар Марказий банк инфлсия шароитида пул массасини кўпайтиришнинг олдини олишга харакат қилса, у давлат қарз мажбуриятларини сотишни бошлайди. Тижорат банклари ўзларига фойдали тарзида давлатнинг қисқа муддатли облигатсияларини сотиб олади ва маълум вақт ўтгач тўлов учун тақдим этади.

Марказий банкнинг қимматли қоғозлар бозорига доимо таъсир кўрсатиши туфайли давлат облигатсияларининг тўлов муддатлари ҳар хил бўлишидан қатий назар, тезда пул массасини ўзгартириш мумкин бўлади.

Еҳтиёт нормалари пасайганда банкларнинг суда бериш мумкин бўлган ортиқча маблағлари кўпаяди. Аксинча бу норма юқори бўлса муомаладаги пул таклифи камайишига таъсир кўрсатади.

Ҳисоб ставкаси орқали Марказий банк кредит ресурслари ҳажмига таъсир кўрсатади. Ҳисоб ставкаси камайиши билан тижорат банклари томонидан Марказий банк кредитга талаб ўсади, акс ҳолда талаб камаяди. Ҳисоб ставкасини пасайтириш билан иқтисодий фаоллик кучаяди. Сабаби пул таклифи ўсиб, қарз олиш имконияти ортади. Агарда мамлакатда пул массасини камайтириш зарур бўлса, Марказий банк хисоб ставкасини оширади, натижада кредит қимматлашади, иқтисодий фаоллик сусаяди.

Марказий банк иқтисодий вазиятга қараб "арзон" ёки "қиммат" пул сиёсатини юритади.

Агар иқтисодиётда фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари, ишсизлик мавжуд бўлса, Марказий банк "арзон" пул сиёсатни юритади ва кредит олишни осонлаштиради.

Бунинг учун давлат очиқ бозорда давлат қимматли қоғозларни банклар ва аҳолидан сотиб олади, эҳтиёт нормаси камайтиради ва ҳисоб ставкаси пасайтирилади. Натижада пул таклифи кўпаяди, фоиз ставкаси пасаяди. Бу инвеститсияларнинг ўсиши ва иқтисодий фаолликнинг кучайишига олиб келади.

Агарда мамлакатда инфлясия юз бераётган бўлса, "қиммат" пул сиёсати юритилишига тўғри келади. Бу сиёсат кредитни "қиммат" қилиб, уни олишни қийинлаштиради. Марказий банк пул таклифини қисқартириш учун очиқ бозорда қимматли қоғозларини сотади, эҳтиёт нормасини оширади ва ҳисоб ставкаси кўтаради.

Пул таклифи қисқариши натижасида фоиз ставкаси кўтарилади. Бу ўз навбатида инвеститсияларнинг қисқаришига, инфлясияни чеклашга олиб келади. Шундай қилиб Марказий банк мамлакат банк-молия тизимига бевосита таъсир қилиб, бутун иқтисодиётга ўз таъсирини кўрсатади.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки биринчидан экспорт товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун чет эл валютасида кредитлар беради. Давлат заёмлари ва кредитларидан самарали фойдаланишга қаратилган хизматлар кўрсатади. Иккинчидан, халқаро валюта-кредит бозорлари операциясида иштирок этади. Учинчидан, хукуматлараро битимларнинг тўлов шартларини ишлаб чиқишда қатнашади ва бошқа шу каби вазифаларни бажаради.

Тижорат банклари тизими ривожига икки тамойил хос: бир томондан, универсаллашув, иккинчи томондан, ихтисослашув. Тижорат банклари одатда универсал тавсифга эга бўлиб, ўзларининг хўжалик мавқеига кўра аксионерлик типидаги корпоратсиялар ҳисобланади. Улар Марказий банкдан махсус литсензия олиб, унга мувофиқ қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- Ҳисоб – китоб оператсияларини амалга ошириш;
- Кредит оператсияларини бажариш;

- Қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш;
- Турли хизматлар кўрсатиш;
- Банклараро операциялар ўтказиш;
- Валюта операцияларини бажариш;
- Бизнес юзасидан маслаҳат бериш ва х.к.

**Тижорат банклари** тўла мустақил, лекин улар пул эмиссия қилиш хуқуқига эга эмас. Улар реал жалб қилган ресурслари миқёсидагина кредит бера олади. Ихтисослашган тижорат банклар алоҳида соҳаларда кредит-пул операцияларини амалга оширади. Жумладан, **инвеститсия банклари** иқтисодиётнинг турли тармоқларини энг аввало саноат, савдо, транспортни узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади, қимматли қоғоз чиқаради ва уларни инвесторлар ўртасида жойлаштиради.

**Уй-жой қурилиш банки** аҳолининг уй-жой қурилишини молиялаштириш билан шуғулланади.

**Замин банки** кўчмас мулкни гаровга олиб, узоқ муддатли кредитлар беради.

**Инноватсия банки** илмий техникавий лойхаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган операцияларни кредитлайди. Шунга ўхшаш бошқа махсус банклар ҳам у ёки бу ихтисослашган хизмат турини кўрсатади. Тижорат ва махсус банклар фаолиятини, Марказий банк назорат қилади.

Кредит тизимида махсус молия-кредит муассасалари алоҳида ўзига хос мижозларга хизмат кўрсатади. Кўрсатилган хизмати бир, икки турда бўлиб, кўпинча махсус тавсифга эга бўлади. Махсус молия-кредит институтларига икки томонлама назорат хос. Бир томондан қарз бериш, ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда туфайли Марказий банк талабларига бўйсунади. Айрим пайтларда улар халқаро муассасалар томонидан қабул қилинган норматив хужжатлар асосида иш кўрадилар.

Молия кредит иститутларининг ўзига хос тури почта-жамғарма муассасаларидир. У майда омонатчиларни жалб қилишда катта рол ўйнайди. Бунда мижозларга почта бўлимлари орқали хизмат кўрсатилади. Кейинги пайтларда кўплаб мамлакатларда почта-жамғарма муассасалари орқали кредит-ҳисоб операцияларини амалга ошириш кенгайиб бормоқда.

Махсус молия-кредит муассасалари тизимида лизинг, факторинг фирмалари ҳам ўзига хос ўрин тутади. Одатда лизинг ва факторинг операцияларини тижорат банклари ҳам амалга оширади. Факторинг фирмалари мижозларининг бошқаларга берган қарзларини ундиришни ўз зиммасига олади ва шу қарз устидан уларга универсал молия хизмати кўрсатади. Жумладан, улар бухгалтерия ҳисоботини юритади, корхонани зарур хом ашё ва бошқа ресурслар билан таъминлаш ва харидорлар билан хисоб-китоб хизматларини ҳам амалга оширади. Ахборот, реклама, ҳуқуқий ва бошқа хизматлар кўрсатади. Конфенсиал факторингда эса айрим операциялар жумладан қарзни тўлаш, пул олиш хуқуқлари чегараланган бўлади. Лизинг фирмалари товарларни ижарага бериш билан шуғулланади. Лизинг ибораси "Фор леасе" сўзидан олинган бўлиб "Ижарага олмоқ" деган маънони билдиради. Бунда кўчмас мулк, асбоб ускуна ва бошқа товар эгалари уларга ўз мулк эгалигини сақлаб қолади. Лизингнинг оддий ижарадан фарқи шундаки, бунда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг, уларни қолдиқ киймати асосида сотиб олиш кўзда тутилади. Лизинг компанияларда лизинг операцияларини ўтказиш учун ўз маблағлари этишмайди шу сабабли, кўпчилик лизинг операцияларида жалб қилинган маблағлар кенг қўлланилади. Бунда одатда банкнинг узоқ муддатли ссудаларидан фойдаланилади.

Ломбардлар кўчириб бўладиган мол-мулк эвазига кредит беради. Дастлаб

ломбардлар судхўрлик кредити тарзида юзага келган. Кейинги пайтда улар банкардлар мол-мулкни сақлаш, ҳамда гаровга қўйилиш, белгиланган муддатда қайтариб олинмаган мулкни комиссион воситачилик асосида сотишни ҳам амалга оширади.

Кредит бирлашмалари-хусусий шахслар гурухи ёки майда кредит муассасалари томонидан ташкил этилади. Улар икки турда бўлиши мумкин:

- Жисмоний шахслар гуруҳи томонидан касби ёки худудий жиҳатига қараб, қисқа муддатли истеъмол кредити бериш мақсадида ташкил этилади.
- Мустақил майда кредит муассасалари ихтиёрий тарзда бирлашуви туфайли ташкил этилади. Уларнинг маблағлари пайчилик ёки аъзолик бадаллари ва заёмлар чиқариш билан шаклланади. Мазкур муассасаларнинг асосий оператсиялари омонатларини жалб этиш, заёмлар чиқариш, ўз аъзоларига қарз бериш, векселларни хисоб-китоб қилиш, савдо воситачилиги, комиссион оператсиялар, маслаҳат ва аудиторлик хизматлари кўрсатишдан иборат.

**Ўзаро кредит бериш жамиятлари** ўз характери жиҳатидан тижорат банкларига яқин бўлиб, асосан майда ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатади. Уларнинг аъзоси жисмоний, юридик шахслар бўлиши мумкин. Жамият капитали унга аъзо бўлиб кириш бадалларидан ташкил топади.

**Молия компаниялари** одатда товарлар олди-сотдисига кредит беради. Савдо ва саноат фирмаларига қарзга сотилган товари учун кредит бериш билан шуғулланади. Баъзи компаниялар алоҳида турдаги мақсадлар учун кредит бериш билан ҳам шуғулланади.

**Суғурта компаниялари** асосан суғурта полисларини сотиш билан шуғулланади. Ўз маблағларини саноат компаниялари облига-сиялари, аксиялари ҳамда давлат қимматли қоғозларига қўядилар.

**Пенсия фондлари** энг аввало ўз маблағларини ташкил этиш ва пенсия бериш билан шуғулланади. Ўз маблағларини асосан саноат компаниялари аксияларига қўяди.

**Инвеститсион компаниялар** ўз мажбуриятларини майда мижозлар ўртасида жойлаштириб, турли тармоқлар қимматли қоғозларини сотиб олиш билан шуғулланади.

**Кредит ширкатлари** ўз аъзолари, кооператорлар, ижара корхоналари, кичик ва хусусий бизнес ҳамда жисмоний шахсларга кредит ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилади. Уларнинг капитали пайлари ва кириш бадаллари ҳисобига ташкил топиб, ширкатдан чиққанда қайтарилмайди. Асосий пассив оператсиялари омонатларини жалб этиш ва заёмларини жойлаштиришдир.

Кредит ширкатларининг ўзига хос тури қишлоқ хўжалик кредити жамиятидир. Унинг таъсисчилари Марказий, тижорат, махсус банклар, хукумат, жисмоний, юридик шахслар бўлиши мумкин. Улар фаолиятининг асосий йўналиши қишлоқ хўжалигига кредит бериш ва хисоб-китоб хизматларини кўрсатишдир. Унинг мижозлари деҳқон ва фермер хўжаликлари, ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик кредит жамиятларига солиқ имтиёзлари берилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида махсус молия кредит муассасалари сони тобора ортиб боради. Улар ниҳоятда катта маблағларни жалб этиш билан бирга капиталларни самарали жойлаштиришга ҳам эришиб, умуман иқтисодиётни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади. Масалан АҚШда ана шундай муассасаларнинг активлари тижорат банклари активларидан деярли икки баробар кўпдир. Республикамизда ҳам бундай муассасалар ташкил этишда анчагина муваффақиятлар қўлга киритилди.

### 3.9.6. Пул мултипликатори.

Банк тизими мамлакатдаги пул массасини ўзгартириш лаёқатига эга бўлади. Давлат банкининг эмиссион фаолиятидан қатий назар пул массаси ҳажми тижорат банклари кредитлари ҳисобига кўпаяди. Банклар ссуда берганда пул массаси кўпаяди, аксинча мижозлар олган қарзни камайтирганда пул массаси камаяди.

Бироқ битта алоҳида банк пул массасини кўпайтира олмайди, барча банклар биргаликда бундай имкониятга эга бўлади.

Бу жараённи қуйидагича тушунтириш мумкин. Айтайлик “А”банкнинг активлари 200000 млн сўм бўлсин, банк унинг бир қисмини эхтиёт тарзда Марказий банкда сақлаши лозим. У асосийси мажбурият бўйича тўловга қобилиясизлик хатарини камайтиришга қаратилади. Унинг минимал миқдори Марказий банк томонидан мажбурий эхтиёт нормаси сифатида ўрнатилади ва пул массаси ва шу орқали тартибга солиш вазифасини бажаради.

$$\text{Ехтиёт нормаси} = \frac{\text{Банкнинг мажбурий эхтиётлари}}{\text{Банкнинг муддатсиз омонатлари бўйича мажбуриятлари}}$$

Агар банкнинг мажбуриятлари 200000млн сўм бўлиб, ундан 40000млн сўмини мажбурий эхтиётларни ташкил эса, унинг нормаси 20%ни ташкил этади.

Бу нормани Марказий банк давлатнинг пул-кредит сиёсатидан келиб чиқиб белгилайди. Тижорат банклар зарур эхтиёётлардан ортиқ маблағларини бошқа банкларга қарзга беради.

Агар эхтиёт нормаси 20% деб олсак, “А”банк 40000млн сўмни мажбурий эхтиёт сифатида сақлайди, 160000млн сўмни мижозларга ссудага бериши мумкин. Банк кредит берганда бу суммани мижознинг жорий ҳисобига ўтказади. Ссуда олган тадбиркор ўз навбатида сотиб олган товари учун чекни хизмат кўрсатувчи “Б”банкга ўтказади. Натижада “Б”банкда 160000млн сўм янги пул массаси пайдо бўлди

Мисолни жадвалда ифодаласак у қуйидаги кўринишни олади:

**3.9.1-жадвал.**

| **Банк** | **Тижорат банк мажбуриятлари** | **Мажбурий эхтиётлар** | **Ехтиётдан ортиқ пул** | **Ссудага бериш мумкин бўлган пул** |
|---|---|---|---|---|
| А | 200000 | 40000 | 160000 | 160000 |
| Б | 160000 | 32000 | 128000 | 128000 |
| В | 128000 | 25600 | 102000 | 102000 |
| Г | 102000 | 20480 | 81920 | 81920 |
| Д | 8192 ва ҳоказо | 16384 | 6553 | 65536 |

“Б” банк бу пулнинг 32000млн сўмини эхтиётга ўтказиб, қолган 128000млн сўмини қарзга бериши мумкин. Бу жараён тўхтовсив давом этиб натижада бутун банклар тизими томонидан яратилган пул массаси миқдоран тўхтовсиз ортиб боради.

**3.9.2-жадвал.**

| “Г” банкнинг активи | “Г” банкнинг пассиви |
|---|---|
| Ехтиёт 20480 | Депозитлар 102400 |
| Ссуда 81920 | ------------- |
| Жами 102400 | Жами 102400 |

Банклар томонидан янги пул таклифини яратилиш жараёни маълум бир чегарагача давом этади. Бизнинг мисолда 200000млн сўмнинг юзага келиши бутун банк тизимида депозитларнинг бир неча марта кўпайишига олиб келади.

Бу банк тизими пул таклифи мултипликатори самараси ёки банк мултипликатори кўрсаткичини англатади.

“Мултипликатор” сўзи таржима қилинганда, кўпайтириувчи деган маънони англатади. У қуйидаги формула ёрдамида хисобланади.

$$M = \frac{1}{p} x\ 100\%$$

бу ерда М – пул мултипликатори; р – Марказий банк қўйилиш керак бўлган талаб этилган эхтиёт (захира) нормаси;

Агар, р=20% бўлса, у ҳолда М=1х100/20=5; яъни ҳар бир сўм депозит пул таклифининг 5 сўмга кўпайишига олиб келади. Эхтиёт нормасининг камайиши депозитларнинг ўсишига, унинг ортиши пул массасининг камайишига олиб келади.

Бунинг мисолда эхтиёт нормаси 20% дан 10% га туширилса, мултипликатор 10га тенг бўлади, аксинча 25%га орса мултипликатор 4га тенг бўлади.

Амалий хаётда банк депозитлари кўпайиши-мултипликатор самарасидан анча фарқ қилади. Сабаби банкдан олинган ссуданинг ҳаммаси ҳам банк тизимига қайтиб бормайди. Улардан бир қисми муомалада нақд пул тарзида юриши мумкин. Буларнинг ҳаммаси банкларнинг ссуда бериш имкониятларини камайтиради.

Бунда банк эхтиётларидан ташқари нақд пулга айланган маблағ чиқиб кетади. У пул мултипликаторини ўзгартиради. Агар банк мажбуриятларининг нақд пулга айланган қисмини “с” билан белгиласак, у ҳолда юқоридаги формула қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$м = \frac{1х100}{р+с}$$

Агар нақд пулга айланган миқдор 30% ташкил қилади деб фараз қилсак, у ҳолда пул мултипликатори =1х100:(20+30) =2 га тенг бўлади.

Демак, ҳар бир сўм қўшимча депозитлар олдингига ўхшаб 5 эмас, балки 2 сўм янги кредит пулни хосил қилади.

Пул мултипликаторидан фойдаланиб, умумий пул массаси миқдори кўпайиши ёки камайишини хисоблаб чиқиш мумкин. Бозор иқтисодиётида пул эмиссиясига қараганда эхтиётлар миқдорини ўзгартириш билан пул муомаласини тартибга солиш самарали ҳисобланади.

Марказий банкда эхтиёт тарзида маълум миқдордаги пулни сақлаш мажбуриятлари бўйича тўловга лаёқатсизлик хатарини камайтиради, бироқ бу банклардан мижозларнинг омонатга қўйган пулларини ёппасига олиш учун харакат қилишларининг олдини олмайди. Эхтиётнинг этишмаслиги эса молиявий саросималикни келтириб чиқариши мумкин.

**Молиявий саросималик** – бу мижозлар омонатига қўйган пулларни бир

вақтнинг ўзида олишга уринишлари, банкларда эса талаб қилинган миқдорда пулнинг йўқлиги сабабли уларнинг саросимага тушиб қолишидир. Бу нафақат банклар балки улар билан боғлиқ компанияларнинг ҳам банкрот бўлишига олиб келиши мумкин.

Бироқ Молиявий саросималик ҳар доим ҳам юз беравермайди. Чунки мижозлар омонатлари, банк депозитлари тегишли тартибда суғурталананади. Агар банк бирон сабаб билан ёпилса, унинг мижозлари қисқа муддатда конпенсатсия олишни мўлжаллашлари мумкин.

Суғурта фонди маблағлари этмаган тақдирда ҳукумат зарур пулни эмиссия қилади. Маълумки, ҳамма банкларда активлар суммаси банкнинг ўз капиталидан бир неча марта юқори, унинг коеффитсиенти 15:1 гоҳида 25:1 гача этади. Ундан ташқари активлар умумий суммасида муддати узайтирилган кредитлар мавжудки, унинг бир вақтда тўланиши рўй бермайди.

Умуман олганда банк тизимида молиявий хатарларни суғурталаш бутун бир тизими мавжудки бу молиявий саросималикнинг олдини олишни кафолатлайди.

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

## 1-Модул. Иқтисодиёт назарияси фанининг ривожланиш босқичлари

### 1-Мавзу: Иқтисодиёт назарияси фанининг шаклланиши

### КЕЙС

Фарғона вилояти Қува туманидаги тадбиркор Ахмадалиев Қудратбек ёзги мавсумда ўзига тегишли савдо шахобчасида музқаймоқлар сотиш учун Тошкент шахридаги “Силвер” музқаймоқ ишлаб чиқарувчи улгуржи корхонаси билан шартнома тузган. Шартнома қиймати: 10 миллион сўм, муддати 50 % маблағ ўтказилгандан сўнг 5 кун. Шартномада транспорт ҳаражатлари ЯТТ Ахмадалиев Қудратбек томонидан қопланиши кўрсатилган.

**Қуйидаги ҳолатлар юзага келган:**

1. Маҳсулотни олиб келишдан аввал 5 миллион сўм пул ўтказиб берилган. Хафтанинг душанба куни.
2. Маҳсулотни олиб келиш учун ЯТТ махсус музлатгичга эга транспортни уч кунга буюртма асосида олган. Ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари учун.
3. Мавсумда буюртманинг кўплиги сабабли ЯТТ шанба куни маҳсулотни олган, лекин музлатгичли транспорт бошқа буюртма билан кетган.
4. Ишлаб чиқарувчи корхона ўз транспортини таклиф қилган лекин нархи аввалги транспортга нисбатан икки баробар қиммат.

### Муаммоли вазият

5. ЯТТ Ахмадалиев Қудратбек томонидан йўл қўйилган хатоликни аниқланг.
6. “Силвер” музқаймоқ ишлаб чиқарувчи улгуржи корхонасини хатосини аниқланг.
7. Шартномадаги форс-мажор ҳолатлари қандай йўл билан бартараф қилинади.
8. ЯТТ Ахмадалиев Қудратбекнинг ўрнида сиз бўлсангиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз.

“Силвер” музқаймоқ ишлаб чиқарувчи улгуржи корхонаси раҳбари бўлсангиз нима қилган бўлардингиз.

### Мисол ва масалалар

1. Иқтисодиёт назарияси китобларида кўпинча тадбиркорликни ишлаб чиқаришни тўртинчи фактори сифатида берилади, бунда у меҳнат, капитал ва ер каби омиллар билан тенглаштирилади. Сизга бундай ёндашув маъқулми? Тадбиркорлик омили қолган ишлаб чиқариш омилларидан фарқли равишда ўзига хос хусусиятга эгами ва бу бошқа омиллардан афзалми?
2. Иқтисодиёт назарияси фанидан биламизки тадбиркорлик фаолияти таваккалчилик билан боғлиқдир. Ўйлаб кўринг бу таваккалчилик аниқ нима билан боғлиқ: а) пул йўқотишлар билан; б)мавқени йўқотиш билан; в) ҳаётни йўқотиш; г)ахборотни қалбакилиги билан. Агар сиз тадбиркорликка мойил бўлсангиз юқорида келтирилганларни қайси бири сиз учун аҳамиятга?
3. «Алдамасанг — сотолмайсан» (рус халқ мақоли). «Даромад ҳаммасидан юқори, лекин лафз даромаддан юқори». Тадбиркорлик фаолиятида қайси тамойилларга бўйсунган маъқул?

4. Таниқли чет эллик тадбиркор радиодаги чиқишида қуйидаги афоризмни айтган: «Капитализм — бу ҳар бир киши ўз магазинини очиши мумкин; коммунизм — бу ҳеч ким ўз магазинини оча олмайди».

5. Бу афоризмни сиз қандай изоҳлайсиз?

6. Тадбиркор ўз фаолиятини бошлаган биринчи йили 1,5 млн. сўм фойда олди. Иккинчи йилда унинг фойдаси 2 млн. сўмга етди. Шу вакт ичида барча турдаги соликлар олинган фойданинг 1/5 кисмидан 1/4 қисмига ўзгарди. Тадбиркорнинг пировард натижаси амалда қайси томонга ўзгарган?

7. Агар тадбиркор йилига 12% шарти билан 1600 доллар пулни тижорат банкидан олган бўлиб, уни 6 ойда тўла қайтарса, у канча пулни ушбу банкка тўлайди?

## ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

**1-масала**

Қиймати 25000 сўм бўлган машинанинг маънавий эскиришини аниқланг, агар у 10 йил давомида амортизатсия орқали қопланса, лекин 4 йилдан сўнг, қиймати 16000 сўм, амортизатсия муддати ана шундай бўлган, янги машина билан алмаштирилган.

**2-масала**

Корхонанинг оборот капитали ҳаражати бир йилга 2 млн. сўм, авансланган оборот капитал эса 4 млн.сўм. Йиллик қўшилган қиймат меъёрини аниқланг, агар олинган фойда йилига 3 млн. сўм.

**3-масала**

Асосий капиталнинг қиймати 40000 сўм капитални таъмирлаш учун сарфлар 15000 сўм хизмат даври 10 йил.

Амортизатсия нормасини аниқланг.

**4-масала**

Тижорат фирмаси бир йилда савдо сотиқ ишини юритиш учун 15 млн. долл. жорий сарф қилган, шунинг эвазига 1,4 млн. фойда кўрган. Бинобарин фойда нормаси 9,3 % ни ташкил этади.

Фирма 20 млн. долл. капитал сарфлади. 1,4 млн. долл. фойда олди. Ушбу масалада қўйилган капиталнинг фойда келтириш даражасини аниқланг.

**I. Кичик бизнес субъекти ўз рақибини енгиш учун қўллайдиган беш хил тадбирни тузинг:**

1. Товар нархини тушириш
2. ___________________________
3. ___________________________
4. ___________________________
5. ___________________________

## МУАММОЛАР

<u>**1-муаммо.**</u> Нима деб ўйлайсиз, нима учун тадбиркорлик фаолияти ҳозирги кунда иқтисодий ривожланишнинг асосий фаолият тури бўлиб қолмоқда?

**Кичик муаммолар:**

1. “Тадбиркор” тушунчасининг “мулкдор” тушунчасидан фарқи нима?
2. “Тадбиркорлик” ва “Бизнес” тушунчаларининг-чи?

3.Нима учун тадбиркор таҳлика билан фаолият кўрсатади?

**2-муаммо.** Тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу шаклининг устунлиги нимага боғлиқ?

**Кичик муаммолар:**

1.Қандай шароит тадбиркорликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган?

2.Тадбиркорлик шакллари бир-биридан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

**3-муаммо.** Нима учун капитал доимо доиравий айланишда бўлади?

**Кичик муаммолар:**

1. Асосий ва айланма капиталнинг ўзи нима?
2. Улар ўртасидаги нисбат нимага боғлиқ?
3. Амортизатсия фондидан қандай фойдаланиш самаралироқ?

**“Синквейн” (5 қатор) техникаси**

Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

1–қатор – тушунча

2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 сифат

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл

4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат сўз сўз бирикмаси

5-қатор – ушбу тушунча синоними.

**Ўқув топшириқлар**

**1-гуруҳ**

1. «Тадбиркорлик», «капитал» тушунчаларига синквейн тузинг.
2. Жадвалдан фойдаланиб тадбиркорлик шаклларини таққосланг:

| **Тадбиркорлик шакллари** | **Қандай шаклланади** | **Кимга тегишли** | **Ким бошқаради** | **Фойда (зарар) қандай тақсимланади** | **Асосий устувор томонлар** | **Асосий камчиликлар** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Шахсий | | | | | | |
| Хусусий | | | | | | |
| Актсионерлик жамияти | | | | | | |

**2-гуруҳ**

1. «Менеджмент», «маркетинг» тушунчаларига синквейн тузинг.
2. Жадвалдан фойдаланиб капиталнинг функтсионал шаклларини таққосланг:

| **Капитал** | **Айланиш босқичлари (формула)** | **Функсияси (вазифаси)** | **Соҳаси** |
|---|---|---|---|
| Пул | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| кўринишида | | | |
| Товар кўринишида | | | |
| Ишлаб чиқарувчи (унумли) | | | |

**3-гуруҳ**

1. «Облигатсия», «амортизатсия» тушунчаларига синквейн тузинг.
2. Жадвалдан фойдаланиб самарадорлик кўрсаткичларини таққосланг:

| Самарадорлик кўрсаткичи | Ҳисоблаш формуласи |
|---|---|
| Умумий | |
| Асосий фондлардан фойдаланиш | |
| Айланма фондлардан фойдаланиш | |

**4-гуруҳ**

1. “Самарадорлик”, “актсия” тушунчаларига синквейн тузинг.
2. Жадвалдан фойдаланиб актсия ва облигатсияларга тавсиф беринг:

| | Иқтисодий моҳияти | Даромад-лилик | Амал қилиш муддати | Эмитент | Таваккал-чилик (риск) | Асосий умумий белгилари | Асосий фарқлар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Актсия | | | | | | | |
| Облигатсия | | | | | | | |

**1-илова.**

**Амалиётни баҳолаш жадвали**

| Гуруҳ | Жавобларнинг тўлиқлиги, аниқлиги (1.0) | | | | Кўргазмалилик (0,5) | | | | Ҳар бир гуруҳ аъзосининг фаоллиги (0,5) | | | | Умумий баллар йиғиндиси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | | | (2,0) |
| 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | | | | | | | |

**Муҳокама учун саволлар**

1. Иқтисодиёт тушунчаси ва унинг бош масаласи нима?
2. Нима учун ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш инсоннинг турли хил фаолиятлари ичида энг асосийлари ҳисобланади?

3. Иқтисодиётнинг асосий муаммосини ҳал қилишнинг қандай йўллари мавжуд?

4. Марказий Осиёда иқтисодий қарашларнинг ривожланишида қайси мутафаккирларнинг ўрни бор?

5. «Иқтисодиёт назарияси» фан сифатида шаклланиш жараёнида қандай ғоявий оқимлар вужудга келган.

**Масала ва машқлар**

1. Иқтисодиёт назарияси фанининг нисбатан энг тўлиқ ва содда қилиб берилган таърифини танланг:

а) иқтисодиёт назарияси ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнида юз берадиган муносабатларни ўрганади.

б) иқтисодиёт назарияси ўзгарувчи миқдорларни, уларнинг миллий иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатишини ўрганади.

д) ресурсларнинг чекланганлиги ва эҳтиёжларнинг юксалиб бориши шароитида самарали хўжалик юритиш қонунлари ва иқтисодий фаолият муаммоларини ўрганади.

е) иқтисодиёт назарияси ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларини ўрганади.

3. Тилшунос олим, ёзувчи Лев Успенский ўзининг «Сўз ҳақида сўз» китобида Австралия аборигенлари тилида «Тепаликда дарахт ўсиб турибди. Унинг шохида қуш ўтирибди, деб айтилмайди. Абориген тилида албатта, «Тепаликда каури ўсиб турибди. Уни шохида какаду ўтирибди» ёки «Евкалипт ўсиб турибди, унинг тагида эму юрибди», дейилади. Яъни албатта ўсимлик ва ҳайвоннинг номи айтилади, деб ёзади.

Сизнингча, нима сабабдан Австралиялик аборигенлар тилида «дарахт», «қуш» ва ҳоказо тушунчалари йўқ. У инсон тафаккури ривожининг маълум бир босқичи билан боғлиқ деб айта оласизми? Ўзбек тилидан шундай мисоллар келтира оласизми?

4. Қуйидаги тушунчаларни диққат билан ўқиб чиқинг. Улардан қайси бири гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунчалар эканлигини аниқланг. Уларни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг. **Мавзу: Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва билиш усуллари**

**Муҳокама учун саволлар**

1. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети нимадан иборат? У бошқа иқтисодий фанлар ичида қандай ўрин тутади?

2. Иқтисодиёт назариясини ўрганишда қандай усуллардан фойдаланилади?

3. Макроиқтисодий таҳлил билан микроиқтисодий таҳлил ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

4. Еҳтиёжларни туркумлаш қандай ёндашувлар орқали амалга оширилади?

5. Ишлаб чиқариш билан эҳтиёжлар ўртасидаги узвий, тўғридан-тўғри боғлиқлик нимани акс эттиради.

**Масала ва машқлар**

1. Ҳинд ривоятларидан бирида Будда ва унинг шогирди ўртасидаги суҳбат шундай ҳикоя қилинади:

Бир куни Будда шогирдидан сўрабди, йўлга қарачи, ким келаяпти экан?

– Ёш ва гўзал бир аёл, – дебди шогирди.
– Аниқроғи, – дебди Будда.
– Ёш аёл.
– Аниқроғи.
– Аёл.
– Аниқроғи.
– Одам.
– Аниқроғи.
– Скелет.

Диққат қилинг. Сизнингча, шогирднинг қайси жавобида абстраксия методининг билиш қадр-қиммати йўқолди? Нима сабабдан?

2. Заҳро опаси ва синглиси Адиба билан кичик корхона очди. Заҳро бир йилда 400 та қизлар кўйлаги ёки 450 та эркаклар кўйлаги тика олади. Опаси эса 350 та қизлар кўйлаги ёки 400 та эркаклар кўйлаги тика олади. Синглиси эса 300 та қизлар кўйлаги ёки 350 та эркаклар кўйлаги тика олади.

Оилавий кичик корхонанинг ишлаб чиқариш имконини ҳисобланг ва уни графикда тасвирланг.

3. Уч опа-сингил оилавий кичик корхона ташкил қилишди. Корхонада жун ва аралаш иплардан болалар учун пайпоқ, нимча тўқилади. Опа-сингилларнинг каттаси йил давомида 500 дона нимча ёки 600 жуфт пайпоқ, иккинчи сингил эса 420 та нимча ёки 700 жуфт пайпоқ, учинчи сингил 300 та нимча ёки 600 жуфт пайпоқ тўқий олади. Оиланинг ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғини чизинг.

4. Ота, қиз ва ўғил ҳовлига қулупнай териш ва ўтоқ қилиш учун келишди. Участкада 6 соат ишлашлари мумкин. Ота соатига 1 челак, қиз икки челак, ўғли 0,5 челак қулупнай теради. Қиз ўтоқни 2 соатда, ўғил 7 соатда, отаси 6 соатда бажаради. Оилада ишни қандай тақсимлаш керакки, ўтоқ қилиб бўлиб, энг кўп миқдорда қулупнай теришсин.

## 2-Мавзу: Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва билиш усуллари

1-Жадвал кўрсаткичлари кейинги йилларда қандай ўзгарганлиги ҳақида маълумотлар топинг. Уларни солиштиринг. Ўзгаришларни қандай баҳолайсиз? Изоҳланг.

Аҳолининг ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланиш даражаси динамикаси

1-жадвал

| Йил-лар | Аҳолининг таъминланганлиги | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **1 яшовчи ҳисобига турар жой билан таъминлан-ганлик, кв. м.** | **10 минг киши ҳисобига касалхона жойлари билан** | **10 минг киши ҳисобига амбу-латория-полик-линика муасса-салари билан** | **Марказлаш-тирилган сув таъминоти билан, %** | **Табиий газ билан %** |
| 1991 | 12,2 | 123,0 | 133,7 | 80,0 | 46,2 |
| 1995 | 13,0 | 83,7 | 137,6 | 71,5 | 59,4 |
| 2000 | 13,7 | 55,9 | 158,2 | 81,0 | 73,9 |
| 2005 | 14,5 | 54,1 | 164,9 | 82,2 | 78,2 |
| 2006 | 14,6 | 53,9 | 16 | | |
| 2014 | … | | | | |
| 2015 | … | | | | |

Манба: ЎзРДавлатстатистикақўмитаси

**Умумиюй-жой фондиҳажминингошибнбориши**

2-жадвал

| Кўрсаткич | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2014 | 2015 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Уй-жой фондижами, млн. кв.м** | 360,9 | 365,7 | 373,5 | 379,3 | 386,9 | … | … |
| **Ш.ж. давлат** | 6,2 | 5,1 | 5,0 | 4,2 | 4,3 | | |
| **Шахсий** | 354,7 | 360,6 | 368,5 | 375,1 | 382,6 | | |
| **Ўртачаҳарбиряшовчига, кв.м** | 14,3 | 14,3 | 14,4 | 14,5 | 14,6 | | |

## Масала ва машқлар

1. Заҳро опаси ва синглиси Адиба билан кичик корхона очди. Заҳро бир йилда 400 та қизлар кўйлаги ёки 450 та эркаклар кўйлаги тика олади. Опаси эса 350 та қизлар кўйлаги ёки 400 та эркаклар кўйлаги тика олади. Синглиси эса 300 та қизлар кўйлаги ёки 350 та эркаклар кўйлаги тика олади.

Оилавий кичик корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятини ҳисоб-ланг ва уни графикда тасвирланг.

2. Уч опа-сингил оилавий кичик корхона ташкил қилишди. Кор-хонада жун ва аралаш иплардан болалар учун пайпоқ, нимча тўқилади. Опа-сингилларнинг каттаси йил давомида 500 дона нимча ёки 600 жуфт пайпоқ, иккинчи сингил эса 420 та нимча ёки 700 жуфт пайпоқ, учинчи сингил 300 та нимча ёки 600 жуфт пайпоқ тўқий олади. Оиланинг ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғини чизинг.

3. Ота, қиз ва ўғил ҳовлига қулупнай териш ва ўтоққилиш учун келишди. Участкада 6 соат ишлашлари мумкин. Ота соатига 1 челак, қиз 2 челак, ўғли 0,5 челак қулупнай теради. Қиз ўтоқни 2 соатда, ўғил 7 соатда, отаси 6 соатда бажаради. Оилада ишни қандай тақсимлаш керакки, ўтоққилиб бўлиб, энг кўп миқдорда қулупнай теришсин.

4. Автомобил ва трактор ишлаб чиқаришнисбатиқуйидаги жадвалда ифодаланган:

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Автомобил | 5 | 4 | 3 | 2 | 1 | 0 |
| Трактор | 0 | 7 | 13 | 18 | 22 | 25 |

Муқобил (алтернатив) харажатларнианиқланг.

a) биттақўшимчаавтомобилишлабчиқаришучун;

b) қўшимчабиттатракторишлабчиқаришучун.

5. Мамлакатда икки хил А ва Б турдаги Товар ишлаб чиқарилади дейлик. Уларнинг имконияти чегараси қуйидаги жадвал маълумотларида кўрсатилган.

| *Маҳсулоттурлари* | А | Б | В | Г |
|---|---|---|---|---|
| А товар (дона) | 0 | 1 | 2 | 3 |
| Б товар (дона) | 12 | 10 | 6 | 0 |

А) Жадвал маълумотлари асосида ишлаб чиқариш имконияти эгри чизиғини графикда тасвирланг.

Б) А товарнинг Б товардаифодаланганмуқобилқийматиниҳисобланг.

Д) Б товарнинг А товардаги муқобил қиймати: ўсувчи, пасаювчи ёки доимийми? А товарнинг Б товардаги муқобил қийматини, кўрсатинг.

Г) Агарда муқобил қиймат доимий бўлса, имконият эгри чизиғи қандай шаклда бўлади? Жадвал ва графикда тасвирланг.

## 3-Мавзу: Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари

**Талабалар билимини мустахкамлаш ва ўтилган мавзуларни такрорлаш мақсадида тест вариатлари**

### 1-вариант

**1. Иқтисодиёт назарияси қачон фан сифатида шакллана бошлаган?**

а) кишилик жамияти вужудга келгандан бошлаб;

б) ХВИИ–ХВИИИ асрлар орасида;

в) ХИХ асрда;

г) А.Смитнинг «Халқлар бойлиги...» китоби чоп этилиши билан;

д) Ўрта асрларда.

**2. Қуйидагилардан қайси бири иқтисодий моделнинг мазмунини ифодалайди.**

а) иқтисодий прогнозлаш;

б) иқтисодий тамойиллар мажмуаси;

в) иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг объектив хусусиятларига ва тадқиқот мақсади ва характерига кўра абстракт тарзда умумлаштириб ифодаланган реалликнинг конструксияси, макети, андозаси;

г) иқтисодиёт ва сиёсатнинг идеал типи бўлиб, уни амалга ошириш учун зарур;

д) иқтисодий билиш усуллари.

**3. Қуйидаги ифодаланган иқтисодий мақсадлардан қайси бирини аниқ миқдор билан ўлчаш мумкин?**

а) иқтисодий кафолат;

б) иқтисодий эркинлик;

в) тўла бандлик;

г) даромадларни адолатли тақсимлаш;

д) ижтимоий ҳимоя.

**4. Позитив иқтисодий назария:**

а) иқтисодий ҳодисаларни қандай бўлса шундайлигига ўрганади;

б) иқтисодий ҳодисалар қандай бўлиши кераклигини кўрсатади;

в) иқтисодий ривожланишдаги ижобий тенденсияларни ўрганади;

г) билдирилган фикрларни таҳлил қилади;

д) иқтисодий таҳлилларни умумлаштиради.

**5. Агар иқтисодий жиҳатдан умумлаштириш далиллар, рақамларга асосланса, у ҳолда бундай таҳлил усули:**

а) баён қилиш;

б) қиёсий таҳлил;

в) тарихий;

г) дедуктив;

д) индуктив.

**6. Агар иқтисодиётда корхона, фирма, уй хўжалиги, алоҳида олинган бозорлар муаммоси тадқиқ қилинса, бундай таҳлил:**

а) норматив;

б) позитив;

в) илмий абстрактив;

г) микроиқтисодий;

д) макроиқтисодий.

**7. Қуръони Каримда акс этган асосий иқтисодий ғоя нимадан иборат?**

а) инсонлар деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланиши таъкидланган;

б) «еҳтиёж» – тушунчаси таърифланган ва жамият ҳаётида моддий эҳтиёжлар аҳамияти кўрсатиб берилган;

в) мусулмонлар қардошлиги ғояси илгари сурилган, мулк муқаддаслиги қайд қилинган, савдога катта ўрин берилган ва жамият тенгсизлиги азалдан деб тан олинган;

г) моддий бойлик яратишда меҳнат ва меҳнат қуроллари ўрни белгилаб берилган;

д) юқоридагиларнинг барчаси.

**8. Иқтисодиёт назариясининг қайси оқимида савдо-сотиқ ва асосан ташқи савдо барча бойликларнинг манбаи деб ҳисобланади?**

а) меркантилизм;

б) физиократлар;

в) классик буржуа иқтисодий мактаб;

г) марксистик назария;

д) маржинализм.

**9. Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясининг қайси оқимида иқтисодий ўсишни таъминлашнинг ва тартибга солишнинг асосий воситаси пул деб ҳисобланади?**

а) кейнсчилар;

б) монетаризм;

в) институтсионализм;

г) либерализм;

д) янги иқтисодий оқимлар.

**10. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети нимадан иборат?**

а) ижтимоий муносабатларни ўрганиш;

б) сиёсий муносабатларни ўрганиш;

в) иқтисодий муносабатларни ва ижтимоий хўжаликларни самарали юритишнинг иқтисодий қонун-қоидаларини ўрганиш;

г) ҳуқуқий муносабатларни ўрганиш;

д) ташкилий муносабатларни ўрганиш.

## Муҳокама учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат?
2. Капитал тушунчасига таъриф беринг ва унинг таркибига нималар киришини тушунтириб беринг.
3. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини тушунтиринг.
4. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижаларини тушунтириб беринг.
5. Миллий маҳсулотнинг таркиби нималардан иборат?
6. Қўшилган меҳнат, қўшилган капитал ва қўшилган маҳсулот тушунчаларини изоҳлаб беринг.

7. Қўшилган меҳнат ва капитал унумдорлигининг пасайиб бориш қонунини тушунтиринг.

**Масала ва машқлар:**

1. Бошқа омиллар ўзгармагани ҳолда меҳнат миқдори, яъни ишчилар сонининг ўсишига қараб, натура шаклидаги меъёрий махсулот қуйидагича ўзгарган

| Ишчилар сони, киши | Маҳсулот миқдори. дона |
|---|---|
| 1 | 200 |
| 2 | 300 |
| 3 | 350 |
| 4 | 380 |
| 5 | 390 |
| 6 | 395 |

Натура шаклида меъёрий маҳсулотни ҳисобланг. Рақамлар нимани кўрсатади, изоҳланг.

## 4-Мавзу: Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари

**Муҳокама учун саволлар**

1. Мулкчиликнинг моҳиятига таъриф беринг ва унинг турли шаклларининг иқтисодий мазмунини тушунтиринг. Мулкчиликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунини таърифланг.

2. Мулк шаклларига унинг субъектлари мос келадими? Мулк субъект-ларининг кўп даражали бўлишига сабаб нима? Мулкчилик шаклларининг фарқланиши асосида нима ётади? Мулк ҳар бир шаклининг (давлат, жамоа, аралаш, хусусий) тузилиш ва таркибини тушунтириб беринг.

3. Бозор иқтисодиётига ўтиш нима учун мулкчиликнинг турли шаклларини тақозо қилади? Давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш нима учун ҳозирги босқичда объектив зарурият ҳисобланади?

4. Хусусийлаштириш босқичлари ва шаклларига тавсиф беринг.

5. Хусусийлаштиришнинг қандай усулларини биласиз? Бу усуллардан бирини танлаб олишга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

**Масала ва машқлар:**

1. Айтайлик, хусусий фирма товар партиясини сотиб олишга қарор қилди. Товар сотиб олиш учун шартнома тузиш мақсадида менежер аввалдан потенсиал сотувчиларни топиш, товар нархи, товарни сотиш, олиб келтириш шарти, ҳақ тўлаш ҳақида ахборот тўплашга киришди.

Халқаро телефонда гаплашишлар ва телеграммалар учун 1 млн. сўм сарфлади. Товарларни кўриб келиш учун транспорт харажатлари 500 минг сўм, ундан ташқари фирма фаолиятининг ишончлилигини текшириш ва шартнома тузиш учун юридик хизмат кўрсатувчи фирмага 500 минг сўм тўланди.

Охир оқибат битим тузилди. Сотиб олувчи фирма товарлар партияси учун 20 млн. сўм аввалдан ҳақ тўлади. Сотиб олувчи фирманинг трансаксион харажатларини аниқланг ва баҳоланг. Қандай шароитда трансаксион харажатлар жамиятда катта миқдорда ва унчалик кўп бўлмаган миқдорни ташкил этади, кўрсатинг?

2. Бешинчиси ортиқча.

Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Улардан қайси бири шу гуруҳ учун ортиқча ва нима сабабдан, кўрсатинг.

Тушунчалар: Тадбиркорлик имкониятининг кенгайиши, иқтисоди-ётни давлат ва бозор механизми орқали бошқарилиши, мамлакат миқё-сида барча тармоқлар учун режалар ишлаб чиқиш, ялпи ички маҳсулотнинг хусусий ва давлат сектори томонидан яратилиши, манфаатларнинг рағбатлантирилиши.

## 5-Мавзу: Товар-пул муносабатлари ривожланиши

### Масала ва машқлар

1. Сентабр ойида давлат корхоналарида 25 минг киши ишлаб 19,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хусусий кичик корхоналарда 22 минг киши банд бўлиб, 17,5 млн. сўмлик маҳсулот яратилди. Чет элликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналарда эса 24 минг киши банд бўлгани ҳолда 30,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўртача ҳар бир ишловчига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини (меҳнат унумдорлигини) ҳисобланг. Меҳнат унумдорлиги нуқтайи назаридан қайси мулк шакли самарали эканлигини аниқланг. Сизнингча бунинг сабаби нимада, изоҳланг.

2. Қўшнингиз эккан бақатерак тезда ўсиб, сизнинг қулупнай эккан эрингизга соя сола бошлади. Сиз келишмовчилик вазиятини ҳал қилиш учун қандай чора қўллаган бўлар эдингиз. Мулк ҳуқуқи нуқтаи назаридан қайси бири энг ратсионал ҳисобланади?

а) маҳаллий судга мурожаат қиласиз;

б) маҳалла оқсоқолига мурожаат қиласиз;

д) билдирмайгина бақатеракни эйдиган ҳашорот тўла идишни ташлайсиз;

е) қўшни билан терагини қирқса, товон тариқасида 2 челак қулупнай беришга келишасиз;

ф) қулупнай этиштиришга «бор-е деб, қўл силтайсиз».

3. Нима сабабдан маданиятли киши сивилизатсиялашган дунёда бировнинг нарсасини ўғирламайди?

а) жиноят қилгани учун жазоланишдан қўрқади;

б) жамиятдаги урф-одатларга бўйсунади;

д) бунга унинг ички ахлоқий қарашлари йўл бермайди;

е) келажакда амалдор бўлиш имкони йўқотилади.

4. Қуйидаги келтирилган вазиятларни таҳлил қилиб айтингчи, амалга оширилган фаолият туфайли «мулк ҳуқуқи» дастасининг қайси бир элементи реализатсия қилинади?

а) Фермер эр участкасини ижарага олди, унда буғдой этиштириб, давлатга сотди.

б) эркинжон «Нексия» автомобилини сотиб олди ва унда дала ҳовлисига қатнаб турибди.

д) Корхона ўзининг сехи биносини бошқа фирмага ижарага берди.

е) Тадбиркор Одилжон бошқа тадбиркордан унча катта бўлмаган иккита хонани сотиб олди. Битта хонани бузиб, иккинчисини кенгайтириб, таъмирлади.

ф) Хўжалик суди тадбиркор Раҳимовдан ишлатиб турган ускунасининг қарзини тўламагани учун, қарз эвазига олиб қўйишга қарор қилди.

г) Фуқаро Акбарова ўзи яшаб турган уйини ўғилларига васият қилди.

ҳ) Давлат корхонаси бировнинг боғидан автомобил йўли ўтказилди. Бунда унинг эгасига қирқилган дарахтлар учун компенсатсия тўланмади.

и) Автомобилнинг эгаси ундан фойдаланмай, автостоянкага қўйиб қўйган. Ўртоқлари ундан автомобилидан фойдаланишга рухсат сўрашса бермади.

ж) Уйидаги мулкини ўғирлаб кетишгани учун фуқаро милитсияга мурожаат қилди.

к) Суд корхонага тозаланмаган оқавасини анҳорга оқизгани учун жарима солди.

л) Фуқаро мулк қилиб олган эр участкасига ишлов берди. Келажакда уни сотмоқчи эмас.

5. Қуйидаги жадвал рақамларига эътибор беринг. Унда мамлакатимизда 1995–2011 йилларда иқтисодиётни эркинлашти-ришни, хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёни акс этган. Берилган рақамлар асосида ташкил этилган нодавлат корхоналари ва унда аксионерлик жамиятлари, хусусий корхоналар ва бошқа турдаги корхоналар улушини ҳисобланг.

Ундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Мулкчилик нуқтаи назаридан қарасак, корхона мақоми маҳсулот ишлаб чиқариш турларини танлашда рол ўйнайдими? Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш билан хусусийлаштиришнинг фарқи борми? Иқтисодиёт-ни эркинлаштиришнингчи?

## Муҳокама учун саволлар

1. Ижтимоий хўжалик шаклларига умумий тавсиф беринг. Товар ишлаб чиқариш ва бозорнинг вужудга келишининг умумий шарт-шароитларини тушунтиринг.

2. Нима учун товарга нафлилик ва қийматнинг бирлиги сифатида қаралади? Товардаги бу хусусиятлар нимадан келиб чиқади?

3. Кейинги (охирги) қўшилган миқдор (товар ва хизмат) нафлилиги нима ва унинг пасайиш сабабини тушунтиринг.

4. Товарларнинг қийматини аниқлашга бўлган қуйидаги фикрларга ўзингизни муносабатингизни билдиринг:

а) ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан белгиланади;

б) кейинги қўшилган товарларнинг нафлилиги билан аниқланади;

в) кейинги қўшилган товарларнинг нафлилиги ва ишлаб чиқариш билан аниқланади;

5. Пулнинг мазмунини ва вужудга келишининг умумий шарт–шароитларини тушунтириб беринг.

6. Олтин ва қоғоз пуллар ўртасидаги умумийлик ва фарқларини кўрсатиб беринг: қоғоз ва кредит пулларининг қадр-қиймати ва барқарорлиги нима билан белгиланади?

## Масала ва машқлар

1. Қуйидаги санаб ўтилган неъматлардан қайси бирлари иқтисодий, қайси бирлари ноиқтисодий неъматларга ажратилади?

а) сиз нафас олаётган ҳаво;

б) қишда ёққан қор;

д) ресторан, барлар ва бошқаларда ишлатилаётган муз;

е) қишда ариқлардаги муз;

ф) уйингиз яқинидаги булоқ суви;

г) чинни идишлар тайёрлашда ишлатиладиган тупроқ;

ҳ) боғингизда экилган дарахт.

Жавоб беринг ва уни асосланг.

2. Барча иқтисодий неъматларнинг нафлилиги ҳақида қандай фикр юритиш мумкин? Масалан, наркотиклар, спиртли ичимликлар, парнография, нафақат инсоннинг жисмига, балки руҳининг соғломлигига ҳам қаттиқ зарар етказади! Сиз мана шу фикрга қўшиласизми? Иқтисодиёт назариясида нафлилик деганда нимани тушуниш керак?

3. Сизда 1 млн. сўм нақд пул бор. Дўстингизда эса шунча сўмлик аксиялар бор. Иккинчи дўстингизда 1 млн. сўмга баҳоланган дала ҳовли бор. Кимнинг мулки юқори даражада ликвидли? Доимо мулкни ликвидли шаклига қараб сақлаш ратсионал ҳисобланадими?

## 6-Мавзу: Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши

### Муҳокама учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти мазмуни ва асосий белгилари нималардан иборат?
2. Классик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг умумий томонларини ва фарқларини тушунтириб беринг.
3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари нималардан иборат?
4. Бозор механизми ва унинг таркибини изоҳланг.
5. Бозор иқтисодиётининг асосий муоммолари қандай ҳал қилинади?
6. Бозор тушунчасининг таърифини беринг ва унинг асосий вазифаларини кўрсатинг.
7. Бозорни туркумлашда қандай мезонлар асос қилиб олинади? Уларни санаб кўрсатинг.
8. Етуклик даражасига қараб бозорнинг қандай турлари ажратилади?
9. Бозор инфратузилмаси нима?

### Масала ва машқлар

1. Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётда барча ишлар юқоридан бериладиган буйруқ билан амалга оширилади. Бу қандай оқибатларга олиб келишини қуйидаги масала ёрдамида кўриб чиқамиз.

Шаҳарда бўйи 64 м. ва эни 64 м. автомобил тўхташ жойи бор. Мамлакатда 3 хил автомобил бўлиб, енгил автомобил эни 2 м. ва бўйи 4 м. жой эгалласин. Ўртача автомобиллар эса эни 3 м. ва бўйи 6 м., катта автомобиллар эни 4 м. ва бўйи 8 метрли жойни эгалласин дейлик. Машинасини тўхташ жойига қўймоқчи бўлган учала турдаги автомобил шофёрлари жуда кўп. Айтайлик,

а) автомобил тўхташ жойини энг қисқа муддат давомида тўлдириш зарур деган буйруқ олинди. У ҳолда автомобиллар қандай тарзда жойлаштирилган бўларди? Нима сабабдан, изоҳланг;

б) автомобил тўхташ жойига энг кўп машина сиғдиришига кўра мусобақа ғолибига мукофот берилади деган буйруқ олинди. Ундай буйруқ нимага олиб келади, изоҳланг;

д) барча автомобил турлари тенг миқдорда жойлаштирилсин, деган буйруқ олинди. У ҳолда нечтадан автомобил сиғиши мумкин, изоҳланг.

Бозор иқтисодиёти шароитида бу масала қандай ҳал этилган бўлар эди? Фикрингизни билдиринг.

2. Корхонада катталар палтосини тикиш учун моддий харажатлар 70 минг сўмни ташкил қилади. Агарда ёқасига мўйна ўрнатилса, 140 минг сўмга етади.

Болалар палтоси учун эса 30 минг сўм харажат қилинади. Меҳнат сарфи бир хил бўлиб, ўртача 30 минг сўмга тўғри келади. Агар ҳар бир палтодан олинадиган фойда харажатларга нисбатан 10% ни ташкил қилса, корхона режани тезда бажариш учун қандай туридан палто ва қанча тиккан бўлар эди. Корхона қуввати кунига 50 та палтога тенг. Иш куни 24 кун ва бир сменали деб ҳисобланг.

1) Агар мўйна ёқали, оддий ёқали ва болалар палтоларига талаб тенг десак, талаб бўйича палто тикканда корхона режани неча фоизга бажарган бўлар эди?

2) Қандай турдаги палтоларни тикиш билан корхона режани бажариши мумкин? а) У қандай оқибатга олиб келади? б) Бозор иқтисодиётида бу масала қандай ҳал этилади?

3. Ишлатилган компютерлар бозорида икки гуруҳ сотувчилар мавжуд. Бир гуруҳ сотувчилар кам ишлатилган, ҳали анча-мунча фойдаланса бўладиган, техник жиҳатдан яхши компютерлар билан савдо қилишади. Сотувчилар уларни 400 минг сўмдан камига беришмайди. Потенсиал харидорлар эса 450 минг сўмгача тўлашга тайёр.

Иккинчи гуруҳ сотувчилар ўз ресурсини деярли тўла ишлатиб бўлган компютерларни сотишади. Улар 150 минг сўмдан юқори ҳар қандай нархга сотишга тайёр. Истеъмолчилар бундай компютерларга 180 минг сўмдан ортиқ пул тўлашмайди. Ахборот асимметрияси туфайли бозорда компютерларни сотиш баҳоси қанча бўлади? У қандай оқибатларга олиб келади?

4. Сиз «Панасонис» фирма магазинидан видеомагнитофонни 500 минг сўмга сотиб олишингиз мумкин. Худди шундай магнитофон «Ипподром» бозоридаги аудио-видео техника растасидан 400 минг туради. Бошқа шароитлар тенг. Бу фарқнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

## 7-Мавзу: Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари

### 1. Юқорида келтирилган асосий тшунчаларга қуйидаги жавоблардан тўғрисини танланг:

а) Мамлакатнинг иқтисодий секторида ишлаб чиқариш омил-ларига мулкчиликнинг бирон-бир шакли, тартибга солиш механиз-мига мувофиқ вужудга келган иқтисодий муносабатлар, хўжалик юритиш шакли.

б) Фаолият учун асос қилиб олинадиган қонун – қоида, нуқтаи назар, қарашлар.

д) Кишининг ҳаёт кечириши, хўжалик юритиш принтсипида ўрнатилган ёки жорий қилинадиган тартиб.

е) Турли мулк шакллари ва ҳар хил хўжалик турлари яхлит-лигидан ташкил топган иқтисодиёт.

ф) Иқтисодиётда ўтказилган, амалга оширилган туб ўзгар-тиришлар.

г) Қарашлар, фикр юритиш, дунёни англаш усули.

ҳ) Марказий режалаштириладиган маъмурий-буйруқбозликка асосланган тоталитар иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонун - қоидалари ва унинг Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятларига оид илмий қарашлар мажмуи.

и) Маъмурий буйруқбозлик тизими ўрнига бозор иқтисодиётига хос механизмни шакллантириш учун зарур вақт ёки постсотсиализм, посткоммунизмнинг бозор иқтисодиётига трансформатсияси даври.

### 2. Масала ва машқлар

1. Қуйидагиларни ўқинг, диққат қилинг: бу ўзгаришлар иқти-содийислоҳотларнинг қайси соҳаларига хос.

1) Маҳалладаги сартарошхона, дўконча, поябзал тузатиш устахонаси хусусийлаштирилди.
2) Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг тизими ва вазифалари ўзгартирилди.
3) Кийим - кечакларга қатъий нарх белгилаш бекор қилинди.
4) Йилни зарар билан якунлаган «Беш булоқ» ширкати асосида фермер хўжаликлари ташкил этилди.
5) Республикамизда 1995 йилга келиб, шахсий томорқа учун ажратилган эр 700 минг гектарга этди.
6) Республика товар-хомашё биржаси ташкил этилди.
7) Хомашё нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди.
8) Тошкент тўқимачилик комбинати актсионерлик жамиятига айлантирилди.
9) Республика фонд биржаси ташкил этилди.
10) Уй - жой фонди хусусийлаштирилди.
11) Божхона тизими ишга туширилди.
12) Рухсатнома асосида четга чиқариладиган маҳсулот турлари 1994-йилнинг ўзидаёқ 74 тадан 11 тага камайтирилди.
13) Иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча марта оширилди.
14) 2000-йили Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди.
15) Республикамизда нон ва нон маҳсулотларига дотатсиялар сақлаб қолинди.
16) Валюта биржаси ташкил этилди.

17) Ўзбекистон 1994-йили Тарифлар ва савдо Бош Битими (ГАТТ)да[169] кузатувчи мақомини олди.

18) Аёлларга 54 ёшдан пенсияга чиқиш жорий қилинди.

19) Республика кўчмас мулк биржаси ташкил этилди.

### 3. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Тушунчалар ичида гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқланг ва уни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

Тушунчалар: Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат — бош ислоҳотчи, қонунларнинг устуворлиги, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, хўжалик юритувчи субъектларни зарур ахборот билан таъминлаш, бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш.

### 4.Қуйидаги билдирилган фикрлар тўғри (Т) ёки нотўғри (Н)лигини аниқланг (Т/Н)[170]

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг классик моделининг ўзи 3 гуруҳга бўлиниб, унинг мезонлари қилиб:

а) давлат дастурларининг мақсади;

б) иқтисодиётни тартибга солиш усуллари;

д) иқтисодиётда давлат секторининг улуши;

е) иш ҳақидаги фарқлар олинган.

2. Сотсиал бозор иқтисодиёти модели гуруҳига кирувчи мамлакатларнинг мулкда давлат улуши нисбатан пастлиги, жамият табақаланишининг кучайиши билан фарқланади.

3. Аралаш ёки эркин бозор иқтисодиёти модели давлат тадбир-корликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериши; иқтисо-диётда давлат мулки ҳиссасининг камлиги; иш ҳақидаги фарқ катталиги ва аҳоли табақаланиши кучлилиги билан ажралиб туради.

4. Корпоратив иқтисодиёт модели давлатнинг йирик бизнес манфаатини ҳимоя қилиши, асосий устувор тармоқларни аниқлаб, уларнинг ривожланишига ёрдам бериши, давлат мулки ҳиссаси пастлиги, иш ҳақидаги фарқ катта эмаслиги билан характерланади.

5. Иқтисодчилар бозор иқтисодиётига ўтишни тарихий нуқтаи назардан икки гуруҳга бўладилар:

1) Ғарбий эвропа ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўли;

2) Собиқ сотсиалистик мамлакатлар йўли;

6. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Жанубий Корея модели бошқа моделлардан давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчи таъсири ниҳоятда кучлилиги билан ажралиб туради.

7. Хитой модели иқтисодий ислоҳотларни қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан бошланиши билан характерланади.

8. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели ҳам бир томондан, бозор иқтисодиёти моделларининг умумий жиҳатларига асосланади, шу билан бирга бошқа мамлакатлардан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

9. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда бошқа мамлакатлар йўлидан борилди.

---

[169] Ҳозирда Халқаро савдо ташкилоти

[170] Кейинги машқларда **Т/Н.**

10. Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичидаги амалга оширилиши лозим бўлган биринчи ва эҳтимолки, асосий вазифа давлат мулкини хусусийлаштириш йўлида бошланган ишни охирига етказишдир.

### 5.Талабалар билимини қўшимча баҳолаш учун тест саволлари

**1. Мулкий муносабатларнинг қайси жиҳати тўлиқ мулкдорлик мавқеини таъминлайди?**

а) мулкка эгалик қилиш;

б) мулкдан фойдаланиш;

в) мулкни тасарруф қилиш;

г) мулкни ижарага бериш;

д) юқоридагиларнинг барчаси.

**2. Иқтисодий муносабатлар тизимида мулкчиликнинг ўрни қандай?**

а) бойлик манбаи;

б) мулкчилик-ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характерини белгилайди;

в) мулкчилик-мулкка эгалик муносабатини ифодалайди;

г) истеъмолчи талабини қондириш вазифасини бажаради;

д) ўрнига эга эмас.

**3. Манфаатлар тизими нима?**

а) ишлаб чиқарувчининг манфаати;

б) истеъмолчининг манфаати;

в) шахсий, жамоа ва давлат манфаати;

г) иқтисодий манфаат;

д) оилавий манфаат.

**4. Мулкнинг қайси объекти бевосита шахсий истеъмол қилиниши мумкин?**

а) ишлаб чиқариш воситалари;

б) табиий бойликлар;

в) инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти-ишчи кучи;

г) истеъмол товарлари ва хизматлар;

д) меҳнат ашёлари.

**5. Қуйидагилардан қайси бири мулк субъекти тушунчасининг мазмунини тўлароқ характерлайди?**

а) мулк объектини ўзлаштирувчилар;

б) мулкдан фойдаланувчилар;

в) мулкий муносабат иштирокчилари;

г) ишлаб чиқарувчилар;

д) истеъмолчилар.

**6. Бозор муносабатларига ўтиш даврида Республика иқтисодиётининг негизини қандай мулк ташкил қилади?**

а) давлат мулки;

б) жамоа мулки;

в) аралаш мулк;

г) хилма-хил мулк;

д) чет элликлар мулки.

**7. Мулкнинг қуйидаги шаклларидан қайси бири алоҳида олинган мулк объекти ва унинг натижалари турли мулкдорлар иштирокида ўзлаштирилишини билдиради?**

а) хусусий;

б) шахсий;

в) жамоа;

г) аралаш;

д) давлат.

**8. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг қайси йўли эркин тадбиркорликка кенг имкониятлар очиб беришни кўзда тутади?**

а) ҳиссадорлик жамиятига айлантириш;

б) жамоа мулкига айлантириш;

в) ижарага бериш;

г) хусусийлаштириш;

д) чет элликларга сотиш.

**9. Ўзбекистонда хусусийлаштиришга ёндошишнинг муҳим хусусияти нимадан иборат?**

а) дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширилади;

б) адресли йўналтирилганлиги;

в) чет эл тажрибаси бўйича;

г) ваучер орқали;

д) тўловлилиги.

**10. Мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли мулкчиликнинг қайси жиҳатини ташкил қилади?**

а) эгалик қилиш;

б) фойдаланиш;

в) тасарруф этиш;

г) фойдаланиш ва тасарруф этиш;

д) эгалик қилиш ва фойдаланиш.

## Муҳокама учун саволлар

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг жаҳон тажрибасида синалган асосий йўлларини таърифлаб беринг. Уларнинг умумий ва ўзига хос томонларини кўрсатинг.
2. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли қандай хусусиятларга эга? Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишга қандай тамойиллар асос қилиб олинади?
3. Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш принсипи-нинг мазмунини батафсил тушунтиринг. Ҳар бир босқичнинг мақсад ва вазифаларини тўлароқ баён қилинг.
4. Республикада иқтисодиётни ислоҳ қилиш қандай йўналишлар бўйича амалга оширилади. Ҳар бир йўналиш бўйича ўзингизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.
5. Бозор муносабатларига ўтишда иқтисодий ислоҳотлар ўз олдига қандай вазифаларни қўяди? Бу вазифаларнинг тўлароқ тавсифини беринг.
6. Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида давлатнинг этакчилик фаолияти нимадан иборат эканлигини тушунтириб беринг.
7. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг қандай давлат дастурларини биласиз? Улар бир-бири билан қандай боғланганлигини таҳлил қилинг.
8. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг мазмунини тушунтиринг. Республикамизда иқтисодиётни эркин-лаштириш ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?

## Масала ва машқлар

1. Қуйидагиларни ўқинг, диққат қилинг: бу ўзгаришлар иқтисодий ислоҳотларнинг қайси соҳаларига хос.

20) Маҳалладаги сартарошхона, дўкончa, поябзал тузатиш устахонаси хусусийлаштирилди.

21) Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг тизими ва вазифалари ўзгартирилди.

22) Кийим - кечакларга қатъий нарх белгилаш бекор қилинди.

23) Йилни зарар билан якунлаган «Беш булоқ» ширкати асосида фермер хўжаликлари ташкил этилди.

24) Республикамизда 1995-йилга келиб, шахсий томорқа учун ажратилган ер 700 минг гектарга етди.

25) Республика товар, хомашё биржаси ташкил этилди.

26) Хомашё нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди.

27) Тошкент тўқимачилик комбинати акционерлик жамиятига айлантирилди.

28) Республика фонд биржаси ташкил этилди.

29) Уй - жой фонди хусусийлаштирилди.

30) Божхона тизими ишга туширилди.

31) Рухсатнома асосида четга чиқариладиган маҳсулот турлари 1994-йилнинг ўзидаёқ 74 тадан 11 тага камайтирилди.

32) Иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча марта оширилди.

33) 2000-йили Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди.

34) Республикамизда нон ва нон маҳсулотларига дотатсиялар сақлаб қолинди.

35) Валута биржаси ташкил этилди.

36) Ўзбекистон 1994-йили Тарифлар ва савдо Бош Битими (ГАТТ)да[171] кузатувчи мақомини олди

37) Аёлларга 54 ёшдан пенсияга чиқиш жорий қилинди.

38) Республика кўчмас мулк биржаси ташкил этилди.

2. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Тушунчалар ичида гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқланг ва уни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

Тушунчалар: Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат — бош ислоҳотчи, қонунларнинг устуворлиги, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, хўжалик юритувчи субектларни зарур ахборот билан таъминлаш, бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш.

## 2-Модул. Микроиқтисодиёт ва унинг амал қилиш механизми

## 8-Мавзу: Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати

### Муҳокама учун саволлар

1. Талаб қонунини тушунтиринг. Талабга қандай омиллар таъсир қилади? Бу омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради?

2. Таклиф қонунини тушунтиринг. Таклифга қандай омиллар таъсир қилади? Бу омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради?

3. Дон биржасида буғдойга бўлган талаб ва таклифнинг умумий ҳажми қуйидаги маълумотлар билан характерланади деб фараз қиламиз:

| Талаб, минг сентнер ҳисобида | Бир сентнер нархи (сўм) ҳисобида | Таклиф минг сентнер ҳисобида | Ортиқча (+) ёки кам (-) |
|---|---|---|---|
| 85 | 3400 | 72 | |
| 80 | 3700 | 73 | |
| 75 | 4000 | 75 | |
| 70 | 4300 | 77 | |
| 65 | 4600 | 79 | |
| 60 | 4900 | 81 | |

а) бозор нархи ёки мувозанатли нарх қандай бўлади?

Буғдойнинг мувозанатли миқдори қанча? 4-устунни тўлдиринг ва натижаларини тушунтириб беринг; б) шу маълумотлардан фойдаланиб буғдойга бўлган талаб ва таклифнинг график шаклидаги тасвирини беринг. Мувозанатли нарх ва мувозанатли миқдорни аниқланг; в) нима учун 3400 сўм бу бозорда мувозанатли нарх бўла олмайди? 3900 сўм-чи? г) энди давлат буғдойнинг энг

[171] Hozirda Xalqaro savdo tashkiloti

юқори нархини 3700 сўм қилиб белгилади деб фараз қиламиз. Бундай нарх қандай оқибатларга олиб келишини батафсил тушунтиринг. Ўз жавобларингизни графикда тасвирланг.

4. Талаб ва таклифнинг қуйидаги ўзгаришларининг ҳар бири рақобатли бозорда мувозанатли нарх ва маҳсулотларнинг мувозанатли миқдорига қандай таъсир кўрсатади? Жавобларингизнинг тўғрилигини текшириш учун талаб ва таклиф диаграммасидан фойдаланинг;

а) таклиф қисқаради, талаб эса ўзгаришсиз қолади; б) талаб қисқаради, таклиф эса ўзгаришсиз қолади; в) таклиф кўпаяди, талаб эса ўзгаришсиз қолади; г) талаб ортади ва таклиф ҳам кўпаяди; д) талаб ортади, таклиф эса ўзгаришсиз қолади; э) таклиф кўпаяди, талаб эса қисқаради; ж) талаб ортади, таклиф эса қисқаради; з) талаб қисқаради ва таклиф ҳам қисқаради.

**Масала ва машқлар**

1. Олимжон Нексия автомобилини ўтган йили бозорда 5000000 сўмга сотмаган эди. Бу йил эса 5600000 сўм нарх белгиланди. У машинасини сотди. Агар ўтган йилга нисбатан нарх 20% га ошган бўлса, Олимжон машинасини сотиб тўғри қилдими?

2. Ҳафта давомида 60 минг сўмдан 100 дона костюм - шим сотилди. Иккинчи ҳафтада эса костюм-шим нархи 5 минг сўмга пасайтирилди. Сотилган костюм-шим миқдори 150 донага етди. Учинчи ҳафтада эса 109та сотилди. Тўртинчи ҳафтага ўтгача, атиги 50 дона сотилди. Талаб эластиклигини ҳисобланг. Эластиклик кўрсаткичидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришга қандай топшириқ кетади, изоҳланг.

3. Эркинжон Тошкент Давлат маданият институтида талаба. Кундалик майда-чуйда харажатлари учун коллежда маданий-маърифий тадбирларни уюштиришда ташкилотчи бўлиб ишлайди. Бажарадиган ишларидан бири бадиий филмлар намойиш этишни ташкил этиш. Асосий ишларидан бири кинофилм кўриш учун билетларга нарх белгилаш. Кинокўрсатувлар залида 700 ўрин, филм прокати учун тўланадиган ҳақ 180000 сўм, зални ижарага олиш ҳақи 25000 сўм, операторга 15000 сўм, билет текширувчи контролёрларга (икки киши) 5000 сўм. Билет нархига кўра талаб қуйидагича:

| Нарх, сўм. | Талаб, дона билет. |
|---|---|
| 700 | 300 |
| 600 | 400 |
| 500 | 500 |
| 400 | 600 |
| 300 | 700 |

Умумий харажатлар, тушум, қоладиган даромад ва меъёрий тушумни аниқланг. Ундан қандай хулоса чиқариш мумкин, изоҳланг.

4. Қуйидаги жадвалда нархнинг ўзгаришига кўра таклиф ҳажмининг ўзгариши берилган. Маълумотлар асосида таклиф эластиклиги коеффитсиентини аниқланг. Жадвални тўлдиринг. Эластиклик коеффитсиенти деганда нимани тушунамиз? Уни ҳисоблашнинг қандай аҳамияти бор? Эластиклик коеффитсиентининг бирга тенг бўлиши, бирдан катта ёки кичик бўлиши нимани билдиради? Фикрингизни изоҳлаб беринг.

| Товар турлари | На рх, сўм | Таклиф ҳажми, дона | Нархга кўра таклиф эластиклиги коеффитсиенти | Еласт иклиги |
|---|---|---|---|---|
| А | 1<br>2 | 2<br>4 | | |
| Б | 4<br>4 | 6<br>10 | | |
| В | 8<br>10 | 12<br>5 | | |

5. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг:

«Жевонс фикрича, субектив жиҳатдан нафлиликни миқдоран аниқлаш ва баҳолаш фақат товар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омилларининг бозор нархида баҳосида намоён бўлади.[172]

Парето эса назарияга субектив нафлиликнинг миқдорий тушунчаси ўрнига тартибли, яъни субектив жиҳатдан танлаш афзаллигини кетма-кетлик асосида алоҳида неъматларнинг нафлилигини солиштириш ўрнига уларнинг тўпламини таққослашни киритди.[173]

Ҳар икки фикрни таҳлил қилиб, ординалистик ва кардиналистик йўналишлари мазмунини аниқланг.

## 9-Мавзу: Нархнинг моҳияти ва шаклланиш хусусиятлари

### Муҳокама учун саволлар

1. Нарх нима?
2. Нархнинг аҳамияти нимада ва у қандай вазифаларни бажаради?
3. А.Маршаллнинг «Нарх консепсияси»нинг моҳияти нимадан иборат?
4. Талаб нархи ва таклиф нархини тушунтириб беринг?
5. Еркин бозор иқтисодиёти шароитида нарх қандай шаклланади?
6. Нарх қандай омиллар таъсирида шаклланади?
7. Монополлашган бозорда нарх қандай шаклланиш хусусиятларига эга?
8. Нархнинг қандай турларини биласиз?
9. Нархнинг қуйи ва юқори чегараси деганда нимани тушунсиз?
10. Нархнинг мутлоқ ва нисбий даражасини тушунтириб беринг?
11. Нарх паритетини изоҳлаб беринг?
12. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги нарх сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг?

[172] Всемирная история экономических мысли. М.: 1989г., т.3, с.157

[173] Всемирная история эконимических мысли. М,: 1989г., т.3, с.164

**асала ва машқлар**

1. Қуйида фирмалар ўртасида қабул қилган қарорига мувофиқ тўлов матритсаси берилган:

**Фирмалар қарори бўйича тўлов матритсаси**

| | «Кундуз» фирмаси нархни 1000 сўмга туширади | | «Кундуз» фирмаси нархни 1000 сўмга туширмайди | |
|---|---|---|---|---|
| «Юлдуз» фирмаси нархни 1000 сўмга туширади | - 5000 | - 5000 | - 10000 | + 15000 |
| «Юлдуз» фирмаси нархни 1000 сўмга туширмайди | + 15000 | - 10000 | | |

Унда ҳар бир фирманинг фойдаси қабул қилган қарорига қараб ўзгариши кўрсатилган. Агар «Кундуз» фирмаси маҳсулотининг баҳосини ўзгартирмаса, «Юлдуз» фирмаси эса 1000 сўмга туширса, у ҳолда «Кундуз»нинг фойдаси 10000 сўмга камаяди. «Юлдуз»нинг фойдаси 15000 сўмга кўпаяди. Агар иккаласи ҳам бозорни эгаллаш мақсадида бир-бирига нарх жанги қилиб, нархни туширса 5000 сўмдан зарар кўришади.

Бўш катакларни тўлдиринг. Сизнингча энг маъқули фирмаларнинг қандай қарорга келиши бўлади. Парето ечими ва Неш ечими қандай қарор қабул қилиш керак бўлади?

2. Фирма монопол ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқаради. Унинг умумий харажатлари ТС=10+18Қ; Бу ерда Қ – маҳсулот ҳажми.

Баҳога нисбатан талаб эластиклиги э=7га тенг бўлганда фирма ўз маҳсулотига қандай баҳо белгилаши мумкин?

3. Фирма НОДИР товарини ишлаб чиқаради. Ялпи даромад(тушум) ТР, меъёрий даромад МР, меъёрий харажатлар МС қуйидагига боғлиқ кўрсаткичларда ифодаланган

ТР=2600Қ-7$Қ^2$

МР=350-13Қ

МС=35-2Қ

Қ- НОДИР товарини ишлаб чиқариш ҳажми.

Шу товарни қанча миқдорда ишлаб чиқариш ва қанча миқдорда сотиш мумкин? Агар:

а) фирма монополия шароитида фаолият юритса;

б) фирма эркин рақобат шароитида фаолият юритса;

4. Ҳозирги пайтда «Катерпиллар» фирмаси дунёда ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури бўйича улуши 75%га тенг. Фирма «Катерпиллар» тракторини 24 минг долларга баҳолайди. Рақобатдош фирманинг худди шундай трактори 20 минг доллар туради. Потенсиал харидор дилердан нима сабабдан у трактор учун 4 минг доллар ортиқча тўлаши кераклигини сўраганда, у шундай жавоб беради:

- 20 минг доллар тракторнинг баҳоси, рақиб фирманинг худди шундай трактори нархи билан тенг. 3 минг доллар - тракторнинг юқори даражада ишончлилиги учун мукофотли устама; 2 минг доллар – юқори даражада сервис хизматлари учун мукофотли устама; 1 минг доллар – деталлари ва эҳтиёт, бутловчи қисмларига нисбатан узоқроқ муддатга кафолат қиймати. Ана энди бундан келиб чиқиб тракторнинг баҳосини ҳисобланг дейди. Харидор ҳайрон бўлади, охир оқибат тракторни сотиб олишга қарор қилади.

Харидор нимага ҳайрон бўлади ва нима сабабдан у қиммат бўлса ҳам тракторни сотиб олади?

## 10-Мавзу: Рақобат ва монополия

### Муҳокама учун саволлар

1. Рақобатнинг моҳияти ва мақсадини тушунтириб беринг.
2. Рақобатчилик муносабатларининг ривожланиши қандай босқичлардан иборат? Ҳар бир босқичда рақобатнинг характери ва асосий белгиларини ажратиб кўрсатинг.
3. Рақобат шаклларига тушунча беринг ва уларнинг ҳар бирига хос белгиларини кўрсатинг.
4. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатнинг фарқини тушунтириб беринг.
5. Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг вазифалари орқали тушунтириб беринг. Нарх асосий турларининг қисқача тавсифини беринг.
6. Соф рақобат шароитида нархнинг ташкил топиш механизмини тушунтириб беринг.

### Масала ва машқлар

1. Мукаммал рақобатга асосланган тармоқда 20та фирма фаолият юритади. Маҳсулотнинг бозор баҳоси 40. Агар узоқ муддатли даврда тармоқнинг минимал ўртача харажатлари 30, умумий харажатлар эса 60 бўлса, тармоқнинг рақобатли мувозанатга яқинлашуви рўй бераяпти. У ҳолда баҳо ва таклиф қандай ўзгаради.

2. Мукаммал рақобатли фирма йилига 20 минг дона телефон ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқаришнинг ўртача харажатлари 21500 сўм. Ўртача ўзгарувчи харажатлар 17500 сўм, бозор баҳоси 25000 сўм бўлса, фирма қанча фойда кўради.

3. Мамлакатимизда турли шаклдаги хўжалик юритувчи субектлар томонидан ўз устунлик мавқеидан фойдаланиб, ҳар хил қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида монополист корхоналар Давлат реестрига киритилади.

Ўзбекистонда 1996-йил монополист корхоналар сони 827та бўлиб, маҳсулотлар сони 4351та бўлган бўлса, 2003 йилга келиб, Давлат реестрига киритилган корхоналар сони 386тага тушди. Маҳсулот (товар ва хизматлар) эса 247та. Монопол маҳсулотларнинг асосий қисми хизмат кўрсатиш (43%), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (19%)ни ташкил этади.

2003-йилда монополист корхона ва маҳсулотлар 1996-йилга нисбатан қанча камайганини, хизмат кўрсатиш ва қурилиш бўйича монопол маҳсулотлар турини ҳисобланг. У нимадан далолат беради? Нима сабабдан монопол маҳсулотлар хизмат кўрсатиш ва қурилиш моллари бўйича кўп Бунинг сабаби нима деб ўйлайсиз?

6. Қуйидаги жадвалда мукаммал рақобат шароитида фирманинг фаолияти ҳақида маълумотлар берилган.

| П | Қ | ТР | ТС | ТВС | ТФС | АТС | АВС | МС |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 100 | | | 250минг | 150минг | | | 3минг |

Бозорда маҳсулот бирлигига баҳо 5 минг сўм миқдорида ўрнатилади.

1) Жадвалдаги етишмовчи маълумотларни топиб, жадвални тўлдиринг.

2) Фирма фойдани максималлаштириш учун ҳаракат қиладими ёки зарарни минималлаштириш учун, аниқланг.

3) Фирма фойдани кўпайтириш, зарарни камайтириш учун нима қилиши керак, тушунтиринг.

а) маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш;

б) маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

д) корхонани ёпиш,

е) ҳеч нарсани ўзгартириш шартмас.

## 11-Мавзу: Антимонопол қонунчилик ва табиий монополияларни тартибга солиш

### Муҳокама учун саволлар:

1. Табий монополия субъектлари таркибига қандай корхона ва ташкилотларни киритиш мумкин?
2. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш зарурати нима билан изоҳланади?
3. Ўзбекистонда табиий монополиялар фаолияти қандай меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади?
4. Ўзбекистонда табий монополия соҳасини белгилаш қайси мезонларга асосланади?
5. Мамлакатимизда табий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солишда хорижий мамлакатлардаги қайси усуллардан фойдаланиш мумкин?
6. Ўзбекистондаги табий монополиялар субъектларининг вужудга келиши, амал қилиши хусусиятлари ва ривожланиш тенденсияларига баҳо беринг.
7. Ўзбекистондаги табий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш усуллари самарадорлигини баҳоланг ва уларни хорижий мамлакатлардаги мавжуд усуллар имкониятлари билан таққосланг.

## 12-Мавзу: Иш ҳақининг шаклланиши ва амал қилиши

### Муҳокама учун саволлар

1. Яратилган миллий маҳсулотнинг қандай қисми иш ҳақи шаклини олади?
2. Иш ҳақи билан зарурий маҳсулот ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?
3. Иш ҳақининг турлича назарияларини таҳлил қилиб, уларга ўз қарашингизни билдиринг.
4. Реал иш ҳақи даражаси қандай омиллар таъсири остида ўзгаради?
5. Нима учун иш ҳақининг умумий даражаси ҳар хил мамлакатларда турлича?
6. Тариф тизими ўз ичига қандай таркибий қисмларни олади? Уларнинг ҳар бирининг аҳамияти ва фарқланишини тушунтириб беринг.
7. Меҳнат муносабатлари деганда нимани тушунасиз? Меҳнат муносабатлари кимлар томонидан тартибга солинади?
8. Касаба уюшмаси нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
9. Касаба уюшмалари иш ҳақини оширишнинг қандай усулларидан фойдаланадилар?
10. Меҳнат шартномаси нима ва унда қандай масалалар ўз ифодасини топади?

### Масала ва машқлар

1. Ўзбекистонда тармоқлар бўйича меҳнат ҳақи қуйидагича (ўртача республика даражасига нисбатан, %да)

**Миллий иқтисодиёт тармоқларида иш ҳақи**

| | 1990 | 1995 | 2000 | 2008 | 2010 |
|---|---|---|---|---|---|
| Миллий иқтисодиётда, жумладан: | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Саноат | 108 | 159 | 192 | 163 | 160 |
| Қишлоқ хўжалиги | 107 | 70 | 50 | 50 | |
| Қурилиш | 131 | 175 | 158 | 220 | 158 |
| Транспорт | 115 | 159 | 172 | 159 | 132 |
| Алоқа | 157 | 168 | 216 | 159 | 133 |
| Савдо | 84 | 58 | 70 | 134 | 123 |
| Коммунал хўжалик | 76 | 101 | 120 | 99 | 84 |
| Халқ таълими | 81 | 72 | 87 | 61 | 82 |
| Кредит, суғурта | 149 | 198 | 215 | 142 | 102 |

Жадвал маълумотларига диққат қаратинг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Уларни таққосланг. Бундай табақаланишни сабаблари нимада деб ўйлайсиз, кўрсатинг.

**2. Қуйидаги жадвал маълумотларига диққат қилинг.**

**Ўзбекистонда турли мулк шаклларига кўра меҳнат ҳақининг табақаланиши (ўртача республика даражасига нисбатан %да)**

| | 1995 й. | 2000 й. | 2010 | 2015 |
|---|---|---|---|---|
| Миллий иқтисодиётда ўртача жумладан: | 100 | 100 | 100 | 100 |
| 1. Давлат мулкчилигига асосланган корхоналар, ташкилотларда | 114,9 | 120,1 | | |
| 2.Нодавлат мулкчилигига асосланган корхоналарда, ундан: | 86,6 | 86,0 | | |
| а) хусусий индивидуал мулкчилик | 69,4 | 65,3 | | |
| б) аксионерлик мулкчилик | 121,5 | 142,2 | | |
| д) қўшма корхоналарда | 165,8 | 269 | | |
| е) кооператив мулкчилик | 108,9 | 50,1 | | |
| ф) жамоа мулкчилиги | 69,3 | 41,4 | | |
| г) ижара корхоналар | 104,7 | 63,6 | | |
| х) ижтимоий ташкилотлар мулки | 75,9 | 127,8 | | |

Жадвалда кейинги йил маълумотларини келтиринг. Улардан қандай хулоса чиқариш мумкин, изоҳланг. Нима сабабдан иш ҳақи қўшма корхоналарда энг юқори даражада. Фикрингизни асосланг.

2015 йилда буджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини босқичма-босқич кўпайтириш давом эттирилиб, иш ҳақини инфлятсия даражасидан юқоҳи бўлган миқдорда ошириш учун давлат буджетидан 1,3 триллион сўм маблағ ажратилди. 2015 йил 1 январдан бошлаб ягона

тарифф сеткасини қайта кўриб чиқиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий даражасини биринчи разряд миқдорида белгилаш амалга оширилди. Сизнингча бу қандай натижага олиб келади? Фикрингизни баён қилинг.

3. АҚШда иш ҳақи ва маош 4005 млрд. долларни, рента 28 млрд. долларни, протсент 407 млрд долларни, хусусий тадбиркорларнинг даромади эса 473 млрд. долларни ташкил этди. Уларнинг умумий даромадга нисбатан улушини ҳисобланг.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда иш ҳақи аҳолининг умумий даромад-ларининг деярли 1/3 қисмини ташкил этади. Уларни таққосланг. Иш ҳақининг улуши юқорилиги нимани кўрсатади, изоҳланг.

5. Фирма ишчиларни рақобат асосида ишга қабул қилади. Агар бир дона маҳсулотнинг бозордаги нархи 5500 сўм бўлса, фирма нечта ишчини ишга қабул қилади? Ҳисобланг, жадвални тўлдиринг ва жавобингизни изоҳланг.

| Ишчилар сони | Маҳсулот ҳажми, дона | Меҳнат ҳақига харажатлар, минг сўм | Меъёрий маҳсулот, минг сўм |
|---|---|---|---|
| 0 | 0 | | |
| 1 | 15 | 30 | |
| 2 | 35 | 60 | |
| 3 | 50 | 90 | |
| 4 | 60 | 120 | |
| 5 | 66 | 150 | |
| 6 | 67 | 180 | |

**13-Мавзу: Истеъмолчи хулқи назарияси: нафлилик ва уни максималлаштириш қоидаси**

**FSMU texnologiyasi**

**(F)** – Fikringizni bayon eting.
**(S)** – Fikringiz bayoniga biron sabab ko'rsating.
**(M)** – Ko'rsatilgan sababni tushuntiruvchi misol keltiring.
**(U)** – Fikringizni umumlashtiring.

Ushbu texnologiya tinglovchilarni o'z fikrini himoya qilishga, erkin fikrlash va o'z fikrini boshqalarga o'tkazishga, ochiq holda bahslashishga, egallangan bilimlarni tahlil qilishga va qay darajada egallaganliklarini baholashga hamda tinglovchilarni bahslashish madaniyatiga o'rgatadi.

**Chekli naflikning kamayib borish qonuni xayotga tadbiq etish mumkinmi?**

**F** - Fikringizni bayon eting.

**S** - Fikringizni bayoniga biror sabab ko'rsating.

**M** - Ko'rsatilgan sababni tushuntiruvchi misol keltiring.

**U** - Fikringizni umumlashtiring.

**Тест саволлари**

**1. Нормал товарларга бўлган “даромад-самараси” шуни билдирадики:**

А) Х маҳсулотнинг баҳоси кўтарилганда истеъмолчи ушбу ва бошқа маҳсулотлар харидини пасайтиради.

Б) Х маҳсулот нархининг пасайиши ушбу маҳсулот истеъмоли хажмининг ошишига олиб келади.

В) Агарда Х маҳсулотнинг нархи ўзгарганда, истеъмолчи ўз харидини қайта тақсимлаган ҳолда қуйидаги тенглик таъминланиши лозим:

**МУх (Пх= МУй/Пй=………..МУн/Пн)**

Г) Ҳамма жавоблар тўғри.

**2. Х маҳсулотнинг нархи тушганда:**

А) Даромад самараси истеъмолчининг кўпроқ махсулот харид қилишини

рағбатлантиради, алмаштириш самараси эса камроқ..
Б) Даромад самараси ва алмаштириш самараси оқибатида истеъмолчи X маҳсулотдан кўпроқ сотиб олинади.
В) даромад самараси оқибатида X маҳсулотдан камроқ, алмаштириш самараси оқибатида эса кўпроқ харид қилинади.
Г) даромад самараси ва алмаштириш самараси X маҳсулот истеъмолчининг камайишига олиб келади.

**3. Агар X маҳсулотнинг нархи пасайганда истеъмол қилиш хажми ҳам пасайса :**
А) X нармал товар ҳисобланади.
Б) X гиффен товар ҳисобланади.
В) X паст категорияли товар ҳисобланади.
Г) Бозорда турли вазиятлар сабаб бўлган.

**4. Бошқа шароитлар ўзгармас бўлганда X маҳсулотнинг кетма-кет истеъмоли чекли нафликни секин аста пасайишига олиб келади. X маҳсулот бундай ҳолда :**
А) X товар сифатсиз ҳисобланади.
Б) алмаштириш самараси даромад самарасидан юқори.
В) X товарга бўлган талаб эластиклиги юқори.
Г) Ўрин босар товар билан X товарнинг кесишган талаб эластиклиги манфий.

**5. Истеъмолчининг даромади ўзгармас бўлган шароитда X товар нархининг ошиши Й товар нархи ўзгармаганда олиб келади:**
А) Буджет чизиғи пастга силжийди
Б) Буджет чизиғи параллел ўнгга кўчади.
В) Буджет чизиғи умуман ўзгармайди.
Г) X ўққа йўналтирилган буджет чизиғи юқорига силжийди

## 14-Мавзу: Тадбиркорлик фаолияти ва тадбиркорлик капитали

### Кейс

Фарғона вилояти Қува туманидаги тадбиркор Ахмадалиев Қудратбек ёзги мавсумда ўзига тегишли савдо шахобчасида музқаймоқлар сотиш учун Тошкент шахридаги “Силвер” музқаймоқ ишлаб чиқарувчи улгуржи корхонаси билан шартнома тузган. Шартнома қиймати: 10 миллион сўм, муддати 50 % маблағ ўтказилгандан сўнг 5 кун. Шартномада транспорт ҳаражатлари ЯТТ Ахмадалиев Қудратбек томонидан қопланиши кўрсатилган.

**Қуйидаги ҳолатлар юзага келган:**

5. Маҳсулотни олиб келишдан аввал 5 миллион сўм пул ўтказиб берилган. Ҳафтанинг душанба куни.
6. Маҳсулотни олиб келиш учун ЯТТ махсус музлатгичга эга транспортни уч кунга буюртма асосида олган. Ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари учун.
7. Мавсумда буюртманинг кўплиги сабабли ЯТТ шанба куни маҳсулотни олган, лекин музлатгичли транспорт бошқа буюртма билан кетган.
8. Ишлаб чиқарувчи корхона ўз транспортини таклиф қилган лекин нархи аввалги транспортга нисбатан икки баробар қиммат.

### Муаммоли вазият

9. ЯТТ Ахмадалиев Қудратбек томонидан йўл қўйилган хатоликни аниқланг
10. “Силвер” музқаймоқ ишлаб чиқарувчи улгуржи корхонасини хатосини аниқланг.

11. Шартномадаги форс-мажор ҳолатлари қандай йўл билан бартараф қилинади.
12. ЯТТ Ахмадалиев Қудратбекнинг ўрнида сиз бўлсангиз қандай йўл тутган бўлар эдингиз.

"Силвер" музқаймоқ ишлаб чиқарувчи улгуржи корхонаси раҳбари бўлсангиз нима қилган бўлардингиз.

**Мисол ва масалалар**

8. Иқтисодиёт назарияси китобларида кўпинча тадбиркорликни ишлаб чиқаришни тўртинчи фактори сифатида берилади, бунда у меҳнат, капитал ва эр каби омиллар билан тенглаштирилади. Сизга бундай ёндашув маъқулми? Тадбиркорлик омили қолган ишлаб чиқариш омилларидан фарқли равишда ўзига хос хусусиятга эгами ва бу бошқа омиллардан афзалми?

9. Иқтисодиёт назарияси фанидан биламизки тадбиркорлик фаолияти таваккалчилик билан боғлиқдир. Ўйлаб кўринг бу таваккалчилик аниқ нима билан боғлиқ: а) пул йўқотишлар билан; б)мавқени йўқотиш билан; в) ҳаётни йўқотиш; г)ахборотни қалбакилиги билан. Агар сиз тадбиркорликка мойил бўлсангиз юқорида келтирилганларни қайси бири сиз учун аҳамиятга?

10. «Алдамасанг — сотолмайсан» (рус халқ мақоли). «Даромад ҳаммасидан юқори, лекин лафз даромаддан юқори». Тадбиркорлик фаолиятида қайси тамойилларга бўйсунган маъқул?

11. Таниқли чет эллик тадбиркор радиодаги чиқишида қуйидаги афоризмни айтган: «Капитализм — бу ҳар бир киши ўз магазинини очиши мумкин; коммунизм — бу ҳеч ким ўз магазинини оча олмайди».

12. Бу афоризмни сиз қандай изоҳлайсиз?

13. Тадбиркор ўз фаолиятини бошлаган биринчи йили 1,5 млн. сўм фойда олди. Иккинчи йилда унинг фойдаси 2 млн. сўмга етди. Шу вакт ичида барча турдаги солиқлар олинган фойданинг 1/5 кисмидан 1/4 қисмига ўзгарди. Тадбиркорнинг пировард натижаси амалда қайси томонга ўзгарган?

14. Агар тадбиркор йилига 12% шарти билан 1600 доллар пулни тижорат банкидан олган бўлиб, уни 6 ойда тўла қайтарса, у канча пулни ушбу банкка тўлайди?

## ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

**1-масала**

Қиймати 25000 сўм бўлган машинанинг маънавий эскиришини аниқланг, агар у 10 йил давомида амортизатсия орқали қопланса, лекин 4 йилдан сўнг, қиймати 16000 сўм, амортизатсия муддати ана шундай бўлган, янги машина билан алмаштирилган.

**2-масала**

Корхонанинг оборот капитали ҳаражати бир йилга 2 млн. сўм, авансланган оборот капитал эса 4 млн.сўм. Йиллик қўшилган қиймат меъёрини аниқланг, агар олинган фойда йилига 3 млн. сўм.

**3-масала**

Асосий капиталнинг қиймати 40000 сўм капитални таъмирлаш учун сарфлар 15000 сўм хизмат даври 10 йил.

Амортизатсия нормасини аниқланг.

**4-масала**

Тижорат фирмаси бир йилда савдо сотиқ ишини юритиш учун 15 млн. долл. жорий сарф қилган, шунинг эвазига 1,4 млн. фойда кўрган. Бинобарин фойда нормаси 9,3 % ни ташкил этади.

Фирма 20 млн. долл. капитал сарфлади. 1,4 млн. долл. фойда олди. Ушбу масалада қўйилган капиталнинг фойда келтириш даражасини аниқланг.

**II. Кичик бизнес субъекти ўз рақибини енгиш учун қўллайдиган беш хил тадбирни тузинг:**

1. Товар нархини тушириш
2. ____________________________
3. ____________________________
4. ____________________________
5. ____________________________

## МУАММОЛАР

**1-муаммо.** Нима деб ўйлайсиз, нима учун тадбиркорлик фаолияти ҳозирги кунда иқтисодий ривожланишнинг асосий фаолият тури бўлиб қолмоқда?

**Кичик муаммолар:**

1. “Тадбиркор” тушунчасининг “мулкдор” тушунчасидан фарқи нима?
2. “Тадбиркорлик” ва “Бизнес” тушунчаларининг-чи?
3. Нима учун тадбиркор таҳлика билан фаолият кўрсатади?

**2-муаммо.** Тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу шаклининг устунлиги нимага боғлиқ?

**Кичик муаммолар:**

1. Қандай шароит тадбиркорликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган?
2. Тадбиркорлик шакллари бир-биридан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

**3-муаммо.** Нима учун капитал доимо доиравий айланишда бўлади?

**Кичик муаммолар:**

1. Асосий ва айланма капиталнинг ўзи нима?
2. Улар ўртасидаги нисбат нимага боғлиқ?
3. Амортизатсия фондидан қандай фойдаланиш самаралироқ?

## 15-Мавзу: Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда

## 2. Саволлар асосида БББ жадвалини тўлдиринг

| Саволлар | Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб Олдим |
|---|---|---|---|
| 1. Ички ва ташқи харажатларни биласизми? | | | |
| 2. Ўзгармас харажатлар маҳсулот хажмига боғлиқми? | | | |
| 3. Ўртача ўзгармас харажатлар ва ўртача ўзгарувчан харажатларнинг бир биридан фарқини биласизми? | | | |
| 4. Умумий харажатлар қандай харажатлардан таркиб топган? | | | |
| 5. Чекли харажатни ҳисоблашнинг корхона учун аҳамияти қандай ? | | | |

### 2. Гуруҳларда муҳокама ва хулосалар чиқариш учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг моҳиятини ва таркибини тушунтиринг.
2. Ички ва ташқи харажатлар ўртасидаги фарқ нимадан иборатлигини мисол орқали тушунтиринг.
3. Ўртача доимий, ўзгарувчи ва умумий харажатларнинг мазмуни ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
4. Фойданинг мазмуни ва манбаини тушунтиринг.
5. Иқтисодий фойда ва бухгалтерия фойдасининг фарқи нимада? Уларнинг шаклланиш тартибини тушунтириб беринг.
6. Ялпи фойданинг тақсимланиш тартибини тушунтириб беринг. Мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг турлилиги фойданинг тақсимланиш тартибига қандай таъсир кўрсатади?

**Мунозара қатнашчиларига эслатма**

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат;
2. Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида ҳиссиётларини жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил;
5. Рақибларинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истеҳзоли ёндаш;
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

**Мунозара регламентини ўтказиш тартиби**

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдимотларини эълон қилади.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Тақризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

**3. Нима учун методи ёрдамида Ўртача харажатларни ҳисоблаш нима учун кераклигини аниқланг**

**1-гурух, 2 гурух, 3 гурух**

**«Нима учун?» техникаси**




**16-Мавзу: Аграр муносабатлар:ижара ҳақи ва рента**

**4. Қуйидаги кластерни тўлдиринг**




Қишлоқ инфратузилмаси бошқа инфратузилмалардан нимаси билан фарқланади? Нима сабабдан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда? Изоҳланг.

**5. Республика фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси[174] келтирилган. Жадвалнинг бўш қисмларини ҳисобланг.**

| Йиллар | Маҳсулот ҳажми, млрд.сўм | | | Ўсиш суръати, % | | Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши, % |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳақиқий баҳоларда | таққослама баҳоларда: 2005 йил бўйича | таққослама баҳоларда: 2015 йил бўйича | олдинги йилга нисбатан | 2005 йилга нисбатан | |
| 2005 | 1453,5 | 1453,5 | 5320,4 | | | 24,3 |
| 2006 | 2367,5 | 2130,8 | 7799,7 | | | 31,4 |
| 2007 | 3111,0 | 2514,4 | 9203,6 | | | 34,7 |

[174]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2008 | 3686,0 | 2524,4 | 9240,5 | | | 32,6 |
| 2009 | 4822,6 | 2832,4 | 9514,2 | | | 35,4 |
| 2010 | 5962,8 | 2988,2 | 10367,8 | | | 35,0 |
| 2011 | 7505,1 | 3119,7 | 10938,0 | | | 34,1 |
| 2012 | 8377,2 | 3303,8 | 11419,3 | | | 34,4 |
| 2013 | 10474,4 | 3449,2 | 12093,0 | | | 34,0 |
| 2014 | 12142,0 | 3614,8 | 12625,1 | | | 32,9 |
| 2015 | 13801,1 | 3770,2 | 13801,3 | | | 32,6 |

**6. Юқоридаги асосий тушунчаларга қуйидаги жавоблардан тўғрисини танланг:**

а) Ердан фойдаланганлик учун унинг эгасига тўланадиган ҳақ. У тарихан ишлаб бериш – баршчина, маҳсулот билан тўлаш – оброк ва пул билан тўлаш шаклида амал қилган.

б) Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хусусиятларига кўра таркиб топган иқтисодий муносабатлар.

д) Ерга қўшимча сарфланган сапитал ва унинг натижасидаги фарқ эвазига вужудга келадиган қўшимча даромад.

е) Ер участкаларининг табиий унумдорлиги ва истеъмолчиларга нисбатан жойланишидаги фарқ туфайли вужудга келадиган қўшимча даромад.

ф) Мутлақ чекланган ресурс – ердан фойдаланганлик учун унинг эгасига тўланадиган ҳақ.

г) Ер қаъридаги қазилма бойликларнинг сифати ва қазиб олишдаги харажатлардаги фарқ туфайли вужудга келадиган рента.

ҳ) Ўта ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинадиган рента.

и) Ўзининг қатор хусусиятларига кўра ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши қисқариб борувчи қишлоқ хўжалиги.

ж) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, даромадга ва нархга нисбатан талаб ва таклифнинг ноегилувчанлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариб туриши, ички талабнинг тебраниши, чет эл талабининг беқарорлиги сабабли нисбатан қисқа муддатга хос муаммолар.

к) Фан-техника тараққиёти натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпайиши, аҳоли харажатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига сарфлар мутлоқ миқдорининг нисбатан секин ўзгариши, аграр секторда банд бўлганларнинг даромади бошқа соҳаларга нисбатан пастлиги ва беқарорлиги, нарх паритетининг саноат фойдасига ўзгариши ва бошқалар сабабли келиб чиқадиган нисбатан узоқ муддатга хос муаммолар.

к) Мулк(ер) эгасига мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир муддатга бериб тургани учун эгасига тўланадиган ҳақ.

м) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархнинг ўзгаришини тармоқда ишлатиладиган саноат товарлари ва хизматлари нархнинг ўзгариши билан таққосланиши. Одатда у паритет индекси орқали ифодаланади.

## 3-Модул: Макроиқтисодиётнинг амал қилиши ва унинг қонуниятлари

## 17-Мавзу: Ялпи ички маҳсулот ва уни ҳисоблаш усуллари

**Ялпи ички маҳсулотни сарф-харажатлар бўйича ҳисоблаш** (пировард фойдаланиш усули**)**

**1-жадвал**

| | Млрд. сўм | | Жамига нисбатан, %да | |
|---|---|---|---|---|
| | 2007й. | 2012й. | 2007й. | 2014й. |
| Ялпи ички маҳсулот | **27161,2** | | **100** | |
| Пировард истеъмол харажатлари | 17990,8 | | 66,3 | |
| Шу жумладан: | | | | |
| шахсий (уй хўжалиги) харажатлар | **12946,3** | | **47,7** | |
| уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар харажатлари | 347,5 | | 1,3 | |
| Давлат харажатлари | 4697,0 | | 17,3 | |
| Ялпи инвеститсиялар ёки ялпи жамғариш | **4980,8** | | **18,3** | |
| асосий капиталга | 6366,3 | | 23,4 | |
| материал захираларига | -1385,5 | | -5,1 | |
| **Соф экспорт** | **4189,6** | | **15,4** | |

Жадвал рақамларига диққат қилинг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Харажатлар турларини ялпи ички маҳсулотдаги улушини топинг. ЯИМни ҳисоблашнинг бу усули қайси жиҳатлари билан афзал? Яна қандай усулларни биласиз?

**Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ҳисоблаш (қўшилган қиймат усули)**

**2-жадвал**

| | **Млрд. сўм** | | **Жамига нисбатан % да** | |
|---|---|---|---|---|
| | **201й.** | **2012й.** | **2013й.** | **2014й.** |
| Ялпи ички маҳсулот | 27161,2 | | 100 | |
| Шу жумладан: | | | | |
| Саноат | 6543,7 | | 24,0 | |
| Қишлоқ хўжалиги | 5919,0 | | 21,7 | |
| Қурилиш | 1464,8 | | 5,5 | |
| Хизматлар соҳаси | 10726,5 | | 39,4 | |
| Соф солиқлар | 2507,2 | | 9,4 | |

Жадвални кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг қўшилган қиймат усули бошқа усуллардан нимаси билан фарқланади? Изоҳланг.

**3-жадвал**

**Аҳоли жон бошига ҳудудлар бўйича ЯИМ ишлаб чиқариш**

| | 2000* й | 2005* й | 2008** й | 2014й |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | | | | |
| Ўзбекистон Республикаси | 1,00 | 1,00 | 1,0 | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0,547 | 0,549 | 984,7 | |
| Хоразм вилояти | 0,813 | 0,679 | 1236,1 | |
| Бухоро | 1,101 | 1,100 | 2069,4 | |
| Жиззах | 0,641 | 0,791 | 1354,1 | |
| Навои | 1,412 | 2,226 | 2125,4 | |
| Самарқанд | 0,743 | 0,659 | 2393,3 | |
| Сирдарё | 0,996 | 0,950 | 634,6 | |
| Қашқадарё | 0,818 | 0,910 | 2831,6 | |
| Сурхондарё | 0,717 | 0,624 | 1354,1 | |
| Андижон | 0,834 | 0,782 | 2556 | |
| Наманган | 0,671 | 0,563 | 1426,0 | |
| Фарғона | 1,056 | 0,815 | 2853,5 | |
| Тошкент | 1,125 | 1,213 | 3459,6 | |
| Ташкент ш. | 1,401 | 1,447 | 6235,1 | |

Жадвал рақамларига диққат қилинг. 2008 йилда мамлакатимизда 36839,4 минг сўмлик ЯИМ яратилган. У аҳоли жон бошига ўртача 1364 минг сўмни ташкил этади. Жадвалнинг 4-устуни маълумотлари асосида ҳудудларнинг ўртача республика даражасига нисбатан неча фоиз ташкил этишини ҳисобланг. Индекс даражаси 1дан ортиғини юқори, 0,6 дан 1 гача ўртача, 0,6 дан паст бўлса қуйи даража десак, ҳисоб натижасига кўра уларни шундай гуруҳларга ажратинг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Таққосланг, хулоса чиқаринг.

**4- жадвал**

**Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси (аҳоли жон бошига минг сўм, 2009 йил баҳоларида)[175]**

| Кўрсаткичлар | 2004й | 2005й | 2006й | 2007й | 2008й | 2009й | 2013й | 2014й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 834 | 883 | 937 | 1021 | 1093 | 1160 | | |
| Саноат маҳсулоти | 479 | 510 | 555 | 617 | 678 | 727 | | |
| Истеъмол товарлари | 104 | 123 | 147 | 174 | 202 | 226 | | |
| Қурилиш ишла-ри | 98 | 103 | 113 | 135 | 143 | 187 | | |
| Қишлоқ хўжалик маҳсулоти | 268 | 284 | 301 | 309 | 315 | 319 | | |
| Пуллик хизматлар | 72 | 81 | 94 | 116 | 136 | 155 | | |
| Асосий капиталга инвеститсия | 143 | 151 | 164 | 214 | 256 | 323 | | |
| | | | | | | | | |
| Чакана савдо товаробороти | 231 | 248 | 275 | 323 | 363 | 419 | | |
| Пассажирообо-рот (пасс-км.) | 1089 | 1245 | 1383 | 1554 | 1756 | 1834 | | |
| Товар ва хизматлар экспорти | 131 | 141 | 158 | 222 | 354 | 329 | | |
| Товар ва хизматлар импорти | 170 | 192 | 203 | 220 | 244 | 245 | | |

Жадвал маълумотлари ЯИМни ҳисоблашни қайси усулини кўрсатади? Уни ҳисоблашни яна қандай усуллари бор? Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг, таққосланг ва хулоса чиқаринг.

[175] Жадвал муаллиф томонидан. «Экономическое обозрение» // 2009, №10, стр. 26,27. асосида тузилган.

**18-Мавзу: Ялпи талаб ва ялпи таклиф**

**2. Жадвални тўлдиринг.**

Ялпи талаб ва ялпи таклифга қуйидаги омиллар қандай таъсир этади?

| Ҳолат | Нима ўзгаради? (ялпи талаб, ялпи таклиф) | Қандай ўзгаради?<br>1 – эгри чизиқ ўнга чапга сурилади;<br>2 – эгри чизиқ бўйича ўзгаради;<br>3 – катталашади, қисқаради. |
|---|---|---|
| Бензинга аксиз солиғининг 10%га ортиши | | |

*Ечиш кетма-кетлиги.*

5. Ушбу ҳолат ялпи талаб ва ялпи таклиф омилларига қандай таъсир қилади.
6. Ушбу омил нарх воситасида таъсир этувчими ёки нархдан ташқарими.
7. Ўзгариш тавсифини аниқланг.
8. Жадвални тўлдиринг.

*3. Саволга жавоб беринг.*

Кейнсчилик ва классик моделда макроиқтисодий мувозанатнинг мазмуни ва моҳияти нимада?

*4. Жадвални тўлдиринг.*

Ялпи талаб ва ялпи таклифга қуйидаги омиллар қандай таъсир этади?

| Ҳолат | Нима ўзгаради? (ялпи талаб, ялпи таклиф) | Қандай ўзгаради?<br>1 – эгри чизиқ ўнга, чапга сурилади;<br>2 – эгри чизиқ бўйича ўзгаради;<br>3 – катталашади, қисқаради. |
|---|---|---|
| Фоиз ставкасининг ўзгариши | | |

*Ечиш кетма-кетлиги.*

6. Ушбу ҳолат ялпи талаб ва ялпи таклиф омилларига қандай таъсир қилади?
7. Ушбу омил нарх воситасида таъсир этувчими ёки нархдан ташқарими?
8. Ўзгариш тавсифини аниқланг.
9. Жадвални тўлдиринг.
10. **Саволга жавоб беринг.**

Кейнсчилик ва классик моделда макроиқтисодий мувозанатнинг мазмуни ва моҳияти нимада?

2. *Жадвални тўлдиринг.*

Ялпи талаб ва ялпи таклифга қуйидаги омиллар қандай таъсир этади?

| Ҳолат | Нима ўзгаради? (ялпи талаб, ялпи таклиф) | Қандай ўзгаради?<br>1 – эгри чизиқ ўнга, чапга сурилади;<br>2 – эгри чизиқ бўйича ўзгаради;<br>3 – катталашади, қисқаради. |
|---|---|---|
| Таълимга харажатларнинг ўзгариши | | |

*Ечиш кетма-кетлиги.*

5. Ушбу ҳолат ялпи талаб ва ялпи таклиф омилларига қандай таъсир қилади?
6. Ушбу омил нарх воситасида таъсир этувчими ёки нархдан ташқарими?
7. Ўзгариш тавсифини аниқланг.
8. Жадвални тўлдиринг.

**Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида хизмат кўрсатиш ҳажми, (млрд. сўм)**

**2-жадвал**

| **Ишлаб чиқариш инфратузилмаси Тармоқлари** | **2013 йил** | **2014 йил** | **Ўсиш суръати, %** |
|---|---|---|---|
| Темир йўл транспорти | 1108,0 | 1390,0 | 125,5 |
| Автомобил йўллари қуриш ва реконструксиялаш | 397,2 | 531,5 | 133,8 |
| шу жумладан: | | | |
| халқаро аҳамиятдаги | 175,9 | 251,9 | 143,2 |
| давлат аҳамиятидаги | 95,0 | 143,6 | 151,2 |
| маҳаллий аҳамиятдаги | 23,9 | 25,0 | 104,4 |
| Алоқа | 1375,0 | 1596,4 | 116,1 |
| шу жумладан: | | | |
| симли алоқа | 264,0 | 304,9 | 115,5 |
| уяли алоқа | 952,0 | 1104,7 | 116,0 |
| Електр энергияси таъминоти | 1786,1 | 1820,1 | 101,9 |

Жадвал маълумотларига диққатни қаратинг. Ялпи талаб ва таклифда инфратузилманинг ўрнига баҳо беринг. Нима сабабдан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республикамизда инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор қаратилди, изоҳланг. Жадвални кейинги йиллардаги маълумотлар билан тўлдиринг ва уларни тахлил қилинг.

## 19-Мавзу: Истеъмол ва жамғарма

**ЯИМда истеъмол ва жамғаришнинг улуши динамикаси**

**3-жадвал**

| Кўрсат-кичлар | **Йиллар** | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1991 | 1995 | 2000 | 2005 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 |
| **Жами ЯИМ** | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Истеъмол | 77,0 | 79,8 | 83,4 | 67,1 | 64,0 | 65,8 | 70,0 | 65,7 | 68,0 |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Жамғариш | 26,8 | 24,2 | 13,9 | 23,2 | 31,6 | 28,8 | 20,4 | 26,5 | 28,9 |
| Соф экспорт | -3,8 | 2,9 | 0,7 | 9,7 | 4,4 | 5,4 | 9,6 | 7,8 | 3,1 |

**Рақамларга эътибор беринг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. ЯИМни йиллар давомида истеъмол ва жамғаришга шундай тарзда бўлиниши нимани кўрсатади? Таҳлил қилиб хулоса чиқарихг ва фикрингизни баён қилинг.**




**Қуйидаги расмни тушунтириб беринг?**

**Юқоридаги асосий тушунчаларга қуйидаги жавоблардан тўғрисини танланг:**

а) Истеъмол харажатлари билан алоҳида шахс ихтиёридаги даромад ўртасидаги боғланишни ифодалайди;

б) алоҳида шахс ихтиёридаги қўшимча олинган даромаднинг жамғармага сарфланган улуши. Уни жамғаришдаги ўзгариши (ΔС) нинг даромаддаги ўзгариши (Δди)га нисбати тарзида ҳисобланади;

в) йиллик потенсиал даромаднинг ҳар қандай даражасида ҳам ишлаб чиқарувчилар амалга оширишни кўзлаган инвеститсиялар. Жамғарма ҳажми билан (бошқа шароитлар тенг бўлган ҳолда) алоҳида шахс ихтиёридаги даромад ўртасидаги боғланишни кўрсатади;

г) истеъмол сарфларининг ҳажми ва динамикаси алоҳида шахс ихтиёридаги даромад ҳажмига боғлиқ бўлмаган, зарурият туфайли сарфланадиган қисми;

д) йил давомида алоҳида шахс ихтиёридаги даромаднинг истеъмолга сарфланган қисми. Истеъмолнинг даромадга нисбати тарзида ҳисобланади;

е) соф инвеститсия билан модернизатсия (ёки эскирган асосий капиталнинг ўрнини тўлдириш) учун йўналтирилган инвеститсиялар;

ё) мамлакат миқёсида маълум вақт – йил мобайнида ҳажми ва динамикаси яратилган миллий даромадга боғлиқ бўлмаган, заруриятдан қилинадиган харажатлар;

ж) йил давомида шахс ихтиёридаги даромаднинг жамғармага йўналтирилган қисми. Жамғарманинг даромадга нисбати тарзида ҳисобланади;

з) алоҳида шахс ихтиёридаги қўшимча олинган даромаднинг истеъмолга сарфланган улуши. Истеъмолдаги ўзгариш (ΔС) нинг, даромаддаги ўзгаришга (Δди) нисбати тарзида ҳисобланади;

## Масала ва машқлар

1. А мамлакатнинг иқтисодиётида инвеститсия функсияси И = 80+0,8Й тенгликда, жамғариш функсияси эса С= – 40 + 1,2 Й тенгликда ифодаланади. Й- миллий даромад. Жамғарма 100% инвеститсияга айланади, десак, мамлакатда миллий даромаднинг мувозанатли ҳажмини ҳисобланг.

Нима сабабдан мувозанатли ҳажми деймиз? Изоҳланг.

2. Агар жамғариш фунсияси С = - 20 + 0,2Й тенгликда ифодаланиб, автоном инвеститсиялар эса 150 бирликни ташкил этса миллий даромаднинг мувозанатли даражаси қандай бўлади? Автоном инвеститсиялар қандай инвеститсиялар? Изоҳланг.

3. Мамлакатда автоном истеъмол харажатлари 20 млрд. сўмни ташкил этди. Истеъмолга ўртача мойиллик 0,675 га тенг, яратилган миллий даромад ҳажми 450 млрд. сўм бўлса, ялпи харажатларни ҳисобланг. Автоном истеъмол харажатлари қандай харажатлар? Тушунтиринг.

Қуйидаги жадвал маълумотларига диққат қилинг:

| Ишлаб чиқариш ва даромад даражаси, ЯИМ=реал даромад, трил. Сўм | Истеъмол, трил. сўм | Жамға-риш, трил. сўм | Ис-теъ-молга ўртача мойил-лик | Жам-ғариш-га ўр-тача мойил-лик | Истеъ-молга меъё-рий мойиллик | Жамға-ришга меъё-рий мойиллик |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 350 | | -4 | | | | |
| 370 | | 0 | | | | |
| 390 | | 4 | | | | |
| 410 | | 8 | | | | |
| 430 | | 14 | | | | |
| 450 | | 20 | | | | |

а) берилганлар асосида жадвални тўлдиринг. Меъёрий даромад ҳам истеъмол ва жамғаришга аввалги нисбатда бўлинади, деб олинг;

б) даромад нуқтасини аниқланг.

Нима сабабдан даромад ортган сари жамғариш ортиб бораяпти, изоҳланг. - Истеъмолга меъёрий мойиллик деганда нимани тушунамиз. Нега уларнинг йиғиндиси бирга тенг?

5. Айтайлик, А мамлакатда 1 млн. оила бор. Оилалар ярмининг истеъмолга меъёрий мойиллиги $^1/_2$, иккинчи ярминики $^3/_4$ га тенг:

А) агар уй хўжаликлари ихтиёридаги даромад 10 млн. сўмга кўпайса ва ҳаммаси оилаларнинг биринчи қисмига тўғри келса истеъмол харажатлари қанчага кўпаяди?

Б) агар ўсган даромадларни барчаси оилаларнинг иккинчи қисмига тўғри келсачи? Ҳисобланг, натижасини изоҳлаб беринг.

## 20-Мавзу: Инвеститсиялар ва инвеститсион сиёсат

### Масалани ишланг.

Фараз қилайлик, инвеститсия лойиҳаси учун 140 млн.сўм миқдорида инвеститсиялаш кўзда тутилмоқда ва лойиҳани амалга ошириш жараёнида олинадиган пул тушумлари миқдори йиллар бўйича қуйидагини: биринчи йилда – 37750 минг сўм, иккинчи йилда – 42390 минг сўм, учинчи йилда-47430 минг сўм, тўртинчи йилда – 51140 минг сўм ва бешинчи йилда 60030 минг сўмни ташкил этади. Бунда қопланиш муддати неча йилга тенг эканлигини аниқланг?

**Ечими:** Бунда уч йиллик пул тушумлари йиғиндиси бошланғич инвеститсиялар миқдоридан кичик, яъни 127570 минг сўмни ташкил этади. Тўрт йил бўйича катта (178710 минг сўм) эканлигини ҳисобга олсак, инвеститсияларнинг аниқ қопланиш муддати

инвеститсия лойиҳасининг тўртинчи йилги фаолиятига боғлиқлигини кўрамиз. Уч йиллик олинган даромадларнинг (127570 минг сўм) бошланғич инвеститсиялардан (140 млн сўм) фарқи 12430 минг сўмни ташкил этишини ҳисобга олсак (140000 - 127570), ушбу қолдиқ сумманинг тўртинчи йилда олинган даромадларга нисбати унинг қопланиш муддатини кўрсатади, яъни 12430/51140=0,24 коеффитсиентни, йил ҳисобида эса 2 ой-у 28 кунни (3 йил+2 ой-у 28 кун) ташкил этишини ҳосил қиламиз. Шундай қилиб, инвеститсия лойиҳасининг қоплаш муддати, яъни лойиҳани амалга оширишдан олинадиган тушумлар қилинган харажатларни қоплаш вақти ҳисобланади.

Тасаввур қилинг, ҳеч қандайистиқболли инвеститсия сердаромамлиликнинг кутилган 16 фоизлик даражасини келтириб чиқармайди. Аммо тахмин қилиб кўринг, сердаромамлиликнинг кутилган 14 ҳамда 16 фоизи даражаси билан $5 миллиардликинвеститсиялаш имкониятлари мавжуд; 12ва 14 фоизли билан қўшимча $5 миллиардик фойда; яна 10 ва 12 фоиз ўртасидаги $5 миллиардлик фойда; ҳар бир кетма-кет 2 фоизли фойдадаги қўшимча $5 миллиардлик ва 2 фоизликка 0 фоизлик фойда бор. Даромадлиликнинг ҳар бир даражаси, р, учун бу рақамларни ҳисоблаш учун даромадлиликнинг дарагаси р ёки ундан баландроғини юзага келтирадиган инвеститсиянинг миқдорларини қўшиб чиқамиз. Бу **Графи к 8.5 (Асосий Гра фи к)** даги гра фи к кўринишда тасвирланган Жадвал 8.2 даги маълумотларни беради. Жадвал 8.2 даги 12 фоизга қарши қўйилган рақам бу ерда сердаромамлиликнинг кутилган 12 ёки кўпроқ даражасини юзага келтирадиган $10 миллиардлик инвеститсия имконияти мавжуд эканини кўрсатади. $10 миллиард ўз ичига $5 миллиардлик инвеститсия сердаромамлиликнинг кутилган 14 ёки кўпроқ даражасини ва $5 миллиард инвеститсия эса сердаромамлиликнинг кутилган 12 ва 14 фоиз ўртасидаги даражасини олади. Юқорида келтириб ўтилган чархловҳи станок билан боғлиқ мисолдан маълум бўладики, сердаромамлиликнинг кутилган даражаси, р, реал фоизли ставкадан, и, ошиб кетса, инвеститсия лойиҳаси амалга оширилади. Келинг, аввал и ни 12 фоиз деб тасаввур қилайлик. Корхоналар р 12% дан ошиб кетгандаги барча пул маблағларини сарфл айди. Яъни, 12 фоизли фойда даражаси 12 фоизли фоизли ставкага тенглашгунга қадар улар пул маблағларини сарф қиладилар.[176] Гра фи к 8.5 $10 миллиардлик инвеститсия сарфи 12 фоизли фоиз ставкасиҳолатида амалга ошишини кўрсатади; бу дегани, $10 миллиардлик инвеститсия лойиҳалари сердаромамлиликнинг кутилган 12 фоизли ёки ундан кўпроқ даражасига эга бўлади. Келинг, яна бошқа усулни қўлаб кўрайлик: 12 фоизли молиявий ънархдаъ, $10 миллиардлик инвеститсия товарлари талабе тилади. Агар фоиз ставкасипартроқ даражада, айтайлик, 8% бўлса, р и га тенг ёки ундан ошиб кетадиган инвеститсия миқдори $20 миллиардни ташкил этади. Шундай қилиб, 8 фоизли реал ставка даражасида $20 миллиардлик товарларга эҳтиёж сезади. 6 гоиздаеса, улар $25 миллиардлик товарларга эҳтиёж сезади.[177]

**Топшириқ**

[176] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 155

[177] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17 th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 156




Маржинал-фойда-маржинал– нарх қоидасини қўллаб, инвестисия лойиҳаси р = и нуқтага етгунча амалга оширилса, График 8.5даги вертикал ўққа реал фоизли ставкани қўшамиз. Гра фи к 8.5даги эгри чизиқ фойданормасинигина кўрсатади; у инвеститсиянинг ҳар бир и ънархидагиъталаб этилган инвеститсия миқдорини намоён этади. Гра фи к 8.5даги вертикал ўқ турли хил эҳтимолий реал фоизли ставкани кўрсатади ва горизонтал ўқ талаб этилган инвеститсиянинг мос келувчи миқдорларини акс эттиради. Фоиз ставкаси(нарх) ва талаб этилган инвеститсиянинг доллар миқдори орасидаги тескари боғлиқлик 3-Бўлимдаги муҳокама этилган қонунни тўғри эканлигини исбот қилади. Гра фи к 8.5 даги СД эгри чизиғи иқтисодиётнинг **инвеститсия талаб эгри чизиғи** дейилади. У ҳар бир реал фоизли ставкадаги яқинлашиб келаётган инвеститсия миқдорини кўрсатади. Инвеститсия даражаси сердаромадлиликнинг кутилган даражаси ва реал фоизли даражага боғлиқ бўлади.

**Ишлаб Чқаришга Солинган Солиқлар** Қачон ҳукумат назарда тутилса, пул маблағларини сарф этиш учун қарор қилишларида фи рмалар солиқдан кейинг кутилган фойдалардан умид қиладилар. Ишлаб чиқарувчиларга солинадиган




солиқларидаги кўтарилишлар инвеститсияларни кутилган фойдалилигини пасайтиради ва инвеститсия талаб чизиғини чапга ва ишлаб чиқарувчиларга солинадиган солиқлари қисқаришини эса ўнгга силжитади.

**Технологик Ўзгаришлар** Технологик юксалишлар яъни янги маҳсулот турларини яратилиши, мавжуд маҳсулотларни ишлаб чиқарилишида такомиллашувлар ва янги техника ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини яратилиши кабилар инвеститсияни рағбатлантиради. Мисол учун, самаралироқ техника жиҳозларини яратиш маҳсулот ишлаб

чиқариш харажатлари пасайтиради ёки маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилайди ва техникага жалб этилган пул маблағларини сарф этишдан юзага келадиган даромаднинг кутилган даражасини оширади. (халестеролли дори-дармонлар, интернет хизматлари, юқори сифатли телевизорлар, уяли телефонлар ва шу кабилар) Фойда келтирадиган янги турдаги маҳсулотлар корхоналар кенг миқёсдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштиришга ўтгани сари инвеститсия кўтарилилиб бораверади[178].

[178] McConnell, Brue. Economics: principles, problems and policies. 17th edition. America, New York: McGraw-Hill, 2008. page 160

## 21-Мавзу: Иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик

**Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги ўсиш суръатлари, фоизда**

**1-жадвал**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 |
| Саноат маҳсулоти | 105,9 | 107,6 | 108,3 | 106,2 | 109,4 | 107,3 | 112,1 | 112,7 | 109.1 | 108.5 | 106.4 | 107.7 |
| Истеъмол моллари ишлаб чиқариш | 106,2 | 107,6 | 108,4 | 108,5 | 113,5 | 116,6 | 118,8 | 117,7 | 113.9 | 112.4 | 111.1 | 107.8 |
| Қишлоқ хўжалиги | 103,1 | 104,2 | 106,0 | 107,3 | 108,9 | 106,2 | 106,1 | 104,5 | 105.8 | 106.9 | 106.6 | 107.0 |
| Хизмат кўрсатиш | 115,7 | 114,7 | 108,6 | 109,5 | 113,8 | 116,3 | 126,6 | 121,3 | 108.5 | 112.5 | 115.7 | 114.2 |
| Қурилиш ишлари | 103,0 | 103,4 | 103,4 | 103,7 | 104,3 | 110,7 | 115,7 | 108,3 | 134.2 | 105.1 | 107.8 | 113.7 |
| Транспортда юк ва йўлов-чи ташиш ҳажми | 112,8 | 102,2 | 106,3 | 107,4 | 106,3 | 106.6<br>115.4 | 107.3<br>114.1 | 106.4<br>113.9 | 92.8<br>109.4 | 100.0<br>108.7 | 104.0<br>107.8 | 105.8<br>108.1 |
| Чакана савдо айланмаси | 107,6 | 109,6 | 102,1 | 104,2 | 105,2 | 105,1 | 121,0 | 117,2 | 119.3 | 113.6 | 117.1 | 113.9 |

Жадвал маълумотларига диққат қилинг. Жадвални кейинги йил маълумот-лари билан тўлдиринг, уларни таҳлил қилинг. Рақамлардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Изоҳланг.

**Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида ўсиш суръатлари**

(аввалги йилга нисбатан фоизда)

**2- жадвал**

| **Кўрсаткичлар** | Йиллар | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2012 |
| Саноат ишлаб чиқариши | 7,3 | 12,1 | 12,7 | 9,0 | 8,3 | 6,3 | 7,7 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш | 6,2 | 6,1 | 4,5 | 5,7 | 6,8 | 6,6 | 7,0 |
| Чакана савдо айланмаси | 8,2 | 21,0 | 7,2 | 16,6 | 14,7 | 16.4 | 13,9 |
| Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш | | 20,6 | 21.3 | 12,9 | 13,4 | 16,1 | 14,2 |

Жадвал рақамларига диққат қилинг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Мамлакатимизда ЯИМнинг реал ўсишида ҳамда иқтисодий ўсишнинг барқарор-лигини таъминлашда тармоқ ва соҳаларнинг ролини аниқланг. Барқарор иқтисодий ўсиш деганда нимани тушунамиз? Изоҳланг!

**Юқоридаги асосий тушунчаларга қуйидаги жавоблардан тўғрисини танланг:**

а) Ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш йўлларини кўрсатувчи андозалар;

б) аҳолининг саломатлиги, маданий-маънавий, интеллектуал салоҳияти, тўплаган билими, малака, маҳоратида ифодаланган бойлик;

в) мамлакатнинг асосий ва айланма капитал, моддий захиралар, аҳолининг мол-мулки, табиий бойликлар, тарихий обидалар, архитектура ёдгорликларида ифодаланган бойлик;

г) муайян жамиятнинг асрлар оша, ўз тарихи давомида тўплаган неъматларининг жамидир;

д) тараққиёт асоси бўлиб, мамлакат ихтиёридаги меҳнат туфайли яратилиб жамғарилган моддий неъматлар, олтин, чет эл валюталари, номоддий активлар ва қадриятлар, ҳисобга олинган ва хўжалик айланмасига жалб этилган эр ва табиий ресурслардан иборат;

е) ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига иқтисодий ўсиш;

ё) қўшимча ишлаб чиқариш ресурсларини жалб этиш эвазига эришилган иқтисодий ўсиш;

ж) жорий йилдаги ялпи ички маҳсулот (ЯММ)нинг ўтган йилга ёки базис йилдаги ЯИМ нисбатида ифодаланувчи кўрсаткич;

з) маълум вақт (йил) мобайнида реал ялпи ички маҳсулот (ёки ЯММ), соф миллий маҳсулот ҳажмининг ортиб, таркиби ва сифатининг ўзгариб бориши.

**Масала ва машқлар**

1. Айтайлик, мамлакатнинг реал ЯММ 2011 йил 3,5 млрд. доллар, 2012 йили эса 4,5 млрд. долларни ташкил этди. Аҳолиси эса шу давр ичида 2 млн. кишидан 2,3 млн.кишига кўпайди.

а) ЯИМни ўсиш суръати;

б) ЯИМни аҳоли жон бошига ўсиш суръатини ҳисобланг;

ЯИМ ҳажми, ўсиш суръати ва аҳоли жон бошига ўсиш суръатига кўра қандай хулоса чиқариш мумкин? Фикрингизни изоҳланг.

2. ЯИМ 2010 йили 18 млрд. долларни 2011 йили эса 25 млрд. долларни ташкил этган. Шу даврда нархлар 25% ўсган. Номинал ва реал ЯИМ ўсиш суръатини ҳисобланг. Иқтисодий ўсишга қандай омиллар таъсир қилади?

3. Ўзбекистонда 2011 йили яратилган ЯИМ ҳажми жорий баҳоларда 77790,6 млрд. сўмни ташкил этди. Бу 2010 йилга ишлаб чиқарилган ЯИМдан 15959,4 млрд. сўмга кўп. Аҳоли эса 29,5 млн. кишига этди. 2010 йили эса 29,1 млн. киши эди. Нарх ўртача 7,6% га ортди десак, номинал ва реал ЯИМ ўсиш суръати, ЯИМнинг аҳоли жон бошига қандай ўзгарган ҳисобланг.

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти? Изоҳланг.

4. Берилган ишлаб чиқариш функсияси $у = АК^{0,2} - Л^{0,3}$. Ўлчам А йил давомида 4%га, ўсган. Банд бўлганлар 5%, капитал эса 3% га ўсган. Реал ишлаб чиқариш хажми неча фоизга ўсган. Бу иқтисодий ўсишнинг қайси модели, деб ҳисоблайсиз?

5. Олтинчиси ортиқча. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Тушунчалар ичида гуруҳга тааллуқли бўлмаган тушунчани аниқланг ва уни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

*Тушунчалар*: табиий ресурслар миқдори ва сифати, меҳнат ресурслари миқдори ва сифати, асосий капитал ҳажми, техник тараққиёт ва технология, даромаднинг истеъмол ва жамғаришга ажратилиши, инвеститсиянинг ўсиши.

## 22-Мавзу: Миллий иқтисодиётнинг мувозанати ва нисбатлари

**1-жадвал**

**Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркиби (%)**

| Кўрсаткич-лар | Йиллар | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2010 | 2011 | 2012 |
| Саноат | 14,2 | 14,1 | 14,5 | 15,8 | 17,5 | 20,7 | 23,9 | 24,1 | 24,0 |
| Қишлоқхўжалиги | 30,1 | 30,0 | 30,1 | 28,6 | 26,4 | 25,0 | 18,0 | 17,8 | 17,5 |
| Қурилиш | 6,0 | 5,8 | 4,9 | 4,5 | 4,8 | 4,9 | 6,5 | 6,1 | 5,9 |
| Хизматларсоҳаси | 37,2 | 38,2 | 37,9 | 37,4 | 37,2 | 38,4 | 42.4 | 44.2 | 44.9 |
| Софсолиқлар | 12,5 | 11,9 | 12,6 | 13,7 | 14,1 | 11,0 | 9,2 | 7,8 | 7,7 |

Жадвалмаълумотларинисинчиклабўрганинг. Нима сабабдан таркибий ўзгариш-ларни амалгао шириш зарур?

Республикамиздатаркибийўзгаришларқандайййўналишлардаамалгаоширилмоқда? Кейингийилмаълумотларибилантўлдирибтаҳлилқилинг.

**2-жадвал**

**Ялпи ички маҳсулотнинг мулк шакллари бўйича таркиби**

| | **Улуши, %да** | | |
|---|---|---|---|
| | **2007й.** | **2008 й.** | **2012й.** |
| Жами | 100 | 100 | 100 |
| **Нодавлатмулк** | **79,3** | **79,4** | **83,6** |
| Шу жумладан: | | | |
| Фуқаролар мулки | 34,1 | 32,4 | |
| Фермерхўжаликлари | 4,0 | 6,5 | |
| Деҳқонхўжаликлари | 0,2 | 0,2 | |
| Хўжаликбирлашмалари | 24,0 | 24,3 | |
| Қўшмакорхоналар | 8,9 | 12,8 | |
| Бошқалар | 5,1 | 3,2 | |
| **Давлатмулки** | **20,7** | **20,6** | **16,4** |

Жадвал маълумотлари асосида қандай хулоса чиқариш мумкин? Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг.

Ялпи ички маҳсулотнинг мулк шакллари бўйича таркиби нимани кўрсатади? Фикрингизни баён қилинг.

**3-жадвал**

**Ўзбекистонда ЯИМнинг ашёвий-буюм таркиби (жорий бозор нархларида)**

| Кўрсат-кичлар | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2010 | 2011 | 2012 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **%** | **%** | **%** | % | % | % | % | % | % |
| Жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Ш. ж. Товарлар | 50,5 | 50,1 | 49,8 | 49,1 | 48,6 | 50,6 | 47,6 | 41,2 | 40,3 |
| хизматлар | 37,2 | 38,.2 | 37,9 | 37.4 | 37,2 | 38,4 | 49,0 | 50,5 | 52,0 |

Жадвал маълумотларига диққат қаратинг. Кейинг йил маълумотлари билан тўлдиринг. ЯИМга ашёвий-буюм нуқтаи назаридан қараганда таркиби қандай ўзгарган? Бу нимадан далолат беради? Нима сабабдан республикамизда хизмат кўрсатишни ривожлантиришга слоҳида эътибор берилмоқда? Изоҳланг.

**4-жадвал**

**КўрсатилганбарчахизматларвааҳолигапулликхизматларнингЯИМдагиулуши**

| | **Ўлчовбирлиги** | **2011 й.** | **2012 й.** | **Ўзгариши (+, -)** |
|---|---|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | Млрд. сўм | 78764,2 | 96589,8 | |
| Жами кўрсатилган хизматлар | Млрд. сўм | 39382,1 | 50709,6 | |
| Жами кўрсатилган хизматларнинг ЯИМдаги улуши | % да | 50,0 | 52.5 | |
| Аҳолига пуллик хизматлар | Млрд. сўм | 10520,9 | 13614,1 | |
| Аҳоли жон бошига | Сўм | 358594 | 457242 | |
| Аҳолига пуллик хизматларнинг ЯИМдаги улуши | % да | 13,3 | 14,1 | |
| Аҳолига пуллик хизматларнинг жами хизматлардаги улуши | % да | 26,7 | 26,8 | |

Манба: «Ворлд эсономис Оутлок Датабасе Остобер» 2012.

Жадвални кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Йиллар давомида уларни ўзгаришини ҳисобланг. Иқтисодиёт тараққий этган сайин хизмат кўрсатишнинг улуши ошиб боришини иқтисоқчилар қандай асослашади? Сизнинг ўзингизни фикрингиз қандай? Бунга сабаб нима? Изоҳлаб беринг

**5-жадвал**

**Саноатнинг таркибий тузилиши ва ўсиш кўрсаткичлари**

| **Кўрсаткичлар** | **Таркибийтузилиши** | | | **Ўтган йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи, %** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2010 | 2012 | 2000 | 2010 | 2012 |
| Саноат – жами | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 105,9 | 108.5 | 107.9 |
| Шужумладан | | | | | | |
| Електроенергетика | 9,5 | 8,1 | 7,7 | 101,1 | 102.7 | 103.0 |
| Ёнилғи | 16,7 | 19,8 | 18,0 | 99,7 | 104.1 | 104.8 |
| Металлургия | 12,7 | 13.3 | 12.6 | 118,7 | 100.4 | 103.3 |
| Кимёванефт -кимё | 5,9 | 5.0 | 5,0 | 112,7 | 117.1 | 106.8 |
| Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш | 9,0 | 16.1 | 17.5 | 89,5 | 112.8 | 113.9 |
| Қурилишматериаллари | 4,6 | 4.9 | 5.5 | 104,3 | 105.8 | 113.0 |
| Енгилсаноат | 20,1 | 13.3 | 12,9 | 117.0 | 117.9 | 112.9 |
| Озиқ-овқат | 11,8 | 12.8 | 13.2 | 108,5 | 113.1 | 105.0 |
| Бошқатармоқлар | 9,6 | 6.7 | 7.6 | 109,5 | | |

**Жадвал рақамларига эътибор беринг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Таҳлил қилиб, фикрингизни изоҳланг. Бунда 5.1-жадвал маълумотларидан ҳам фойдаланинг. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши қандай омиллар асосида шаклланади? Кўрсатинг.**

## 23-Мавзу: Макроиқтисодий беқарорлик: инқироз, ишсизлик ва инфлятсия

**1. Саволлар асосида БББ жадвалини тўлдиринг**

| **Саволлар** | **Биламан** | **Билишни хоҳлайман** | **Билиб Олдим** |
|---|---|---|---|
| 1. Иқтисодий циклнинг иқтисодий мазмуни биласизми? | | | |
| 2. интернал ва экстернал назарияларга изох бера оласизми? | | | |
| 3. Оукен коеффитсиентини биласизми? | | | |
| 4. Мамлакатдаги ишчи кучи умумий таклифини қандай омиллар белгилаб беради? | | | |
| 5. Пигу эффектига изох бера оласизми? | | | |

**Блитс-сўров учун таянч тушунчалар.**

Иқтисодий тебранишлар, иқтисодиётнинг сиклли ривожланиши, иқтисодий сикл фазалари, сикл тўғрисидаги назариялар, инқироз, ишсизлик, инфлясия.

**2. Семинар машғулотини ўтказиш учун топшириқлар**

АҚШ ва эвропанинг аксарият мамлакатларида 2008 йилда бошланган инқироз ҳам дастлаб молия соҳасини, кейинчалик ишлаб чиқариш соҳасини ҳам қамраб олиб, жаҳон

молиявий – иқтисодий инқирозга айланди. Шунга кўра инқирозларнинг бер неча турлари фарқланади : Сиз яна нималарни қўшган бўлар эдингиз?

**Инқирозларнинг турлари**

**1-расм**




| кўрсаткичлар | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2014йилда-2013йилга Нисбатан,% |
|---|---|---|---|---|---|
| Аҳоли сони,м.киши шундан- меҳнат ресурслари сони, м.киши | 29123,0 | 29993 | 30492,8 | 31492,8 | |
| Жумладан:<br>-иқтисодий фаол аҳоли<br>-иқтисодий нофаол аҳоли | 12286,6<br>4439,4 | 12541,5<br>4744,9 | 12850,1<br>4714,2 | 13163,0<br>4651,1 | |
| Иқтисодиётда банд бўлганлар сони,минг киши | 11628,4 | 11919,1 | 12223,8 | 12523,3 | |
| Бандлик даражаси,%<br>- аҳоли сонига нисбатан<br>-иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан | | | | | |

***Манба: Узбекистан в тсифрах. Статистический сборник Госкомстата РУз. - Ташкент.:2010-2014 года.**

**Ушбу жадвалдаги кўрсаткичларни таққосланг.**

**Блитс-сўров учун таянч тушунчалар.**

Иқтисодий тебранишлар, иқтисодиётнинг циклли ривожланиши, иқтисодий сикл фазалари, сикл тўғрисидаги назариялар, инқироз, ишсизлик, инфлясия.

1. **Семинар машғулотини ўтказиш учун топшириқлар**

АҚШ ва эвропанинг аксарият мамлакатларида 2008 йилда бошланган инқироз ҳам дастлаб молия соҳасини, кейинчалик ишлаб чиқариш соҳасини ҳам қамраб олиб, жаҳон

молиявий – иқтисодий инқирозга айланди. Шунга кўра инқирозларнинг бер неча турлари фарқланади : Сиз яна нималарни қўшган бўлар эдингиз?

**Инқирозларнинг турлари**

**1-расм**




**2011-2014 йилларда Ўзбекистонда меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигининг ўсиш ...ъатлари**

| кўрсаткичлар | Йиллар 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2014йилда-2013йилга нисбатан,% |
|---|---|---|---|---|---|
| Аҳоли сони,м.киши шундан- меҳнат ресурслари сони, м.киши | 29123,0 | 29993 | 30492,8 | 31492,8 | |
| Жумладан:<br>-иқтисодий фаол аҳоли<br>-иқтисодий нофаол аҳоли | 12286,6<br>4439,4 | 12541,5<br>4744,9 | 12850,1<br>4714,2 | 13163,0<br>4651,1 | |
| Иқтисодиётда банд бўлганлар сони,минг киши | 11628,4 | 11919,1 | 12223,8 | 12523,3 | |
| Бандлик даражаси,%<br>- аҳоли сонига нисбатан<br>-иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан | | | | | |

***Манба: Узбекистан в тсифрах. Статистический сборник Госкомстата РУз. - Ташкент.:2010-2014 года.**

**Ушбу жадвалдаги кўрсаткичларни таққосланг.**

## 24-Мавзу: Молия тизими ва молиявий сиёсат

**Солиқ ставкаларининг ўзгариш динамикаси**

**1-жадвал**

| Т/р | Солиқ турлари | **Солиқ ставкаси %** | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Йиллар** | | | |
| | | 1990-2009 | 2010 | 2012 | 2014 |
| 1. | Юридик шахслардан олина-диган фойда(даромад) солиғи | 45,0 | 9,0 | 9,0 | 8 |
| 2. | Жисмоний шахсларга даромад солиғи | 13-60 | 11-22 | 9-22 | 7,5-22 |
| 2. | Дивиденд/(фоиз)лар шаклида олинадиган даромадлардан фойда солиғи | 15,0 | 10,0 | 10,0 | 10 |
| | Қўшилган қиймат | 30 | 20 | 20 | 20 |
| 4. | Ягона солиқ тўлови | 15,2 | 7,0 | 5,0 | 6,0* |
| | Ресурсларга солиқ, жумладан: | | | | |
| | Нефт | 35 | 20 | 20 | 30 |
| | табиий газ | 58 | 30 | 30 | 20 |
| | | | | | |
| 5. | Ягона ижтимоий тўлов | 40 | 25,0 | 25,0 | 25,0 |

**Солиқ юки ва буджет даромадлари ўзгариши динамикаси**
**(ЯИМга нисбатан %да)**

**2-жадвал**

| № | Кўрсаткичлар | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2010 | 2012 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | ЯИМ ўсиш суръати | 107,0 | 107,5 | 109,5 | 109,0 | 108,5 | 108,2 |
| 2. | Солиқ юки | 24 | 23 | 22,3 | 22,0 | 22,1 | 21,6 |
| 3. | Буджет даромадлари | 21,5 | 21,6 | 21,5 | 23,8 | 22,0 | 22,0 |
| 4. | ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши | 38,2 | 42,1 | 45,5 | 48,2 | 52,5 | 54,6 |

Ҳар икки жадвал маълумотларига диққат қаратинг. Жадвалда солиқ юки давлат буджетига нисбатан берилган. Бундан ташқари давлат мақсадли жамғармалари бўлиб, уларнинг солиқ юки ҳам бор. Сиз умумий солиқ юкини аниқланг, Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Солиқ ставкалари, солиқ юки, буджет даромадлари ўзгариши динамикаси ҳақида хулоса чиқаринг

Республикамиз буджетининг муҳим томони унда ижтимоий соҳа-харажатлари устувор ўрин эгаллаганидир. Уни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

**Давлат буджети харажатларининг таркиби**
**(**ЯИМга нисбатан % ҳисобида**)**[179]

**3-жадвал**

| Кўрсаткичлар | 2000 | 2001 | 2002 | 2005 | 2010 | 2012 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Харажатлар | 29,0 | 27,0 | 26,1 | 21,5 | 21,7 | 21,6 |
| Ижтимоий соҳа | 10,4 | 10,2 | 9,8 | 10,8 | 12,7 | 12,7 |

[179] inf.uz. Moliya vazirligi ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ижтимоий ҳимоя | 2,3 | 2,1 | 2,0 | 1,9* | 1,8* | 1,8* |
| Иқтисодиёт учун харажатлар | 3,0 | 2,3 | 2,3 | 2,7 | 2,4 | 2,4 |
| Марказлаштирилган инвеститсияларни молиялаштириш харажатлари | 5.9 | 6,0 | 4,7 | 2,4 | 1,4 | 1,2 |
| Давлат бошқаруви ва суд орган-ларининг харажатлари | 0,6 | 0,6 | 0,5 | 0,6 | 0,6 | 0,8 |
| Бошқа харажатлар | 7,9 | 6,8 | 6,8 | 5,0 | 4,6 | 4,5 |

* Ижтимоий ҳимоя ижтимоий соҳа таркибида

Жадвални кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Таҳлил қилинг, изоҳланг. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ЯИМга нисбатан давлат буджет харажатлари пасайиб борган. Бу республикамиз иқтисодиётида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганидан далолат беради. 9.1 ва 9.2-жад-вал маълумотлари билан солиштириб, Республикамиз буджети қачон дефитсит (тақчил) билан яунлангани ҳамда қачиндан бошлаб профитсит билан якунланганини аниқлаҳг. Бунинг сабабини кўрсатинг. Ўз фикрингизни асослаб беринг.

**Солиқ ставкаларининг ўзгариш динамикаси**

**1-жадвал**

| Т/р | Солиқ турлари | **Солиқ ставкаси %** | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Йиллар** | | | |
| | | 1990-2009 | 2010 | 2012 | 2014 |
| 1. | Юридик шахслардан олинадиган фойда(даромад) солиғи | 45,0 | 9,0 | 9,0 | 8 |
| 2. | Жисмоний шахсларга даромад солиғи | 13-60 | 11-22 | 9-22 | 7,5-22 |
| 2. | Дивиденд/(фоиз)лар шаклида олинадиган даромадлардан фойда солиғи | 15,0 | 10,0 | 10,0 | 10 |
| | Қўшилган қиймат | 30 | 20 | 20 | 20 |
| 4. | Ягона солиқ тўлови | 15,2 | 7,0 | 5,0 | 6,0* |
| | Ресурсларга солиқ, жумладан: | | | | |
| | Нефт | 35 | 20 | 20 | 30 |
| | табиий газ | 58 | 30 | 30 | 20 |
| | | | | | |
| 5. | Ягона ижтимоий тўлов | 40 | 25,0 | 25,0 | 25,0 |

**Солиқ юки ва буджет даромадлари ўзгариши динамикаси**
**(ЯИМга нисбатан %да)**

**2-жадвал**

| № | Кўрсаткичлар | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2010 | 2012 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | ЯИМ ўсиш суръати | 107,0 | 107,5 | 109,5 | 109,0 | 108,5 | 108,2 |
| 2. | Солиқ юки | 24 | 23 | 22,3 | 22,0 | 22,1 | 21,6 |
| 3. | Буджет даромадлари | 21,5 | 21,6 | 21,5 | 23,8 | 22,0 | 22,0 |
| 4. | ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши | 38,2 | 42,1 | 45,5 | 48,2 | 52,5 | 54,6 |

Ҳар икки жадвал маълумотларига диққат қаратинг. Жадвалда солиқ юки давлат буджетига нисбатан берилган. Бундан ташқари давлат мақсадли жамғармалари бўлиб, уларнинг солиқ юки ҳам бор. Сиз умумий солиқ юкини аниқланг, Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Солиқ ставкалари, солиқ юки, буджет даромадлари ўзгариши динамикаси ҳақида хулоса чиқаринг

Республикамиз буджетининг муҳим томони унда ижтимоий соҳа-харажатлари устувор ўрин эгаллаганидир. Уни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

**Давлат буджети харажатларининг таркиби**

(ЯИМга нисбатан % ҳисобида)[180]

**3-жадвал**

| Кўрсаткичлар | 2000 | 2001 | 2002 | 2005 | 2010 | 2012 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Харажатлар | 29,0 | 27,0 | 26,1 | 21,5 | 21,7 | 21,6 |
| Ижтимоий соҳа | 10,4 | 10,2 | 9,8 | 10,8 | 12,7 | 12,7 |
| Ижтимоий ҳимоя | 2,3 | 2,1 | 2,0 | 1,9* | 1,8* | 1,8* |
| Иқтисодиёт учун харажатлар | 3,0 | 2,3 | 2,3 | 2,7 | 2,4 | 2,4 |
| Марказлаштирилган инвеститсияларни молиялаштириш харажатлари | 5.9 | 6,0 | 4,7 | 2,4 | 1,4 | 1,2 |
| Давлат бошқаруви ва суд орган-ларининг харажатлари | 0,6 | 0,6 | 0,5 | 0,6 | 0,6 | 0,8 |
| Бошқа харажатлар | 7,9 | 6,8 | 6,8 | 5,0 | 4,6 | 4,5 |

* Ижтимоий ҳимоя ижтимоий соҳа таркибида

Жадвални кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Таҳлил қилинг, изоҳланг. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ЯИМга нисбатан давлат буджет харажатлари пасайиб борган. Бу республикамиз иқтисодиётида қандай ўзгаришлар содир бўлаётганидан далолат беради. 9.1 ва 9.2-жад-вал маълумотлари билан солиштириб, Республикамиз буджети қачон дефитсит (тақчил) билан яунлангани ҳамда қачиндан бошлаб профитсит билан якунланганини аниқлаҳг. Бунинг сабабини кўрсатинг. Ўз фикрингизни асослаб беринг.

## 25-МАВЗУ: ПУЛ МУОМАЛАСИ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР

**Ўзбекистон банк тизимининг кўрсаткичлари**

**1-жадвал**

| **Кўрсаткичлар** | **2003 й.** | **2004 й.** | **2005 й.** | **2010 й.** | **2012 й.** |
|---|---|---|---|---|---|
| Банклар сони | 33 | 31 | 29 | 29 | 29 |
| Филиаллар сони | 805 | 799 | 788 | | 829 |
| Минибанклар сони | 795 | 1122 | 1450 | | |
| Кредит уюшмалари сони | 14 | 20 | 24 | 116 | |
| Ломбардлар сони | 0 | 1 | 7 | 58 | |
| Кредитлар жами (млрд. сўм) | 3160,7 | 3595,5 | 3876,0 | 11539,0 | 20425,2 |
| Иқтисодиётнинг реал секторига берилган кредитлар (млрд. сўм) | 3156.0 | 3572.2 | 3853.3 | 11539 | 20392 |
| Шундан узоқ муддатли кредитлар (млрд. сўм) | 2555.7 | 2901,9 | 3129,4 | 8677,3 | 15661 |

[180] inf.uz. Moliya vazirligi ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan

**Жадвалдаги рақамларга диққат қилинг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Улар асосида қандай хулоса чиқариш мумкин? Фикрингизни изоҳланг.**




**1 –расм. Банкларнинг жами капитали, млрд. сўм**




**2-расм. Банк активлари, млрд. сўм**

**Диаграммалардаги маълумотларга диққат қилиб, уларни таҳлил қилинг, кейинги йил маълумоти билан тўлдиринг ва хулоса чиқаринг. Банк капитали, банк активлари, кредитлар ҳажми қандай ўзгарган? Бу тушунчаларнинг мазмунини айтинг.**

Диаграмма маълумотлари асосида узоқ муддатли ва кичик бизнес субектларига, аҳолига берилган кредитларнинг реал секторга йўналтирилган жами кредитлар ҳажмидаги улушини ҳисобланг. 2013 йии 1-январ ҳолатини2008 йил билан солиштиринг. Улар асосида қандай хулоса чиқариш мумкин? Фикрингизни изоҳланг.




**4-расм. Жисмоний ва юридик шахсларнинг банк депозитларига жалб қилинган пул маблағлари ҳажми, млрд. сўм**

Нима сабабдан жисмоний ва юридик шахсларнинг депозитлари ҳажми ортган? Бунинг сабаби нимада деб биласиз? Диаграммани кейинги йиллар маълумотлари билан тўлдиринг. Фикрингизни баён қилинг.

**Тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредитлар динамикаси,** (фоизда)[181]

**2-жадвал**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | 2012 йилда 2000 йилга нисбатан |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2010 | 2011 | **2012** | |

[181] Йиғма маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | улуши ўзгариши |
| Кредитлар жами. | 100 | | | | |
| Қисқа муддатли | 75 | 31,0 | 24,3 | **23,2** | -3,2 марта |
| Узоқ муддатли | 25 | 69,0 | 74,4 | **76,8** | +3,07 марта |

Рақамларга диққат қилинг. Тижорат банклари томонидан мамлакатимиз иқтисодиётига ажратилган кредитлар муддатига кўра таркибини бундай ўзгариши нимадан далолат беради? Фикрингизни билдиринг.

**Ўзбекистон банк тизимининг кўрсаткичлари**

**1-жадвал**

| **Кўрсаткичлар** | **2003 й.** | **2004 й.** | **2005 й.** | **2010 й.** | **2012 й.** |
|---|---|---|---|---|---|
| Банклар сони | 33 | 31 | 29 | 29 | 29 |
| Филиаллар сони | 805 | 799 | 788 | | 829 |
| Минибанклар сони | 795 | 1122 | 1450 | | |
| Кредит уюшмалари сони | 14 | 20 | 24 | 116 | |
| Ломбардлар сони | 0 | 1 | 7 | 58 | |
| Кредитлар жами (млрд. сўм) | 3160,7 | 3595,5 | 3876,0 | 11539,0 | 20425,2 |
| Иқтисодиётнинг реал секторига берилган кредитлар (млрд. сўм) | 3156.0 | 3572.2 | 3853.3 | 11539 | 20392 |
| Шундан узоқ муддатли кредитлар (млрд. сўм) | 2555.7 | 2901,9 | 3129,4 | 8677,3 | 15661 |

**Жадвалдаги рақамларга диққат қилинг. Кейинги йил маълумотлари билан тўлдиринг. Улар асосида қандай хулоса чиқариш мумкин? Фикрингизни изоҳланг.**




**1 –расм. Банкларнинг жами капитали, млрд. сўм**




**2-расм. Банк активлари, млрд. сўм**

Диаграммалардаги маълумотларга диққат қилиб, уларни таҳлил қилинг, кейинги йил маълумоти билан тўлдиринг ва хулоса чиқаринг. Банк капитали, банк активлари, кредитлар ҳажми қандай ўзгарган? Бу тушунчаларнинг мазмунини айтинг.




**3-расм. Иқтисодиётга йўналтирилган ва аҳолига берилган кредитлар ҳажми (млрд. сўм)**

Диаграмма маълумотлари асосида узоқ муддатли ва кичик бизнес субектларига, аҳолига берилган кредитларнинг реал секторга йўналтирилган жами кредитлар ҳажмидаги улушини ҳисобланг. 2013 йии 1-январ ҳолатини2008 йил билан солиштиринг. Улар асосида қандай хулоса чиқариш мумкин? Фикрингизни изоҳланг.




**4-расм. Жисмоний ва юридик шахсларнинг банк депозитларига жалб қилинган пул маблағлари ҳажми, млрд. сўм**

Нима сабабдан жисмоний ва юридик шахсларнинг депозитлари ҳажми ортган? Бунинг сабаби нимада деб биласиз? Диаграммани кейинги йиллар маълумотлари билан тўлдиринг. Фикрингизни баён қилинг.

**Тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредитлар динамикаси,** (фоизда)[182]

**2-жадвал**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | 2012 йилда 2000 йилга нисбатан улуши ўзгариши |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2010 | 2011 | **2012** | |
| Кредитларжа | 100 | | | | |

182 Йиѓма маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ми | | | | | |
| Қисқамуддатли | 75 | 31,0 | 24,3 | **23,2** | -3,2 марта |
| Узоқмуддатли | 25 | 69,0 | 74,4 | **76,8** | +3,07 марта |

Рақамларга диққат қилинг. Тижорат банклари томонидан мамлакатимиз иқтисодиётига ажратилган кредитлар муддатига кўра таркибини бундай ўзгариши нимадан далолат беради? Фикрингизни билдиринг.

## 26-Мавзу: Иқтисодиётда давлатнинг роли

### Муҳокама учун саволлар

1. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролига турлича қарашларини баҳоланг?
2. Давлатнинг асосий иқтисодий вазифаларини санаб чиқинг ва уларнинг қисқача тавсифини беринг?
3. Бозор иқтисодёти шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлигини нима тақозо қилади? Тартибга солиш ўз олдига қандай мақсад ва вазифаларни қўяди?
4. ИДТТСнинг бевосита ва билвосита усулларига тавсиф беринг. Тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситаларини санаб кўрсатинг.
5. ИДТТСда давлат сектори қандай рол ўйнайди? Давлат иқтисодий дастурлари қандай амалга оширилади?

### Масала ва машқлар:

1. Кичик шаҳарчада 240 минг аҳоли яшайди. Улар тенг уч гуруҳдан (80 минг кишидан) иборат дейлик. Ижтимоий неъмат: ёритиш учун чироқ ўрнатиш қадр-қиммати

ҳар бир гуруҳ учун турлича. Ҳар бир гуруҳ турли миқдорда чироқ ўрнатиш тарафдорлари: А гуруҳ учун индувидуал талаб П = 1-0,01Қ формуласида ифодаланган. Бу ерда: П – нарх, Қ – шаҳарчада чироқлар миқдори.

Иккинчи В гуруҳ учун П = 2-0,02Қ. Учинчи С гуруҳ учун эса, П = 3-0,03Қ.

Йўлга чироқлар ўрнатишдаги маржинал (меъёрий) харажатлар доимий бўлиб, 240 минг сўмни ташкил қилади. Шаҳарчада йўлга ўрнатиладиган чироқларнинг оптимал миқдори нечта?

2. Қуйидаги санаб ўтилган соҳа ва тармоқлардан қайси бирларида давлат секторига қарашли корхоналар кўпроқ учрайди?

а) чакана савдода;

б) инфратузилмада;

д) меҳмонхона ва ижтимоий овқатланишда;

е) қишлоқ хўжалигида.

ф) хомашё қазиб олиш, ундирма саноатда;

г) кийим-кечак ишлаб чиқаришда;

ҳ) поябзал ишлаб чиқаришда;

и) илмий тадқиқот ишларида;

ж) нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда.

к) ичимлик минерал сув ишлаб чиқаришда;

3. Қуйида давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдан кўзланган мақсадлари кўрсатилган. Ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатувчи ва бир-бирига зид мақсадларни ажратиб кўрсатинг:

а) иқтисодий ўсишни рағбатлантириш;

б) нархнинг ўсишини тўхтатиш учун импортни кўпайтириш;

д) тўлов балансини тақчиллигини тугатиш;

е) ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш;

ф) ишсизликни қисқартириш;

г) капиталнинг марказлашувини рағбатлантириш;

ҳ) янги технологияни жорий қилиш ва рақобатга дош беролмайдиган тармоқларни тугатиш.

6. Ижобий ёки салбий эффект таъсирида келиб чиқадиган муаммоларнинг маълум бир қисмини давлат аралашмай ечиш мумкин, қачонки:

1) мулк ҳуқуқи аниқ белгиланганда;

2) унча кўп бўлмаган кишилар ўртасида;

3) битим қиймати нисбатан кичик бўлса;

бошқа ҳолларда давлат миқёсида ечилади.

Билдирилган фикрлар кимники ва у қандай аталади? Ижобий ва салбий самара деганда нима тушунилади?

4. Қуйидагиларни диққат билан ўқинг. Улар ичида гуруҳга тааллуқли бўлмаганини аниқланг ва уни рўйхатдан чиқаринг. Сабабини изоҳланг.

1) Илёсжон контракт асосида Тошкент Молия институтида ўқияпти;

2) Раъно хусусий поликлиникага мурожаат қилиб, пуллик медитсина хизматларидан фойдаланди;

3) Аббос спорт клубига аъзо бўлиб, теннис кортидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди;

4) Дилдора қизини инглиз тили ва рақсга ўргатадиган боғчага берди;

5) Асқар Йўлдошев чегарани қўриқламоқда;

6) Раҳбарой иқтисодиётга тегишли маълумотларни олиш учун ахборот йиғиш билан шуғулланувчи масъулияти чекланган жамиятга мурожаат қилди.

## 27-Мавзу: Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати
## Масала ва машқлар

1. Ўзбекистонда 2015-йили аҳолининг умумий даромадлари 77293,4 млрд. сўмни ташкил этди. Ундан 38498. млрд. сўми тадбиркорлик ва бошқа даромадлар, 1414,4 млрд. сўми ижтимоий трансфертларни ташкил этади. Аҳоли даромадларида иш ҳақи, тадбиркорлик ва бошқа даромадлар, трансферт тўловлари улушини, аҳоли 29,9 млн. киши десак, аҳоли жон бошига ўртача даромадни ҳисобланг.

Даромаднинг функционал ва шахсий тақсимланиши нима? Адолатли тақсимот деганда қандай тақсимот тушунилади? Шу кўрсаткичлар асосида уларни кейинги йил маълумотлари билан солиштиринг.

2. Аҳоли пул даромадлари ўтган (базис) йили 5196,7 млрд. сўм дейлик. Жорий йилда 6488,6 млрд. сўмга етди. Истеъмол нархларининг ўсиш суръати базис йилга нисбатан 10,3%ни ташкил этса, агар аҳоли 25,4 млн. кишидан 25,5 млн. кишига кўпайди десак, аҳоли жон бошига пул даромадлари ва реал даромадлар қандай ўзгарганини ҳисобланг.

Аҳолининг номинал ва реал даромадлари қандай даромад. Уларни ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилади. Изоҳланг.

3. Аҳолининг пул харажатлари ва жамғармаси ўтган йили 6211,0 млрд. сўмни ташкил этган эди, шундан 5107,4 млрд. сўми товар ва хизматлар сотиб олиш учун сарфланган. Агар жорий йили, бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 5248,1 ва 4387,6 млрд. сўм бўлиб, аҳоли сони 25,4 млн. кишидан 25,5 млн.га етди десак, аҳоли жон бошига истеъмол ва жамғарма қандай ўзгарганини ҳисобланг. Истеъмол даражаси ва таркибига қандай омиллар киради, кўрсатинг.

4. Тўрт кишидан иборат Одилжонлар оиласининг ойлик пул даромади 825 минг сўмни ташкил этди. Қўшнилари Олимжонларнинг оилавий даромади эса 1025 минг сўм. Ундан ташқари натура шаклдаги даромадлари пулга чақилса 250 минг сўмга тенг бўлади. Оила 5 кишидан иборат. Ҳар икки оилада ҳам икки киши ишлайди. Оила жон бошига ва ишловчиларнинг ҳар бирига тўғри келадиган умумий ва пул даромадларни ҳисобланг. Аҳоли даромадлари табақаланишига қандай омиллар таъсир қилади. Кўрсатинг.

5. Қуйидаги кўрсаткичларга эътибор қилинг. Улар асосида қандай индекс ҳисобланади:

1) соғлиқни сақлаш аҳволи;
2) таълим даражаси;
3) ўртача яшаш ёши;
4) аҳолининг бандлиги;
5) сиёсий ҳаётга йўл берилиши.

Бу индекс нимани кўрсатади, у энг юқори бўлган мамлакатларни кўрсата оласизми?

## 28-Мавзу: Ишчи кучи бозори.Ишчи кучи ва унинг бандлиги

### Муҳокама учун саволлар:

1. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш деганда нимани тушунасиз ва унинг хусусиятлари қандай?
2. Ишчи кучининг сифати нима? У қандай омилларга боғлиқ? Фан-техника тараққиётида ишчи кучининг сифатига қандай талаблар кучаяди?
3. Иш билан тўла бандлик нима учун нисбий маънода тушунилади? Қандай қилиб ишчи кучидан самарали фойдаланишга эришилади?
4. Ишсизликнинг асосий турларига тавсиф беринг.
5. Ишсизлик даражаси қандай ҳисобланади?

### Масала ва машқлар

1. Мамлакатда банд бўлганлар 15 млн. киши эди. Ишсизлар 3 млн. кишини ташкил этади. Бир ой ўтгач 15 млн. ишлаб турганлардан 0,5 млн. киши ишдан бўшатилди; меҳнат биржасидан расман ишсиз, деб рўйхатдан ўтган 1 млн. киши иш қидиришни тўхтатди.

Ишсизлик даражасини, банд бўлганлар сони, ишсизлар сонини аниқланг.

2. Мамлакатда иқтисодий фаол аҳоли 11 млн. кишини ташкил этади. Ундан 2 млн. киши ишламайди. Яратилган ЯИМ 16 млрд. долларни ташкил этади.

Агар ишсизликни табиий даражаси мамлакат учун 5 % ни ташкил этса, Оукен қонунига биноан потенсиал ЯИМ ни ҳисобланг. Ишсизлик туфайли қанча ЯИМ кам яратилган?

Оукен қонуни нимани ифодалайди, коеффитсиенти-чи? Изоҳланг.

3. Қуйидагиларни ўқинг:

Уларни уч категория: «Бандлик» (**Б**), «Ишсизлик» (**И**), «Ишсизлар таркибига қўшилмайдиган» (**Қ**) категориялардан қайси бирига киритиш мумкин, кўрсатинг:

а) фақат ўз уйидаги ишлар ва болалари тарбияси билан шуғулланувчи уй бекаси;

б) молия институтида ўқиётган талаба;

д) тўла иш кунида ишламаётган ишчи;

е) ўз вақтининг маълум бир қисмида кўчмас мулк олди-сотдиси билан шуғулланаётган уй бекаси;

ф) ўз хоҳиши билан ишдан бўшаётган ишчи;

г) ишдан ташқари вақтда шофёрликка ўқиётган сотувчи;

ҳ) соғлиғининг ёмонлиги туфайли бошқа ишлай олмайдиган хизматчи;

и) корхона ёпилганлиги сабабли ишдан бўшаб, меҳнат биржасида рўйхатдан ўтиб, иш қидираётган тўқувчи;

ж) ишдан бўшатилиб, узоқ вақт иш тополмай иш қидиришни тўхтатган ишчи.

4. Қуйидаги ишсизликнинг намоён бўлишини унинг қайси шаклларига киритишимиз мумкин?

а) она болаларига қараш учун ўз хоҳиши билан ишдан бўшади;

б) инқироз пайтида корхона ёпилиб, ишчи ишдан бўшади;

д) абитуриент ўқиши бошлангани туфайли ишдан бўшади;

е) муқобил энергиядан фойдаланишга ўтиш туфайли шахтёр ишдан бўшади;

ф) олаётган маоши қониқтирмагани сабабли ишчи ишдан бўшади;.

г) дастгоҳлар талабга жавоб бермагани учун корхона ёпилиб, тўқувчи ишдан бўшади;

ҳ) иқтисодиётдаги танглик туфайли телевизор ишлаб чиқарувчи қўшма корхона фаолиятини тўхтатди.

## 4-Модул.Жаҳон хўжалиги ва унинг эволютсияси

### 29-Мавзу: Халқаро иқтисодий интегратсия ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши

1. Халқаро савдо ривожланишининг муҳим хусусиятлари нимадан иборат? Халқаро савдонинг миллий иқтисодиётга таъсири қандай?
2. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Халқаро савдо қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?
4. Нима учун халқаро савдо сунъий тўсиқлар мавжуд бўлади. Уларнинг қандай кўринишлари мавжуд?
5. Ташқи савдо сиёсатининг максад ва вазифалари.
6. Ташқи савдони тартибга солишнинг классик инструментларига тариф беринг.
7. Тарифларнинг миллий иқтисодиётга таъсири.
8. Ташқи савдони эркинлаштириш деганда нимани тушунасиз?
9. Импортга тарифларнинг киритилишидан кўриладиган жамиятнинг соф йўқотишларини тушунтириб беринг.
10. Импортни ёқловчи фикрларга изоҳ беринг.
11. Ишлаб чиқарувчиларга субсидияларнинг импортга тарифлардан афзаллиги ва камчилиги нимада ?
12. Импорт квоталарини киритилишининг иқтисодий оқибатлари нималарда кўринади?
13. Експортни субсидиялаш усуллари моҳиятини тушунтириб беринг.

## 30-Мавзу: Валюта муносабатлари, тўлов баланси ва унинг тақчиллиги

**Муҳокама учун саволлар:** Ички ва ташқи савдонинг ўхшашликлари нимадан иборат? Уларнинг фарқи-чи? Халқаро савдо қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?

1. Нима учун халқаро савдода сунъий тўсиқлар мавжуд бўлади? Уларнинг тавсифини беринг.
2. Протексионистик сиёсатнинг ижобий ва салбий томонлари қандай? Уларни таққосланг.
3. Халқаро савдода иқтисодий интегратсиянинг аҳамияти қандайлиги ва унда Ўзбекистоннинг иштирок этиши имкониятларини аниқланг.
4. Халқаро валюта тизимини тушунтиринг. Ҳар бир тизим қандай устунлик ва камчиликларга эга?
5. Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун қандай усуллардан фойдаланади? Чет эл валюталарига талаб ва таклифга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

### Масала ва машқлар

1. Ўзбекистонда 2015-йили аҳолининг умумий даромадлари 77293,4 млрд. сўмни ташкил этди. Ундан 38498. млрд. сўми тадбиркорлик ва бошқа даромадлар, 1414,4 млрд. сўми ижтимоий трансфертларни ташкил этади. Аҳоли даромадларида иш ҳақи, тадбиркорлик ва бошқа даромадлар, трансферт тўловлари улушини, аҳоли 29,9 млн. киши десак, аҳоли жон бошига ўртача даромадни ҳисобланг.

Даромаднинг функсионал ва шахсий тақсимланиши нима? Адолатли тақсимот деганда қандай тақсимот тушунилади? Шу кўрсаткичлар асосида уларни кейинги йил маълумотлари билан солиштиринг.

2. Аҳоли пул даромадлари ўтган (базис) йили 5196,7 млрд. сўм дейлик. Жорий йилда 6488,6 млрд. сўмга етди. Истеъмол нархларининг ўсиш суръати базис йилга нисбатан 10,3%ни ташкил этса, агар аҳоли 25,4 млн. кишидан 25,5 млн. кишига кўпайди десак, аҳоли жон бошига пул даромадлари ва реал даромадлар қандай ўзгарганини ҳисобланг.

Аҳолининг номинал ва реал даромадлари қандай даромад. Уларни ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилади. Изоҳланг.

3. Аҳолининг пул харажатлари ва жамғармаси ўтган йили 6211,0 млрд. сўмни ташкил этган эди, шундан 5107,4 млрд. сўми товар ва хизматлар сотиб олиш учун сарфланган. Агар жорий йили, бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда 5248,1 ва 4387,6 млрд. сўм бўлиб, аҳоли сони 25,4 млн. кишидан 25,5 млн.га етди десак, аҳоли жон бошига истеъмол ва жамғарма қандай ўзгарганини ҳисобланг. Истеъмол даражаси ва таркибига қандай омиллар киради, кўрсатинг.

4. Тўрт кишидан иборат Одилжонлар оиласининг ойлик пул даромади 825 минг сўмни ташкил этди. Қўшнилари Олимжонларнинг оилавий даромади эса 1025 минг сўм. Ундан ташқари натура шаклдаги даромадлари пулга чақилса 250 минг сўмга тенг бўлади. Оила 5 кишидан иборат. Ҳар икки оилада ҳам икки киши ишлайди. Оила жон бошига ва ишловчиларнинг ҳар бирига тўғри келадиган умумий ва пул даромадларни ҳисобланг. Аҳоли даромадлари табақаланишига қандай омиллар таъсир қилади. Кўрсатинг.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ КАФЕДРАСИ**

**«ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» фанидан**
**курс ишларини бажариш бўйича**

**У С Л У Б И Й КЎРСАТ М А**

**Гулистон – 2017**

**Тақризчилар:**

1. Саторқулов О.Т «Иқтисодиёт » кафедраси мудири, и.ф.н.доцент
2. Аллаярова М.Қ. «Иқтисодиёт » кафедраси катта ўқитувчиси.

**Тузувчи:**

Нурмухамидова М.Х. «Иқтисодиёт назарияси» фани ( курс ишларини бажариш бўйича услубий қўлланма). – Г.: ГулДУ, 2017.

**Курс ишини бажариш тартиблари ва унга қўйиладиган асосий талаблар.**

Курс иши талабаларнинг дастлабки илмий иши ҳисобланади. Курс ишини бажариш учун талабалар фан тўғрисида аниқ тассавурларга эга бўлишлари керак. Талабалар курс ишининг илмий, назарий, ғоявий даражасига, шунингдек, унинг ёзилишига ҳамда расмийлаштириш тартибига эътибор беришлари лозим.

Талабалар курс ишларини бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларидан, маҳаллий ва чет эл етакчи иқтисодчи олимларнинг асарларидан, уларнинг иқтисодий ғояларидан, Ўз.Р Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар маҳкмасининг қарорлари, Вазирликларнинг меъёрий ҳужжатлари, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан, фанга тегишли бўлган дарслик ва ўқув қўлланмалардан, интернет маълумотларидан кенг фойдаланиши ҳамда уларни мустақил таҳлил этиши ва ўзларининг фикрларини баён этиши курс ишининг мазмунини янада бойитади.

Курс ишларининг тематикаси (1-илова) кафедра ўқитувчилари томонидан бутун курсни қамраб олувчи мавзулар кетма-кетлиги тартибида тузилади. Бунда гуруҳдаги ҳар талабага камида 3-4 та мавзу тўғри келишига эътибор қаратилади, чунки талаба курс иши мавзуларини танлай олиш имкониятига эга бўлиши керак. Бунинг учун талабалар исми шарифларининг биринчи ҳарфига мос келадиган мавзулардан бирини танлайди. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг асосий вазифаси талабаларга курс иши бўйича мустақил ишлашларининг йўл-йўриқларини кўрсатиш ва курс ишини ёзиш бўйича умумий тасаввурга эга бўлиши ҳақида маслаҳатлар беришдан иборатдир. Курс ишини ҳар бир талаба ўз хусни ҳати билан ёзиши шарт.

Талабалар курс иши мавзусини танлаб булганларидан сўнг, мавзуга тегишли бўлган адабиётларни, илмий мақолаларни ва турли хил манбаларни қидириб топиб ўрганишлари керак. Тўпланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда талабалар курс иши мавзусини тўлиқ ёритиб беришга қаратилган курс иши режасини тузишлари ҳамда шу режа асосида курс ишининг моҳиятини ёритишлари зарур. Курс иши режаси наъмуна сифатида илова қилинади (илова-2). Курс ишини ёзиш бўйича тавсия этилган йўриқларга риоя қилиш мавзу мазмунини тўғри ёритиб бериш ва унинг моҳиятидан четга чиқмаслик имконини беради. . Курс ишининг ҳажми ўртача 30-35 бет бўлиши керак.

Талабалар курс ишини ёзиш жараёнида саҳифаларга тартиб билан рақам қўядилар ва тақризчи профессор-ўқитувчи учун ўз мулоҳазаларини ёзишга курс ишининг бошига битта оқ қоғоз қўйилади. Курс иши титулини расмийлаштириш 3-иловада келтирилган.

Курс ишининг биринчи бетига курс иши режасига тегишли саволларнинг саҳифалари қўйилади. Ундан кейинги варақларда курс ишининг матни баён қилинади ва мавзудаги ҳар бир саволнинг номи ҳамда унга тегишли бетлари алоҳида берилади. Курс иши фақат варақнинг бир томонига ёзилади ва саҳифалар тартиб рақами билан белгиланади.

Курс ишининг охирига талаба ўз имзосини қўйиб, унга бажарган вақтини кўрсатиши зарур. Курс ишини тайёрлаб кафедра профессор-ўқитувчиларига тақризга бериш муддати йилнинг 15 апрелига қадар белгиланади. Чунки ҳар бир курс ишини профессор-ўқитувчи ўқиб чиқиб ўз хулосасини беришлари лозим. Бу вақт талаб этади. Курс ишларини тақриз қилиш йилнинг 15-апрелидан 15-майигача амалга оширилади. Бажарилган курс ишига ижобий тақриз ёзилгандагина у ҳимояга қўйилади. Кейин талбалар курс иши ҳимоясига тайёрланишлари керак. Агар курс иши бўйича профессор-ўқитувчи камчиликлар кўрсатган бўлса, у ҳолда талаба ушбу камчяиликларни тўғрилаб, қайта тақризга топшириши лозим.

Кафедра профессор-ўқитувчилари курс ишларини ҳимоясини йилнинг 15-майидан 30 майигача муддатда ўтказишлари керак. Курс ишлари ҳимоясини ҳайъат аъзолари қабул қилишлари керак.

**Курс иши мавзусини танлаш, унинг режасини тузиш, адабиётлар тўплаш ва улардан фойдаланиш.**

Иқтисодиёт назарияси фанидан курс иши мавзусини танлаб олиш ва унинг режасини тузиш талабанинг мустақил равишда бажарадиган илмий ишининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Ишнинг даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мавзуни тўғри танлашга боғлиқдир. Талаба курс иши мавзусини танлашда дастлаб шу фан бўйича профессор-ўқитувчининг маърузаларини диққат билан тинглаб, ҳозирги замон иқтисодиётига оид адабиётларни ҳамда Президентимиз И.А.Каримов асарларини чуқур ўрганиб чиқиши лозимдир.

Талаба курс иши мавзусини танлаганда қуйидаги мақсадларни ўз олдига қўйиши керак. Таҳлил қилинаётган мавзусини катта қизиқиш билан ўрганиши, ўзининг билим даражасини кенгайтириши ва уни келажакда мамлакатимиз иқтисодий ривожланишини таъминлаши учун амалиётга тадбиқ қила олиш имконига эга бўлиши муҳим ҳисобланади. Айниқса, талаба мавзусини ўз мутахассисилиги йўналишига қараб танласа, бу ишнинг муваффақиятли бажарилиши ва ижобий баҳоланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Курс иши режасини ўқитувчидан маслаҳат олиб тузиш мақсадга мувофиқ. Режа – кириш қисмидан, мавзунинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб берувчи 4-5 та саволлардан ва хулоса қисмидан иборат бўлади. Режадаги саволлар мантиқан бир-бирлари билан боғланган бўлиши, ҳар бир кейинги савол ўзидан олдинги саволнинг мантиқан давоми бўлиб, бир бутунни ташкил этиши керак. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва унинг иқтисодий аҳамияти тўғрисида сўз юритилса, хулосавий қисмида эса таҳлил қилинган масалаларни ҳал этиш бўйича муаллифнинг тавсиялари берилиши керак. Курс ишининг асосий қисмида мавунинг моҳиятини акс эттирувчи назарий фикрлар, таҳлиллар ва ушбу мавзу бўйича муаммоларни бартараф этиш ҳамда шу соҳани ривожлантриш чора тадбирлари ёритиб берилиши керак. Шунингдек, фойдаланилган адабиётларнинг ва статистик маълумотларнинг янгилиги эътиборга олиниши зарур. Курс иши режаси тузилгандан сўнг уни бажариш муддатини аниқ белгилаш керак.

Адабиёт танлаш, уни ўрганиш, қайта ишлаш ва курс иши матнининг хомаки ҳамда охирги вариантларини тайёрлаш учун сарф қилинадиган вақт миқдори ва бажариш муддатини аниқ белгилаб олишлари мақсадга мувофиқдир. Белгиланган муддатга қараб ишни бажариш шошма-шошарликга йўл қўймайди, балки талабанинг пишиқ-пухта иш

олиб боришини таъминлайди ва унга курс ишини ўз вақтида ниҳоясига етказиб топширишига имкон беради.

Курс ишини бажаришда мазкур қўлланмада кўрсатилган адабиётлар билан чекланмасдан, айрим масалаларни батафсил баён қилиш имконини берадиган қўшимча адабиётлардан ҳам файдаланса мақсадга мувофиқ бўлади. Талаба курс иши учун қўшимча адабиётларни университетимиз кутубхонасидан ва бошқа кутубхоналардан олиши мумкин.

Кутубхонада библиографик, яъни системали, предметли альфавит каталоглари асосида адабиётлар танланади. Масалан, системали каталогдан соҳаларига қараб жойлаштирилган бўлади. Мабодо, қийинчилик юзага келса, кутубхонада мутахассис маслаҳатидан фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар ва маълумотлардан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- Талаба ўрганиб чиқаётган ва танлаган мавзуга таллуқли адабиётларни тўлиқ ёзмасдан, ўз сўзи билан қисқача ва ижодий баён қилиб бериши;
- Зарур ҳолларда фойдаланилаётган жумлаларни ўзгартирилмай айнан берилиш тариқасида кўчириши;
- Умумий дафтар тутиб, режадаги ҳар бир саволга тааллуқли фикрларни алоҳида ёзиб қўйиш ва керак бўлганда улардан фойдаланиш:
- Мавзуга тааллуқли фикрларни айрим варақларга ва махсус карточкаларга ёзиб қўйиш. Карточка тизими афзаллиги шундаки, у керак бўлган фикрларни тезроқ қидириб топиш имконини беради;
- Учраган ҳамма маълумотлар ва рақамларни кўчириб олмасдан, кўриб чиқилаётган мавзуга бевосита тегишли энг муҳим маълумот ва рақамлардан фойдаланиш;
- Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлган давридан бошлаб қандай ютуқларга эришганини аниқ маълумотлар асосида кўрсатиш;
- Маълумотларга асосланиб тузилган жадвал, график ва диограммалар ҳамда назарий жиҳатдан таҳлил этилаётган фикрларнинг амалиётда нақадар аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб бериш.

Талаба барча адабиётларни батафсил ўрганиб, улар конспект қилгандан кейин курс ишини ёзишга киришиши мумкин.

## Курс ишларини тақриз қилиш тартиби

Тугалланган курс иши ҳимояга қўйилишдан олдин тақриз қилиниши керак. Бунда биринчи навбатда тайёрланган ишнинг ижобий томонларини, кейин эса камчиликларини кўрсатиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилиши керак. Тақриздан олдин курс иши албатта диққат билан ўқиб чиқилиши керак, акс ҳолда номигагина ёзилган тақризлар туфайли сифат жиҳатидан талабга жавоб бермайдиган курс ишлари ҳам ижобий баҳоланиб кетилишига сабаб бўлиши мумкин.

Курс ишларини тақриз қилувчи профессор-ўқитувчилар олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

- Курс ишини дастлаб тақризга олган вақтда ушбу курс иши мавзусининг талаба исми шарифининг биринчи ҳарфига мос келишини текшириш;
- Курс ишининг мазмунига умумий баҳо бериш ва унда йўл қўйилган хатоларни кўрсатиш, шунингдек, талабага камчиликларни тузатиш йўллари бўйича маслаҳат бериш ҳамда шунга тегишли мулохазаларни тақриз варағига ёзиб қўйиш;
- Тақризда курс ишининг биринчи навбатда, ижобий томонларини кўрсатиш билан бирга, барча салбий томонларини ҳам чуқур таҳлил қилиб, моҳияти ёритилмаган саволларни талабага тушунтириб бериш;
- Курс ишида ҳар бир бетнинг четига ва тақризнинг ўзида ёзиладиган мулоҳазаларда мустақил бажарилган ишда қайси муаммоларга, яъни қайси саволлар моҳиятини ёритишга илмий-ижодий ёндошганлигини, қайси бирларини тўлдириш зарур эканлигини кўрсатиш;

- Назариянинг амалиёт билан узвий равишда боғлаб олиб борилиш даражасини кўрсатиш;
- Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ўрганилаётган муаммоларнинг Ўзбекистон мисолида ҳал қилишнинг йўл-йўриқларини назарий жиҳатдан асосланишга баҳо бериш;
- Талабалар танланган курс ишини бажариш орқали иқтисодиёт назариясининг моҳиятини чуқур, атрофлича ўрганиб, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти хусусиятларини кўрсатиб берилганлик даражасини баҳолаш.

Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, курс ишига тақриз ёзишда расмиятчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Бироқ амалда расмиятчилик асосида жуда қисқа ёзилган тақризлар ҳам учрайди. Бундай тақризлар:

Биринчидан, курс иши мавзусининг моҳиятини ва унда қўйилган муаммоларнинг ёритилган ёки ёритилмаганлигини кўрсатиб бера олмайди.

Иккинчидан, талаба учун курс ишида қандай камчиликлар мавжуд, уни қандай бартараф қилиш мумкин эканлиги ҳақида фойдали маслаҳатлар мавжуд бўлмайди.

Учинчидан, талабанинг курс ишини маъсулият сезмасдан юзаки ёзишига олиб келади.

Тўртинчидан, талабаларнинг курс ишига етарли даражада аҳамият бермасдан, яъни мавзунинг режаси, фойдаланган адабиётлар рўхати, бажарилган вақти кўрсатилмаган тақдирда ҳам ижобий баҳоланишига сабаб бўлади.

Бешинчидан, талаба ижодий фикр юритмасдан, курс ишини айрим ўқув қўлланмалардан тўғридан-тўғри кўчириб олганда ҳам унинг асоссиз ижобий баҳоланишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, курс ишига тақриз ёзишда бундай камчиликларга йўл қўйиш юқори малакали иқтисодчилар тайёрлаш талабига зиддир. Шунинг учун талабаларга тўғри маслаҳат бериб, амалий ёрдам кўрсатадиган даражада курс ишини таҳлил қилиб, тақриз ёзиш ўқитувчининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Курс ишини таҳлил қилишда ўқитувчи, ҳар бир бетда унинг камчиликларини ёзиб кўрсатиши зарур. Бунда камчиликларни қисқартириб эмас, балки курс иши варағининг четига аниқ ва равшан қилиб ёзиш лозим. Бундай ёзилган тақриздан талаба ўзи йўл қўйган хато ва камчиликларини тезда тушиниб, уни бартараф қилиш йўл-йўриқларини олиш имкониятига эга бўлади.

Профессор-ўқитувчилар тақриз ёзиш жараёнида аввало курс ишининг ижобий томонларини, кейин эса талаба йўл қўйган камчиликларини кўрсатиб, уни баратраф қилиш йўлларини баён қилиш зарур. Тақризни эътиборсизлик билан номигагина ёзиш, талабаларда бепарволикга олиб келади. Бу эса таълим-тарбия ва интизомнинг сусайишига сабаб бўлади.

## Курс ишларини баҳолаш тартиби

Курс ишини баҳолаш мезони талабаларда илмий изланишга қизиқиш уйғотиш, уларга тўғри таълим-тарбия беришга хизмат қилиши зарур. Шу сабабдан ҳар бир ўқитувчи курс ишига тақриз ёзиш масаласига, объектив нуқтаи-назардан ёндошиб, бажарилган иш талабининг жавоб бериш даражасини ҳам ҳисобга олиб баҳоласа мақсадга мувофиқ бўлади.

Курс ишлари сифат даржасига қараб табақаланган ҳолда баҳолангани мақсадга мувофиқдир. Янги рейтинг тизими бўйича талабанинг курс ишини 100 баллик тизим асосида баҳоланади.

Шунинг учун курс ишини қуйидагича баҳолаш мақсадга мувофиқдир:

| № | Белгиланган балл | Баҳолаш мезонлари |
|---|---|---|
| 1 | 86,0-100<br>“Аъло” | Режадаги саволларнинг мазмуни ижодий ёндошилган ҳолда ёритилган бўлса, фойдаланилган адабиётлар ва |

| | | |
|---|---|---|
| | | маълумотларга сноскалар (иловалар) берилиб, адабиётлар рўйхатида кўрсатилган бўлса ва иш бўйича берилаган саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб бериб, ўзининг фикрини эркин баён этса бундай таёрланган ишларга «аъло» баҳо қўйиш мумкин. |
| 2 | 71-85<br>“Яхши” | Агар режадаги 4-5 саволнинг 3-4 тасига тўлиқ жавоб ёзилган бўлиб, биттасига етарлича жавоб берилмаган бўлса, ҳимояда талабанинг жавоб беришига қараб «яхши» баҳо қўйиш мумкин. |
| 3 | 55-70<br>“Қониқарли” | Режадаги 4-5 та саволнинг бита ёки иккитасининг мазмуни ёритилиб, қолган саволларга жавоб берилмаган бўлса, тўғри ёзилган жавоблар ҳам дарслик ва китоблардан кўчирилган, фойдаланилган адабиётлар рўйхати йўқ, иловалар берилмаган ва бошқа шу каби камчиликлар бўлса, кўрсатилган камчиликлар ҳимоягача бажарилса, талабанинг жавобини ҳисобга олиб бу каби ишларни «қониқарли» баҳолаш мумкин. Агарда талаба юқоридаги камчиликларни ёзма равишда бартараф этмаса, курс иши «қониқарсиз» баҳоланади. |
| 4 | 0-54<br>“Қониқарсиз” | Курс ишида қуйидаги камчиликларга йўл қўйилган бўлса, у тақриз ёзиш давридаёқ «қониқарсиз» баҳоланади:<br>- режа нотўғри ва умуман қониқарсиз тузилган бўлиб, мавзунинг мазмунига мос тушмаса;<br>- курс иши эътиборсизлик билан пала-партиш бажарилса;<br>- жавоблар асосан ўқув адабиётларидан кўчирилган бўлса;<br>- фойдаланилган адабиётлар рўйхати бўлмаса;<br>- фойдаланилган адабиётларга ва маълумотларга иловалар берилмаган бўлса;<br>- режадаги саволлар моҳияти бири иккинчисидан ажратилмаган ҳолда берилса:<br>- курс ишини талабанинг ўзи хусни хати билан бажармаган бўлса. |

Ўқитувчи тақризда бу ишнинг ижобий томонлари ҳамда камчиликларини ва уларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатган тақдирда ҳам улар ҳимояга қадар бартараф қилинмаса баҳо бир мунча пасайтирилади.

Курс ишини тўғри расмийлаштиришга жиддий эътибор бериш ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки курс ишини мазмунли ва етук савияда ёзиш билан бирга уни дид билан расмилаштиришга эътибор берилса, бу тақризда алоҳида кўрсатилади.

Шундай қилиб, курс ишининг ҳам ижобий ҳам салбий томларини таҳлил қилиш, талабаларга танланган муаммо бўйича чуқур, назарий ва амалий билимларга эга бўлишга кўмаклашади ҳамда уларни келажакда етук иқтисодчи мутахассислар бўлиб етишишига ёрдам беради. Талабанинг ёзган курс ишини ҳеч қандай асоссиз, қониқарсиз баҳолашга йўл қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда, бу уларнинг хафсаласини пир қилиб, ўқишга бўлга иштиёқини сўндиради, яъни талабанинг ижодий фаолиятига таъсир қилади. Шу боисдан такризда курс иши мавзуси моҳияти қандай даражада ёритилганлигини ҳар томонлама объектив тахлил қилиб, қўйилган баҳони далиллар билан асослаш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш жойизки, курс ишини ёзиш натижасида талабалар ижодий фикрлай бошлайди. Бу эса уларга келгусидаги илмий ишларини ёзишида катта ёрдам беради.

**1-илова.**

**“Иқтисодиёт назарияси” фанидан бакалавриат I курс талабалари учун курс иши мавзулари (иқтисодиёт таълим йўналиши учун)**

**(2015-2016 ўқув йили)**

| | | |
|---|---|---|
| **А – 1-28-55-82** | **Л – 11-38-65 -92** | **Х – 21-48-75-102** |
| **Б – 2-29 -56-83** | **М – 12-39 -66 -93** | **Ғ – 22-49-76-103** |
| **В – 3-30 -57-84** | **Н – 13-40-67 -94** | **Ч – 23-50-77-104** |
| **Г – 4-31 -58 -85** | **О – 14 -41-68-95** | **Ш –24-51-78-105** |
| **Д – 5 -32-59 -86** | **П – 15 -42-69 -96** | **Э – 25-52-79-106** |
| **Е – 6 -33-60-87** | **Р – 16 -43 -70 -97** | **Ю –26-53-80-107** |
| **Ж – 7 -34-61 -88** | **С – 17 -44-71 -98** | **Я – 27-54-81-108** |
| **З – 8 -35 -62 -89** | **Т – 18 -45 -72 -99** | |
| **И – 9 -36-63 -90** | **У – 19 -46 -73-100** | |
| **К – 10 -37-64 -91** | **Ф –20-47-74-101** | |

1. Президентимиз Ш.М.Мирзияев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағишланган маърузасининг асосий мазмуни.

2.Таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг мазмуни ва асосий йўналишлари.(Президент И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асари асосида).

3.Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида илгари сурилган иқтисодий ғоялар тўғрисида.

4.Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши ва ундаги асосий таълимотлар.

5.Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва вазифалари.

6.Иқтисодий қонунлар ва категориялар, уларнинг амал қилиш механизми.

7.Ижтимоий – иқтисодий эҳтиёжлар, уларнинг таркиби ва туркумланиши.

8.Иқтисодий фаолият ва унинг турлари.

9.Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг туркумланиши.

10.Ишлаб чиқариш самарадорлигининг мазмуни, кўрсаткичлари ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар.

11.Ижтимоий-иқтисодий тизимлар, уларнинг таркиби ва андозалари.

12.Мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва уларнинг ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатлари.

13.Хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш – мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида.

